

МИРЗО УЛУҒБЕК

ТҮРТ УЛУС ТАРИХИ



ТОШКЕНТ
ЧЎЛПОН НАШРИЁТИ

Ўзбекистон ФА Мухбир аъзоси Бўрибой Аҳмедовнинг
кириш сўзи, изоҳлари ва таҳрири остида
форс тилидан Бўрибой АҲМЕДОВ, Наим НОРҚУЛОВ ва
Маҳмуд ҲАСАНИЙлар таржимаси.

Нашиёт директори
НУРАЛИ ҚОБУЛ
Бош муҳаррир
АНВАР ОБИДЖОН
Таҳририят мудир
АБЗАМ ЎКТАМ
Муҳаррир
ТЎЛҚИН АЛИМОВ

Мухтарам ўқувчи, маълумингизким, халқимизда ҳар ким етти отасининг исм-шарифини билиши керак, деган ақида бор. Зеро, инсон боласи ўз падари бузрукворига қараб қад ростлайди.

Бобоқалонларимиздан бири Мирзо Улугбекнинг номини, мунажжим бўлганини, нари борса ўз ўғли томонидан ўлдирилганини биламиз, холос. Қўлингиздаги китоб эса Мирзо Улугбек истеъдодининг яна бир қирраси — тарихчилик соҳасидаги фаолиятининг маҳсулидир. Уни мутолаа қилганлар нафақат етти аждодини, балки бутун шажарасини билиб олади, десак заррача муболага бўлмайди.

4803620101—24
У _____ 19—94
360(04) — 94

© Б. Аҳмедов Н. Норқулов М.
Ҳасаний, 1994

ISBN 5-8250-0315-5

МИРЗО УЛУҒБЕК ВА УНИНГ «ТАРИХ-И АРБАЪ УЛУС» («ТЎРТ УЛУС ТАРИХИ») АСАРИ ҲАҚИДА

Тарихда ўтган шахслар хусусида фикр-мулоҳаза юритганда ҳазрат Низомиддин Алишер Навоийнинг мана бу сатрлари беихтиёр хотирга келади:

*Бу гулшан ичраки йўқдир бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур қолса яхшилик била от.*

Ҳа, «яхши от» ҳар қандай шахснинг ҳаёти ва фаолиятига баҳо беришда аниқ ҳамда тўғри мезон. Лекин бу шарафга ҳамма бирдай муяссар бўлавермас экан. Феодал синф намояндаси, тожу тахт соҳиби Мирзо Улуғбек (1394—1449) оламишумул илмий муваффақиятлари туфайли шундай бахтга эришган улуг шахслардандир.

Мирзо Улуғбек фаннинг жуда кўп соҳалари, хусусан математика, фалакиёт, musiқашунослик ва тарих илмлари бўйича забардаст олим, илм-фан, маданиятнинг улкан ҳомийси сифатида абад ул-абад тарихда қолди.

Олимнинг мероси XVII асрдан бери бугун дунё илмий жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келяпти. Мирзо Улуғбек ва у қолдирган меросни ўрганишида бизнинг мамлакатимизда ҳам, хорижий юртларда ҳам анчагина асарлар яратилди. Мен бу ерда Жон Гривас, Томас Хайд, Френсис Бейли, Л. Седийо, В. В. Бартолд, В. Л. Вяткин, Е. Кнобл, Т. Н. Қориниёзий, Ғ. Жалолов ва бошқа бир қатор олимларни назарда тутаётirman. Шундай бўлса-да, Улуғбекнинг бетақрор илмий мероси, у таъсис этган ва раҳнамолик қилган Самарқанд мунажжимлик мактаби ҳақидаги тасаввуримизни ҳали етарли деб бўлмайди, Масалан олимнинг кўп йиллик илмий изланишларининг асосий маҳсули бўлмиш «Зижи жадиди Кўрагоний» («Улуғбек Кўрагонийнинг астрономик жадевали») асари ҳанузгача бирон тилга тўла таржима қилиниб чоп этилганича йўқ. Олимнинг мазкур рисоласи хусусида XV — XVII асрларда битилган жуда кўп шарҳлар ҳам ўрганилмаган. Умуман олганда Амир Темур ҳамда темурийлар даврида яратилган тарихий ва бошқа мавзудаги асарларни ўрганиш, уларни чоп этиш борасида ҳам аҳвол шундай.

Хулласи калом, Мирзо Улуғбекнинг кўп қиррали фаолияти ўзининг ҳақиқий тадқиқотчисини кутиб ётибди.

Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, musiқашунослик ва тарих илмлари соҳасида қалам тебратган олим. «Тарих-и арбаъ улус» эса, у яратган асарлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Авааламбор шуну айтиш керакки, «Тарих-и арбаъ улус» Мирзо Улуғбекнинг илмий раҳбарлиги ва шахсан иштирокида яратилган. Асар 1425 йили ёзиб тамомланган.

Мазкур асарнинг умумий мазмунига ўтишдан олдин дастлаб унинг помланиш тарихи, яратилишида Мирзо Улуғбекнинг ҳиссаси, шунингдек, ўрганиш жараёнининг қандай кечаётганига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Асар «Улус-а арбаъ-йи Чингизий» («Чингизийларнинг тўрт улуси») ва «Тарих-и арбаъ улус» («Турт улус тарихи») номлари билан машҳур. Лекин, Оврупо шарқшунослари орасида ушбу асарни биринчилар қатори ўрганган ва унинг қисқартирилган инглизча таржимасини эълон қилган полковник Майлс, етарли асоси бўлмагани ҳолда бу китобни «Шажарат ул-атроқ» («Турк (ҳокон)ларининг шажараси») деб атайдди.¹ Чуқур ва атрофлича ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, асарнинг фақат Ефас ўғлон ва унинг ўғли Туркхон ҳамда фарзандлари (в. 116 — 156), татар-мўғул билан турк табақалари, шунингдек, уларнинг подшоларигина (156 — 266) «Шажарат ул-атроқ» асосида ёзилган, холис. Асарнинг Чингизхоннинг улуг аждоди Бузунжор қоондан ва Мозароуннаҳрни XIII — XIV асрнинг биринчи ярмида идора қилган Чигатойхон авлоди тарихини ўз ичига олган қисми «Улус-и арбаъ-йи Чингизий» ёки «Тарих-и арбаъ улус» деб аталади. Бу қисм Мирзо Улуғбек ва унинг ёрдамчилари тарафидан ёзилган. Фикримизни асарнинг ўзида келтирилган айрим қайдлар ҳам тасдиқлайди. Қайдлардан бирида мана буларни ўқиймиз. «Мўғтабар тарихларда ёзилишича, унинг (Соинхоннинг, Боту эмас — Б. А.) наслу насаби ҳаммага маълум ва Жўчихонга бориб тақалади. Аммо «Шажарат ул-атроқ» китобиди унинг ҳақида ҳеч нарса назарга кирмагани учун ўша китобнинг сайланмаси бўлган бу китобда («Тарих-и арбаъ улус»да — Б. А.) ҳам унинг ҳақида ҳеч нарса ёзилмади. Бироқ, хотирда қолгани шуки, у улугвор подишоҳ бўлиб, инғоми беҳисоб эди. (в. 121а)². Мазкур қайддан аңгелашиладики, биринчидан «Шажарат ул-атроқ» билан «Тарих-и арбаъ улус» бошқа-бошқа асарлардир. Иккинчидан, «Тарих-и арбаъ улус» маълум даражада «Шажарат ул-атроқ»га асосланган. Яна бир жойда эса бундай дейилган: «Чингизхоннинг тўрт улуси тарихи» номли ушбу мажмуъада Туркхон ибн Ефас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлодидан бўлмиш подишоҳлар номи зикр этилади. Мазкур рисолада келтирилган Туркистонзамин ҳоқонларининг номлари Султон ас-Саъид Улуғбек мирзойи шахид,— Оллоҳ унинг қабрини нурга тўлдирсин,— тарафидан битилган тўрт улус ҳоқонлари ҳақидаги мажмуъадан олинди.³ Бу қайдлар, аниқса сўнггиси биринчидан, асарнинг аниқ номи «Улус-и арбаъ-йи Чингизий» эканлигини, иккинчидан унинг бугунлай Мирзо Улуғбекнинг қаламига мансублигини кўрсатиб турибди. Шу ўринда асар ҳақида Бартольд айтган айрим фикрлар ҳам эътиборга моликдир. Авваламбор шуни айтиш керакки, олим ўзининг бир қатор илмий рисоалари («Туркистон мўғул босқинчилиги даврида», «Улуғбек ва унинг даври» ва бошқалар) да Улуғбекнинг мазкур асаридан манба сифатида фойдаланган. Лекин нима сабабдандир уни муҳим тарихий манбалар қаторига қўшмайди, тўғрироғи, асарнинг қимматини бир қадар пасайтирмақчи бўлади. Чунончи, у бундай деб ёзади: «Шоҳрухнинг ўғли ва тахт вориси Улуғбек (1449 й. ўлдирилган) «Тўрт улус тарихи»ни битган. Асар ўз номига кўра мўғуллар империясининг тўлиқ тарихини ўз ичига олади. Улуғбекнинг бу асари бизгача етиб келмаган, лекин баъзи манбаларда, хусусан Хондамирнинг «Ҳабиб ус-сияр»ида ундан олинган парчалар учрайди. Бу

¹ 1. The Shajarat ul-Atrak, or Geneological Tree of the Turks and tatars, transl and-abrid. By Glonel Milles, London, 1832, b. 182^a.

² Тарих-и арбаъ улус. Британия музейи (Англия) қўлёзма-маси. инв. № АДД 26190, в. 121 а.

³ Улус-и арбаъ-йи Чингизий. Британия музейи қўлёзма-маси, инв. № АДД 26190, в. 182 а.

парчалардан кўришиб турибдики, мўғуллар давлати тарихи муаллиф (Хондамир — Б. А.) яшаган давргача баён қилинган. Аммо муаллиф ўша подишоҳликлар ҳақида тўла маълумот бермайди, аксинча, хонларнинг номинигина қайд этиш билан кифояланган, холос. Шу сабабдан ҳам бу асарнинг бизгача етиб келмаганидан ортиқча қайғуриб ўтиришга асос йўқ, деса ҳам бўлади.¹ Олимнинг бошқа бир асаридан эса мана бу гапни ўқиймиз: «Улугбек қаламига тааллуқли деб ҳисобланган тарихий асар эҳтимол, адабий манба ва тарихни танқидий ўрганиш учун материал сифатида бирмунча қизиқиш уйғотиши мумкин, лекин мазкур асар нусхаси мабодо топилганда ҳам мўғуллар империяси ва унинг инқирозидан сўнг ташкил топган давлатлар тарихига оид бўлган мавжуд маълумотларни бойитади, деб айтиш шубҳалидир». ² Назаримда, «Тарих-и арбаъ улус»га бундай муносабатда бўлишнинг сабаби иккита. Биринчидан, жаҳон кутубхоналарида мазкур асар тўлиқ-нусхасининг сақланмаганлиги³ ва иккинчидан, XV — XVII асрларга оид тарихий қўлёзма асарларнинг ҳозир ҳам қониқарли даражада ўрганилмаётганлигидир. Лекин, ҳақиқат фақат маълум мавзуга бағишланган асарларни бир-бирига муқояса қилиб синчиклаб ўрганиш ва улар келтирган маълумотларни диққат билан текшириш орқалигина аниқланади. Биз буни қуйидаги асарларни ўрганиш асосида топилган фактларда кўраимиз. Масалан, те мурийлар даврининг кўзга кўринган муаррихларидан бири Хондамир (880 (1475) — 941 (1534—35) ўзининг «Хулосатул ахбор» ва «Ҳабиб ус-сияр» асарларида «Тарих-и арбаъ улус»дан кенг фойдаланганлиги аниқ-равшан кўришиб турибди. Масалан, «Ҳабиб ус-сияр»нинг Туркистон хонлари, Чингизхон ва унинг Чингачой улуси тегасида турган авлоди тарихига бағишланган биринчи жузунинг тўққизинчи мақоласи ва учинчи жузунинг биринчи қисми тўла равишда «Тарих-и арбаъ улус»га асосланган. XVI — XVII асрларда яшаб ижод этган муаррихлар учун ҳам Улугбекнинг бу асари биринчи манба бўлиб хизмат қилган. Чунончи, муаллифи номаълум «Таворих-и гузидэ, нусратнома» асари (XVI аср бошида ёзилган) ҳам «Тарих-и арбаъ улус»га таянган асарлар жумласидандир. «Зубдат ул-осор» (XVI асрнинг биринчи ярмида ёзилган) китобининг муаллифи турк-мўғул халқлари тарихини баён этар экан, «Мирзо Улугбекнинг номи билан зийнатланган «Тарих-и хоний» асарига таянгандим», деб айтади. ⁴ Буерда гап шубҳасиз «Тарих-и арбаъ улус», аниқроғи, унинг биринчи қисми ҳақида бораётганга ўхшайди. XVII асрда ўтган йирик қомусий олим Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор» («Сирлар денгизи») номли катта асарини, ⁵ аниқроғи унинг мўғуллар империяси ва Чингизхоннинг ўлиmidан кейин империя ўрнида ташкил топган Улуғ юрт, яъни

¹ Бартольд В. В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч. т. I, Москва, 1963, с. 105.

² Бартольд, В. В. Улугбек и его время. Соч. т. II, часть 2, Москва, 1964, с. 142.

³ Машхур шарқшунос Ш. Шефернинг тахмин қилишича (Letters... „Journal Asiatique“, Serie 4, vol. XVII, p. 591) 591, «Тарих-и арбаъ улус»нинг иккита тўлиқ нусхаси Туркия кутубхоналарида сақланади. Лекин, бу маълумотни аниқлаш борасида қилган ҳаракатларимиздан ҳозирча бирон натижа чиқмади.

⁴ Зубдат ул-осор, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти кутубхонасининг қўлёзмаси, инв. № 608 в 86 а.

⁵ Бу асар ҳақида биз ўз вақтида фикр билдирганмиз.

Мўғулистон, Олтин Урда, Чигатой улуси, шунингдек, Чингизхоннинг набираси Ҳалокухон асос солган Элхонийлар давлати (Эрон, Озарбойжон) тарихини ўз ичига олган олтинчи жилди мундарижаси ҳамда мазмуни жиҳатидан Улуғбекнинг «Тарих-и арбаъ улус»га ўхшаб кетади.

Асарнинг яратилишида Улуғбекнинг иштирок этганлигига ҳеч бир шубҳа ёки иккиланишга ўрин йўқ. Юқориди асарнинг сўнги қисмидан шу фикрни тасдиқловчи бир парча келтирилган эдик. Буни бошқа тарихчилар ҳам тасдиқлайди. XVI асрнинг машҳур тарихчиларидан бири Мирзо Муҳаммад Ҳайдар (1500—1551) ҳам Улуғбекнинг тарих илми соҳасида ҳам самарали меҳнат қилганлигини айтади. Масалан, унинг «Тарих-и Рашидий» номли йирик китобида бу ҳақда мана буларни ўқиймиз: «Донишманд подшоҳ Мирзо Улуғбек бир тарихий асар ёзди ва унга «Улус-и арбаъ» деб ном қўйди».¹ Улуғбекнинг шундай асар ёзганлигини Хондамир билан Маҳмуд ибн Вали (XVII аср) ҳам тасдиқлайдилар.

Юқориди келтирилган маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, «Тарих-и арбаъ улус» Рашидуддиннинг машҳур «Жамиъ ут-таварих» асари сингари тарихчи олимлар жамоаси тарафидан, Мирзо Улуғбекнинг бевосита иштироки ва раҳбарлиги остида ёзилган.

«Тарих-и арбаъ улус»нинг нусхалари жуда кам. Биз юқориди айтиб ўтдик, асарнинг тўлиқ нусхаси ҳали топилганича йўқ. Бугунги кунда унинг қисқартирилган (мажмуъа) тўртта нусхаси сақланган бўлиб, унинг иккитаси Англияда, бир нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳри кутубхонасида, тўртинчи нусхаси АҚШнинг Харвард университетиди сақланади.

Асар бир талай тарихий, жуғрофий манбалар ва маноқиблар асосида ёзилган. Муаллиф кўп ҳолларда ўз манбаларини аниқ кўрсатмайди ва «айтишларича», «қисса ва тарих китобларда» ёзилишича, «Чигатой улуси уламоларининг китобларида келтирилишича», «бир гуруҳ одил, ҳақиқатгўй тарих арбобларининг айтишича» каби умумий иборалар билан чекланади. Лекин, айрим ўринларда ўзи фойдаланган баъзи асарлар ва уларнинг муаллифлари номини ҳам тилга олади. Булар орасида машҳур астроном Абу Маъшар Балхий (886 йили вафот этган), йирик олим, шоир ҳамда сайёҳ Рашидуддин Вотвот (1088—1182), машҳур тарихчи-ю, давлат арбоблари Алоуддин Отамалик Жувайний (1226—1283), Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний (тахм. 1247—1318), Ҳамдуллоҳ Мустовфий Казвиний (1281—1349) ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Олим тафсир ва ҳадис китоблар, ривоятлардан фойдаланганлигини ҳам айтади. Рашидуддин Вотвот, Хўжандий ва Низомийдан олинган шеърини парчалар ҳам учрайди. Шунга қараганда Улуғбек мазкур асарини ёзишда жуда кўп, мазмун жиҳатдан хилма-хил (тарих, жуғрофия, астрономия, назмий) китоблардан кенг фойдаланган.

Асарнинг мазмуни ҳақида икки оғиз сўз. Аввало шунини айтиш керакки, муаллифнинг ўзи мазкур асарини қисм ёки бобларга бўлмаган. Биз «Тарих-и арбаъ улус» хусусидаги бундан бир неча йил муқаддам чоп этган кичик бир мақоламизда² мазкур асарни тўрт улус тарихини ўз ичига олганлигидан келиб чиқиб, тўрт қисмдан иборат деб айтган эдик. Асарни синчиклаб ўрганиш ва таржима қилиш жараёнида унинг мундарижаси ҳақидаги фикримиз ўзгарди. Уни тахминан муқаддима ва етти бобга бўлиш мумкин, деган хулосага келдик.

Муқаддима (в. 1 б — 7 б) да, ўрта аср тарих илмида ҳукм сурган

¹ Т а р и х - и Р а ш и д и й, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти қўлёзмаси, № 1430, в. 85 а.

² Аҳмедов Б. А. Улуғбек и его исторический труд «Тарих-и арбаъ улус» — в Сборнике «Из истории науки эпохи Улуғбека», Ташкент, 1979, с. 29—36.

инбанага кўра, Тангри таоло, унинг элчиси, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва-с-саллам ва авлодлари шағнига айтилган мактовлар, (дам Атонийг яратилиши ҳамда исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар (Шис, Қайнон, Махлойил ва бошқа), Нуҳ алайҳиссалом, шунингдек, унинг фарзандлари тарихи қисқача баён қилинади.

Биринчи бобда (в. 156 — 306) Туркхон ибн Ёфас ҳамда унинг Туркистон заминда подшолик қилган авлоди (Абулжаҳон, Дибокуйхон, Куюкхон ва бошқа) татар-мўғул ва турк қавмларини подшолири (Мўғулхон, Қорахон, Ўғизхон каби) тарихи баён этилган. Кўп нарсалар бошқа асарлардан-да маълум, лекин яна айрим муҳим маълумотларни ҳам учратамиз. Ўғизхон даврида (муаллифнинг сўзларига қараганда Ўғизхон ва авлоди қадимги Эронда ҳукмронлик қилган Пешидодиийлар билан змондош бўлганлар) амалда бўлган сарой қабул маросимлари тартиби (в. 191б), турк қўшинининг тузилиши (в. 196 — 20а), улус системаси («Ўғизхон ҳар шайхзадани бир ўлкага таъйин қилди, уларга лақаб ҳамда тамғолар белгилади», в. 236), турк қўшинининг тузилиши, усмонли турк султонларининг шажараси (в. 256 — 26а) шулар жумласидандир. Мазкур бобда келтирилган турклар ва мўғул қавмлари ҳақидаги маълумотлардан кўринишича улар бир-бирига шу қадар яқин даражада истиқомат қилганларки, ҳатто шажаралари ҳам аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Бу ҳолни биз Рашидуддиннинг юқорида тилга олинган асари (биринчи жилди) да ва машҳур немис шарқшуноси Герхард Доёрфернинг «Янги форс адабиётида турк-мўғул элементлари» деган тўрт жилдлик изоҳли луғатида¹ ҳам яққол кўрамыз.

Иккинчи боб (в. 306 — 376) турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Аланкува ва ундан тарқалган авлод, яъни подшолар (Бузунжор қоон, Буқохон, Дугуминхон, Қобулхон, Бойсунгурхон, Бортон баҳодир, Ясугай баҳодир) тарихи баённи ўз ичига олган. Бу бобда ҳам илм-фан учун муҳим маълумотлар учрайди. Турк-мўғул қавмларининг биргаликда, аралашиб яшаб келганлиги Турк дийёри ва унинг бошқа қавмлари орасида тугган мавқеъи (в. 306), оддий халқнинг ерга, аниқроғи, ўз ҳукмдориға бириктирилганлиги (яъни крепостной ҳуқуқ), (в. 316.), VIII асрда жалоир қавми бошлиқларининг кучайиб кетиши (в. 32а) ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

«Тарих-и арбаъ улус»нинг учинчи бобиди (в. 376 — 1016) буюк жаҳонгир Чингизхон тарихи баён этилган. Бу ерда келтирилган маълумотлар ичиди эътиборга моликларидан мўғул қўшинларининг тузилиши (в. 436 — 44а), Чингизхоннинг оқ рангдаги тўққиз пояли туғи (в. 476), қурултой ва бошқа қабул маросимларида амалда бўлган тартиб-қоидалар, (в. 48а), турк эли, яъни найманлар, қарликлар, уйғурлар (в. 49а — 526, 576) ёсо ҳамда юсун ҳақидаги маълумотлар (в. 556 — 57а) муҳим аҳамият касб этади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, Чингизхон замонида турк-мўғул қавмлари даҳа (ўнлик), сада (юзлик), ҳазора (минглик) ва тумон (ўн минглик)ларга бўлинган. Чингизхон замонида «ҳеч ким, — деб айтилади «Тарих-и арбаъ улус»да, — ўз даҳаси, садаси ва ҳазора-сидан бошқа жойга кета олмай ва бошқанинг паноҳига ўта олмай... Бунга хилоф иш туганларни халқ олдида қатл этадилар, токи бошқаларга ибрат бўлсин» (в. 57а). Бу хусусда «Тарих-и арбаъ улус» муаллифи келтирган мана бу факт ҳам диққатга сазовордир. Асарнинг тўртинчи бобиди айтилишича, Чингизхоннинг 1225 йили Хоразмишохлар давлатига қарши қилган катта ҳарбий юришидан қайғишида, Сирдарёнинг

¹ Gerhard Doerfer, *Türkische und Mongolische Elemente im Neupersischen Literature*, Wiesbaden, 1963—1975.

ўнг соҳилида, катта ов уюштирди, Ушанда хон тарафидан буйруқ бўлдики, «аркони давлат ва бошқа аскарлар уларнинг ҳар бири ўз қадри ва мавғеъига мувофиқ ов майдониди бирон ўлжани қўлга кирита олсинлар: тирик овларга ўз тамгаларини босиб, сўнг қўйиб юборсинлар» (в. 1036). Бу факт Мўғул империясида нафақат ер-сув, балки ов қилинадиган қўриқхоналар ва ундаги жониворлар ҳам феодалларга бириктириб қўйилганлигини кўрсатади, шунингдек, турк-мўғул жамиятида мавжуд бўлган феодал муносабатлар ҳақидаги тасавуризмизни бир қадар кенгайтиришга ёрдам беради. Ёки Чингизхоннинг шу қадар тез вақт ичида кўп мамлакатлар, хусусан, ўша замоннинг энг қудратли давлатларидан Хоразм империяси устидан ғалабасини таъминлаган сийсатини характерловчи мана бу мисол ҳам диққатга сазовордир. «Соҳибқирони аъзам Чингизхонни муаззам,— деб ўқиймиз ушбу асарда,— бирор дину миллатга ён босмаган. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан устунлиги таасубидан ўзини нари тутарди, мусулмонлар тоифасининг уламо ва зоҳидларини эъзоз кўрарди» (в. 56а). Яна бир муҳим мисол: «Одам Ато замонидан бугунги кунгача бирон подишоҳнинг сипоҳи туркларниқидан муфассал бўлмаган» (в. 566). Фақат туркларнинг бир ўзидан тузилган катта-катта ҳарбий қисмлар Чингизхоннинг Мовароуннаҳр, Афғонистон, Ҳиндистон, Эрон, Озарбойжон ва бошқа мамлакатлар устига қилган юришларида фаол иштирок этганлар. Асарда учраган «Чингизхон Жўчихонни Барчин (Барчинликент) шаҳарини олиши учун бир туман туркий лашкар билан жўнатди». (в. 74а). «Турклар билан бўлган жангу жадалда Туркон Хотун авлоди билан асир олинган эди» (в. 105а); «Кошин юртининг танқутларини турк отларининг оёғи остига ташладилар» (в. 1066), «Ҳиндистоннинг обҳавоси туркларнинг мижозига тўғри келмай, кўпчилик касалга чалинди» (в. 103а) қаби парчаларни учратамиз бу асарда. Ёки ўша танғут уруши ҳикоясида келтирилган мана бу шеърга эътибор беринг:

Камондори туркон ба тири хаданг,
Зирихро кушода зи ҳам чашми танг.

Маъноси:

Турк камондорлар хаданг ўқи билан
Совутнинг тор кўзини очдилар.

Мазкур бобда яна бошқа диққатга сазовор маълумотлар бор. Уларнинг ҳаммасини келтирмай бир нечасини шунчаки эслатиб ўтиш билангина kifояланамиз. Булар: қорахитойлар тарафидан Эмил дарёси бўйида бунёд этилган шаҳар ва унга теварак-атрофдан кўчириб келтирилган 40 минг хонадон турклар (в. 576), Хоразмишох Алоуддин Муҳаммад билан Тоёнку бош бўлган қорахитой кўшини ўртасида ҳижрий 607 йил раби ул-аввал ойининг 8 — куни (милодий 1210 йил 30 август куни) Ила дарёси ёқасида бўлиб ўтган катта урушнинг тафсилоти (в. 59а6), мўғуллар истилоси арафасида Хоразмишох Алоуддин Муҳаммаднинг Самарқандни мустаҳкамлаш борасида олиб борган ишлари (в. 69а), Балх шаҳрининг мўғуллар тарафидан қамал этилиши (в. 83а) ва мўғул армияси таркибида Чингизхоннинг бошқа мамлакатларни босиб олишида фаол иштирок этган турк кўшинлари ҳамда уларнинг сардорлари ҳақидаги маълумотлардир (в. 74а, 956, 99а, 103а, 105а). Характерли икки мисол. «Тарих-и арбаъ улус»да келтирилган маълумотларга кўра, мўғуллар хуружи арафасида хоразмишохнинг фармони билан 300 минг одам Самарқанднинг деворлари, қалъаси ва бошқа мудофаа истеҳкомларини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинган (в. 69а), ўшанда ҳақиқатан ҳам шаҳарни мустаҳкамлаш, уни қамал жанглирига ҳозирлаш борасида катта ишлар олиб борилган экан.

«Тарих-и арбаъ улу»да келтирилган бу маълумот 1960 йиллари Афросиёбда олиб борилган археологик кузатиш ва қазииш ишларининг натижалари билан ҳам тасдиқланди.¹ Иккинчи мисол. Маълумки, 1221 йилнинг баҳорида мўғуллар Хуросоннинг қадимги иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлмиш Балх шаҳарини шифол қилиб уни вайронага айлантирдилар. Ибн ал-Асирнинг (1160—1232-33) гувоҳлик беришича, шаҳар ўз ихтиёри билан душманга таслим бўлган, шунинг учун ҳам Чингизхон Балх халқига меҳру шафқат кўрсатган ҳамда шаҳар ва унинг халқини омон қолдирган.² Яна бошқа бир катта тарихчи Алоуддин Отамалик Жувайний (1226—1273)нинг сўзларига қараганда, қудратли хон, яъни Чингизхон аввал шаҳар ва унинг халқига омонлик ваъда қилган, лекин сўзида турмай шаҳарни вайрон қилган.³ Мирзо Улуғбек бу ҳақда тамоман бошқа маълумот келтиради. Унинг сўзларига қараганда, Чингизхон балхликлар сўнги хоразмишоҳ Жалолиддин (617 (1220) — 628 (1231)нинг одамларига бошпана беранликлари учун шаҳар ва унинг халқини жазолаган. Унинг амри билан Балхоб дарёсига қурилган Банди амир тўғонини бузиб ташлаганлар. ўшанда Балх ва унинг туманлари олти ой мобайнида сув остида қолиб кетган (в. 846).

Асарнинг тўртинчи боби (в. 1016 — 114а) Чингизхоннинг Улуғ юрт, яъни Мўғулистон билан Шимолий Хитойни идора қилган бевосита ворислари тарихига бағишланади ва Уқтой қоон (624 (1227-39—1241) замонидан то Ариқ Буқо (728 (1328) авлоди Урдой қоонгача бўлган даврни ўз ичига олади. Айниқса, Чингизхон вафотидан кейин то Амир Темурамонигача Мўғулистонда ҳукмронлик қилган 21 ҳукмдордан 17 тасининг тарихи қисқача баён этилган. Муҳими шундаки, Рашидуддин улардан фақат бештаси (Уқтой, Чигатой, Гуюкхон, Мангухон, Хубилой қоон)нинг номини,⁴ «Муқаддима-и Зафарнома» муаллифи Шарафуддин Али Яздий (858 (1454) йилда вафот этган) улардан фақат 14 тасининг номини келтирган, холос.⁵

Бешинчи боб. (в. 1176 — 128а) Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўичхон наслдан бўлган 33 хон замонида Дашти Қипчоқ (ҳозирги Қозоғистон, Ғарбий Сибирь ва Волгабўйи ерлари)нинг тарихидан ҳикоя қилади. Воқеалар бу бобда ҳам жуда қисқа тарзда баён этилган. Лекин шундай бўлса ҳам, диққатга сазовор айрим маълумотларни учратиши мумкин. Шулардан айримларини келтириб ўтмоқчиман.

1. Дашти қипчоқда, умуман мўғул қабилалари орасида исломнинг тарқатилиши масаласи. Маълумки, бир вақтлар Қорахонийлар тасарруфида бўлган ерларда хусусан Олтой, Ила водийси, Еттисув ва Қошғарда истиқомат қилувчи халқлар орасида ислом дини X асрдаёқ Сотуқ Бўҳрохон (344—955—56 йили вафот этган) даврида тарқала бошлаган. Чингизхон Мовароуннаҳрни фатҳ этгандан кейин ўша юртларда ислом асосини

¹ Шишкин В. А. Калъа-и Афрасиаб, в книге «Афрасиаб» вып. I. Ташкент, 1969, с. 136—141.

² Тарих ал-комил, Торнберг наъри, XII — жилд, Лейден, 1853, 255-бет.

³ Тарих-и жаҳонкушой. Мирзо Муҳаммадхон Казвиний наъри, I-қисм, Лейден-Лондон, 1912, 103—104 бетлар.

⁴ Сборник летописей, Т. II. Москва — Ленинград, 1960, с. 7—64. 114—122; 128—148, 152—213.

⁵ Муқаддима-и Зафарнома, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлезмаси, инв. № 1520—I. в. 596—62а.

мустаҳкамлаш учун, Бухородан бир гуруҳ йирик мусулмон руҳонийларни кўчириб олиб кетганлиги маълум, қолаверса, Чингизхон ва унинг авлодлари, то Ўзбекхон (712(1312) — 742(1341) гача яздонпараст бўлганликлари ҳолда мусулмон аҳолига ҳам, мусулмон руҳонийларига нисбатан ҳам яхши муносабатда бўлиб келганлар, уларни таъқиб остига олмаганлар. Бу ҳақда Жувайнийнинг юқорида тилга олинган асарида ҳам, Рашидуддиннинг «Жомиъ ут-таварих»ида ҳам, мусулмон руҳонийларининг маноклибларида ҳам, «Тарих-и-арбаъ улус»да ҳам айрим муҳим маълумотлар келтирилган. Дашти қипчоқда ислом динининг тарқатилиши масаласига келсак, ҳозирга қадар бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа XIV аср бошида, яъни Ўзбекхон даврида бўлганлиги таъкидланади. Лекин, «Тарих-и арбаъ улус» да бу жараён Ботухон (624(1227) — 653(1255) ва Баракахон (Беркахон) подшолиги даврида (655(1257) — 665(1267) бошлангани ҳақида маълумотлар учратамиз. Масалан, Баракахоннинг мусулмон аёлини эмиб катта бўлгани, яъни мусулмон киши эканлиги, Бухорода машҳур олоҳиёт олими Сайфиддин Бохарзий (XII асрнинг иккинчи ярми — 659(1261) дан таълим олганлиги ҳақида гапирилади. (в. 1206). Бошқа бир жойда, Ўзбекхон подшолиги тарихи баён этилган ерда, ҳижрий 720 (милодий 1320) йилда аёна шу подшоҳнинг савъий ҳаракати билан Занги Ота ва унинг халфаси Сайид Оталар кўмағида Дашти қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари мусулмонлик шарафига муюссар бўлганликлари ҳақида ҳикоя қилинади (122а).

Мазкур бобда келтирилган «ўзбек» этнонимининг келиб чиқишига оид ўта муҳим маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиши масаласи ҳанузгача илмий жиҳатдан тўла ҳал қилинмаган бир муаммо бўлиб турибди. Илм-фанда бу масалага ҳар хил ёндошишлар ва қарашлар мавжуд. Н. А. Аристов, А. Ю. Якубовский, П. П. Иванов ҳамда чет эллик олимлардан М. А. Чапличка ва Ҳ. Хуккемларнинг фикрига кўра, «ўзбек», этноними Олтин Урда хони Ўзбекхоннинг номи билан боғлиқ. Бошқача айтганда ўзбек номи ўша хоннинг исмидан олинган. В. В. Григорьев ва А. А. Семёновлар эса Дашти қипчоқнинг шарқий қисми, яъни Оқ ўрдада ўша замонларда истиқомат қилган турк-мўғул қавмларини ўзбеклар деб атайдилар. Г. Вамбери, Г. Ховорс, Пелльоларнинг фикрича, Дашти қипчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабиалари ўзларини эркин тутганликлари сабабли ўзбеклар (ўз-ўзига беқлар) деб аталган бўлишлари мумкин.¹ Бир қатор муҳим тарихий манбалар (Гардизий, Рашидуддин, Ҳамдуллоҳ Казвиний, «Искандар аноними», Хондамир, «Таворих-и гузидэ нусратнома», «Меҳмоннома-ий Бухоро», «Тарих-и Абулхайрхоний» каби асарлар)ни чуқур ўрганиш шуни кўрсатдики, «ўзбек» этноними хусусида билдирилган сўнги фикр ҳақиқатга бир қадар яқин. «Ўзбек» этноними XIX асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган, «ўзбеклар» деганда XIV аср бошида Олтин ўрдадан ажралиб чиққан Дашти қипчоқнинг шарқий қисмида, яъни ҳозирги Қозоғистон ва Фарбий Сибирда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари назарда тутилган. Лекин, шундан келиб чиқиб ўзбеклар халқ сифатида XIV аср ўрталаридан маълум, деган хулоса чиқариш асло мумкин эмас. Ўзбеклар қозоқлар, қорақалпоқлар ва бошқа туркийзабон халқларнинг аجدодлари қадимдан ҳозирда истиқомат қилиб келаётган ҳудудларда кун кечирганлар, аммо ўша замонларда улар, ўзбеклар, қозоқлар, қорақалпоқлар деб аталмаганлар. Улар умуман турк деб, ёки ўзлари мансуб бўлган қабиаларнинг (буркут, найман, дўрмон, қўнғирот, манғит ва ҳоказо) номи билан аталиб келганлар. Бу хусусда «Тарих-и арбаъ улус»да ўта муҳим маълумотлар келти-

¹ Қаранг: Аҳмедов Б. А. Государство кочевых узбеков. Москва, 1965, с. 11—17.

рилганким, уларнинг илм-фан, хусусан ўзбек халқининг этник тарихи ва келиб чиқишини ўраниши учун аҳамиятї бейихоят каттадир. Асарда мана буларни ўқиймиз: «... Тўқтойхоннинг давлатї поёнига етгандан кейин, ҳазрат Султон Муҳаммад Ўзбекхон... тахтга ўтирди. Ўзбек улусини унга нисбат берадилар... Ҳижрий 712 йилда (мелодий 1312—13 йилда) салтанат тахтидан жой олди. Айтишларича... тахтга ўтиргандан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмонлар шайхи, авлиёлар қутби ҳазрат Занги Отанинг,— Оллоҳ унинг қабрини мунаввар қилсин,— ишорати билан жаноби сайидзодалар, Оллоҳнинг иродасї билан, йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солувчи, муридларнинг пиру муришиди, толибларнинг йўловчиси ҳазрати Сайид Ота,— Оллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин,— яъни Занги Отанинг халфаси орқали,— ҳар иккалаларига ҳам Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин... хижрий 720 йили (мелодий 1320-йили) ислом динини қабул қилиш шарафига мяъсар бўлдилар». Бу қисқа баёнотнинг тафсилоти «Мақомот-и ҳазрати Сайид Ота» китобида ёзилган ва зикр этилган.

Султон Муҳаммад Ўзбекхон ўзининг эл-улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Сайид Отанинг ғайб ишорати ва Оллоҳнинг инояти билан уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Сайид Отага, унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин, кулоқ солишдан бўйин товлаганлар, бу саодатдан бебаҳра ҳолда, у ерда (Дашти қипчоқда) қолдилар ва «қалмоқ» деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси «қолган» демакдир. Ҳазрати Сайид Ота,— унга Оллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин,— ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбекхон билан ҳамроҳликда Мовароуннаҳрга келган кишилардан: «Бу келган ким?» — деб сўрардилар. Уларнинг сардори ва подшоҳи Ўзбекхон бўлгани учун уларни «ўзбек» деб атадилар. Шу сабабдан ўша замондан бошлаб Мовароуннаҳрга келган кишилар «ўзбек» деб атала бошланди. Дашти қипчоқда қолиб кетган кишилар эса «қалмоқ» бўлдилар» (в. 1216—122а).

Юқорида келтирилган парчадан икки муҳим хулоса чиқарса бўлади:

1. Дашти қипчоқнинг Шарқий қисми ва Ғарбий Сибир Ўзбекхон Олтин ўрда тахтига ўлтирмасдан бирмунча илгари ҳам «Ўзбек улуси» деб аталган. Демак, шу катта маконда кўчиб юрган турк-мўғул қавмлари «ўзбек» деган битга умумий ном билан аталган.

2. Шу пайтгача фанда «ўзбек» халқ номи сифатида, XV аср охири — XVI аср бошида Дашти қипчоқдан кўчиб ўтган деган фикр ҳукмрон эди. «Тарих-и арбаъ улус»да келтирилган бу маълумотдан «ўзбек» халқ номи сифатида, Мовароуннаҳрга XIV асрнинг биринчи ярмида, балким ундан ҳам олдин (Богухон билан Барақахон тарихида келтирилган баъзи маълумотларни эътиборга олганда) кириб келганлиги маълум бўлади. Бу маълумот, шубҳасиз, ўзбек халқининг этник тарихини ўрганишида муҳим аҳамият касб этади.

«Тарих-и арбаъ улус»нинг олтинчи боби (в. 128а — 164а) Эрон билан Озарбойжон устидан қарийб бир аср мобайнида (654(1256) — 754(1353) ҳукмронлик қилган Элхонийлар давлати, шунингдек, Арпахон даврида (1335—1336) нуфузи орта бошлаган Чўпонийлар (Шайх Ҳасан кучак) ва Жалоирийлар. (шайх Ҳасан Бузург) тарихини ўз ичига олади. Бу бобда Элхонийлар давлатининг ички аҳволи ва таъқиби сиёсатига оид бир талай қимматли маълумотлар бор. Мароғи расадхонаси (Халокухон даврида бино этилган), Ҳозонхон (694(1295) — 703(1304) замонида ўтказилган молиявий ва маъмурий ислохотлар ва Султония шаҳарининг бино қилиниши, Кайхотухон ҳукмдорлигининг сўнгги йилларида (693(1294) Эронзаминда хитойларга тақдир қилиб қоғоз пул(чов) чиқарилиши, Ўлжойтухон ҳукмронлиги йиллари (703(1304) — 717(1317) ўн икки имом номи билан зарб этилган тангалар чиқарилиши шулар жумласидан. Элхонийлар давлатининг Миср, Шом (Сурия), Олтин ўрда ҳамда Чигатой улуси билан бўлган сиёсий муносабати ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар учратамиз.

«Тарих-и арбаъ улус»нинг Халоқуийлар тарихини ўрганишидаги яна бир муҳим тарафи ҳам бор. Унда Мусоҳондан кейин 736 (1336—754 (1353) йиллар орасида улус тахтида ўлтирган бир неча хон: Тўқой Темур Ибн Сурий (в. 1556), Соқибегим бинти Ўлжойту Султон (в. 1566—159а), Жаҳон Темурхон ибн ал-Афранг (Авранг) ибн Қайхотухон (159а), Сулаймонхон (159б) ҳақида ҳам эътиборга сазовор маълумотлар келтирилган. Яна бир муҳим нарса — бу Чингизхон амакиваччасининг авлоди Абу Шайх Али Ковун ҳақидаги маълумот (в. 1596—1606) дир. Асарда бу шахс ҳақида хусусан бундай дейилган: Абу Шайх Алининг бобоси 705 (1305—1306) йили 10 минг хонадон хешу ақрабоси билан Қайдухон ибн Ғози ўғил ибн Ўқтой қоондан юз ўгириб, Хоразм ва унинг теварагидаги сарҳадларга кўчиб келган эди. Эл бўлиб келганда уни Ўлжойтухон ўлдирди, авлоди эса Журжон теварагида яшаб қолди (в. 1596—160а). Вақти келиб, XIV асрнинг 50-йилларида маҳаллий феодаллар ана шу Абу Шайх Али Ковунни Журжондан излаб топиб тахтга ўтқазганлар. Бундан кўринадики, Чигатой улусида бўлгани каби Эронда ҳам Ўқтой қоон авлоди ҳокимият учун кураш олиб борган экан.

Асарнинг энг муҳим қисми — унинг еттинчи боби д и р. Унда Чигатой улусининг Чингизхон замонидан (1227 й.) то Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 й.) гача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Маълумки, Чигатой улусининг қарийб 150 йиллик (624(1227) — 771(1370) тарихи ўрганилмаган. Бу ҳақда қўлёзма манбаларда етарли маълумот бўлмаслиги бунга асосий сабабдир. Тўғри, Чигатой улусида ҳукмфармолик қилган хонлар ҳақида жуда қисқа маълумотлар Шарафуддин Али Яздийнинг «Муқаддимаи зафарнома»сида, Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор»ида ҳам келтирилган. Лекин «Тарих-и арбаъ улус» уларга нисбатан бир қадар тўлароқ. Унда улусда ҳукмронлик қилган Чигатой ва Ўқтой қоон наслдан (Али султон, Донишмандчахон, Суюрғатхон ва Султон Маҳмудхон) бўлган 33 хоннинг тарихи қисқа тарзда баён этилган.

Бу бобда ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп. Булар орасида Чигатой улусининг ўрами (в. 1646), 636 (1238) йили Бухорода бўлиб ўтган Маҳмуд Торобий бошлиқ халқ қўзғолони (в. 1656 — 166а), Чигатой улуси билан Элхонийлар давлати ўртасидаги сиёсий муносабатлар (в. 171а — 172б), Чигатой улусининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида барлоқ амирларининг, хусусан Қорачор нўён, Ижил нўён, Алангиз нўёнларнинг туган ўрни ва роли, Дувахон (тахминан 690(1291) — 706(1306) ва Кепакхон (709(1309), иккинчи бор 718(1318) — 726(1326) даврида юртни обод қилиш йўлида олиб борилган катта ишлар (масалан, Балх ва Андижон шаҳарларининг қайтадан тикланиши, маъмурий ва молиявий ислохотлар), Тормоширин (726(1326) — 734(1334) нинг Ҳиндистонга қилган юриши (в. 1766 — 177а), Чигатой улусининг XIV асрнинг 40—50-йиллардаги сиёсий аҳволи ҳамда амир Қозоғоннинг хуружи (1786 — 180а) шулар жумласидандир.

Чингизхон вафоти олдидан (1227 й.) ўз тасарруфига кирган мамлакатларни ўғилларига тақсимлаганда, иккинчи ўғил Чигатойхонга Қошғар, Етгисув воҳаси ва Мовароуннахрни, Хоразмнинг бир қисми билан инъом этгани, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ерлари эса Чигатойлар тасарруфига кейинча ўтгани ҳақида гапирилар эди. «Тарих-и арбаъ улус»да келтирилишича Афғонистон билан Шимолий Ҳиндистон ерлари ҳам Чингизхоннинг ҳаёт чоғидаёқ Чигатойхонга хат қилиб берилган. Бу хусусда асарда қуйидагиларни ўқиймиз: «Чингизхон Ғуронзамин мамлақати ҳокимлигини, Қошғар сарҳадларидан уйғурлар ери чегарасигагача; Жайхун дарёси адоғигагача ястанган ерлар: Эрон билан Турон оралиғидаги Балх, Бадахшон, Қобул, Ғазнин, Синд дарёсигагача бўлган

ерларнинг кўп қисмини шу суюкли фарзандига (Чигатойхонга) берди» (в. 1646).

Тормошириннинг Ҳиндистон устига қилган юриши натижасида мамлакат пойтахти Дехли ишғол қилинди. Чигатой қўшини ўшанда Гужорат, Сумнот ва Сураат шаҳарларини ҳам ишғол қилдилар. Тўғри, босқинчилар Ҳиндистонни узил-кесил бўйсундиrolмадилар, лекин беҳисоб ўлжа олиб қайтдилар. (в. 1766—177а).

Чигатой улусида XIV асрнинг ярмида кучайиб кетган феодал тарқоқлик ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир. «Тарих-и арбаъ улус» да ёзилишича, бу тарқоқлик Есу Темурхондан кейин бирмунча кучайиб кетди. Тахминан 743(1342) йили бир гуруҳ феодаллар Есу Темурхонни тахтдан тушириб, ўрнига Уқтойхоннинг авлоди Али Султонни тахтга ўтказдилар. Али Султон Есу Темур тарафдорларини таъқибга олди, хазинани талон-тарож қилди. Энг даҳшатлиси шулки, у Туминахон ва Амир Темурнинг бобокалони Қочули баҳодир замонидан бери хон хонадони билан барлослар хонадони ўртасидаги тожу тахт хон авлодига, мамлакат мадорлик, яъни амир ул-умаролик мансаби эса барлос бекларидан Қочули баҳодир хонадонига абад ул-абад тегишли бўлиши ҳақидаги аҳдноmani йиртиб ташлади (в. 1776 — 178а). XIV асрнинг 50-йилларига келиб, давлат жилови яна бир нуфузли феодал — амир Қазағон қўлига ўтиб қолди. Лекин Алангиз нўён барлоснинг авлоди: Сайфиддин Ҳожи барлос ва унинг салоҳиятли жияни Амир Темур бўш келмадилар — мамлакатмадорлик мансаби учун амир Қазағон ҳамда унинг авлоди билан муросасиз кураш олиб бордилар ва охири ғалаба қозондилар.

Чигатой қўшинининг тузилиши, айниқса ҳарбий бўлинмалар номи ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир. Масалан, қоровул қисм ўша вақтларда булунғор, ировул (илғор қисм орқасидан борувчи бўлинма) — бурунғор, маймана (ўнг қанот) — аванғор (ҳозирги авангард шундан олинган бўлиши керак), соқа (аръергард) — ўкунғор деб аталган (в. 177аб) ва ҳоказо.

«Тарих-и арбаъ улус»да бу ва бунга ўхшаш муҳим маълумотлар кўп.

Шунга қарамай, асар айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Шу ўринда, агар таъбир жоиз бўлса, хотирга келган бир гапни айғиб ўтмоқчиман. Одатда китобда бирон хато-камчилик топиб олгудай бўлсалар кўпинча муаллифни маломат қиладилар. Бу — китобнинг катта ё кичиклигидан қатъий назар, не машаққат билан яратилишини билмаслик аломатидир. Маълумки, китоб у қўлёзмами ёки босмами, бундан қатъий назар ўқувчига етгунча муаллифдан ташқари яна бир неча одамнинг қўлидан ўтади. Қўлёзма китобни олсак, у бир ёки бир неча хаттотнинг меҳнати эвазига бунёд бўлади. Кўп гап котибга ҳам боғлиқ. Асарнинг мукамал хато ва камчиликларидан маълум даражада холи бўлиши кўп жиҳатдан хаттотнинг билими, малакаси, ҳатто интизомига ҳам боғлиқ. Лекин, ҳар қандай бўлмасин, китоб умуман маълум хато-камчиликлардан холи бўлолмайди. «Тарих-и арбаъ улус», хусусан, унинг-бизгача етиб келган нусхалари ҳам айрим хатолардан халос эмаслиги шу сабабдандир

Асарда кўзга ташланган энг катта ҳамда кўп хато — бу мўғулча ва хитойча номларнинг (атоқли, жугрофий ва этник номларнинг) баъзи ўринларда тўғри ёзилмаганидир. Масалан, Ангур боевурчи ўрнига — Кўнгур, Дутум Мэнэн — Дутиминхон, Гью-Гин — Кевкик, Кугуку нўён — Хатоқия нўён, Жомуқо — Шомуқо, Қора Субэчу ўрнига Қуро, — Субонсу, Дайду ўрнига — Диду, Манзи — Мискин, Сақсин — Соқийн, Нангяс — Тақнос, Тайсу — Туйкайх, Ханжин — Хурбахт, Дули Шинг (Дяо-юй-шань) — Чақанду; жожират ўрнига — жонжират, тойжуит — тосчўт, қўнқутон ўрнига — қўнғон ва бошқача кўринишларда ёзилган.

Айрим ҳолларда воқеаларнинг саналари бузиб кўрсатилган. Масалан, элхонийлардан Ғозонхоннинг Миср билан бўлган уруши вақти уч ерда — уч

хил: ҳижрий 699 (в. 1436), 708(144а) ва 703(144б) деб кўрсатилган.

Баъзи ўринларда эса, масалан элхоний хонларнинг ҳукмронлик навбати чалкаштириб юборилган.

Асарда ошириб юбориш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, мўғул қўшини Урганчи етти ой қамалдан сўнг истило қилгандан кейин 100 минг одамни ўлдирган, 100 минг аҳли ҳунар ва аҳли санъатни Мўғулистон тарафларга ҳайдаб кетган, Нишопур қатли ом қилинганида 747 минг одам ўлдирилган, деб айтилади (в. 86б, 87б); Чингизхон истилоси арафасида Марв аҳолиси 1 миллион 300 минг, нишопур халқи 1 млн, 747 минг деб кўрсатилган (89а).

Лекин асарда учрайдиган шу ва шунга ўхшаш камчиликлар унинг илмий қимматига мутлақо пугур етказмайди. Улуғбекнинг «Тарих-и арбаъ улус» асари Марказий ва Ўрта Осиёнинг XIII — XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиз.

Юқорида айтилганидек, биз Чиғатой улуси тарихини яхши билмай-миз. Мамлакатнинг Чингизхон истилосидан то Амир Темурнинг ҳоқимият тепасига келганига қадар кечган тарихи биз учун қоронгу. «Тарих-и арбаъ улус»да келтирилган маълумотларни Шарафуддин Али Яздийнинг «Муқаддима-йи Зафарнома» ва Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул-асрор»ига ҳамда археология фани қўлга киритган маълумотларга қўшиб ўрганилса, шубҳасиз, фандаги бу оқ доғни ювиш мумкин.

«Тарих-и арбаъ улус» нинг мазкур ўзбекча наشري асарнинг Британия музейи (Англия)да сақланаётган АДД 26190 рақамлик қўлёзма нусхаси асосида амалга оширилди.

Шубҳасиз, «Тарих-и арбаъ улус»нинг ушбу наширида, унинг таржима-сида ҳам, тадқиқот қисмларида ҳам айрим жузъий хатолар ўтиб кетган бўлиши турган гап. Шунинг учун ҳам мутахассис олимларнинг холисона фикр-мулоҳазаларига муҳтожмиз. Холисона маслаҳат асарнинг янги, пухтароқ нашини тайёрлашда ёрдам беради, албатта.

Б ў р и б о й А Х М Е Д О В ,
ЎзФА мухбир аъзоси.

(В. 16) Бисмиллаҳир роҳманир роҳим ва биҳи настаъин. Алҳамду лиллаҳил-хабир ва ҳува ала кулли шайин қодир вас-салату вас-саламу ала хойри холқиҳи Муҳаммадин илмухтар ва ала алиҳи ва асҳабиҳил-аҳйар. («Барча нарсани билгувчи, ҳар нарсага қодир Тангрига ҳамду санолар бўлсин. Ўзи халқ қилган инсонлар ичидан сараланган Муҳаммадга, унинг оиласи ва яқин саҳобаларига Тангри саломи ва саловоти бўлсин»). Хулласи, хабарларда келтирилганки, Тангри таоло оламини бино қилгач, олам яратилишининг ибтидосида, (уни) яратиш аввалида ҳазрати вожиб улвужуддан ташқари. Хабардор қилинган ҳазрати (Тангри), хабар берган одамлар ўзи воқиф эмасдир, истадики башар отаси, ҳазрати Одамни, Оллоҳ уни софий қилсин, (Оллоҳнинг саловати бўлсин), тупроқдан яратмоқчи бўлди-ю, ўзининг халифалик хилқатини унинг устига ёпди. Инни, жаилун филарзи халифатан, («Ер юзида буйруқларимни ижро этувчи одамнинг яратувчисиман») экан, шу мўъжаз сўзлар адолатининг шоҳиди бўлганидек, дастлаб Жаброил алайҳиссаломни юбордики, Одам алайҳиссаломнинг пок тийнатини яшаш учун ҳозир муаззам Каъба иморати бино бўлган жойдан бироз намроқ тупроқ келтиришни буюрди. Жаброил алайҳиссалом ерга тушгач, бир каф тупроқ олмоқчи бўлди. Замин фалаклар ва малакларни яратган Раббимга қасамёд қилиб, дедики, унга бир каф ҳам тупроқ бермагай: мендан бир халқ вужудга келгусидирки, сендан вужудга келмагай. Сен туфайли мен Оллоҳи таоло ҳузурига бормаганим бўлсин.

Жаброил алайҳиссалом қайтиб бориб, заминдан эшитганларини зор йиғлаб Тангри таолога арз қилди. Оллоҳнинг раҳми келиб унинг қасамини қабул қилган эди. Сабабларини

сўраганда рад қилди. Кейин бу ишни ҳазрати Мекойил алайҳиссалом адо этиши учун фармон бўлди. Ер унга ҳам қасам билан бир каф тупроқни олмаслигини ўтинди. У ҳам қайтиб кетди. Ундан кейин Оллоҳи таоло амри билан Исрофил алайҳиссалом келди. Замин уни ҳам қайтарди. Тўртинчи маротаба ҳазрати Зулжалол Тангри таоло олий қарамли Азройил алайҳиссаломни жўнатди. У ҳам замин қасамини қабул қилмай, деди: «Худойи таоло амри сенинг қасамингдан устунроқдир».

Сўнг бутун ер юзидан турли навъ қуруғу ҳўл, оқу қора, кизилу (в. 2а) сариқ, аччиғу шўр, нордону ширин ерларидан бир сикимдан олди. Инсон синфлари саногига қараб олди. Қайсисининг қабри қаерда бўлса, ўша жойдан тупроқ олди. Чунончи, ҳазрати пайғамбар соллаллоҳи алайҳи вассалам фи оллоҳи ва асҳобаҳи хокларини ҳам онҳазратнинг озода ва шаҳодатли мунаввар қабрлари ўзлари яшаган шаҳарларида муанбару муаттардир, ўша жойдан олди. Хуллас, унга бир каф тупроқни саккиз беҳиштга келтириб, тасним сувида қордилар ва барча яқин малойикаларга ва беҳишт аҳлига буюрдиларки: «Барчангиз Одам алайҳиссалом хоки тийнатида тасним суви билан қориб, Муҳаммадий нурини омонат қуйиб, суркангизлар. Шунини билиб олингларки, оламини яратишдан асл мақсад Одам эди. Одамни яратишдан мурод онҳазратнинг вужуди туфайлидир. Фарқи муборақлари: «Лавлокалама холақтил-афлок» (Сен бўлмаганингда мен фалакларни яратмаган бўлардим) тожи билан зийнатли, истиқоматли қоматлари ва «моирсилнакул-роҳматилилаламин» («Биз сени раҳмат ёғдирувчи қилиб бутун оламга юбордик») ташрифи билан мушарраф бўлди. Ҳазрати Азройил алайҳиссалом парвардигор амрини барча ишлар билан жойига қўйди. Ҳазрати ҳақ таоло арвоҳ қабзини унга ҳавола қилди. Ҳақ таоло субҳона амри билан илоҳий қудрат туфайли қирқ кеча-кундуз Одам алайҳиссалом хокига раҳмат ёмғири ёғди.

«Хумрати тийнати одам би ядийи арбаин сайёҳан» мазмунига кўра Тангри таоло қудрати қўли билан инсоният сурати либосини унга кийгизди ва қалбига рух уфурдики «фи нафахти мин руҳи» («Мен унга руҳимдан юбордим») дан уни хабардор этдилар. Салафларнинг китобларида батафсил қайд этилганки, тарих аҳли ёзадиларки, халқ қилинган куни Одам алайҳиссалом ердан булутларгача кўтарилдилар. Айтишларича, Одам алайҳиссаломнинг камтарин куняси Абулбашар шариф лақаби Сафиюллоҳдир. Шунинг учун Одам дейилганки, муборақ жисмлари ер юзасидан олиб (адими замин) яратилган. Шу сабабли унга Одам деб исм

қўйишди. Баъзилар фикрича (Одам алайҳиссаломнинг) покиза баданлари буғдойранг бўлган. Шунинг учун Одам деганлар, Дастлабки фикрга кўра, Одам сўзи адим — пўст сўздан олинган (в. 2б); луғатда уни «рўйи замин пўсти» дейилган. Иккинчи ривоятга кўра, Одам «одама» (сўздан)дан олинган. Ал-адама (мим ва дол фатҳали, хо — сокин) деб буғдой ранглини айтилган. Бошқа бировларнинг айтишича, сув билан тупроқ аралашмаси Одам дейилган. Ҳар қалай ҳазрати ҳақ таолонинг Одамни яратишида кўп ҳикматлар ва турли-туман сирлар саноксиздир. Шу жиҳатдан исм қўйиш илмининг барча қийлу қолини бевосита унга ўргатди. «Аллама Адам аласмаа куллаха» («Одамга исмларнинг ҳаммасини ўргатди») бунга шохиддир. Барча малойика унинг илмига яқин, хос фазилатига иқроф ва эътироф этувчи бўлдилар. Худойи таоло фармони билан унга сажда қилдилар. Фақат Иблис бу ишдан ибo қилди ва Одамга сажда қилмади. «Усжуду ли-Адама фасажаду ли Иблиса ва ка-на мин ал-жинни, фа фасақа» («Одамга сажда қилинлар, аммо Иблисга сажда қилдилар, у жинлардан бўлиб, Парвардигор амрига итоат этмаган эди»). «Ан амри раббихи фасаждал малойикату куллухум (ажмайна) илла иблис» — («Малоикаларнинг ҳаммаси ҳам сажда қилдилар, иблисдан ташқари») сўзи бунинг адолати шохидидир. Мўътабар китобларда ёзилишича, «Одам» лафзи ибрийча-дир. Одам алайҳиссаломнинг яратилишини муҳаррам ул эҳром ошуро ойи ўнинчи куни, жумаъ куни соат 11 да; биринчи толеъ бўйича Жади ва Зухал даражасида, Муштарий Ҳутда, Миррих Ҳамалда, Қамар Саратонда, Шамс Асадда, Аторуд Сумбулада, Зухро Мезонда пайтида буғдойранг киши чехрасида баланд қоматли ва жингала сочли қилиб яратади. Яратган Тангри ҳазрати Одамга беҳиштдан жой берди. Ҳавони у уйқусираб турганда унинг чап биқинидан яратди. Аксарий уламо фикрича, уларга буғдой ейишликни манъ қилди. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг, Оллоҳ ундан рози бўлсин, ривоят қилишича, узум ейишни, баъзиларнинг айтишича, ояти Сарихдагидек, анжир ейишни (ман қилган). Айтишларича, Одам алайҳиссаломга сажда қилмасликни (даъват этган) Иблис «Ва инна алайка лаънати ила йавмиддин» («Сенга менинг лаънатим қиёматгача») тавқи лаънатини бўйнида кўрди. Жуда кўп ибодат қилганидан (Худо) фармонига бир бўйсунмагани учун ҳеч фойда топмади. Одам алайҳиссалом билан адоват қилиб шумликлар қилишга интилди. Одам алайҳиссалом жаннатда эди. Иблис ҳаргиз унга йўл тополмади, то бир куни хувори ансорий ҳийласи бирлан қисса ва тафсир китобларида шу

наrsa машхурки, жаннатга кириб олди. Бомдодда товусни кўрди. У беҳишт кўнгураси эди (в. 3а) Илон ёрдами билан беҳишт дарбонлигини олди. Аввал ёлғондакам саҳобаликни олди. Уни истеъмол қилмасдан, Одамга ҳам едирмай дарҳол беҳишти кийимларини улардан ечтириб олди. Улар яланғоч қолдилар. Кейин ҳар бири бир нечтадан анжир дарахтининг баргидан олиб авротларини беркитдилар. Ҳар бешаласи ҳам ҳазрати иззат Тангриси амри билан жаннатдан чиқиб кетдилар. Одам алайҳиссалом айтишларича Ҳавво билан бирга уч соатдан зиёд яшамаганлар. Яна дейдиларки, найсон (ойи) бешинчисида, одина куни, бошқа бир (ривоят) га кўра тўққизинчи найсон кунида, соат еттида Ҳиндистон замини-га, Сарандаб тоғига Одам алайҳиссалом хубут қилди. Ҳавво розиёллоҳи анҳа Жиддага, Маккаи муаззама худудидаги дарё лабига, товус Ҳиндистонга, илон эса Исфаҳонга, Иблис Симнонга (тушдилар). Айтишларича, Одам алайҳиссалом дунёга хубут этиши билан соқоли чиқди ва юз йил Сарандиб тоғида тоатда, зорликда, оҳу фиғонда истиқомат қилдиларки, кўп йиғлаганидан муборак кўз ёшларидан ўсимликлар, мисли филфил ва қалампир, долчин, сумбул ва бошқа (ўсимликлар) униб чиқдики, бугунги кунда муборак кўзлари баракотидан унинг авлодлари орасида доривордир. Юз йил ўтгач, ошуро куни унинг тавбаси қабул қилинди. Ошуро кунининг бундан ташқари ҳам фазилатлари кўпдир. Масалан, Идрис алайҳиссалом ва Исо алайҳиссаломнинг осмонга кўтарилиши, Нух алайҳиссалом кемасининг Жудий тоғида турғун бўлиши, ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиши ва пайғамбарлиги, унинг Намруд оташидан халос бўлиши, Мусо алайҳумуссаломнинг туғилиши, Довуд алайҳиссалом тавбасининг қабул қилиниши, Сулаймон алайҳиссаломнинг ўз Малики билан қайтиб келиши, Айюб алайҳиссаломнинг кирмон ранжидан сиҳҳат топиши, Мусо саловатуллоҳнинг дарёдан қутулиши, Юнус алайҳиссаломнинг балиқ қорнидан чиқиб келиши, Од қавми бошидан балони даф қилган Яъқуб алайҳиссалом кўзининг равшан бўлиши, Юсуф алайҳиссаломнинг Канъон чоҳидан чиқарилгани, Зикриё алайҳиссаломнинг фарзанд талаб қилгани, унинг Яҳё алайҳиссалом ҳакига ўқиган дуосининг мустажоб бўлиши, Мусо алайҳиссаломнинг Фиръавн мажбурий меҳнати устидан ғалабаси ва ҳоказолар шу куни содир бўлган. Бу табаррук кундир. Одам алайҳиссалом тавбасининг (в. 3б) қабул қилиниши билан кўникиши учун байтулмаъмурни беҳишдан ерга олиб тушдилар, бугунги кунда Каъба ҳарами жойлашган мавзеъга (ўрнатдилар). У тамоман қизил ёқутдан ясалган эди. Хуллас, ҳазрати

Иззати Жалли жалола рухулқуддусга Одам алайҳиссаломга ҳаж расм-русумлари ўргатмоқни буюрди. Одам алайҳиссалом ҳажни ўтказиб, ҳаж асносида Арафот мавзеида Ҳаввони топди. Ўша маконда улар бир-бирларини танишди. Шу сабабдан бу жойга Арафот номини бердилар.

Бу мавзеъни Мазулфа дейдилар. Монийлик таманноси инояти ижобати учун дуо қилганларки, ул мавзеъни мутаарраф (ошно бўлинган жой) Арафот маъносида ҳосила қилганлар. Хуллас, Ҳавво розиёллоҳи анҳу ва Одам алайҳиссаломдан бир қиз ва бир ўғил туғилди. Ҳақ таоло амри билан Одам алайҳиссалом қориндаги қизни қориндаги ўғил билан берди. Токи икки ўртада фарқ бўлсин. Қобил ва опалари туғилди. Ҳуснисурат юзасидан Қобилнинг майли бўлмайди. Ўз эгизини ҳохламайди. Одам алайҳиссалом эгизини Қобилга берди. Шу сабаб улар ўртасида келишмовчилик пайдо бўлди. Одам алайҳиссалом уларга қурбонлик қилишларини буюрди, кимнинг қурбонлиги қабул бўлса, шунинг иқлимосини берурман. Хуллас, ҳар бири биттадан қўйни тоғ тепасига олиб чиқдилар. Оташ келиб Қобилнинг қурбонлик қўйини пиширгани учун Одам алайҳиссалом иқлимони Қобилга берди. Қобил шу сабабдан Ҳобилга душман бўлиб қолди. Тушида тош билан унинг бошига урди ва ҳалок қилди. Айтишларича, бир муддат Ҳобил мурдасини кўтариб юрган ва уни нима қилишини билмаган. Бир куни бир юртга борган, қараса, бир қарға қарға билан жанг қилмоқда. Бирини ўлдирилди, тирик қолган қарға ўлик қарғани тупроқ остига беркитди. Қобил ўша қарғадан дафн қилишни ўрганди. Кейин Ҳобилни дафн этди. Одам алайҳиссалом шунгача ўлимни кўрмаган эди. Бу воқеадан воқиф бўлгач, сурёний тилда бир неча байт ўқиди. Уламо уни тозий (тилига) таржима қилган.

Назм (мазмуни):

Диёр ўлмишдурур бу дам муғаййар, ки ер юзи қабиҳ
ўлди-ю муғаййир, уланнинг таъми рангидир ташаййир,
фароғат бўлмади бир хўбманзар. Дариғо, қани Ҳобилим-ки,
бу дам, ер жисминда ётур то рўзи маҳшар.

Кейин Иблис (В. 4а.) Қобилга иғвогарона деди: олов сендан ранжиди. Нега сен унга сажда қилмадинг? Оташга сажда қилганингда сендан хушнуд бўларди. Шундан кейин қурбонингни инобатга оларди. Бу сўзлар Қобилни тардудга солиб қўйди. Иблис васвасаси унинг дилига кўчди. Оташга сажда қилди ва Ҳақдан бўлакка қатл этиш, оташпарастлик расми Қобилдан қолган. Бу бидъат танасига унинг қўли билан асос солинди. Қиёмат кунигача кимки ҳақдан ташқари қатл этса, оташга сажда қилса, бир жазо тариқасида масалан бу қорани ҳақ таоло амр қилади. Қобил

номаи аъмолига сабт қиладилар. Чунончи, бу қора жазо мисли бир омил номаи аъмолига бу икки феъл ёзиб кўйиладики, жазо кунда ҳар қайсисига алоҳида-алоҳида жазо ижросини буюрадилар. Аласт даврида бўлганидек, ҳазрати иззати жалли жалола Одам алайҳиссалом зурриётини унинг пуштидан жудо қилдилар. Ўша ал-Мисоқ замонидан талаб қилинадики, «ва из ахаза Роббука мин бани Адама мин зуҳуриҳум зуррийатаҳум ва ашҳадаҳум ала анфусихим аласту би раббикум колу бала». («Агар парвардигоринг Одам болаларидан уларнинг зурриётларини олиб ўзларига кўрсатса, мен Парвардигорингиз эмасманми? Ҳа, шундай!»)

Алоҳида даражалар унинг жами авлодларини унга қарши кўйдилар. Улар орасидан бирини кўрса йиғлаб турибди, сўнг сўрди: Бу ким? Жавоб бердики, сенинг фарзандларингданман. Мусодара ваҳимасидан жарима йиғлайсан. Сен йиғлаб турган экансан, у ҳам йиғлайди. Одамнинг унга раҳми келиб сўрдики, сенинг ёшинг нечада? Жавоб бердиларки, олтмиш ёш. Одам алайҳиссалом бу солиҳ фарзанд умрининг калталигини кўриб, акронларидан унга раҳмат айтди. Деди: ўз умримдан унга қирқ йилини бағишладим. Ҳақ субҳона ва таоло у фарзандларга розилик берди. Одам алайҳиссалом ўз умри қисқалигидан сўраган ва ўзининг умри минг йил бўлади, деб маълум қилган эди. Одам алайҳиссалом умри тўққиз юз олтмишга етганда Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола «хуллиқа» валлаху йадъу ила Даруссалом» («Оллоҳ Доруссаломга чақиради») «Кулли нафсин зойиқа тул-мавти» («Ҳар бир тирик жон ўлим мазасини тотиб кўрувчидир») (оят) эшигини қоқди.

Узоқ вақт ўлтирган шундай кишики, янги келадиганларга жой пардоз этур.

Одам алайҳиссалом жавоб бердики, яна умримдан қирқ йил қолган. Малакулмавт деди: Довуд алайҳиссаломга бахшида этгандинг. Одам алайҳиссалом инкор қилиб деди: мен қачон умримни бағишладим? Балки, бандалик одоби ва ҳазрати иззат илоҳийлик қарам ҳазинасидан (В. 46) илтижо қилгандурман, зероки, мен ўз соҳибим ва маликимдан бирор нарса сўрамоқ бўлгандирман. Шундай ибодат билан баён қилинадиган одоб шундайки, фалонсиз ёр менга бир нарсани фазл қилди. Мен сенинг фалон бандангга лойиқ кўраман. Фалон бандангни эса бу фазилатдан маҳрум этаман. Магар у воҳиб ул-атоёя қарамига шундай (банда) лойиқ ва сазоворки, ҳар икки банда ул фазлдан маҳрум бўлмаса.

Малакулмавт ҳазрати иззати жалли жалола амри билан қайтиб кетди. Ҳазрати бори инфиоли ва бақуддус олий қарами билан Довудга қирқ йил умр бағишлади. Одам

алайҳиссаломга ҳам қирқ йил муҳлат берди, то минг йил тўлиши учун. Ружуи ҳаба шариатда жоиздир, уни бу ердан олдилар.

Шундан кейин Шис алайҳиссалом даври келди. Ҳазрати ҳақ жалли жалола унга элчи юборди, буюрдик, бани одам бир-бири билан аҳд қилган ёки муомала ўрнатганларида икки одил гувоҳ ҳозир бўлмоғи лозим. Шундан тазира излашлари лозимки, сўнг уни инкор қилиш мумкин бўлмасин. Алқисса, Одам алайҳиссаломнинг умрига минг йил тўлгач, Малакулмавт ўз вазифасига киришди. Айтишларича, Одам алайҳиссаломга дастлаб сажда қилган малоикалардан Исрофил ва Жаброил (алайҳиссалом) бўлдилар. Иблисга тааллуқдор малойикаларки, иблис лафзи аҷамий бўлиб, Одам алайҳиссалом шариати худопарастлик, салавот, савм ва қурбон эди. Касрали қоф (билан ўқиладиган) қирбон (лафзи) аёлга яқинлик қилмоқликдир. Май ва чўчка тухумидан ҳазар қилмоқ. Барча одамлари миллати бир хил бўлиб, буғдойранг бўлган. Машхурдирки, Жаброил алайҳиссалом ерга нозил этилиши билан Одам алайҳиссаломни дастлаб темирчилик санъатига ўргатдики, ўйин олатларини ясагай, зироат эккай, нассожлик асбобларини тарошлагай, бофанда санъатини ҳосил қилгай ва ўз авлоди орасидан онасининг ёлғиз фарзанди Шисни нассожлик санъатига ўргатди. Одаму Ҳавво алайҳумуссаломдан қирқ бир фарзанд вужудга келдилар. Йигирма битта қориндан йигирма бир нафар ўғил ва йигирма нафар қиз ҳамда минг нафар набира кўргани аниқланган. «Аҳсан ул-қисас» соҳибининг ёзишича, ҳазрати Одам алайҳиссалом бир мингу қирқ ёшга кирганлар. Тарих (фани) арбобларининг баъзи ривоятига кўра, минг йил, сир аҳлидан бўлган гуруҳнинг сўзига қараганда — 937 йил умр кўрган бўлади. Ул жаноб касал бўлган кунларини ўн бир кун ёки йигирма бир кун деб ёзадилар (в. 5а).

Одам алайҳиссаломнинг охиратга сафар ҳангоми тўлганда Шис алайҳиссаломни Ҳаввонинг васийи қилиб қолдирди ва унинг аҳволининг ҳифзи борасида васият қилди.

Одам алайҳиссаломнинг равшан пешоналарига сабт қилинган ва Одам алайҳиссаломдан Шис алайҳиссаломга ўтган нури Муҳаммадий бобида ҳам кўшиш қилди. Санаи муқаддас муҳаррам ойининг ўнинчи, жумъа кунида Маккаи муаззамада таворих аҳли баъзисининг сўзига қараганда, Оллоҳ раҳматига муваффақ бўлди. Кўпчилик фикрича, Абу Қабис тоғида, ривоятга кўра Сарандиб тоғида, баъзилар фикрича Нажафда Муртазо Али карамуллоҳи важуху ёнида дафн этилди. Ҳазрати Абулбашар алайҳиссалом вафотидан

йил ёки етти йил ўтгач, Ҳазрати Ҳавво розиоллоху анху борлик кўчини оламдан йиғиштирди. Жидда шахрида дафн этилган. Таворих арбоби сўзига қараганда Одам алайҳиссалом муқаддас ёнидан жой олди. Чунончи, Нух алайҳиссалом Тўфон вақтида уларнинг суякларини Ҳақ амри билан кемага олди. Тўфон тамом бўлгач, Байтул муқаддасда тупроққа топширганлар. Бир юз йигирма йил муддатда, баъзилар фикрича, олтмиш йилда йигирма саккиз саҳифа, бошқа фикрга қараганда, йигирма саҳифа унга нозил бўлган. Умумлукитобнинг абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, саҳаз, зазағ Одам алайҳиссалом сурасидирки, Одам алайҳиссалом бу саҳифаларини Сифри Одам деб атайдилар. Уларни Афлотуни Илоҳи юнон тилига тафсир этганди. Ҳазрати амирулмўъминин Али, карамуллоҳи важуху, унинг тафсирини араб тилига таржима қилган эдилар. Айтишларича, Одам алайҳиссалом Шис алайҳиссаломни засий ва ўзига ўринбосар қилиб қолдириб дорулбақога сафар қилганда, Ҳақ таоло амри билан Жаброил алайҳиссалом келиб ҳазрати Шис алайҳиссаломга Ҳақ пайғомини етказди. Ҳазрати Одам алайҳиссаломни ювиб, кафанга ўраб, унга жаноза ўқидилар. Маккаи муаззамада Иброҳим ери билан Ҳажар ул асвад ва замзам мобайнида, Имом Шофеъий ёнигаки, бу ерни Ҳатим деб атайдилар, Одам алайҳиссаломни дафн қилдилар. Айтишларича, Ҳазрати Одам алайҳиссаломнинг авлоди Қобил ва Ҳобил ўлдирилган вақтда Қобил наслидан минг эркагу аёл қолган эди. Ҳобил наслидан қирк минг эру аёл қолганди. Оллоҳ аниқроқ билувчидир. (в. 56.)

ШИС АЛАЙҲИССАЛОМ ИБН ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ВАССАЛАВОТУ АЛАЙҲУМ АЖМАЪИН ЗИКРИ

Шис Сурайёдир ва Оллоҳ муродифидир. У шериксиз туғилган. Авлоди турбатининг маҳбуби бўлган. Ҳазрати Одам алайҳиссаломга хулқда ва хулқ турбатга монанддир, бошқа биродарларига қараганда кўпроқ (отасига) ўхшарди. Баъзиларнинг айтишича, улардан катта эди. Ҳобилни қатл этиш воқеасидан беш йил ўтгач, Қобилнинг синглиси унга кўшилди. Унинг умри бир юз элликка етганда унга ваҳий нозил бўлди: у ҳикматдан таълим ва илмлардан дарслар олган дастлабки одамдир. Шу жиҳатдан ҳақимлар уни биринчи Уриё деб атадилар. Сурёний тилида Уриёнинг маъноси муаллимдир. Насорийлар ривоятчи, икки юз ўттиз ёшида тошу гилдан Каъба хонасини курди. Хос ашёлар

билан таъминладики, уни Ғознимун дейдилар. Баъзиларнинг айтишича, Малжоб ибн Одамнинг ўғлидир. Бу гапга асос йўқ. Шис ҳайъат, нужум, ҳисоб илмларида ўз нуқтаи назари ҳукмларига эга бўлган биринчи одамдир. Ўз ота-онаси учун намоз ўқиган дастлабки одамдир ва ўз отаси амру васиятларини адо этишга бел боғлагандир. Одамлар уни фарзандлари орасида хат ёзиш таълими, хайётлик ва қарбос кийишни одат қилган биринчи одамдир, дейишади. Бандилик ва бандалик расмини жорий қилган биринчи одам ҳам шудир. Худо йўлида жиҳод қилмоқни касб айлаган биринчи одамдир. Оташпарастлик йўлидан кетган Қобил фарзандлари билан аксар жангга кетардилар. Насихатга қулоқ солдилар. Аммо оталарини банд қилиб, келтириб, танбех берди. Ул соҳибу саодатга қарашли одамларни кеча-кундуз соатларини ибодатда ўтказишни (таъкидлади). Унинг шариати отасининг шариати эди. Эллик саҳифа қирқ йил муддатда унга нозил бўлди. Саксон йил халқни шу тўғри йўлдан устивор бошлади. Бир минг ўн икки ёшлигида дунёдан ўтди. Баъзилар фикрича, тўққиз юз ўттиз икки йил, бошқалар сўзича эса тўққиз юз йил умр кўрган. Кейин жаннат томон йўл олди.

АНУШ ИБН ШИС АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Анушнинг маъноси содиқдир. Ануш Шис ибн Одамнинг васий ўғли бўлди. Баъзиларнинг сўзига қараганда, у пайгамбар бўлмаган, аммо васий бўлган. Қавмини Одам алайҳиссалом динига даъват этган. Подшолик, салтанат ва фармонраволик даъвосини қўйган биринчи одам шу эди. Хурмо дарахтини экиш унинг ихтироларидандир. (в. ба). Ёши тўққиз юз олтмиш бешга етганда, бошқа ривоят бўйича тўққиз юз эллик йиллигида ўғли Кайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайҳиссаломни ўзига васий ва халифа қилиб тайинлади. Кейин оламдан ўтди.

ҚАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Қайноннинг сурёнийча маъноси зобитдир. Қавмга юз йил бошчилик қилди. 900 йил, бошқа фикр бўйича 910 йил, (учинчи) бир ривоятга қараганда 840 йил умр кўрган. Ихтилофли ривоятлардан қатъий назар, у Бино шаҳрини кургани маълум. Иморатлар, боғу бўстонлар тархини чекиш унинг ихтироларидандир. Ўғли Махлоилни ўзига қоиммақом этиб тайинлади.

МАҲЛОЙИЛ ИБН ҚАЙНОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Маҳлойил Мамдух муродифидир. Маҳлойил отаси ўрнига қоймақом бўлгач, 300 йил подшоҳлик қилди. Фарзандлари кўп эди. 895 ёшга етганда, бошқа бир фикр бўйича 926 йил умр кўрди, фикрлар ихтилофидан қатъий назар, Суси Аксо шаҳри у қурган бинолардандир. Ўғли Барвин Маҳлойилни ўзига васий ва қойиммақомликка тайинлади. Баъзилар унинг исмини Борид дейишади. Бориднинг маъноси Зобитдир. Борид баъзилар сўзича 967 ёшга етганда ўлган. Бошқа ривоят бўйича 960 ёшга кирган. Дарё ва анҳорларни у пайдо қилган. «Нафойис-ул-фунун» соҳиби сўзига қараганда фарзандлари сони кўпая бошлагач, атроф заминни эгаллаб, ҳукмронлик қилганлар. Шайтон ифвосига учиб бутпарастликни бошлаганлар.

АХНУХ ИБН БОРИД ИБН МАҲЛОЙИЛ ИБН ҚАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Баъзилар таъкидича, «Хунух» ҳамзасиздир. Сабоғи кўплигидан Идрис ҳам деб атаганлар. Унга салавоту саломлар бўлсин, Ул ҳазратни Урёйи солис деб атаганлар. Хурмус ул-Ҳаромиса деганлар, Волидул-хукамо атаганлар. Мусалласун-наъм вар-раёса ҳам деганлар. Айтишларича, пайғамбар, подшоҳ ва ҳақим бўлган. Хурмус Уторудга муродиф эди. Абулмаъшар Балхийнинг ёзишича, Ҳаромиса (Хурмуслар) кўп бўлган. Лекин фазилатлилари уч киши бўлган, деб айтадилар. Биринчи Хурмус ун-наби бўлиб, Идрис алайҳиссаломдир. Иккинчиси, Хурмус Бобилий Роййон анбиёси жумласидан. Лақаби Боворёйи соний бўлиб, Ҳақим (в. 66) Фисоғурш унинг шогирдидир. Илмлар йўқолиб, Тўфонни қайта бошдан тузди. Учинчиси Хурмус Мисрий. Исфилунснинг устоди. Жамеъи илмларда хусусан тиб илмида ва кимё илмида маҳорат ҳосил қилади. Баъзилар ёзадики, Идрис алайҳиссалом Одам алайҳиссалом вақтида 100 яшар ёки 363 яшар бўлган. Бошқа бир ривоятга кўра, Армурухон сўнгги пайғамбар ва улўф ҳашаматли бўлган. Гарчанд уламо наздида улўвул-азимлиги тасдиқланмаган бўлса ҳам, пайғамбар бўлганига ҳеч ким шак келтиролмайдиган, зероки Идрис алайҳиссалом хитоби Қуръонда зикр этилгандир. Ҳар набики, соҳиби китоб экан, уни расул деб атайдилар. Гарчи, барча илмларни унга нисбат берсалар ҳам,

алайҳиссалом. Аммо, илми ҳайъат бўйича машҳур кишилар фикрича нужум ва юлдузшунослик унинг мўъжизаларидандир. Ёзув, ип йигирмоқ, тўқувчилик, тикувчилик санъатлари шул жанобларига мансуб, деб биладилар. Миср эҳромларини у қурган деб айтадилар ва у ердаги шакллар, суратлар жамий санъатлар суратларини ҳамда асбобларини ихтиро қилган, дейишади. Айтадиларки, Тўфон ҳолидан у хабар берган. Даъват муддати давомида 120 йил ичида 30 саҳифа ул жанобга ташрифи нузул бўлган. Миср ва унинг худудида бўлган. Бир гуруҳ одамлар айтишича, Ҳиндистон саводи аъзамида яшаган. Лекин ул ҳазрат қадамлари асари Мисрдаги Дамиёт шаҳрида, тош тахта устида ўлтирганлари маълум. Ҳазрати Жаброил алайҳиссалом келганда ўз қанотида кўтариб осмонга олиб чиқиб кетган. Эҳтимол, оёғи ўшанда Ҳиндистонга ҳам қўйилган бўлиши мумкин. Айтадиларки, офтобнинг бир бурждан иккинчи буржга ўтишини Оллоҳ неъматларининг зоҳир бўлиши деб билган ва (шу муносабат билан) ажиб бир байрам ташкил этган. Юлдузларнинг шараф буржига етишларини қарамли деб билган. Ҳорут билан Морут киссаси ҳам ўша замонда келиб чиқди. Бир ривоятга кўра, 365 ёшида Ҳақ таоло Идрисни тўртинчи осмонга олиб чиққан. Бошқа бир ривоятга қараганда тўртинчи осмонда унинг руҳини олган. Баъзиларнинг айтишича, беҳиштга олиб бориб, ҳақиқатга яқин ривоят шулки, Ҳақ жалла ва аъло фазли ва иноятдан камолот, илму амалидан малоийкалар орасида гулгула пайдо бўлганмиш. Малакул-Мавтда у билан суҳбат иштиёқи пайдо бўлган (в. 7а). Ҳазрати Роббул-иззат ижозати билан Идрис алайҳиссалом билан ҳамсуҳбат бўлган. Натижада ҳамма билан дўстлик иттифоқи вужудга келган. Умри 365 ёшга етганда Идрис алайҳиссалом илтимоси билан Азроил алайҳиссалом Ҳақдан ижозат олиб, унинг руҳини олган ва жаҳаннамнинг жамаъи қаърларини ва азобларини кўрсатган, жаннат тамошасига олиб келган. Икки дўст суҳбат чоғида Идрис Азроилга шарт қилган эдики, жаннатни томоша қилдиргандан сўнг чиқишиб, иккинчи бор, Тўбо дарахти остида наълларимни эсдан чиқариб қолдирибман, деган баҳонани қилиб, яна қайтиб жаннатда ўрнашди, У ердан чикмади, жаннат ичида ўлтириб Азроил алайҳиссалом сўроқларига жавоб берди.

Матушулх ибн Ахнух, яъни Идрис алайҳиссалом ибн Бардин ибн Махлойил ибн Қайтон ибн Ануш ибн Шис алайҳиссалом ибн Одам сафиюллоҳу саловутоллоҳи алайҳум ажмаъин, катта қавмга айланди ва отаси динида устивор ҳамда одамлар орасида адлу эҳсон сифатлари билан шухрат

топди. Умри узун бўлди, вафот этгач, ўғли Ламик ибн Матушулх ибн Ахнух ибн Бардин ибн Махлойил ибн Қайтон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам саловатуллоҳ алайхуму ажмаъин, отаси ўрнига ўлтирди. Баъзилар унинг номини Ламакон, бошқалари Ломисак дейишади. Ломис фирқаси ва Ломих гуруҳи ва зумрайи Лом дейдилар, Алилму Индаллоҳ. Айтишларича, Ламик ибн Матушулх ёлғиз ўтган. Унинг замонида бутпарастлик залолати шуҳрат топди. Хабар беришларича, Ҳазрати Идрис алайҳиссаломнинг осмонга кўтарилишидан кейин умматлар орасида бутпарастлик кенг ёйилди. Лекин аслида унинг пайдо бўлиши Махлойил ибн Қайнон ибн Ануш ибни Шис алайҳиссалом вафотидан кейин юз берган. Айтишларича, шу нарса ҳақиқат эдики, Махлойил шакли айни Одам алайҳиссаломга ўхшарди. Ул ҳазратни кўрганлар ҳам, Ҳазрати Сафиюллоҳни кўрмаганлар ҳам келиб Махлойилни зиёрат қилишдан хушнудлик изҳор этар эдилар. Одам алайҳиссаломга қанча назрлар олиб келган бўлсалар, Махлойилга ҳам шунча берардилар. Махлойилнинг вақти-соати етгач ва Ҳақ раҳматига етишгач, улкан бир кофила узокдан (в. 76) катта назрлар билан Махлойилни кўргани келаётганди. Махлойилнинг авлоду саҳобалари ҳайрон бўлдиларки, улар гапирганда «ҳийла қияпсизлар», дедиларки: олиб келган бу миқдордаги олтинларни чиқарманглар, Махлойил жамъ қилиб ҳазина қилган шу миқдор олтинлар бунинг олдида ҳечдир. «Сиз аҳли олам омийлари орасида азизу мукаррам эурсиз», деб Махлойилнинг ясалаётган суратининг бир қисмини кўрсатдилар. Суратни Махлойилдан ҳаргиз фарқ қилолмадилар. Оқибатда савобга асли-бу сураткаш қўли биланки, аслида Шайтон эди, етишди. Махлойил пардасини ўзининг юзига ташлаб ўлтирганди. Уни ўша сурат устига ташлаб, ғулому яқинлари ўша сурат олдида мулозаматда манзари олийда турдилар, Кўп миқдорда олтинни назрга олиб келганлар узокдан катта эҳтиром билан мулозаматига топширдилар. Бу Махлойилми ёки Махлойилнинг суратими эканлигини тушунмаган жамоат шу тариқа бир оз муддат одамлар олтинини олиб хазиналарига тўпладилар. Бир пушт ўтгандан кейин ҳақиқатдан воқиф бўлмаган фарзандлар ўз шайтонларини кўрсатиб, маъкул қилдиларки, аждодларингиз шу суратга сажда қилганлар, сиғинганлар. Сиз ҳам сажда қилсангиз, улар нима кўрган бўлишса, сизлар ҳам шуни кўрасизлар, дедилар. Вақт ўтиши билан бу суратга Махлойил авлоди сажда қилганлар. Бу ҳол Ламк ибн Матушулх замонигача машҳур бўлиб кетди. Машриқдан Мағрибгача Маккада ҳудоси бўлган бир қисм халқда бу одат

йўқ эди. Бутун ер юзида халқ бутпарастликка юз тутди. Айтишларича, Ламк ибн Матушулх ибн Ахнух 770 йил умр кўрган. У бутун оламга нидо қилдики, ўрнига Сакиб ибн Ламк ибн Матушулх ўлтиради.

НУХ БАҲОУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ИБН МАТУШУЛХ ИБН АХНУХ ИБН БАРД ИБН МАҲЛОЙИЛ ИБН ҚАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ШИС ИБН ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ САЛАВОТУВАССАЛОМ ЗИКРИ

Нух алайҳиссаломнинг исми муборақлари Сакибдир. Баъзилар Масокиб дейдилар. Баъзилар эса Сокиб деб ўқиганлар. (в. 8а). Бошқа бир гуруҳ (олимлар) Мискаар деб ёзишган. Ҳар ҳолда мурод Нух алайҳиссаломдир. Ҳадис ҳукмича, «Ма ҳайлу у лавалазм даввам» дир ва уни Одами соний атайдилар ва Шайхул-анбиё ва Баҳоуллоҳ унинг лақабидир. Кўпчилик қарих одамлар уни Нух дейдилар. Умри узун бўлгани учун Шайхуланбиё дейишган. Айтишларича, қирқ ёшидан кейин Маъбус — пайғамбар бўлди. Баъзилар фикрича, 200 йилдан кейин набилик давлатига мушарраф бўлган. Бошқа ривоятга кўра, 480 ёшида ваҳийга уни (худо) мумтоз қилган. Ихтилофли фикрлардан қатъий назар, у биринчи бўлиб носихолар шариатини қавми орасига ёйган эди. Қиёматнинг келишини бир кун олдин Ҳазрати пайғамбаримиздан, саллоллоҳи алайҳи вассалом, хабар берган биринчи киши шу жаноби алайҳиссалом эди. Пайғамбар юлдузи, яъни қавм унинг дуоси билан ҳалок бўлганлар, Салавотуллоҳи алайҳ. Умри 1400 га етганда тўфон воқеаси юз берди. Ҳазрати Нух алайҳиссалом ҳозир ҳам Куфада мавжуд бўлган Тануридан бошланди. Шайхуланбиё алайҳиссалом 20 ражабул-муражжабда 80 киши билан 920 йил унинг гаровида бўлдилар. Ўзи ясаган узунлиги 80 зирё, «Жаҳоноро» соҳибининг фикрича, узунлиги 300 зирё ва эни 50 зирё, баландлиги 30 зирё, «Нафойсул-фунун» соҳиби сўзича, узунлиги 1200 ареш, кенлиги 600 ареш, бошқа бир фикрга кўра тасаввур қилиш мумкинки, кема қурилиши жараёнида кофирлар масҳара юзасидан ул жанобга: «Пайғамбарликдан кейин дурудгор бўласан» (дедилар). Кема уч табақалик қилиб қурилиб бўлгач, биринчи табақаси уй ҳайвон (даввоб)лари учун, иккинчиси илсон ва яна қушлар учун эди. Бу кемани ўзининг уч фарзанди Ёфас, Сом, Ҳом ёрдами ва кўмаги билан қурди.

Нух танурининг суви, ки унга Одам алайҳиссаломдан Нухга мерос қолган эди. Бу танур темирдан ясалган бўлиб, Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссалом учун келтирган эди, қайнаган куни, ўша 80 одам ва унга тобеъ уч ўғли жамъ бўлган 20 ражаб ул-муражжаб куни Тўфон бошланганидан бир кеча-кундуз ўтгач, кемага тушдилар. Осмондан (в. 86) қайноқ ёмғир ёғди, ердан совуқ сув қайнаб тошди. 168 кун давомида кемада бўлдилар. Панжшанба куни 9 муҳаррамул-харомда кемадан тушдилар. Бу тўфоннинг суви тамоми рубъи маскунни қоплаган эди ва дунёда бир тоғки, ундан баландроқ тоғ йўқ эди, тўфон суви шу тоғдан қирқ газ баландроқ кўтарилган эди. Худои таоло фармони билан Ҳазрати Нух алайҳиссалом кемаси Мағрибдан Машриққача ва Машриқдан Мағрибгача икки марта бориб келди. Кейин Ҳазрати Субҳон амри билан Нух алайҳиссалом кемаси Мўсул жазираси тоғларидан Жуди тоғи чўққисига келиб тўхтади. Нух алайҳиссалом пайшанба куни Муҳаррам ул-харомнинг ўнинчи куни ўз авлоди ва асҳоби билан кемадан тушдилар, кейин шу ерда «Мадинатул-самонин» деган шаҳар қурдилар. Баъзиларнинг фикрича, бу шаҳар «Суҳи Самонин» дейилган. Бир неча кун ўтгач, ўша 80 нафар одамнинг 7 нафаридан бошқа ҳаммаси ўлди, Онҳазрати Нух алайҳиссалом ва у кишининг уч фарзанди: Ёфас, Сом, Ҳом, Нух алайҳиссалом ўғилларининг хотинларидан ташқари ҳеч ким қолмади. Айтишларича, бу етти нафардан ташқари яна икки киши ҳам қолган, лекин булардан насл йўқ. Бу одамларки ҳозир ҳаёт кечирмоқдалар Ҳазрати Нух алайҳиссалом авлодларидандир. Ўша икки нафарининг бири Авж ибн Унук бинти Одам алайҳиссалом, иккинчиси бир кампирнинг набираси эдики, Нух алайҳиссалом билан дўст эди ва ҳануз кофир эди ва ҳар кун Нух алайҳиссалом учун бир нон ва бир коса қатиқ олиб келарди ва айтардики, эй Нух, мену кофиримга ўз чўбин уйингга албатта йўл бергинки, мен сендан ҳеч бир ёлғон сўз эшитмаганман. Сенинг тўфон бўлади, деганинг албатта рост бўлиб чиқди.

Ҳазрати Нух алайҳиссалом унга ҳурмат юзасидан ваъда бердилар. Тўфон турган кунлар Худойи таоло ўша кампир ва ҳазрати Нух алайҳиссалом ҳар иккисини бир-биридан ажратиб, ҳижобга солиб қўйди. Бутун кофирларнинг ишини тўфоннинг бир мавжи билан ҳал қилди. Кемадан ерга тушган кунлари бир куни барча кампирлар қоида бўйича (в. 9а) олдин бир арпа нони ва бир коса қатиқни Ҳазрати Нух алайҳиссаломга келтирган ва қўп маъзиратлар қилган эдиларки, «ё Нух, мана олти ой бўлибдики, мен ўша суви қуриган дарё бўйидаги чайлада ҳеч сув қолмаганидан, илло

озгина сув машкнинг бир бурчида қолган эдики, найда олти ой мен ва менинг сигиримга кифоя қилди. Сув важдан кўп танглик чекдим. Етишмовчилик важдан хизмат маъзурида камчилик бўлди. Умидворманки, камчиликларимни афв этурсан». Ҳазрати Нух алайҳиссалом кампирни кўришидан таажжубда қолиб бошини саждага қўйди: бир сир инкишофига доир илми воқеъ бўлди. Дарҳол Ҳазрати Жаброил Ҳазрати Раббул-жалил амри билан нозил бўлиб баён этдики: «Ё Нух, Ҳазрати ҳақ таоло дейдиларки, бу пиразол холисона сенинг муҳаббатингда яшади. Гарчанд, миллатда сендан бегона бўлса ҳам. Сенга бўлган муҳаббати туфайли бизнинг дўстимиз бўлишини истадик, наҳотки душманларимизга қўшилиб дўстимиз фарқ бўлса. Яна у билан шундай муомала қилдикки, ҳаргиз қаҳру ғазабимиз ваҳми унга маълум бўлмасин, токи унинг хотири ташвишда ўтмасин». Шундан кейин Ҳазрати Нух алайҳиссалом пиразол борасидаги ҳақиқатдан огоҳ бўлди ва шу пайтдаёқ мусулмон бўлди ва ўзи калимаи тавҳидни наъра тортиб ўқиди: Ла илаҳа иллоҳу, ва жонини ҳаққа таслим қилди. Азизим, худо дўстларининг муҳаббатини кўргинки, кофирларга қандай асар ва натижа берди. Биз ва сиз мусулмончиликдан лоф урамиз ва чандон баҳрага эга эмасмиз. Бу шундан далолат берадики, дўстликда садоқатли эмасмиз.

Агар ихлосимизда бирор фатво бўлмаса, ҳар эҳтимолда ишлар бошқача бўлурди. Доимо Худои таоло бизнинг ва сизнинг ихлосингизни камол мартабасида тутади ва нуқсонларимиз билан қабул қилур. Ҳазрати Муҳаммад расулulloҳ соллalloҳи алайҳи ва алаиҳи ва саҳоба ва саллом, дўстликда Ҳазрати Нух алайҳиссаломдекдир. У кишининг Сом, Хом ва Ёфас деган уч ўғли бор эди ва Ҳазрати Одами Соний ўғилларининг уч хотини, у кишининг Канъон деган тўртинчи ўғли ва унинг онаси Ҳазрати Нух алайҳиссаломга иймон келтирмаган эдилар. Ложарам, Ҳазрати Ҳақ жалла ва ало уларни «Йаталатаму амважун аннуҳу лайса мин аҳлака» («гапларга қараганда у сенинг аҳлингдан эмас») гирдобига (в. 96) фарқ қилди. Уларнинг бесаодатлик воқеасидан хабар бериб, то олам инқирозигача меҳробу, масжидлару, мадрасаларда кироат қилмоқни буюрганлар. Шундай нақл борки, Ҳазрати Нух алайҳиссалом дунёники, рубъи маскун ҳам дейдилар, ўзининг уч ўғлига тақсим қилиб берганда, ҳар қайсисини маъмур қилинган тарафга жўнатди. Бу авлод ўзининг муқаррар томонига йўл солиш мақсадида бир неча кун оталари ҳузурида қолдилар. Бир куни Нух алайҳиссалом уйкуда чоғида баногоҳ Ҳазрати Нух алайҳиссалом жомасининг этаги очилиб, авротлари кўриниб қолади. Шу вақтда

Ҳомнинг назари отаси авротига тушади ва ўринсиз ханда отиб кулиб юборади. Бу Ҳомнинг беадаблигидан Сом жуда ҳижолат тортди-да, кечирим сўраш ниятида, ёпиб кўйиш учун интилди. Аммо Ёфас Ҳомнинг кирдоридан воқиф бўлиб унинг адабини берди. Ҳом Ёфасга ёпишганди. Ҳазрати Нух алайҳиссалом буларнинг ғавғосидан уйғониб кетди. Қараса, Ҳом билан Ёфас бир-бири билан олишмоқда, Ёфас Ҳомнинг адабини бермоқда, Сомдан улар жанжали ҳақиқатини сўради. Сом ғояти уялганидан жавоб бера олмади. Охир — улар, жанг сабаби, Ёфас алайҳиссалом билан Ҳом орасидаги жанжал сабабидан Ҳазрати Нух алайҳиссалом воқиф бўлди ва Сом ҳақиқага дуо ўқиди: «Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни солиҳлар, набилар ва авлиёларга айлантирсин!» Ҳом ҳақиқага дуо ўқидиларки, Ҳаққи субҳона ва таоло, сенинг авлодингдан қоралар яратилгай. Ёфас борасида дуо қилдиларки, Ҳақ таоло сени ва фарзандларингни азиз ва мукаррам тутиб, фазлу аҳсонинг барокотидан наслингизда баракот бўлгай.

Таворих аҳли киборларидан баъзиси бу нақлнинг таъсирини йўқотишга тиришиб, Ҳом ҳақида қилинган дуо сабабини бошқача тушунтирадилар: Бўлса бордир. Ҳар тақдирда ҳам бу уч ака-ука ҳар қайсиси ўз хизматларини адо этмоққа киришади. Оталари туфайли ва дуосидан учга бўлиниб кетдилар, дейдиларки, ризқ турличадир.

Ҳазрати Нух алайҳиссалом буғдойранг эдилар. Бағоят раҳм-шафқатли, оёқ-қўлли, (в. 10а) йирик-йирик кўзли, баланд қоматли, камсукум айни пайтда ниҳоятда шиддатли ва ғазабли бўлганлар. Дейдиларки, Тўфон аввалидан то муқаддас ҳижратгача 3984 йил ўтган.

Ҳомнинг «Жаҳоннамо» рисоласида Тўфон бошланиши жумъасидан то ҳижратнинг пайшанбасигача Абурайҳон ва унинг шогирдлари таҳқиқотига кўра, 3725 йилу 348 кун ўтгани кўрилган.

Аловуддин ибн аш-Шотир Димишкий ўзининг «Китоби нузхатун-нозир» (асари) да Тўфоннинг бошланишини пайшанба куни деб ёзган. Тўфон бошланган кун пайшанбадан то ҳижрат бошланган пайшанбагача 3725 йил ва 350 кундир. Бу йилларнинг кунлари 13 лак 59 975 кун бўлади. Ўтган йиллар харасдир. Бир гуруҳ (олимлар) нинг ёзишича, Одам алайҳиссаломнинг ерга нозил бўлишидан Нух алайҳиссаломнинг Тўфон кунигача 2242 йил ўтган. «Жаҳоноро» (китоби) соҳибининг ёзишича, 2200 йил. Баъзилар Заҳҳокни ўша даврда ўтган, дейдилар. Бу галатдир. Зероки, мўътабар тарих китобларида Заҳҳокни Марҳасп ибн Тоз ибн Арам ибн Сом ибн Нух алайҳисса-

ломнинг ўгли деб ёзилган. Заҳҳокнинг Нух алайҳиссалом асрига яқин бўлгани (ҳақиқатга) хилофдир. Алқисса, Нух алайҳиссалом бу оламни тарк этганда у кишидан мазкур уч ўғилдан бошқа авлод қолмаган.

СОМ ИБН ЛУҲСОМ ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Илгари баъзи таворих соҳиблариданки, пайғамбар унинг расулидир, аксар анбиё, аҳли эрон ва араб ва ажам унинг наслидандир, шундай ёзадилар, Ҳазрати Нух алайҳиссалом ўз авлодига рубъи маскунни тақсим қилганда Шом, Жазира, Ироқ, Форс, Хуросон, Озарбойжон аксар Васатия маъмур мамлакатларини Сомга берган эди. Сомни валиаҳд тайинлаганди. Айтишларича, Сомнинг 9 ўгли бўлган. Биринчиси Хуршид, иккинчиси (в. 10б) Арфахшад, учинчиси Каюмарс, тўртинчиси Усвад, бешинчиси Тураж, олтинчиси Лавуд, еттинчиси Алим, саккизинчиси Арам, тўққизинчиси Навард. Баъзиларнинг айтишича, Хуршидни Сомнинг фарзандлари қаторига қўшмаганлар. Сомнинг фарзандларини саккиз нафар ҳисоблаганлар. Арфахшад ибн Сом Абуламбиё деб аташган. Зеро, кўпчилик анбиёлар алайҳумуссалом, унинг наслидандир. Чунончи, унинг наслидан тўрт пуштдан кейин Қахтон ва Койеъ келадилар.

Айри қавми Койеъ уруғидандир. Аксар араблар Қахтон уруғидан. Учинчи пушт Сабога етади. Арабларнинг ҳамиди, Тамми, аъони, қазоъи, ашъари, урви, тойи (уруғлари) Сабо наслидандир. Алим ибн Сомки, уни Олим ёки Маҳлим ҳам деб атайдилар, Хуристонни таъмир қилди. Хуросон ва Ҳақёл унинг ўғилларидир. Ироқ Хуросоннинг ўғлидир. Кирмон, Кач, Мукрон мазкур Ҳақёл ўғилларидир.

Каюмарс ибн Сомки, Аҳвоз ва Паҳлу унинг ўғилларидир ва Форс Паҳлунинг ўғлидир. Навард ибн Сомки Озарбойжон, Орон, Арман, Муғон, Казъон, Фаръон унинг ўғилларидир. Айтишларича, 300 йил умр кўрган. Арам ибн Сом Соъ тузуклари униқидир. Од, Самуд қавмлари унинг уруғидандир. «Низомут-таворих» соҳиби ривоятига кўра, Арамнинг етти ўгли бўлган. Од, Самуд, Заҳҳор, Тасам, Жадис, Жосим, Тозиё (Арам), Яман заминига кетган. Унинг авлоди кўпайганлар ва ўша диёрда макон тутганлар. Уларнинг меҳтари Ямлиқ ибн Од ибн Арам ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом эди. У ўлгач, Шадид ва Шаддод уларга шаҳаншоҳ бўлди.

Самуд Ҳижоз ва Шом оралигини ватан қилган.

Тасам Уммон ва Баҳраинга тушди. Жабдош Ямома ерларига тушганди. Заҳҳор Тай ерларини, Жосим Ҳарам ва Санавон оралигини, Тоз бувайҳийларга мансуб ерларни ватан қилди.

Асуд ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом Нетуйи шахрини бунёд этган. Ажаса, Аклама, Мадойин. Яман, Шом ва Рум унинг авлодидир. Тўраж ибн Сомки, отасидан олдин оламдан ўтди (в. 11а).

Лоуд ибн Сомки, баъзилар уни Лоду, бошқалари эса Лавоза деб атаганлар, у аксар Миср фиръавнларининг бобоси ҳисобланади.

ҲОМ ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Тарих китобларида унинг оиласи аҳли мазкур ва мастурдир. Ҳом ибн Нуҳ алайҳиссалом пайғамбари мурсалдур ва бу йўлда собитқадам бўлди. Аммо тамоми Сипоҳон унинг наслидандир. Айтишларича, ерларни тақсимлаш даврида замин у мулк маъмур бўлган. Мағриб диёри ва Ҳабаша шаҳарлари, Занах, Ҳиндустон ороллари, Ҳинду Синд ва Судон Ҳом ҳиссасига тушган эди. Ҳақ таоло унга тўққиз карамли ўғил берди. Уларнинг исмлари бундай: Ҳинд, Синд, Занч, Нубах, Канъон, Куш, Қаъсо, Барбар, Ҳабас. Ҳар қайсисининг номи билан бир вилоят аталди. Ҳомнинг ўрнини унинг олти ўғли баён этади. Синднинг ўғли Ҳинд, Нубонинг ўғли Ҳабаш, Канъоннинг ўғли Барбар деб айтадилар. Баъзи тафсирларда ёзилишича, Нуҳ алайҳиссалом фарзандлари ва бошқаларга амр қилганки, кемада ҳеч ким (бир-бирига) яқинлик қилмасинлар. Одамлар орасидан Ҳом фармонга хилоф равишда ўз жуфти ҳалоли билан жимоъ қилди. Унга эргашиб ёввойи ҳайвонлар: ит, шунингдек, мушук ўз жуфти билан қўшилдилар. Чунончи, ит ва мушук бир-бири ҳақидаги шаҳодати қиссаси машхур. Маъруф Ҳомни Ҳақ таоло пайғамбарликни икки сабабга кўра, унинг наслидан узиб қўйди, бири пайғамбари мурсал улувалазм сўзига, иккинчиси отаси амрига хилоф иш қилгани учун. Бу воқеадан кейин Ҳом пуштидан унинг хотинлари қорнида ҳосил бўлган ҳомилалар ҳамманинг (юзини) қора қилди. Баъзилар фикрича, Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом дуоси бўйича бўлган. Ит мушук билан жуфтлик қилганда, Ҳазрати Нуҳ алайҳиссаломга иғво қилади. Ит шарманда бўлиб, Ҳақ субҳона ва таолога нола қилдики, ҳақ таоло мушукни ҳам розини фош, ит ва кема аҳли устидан маълум қилгай. Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом

мушукка итoб қилдики негa бундай қилиқ қилдинг? Жавoб берди: «Сенинг ўғлинг Ҳoмгa эргашдимки, у биринчи бўлиб бу ишни қилди». Бу жавoб бўйича аҳволни таҳқиқ қилди. Билди ва уни дуoи бад қилди. Юқоридa айтилганидек, пайғамбарлик унинг наслидан бекор қилинди (в. 116).

**ЁФАС ИБН НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ ИБН ЛАМК ИБН
МАТУЛУХ ИБН АХНУХ ИБН БАРД ИБН МАҲЛОЙИЛ
ИБН ҚАЙТОН ИБН АНУШ ИБН ОДАМ САФИЮЛЛОҲУ
САЛОВОТУЛЛОҲ АЛАЙҲИ ВА АЛО АЖМИЪ
АЛ-АНБИЁ АЛ МЎЪМИНИН АЖМАЪИН ЗИКРИ**

Ёфас ибн Нух алайҳиссаломни баъзилар хилоф (таъриф) қилганлар. Аксар уламо ва кибор машойих ривоятларига қараганда Пайғамбар мурсал саҳобалари сўзига қараганда, Ҳақ Субҳон ва таоло унга 9 ўғил ато қилган: биринчиси Турк, иккинчиси Ҳиброз, учинчиси Сақлоб, тўртинчиси Рус, бешинчиси Мунсак, олтинчиси Чин, еттинчиси Гумори, саккизинчи Кимол, тўққизинчи Мозух.

Баъзилар Ёфас алайҳиссалом саккиз ўғилнинг отаси бўлганини ёзадилар: Кемол ва Киморини бир шахс деб биладиларки, икки ном билан машҳур бўлган. Айтадиларки, бу ихтилофли ривоятдан қатъи назар, Ҳазрати Нух алайҳиссалом ҳар уччала ўғли барча ўз авлодлари билан миллатнинг дастлабки аҳволи даврида бир неча йил Бобил шаҳрида ва биргаликда умрбасарлик қилганлар. Ҳар бир ўғилдан ҳар тарафда шўъбалар ва тоифалар ҳосил бўлди. Улар билан ожизроқлари ўртасида ихтилофлар келиб чиқди. Оқибатда Ҳазрати Ҳақ субҳона кечаларнинг бирида ҳар шўъба учун каромат қилди. Тонг отганда (уйқудан) турганларида ҳар шўъба бир-бирларининг тил луғатларидан кутулган эдилар. Иложсиз ҳар бири отаси ва бобоси ишорат қилган томонга тарқалганлар. Ҳар бир шўъба ўзи бир жойда қарор топдилар ва (у ерларни) обод қилишга ҳаракат қилдилар. Токи бугунги кунда уларнинг ҳар бири бу шаъндан бир шаҳар, қишлоқ мавжуд эди. Унинг аҳли ва авлоди бўлган. Шундан кейин маълум муддатгача Қодир ул-иттилоқ иродаси билан ўз обу хўреши қисмати халқлар, турли сабаблар билан, бир жойдан иккинчи жойга кўчиб, сокин бўлганлар. Наслда келишмовчиликлар ҳам пайдо бўлди.

Бошқа бир ривоят шундайки, бутун ер юзи Ҳазрати Нухники бўлгандан кейин алайҳиссалом жаҳонни уч қисмга

бўлди. Чунончи, Машриқдан Мағрибгача бўлган ерларни, хатти устуводан шимол томон ерлар: Бир бўлак маъмур оролларки, хатти устувоннинг жанубида эди ва Чин баҳри билан Ҳинд баҳри оралиғидаги ерлар, оламнинг рубъики, ҳозир Бабри Ҳабаша номи билан машҳурдир, билан тугагани, Баҳри Чин соҳилларидан, (в. 12а) учинчи иқлим учдан биригача чўзилган ерлар, кенлиги то Мағрибнинг Ҳолидот оролларигача, узунлиги бешинчи иқлим 1/3 гача, одамлар яшайдиган ўрталикнинг кенлигича (ерлар) Сомга берилган эди.

Ёфас алайҳиссаломга Чин Машриқнинг бошқа муҳитлари, Қомарун тоғлари ва рус ерлари охиригача чўзилган оқ чўккилар ва бешинчи иқлимнинг қолган 1/3 қисми то маъмур ерларнинг охиригача ва Шимолнинг зулуммотигача ерлар бахш этилганди. Шуниси равшандирки, бу барча халойиқ ҳозир оламда мавжуддирлар. Бу Ҳазрати Нух алайҳиссаломнинг уч ўғлону авлодидандирлар. Айтадиларки, Туронзамин ва Туркистонни Ёфас алайҳиссалом ўзига асраб қўйганди. Шу сабабли уни Абут-турк дейишган. Эронзамин ерлари ва Ажам ерлари, Оҳвоз Сом алайҳиссалом улушига тушганди. Шу жиҳатдан уни Абулажам деб атаганлар. Ҳиндустон ноҳиялари, Судан мамлакати Ҳом ихтиёрида эди. Уни Абулҳинд атаганлар. Ҳазрати Нухнинг тўнғич ўғли Ёфас эди, алайҳумуссалом. Ҳақ таоло уни расулик ташрифига мушарраф қилди. Ва ушбу мусаввадаки, «Шажаратул-атроқ» аталур, у икки биродар зикридан зиёда бўлмагай. Ва биллоҳ тавфиқ ва алайҳи ут-таколон алаҳдаталар-рови. Замонанинг ахбор ровийлари ва таворих арбоблари шундай ёзадиларки, рўй-замин Нух алайҳиссалом авлоди ва аҳфоди томонидан эгалланиши билан, улар зурриёди ҳамда ҳешларининг ҳар бири ўртасида ибратли тартиблар, эътиборга лойиқ қоидалар кўрина бошлади. Ҳазрати Раббульizzати Жалли Жалола улар дилини илҳом билан бойитди. То мамлакат пешволиги расму русумлари бунёддини этарлар.

Ёфас ибн Нух алайҳиссалом Жуди тоғидан нузул этгач, Ҳазрати ҳақ Жалли ало амри билан Машриқ томон жўнади. Ўз падари бузрукворидан рухсат олиш ҳангомида, ундан дуо ўргатишларини сўради. То Ҳазрати Қодир ало алатлоқдан ёмғир ёғишни сўрагай. Нух алайҳиссалом унга исми аъзамни ўргатди. У исми аъзамни бир тошга нақш қилиб Ёфас алайҳиссаломга топширди. Ёфас (в. 12б) алайҳиссалом ул исми аъзам баракоти ва сирларин ўша Ҳазрати бори таолонинг буюк номи нақш қилинган тошни ҳар чок ёмғир ёғишини истаганларида келтирар эдилар. Бугунги кунда ҳам

турклар орасида ёмғир ёғдирувчи тош мавжуд. Ул тошни Жада тоши, Яда тоши деб атайдилар. У арабчасига Хажарулмутур дейилади. Ҳозир ундай тошларни ҳайвон қорнидан оладилар. Баъзи ҳайвонларнинг ошқозонидан, баъзиларининг юраги, жигари ва гўштидан, киндиги ҳамда пўсти остидан, хулласи жамики аъзоларидан топишади. Қайсиси ҳақиқатлиги номаълум. Аммо халойиқ орасида жуда кўп нақллар юради. Баъзиларнинг айтишича, Ҳазрати Ёфас алайҳиссалом ўз падари бузрукворидан Ҳазрати Нух бохиюллоҳ ало набийино ва алайҳумуссаломдан рухсат олганлари хангомида илтимос қилган эдиларки, мени шундай жойга амр қилингики, у ерда ҳайвонот билан яшашим лозим бўлсин, ҳайвонларни ботиний ишлар вакили қилсангиз, ёмғирдан хабар берувчи.

Хуллас, меҳрибонлик дуосини айтдиларки, қачон ёмғир ёғишига ҳожат пайдо бўлса, ҳазрати қодир зулжалол юборур.

Ҳазрати Нух алайҳиссалом дуо қилдиларки, то ҳаққи субҳона ва таоло хабар берурки, ё Нух, Одам алайҳиссалом яратилмасдан бурун мавжудотни яратилгани тақдир қилинган. Тош маҳлуқдирки, қору ёмғир ёғдириш, шамол эсдириш, туман тушириш, булут пайдо қилдириш, у билан боғлиқ бўлгай: уни олам ашёлари орасида мухтафи қилган эдик. Илгарироқ уни ҳайвонот аъзосига ва вақтга (боғладик). Унинг зуҳури сенинг дуойингга боғлиқ эди. Энди ўшал тошни олгин ва ўз фарзандларингга бергин. Қачон ёмғир ё қор исташса, бизнинг исми аъзамни ўқийдилар ва у тошга дам урадилар, сувга ташлаб амал қиладилар. Худованд қудрати хазинасидан қанча хоҳласалар баҳравар қилинг. Хуллас, Ҳазрати Нух алайҳиссалом ёмғир дуосини Ёфас алайҳиссаломга таълим бердилар ва ўша тошни кўрсатдилар.

Машойихлар жумҳури кибор таворих арбобларига кўра, ривоят қилишича, Ҳазрати Ёфас алайҳиссалом пайғамбари мурсал бўлдилар (в. 13 а). Ул ҳазратга нозил бўлган китобларда ўша орада яда илми ҳам зикр этилган эди. Чунонки, Ҳазрати Одам алайҳиссалом сифрида харфлар, Ҳазрати Идрис алайҳиссалом муқаддас китобида илми нужум, Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом китобида санок илми (илми аъдод), Мусо алайҳиссалом Тавротида илми санъат ва тиб, Ҳазрати Дониёл алайҳиссалом муқаддас китобида илми рамали ало ҳиндул-қиёс (битилгандир). Бу энг қудратли сўздир. Ҳар тақдирда ҳам илми Яда моддасида Ҳазрати Ёфас ибн Нух алайҳиссалом Машриқ мамлакатларида шитоб қилгандир. Саҳронишинлар тариқида соқит

бўлди. Таҳсинга лойиқ хусну қоида русумларини ўз фарзандлари орасида қолдирди. Ажали мавҳуди етишгач, бу марҳаладан кўп офатлар йўқолди ва вафот этди. Унинг бузруквор авлодики, ҳар бири саййид қавм ва меҳтар бир гуруҳ эдилар, ҳар бири падари амри ва васиятига кўра, таҳти тасарруфларида бўлган томонларга тарқалиб кетдилар ва мамлакатдорлик асосини қўйдиларки, бугунги кунда ҳар бири хушсийрат ўша халқ номи билан бир вилоятга мансуб бўлдилар. Ота жанозасини ўғил ва набиралар иззат-икром билан тупроққа топширишлари билан кичик биродарлар ўз улуғ акалари Турк ибн Ёфас алайҳиссалом уйига келиб таъзиятни охирига етказдилар. Ҳаммалари иттифоклик кўргизиб, Турк ибн Ёфасни ўзларига ўғил санадилар ва Ёфас ўғлон деб атадилар.

ТУРК ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ СУЛТОНЛИГИ ЗИКРИ

Туркни унинг тамоми халқи Ёфас ўғлон деб атай бошлагач, ўзларига меҳтар ва сардор қилиб сайладилар. Турк отаси ўрнига қоиммақом бўлди. Хуш расм-русумлар, таҳсинга лойиқ тартибларни ўз қавми ўртасида ўрнатди. Айтадиларки, Турк ибн Ёфас алайҳиссалом Каюмарс замондоши бўлган. Каюмарс форс мамлакатлари биринчи султони бўлганидек, инчунин Турк Машрик диёри хоқонларининг биринчи қоонидир.

Нақл қилишларича, бағоят оқил ва боадаб ва хунарманд бўлган. Кейин (ўзининг) бутун вилоятларини сайр қилиб, кезиб чиққан. Бағоят хуш жойни топдики, уни Жоилгон дейдилар. У ерда бир кичик дарё бўлган, унинг суви илиқ, атрофида гўзал тоғликлар кўп бўлган. Ширин сувли чашмаларга мўл бўлиб, Туркнинг таъбига жуда хуш ёққан. Шу ерда яшай бошлаган. Худойи таоло асосдорлик (в. 13 б) кўргизиб, Ҳаққа ибодат қилишни тарқ этмади, хайру эҳсон қўлини халойиққа очди. Хонлик расм-русуми ва жаҳондорлик қоидаларини биринчи бўлиб Машрик мамлакатларида ижро этди. Айтадиларки, Чин мамлақати сарҳадиданки, уни Хонжу деб атайдилар, асосий ерлар, масалан, Туркистон замин мамлақати чегараларигача унинг ҳукумати қўли остида эди. Ҳиргоҳ удуми унинг ихтироларидандир. Жамиъи турклар орасида инъом қилиш (одатини) ўрнатди. Одил ва комил, кўнгилчан подшоҳ бўлган, дейишади. Раъият борасида кўп риоят қилган. Чунончи, шу нарса ҳақиқатки, Худойи таоло бандалари унинг замонида

айни осойишталикда ва тинчликда яшаганлар. Унинг беш ўғли бўлган. Биринчиси Абилча, иккинчиси Тунг, учинчиси Чигил, тўртинчиси Барсхор, бешинчиси Атлок. Таомга туз солмоқ Туркхон ибн Ёфас алайҳиссалом даврида пайдо бўлди. Шундай ҳикоя қиладиларки, бир куни шикоргоҳда Тунг ибн Турк ибн Ёфас алайҳиссалом кўлидан иссиқ кабоб ерга тушиб кетади. Ўша жой туз маъдани эди. Шўр ерда иссиқ кабобга туз ёпишади. Тунг у луқмани оғзига солганда бошқача лаззат берди. Энди бутун кабобни ўша тузга олуда қилиб еди. Инилари ва отасини, аркони давлат ва ҳаммани бу лаззатдан хабардор қилди. Шундан кейин ҳамма таомга қадрулкифоя туз соладиган бўлдилар. Шунингдек, чорва ва ваҳший ҳайвонлар терисидан либос тикиб кийиш ҳам Турк хукмронлиги даврида пайдо бўлди. 240 йил умр кўргач, ўз отаси ва аждодидан ажралиб охираат шаҳристонига кетди. Аммо, Ҳарз ибн Ёфас алайҳиссалом ҳалим ва камгап эди. Ҳамма жойларни айланиб чикқач, Атал наҳри бўйини ўзига манзилгоҳ танлади ва ёз ойлари сахрога кетарди. Томошо ва сайр қиларди. Қишда шаҳарда яшарди. (Шу зайл яшаб) оламдан ўтди. Унинг авлоди ўша диёрда яшаб қолдилар.

Аммо, Сақлоб ибн Ёфас алайҳиссалом ҳаёсизроқ одам эди. Бир жойда қарори йўқ эди. Инилари ва ўзи орасида воқеъ бўлган хусумат туфайли биродарларига яқин жойдан макон тутмади-да, бир мулк чеккасидан манзил қилди. Яргу сўраш одатини у чиқарган. Руслар одати шундай эдики, агар бир киши ўлса-ю, ундан (в. 14а) ўғил ва қиз қолса, бутун молу мулкни қизга бериб, ўғилга шамширдан бўлак ҳеч нарса (мерос) берилмасди. Бу унинг авлоди орасида расм бўлиб қолди.

Аммо Мунсик ибн Ёфас алайҳиссалом маккор ва ҳийлагар одам эди. Булғор наҳри бўйида яшади. Ўша сарзамин (одамлари) асосан шундан тўрагандирлар. Барча кеккайганлар шунинг наслидандир. Улар турк қавмларининг бадтарларидандир.

Айтишларича, Фар ибн Мунсик ибн Ёфас алайҳиссалом унинг бобосидан қолган ёмғир тоши устида амакиси Туркхон билан низоъ қилган. Инчунин шундай бўлдики, Ёфас алайҳиссалом вафотидан кейин тош Мунсик кўлига тушди. Мунсикдан олифта ва ман-ман Байғур деган ўғли бор эдики, ҳозирги туркманлар ўз шажараларини шу Байғур ибн Фарга боғлайдилар. Турк лашкарлари кўлида ҳалок бўлди. Чунки, Фардан ёмғир тошини талаб қилганида Фар узр сўраб ёмғир тошини бермаган, ўрнига бошқа бир юмалоқ тошни алдаш учун ясаб жўнатганди. Фарнинг

алдагани маълум бўлгандан кейин Турк лашкар тўплаб ўртада уруш бўлди. Байғур ўлдирилди. Шу кундан эътиборан туркманларнинг туркларга нисбатан душманлиги сақланиб қолган.

Баъзиларнинг айтишича, Ёфас алайҳиссалом Мунсика барча каллакасарларнинг, Яъжук-Маъжуж авлодининг бобосисан, деган. Аммо, Чин ибн Ёфас алайҳиссалом хунарманд, хуштабиат, фаросатли ва мутафаккир одам бўлган. Бугунги кунда Чин номи билан машхур юртда яшади. Шаҳар қурилишига асос солди. Сураатгарлик, ипак етиштириш, кийим тикиш хунарларини у бошлаб берди. Кўпчилик санъатларки бугунги кунда Чин аҳли машғулдир, унинг ихтиросидир. Унинг бир ўғли бор эди. Уни Мочин деб атадилар. Мочин ибн Чин ибн Ёфас алайҳиссаломни ғоятда оқил ва доно, бокифоят бўлган, деб ёзадилар. Унинг қавмлари кўпая бошлагач, отасига деди: «Агар ижозат берсангиз, ўзимга ёққан мавзеъда яшамок учун бир бино қурмоқчиман». Ижозат олгач, бир шаҳар қурдики, ҳозир уни Мочин дейдилар. Яшма тоши Мочин маъданидан олинади. Бу тошнинг ҳосиятини халққа тушунтирди. Мочин оҳусидан мушк олишни бошлаган.

Мочиндан бир ўғил туғилди. Уни бир қавм макри билан хон (в. 146) атадилар. У Навмисхон, ки Усмон ибн Атғарал ибн Сулаймонхоннинг энг обрўли боболаридан эди. Ҳозир у Рум мамоликада Хункорол Усмон номи билан шуҳрат топган.

Аммо Гуморий ибн Ёфас ибн Нух алайҳиссалом айёр, шикор дўст одам эди. Гуморий замонида синжоб, самур ва қоқум пўстидан пўстин тикиладиган бўлди. Бартос ибн Гуморий унинг асосчисидир. Мазкур нарсалар унинг ихтироларидан ҳисобланади. Унинг икки ўғли бор эди. Бирининг номи Бартос, иккинчисини Булғор аташарди. Бартос ва Булғор иккаласи Адил қирғоғида ва Булғорда жойлашдилар. Улар зурриёди ўша жойда яшаб қолган.

Кимиёл ибн Ёфас алайҳиссалом ибн Нух алайҳиссалом зариф, латиф табъ одам эди. Қаердаки кўнгли хушласа, ўша жойни гашт қилган. Унинг авлоди турк қавмлари орасида мирзотабиатликлари ва хушчақчақлиги билан машхур эди.

Аммо Монеъ ибн Ёфас ибн Нух алайҳиссалом хушхулк ва очиккўнгилик одам эди. Ўз инилари орасида инсофлилик хислати билан шуҳрат топган эди. Қомарун диёрида Чин мамлакати яқинида бино қилди. Авлоди ўша жойда тарқалишган. Олло таоло буларни тузукроқ билувчидир. Уларнинг насаблари, ки бу жамоанинг барчаси Абутурк

Ёфас алайҳиссалом атрофида жамлашгандир ва лекин улар авлоди орасида фарқ кўпдир. Чунончи, ҳадду сифатдан ташқаридир. Баъзи тарихчилар тадқиқотларидан шу нарса аниқланганки, Ёфас ўғлони, Туркхон ибн Ёфас алайҳиссалом Каюмарс ибн Сом ибн Нух алайҳиссаломнинг ҳамасри эди. У Ажам маликларининг биринчиси ва Каюмарси Одам номи билан машҳурдир. Каюмарс одам аталишининг сабаби шулки, ёзишларича Ҳазрати Абул башар Одам халифатуллоху васаловотуллоху алайҳга ўхшашликда ҳеч ким Каюмарсчалик мушобаҳат бўлмас экан. Шунинг учун ҳам уни Каюмарси Одам дейишаркан. Буни ҳамма тан оларкан. Ёфас ўғлон Туркхон хонлик расму одатларини ва Жаҳондорликда зобитликлари қоидаларини Машриқ шаҳарларида ўрнатди. Бутун Туркистон заминда бир муддат фармонраволик ва мамлақатни бошқаришни амалга оширди. (в. 15а) 240 ёшга етганда унинг тўнғич ўғли Абулчохонни халқ маслаҳати ва савоб усуллари юзасидан тахтга ўтказди. Ўзи бутун халқ билан видолашиб оламдан ўтди.

АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Абулчохон ибн Туркхон салтанат тахтига ўлтиргач ва хос мулкка мушарраф бўлгач, отаси русуми ва қоидалари бўйича халқ манфаатлари йўлида бир қадар тадбир кўрди. Чунончи, улусларни ямин ва ясор (қанотларга) белгилади. Ўнг қанот одамларини аванғор, сўл қанот одамларини жаванғор деб атадилар. Ва амр қилдики, аванғор халқи ҳаргиз чап томонга ўтмагай, жаванғор халқи ҳеч вақт ўнг қанотга келмасликлари зарур; қачон бўлмасин подшоҳ ҳузурида ва унинг суворийси бўлсалар. Турмушни шундай туздик, унинг замонида барча раият, ақобир халқ хизматида, унинг эҳтиёжини қондирмоқ, хотирини шод қилмоқ пайидан бўлғайлар. Ёши улуғлашганда ва (худо даргоҳига) жўнашдан ўзга чора қолмагач, салтанат тахтини, отаси сингари тўнғич ўғли Дибадқуйга топширди. Ўзи дунё билан хайрлашди. Қолган умрини тоату ҳақ ибодатида сарф қилди. Узлатнишинликни ўзига шиор қилиб олди. Ҳақ субхона ва таолодан ўзгани демади.

ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Дибадқуйхон жаҳонбонлик ва ҳақонлик саририга ўлтиргач, Туркистон салтанати тахтига чикди, адлу додни ўз сиёсатида зиёда қилди. Яхши расм-русумлар жорий этди. У умридан барака топгач, омонатни топшириш вақтида мамлакатни ўз ўғли Куюкхонга топширди.

КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Куюкхон салтанат саририга қадам қўйгач, подшолик юмушларига бел боғлади. Отаси русуми йўлидан заррача ҳам четга чиқмади. (в. 156) Ва адлу инсоф шоҳроҳидан четга чиқмади. Вафот этаётган чоғида меросий вилоятни ўғилларининг тўнғичига — Алмужаннахонга қолдирди.

АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙҲИССАЛОМ ЗИКРИ

Алмужаннахон мамлакат тахтига қарор топди ва жаҳондорлик маросими ва мамлакаткушойлик вазифаларини бажаришга киришди. Унинг замонида нозу неъмат туркларда мўл-қўл эди. Могу мулк гурури ва бойлик оҳанги туфайли саркашлик ва кўфрони неъмат қилдилар ҳамда тўғри йўлдан қайтдилар. Дину миллатни тарқатдилар. Залолат ва гумроҳлик йўлини тутдилар. Чунончи, уларнинг барчаси кофир бўлдилар. Шу зайлда бироз муддат ўтгач, Алмужаннахон хонадонидан бир қориндан икки ўғил туғилди. Бирини Тотор деб атади, иккинчисига Мўғул деб ном берди. Иккала ўғил ҳам катта бўлишди ва ҳукуматни бошқариш даражасига етдилар. Алмужаннахон қариганида ҳар икки ўғилни салтанатга қобил кўрди. Меросий мамлакатини ўғилларига бўлиб берди. Ярмини Тоторга ва ярмини Мўғулга топширди. Бу иккала ўғил оталари вафотидан сўнг бир-бирлари билан аҳилликда ўз қавмлари ва тобеъларини бошқардилар. Шундан бироз муддат ўтгач, улар икки шўъбага айландилар. Бирини тоторлар, иккинчисини мўғуллар деб атай бошладилар.

ТОТОР ТАБАҚАСИ ЗИКРИ

Тарих муҳаррирларининг таҳририга кўра, тоторлар саккиз шўъбага бўлинадилар. Бири Тоторхон бўлиб, тотор маликларининг биринчиси эди. Иккинчиси Буқохон Тоторхоннинг ўғли бўлиб, отасининг жойига ўлтирди ва тотор қавмлари ҳукуматини бошқарди. Оталар улушига эгалик қилди. Учинчиси Алмужаннахон ибн Буқохон ибн Тоторхон ибн Алмужаннахон ибн Куюкхон ибн Дибадқуйхон ибн Абулчахон ибн Туркхон ибн Ёфас алайҳиссалом бўлиб, отасидан кейин мамлакатни бошқариш ишига мутасадди бўлди. Алмужаннахон ибн Буқохон вафот топгач, ўғли Ансилхонки, баъзилар уни Алайлихон ҳам дейишадики, аммо бу тўртинчисидир. Ансилхон ибн Алмужаннахон ибн Буқохон мамлакатга ҳукмдор бўлди. Ҳаёти муддати поёнига етгач, борлиқ оламидан йўқлик оламига жўнади (в. 16а). Бешинчиси Этсизхон ибн Айсилхон подшоҳ бўлди. Олтинчиси Одухон ибн Этсизхон бўлиб, отасидан кейин Тотор улусига эгалик қилди. Еттинчиси Бойдухон ибн Одухон ўз тоифасига малик бўлгач, оталаридан қувватлироқ ва шавкатлироқ бўлгани сабабидан Мўғул улуси чегаралари томон лашкар тортди. Улар ўртасида муҳолифат пайдо бўлди. Саккизинчиси Севинчхон ибн Бойдухон бўлиб, Тотор маликларининг сўнггиси эди. Ҳукмдорлик унга етганда фитнаву адоват ўти чунон аланга олдики, аслига ислоҳ ҳожати йўқ эди.

МЎҒУЛ ТАБАҚАСИ ЗИКРИ

Ёзишларича, мўғул шўъбаси тўққиз нафардир. Уларнинг дастлабкиси Мўғулхон, уларнинг охири Элхон ва тўққиз рақамига эътибор мўғул фирқаси орасида шу важҳдан ривож топади. Мўғулларнинг бундай эътибори таҳқиқга кўра, ҳар мартабада тўққиз саногидан ортинини лозим кўрмайдилар.

МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Мўғулхон ўз мулклари ҳиссасида истиқлол ва тамлик билан яшай бошлагач, салтанат ишлари вазиятида бир навъ киришди. Раият эътиқоди ва ризоси бўйича иш

тутди. Бу фоний оламини тарк этганда ундан тўрт ўғил қолган эди. Биринчиси Қорахон, иккинчиси Урхон, учинчиси Қўзхон, тўртинчиси Авурдахон. Оталари вафотидан кейин Ҳар тўрт оға-ини салтанат ишларини бир-бирларига мурут қилдилар. Оқибатуламр, ҳар уччала ука иттифоқ бўлишиб, ўз катта акалари Қорахонни хонлик тахтига ўтказдилар.

ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУҚ АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОЛИГИ ЗИКРИ

Қорахон Мўғулхон фарзандларининг тўнғичи эди. Отаси ўрнига ўлтирди ва мўғул юрти (ҳукмдори) бўлди. Ва Қорақурумда икки тоғ оралиғини, ки уларни Артоқ ва Қартоқ дейдилар, ўзи йўл, тобелари билан яйлоқ ва кишлоқ тайин қилди (в. 166). Назм (мазмуни):

Қорахон аркони давлати билан юртини жойлаштириш учун жой қидириб йўлга тушди. Халқни авангор ва жувонгорга ажратди. Ўзи манглайда от сурди. Қанча қидиришмасин кўнгилдагидек жой топилмади. Келурон (шаҳри) яқинидаги Тоқу Турумга ва Қорақурумга яқинлашдилар. Тоифага Қорақурум ёқди. Гартоқ ва Артоқ деб аталувчи икки тоғ оралиғида тўхтадилар. Шу ерда яйлов ва кишлоқ курдилар.

Айтишларича, мўғул фирқаси Қорахон замонида куфру ширкатда чунон мустаҳкам эдиларки, масалан, алар бирор фарзанд миллатга куфр иш билан нуқсон етказса, бу ишида собит ва росих бўлмас эдилар. Отаси уни шу даражада қаҳр қилар эдики, қатл этишгача борар эдилар. Фарзандига ота шафқати инобатга олинмасди. Иттифоқан, Қорахон ҳукмронлиги ва жаҳондорлиги даврида мансабдор бир хотундан бир ўғил туғилди. У ғоятда чиройли ва мўйлари ёқимли. Аммо, уч кеча-кундуз онаси сутини олмади. Ҳар кун ул хотун (куюнарди), оқибат бахтли бир кечада туш кўрдик, (тушида) гўдак деди: «Эй она, то сен мусулмон бўлмас экансан ва худойи таоло ягоналигига имон келтирмас экансан, ҳақпараст бўлмас экансан, мен сенинг сутингни эммасман». Тўғри йўлни кўрсатган бу саодатни туш иқрор қилгандан кейин хотири майли худопарастлик сари тортди ва тавҳид саҳбоси лиммо-лим соғарни идишида татиб кўрди. Аммо эридан кўрққанидан ботинида ўз имони-

ни беркитди, зоҳирга хилоф тарзда ўз имони изҳорини айта олмади. Ва лекин, хуфияда худопарастлик йўли нақшларига интилди. Ўша дамда ул гўдак унинг кўкрагини эма бошлади. Туғилганидан бир неча кун ўтган ва умри муддати бир ёшга етганда ғоят хушсураб бўлди. Чунки унинг зоҳирий хусни ботиний жамоли каби қамолот авжи даражасини эгаллади. Назм (мазмуни):

Хусни руҳига сен боққанинг чоқ кўзлари ичра хордир
меҳру моҳ. Ер юзи шундайлардан орастадир, худо меҳри
дилида пийростадир.

Ўша даврдаги мўғуллар одатига кўра, фарзанд бир яшар бўлмагунча унга ном берилмасди. Алқисса, Қорахон она-бола хилватгоҳига кирди. Ўғилни кўрди: хусни ой парчаси мисоли бешикда нур таратарди. Жамоли партави офтобдек офтобнинг ойга нур бахш этганидек эди. Қорахон ғояти шодлигидан тўй бошлаб юборди. Ўша базмда аркони давлат, мўғул қавми амирлари ҳузурда фармон бердики, акобирлар жамъ бўлгач, ўз хотинига деди: «Ўғлимиз бир яшар бўлди. Унга қандай исм кўямиз?» Дарҳол ҳалиги бир яшар гўдак бешикдан фасихзабонлик билан тилга кириб деди: «Менинг номим Ўғуздир». Назм. (мазмуни):

Бир яшар бола тилга кирди ва менга Ўғуз деб ном беринглар, деди. Одамлар унинг сўзини эшитиб, бу ишдан таажжубда қолдилар. Дунёда бундай ажойибни, бир ёшли боланинг гапираётганини энди кўришаётган эди.

Ҳозир бўлганлар бу маънидан ғоятда таажжубда қолган эдилар. Шундан кейин уни мазкур ном билан аташга қарор қилдилар. Ўғузхон балоғат ёшига етгач, Қорахон унинг учун укаси Ўрхоннинг қизини никоҳлаб берди. Бинобарин, у қизнинг ҳоли жамоли имон хулёсида юз кўрсатмаган эди. Барқамол жамоли туфайлидан у билан ошнолик даражасида муомила қилди. Бовужуди яқинлик ва хешлигидан бегоналик изҳорини қилди. Илтифот назарини унга ташламади. Ҳар кун ов ва сайр баҳонасида ўзини ул жамила суратли ва маънавий ноладаги (қиздан) узоқ тутарди.

Аслан ва қатъан ўз хотирини унинг томонида билмади. Отаси Қорахонга ўғли Ўғузнинг ул сафо қизга майли йўқлигини хабар қилганларида ғоятда жаҳлга минганларидан Ўғузхонни Қорахон ҳузурига етакладилар ва у иккинчи амакиси Кўзхоннинг қизини сўратди ва Ўғузхонга олиб берди. Бу қиз ҳам дини исломдан хориж эди. Бунинг билан ҳам иродат қилмади. Шу сабабли Қорахон малулу ғамнок ҳолга тушди. Беҳад андешалар билан истадики, Ўғузхоннинг

учинчи амакиси Ўрхоннинг қизини Ўғузхоннинг ризолигисиз (в. 176) (олиб беришга) ботина олмади. Шу асно юз кўргузгунча бир куни Ўғузхон шикордан қайтар эди. Йўли учинчи амакиси Ўрхон маҳалласидан тушди. Унинг қизи қараса, Хиромон ариғи тарафга жомашўйларни томоша қилмоққа кетарди. Ўғузхоннинг кўзи ўша қизга тушди. Кўриниши унчалик соҳибжамол бўлмаса ҳам ботиний сафолиги, ақидаси сидқида шоҳидлар аҳли назарида бир оят намоеън бўларди. Кўзлар бу киз рухсорида очилар, рамз билан имо қилардики, агар сен Ҳақ субҳона таоло ягоналигига гаров бўлсанг, мен сени ўз никоҳимга олурман ва ширин жонимдан ҳам ортиқроқ севарман. Назм (мазмуни):

Фаррух сўзларини ул қиз эшитди, ибо билан секин жавобин деди. Аҳду паймонингдан бўйин товламам, сеники бўлганда фармонингдаман.

Ўғузхон ўз амакиси қизидан бу изҳори итоатни ва итоатгўйликни фаҳмлагач, дедик, Назм (мазмуни).

Сен никоҳимга кирадиган бўлсанг, дунё ва дин номидан севишлик ҳимматим бордир. Меҳрим билан юзинг қуёшини (нурга) тўлдирурман. Ойникидек лаъл (тиш)ингни дур қилурман. Қўлимдан келганча сени бошга кўтараман, доимо хотинлар сарвари бўлиб қолурсан.

Ўғузхон билан амакиси қизи ўртасида имову ишоралар билан аҳду паймонлар ўртага қўйилгач, Ўғузхон отаси томон шошилди. Латифликлар билан майл кўргузиб, учинчи амакиси қизига уйланиш учун рухсат олди. Ул бону қиз Ўғузхон тиззига бош қўйганидан бошлаб улар ўртасида чунон улфатлик пайдо бўлдики, Ўғузхонни одамлар собиқ бонулар хоналарида камдан-кам кўрадиган бўлдилар. Бу қиз билан бирга мужомиати кўп бўлганидан балки бошқаларга илтифот қилмай қўйгандир. Бундан илгариги хотинларининг дил рашклари тандур оташидек тобланди. Гайирликларидан кийна темири ҳар иккиси дил оташида тоб бера олмай қолди. Уларнинг муҳаббати ва мувофақати бегоналар ва хешлар ўртасида дилрешлар зарбулмасалига айланди. Бул тўлин ой сиймоси хуришдиқоқлар меҳри офтоб нуридан (нури сабабли) ўз қийр монанд тундек қора дилларида сурати хусни йўқлигидан, бу маънавий зиё нуруни Қорахон (в. 18а) кўра олмади.

Уларнинг тотув турмуши воқеасини эшитганда таажжуби орта борди. То бир куни Ўғузхон шикорга кетганда, Қорахон тўй тантанасини уюштирди ва Ўғузхоннинг барча хотинларини зиёфат қилди. Сухбат асносида

улар ҳоли кайфиятидан сўради. Хотинларидан биринчиси Ўғузхон ҳоли сурати ва унинг мусулмончилигидан, уларни мусулмонлик динига даъват этиб, ўзи қабул қилмаслик йўлидан боргани, унинг эътибори назаридан қолгани, Ўрхоннинг қизи учинчи хотини ривожи ва эътиборини ихтиёр қилгани ҳамма-ҳаммасини Қорахонга батафсил миридан-сиригача сўзлаб берди. Назм (мазмуни):

Қорахон хузурида Ўғузхон хотинлари кўзлари ёшга тўлиб (дедилар): «Эй шоҳ, умринг фузун бўлмай, душманинг ҳалқуми қонга тўлмай. Хуш кунларингда душман бўлмасин. Умрингни берсин. Сен билан қариндош бўладиган бўлсак, сендан бўлак бизга шоҳ керак эмас. Дунёда сенинг динингдан бошқасини тан олмаймиз. Сенинг тутумингдан бошқасини қилмаймиз. Ўғуз бошқа динни ихтиёр қилди. Унинг дини билан ишимиз йўқ. У динини бизга таклиф қилганда, ҳамдан дилимиз тилинди. Унга эргашмадик, шу боис бизга душман бўлди. Учинчи хотинга севиб уйланди. Ўша унга ҳамроҳ, ҳамроҳ, ҳамдин бўлди». Қорахон бу сўзларни эшитиб, ҳайратда қолди. Кафча илондек тўлғанди. Ичи ёниб сўзлади: «Отаси динидан кечган ўғулнинг дилини кийна тиғи билан тилмоқ лозим. Ўғузхон жонимдан азиз бўлса ҳам, ўткир шамшир билан ишини қилурман. Дину урфимдан қайтган экан, ханжар билан бошини кесмоқ лозим». Кейин лашкар жамлашни буюрди. Миллат қазабидан жон деб бу ишга бел боғлади.

Қорахон ўз келинларидан бу сўзларни эшитгач, ўт пурковчи равзан унинг димоғи қасридан дуд чиқарди, қаҳру қазабининг совуқ сарсар шамолидан қалтирай бошлади. Ўз қариндошлари ва (в. 186) аркони давлатигаки, ҳозир эдилар, ўғлини койий бошлади ва дедик, лашкар ва сипоҳ жамъ бўлсинлар, токи нахчиргоҳгача боришсин, Ўғуз канорига сазо қуюрманки, бошқаларга ибрат бўлмай. Лашкар жамъ қилмоқ, жанг жиҳозларини ҳозирламоқ учун хабар бердилар. Жарчилар жар солдилар. Токи одамлар тайёргарлик кўрсинлар. Шу вақтда Ўғузхоннинг ул муслима хотини бу маънидан хабар топиб, жадаллик билан тезда эрини шикоргоҳда огоҳ қилди. Ҳақиқатдан воқиф бўлгач, Ўғузхон, бу иш тадбири фикрида эдики, бирдан Қорахон лашкари ҳар тарафдан ўраб олдилар. Ўғузхон иложсиз қолиб, ўзи билан ҳамроҳ бўлган бир неча одамлари билан парвардигор зоти покига таваккул қилиб жангга кирди. Қорахон ўз нафси билан саваш гирдобига етишди. Бу томонлар учрашувида икки лашкарнинг темир пачоқловчилари қўли зарбидан жанг оташи аланга олди. Назм (мазмуни):

Отлар жанг куни елишидан, осмонга қора гард кўта-

рилди. Симобранг шамшир селпинишидан жаранглаб фиғон билан дилларни чок этарди. Шикордагидек бир-бирларига ташланишди. Ўғузхоннинг жангга киришдан бўлак чораси қолмади. Жангарилик уни етаклади, Чочий камонидан наъра билан ота бошлади. Ёнидаги ботирлар кўлда шамшир билан унга кўмак берардилар. Йиқилганлар жонидан умид узиб, ботирлар қони деб тиглар ботарди. Икки лашкар чунон бир-бирига аралашиб кетдики, оташ пўлодидан тирқирашарди. Қорахон ибн Мўғул подшоҳи гул билан Ўғуз сари хужум қилди: отини ниқтаб қамчи босиб, адоват қўлида табар дастасин тутиб, Ўғуз пешонасини мўлжалга олмоқ истади. Улкан тоғни гардун судраганидек, ногаҳон қадар камондори шастидан учган ўк Қарахон жонига келиб қадалди. Офтоб шу куни газаб сочарди.

Қорахон икки лашкар ўртасида нобуд бўлиб, тупроқ билан баробар бўлди. Лашкарларининг барчаси қочишга юз тутиб, ер бирла яксон бўлдилар. (в. 19а) Бошқа (қолган) аъёнлари ва улус атрофлари дарҳол Ўғузхон хузурига келдилар ва камонларни бандаликнинг кулоқ ҳалқасига айлантирдилар. Итоат камарини жон белларига боғладилар. Барча халқ, каттадан кичиккача барча элу улус мусулмон бўлдилар. Ўғузхонга қасам келтириб, унинг подшоҳлигидан фахрланишларини изҳор этдилар.

ЎҒУЗХОН ИБН ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙҲИССАЛОМ ИБН НУХ АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Оллоҳ инояти билан Ўғузхон подшоҳлик тожини кийгач, жаҳонгирлик илми ва мамлакат бошқарувчилиги байроғини кўтарди. Олий ҳиммати ва жаҳонбонлик шавкати, ҳоқонлик шукуҳидан ниҳоний лутфлар ва эҳсоний илтифотларидан улуснинг барча хайлу ҳашамини ва барча элнитикқа, ўз ходимларини ҳақ динига ва мусулмончиликка киргизди. 73 йил давомида ўз қариндош-уруғлари ва уларнинг тобеъларига фаровон бегорлар ҳадя этди,

Ахируламр, тобеълардан худопарастлик динини қабул қилган бир гуруҳини эъзозу икром билан сийлаб, гарданини итоатдан ва ҳақ динидан товлаганларини эса жангу жадал маъразида қатлу қаттолга киришдилар. Ҳаммани душман-

лик ўз ҳаётларидан қайтарди. Барча уларнинг тўпланганларини тирқиратиб қувди. Улар Туркистон сарҳадидан қочиб, бир тўдаси Хитой томон кетди,

Соҳиби қуввату шавкат бўлган уларнинг кўпчилиги Хитойдан ҳам ўтиб Чин томон кетдилар. Ул жамоанинг бир тўдалари Ўғузхондан қочиб, Тотор маликига илтижо қилдиларки, то Тотор малики уларга мадад қилсалар. Уларнинг саноксиз лашкари Ўғузхон устига (юриш қилди). Ўғузхон бундан хабар топиб, лашкарини ҳозирлашга киришди. Лашкарини тартиб этишда мустаҳкамлик чораларини кўрди. Шундай сахий подшоҳ бўлган Ўғузхон устидан бу каби фиску фужурга қарамай ўз юришларида рона лашкарини ораста қилган эди. Марҳум Абулчохон тақсимотидан тамоми эл-улуснинг ярми аванғор халқлари ва яна ярми бужунғор тўдасига тайин қилинган эдики, ҳар қайсиси ўз ҳоқони хизматига етишдилар. Аванғор халқидан бўлганлар подшоҳнинг ўнг қўл томонига ўлтирганлар. (в. 196). Улар ўз бошлиқлари ва бузурглари билан бўлганлар. Йигитлар ва ёшлар подшоҳ ҳузурида ўз томонларининг пойгак томонидан оёқда турганлар. Худди шунингдек. Жавонғор тоифасидан бўлган одамлар ўз подшоҳларининг чап қўл томонидан (жой олганлар). Ўлтиришга амр қилинган одамлар ўлтирганлар. Оёқда тик туришга маъмур этилганлар тик турганлар. Ушбу сафардаки, барча мўғуллар тоторий аскарлари билан қочганлари эшитилгач, Ўғузхон устига бостириб келдилар. Ўғузхон ҳам ўзининг барча лашкар ва одамларини жамлаб, халойиқни етти қисмга бўлди: Биринчи қисмини бужунғор деб атаб лашкарининг пешрави олдидан қўйдики, уни туркийда қаровул дейдилар. Иккинчи қисмига буранғор деб ном берди ва бужунғор ордидан юришни буюрди, Токи, булар оралиғида бирор қора кўринадиган бўлса, бири аҳволини иккинчисига етказадиган бўлсин. Бу буранғорни туркийда яровул дейдилар, яна манқлай ҳам дейишадик, уни арабчада муқаддиматул-жайш деб тушунишади. Зеро, бу қисмда серғайрат ва жангчи ёшлар бўлиб, айна шижоатларини намоиш этувчилар қўйилган эди. Учинчи қисмники, марҳум Абулчохон аванғор деб атаган эди, шу номда қолдирилди. У лашкарнинг ўнг қўл томонидан отилган камон ўқи масофасида яккаоёқ йўлда юриши муқаррар қилинди. У туркийда ўнг қўл дейиладик, арабчада маймана дейилур. Тўртинчи қисмники, Абулчохон жавонғор деб атаган эди, бу ҳам шу номда қолдирилди. (Лашкарнинг) сўл қўли томондан (ўнг қўл) юрадиган масофада муқаррар қилинди. Яъни, бир камон ўқи етарлик яккатоз йўлдан

бориши белгиланди. Уни туркийда сўл кўл дейдиларки, арабчада майсара тушунилади. Бешинчи қисмки, айна лашкар ва халқ ғулувгоҳидир, ўзи ўртада жойлашиб, уни ғўл дейдилар. Шунини муқаррар қилиндики, ғўл албатта йўл ўртасидан юрмоғи лозимки, аванғор ва жавонғор айна ясорда жойлашади. Ўзи ғўл ўртасида туғ ва асоба остида жой олади (в. 20а) Бу ғўлни туркийда ясов дейдилар ва арабийда қалбул-жайш аталади.

Олтинчи қисмни ўкжунғор деб атайдилар. Шунга келишилдики, ғўл ёнидан шундай микдорда ён томондан юрадики, уларнинг қадам ташлаганларида чиққан чангни, уларнинг қорасини ғўлдаги одам кўриб турмоғи керак. Улар ҳам ғўл юрадиган йўл чангини ёки ғўл қорасини кўриб туриши лозим. Бу ўкжунғор туркийда жангдовул дейилади, арабийда у соқа деб аталади. Туркларнинг баъзилари уни ўкча дейдилар. Еттинчи қисмни бўстонғор дейдиларки, улар ўнг жавонғордан кейинда маймана билан ясор оралиғича келадиган масофада жойлашади. Улар шу тарзда йўл босадиларки, душман улар қораси ва чангидан огоҳ бўлмасликлари лозим. Ва бу бўстонғорни туркийда бухтарма дейдилар ва форсийда камингоҳдир. Булжанғор ва бўстонғорнинг арабийси йўқдир. Зероки, араблар аскарда беш қисмдан ортиғига эътибор қилмаганлар.

Ўғузхон ўз лашкарини шу тартибда етти қисмга бўлиб, ҳар қисмида ўша диловар ва коригар ёшлар, мўътабар сардорларидан ва муборизларидан мавқеига қараб қўйиб, тайинлаб чиқди. Мўғул ва тотор лашкари истиқболига чиқди. Ўзаро жангга киришдилар. Бу тартибда лашкар ва бу йўсин мустаҳкам аскар (сафлари)ки, аслан ва катъан олдин эшитилмаган эди. Қаердан ҳам кўрардиларки, мўғул ва тотор катта-кичиги қулоғига етган эди. Улар аскарларининг қордонлари бу ихтиро тартибидан ўйга ва ҳайратга тушдилар. Бу ҳолатдан қутулмоқ учун ҳар бири ўз райини кўрсатиб, ҳар жой-ҳар жойда дўпчин дўсчин ўлтиришиб маслаҳат қилдилар. Баъзи беистеъдод одамлар дилидан хавф чанги ўрин олди. Ҳар бирининг диллари санавбар дилларидек пора-пора бўлди. Бундайлар ҳам ҳар жой-ҳар жойда ўтириб ўз ҳоллари фикрида бўлдилар. Ногоҳ, совуқ шамол Ўғузхон чегараси томондан эсиб, замин чангу тўзонини осмонга кўтарди. Шу васваса хангомида мўғул ва тотор аскарлари юраксизлари дилида кўркув ва ваҳима йўл топди. (в. 20 б) Ярмичаси пароканда бўлиб кетди. Қолганларининг барчаси улар йўлини тўсмок бўлиб, орқасидан қувдилар. Лашкар одамлари, бирор ҳодиса бўлган, шунинг учун булар бунчалик чопмоқдалар, деб гумон

қилдилар. Шу ғалат гумонда шиддат билан ул лашкарга қарши йўналдилар. Оқибатда мўғул ва тотор лашкарининг барчаси тумтарақай қоча бошлашди. Тамоми аскарлар тарқалиб қочишди. Мўғул ва тотор қўшини енгилгани хабари Ўғузхонга етишгач, мазкур бўлган қоида, ҳақиқат бўйича, ҳаргиз шитоб ва шошиличлик кўрсатмай, улар ортидан от кўйдилар. Мўғул ва тотор лашкарининг қай бирига етиб олсалар, жангга киришганини ўлдирдилар, қўл кўтармаганини асир олдилар. Шу тартибда ҳар икки лашкар Чин чегарасигача етдилар. Ул мамлакатни ҳам забт этдилар. Бу мамлакатларни ҳам истило қилдилар. Чунончи, элу улуси, мўғулу тотор барчаси ноилож ва ночор Ўғузхонга эл бўлдилар. Ўғузхон тамоми Чин, Хито, Туркистон, Сақлоб мамлакатларига ҳокиму муставло бўлди. Талотин, Талош, Салоси, Сайрам шаҳарлари чегараларидан то Бухоро, Самарқанд сарҳадларигача ерларни тахти тасарруфига киритди. Барча кофир қавмларини мусулмон ва худопарастларга айлантирди. Ҳар бир шаҳар ва ноҳияга бир амир ва ҳоким жўнатди. Бир хиргоҳни жавоҳирлар билан безатиб ҳисровона базм ва подшоҳона тўй ташкил этди. Жамъи бузурғлар, амирларга яхши навозиш ва сийловлар кўргузди. Назм (мазмун):

Султонлар сулоласини Ўғузхон бошлаб берди. Мўғулхон тожидан нажот топди. У олтин хиргоҳ қуришни ва уни жавоҳир билан безашни буюрди. Элу улусга сувулғолар тайин қилди. Заррин нағоралар чалдирди. Шоҳона базм уюштирди. Ота Маҳшару, она жаннат бўлди. Унда Чину чигил (қавми) хурзодлари ғуломлардек жону дилдан хизмат қилдилар. Қўлларига асал тўла косалар олиб, шира билан сутни аралаштирдилар. Ундан хосу авомга кетма-кет улашдилар. Ўлтириб туришлари ўта одобли эди. Бошларига дурра ташлаб олишган. Ёнма-ён туриб саф тортгандилар: раият, сипоҳ, элу улус. Келганларнинг каттадан кичигигача Ус дарёсидек қайнарди. Кашук топиб барча тиз чўкишди; хон хушёр сувулғосига ҳурмат юзасидан, ботиру бошлик, шоҳу шаҳриёр, ҳокони аъзам Ўғуз инъомидан яқину узоқ соврунга эришди. Вилоят шаҳарларига ҳам, тўда-тўда элу улус ботиру бошлиғига, лашкарга олтин, жома, (май) жоми берди. Ошуфта дилларга ором бағишлади. Ҳар бир шаҳриёрга шаҳар берди. Ҳамма унинг сулғосидан баҳра топди. Улусни лақаблари билан ёд қилди. Ҳар йўл билан ҳар кишини шод қилди. Элу улус лақаблари ундан қолди. Чин сарҳадидан то Рус денгизигача.

Алқисса, Ўғузхон, наввороллоҳу марқада, Чину Мочин мамлакатлари сарҳадидан то Рус денгизигача, Олтой ва

Қонқойдан Жайхун дарёси бўйигача ўз забти доирасига ва ўз тасарруфига олгач, барчани худопарастлик динига киритишга ҳаракат қилган эди. Бу диёрлар ўртасида ислом ривожига ва турклар ҳолининг барқарорлиги ва улар турмуши шароитининг қойимлигига сабаб бўлган бир неча қонунлар ишлаб чиқди. Айтадиларки, Ўғузхон турк маликлари орасида мисли Жамшед эди. Ажам маликлари орасида ҳам.

ЎҒУЗХОННИНГ ТУРК ҚАВМЛАРИГА ЛАҚАБ ҚЎЙГАНИ ЗИКРИ

Мазкур тарихда Ўғузхон туркларнинг қавмларига лақаблар қўйдики, улар то ҳануз ўша исму лақаблар билан машҳурдирлар. Жумладан, бир неча қавмнинг лақаблари қуйидагича: мисли уйғур, қонқли, қибчоқ, қорлук, халаж, чиюғлар ва ҳоказо. Аммо, уйғурнинг маъноси (қўшмоқ) боғламоқ, бири-бири билан аҳду паймон боғламоғдир. Бу тоифа Ўғузхонга бир жангда бесабаб мадад берганди. Шу боисдан уларга уйғур деб ном қўйди. Аммо, қонқли ақллилик, фаросатлилик маъносидир. Ўзи бир нарсадан бир маъно чиқармоқдир. Чунончи, бир жангда Ўғузхон қўлига жуда кўп бойлик ўлжа тушган эди. Ғанимдан ҳушёр ўлжа (в. 21 б) олиб, унинг қулфини оча олмаганди. Лашкардагиларнинг тўғри фикр юритувчи бир тўдаси уриниб кўришди. Батартиб қилдилар ул ўлжани осонликча очиб ташиб, олдилар. Ўз ақлу фаросати билан дунё мушкулларини еча олганликлари сабабидан уларга қонқли деб ном қўйди.

Аммо қибчоқ (номи) қабук сўзидан олинган. Қабук бир дарахтнинг номидир. У дарахт танаси ичи ковак бўлади. Пўстидан ташқарисида кўклик йўқдир. Ёғочининг ичи чириган, ғовак бўлган бўлади. Айтадиларки, жанглارнинг бирида Ўғузхон лашкари шикаст ейди. Ўғузхон одамларининг кўпчилиги қатл этилади. Ўғузхонда душманга қарши зарба бериш қуввати қолмайди. Ночор аҳволда қолиб, чекинишга юз тутати. Сахрода икки дарё оралиғида отдан тушади. Лашкарда бир хотиннинг қорнида ҳомиласи бор эди. Ул хотиннинг эри ва отаси Ўғузхон кўзи ўнгида Ўғузхон душмани билан бўлган жангда ўлдирилган эдилар. Ул хотиннинг дарди қўзғаб қолди. Иложсиз қолган хотин ёнидаги бир дарахтнинг ковагига бир пана жой тополмай кирди. У ерда ундан бир ўғил туғилди. Ўғузхон бу воқеадан хабар топгач, улар ҳолига раҳму шафқат қилиб,

деди: отаси ва бобосини, ва отаси ва эриники биз туфайли ўлдиришди. У етим қолди. Ўша ўғил болани фарзандликка қабул қилди ва Қибчоқ деб ном берди. Назм (мазмуни):

Бугунги кундаги қибчоқ қавмини унинг бир ўғли наслидан деб биладилар.

Айтишларича, Ўғузхоннинг ўша жангида Эрон волийси Этбароқ ҳамроҳ эди. 17 йил ўтгач Этбароқ устидан ғолиб келди ва Эронни истило қилди. Бир неча муддат ўтиб Ўғузхон Туронга қайтганда эшитдики, яна унинг душманлари бош кўтарибди. Фарзандим деб атаган Қибчоққа буюрдики, ўзига яқин тобеъ одамлари билан улар устига боргай ва Момоқ ноҳияларида чегара муҳофазаси билан шуғуллангай. Ўғузхон фармонига биноан у йўлга тушди ва айтилган жойга ўрнашди ва яшаб қолди,

Қорлик. Ўғузхон Ғўр сарҳадидан Турон замин томон йўлга чиққанда (в. 22 а) киш жуда совуқ келган эди. Дашту саҳрони қор тамоман қоплаб олганди. У буюрдики, ҳеч ким лашкардан орқада қолиб кетмасин. Аммо, қор кўплиги ва совуқдан баъзилар лашкардан орқада қолиб кетдилар. Ўғузхонга бу маълум бўлгач, яна фармон берди. Уларни топиб келдилар. Сўроқлаганлари билан, барибир қолиб кетганлар бўлди. Суриштириб, қолганларга қорлик деб ном берди.

Назм (мазмуни):

Энди қорлик нажодини улар наслидан деб биладилар.

Аммо Халаж (тўғрисида) дейдиларки, Ўғузхон мамлакатлар тасхири учун лашкар тортганда ҳукм қилдики, ҳеч ким лашкардан қолиб кетмасин. Ўша ўртада бир киши бўлиб хотини ҳомиласидан қутулган эди-ю; камқувватликдан сути йўқ эди. Саҳрода бир шағолни кўрдики, товукни овлаб турганди. Сути йўқ хотиннинг эри ўша одам бир калтакни олиб шағолга отди. Тустовукни ундан қутқариш ва уни хотинига кабоб қилиб бериш мақсади эди. То ул хотинда сут пайдо бўлгай ва фарзандини сутдан тўйдиргай. Ўша хотин тустовуқ кабобидан егач, сути кўпайди ва фарзандини сутдан тўйдирди. Ўғузхон улар аҳволидан воқиф бўлиб, йўл азобини тортган маъносида бўлган Халаж номини ул ўғилга қўйди. Назм (мазмуни):

Шу юмушдан юпаниб бир неча одам, Ўғузхон эшитди улардан шул дам. Аччиғланди, дедикимнинг хотини, туғса нечун ортга тортар отини. Шоҳи замон унга қўйди Халаж ном, маъноси шул: қолиб кетма, опагон.

Аммо, Чиюрға. Айтадиларки, Ўғузхон сафарларининг бирида шабгирлик юз берди. Бир ерга етгач, отдан тушди ва қараса, бир тўда одамлари лашкардан ажраб орқада

қолиб кетганлар. Қатор орқасидан кела бошлаганлар. Шу сабабдан ул одамларни Чиюрғонлар деб атади. Назм (мазмуни):

Чиюрғон туркийда қатор маъносини беради. Шаҳриёр шундай деб хитоб қилди. Ўғузхон туркийнажод қавмларига шу тарзда ном қўйди. Сен уларнинг барчасини турк деб бил, фақат номлари турлича бўлди.

ЎГУЗХОННИНГ АРАБ ДИЁРИ ВА ЭРОНДАН ТУРОН ПОЙТАХТИГА ҚАЙТИШИ ЗИКРИДА (В. 22 б)

Ўғузхони Ғозий олдинроқ олам мамлакатларини ўз тасарруфи остига киритгач, кофирларнинг олимларини қириб ташлади. Араб диёридан асл юртларики, Картоқ ва Артоқ эди. Қорақурум ва Келурон ноҳияларига қайтиб келдилар ва бу ерда ажойиб базм ва ғаройиб жашн ташкил этдиларки, ҳеч бир подшоҳ унақасини тартиб қилмаган эди. Назм (мазмуни).

Олтиндан шундай хиргоҳ тикдики, узунлигию кенглиги узундан-узун бўлиб, осмону ер билан баробар эди. Унда шоҳона базм тузди. Унинг инъомидан халқ шод бўлди.

Чун заррин хиргоҳни ва байрам анжомларини муҳайё қилгач, атроф (мамлакатлар)нинг бузургу сардорлари, Турон замани маликларини чорлаб келтирдилар. Тўққиз минг қўй, тўққиз юз от сўйилди, тўққиз минг кимиз меши, ва бошқа муносиб асбобларни муҳайё қилдилар. Ўша кун катта шира ихтиро қилдиларки, илгари бундайини ҳеч ким кўрмаганди. Ўзи ул шира устига ўзига муддао ва матлуб бўлган кишилар билан бирга чиқиб ўлтурди. Жумладан, Ўғузхоннинг олти нафар ўғлики, уч нафар каттасининг бирини Кун, иккинчисини Ой, учинчисини Юлдуз (атардилар), уч нафар кичигини, яъни тўртинчисини Кўк, бешинчисини Тоқ, олтинчисини Тенгиз бўлиб, ҳар қайсисининг хос сиюрғоси бор эди. Назм (мазмуни):

Базмада Ўғуз кўрғомиши уюштирди. Ўша олти ўғлини сиюрғол тайинлади. Улар мардлик ва лашкарқашликда, мамлакатларни забт этишда, душманни суришда, жангда отасига мадад берарди. Ҳар бири ажаб ёварлик (мадад) кўргизарди.

ЎҒУЗХОННИНГ ЎЗ ЎҒИЛЛАРИГА ЎРИН БЕЛГИЛАГАНИ ЗИКРИ

Айтишларича, бир куни Ўғузхон ўғиллари билан биргаликда шикорга борган эдилар. Шикор пайтида ҳар бири бир ов кетидан қувдилар. Ногоҳ, ҳар олти нафар ўғил бир бўлиб шикоргоҳда биргаликда бир жойга етишдилар ва бир камон билан уч заррин ўқ топиб олдилар. Оталари ҳузурига муҳокамага келтирдилар. Ўғузхон улуғ ўғилларига камонни ва уч кичик ўғлига ўқларни берди. Катта ўғиллари камонни (в. 23 а) уч қисмга бўлиб олдилар. Шунинг учун ҳам уларни бузуқ деб атайдиган бўлдилар. Кичик ўғилларни уч ўқ дейишадиган бўлишди. Йўлда бузуқилар уч ўқидан кўп бўладилар. Ўқ элчи ҳукмини, камон подшоҳ ҳукмини келтирарди. Назм (мазмун):

Ўқ — элчи, камон — подшоҳ бўлди. Йўлда элчи шохдан камтардир. У аванғордан юришни бузуқларга буюрди, жавонғордан уч ўқ кетганди. Лекин ўз ихтиёрини бузуққа берди. Уч ўқ учун иморат солди.

Бузуқларга дедики, суворийлар учун ва қўр ўринини ўнг томонданки, ўнғор дерлар, тайинласинлар ва ўлтирсинлар. Уч ўқларга буюрдикки, чап қўл томонданки, уни жўнғор дерлар суворийларга ва пиёдаларга ўрин тайёрлаб ўлтирсинлар. Ўринларига қайтсинлар. Шунингдек, бузуқларга валиаҳдлик амрини қилдилар. Уч уруққа амирлик фармони бердилар. Шу байрамдан ва суҳбатдан бироз вақт ўтгач, у ҳақ раҳматига етди. Унга Оллоҳ раҳмати бўлсин.

КУНХОН ИБН ЎҒУЗХОН ИБН ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС АЛАЙҲИССАЛОМ ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Кунхон ибн Ўғузхон отаси васияти ижобати ва салтанат акобиру арконлари савоби учун отаси ўрнига тахтга ўлтирди, салтанат ва фармондеҳлик ишига киришди. Раиятга нисбатан адолат ва тадбир йўлини тутди. Отаси қўли остида бўлган Арқил хожа тадбир билан иш кўришни мақсад қилди. Арқил хожа хилватда Кунхонга деди: «Ўғузхон олиймиқдор ва жалилулқадр подшоҳ эди. Мамлакатларни қўлда тутиб, лашкарини кўпайтирди, шунингдек, ундан кўплаб хазиналар қолди». Назм (мазмун):

Шунча молу чорва бу ерда сизлар учун қолди. У кетди,

Ўзининг молу мулкани сиз олти ўғилга қолдирди. Сизларнинг ҳар олтовингиздан тўрттадан шаҳзода туғилди ва 24 нафар бўлди.

Сизларнинг (олтовингиздан) ҳар бирингиздан тўрт нафардан фарзанд дунёга келади. Чунончи 24 шаҳзода бўлади. Мабодо (в. 23 б) молу мулк туфайли улар ўртасида муҳолифат пайдо бўлмагай. Уларнинг ҳар бирига яраша йўл-йўриқ ва расму русум кўрсатганим авлодир.

Назм (мазмуни):

«Олтин, нозу неъматлар, қўй сурувларини уларга бахшида этаман. Ҳар бирига биттадан нишон, ном, лақаб ва тамғо тайинлайман. Токи ҳар бири ўзига тегишли (неъмату одамлар) дан огоҳ бўлсинлар, жанжаллашиб юрмасинлар. Улардан туғилган ҳар бир зод биз белгилаган русумга риоя қилгай». Арқилдан буни эшитиб, кекса киши айтганларига ишонди. Донолар йўриғидан сўз очиб шоҳ деди: «Эй роий покинг ойдан ҳам равшан бўлган, сенинг ишларингдан хато топа олмадим. Энди ҳеч тортинмасдан шундай яшагин».

Арқил хожадан отаси дастурини эшитгач, бу аниқ тадбирни бажаришга киришди. «Неки сенинг мунаввар хотирингдан нур таралибди, замирим хонасининг ойнасини равшан қилур. Лозимдирки, бу тадбирни амалга бекусур оширмоқ лозим. То бу ишни охирига етказмагайсиз, бир дам ҳам роҳат сувини ичмагайсанки, пайсалга солиш офатдир. («Таъхир офат аст») тадбирда роҳат». Арқил хожа ўз вожиб қоонзодасидан шундай ижозат олгач, хизмат камарини маҳкам боғлаб, муҳим ишларни саранжомлашга киришди. Назм (мазмуни):

Арқил Кунхон фармонини эшитгач, хизматга бел боғлаб, елиб-югурди. Чапу ўнг қўл фарқига борди, улар кимга тааллуқлиги муайянку. Ҳар шаҳзодани бир ўлкага тайинлади ва уларга лақаб ва тамғалар белгилади. Ҳамма шоду хуррам, бир-бирлари билан дўсту беғам бўлдилар.

Равшанзамир Кунхон фармонига биноан вазир Арқилхожа шаҳзодалар нишони ва лақаби, ўлтирар жойлар ва тамғоларини тайин қилгач, беман шу маъно улар ўртасида дўстлик ва тотувлик пайдо бўлди. Улфат ва садоқатлилик ўрнатилди. Адоват ва гап-сўз йўли беркилди. Чунончи, мажлисда, тўйда, шулонда ҳар бири ўз муча ва соврунларини биладиган бўладилар. Таом ейиш пайтида ҳар бирига қўйнинг бир қисми муайян эди. Бир-бирига кичик ва катта одобига риоя қилар эдилар. Беман ушбу тотувлик салтанат бу сулолада узоқ йиллар сақланди. Кунхон (в. 24 а) 70 йил муддат салтанат сурди. Бу дунёдан кўз юмаётганда ўз иниси Ойхонни валиаҳд тайинлади.

**ОЙХОН ИБН ЎҒУЗХОН ИБН ҚОРАХОН ИБН
МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН
КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН
ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУҲ
АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

Ойхон ибн Ўғузхон карамли, муборакрўй, хушфеъл ва хушхўй хон эди. Биродари вафотидан кейин салтанат маснади ва адолат тахтига ўлтирди. Хосу авом хузурида эҳсон кўрсатарди. Отаси ва бобосининг таҳсинга лойиқ расму русумида устивор турди. Раиятга риоя ва ёрдам қўлини чўзди. Лашкарига бобоси ва отаси ясоғи бўйича таълим берди ва тузди. Бир муддат хонлик тахтига қадам қўйиб, кўп муддат комронлик йўриғида турди. Тепасига ажал фариштаси етишганда тўнғич ўғли Юлдузхонни ўрнига қойиммақон тайинлади. Ўзи эса оламнинг барча халқидан оламнинг яратувчиси томон юз ўгирди.

**ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН ИБН ЎҒУЗХОН ИБН
ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН ИБН
АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН
ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН
ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ
ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Юлдуз ибн Ойхон отаси ўрнини эгаллаб, меросий мулк эгалигини қила бошлагач, яхши русум ва одатлар касб этди. Бир навъ Мўғулистон подшолигини юритди. Унинг замонида халқ фароғатда ва форуғболлик билан ҳаёт кечирдилар. Адлу инсоф ўчоғи муболағасиз беҳиштга тенглашадиган замонасида ва салтанат экинзорида фармонраволик уруғини қўлга киритди. Ваҳима чумчуғи қайтди. Оқибат омил уни амалдан маъзул этиб, қазо қўли қадар қалами билан унинг умри сижилига ҳам тавқе битди. Унинг ўғиллари орасидан Менглихон отаси ўрнини эгаллади.

**МЕНГЛИХОН ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН
ИБН ЎҒУЗХОН ИБН ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН
ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН
ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН
ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ
ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ (В. 24 б)**

Менглихон ибн Юлдузхон отаси ўрнига салтанат тахтига ўлтиргач, бир навъ подшоҳлик ва фармондеҳлик русумини юритди. Унинг замонида барча халойиқ ва раият оммаси фаровон ва хотиржам яшадилар. Ажал қозиси унинг тепасига етишгач, Тенгизхон деган ўз ўғлини ўзига валиаҳд тайинлади.

**ТЕНГИЗХОН ИБН МЕНГЛИХОН ИБН ЮЛДУЗХОН
ИБН ОЙХОН ИБН ЎҒУЗХОН ИБН ҚОРАХОН
ИБН МЎҒУЛХОН ИБН АЛМУЖАННАХОН ИБН
КУЮКХОН ИБН ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН
ИБН ТУРКХОН ИБН ЁФАС ИБН НУҲ
АЛАЙҲИССАЛОМ ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Тенгизхон салтанат ишларига мутасадди бўлгач, бобоси ва отаси йўриғидан четга чиқмади. 110 йил Мўғулистонда хонлик сарири ва жаҳонбонлик тахтида ўлтирди. Кексайиб, нотавон бўлгач, ўғли Элхонники, одил ва комил подшоҳ ва шавкат соҳиби эди, ўз ўрнига тайинлади. Ўзи узлат гўшасига жўнади. Қолган умрини гафлат айёмининг узрхоҳлиги ва қолганининг тадорикини қуллик жодасида ўтказмоққа тутинди. Ажали яқинлашганда барчадан розичилик ва хушлик тилаб, оқибат чамани томон равона бўлди.

**ЭЛХОН ИБН ТЕНГИЗХОН ИБН МЕНГЛИХОН
ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН ОЙХОН ИБН ЎҒУЗХОН
ИБН ҚОРАХОН ИБН МЎҒУЛХОН ИБН
АЛМУЖАННАХОН ИБН КУЮКХОН ИБН
ДИБАДҚУЙХОН ИБН АБУЛЧАХОН ИБН ТУРКХОН
ИБН ЁФАС ИБН НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ
ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

Таърих фани арбоблари китобларида зикр этилмиш ва битилмишги, Элхон ўта ҳалим ва комкор подшоҳ, карамли ва матонатли қоон эди. Айтадиларки, Элхон давлати

замонида унинг иккинчи ўгли бўлган шоҳ Офаридун Тур ибн Фаридунни саноксиз лашкару улкан, ҳисобсиз сипоҳ билан Мовароуннаҳр ва Туркистон заминга жўнатди. Тур ибн Фаридун Жайхундан ўтиб, Мовароуннаҳрга етди ва ул ерда туриб қолмай, Туркистон диёрига отланди. Севинчхонки, Тотор маликларининг саккизинчиси эди, фурсатни ғанимат ҳисоблаб, ўч олмоқ бўлди. Ўғузхоннинг ўзаро муносабатларидаги ҳам иллатликдан Тур ибн Фаридун билан ошнолик пайдо қилганди. Тур ибн Фаридун билан Элхон Мўғул подшоҳи ўртасида (в. 25 а) мухолифлик пайдо бўлди. Тур ибн Фаридун Тотор хони Севинчхон билан иттифоқликда Элхон мўғулнинг элу улуси устига юриш қилганди.

ТУР ИБН ФАРИДУН БИЛАН ЭЛХОН ИБН ТЕНГИЗХОН МЎҒУЛ ЎРТАСИДАГИ ЖАНГ ЗИКРИ

Тур ибн Фаридун Элхон устига лашкар тортганда мўғул қавмлари Элхондан хушдил ва хушнуд бўлганликларидан у билан мардона жанг қилдилар. Туркларнинг, уйғуру тоторларнинг кўпчилигини қатл этдилар. Шу аснода Тур ибн Фаридун билан Севинчхон тотор ҳийла ишлатиб, қоча бошладилар.

Сўнг қайтиб, икки фарсанг мўғулларга яқинлашиб тўхтадилар. Иккинчи куни ғафлатда қўйиб мўғуллар устига ёпирилдилар. Назм (мазмуни):

Карнай ноласи хурушга келди. Рўйин (биринжий) нойу рўйин ноғора. Замин отлар наълидан жўшга келиб, тиг'лару хуруш унга қўшилди.

Алқисса, ҳазрати вожибул-вужуд тақдири билан Элхон ва мўғул халқи устидан ғолиб келдилар. Мўғул халқи еган тузларини ҳалоллаш йўлида ўша куни шу даражада жаҳд билан жанг қилдиларки, барчалари ҳалок бўлдилар. Айтишларича, Қаён-ибн Элхон ва унинг асранди ўгли Нукуз, икки аёл, шу иккисининг ҳамширасидан ташқари бошқа бирор киши бу жангдан тирик қолмади. Бу воқеа, айтишларича, Ўғузхондан минг йил ўтгач, содир бўлган. Баъзиларнинг ривоятича мағлубият жанги пайтида қирқ нафар қиз бир тарафга қараб қочиб кетганлар. Ўттиз нафар йигит бошқа тарафга қочишган. Ўша қирқ нафар қиз наслидан қирқкизлар пайдо бўлган. Ўттиз ўғил наслидан ўттиз ўғул. Алахдат алоар-ровий.

Қаён ва Нукуз хотинлари билан бирга ўзларининг ўлдирган одамлари орасида қолдирилдилар. Қуёш ботиб, жанг бўлган жойда қош қорайганда ўринларидан туриб,

асир олинганлар отлари уларга яраб қолди, миндилар ва қоча бошладилар. Тонг чоғида тўртталаси бир жойга етишдилар. Назм (мазмуни):

Қанчалар тоғлар бир-бирига уланган бўлади, уларга кириш йўли банддир. Бир тоғ ҳайқалдек ажралиб турарди. Ғўё фалакдан ажралган парча дейсан. Тишини худо шундай яратган эди. Ичи эса жаннатдек суву ўт-ўланга бой эди. Бир ер эдики, осмондан афзал. Лекин йўли тоғу камарлар билан беркитилганди.

Ҳар тўрт нафари тонг ёришгач, у ерга етганларида жон ҳавлида заҳмату машаққат билан ўзларини унга ташладилар. Ўша жойда ўтлоқ бўлиб, суву ўт-ўлан ва чашмалар, дарахтлар мўл-кўл эди. Ўша ноҳияни айланиб чиқиб, бир қалъага ўхшаш баланд тоғни кўрдилар. Ўша тоғ этагига бордилар. Ул тоғнинг зоҳири тоғ тошидан бўлиб, тоғ ичкараси мевали дарахтларга, овланадиган ҳайвонларга мўл эди. Турклар бу тоғнинг номини Арканакун дерлар. Яъни Тунд Камар дегани.

Алқисса, кўп машаққат билан ҳар тўртови ўша тоғ тепасига чиқдилар. Ўзларини у тоғдан пастга олдилар. Шу ерда макон қурдилар. Бир неча муддат шу алпозда кунлар ўтди. Молу фарзандлари, асбобу чорваларини жамлаб кўпайтирдилар. Улар наслидан бир неча шўъба вужудга келди. Ҳар шўъбадан қабилалар пайдо бўлди. Назм (мазмуни):

Ўша жойда узоқ йиллар қолиб кетишди. Шу орада асбоб-ускуна, фарзандлар, мол-ҳўл ҳосил бўлди. Наслларидан жуда кўп шўъбалар вужудга келгач, улардан қабилалар пайдо бўлди.

Ҳар қабиланинг ўз исми муайян бўлди. Бу қабилалардан Қаён наслидан ҳосил бўлганини қиёт дейишади. Нукуз наслидан пайдо бўлган қабилани дарлакин деб атайдилар.

БУГУНГИ КУНДА РУС ВА ЗАНГ МАМЛАКАТЛАРИДА ХУНКОР НОМИ БИЛАН ШУҲРАТ ТОПГАН ОЛИ УСМОН СУЛТОНЛАРИНИНГ АЖДОДЛАРИ БАЁНИ ЗИКРИДАКИ, ЎҒУЗХОН НАСЛИДАН ҲИСОБЛАЙДИЛАР

Тарих ва хабарлар муҳаққиқлари наздида шул муқаррарки, Ўғузхон Султон Усмонхоннинг ўн бешинчи бобосидир. У охириги султонлардан бўлиб, Чин ибн Ефас

алайҳиссалом авлодларидандир. Юқорида мазкур бўлган Ўғузхон қадимги бобоси бўлиб, Турк ибн Ёфас алайҳиссалом авлодидандир. Усмонхон аждодлари исмлари Ҳазрати Ёфас алайҳиссаломгача тубандагича тартибдандир:

Усмонхон ибн Эртўғрул ибн Сулаймонхон ибн Киё Алпхон ибн Қизил буғохон ибн Бойиндурхон ибн Ойкутлуғхон ибн Турғорхон ибн Тўктемурхон ибн Босукхон ибн Кўк албхон ибн Ўғузхон ибн Бойсубхон ибн Ялвожхон ибн Бойбукхон ибн Тўғрулхон ибн Ойтўғмишхон (в. 26 а) ибн Кужангхон ибн Ортуқхон ибн Қасорихон ибн Бектемирхон ибн Туримхон ибн Ямоқхон ибн Қизил бўғохон ибн Ямоқхон ибн Бошбўғохон ибн Тўғрулхон ибн Қойихон ибн Жамумхон ибн Бойсурхон ибн Туғралхон ибн Севинчхон ибн Қуртилмишхон ибн Жорсуғохон ибн Қарожорхон ибн Бойчуқхон ибн Амудхон ибн Қумошхон ибн Қораўғлонхон ибн Сулаймонхон ибн Қурчулхон ибн Қўрбуғон ибн Бойтемурхон ибн Қуйхон ибн Макри Юманишхон ибн Макри Қуйхон ибн Мочинхон ибн Ёфас алайҳиссалом ибн Нух алайҳиссалом.

Оли Усмон султонлари аждоди баёни шундан иборатки, 55 воситадан кейин ҳазрати Нух алайҳиссаломга егадилар. Ал илму индоллоҳи валаҳда ало ар-рови.

АРКАНАҚУН ТОҒИДАН ҚИЁТ ВА ДАРЛАКИН ҚАВМИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ ЗИКРИ

Қиёт ва дарлакин қабила ва қавмлари кўпайгач, Арканақун мақоми уларга танглик қила бошлади. Ташқарига чиқишга ҳаракат қилдилар. Улар бу ердан чиқмоқчи бўлган чоқларида тоғнинг бир қисми темир маъданидан эканлигидан йўл-йўл қилиб олинди. Барча қавм тўпланишиб, жуда кўп ўтин ва кўмир тўда қилдилар. Кийик, Оху терисидан тўкқиз юз дам ясадилар. Ҳар бири эллик ман келадиган кўмир оташини ёқдилар ва дамларни ишга солдилар. Назм (мазмуни).

Ўзларидаги ўтга дам бердилар, у кўк чархини қорайтириб юборди. Олов кучая боргач, тобига келди ва дарҳол темир сувдек оқа бошлади.

Кўп ҳаракатлар билан тоғнинг баъзи жойларини эритиб, йўл очдилар ва ташқари чиқдилар. У ердан кўчиб яна Мўғул диёригаки, або ва аждодлари ватани эди, кириб келдилар. Уларнинг асл ватанларига кириб олиб, эгаллаган тотор ва бошқа қавмлар билан жанг қилдилар. Ул

мавзеларни уларнинг қўлидан озод қилдилар. Ўз ерларини эгаллагач, ташқарида қолган бир гуруҳ Хитойга бориб, жойлашган эдилар. Улар бу ердан чиқиб, мўғул элига келиб қўшилдилар. Аммо мўғул халқи шу икки наслдан бошқасини эътиборга олмайдилар.

Назм (мазмуни):

Мўғуллар наздида шу нарса аниққи, икки қавмнинг келиб чиқиши айна шу тартибадир. Ўзини айланма йўллар билан уларга нисбат берувчилар эътиборга олинмайди.

Тарих китобларида Мўғул замини худуди ва томонлари муайян қилинганидек, қуйидагичадир: унинг шарқий чегараси Чину Хитой оралиғи сарҳадига етади. Чунонки, жанубда шарқий сарҳади Чин ғарби-шимолий чегараси охиригача, шимолда шарқий сарҳади Хитой шарқий-жануби чегараси охирига ва Мўғул замини ғарбий чегараси уйғур заминигача, шимоли Қорақурум ва Салангой заминигача ва жануби то Тибатга етади.

Айтадиларки, уларнинг ов ва минилмайдиган ҳайвонлар гўштидан бошқа овқати йўқ. Зеро, ул диёрда экин экилмайди. Ул халқнинг барчаси молдор бўлганидан экин экиладиган ерларда мол боқиш мушкулдир. Агар аҳёнан экин экилса, ёки экин ери бўлса, уни ҳисобга ва эътиборга олмайдилар. Улар либосининг аксари ваҳший ва уй ҳайвонлари терисидандир. Чунонки, Синжоб, Самур, Қоқум, Олтойи ва бундан ташқари уларнинг киймати оламда маълумдир.

ҚАЁН НАСЛИДАН БЎЛГАН ЮЛДУЗХОН ИБН МЕНГЛИХОЖАХОН ИБН ТЕМУРТОШХОН ДОСТОНИ ЗИКРИ

Қаён ибн Элхон ибн Тенгизхон ибн Менглихон ибн Юлдузхон ибн Ойхон ибн Ўғузхон ибн Қорахон ибн Мўғулхон ибн Алмужаннахон ибн Куюкхон ибн Дибакқуйхон ибн Абулчакхон ибн Туркхон ибн Ёфас ибн Нуқ алайхиссалом наслидан Юлдузхон ибн Менглихожахон ибн Темуртош мўғул ҳокими ва пешвоси бўлди. Мўғул элу улусини хусни тадбири билан маъмур қилди. Ҳар тарафга тирқираган ва беҳонумон мўғулларни жамлади. Шу сабабдан унинг иши юришди ва мўғуллар наздида ҳар кимки Қаён насаби ва наслига оид бўлса, унга эътибор кўрсатди. Зеро, Қаён-наслининг мўғул авлоди эканлигига ҳеч ким шак-шубҳа қилмайди. Бошқалар назарида «яхтама-

лас-сидк валлахи раб»дир. Нима нажибу саҳиҳ бўлди. Қаён авлоди мўғулга доир бўлди.

Ҳар йил улар аждоди Арганакун тоғига ўт қўйиб, (в. 27 а) дам қўйиб, унинг тошларини эритиб, темир олганлар, ўзлари эса у ердан чиқиб кетган эдилар. Ул қавмнинг аксари батамом кетиб, тошларни эритардилар ва темир ҳосил қилардилар ва тоғ йўлини келиб-кетиш учун очиб қўйдилар. Ўша диёрда яшайдиган халқлар бугунги кунда ҳар йили ўша ерда жамъ бўладилар. Назм (мазмуни):

Темирчилик асбобларидан дам, олов, кўмир, оғир болға келтириб, то кизиганча ва юмшагунча урадилар. Қизиган тошдан оташ ёрдамида темир оладилар. Ўша кечаси барчаси айшу ишрат қиладилар. Худога зорланиб илтижо қиладилар. Меҳтарлик йўлини тутганлари темирчиликни касб қилмоғи лозим. Олов дамидан тошни ўтказиб, темир ҳосил қила оладилар. Темир кўпайгач, жанг ва шикор асбобларини ясайдилар. Мўғулнинг одату йўли шулдирки, яхшилар расму русумини тутгайлар.

**ҚАЁН ИБН ЭЛХОН НАСЛИДАН БЎЛГАН
БУЗАНЖАРХОН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ
ЧУМАНАХОН ИБН ЮЛДУЗХОН ИБН
МЕНГЛИХОЖАХОН ИБН ТЕМУРТОШХОН
ДАВЛАТИ ЗУҲУРИ ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ
КАЙФИЯТИ ЗИКРИ**

Бузанжар Аланқуванинг ўғлидир. Аланқува Чуйманахон ибн Юлдузхоннинг қизидир. Қурлос эли ва Қиёт қавмидан. Туркларнинг тарих китобларида закий таҳқиқларда зикр ва мастур қилинганки, Юлдузхон фано мағрибида ғуруб этди. Ундан икки ўғил қолди. Бирининг номи Уйманахон, иккинчисининг номи Чуйманахон. Уйманахондан бир ўғил туғилди, исми Дибун Баён. Чуйманахондан бир қиз адам мулкидан қадам юзига етишдики, хусни ҳасани камоли аҳсаниятга, хусн аҳсанга ҳавохоҳ чехраларига ва рухсори партавидан офтоб нурёб ой монанд ва у ҳам хуршид ичидаги билан, осмон манзари тизи Аланқувага Назм (мазмуни):

Аланқува хусни бехтарлигини у замон Парвинию Ойи кўрмаган. Келиб чиқиши Қурлос қавмидан, чехраси ойдек, турар жойи баландда. Гўзаллиги шу даражада эдики, кўрганлар ҳайрат бармоғини тишларди. Лаблари

сўзга келганда сўзлаётган жонга, юзи сафоликда кўз ўнгингиздаги рухга айланарди. Икки ҳиндуси бир-бирига ноошно, икки чашми фитна, сеҳру уйқуга тўла. Гули сумбулдан тароват олган. Сумбули гулдан зиёнат топган. Юзини кўрган ҳар киши, илоҳий вужуд деярди уни. Қомати олдида сарв турган жойида қотиб қоларди. Ўлтиролмади ҳам оёқда қоларди. Исмат (покизалик, бокиралик) да дунёда навбаҳор айёмидаги ғунча рангига ўхшарди. Бошлиқлар Аланқува оёғи тупроғи бўлардилар. Ундан илҳом олиб наво қилардилар. Етти осмоннинг яратувчиси тангри тақдири Аланқувани Дибун Баённинг жуфти ҳалоли этди. Чуймана гулшанидаги гул эди, уймана жўжаси унинг булбули бўлди.

Аланқува ёши ўн тўртга етганда ўн тўрт тун оyi (кунлик) унинг рухсораси аксидан тоб оларди. Гули сурий варақлари барглари равшан пешонаси исматойин терлари мавжи рангидан сув ичарди. Байт (мазмун):

Сардорлар боши унинг висоли ҳавосининг барбоди, шаҳриёрлар думоғ пардаси унинг хаёли нақшидан тўла (мусаввар).

Муқаддар дорулқазо қозиси ҳукми. қазову қадар гувоҳлигида ул юлдуз қизлар (иштирокида) ой бокира ўз амакисининг ўғли, ўшанда мўғуллар сардори ва ҳокими Дибун Баён ибн Уймана ибн Юлдузхон никоҳи шодасига мунтазам бўлди. Дибун Баён ҳиймаси Аланқува висоли жамолидан тўлин ой ҳоласидек мунаввар бўлгандан кейин, Аланқува Дибун Баёндан икки ўғил кўрди. Бирига Билкадо деб ном берди. Иккинчисига Билжадо. Улар никоҳидан уч йил муддат ўтгач, Дибун Баён вафот этди. Аланқува сийба қолди. Дибун Баён вафотидан кейин Аланқува Дибун Баён ҳукумати қодалари дастурига мувофиқ мўғул қавму қабиласининг меҳтари ва элу улус сардори бўлди. Бу салтанат ҳангомида аксар ва кўпроқ мазкур ўғилларини парвариш ва тарбия қилиш билан машғул бўлди. Дибун Баён вафотидан етти йил ўтгандан кейин кечаларнинг бирида (в. 28 а) Дибун Баённинг қадим муҳаббат савдоси Аланқува дилидан қайнаб тошди, унинг фиरोқ шиддатининг ҳарорати Аланқува димоғи қалъасидан кўк томон ўрлади. Жисму чашмида орому уйқу ўрни қолмади. Дибун Баён ҳижрони оташи иссиғида ўзининг истироҳат бистарида ул хиргоҳ тўлин оyi балиқдек (тўлғониб), меҳвар офтобидек юзи кабобдек қизиб, гирёну бирён бўла бошлади. У ёнидан бу ёнига ағдарилар, кўзи қорачуғи нигоҳи беморлик ёстиғидаги бошга бош кўйиб, шаҳар кезиш иштиёқи асосига сеҳр қилиб, гоҳ-гоҳ хона

тобадони томон боқар, гоҳи хона шифтига нигоҳ қадаб, гоҳида «Келақол, Дибун Баён!» дея оҳ чекарди. Баногоҳ, хиргоҳ туйнуғидан бир нур тўлин ой партавидек нозил бўлиб, хонани тамоман равшан ва мунаввар қилди. Аланқувага яқин келиб, ул моҳлиқо суратидек мусаввар бўлди ва Аланқува туши хонасига кирди. Ул бону ва ифбат ҳижланешинига интилди. Уни пардаи исмат остидан чиқариб, Аланқува бирла суҳбат қурди. Аланқува унга тан бермасликка, ўзини унинг қўлидан халос қилишга ҳарчанд уринмасин, муяссар бўла олмади. Ниҳоний суҳбат тугагандан кейин Алданқува қараса ул нурли мусаввар йигит рангсиз бир бедана суратига кириб, хона эшигидан ташқари чиқиб кетди. Ўша ондан бошлаб муайян муддатгача ҳар кеча шу тартибда келиб Алданқува билан ҳамсуҳбат бўлди. Алданқувада пинҳоний суҳбатлардан кетма-кет саргаронлик юз берди. Ҳомилали бўлди. Бу ҳомиладан кутулишнинг ҳеч бир имконини топа олмади. Уни пинҳон тутиш имкони ҳам бўлмади. Оқибатуламр, Аланқува ҳомиладорлиги тоғораси томдан тушди. Одамлар, қавму хешлар унинг қорнида боласи борлигидан хабардор бўлишиб, лаънат тилини Алданқува таъни учун очиб, ўлдирш ва маломат билан таҳдид солдилар. Охири, Аланқува ночор ҳолда мўғул ақобир (в. 28 б) ва ашрофларини жамъ қилиб уларнинг барчасини хотирини жаъм қилмоқ ниятида изоҳ бермоқ билан ўз зиммасидан соқит қилмоққа киришди ва ўзи билан бўлган воқеанинг ҳақиқатини бирма-бир, қандай бўлган бўлса шундай сўзлаб берди. «Бу воқеа хусусида дилингизда дағдаға ўрин олган бўлса, бир неча кун кечаси хиргоҳим атрофида бўлинг. Токи бу яширин сир «кашшамс-филажо вал-бадри физ-захо» («кўз ўнгингизда равшан ва хувайдо бўлур»). Йиғилган қабилалар аёнлари ва мўғул зодагонлари Аланқува сўзи чин ёки ёлғонлигини маълум қилмоқ қасдида уч-тўрт кеча кузатдилар. Ул жамоанинг ҳар бири мушоҳадасига шу нарса аён бўлдики, ўн тўрт кунлик тўлин ой равшанлигига ўхшаган бир нур ҳар кечаси хиргоҳ хонаси туйнуғидан кириб, васфини Аланқувадан эшитганларидек бир суратда муайян кўрдиларки, одамлар шаклига кириб ёстикдошлик қиларди. Кейин хуруж хангоми тугаши билан бедана суратига кириб, эшикдан чиқиб кетарди. Бу манзарани мушоҳада этганларидан кейин доғдаға қилганлари хотирга келиб, хижолат терига ботдилар. Маслаҳат қилдиларки, агар минбаъд одатдагидек келса, ўша ахволда уни ким кўрса, хиргоҳ ноҳиясида мунтазир турганлар, хуруж пайтида қўлидаги дашна ёки тиг билан ўша нур суратидаги одамни захмдор қилиб,

уришлари лозим. Кундуз султони мағриб хилватхонасига нузул этиб, тўлин ой миришаби равшан машғалини машрик пойтуғида ёқиб, юлдуз кандилларини даврон Каҳқашони ипига ўнгу сўлда оғанда, кечадан бир пас ўтган эдики, ўша мазкур нур одатий йўли билан, ҳар кечаги одатича хиргоҳ хонаси туйнугидан тунги кийимдаги ул сиймин ғабаб тўлин ой ёнига кўнди ва ҳар тунгидек ҳузурбахш суҳбат тузишга киришди. Ҳалиги жамоанинг тоқати тоқ бўлди ва айни суҳбат кизиган чоғда адоват ханжарларини ҳамият кинидан чиқариб, дуд зулматидек ўзлари кўрган вужуди нурга хужум қилдилар. Ҳарбирининг қўлидаги дашна нуки (в. 29 а) ва тиғи ул шахс аъзосининг ҳар узвига ўлдирмоқ қасдида санчилди. Шу ҳолатда ўша одамлар наздида муайян бўлдики, ул шахсининг ҳар бир аъзосига тортилган тигдан ўзларини мажруҳ кўрдилар ва шу фурсатда бу суратдан ожиз бўлдилар, қўлларини ул суратдан тортдилар. Ул жамоанинг барчаси қоронғу кечадаги бул ажойиб воқеа ҳайрати девор нақшидек маҳв этди. Нуроний ул шахс ўша вақт зулматида суҳбатдан форуғ бўлди, бедана суратига кириб хиргоҳ эшигидан чиқиб қочди. Эл ақобирлари ва улус ашрофлари ўз кирдикорларидан барчаси маъюс бўлиб, шунда ул соҳибжамол бону сўзларининг чинлиги манзур нуридек равшан ва нуроний бўлди. Бадгўйларнинг таъна тиллари оғизлари комида хомуш пусиб қолди. Бу қисса мазмунини ҳар ким ўз ақли даражасига қисман фаҳмлади, ўз матлубини бир навъ тушунди. Пурфитна ғулгула то қиёмат қиёмигача бу уммат орасида мажхулўлҳақиқатлигича қолди. Назм (мазмуни):

Бу яширин сир халққа ошкор бўлгач, унинг таъна тиллари ҳаракатга келди. Лекин, замонлар улуси орасида бу воқеадан фитналар зоҳир бўлди. Бу гапдан улус орасидан оқиллар бош кўтарди. Бу сир фош бўлган кечадан бошлаб халойиқ ўртасида гап-сўз кўпайди. Бири деди: девор бўлмас беғубор, одам унинг бу ҳолатидан пурсамар. Яна бири деди: руҳоний шахсдир. Жисми шаклларида ул ердан жой олмаган. Бири деди: малакдан бошқа зод эрмас бундай ҳолати ва кўриниши шубҳасиздир. Бири деди: бу бир гуруҳ кишиларнинг ишидир. Кўриниши сифатининг яхшилигидандир. Бири деди: пок нури бор бўлсин. У тупроқдан сизиб чиққан сув каби. Унинг хасис палид жисмлари шундай ўқилди. Улуғлик аслига олиб келинди. Бири деди: бу бир мутлақ шуъладир. У ҳақ нурига йўғрилгандир. Марям ҳикоятларини эшитгудек бўлсанг, Аланқувага ҳам шундай тақдир берасан. Бири деди: кимдан хабар берурсан, ки Аланқува Марямга ўхшабдир.

Пайғамбарлардан инсонлар фахри бўлганларга Одам ато замонидан бирор хабар келиб етмаганки, Марямдан бўлак оллоҳ руҳидан ҳомиладор бўлган бирор аёл ўтмаган. Марямга Аланқувани қиёс этмагин, эй ўғил; агар ҳақшунос бўлсанг. Лекин, шуни билгилки, буларнинг қай бири жинсияти ва унси бу мўъжизага яқин бўлди. Шу байт билан сўзни қисқа қилурман. Тангрига ҳавола қилурмиз. Иш сирридан ҳақдан бўлак ким ҳам воқиф бўларди. Кел, ҳақ сиррини унинг ўзига қўйиб қўй. Одам тили узундан-узоқ сўзлардан бу қавму элни, нималарга гирифтор қилмади. Бу тўданинг ўзи бешинчи йўли эди. Уни учинчи эътикод этиб кўрсатдилар. Улуснинг эру аёл, каттаю кичиги Аланқувага бош эгиб келдилар.

Алқисса, қавм иштибоҳи ўринсиз эканлиги аниқлангач, таъна қилувчилар тили тийилгандан кейин Аланқува ҳомиласи муддати етишди. Бир қориндан уч ўғил адам олаmidан вужуд оламига қадам қўйишди. Биринчи ўғилни Буркун (баъзилар Бўртақ ҳам деганлар) деб аташди, иккинчи ўғилга Бусунғур, учинчи Бузанжар деб ном бердилар. Дейдиларки, бу уч авлоднинг туғилиши ҳижратдан кейинги 115-санада эди. Ўша йили қирони улуввин бўлди. Яъни Амир Абумуслим Марвазий хуружи шу йилда содир бўлди. Таворих аҳли бу табақа маликларининг аввали Бузанжарни соҳибқирон деб атайдилар. Дейдиларки, Буркундан икки ўғил туғилган. Бирининг номики Қабақай деб атаганларки, қабоқин қавми унинг наслидандир. Бошқасига Каттагон деб ном берганларки, қатагон қавми ундан. Бусунғурдан икки ўғил туғилган. Бирининг номини Собихи дейишганки, мўғул қавмининг падари калонидир. Иккинчисини Солжиют деганларки, салжиют қавми унга мансубдир. Бузанжар икки ўғил кўрган. Бирининг номи Буқо бўлиб, тамоми Туркистон замин султонларининг бобосидир. Иккинчисининг номини Тўкто деб аташган. Нуроний шахс пуштидан туғилган, Аланқувага нисбатан бор авлодни найирун деб атайдилар. Нисбати Аланқувага бўлиб Дибун Баён пуштидан бўлган наслларни дулкан деб аташган. Улар аждоди Уйманахонга бориб тақалгани сабабидан Дулкан авлодини ўймоут дейишган. Таворих арбоби таҳрир қилганларки, бу уч ота Аланқуводан туғилганлари сабабидан, ўша пайтдаги ҳукамолар жамъ бўлишиб, улар туғилиши муддати толеъини мулоҳаза қилганлар ва ҳукм чиқарганларки, бу авлоднинг ҳар биридан жуда кўп фарзандлар туғилажак ва уларнинг аксари ва кўпчилиги (В 30 а) муаззиз ва мукаррам бўлурлар. Хусусан, учинчи ўғил толеъи моддасидаки, уни Бузанжар дейишган, давр соҳибқирони деб ҳукм чиқа-

ришган. Айтадиларки, Бузанжар андак замон ичида жамеъи акрону акраболарининг улуғи, эътиборлиси бўлиб олган. У ўз билагининг зўри ва қуввати билан салтанат тахтини эгаллайди. Мўғул қавмининг барча саркашларини ўз итоати сардарахтидан ўтказиб, барча турк ҳоқонлари унга бандалик ҳалқасини жон кулоқларига тақиб юрдилар. Ҳаётлиги чоғида ҳоқонлик тожини бошидан қўймади, токи ўлмас ҳоқонлик саририда мутамаккиндир. Адам йўли сафарини ихтиёр этгандан кейин авлоди ва уруғдошлари оламга шохлик ноғорасини чалиб, салтанатдорликнинг борлик яловини бошда кўтардиларки, олам инқирозигача хон, султон ва подшоҳ бўлсалар. Шунингдек, тарих китобларида зикр ва мансур этилганки, биргина Аланқуво қорнидан туғилган уч ўғилнинг ҳар қайсисининг ўз ялови бўларди. Лекин Бурқун билан Бусунғур иккисининг ялови кулоқларигача тушиб турарди. Бузанжар ялови унинг боши фарқига тўғри келарди. Бу яқин шуни аломатидан эдики, ўша аср мунажжимлари унинг салтанатини кўрсатган эдилар. Бузанжарнинг бошқача аломати бор эди. Эмизикли чақалоқлиги чоғида уни орқасини ерга қилиб ётқизганларида, кўп ўтмай қорнига ўгирилиб оларди. Ҳаргиз юзини очиб ухлмас эди. Бу ҳам унинг бир соҳибқиронлигининг аломатларидан, таҳамтанлик белгиси деб ҳисобладилар. Шунингдек, баъзи тарих китобларида зикр этилишича, Бузанжар бўйин томирлари жуда яқин эдики, ғоят яқинлигидан ўнгу сўлга гавдасини ҳаракатга келтирмай қарай олмасди. Одамлар унинг гарданини бир лаҳза шундай гумон қилдиларки, Бузанжар қооннинг суяклари қўшилиб кетган эди. Ҳар икки аломатини таҳамтанлик белгиларидан санар эдилар. Яна ўша давр мунажжимлари айтган эдиларки, парчам Бузанжар боши фарқига тўғри келиши салтанатидан, Бурқун ва Бусунғур парчамининг улар баногўшига тўғри келиши уларнинг хизматкор бўлишига далолатдир. Бу икки биродарнинг авлоди Бузанжар авлоди хизматига нисбатан итоат камарини боғлаб, салтанат қонунларига бўйин эгажаклар (в. 30 б).

БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ИБН МЕНГЛИХОЖАХОН ИБН ТЕМУРТОШХОН САЛТАНАТИНИНГ ЗИКРИ

Бузанжар Темучин — Чингизхоннинг тўққизинчи бобоси ва Амир Темур кўрагоннинг ўн тўртинчи бобоси Каён ибн Элхон наслидандир. Тарих китобларининг саҳифалари ровийлари шундай ривоят килурларки, Бу-

занжар ўз қариндошу акробалари орасида ўспиринлигида ҳар ерда сайру шикор қиларди. Ўзининг ҳар хатти-ҳаракатида барча авлоди ва боболаридан фарқланиб турарди. Ўқ отиш, курашиш, шикор қилмоқ, отда чопмоқ, ўқ кесмак, ирғитмоқ ва умуман сипоҳигарликнинг барча соҳасида ўз атрофидагиларидан ёши кичиклигига қарамай замонаси етуқларидан қўли устунлиги бор эди. Аввал бошданок шижоат ва диловарликда ўша диёрда даҳр рўзгори аҳлидек эди. Паланг ва шер унинг жаҳонгирлик назарида тулқидан ҳам забунроқ келарди. Аждаҳо ва наҳанг унинг ўқидан захмдор бўлгани равшан. Улар чувалчанг ва қисқичбақадек мазорот томонга қийшайиб кетади. Балоғат ёшига етганда қавм ашрофлари ва улус аъёнлари билан иттифоқликда рабиулаввал ойи бошларида санаи 130 да салтанат тахтида ўлтирди. Шаҳриёрлик мамлакатларида танҳолик ноғорасини урди. Турклар диёри ўлкасида адолат расм-русуми, шафқат қондаси, эҳсон қонуни билан шуғулланди. Халойиққа дилосолик бахш этди. Тарих китобларида мазкурдирки, Бузанжар Амир Абу-муслим Марвазийнинг ҳамасри эди. Айтишларича, Амир Абу-муслим таваллуди ҳазрати наби салиоллоҳи алайҳи васаллам ҳижратининг юзинчи санасига тўғри келади.

Яна тарих китобларида мазкур ва мастурдирки, йўқолиб бораётган мўғул султонлари хонадони қайта дунёга келишининг сабабчиси бўлди. Тотор халқи ва бошқа қавмлар турли тоифаларга тобеъликда тарқоқ яшар эдилар. Андак давр ичида ўша тоифаларнинг хонлари хизмат камарини тобеълик белига боғлаб, бўйсундилар ва унинг қоонлик хитобига мунтазирлик билдирдиларки, (в. 31 б) азимушшаън подшоҳ мақомида эди. Муқаррардирки, мўғуллар лақаб белгилашда кўпсўзликни жойиз топмайдилар, муболаға ва такаллуф кўргузмайдилар. Хонлик тахтига ўлтирган ҳар бир киши исмига бир исм қўшиб айтадилар. Масалан, хон, қоон, ва ҳоқон. Мўғул лашкари ҳам нозу неъматда борига шукр қилувчи, меҳнатда собир (сабру тоқатли) бўладилар. Улар фармонбардорликда шу даражадаки, агар бирор амирнинг юз минг лашкари бўлиб, у билан хон оралигидаги масофа белгилангандек бўлса, улардан бири бирор гуноҳ иш қилган тақдирда хон унга биргина суворий юбориб олиб келтириши мумкин, токи уни фармонга биноан бошидан жудо қила оладилар. Токи бошқалар бундай қусурни қайтармасинлар. Ҳеч ким ўз ҳазораси, садаси, даҳчаси жойлашган жойдан кетмаслиги лозим. Бошқа жойга кетишга ҳаққи бўлмаган. Бошқалар ҳам уларни ўз ораларига келиб қўшилишларига

йўл қўймасликлари лозим бўлган. Қаерда бўлишларидан қатъий назар, бирор кишини ўзларига сардор қилиб сайлаганлар ва ўзларига амир ва сипоҳдор қилганлар. Унга сўзсиз гап қайтармай таъзим қилганлар. У қандай хукму фармон қилмасин, тобеъликни лозим билдилар. Ўз сардори наслдан ташқари бирор кишига бўйсунмайдилар. Шоҳ Бузанжар қоон бир муддат мамлакат ва мўғул подшолигида турди ва мўғуллар расму одатларини ўрнига қўйиб адо этди, адлу эҳсон маросимини ўрнатди. Ҳаёт тахти тепасидан мамот сафарига отланмоқчи бўлганда ундан икки ўғил қолди. Бирининг номи Буқо бўлиб, Чингизхон ва Қарочор нўённинг еттинчи бобоси ҳисобланади. Иккинчиси Тўқтодир. Ундан Мочин деган бир ўғил қолди. Назм (мазмуни):

Тўқтодан эътиборли Мочин деган ўғил туғилди, унинг наслдан бундан бошқаси унутилди.

БУҚОҲОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Отаси вафотидан кейин Буқоҳон ҳашамат оёғини салтанат тахтига қўйди. Подшоҳлик расму русумида раият ва сипоҳийлар аҳволдан хабардорликни ўрнига қўйди. Адолат ва қарамда олийқадр отаси йўлини тутди. Жаҳонбонлик расми асосларини мустаҳкам адолат қоидалари ва инсофнинг собит қонунларига асослаб тузди (в. 31 б). Иккала қўл вазирларини ҳам рози ва хушнуд қилди. Ўлими яқинлашаётганини сезгач, ўғли Дутуминхонни ўзининг салтанат тахтига валиаҳд тайинлади. Ўзи эса тахту рахтидан тамоман воз кечди. Назм (мазмуни):

Буқо жаҳондан умид узганда, ўз тахтига фарзандини қўйди. Боқий умрли ўғилнинг номи Дутумин эди. Замонанинг шоҳликка сазовор кишиси эди.

ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОҲОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Дутуминхон отаси волийлигидан кейин салтанат тахтини ўз вужуди билан музайян қилди. Унинг отаси Буқоҳон дарулқарор сафарини ихтиёр этгандан кейин Дутуминхон отаси жасадини илгари белгилаб қўйилган жойга қўйди. Обову аждодлари расмига кўра адлу инсоф ишларига қўшиш

қилди. Ҳалойиқнинг авому хосига эҳсон улашди. Ажал соқийси қўлидан шарбат ичгунга қадар бу йўлдан қайтмади.

Айтишларича, Дутуминхоннинг бир хусну жамолда ягона хотини бўлган. Ўз асри хотинларидан мумтоз ва ақлу фаросатда мартабаси ҳаддан зиёда ва баркамол эди. Ул олия оқила хотин номини Манулун дер эдилар. Дутуминхон вафотидан кейин Манулун Ануш Арки деган бир тоққа кўчиб ўтди. Адади фалаклар ададига мувофиқ тўққиз нафар бўлган ўғиллари учун ҳар бир мўғул қабиласидан киз сўратди. Моли мулки, гала ва сурувларининг кўплигидан Ануш Арки тоғини ўзига макон ва ороста этган эди. Гала ва сурувларининг кўплигидан сонусаноғига ета олмасди. Сурувлари ва галалари ҳисобининг тўғрилигини қонуний сақлаш ниятида шундай қилган эдики, улар ҳар гоҳ ўша Ануш Арки тоғининг қиялиги, баландликларини тўла эгаллаганда маълум қилар эдики, барча гала ва сурувлар ўз жойида жобажодир. Молларни қўриқлаш учун амир ёки мулозимларини тайинларди. Назм (мазмуни):

Манулун Дутуминдан кейин Ануш Арки тоғидан жой эгаллади. У тоғда сурувлар кўп эди, саноғига етиш қийин эди. Ким ўша тоғда туриб қолса, туёқлилари билан тўхтарди. Бутун сурувлари кўз ўнгида бўларди. Қиёсан шундай санарди уларни. Тоғ дараси жонивордан тўлмади қолса, чўпондан сўрарди. Манулун номдор аёл эди. Неъмату моли сероб эди.

ДАРЛАКИН НАСЛИДАН БЎЛГАН ЖАЛОЙИР ҚАВМИНИНГ ХИТОЙ АҲЛИ БИЛАН ЖАНГИ ВА ДУТУМИНХОННИНГ САККИЗ НАФАР ЎҒЛИНИНГ ЖАЛОЙИР ҚАВМИ ДАСТИДАН ЎЛДИРИЛИШИ ВА ҚАЙДУХОННИНГ ЖАЛОЙИРЛАРДАН ИНТИҚОМ ОЛГАНИ ЗИКРИ

Ўшанда дарлакин наслидан жалойир қавми жуда кўпайиб кетган эди. Ул Кулурон дарёси қирғоқларида етмиш курун жалойир тўпланганди. Ҳарбир курунда минг хона бўларди. Мўғул ва хитой аҳли ўртасида душманлик бўлиб, ҳар вақт ўзаро жангу - жадаллар воқеъ бўларди. Ногоҳ хитой аҳли жалойирлар устига ёпирилиб, Кулурон дарёси қирғоқларига етишдилар. Сув кўп бўлганидан ундан кечиш ўтиш имкони бўлмади. Зарурат юзасидан ўша ерда жойлашдилар ва жалойирларга бу хусусда

ишора қилдилар. Назм (мазмун):

Ки эй шермардлар жасорат айланг, бу томон утингу сиз
ғорат айланг, Чимрилди кошлари хитой аҳлин таънадан жон-
ларига тушди кийн. Дарё устидан кўприк курдилар, хору
хашак ташлаб сувга сурдилар. Тўлган эди диллар қийну ғатаб-
га, кўприкдан ўтдилар қоронғу кеча, жалойир қавмига таш-
ландилар, хоку қонларига беладилар. Биридан ўчиб кетарди
жон қуши, қонларидан оқди бошқа бир дарё. Бир турухи ўлим-
дан қутулиб қочди, ватанларин ташлаб шошилиб. Манулун
диёри томон кетдилар, бахти қайтиб ифлосига ботдилар.

Шабихундан хитой аҳли билан жалойир қавмининг
кўпчилиги қирилиб, озгина тўдаси жалойи ватани бўлди.
Қочиб Ануш Арки диёрига ва Манулун яшаш жойига
етишдилар ва камқувватлик сабабидан, тоғ пиёзи сунқунни
кавлаб едилар. Қунларини ана шундай тангликда ўтказа
бошладилар. Пиёз қазиб олинаверганидан ер юзаси ўйдим-
чўқур бўлди. Манулун уларга тоғ пиёзини кавлаб ейишни
манъ қилди. Назм (мазмун):

Жалойир халқи егулик топа олмай ночор сунқун
томирини кавладилар. Сунқун томирини кавлайвериб, тоғ
замини оёқ ости қилинди. Манулун ва Дутумин сайр
қилиб юриб, жалойирларни бу ишдан манъ қилмоқ
бўлдилар. Тўққиз нафар қимматли ёдгорим, менинг машхур
фарзандларимдир. Бу даштда доим улар ўйнар эдилар;
кўнгил очиш қунлари пойга чопар эдилар. Улар майдони
қазиб ташланди, энди уларнинг отлари аҳволи нима кечади.
Бу заминни бошқа хароб қилманглар, акс ҳолда сизларнинг
ҳолингизни хароб қилурман.

Жалойир қавми бу сўзларни эшитиб, батамом Манулунга
нисбатан душманлик ҳиссини дилга тўйиб ғафлат чоғида
унинг ўрдусига ҳужум қилдилар. Манулун ва унинг
яқинларини қатл этдилар. Уларнинг моли мулкини ғорат
қилганлари сабабли жалойир қабиласи кўпчилиги ўз қилми-
шидан хавфу андешага бориб, Манулуннинг Дутумин пушти
камаридан бўлган ва шикорга кетган саккиз нафар ўғли
ортдан сайдгоҳга йўналдилар. Шербаччаларнинг ҳар
бирини қуён ва тулкиларни эрмак қилгандек, оҳуларни
сўйгандек сўйдилар ва йўл тупроғи устига ташладилар. Назм
(мазмун):

Жалойир улуси ҳайрон эди, Манулун сўзидан паришон
бўлдилар. Барчаси иттифок бўлиб уни ўлдирмоққа бел
боғладилар. Барча фарзандларини қатл этдилар. Моли
мулкини ғорат қилдилар. Фитна Манулунни ғафлатда
қолдирди. Уни ўлдирдилар. Унинг молини таладилар, элу
улуси бундан бəхабар қолди. Лекин, тўққиз нафар ўғлидан

андеша қилдилар ва улардан эмин қолмасликларини билардилар. Биз ғалати иш қилиб қўйдик. Мабодо улар бу ҳақда эшитарлар. Сиримиздан огоҳ бўлмасларидан ва бизга қарши чиқмасларидан олдин, ўтадиган йўлларига пистирмада туриб, қонларини тўкайлик. Шошилиш шу ўйинни бошладилар. Ҳар саккизи ортидан тушдилар. У гуруҳ ов қилаётган чоғи келдилар. Тоғ этагидан сел каби от суриб, ёй ўқладилар. Маҳшар кунидан нишона кўрсатдилар. Паланг болаларидек юрганларини кўриб, мумга тикқандек баданларига найза санчдилар. Чоч камонидан ажал ўқи уч бошли найзадек ҳайқириб учарди. Душман кўлидан қатлга жад қилиб учарди. Камон тортиб ўқ отилганда осмоний ҳодисалар нола чекдилар. Фалак деди: «Балли!» Малак деди: «Жуда соз!» Қазо деди: «Банд қил», қадар деди: «Бер!» Судрашиб, чапу ўнгдан ҳужум қилдилар. Тадбирлар тақдирга тўғри келмади. Қазо қадар қалами билан хат битганда, тортқилашлар, ҳужумлар фойда бермади. Йўл бошидаги девлар кўнгилдаги истакларига етдилар. Ул кенг-дашда жалойирлар қўлида тўққиз нафар ўғилдан саккиз нафари ўлди. Бири тирик қолди, саккизи шаҳид бўлди. Лекин унга ҳам умр мураббийлик қилмади.

Бир тўда жалойир улусидан бўлганлар Дутуминхон авлоди устидан зафар қозонгач, жалойир халқи Манулун ва унинг авлодини қўлга туширганлари вақтида Дутуминхоннинг тўққизинчи ўғли Қойдухон каниют қавмидан бўлган бир кишининг қизига хосткорликка, отасининг амакиваччаси хешларидан бўлган Мочинхон ҳузурига кетган эди. Мочинхон бу хабарни эшитганда, жалойир қабиласининг разил хатти-ҳаракатидан воқиф бўлди. Қойдухонни ҳимоя қилиб, уни ҳузурда сақлади ва жалойир бузурғларига элчи жўнатди, катта ҳурмат кўрсатиб, уларни чорлади. Жалойир қавми катталари узр сўраш учун келдилар ва дедиларки, бу носавоб ҳаракат биздан бемаслаҳат ва фотиҳамизсиз қилинган. Биз ва халқимизнинг аслан ва қатъан бу ишдан хабаримиз йўқ. Ўзимиз ҳаммамиз хитой жанги билан машғул эдик. Бу ишни қилган сияоматнинг улуси боёнлари биздан узоқда эдилар ва сизларга нисбатан бу разилонга густоҳликни кўрсатганлар. Жалойир сардорлари унинг жазоси ва мукофоти учун фурсат топиб, Манулун ва авлодининг ўлимига боис ва сабаб бўлган 70 нафар кишига сиёсат кўргузиб, ул нобакорларнинг хотину фарзандларини асир тариқасида Қойдухон ва Мочинхон ҳузурига жўнатгайлар. Токи улар авлод-аждоди билан уларнинг ғулому канизлари бўлурлар. Шундан сўнг Қойдухон ва Мочинхон Арбун наҳри бўйларини ўзларига

ватан қилдилар. Хотиржам ва айшу ишратда яшай бошлайдилар.

ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон ва Қарочор нуёнларнинг олтинчи бобоси бўлган Қойдухон Мочинхон, отасининг амакиваччаси саъйи (в. 33 б) ҳаракати билан элу улус сардори бўлди. Отаси ўрнига шоҳлик тахти ва шаҳаншоҳлик сариридан ўрин олди. Жалойир улуси Дутуминхон авлоди устидан зафар топганда, жалойир халқи Манулун ва унинг авлоди устига ҳужум қилган чоғда Қойдухон, Дутуминхоннинг тўққизинчи ўғли кайнут қавмидан отасининг амакиси Мочинхон хешларидан бирининг қизи хосткорлиги учун кетган эди. Бу хабар Мочинхон қулоғига етиши билан, жалойир қавмининг бу машъум ҳаракатидан нафратланиб, Қойдухонни химоя қилишга ўзида қувват топди. Уни ўзи ҳузурда сақлади ва жалойир улуғларига элчи жўнатди. Узрхоҳликлар қилди. Жалойир қавмининг улуғлари узр сўраш учун келиб дедилар: «Бу носавоб иш биз билан маслаҳатсиз ва номақбул тарзда қилинган. Халқимиз асло ва қатъан бу ишдан беҳабардир. Биз ҳаммамиз хитой таҳликаси билан машғул эдик. Ул жамоа улусу аҳшоми мазкур қилғилиқни қилиб, биздан узоқ эдилар. Бу бўлмағур густохликни сизга нисбатан қилишибди». Жалойир сардорлари жазо ва мукофот учун фурсат топиб, Манулун ва унинг авлодини ўлдиришда айбдор топилган 70 нафарни сиёсат қилиб, у нобаркорларнинг хотину фарзандларини асир тариқасида Қойдухон ва Мочинхон ҳузурига жўнатдиларки, улар бутун авлодлари билан уларнинг ғулому канизаклари бўлиб қолдилар. Шундан сўнг Қойдухон ва Мочинхон Арбун наҳри бўйларини ўзларига ватан қилдилар. Фароғатда айшу ишрат билан кун кечирдилар.

ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Чингизхон ва Қарочор нуённинг олтинчи бобоси бўлмиш Қойдухон амакиваччаси Мочинхон саъйи-ҳаракати

билан элу улуси сардори бўлди, отаси ўрнига шоҳлик тахти ва шахриёрлик сариридан жой олди. Ўз қору кирдорини адлу эҳсон қонуни асосида юритди. Дарёдан наҳр қаздириб, унга Жаролум деб ном берди. Ул вилоятни шу асосда маъмур килди, ҳисобсиз мол ва фаровон нозу неъматлар ҳосил килди. Назм (мазмун):

Дарёдан бир анҳор чиқарди ва ул ўтлоқда Қойид сув оқизди. Қойду унга Жаролум деб ном берди. Ўша дашту ўтлоқда иккинчи бир жаннат яратди.

Унинг атрофига жуда кўп хонлар, хайлу сипоҳ жамъ бўлдилар, жалойирлар билан жанг қилиб, мустақил ва эркин хонлик ва ҳукмронлик қилди. У оламдан ўтганда ундан уч ўғил қолди. Биринчисининг номи Бойсунғур, иккинчисиники Чарақаленгум, учинчиси номи Жорчин, эди. Жорчиндан бир ўғил туғилдики, номи Сужайот эди: У сижит қавми бобосидир. Чарақаленгумнинг фарзандлари кўп эди. Тўнғичи Сурувқад бўлиб, отасининг ўрнига қойим-мақом бўлди. У сурувқад қавми бобосидир. Иккинчи ўғлининг номи Тосчут бўлиб, тосчут қавми бобоси ҳисобланади. Сурувқад ўғилларидан бирининг номи Ҳамақо бўлиб, ўспиринлигида бир куни тотор қавми унга учраб қолиб, уни асир олишади ва Олтонхон Хитойи ҳузурига элтадилар. Олтонхон унга нисбатан дилида адоват сақларди. Интиқом тариқасида уни ёғоч эшакка темир миҳлар билан миҳлаб ташлайдилар. Назм (мазмун):

Ёғоч эшакка чунон уни миҳладики, Пўлод миҳлар дил ўртади. Ул хар устида зорланиб, хорликда ўлди, Жаҳон жафоси дастидан жони узилди.

Қойдухон давлати айёми поёнига етгач, умри йўрғаси фоний олам жонқоҳи томон хиром этди, Комронлик гўйи майдонда, хаёли чавғони тақдирлар сарпанжасида осилиб, вужуди қора йўқлик тупроғи бирла баробар бўлди. Тўнғич ўғли Бойсунғурхон гўйини майдон узра отиб, отаси ўрнига қойиммақом бўлди.

БОЙСУНҒУРХОН ИБН ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Қойдухоннинг катта ўғли Бойсунғур (в. 34 а) отаси ўрнига ўлтирди ва Мўғул мамлакатига подшоҳ бўлди. Унинг кўплаб улуғвор сардорлари бор эди. Бир неча

муддат ул ўлкани бошқарди. Ажали яқинлашганда, соҳиби давлат ўғли Туминага мулку давлатни топширди. Узи эса охират саройига кетди.

ТУМИНАХОН ИБН БОЙСУНҒУРХОН ИБН ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Туминахон отаси салтанати тахтига ўлтириб, қоонлик тожини кийгандан кейин жаҳонбонлик расму русуми ва тартибларини янгилади. Салтанати ва комронлиги овозаси, сарварлик ва хонлиги бонги оламнинг барча мамлакатларига кетди. Назм (мазмуни):

Бахтли тахт соҳиби бўлгач, отаси адолатини ва сиёсатини тиклади. Ўғилликни ўрнига қўйиб, отаси номи овозасини Кайвонга етказди.

Туминахон ҳукмдорлик яловини баланд кўтариши билан Туркистон ўлкасининг баъзи унга тобеъ бўлмаган шаҳарлари устига юриш қилди. Ул мамлакатни қўлга киритгандан кейин ўзининг меросий юртига қўшиб олди. Айтишларича, унинг даврида Туркистон ўлкаси шаҳарларида Туминахондан шавкатлироқ подшоҳ бўлмади. Унинг икки хотини бор эди. Биридан етти ўғил, иккинчисидан икки эгиз ўғил туғилди. Мардоналикда баркамолликда барча биродарларидан улар мумтоз ва зиёда эдилар. Эгизакларнинг бирига Кўйлу, иккинчисига Қочуйи деб ном бердилар. Кўйлу Чингизхоннинг учинчи бобоси ва Амир Темур Кўрагонийнинг саккизинчи бобоси эди.

ҚОЧУЙИНИНГ ТУШ КЎРГАНИ ВА ТУМИНАХОННИНГ УНИ ТАЪБИР ҚИЛГАНИ ЗИКРИ

Ул ўғиллар туғилганидан бир қанча вақт ўтди. Уларнинг умрлари балоғат ёшига етган эди. Бир кечаси Қочуйи тушида кўрдик, Кўйлухон ёқасидан уч юлдуз кетма-кет чиқиб фалакка кўтарилди ва ботиб кетди. Тўртинчи бўлиб ниҳоятда равшан ва нуроний бир юлдуз Кўйлу гирибонидан чиқдики, бутун дунё қитъаларини унинг шуъласи ва зиёси мунаввар қилди. Бу юлдуздан бир неча бошқа юлдузлар ажралиб чиқиб, ҳар бири жаҳоннинг бир

ноҳиясида нур тарата бошлади. Ул улкан ва нуроний юлдуз ғойиб бўлгандан кейин (в. 34 б) ҳам жаҳоннинг барча атрофи илгаригидек равшан бўлиб қолаверди. Уйқудан бедор бўлгандан кейин эҳтиётлик билан қараса, кечанинг ҳали олдинда тўртдан уч қисми қолгани маълум бўлди. Бу туш таъбирини бир лаҳза ўйлаб кўрди. Ўйга толди, токи уйқу яна уни элтса. Уйқусида шундай ҳол содир бўлди: ўзининг гирибонидан ҳам ўшандек етти юлдуз пайдар-пай чиқиб, ғойиб бўдилар. Саккизинчи навбатда катта юлдуз чиқиб, олам атрофу теварагини мунаввар айлади. Ундан ҳам бир неча юлдуз ажралиб, ҳар бири бир ўлкага нур соча бошлади. Улкан сайёра ботганда шуълалари ўшандек равшанлик касб этди. Шул чоғда Қочуйи бедор бўлди. Субҳи содиқ тулуъи вақти эди. Ўша куни отасини хилватда кўриб қолди. Биринчи туши ҳолатини, иккинчи туши тарҳини бирма-бир отасига гапириб берди. Туминахон бу тушларни эшитиб бўлиб, қувониб, масрур бўлди. Қўйлу хонни чорлаб келтиришга фармон берди. Қўйлухон отаси кўринишига мушарраф бўлгач, уни ўз ёнига чақирди ва ўша тушларини Қочуйидан яна бир бор сўради. Токи, яна ҳар икки туш суратини қандай кўрган бўлса шундай уқаси ва отаси хузурида сўзлаб бергай.

«Арбаб уд-дували муҳиммуна бил-амри» («Давлат арбоблари бу масалага қизиқадилар») ояти ҳукмига кўра, Туминахон ҳар икки тушни таъбир қилди ва деди: «Биринчи тушнинг таъбири шулки, Қўйлу пушти камаридан батартиб уч шахзода туғилиб, авлоди билан хонлик тахтида ҳоким бўлгуси. Тўртинчи маротабада шундай бўладики, бу уч нафар кетидан бир подшоҳ вужудга келадики, олам мамлакатларини тахти тасарруфига киритиб, рубъи маскуннинг кўпгина маъмур ерларини қўлга киритади. Ундан фарзандлар туғилгусики, ҳар бири шойистайи салтанат ва подшоҳлик бўлгусидир. Жаҳоннинг теварак атрофини уларга бўлиб беради. Ҳар бирини бир мамлакат подшоҳи ва хони қилур. Ул шавкатли хон дунёдан ўтгач, бир муддат салтанат унинг авлоди ихтиёрида қолади. Иккинчи тушнинг таъбири шулки, сендан бирин-кетин етти фарзанд туғилгуси. Ҳукумат ва пешволикни бир восита билан қиладилар. Саккизинчи навбатда тулуъ қилган улкан юлдуз шулки, сенинг наслингдан бири жаҳонгирлик қилур ва аксар мамлакатларга эга бўлур. Ундан фарзандлар туғилур. Ҳар бири (в. 35 а) бир мулк хони, бир мамлакат подшоҳи бўлурлар. Кейин ворисли ва мамлакат волийси бўлурлар. Туминахон туш таъбирини очиб бергач, ва ўзининг ўша икки икрорини шу икки фарзандига муборакбод этгач,

Қўйлу ва Қочувли оталари ҳузурда ҳар иккиси бирига қасамёд қилишди ва аҳд бойлашдики, хонлик тахти Қўйлуники бўлсин. Қочувлининг шамшир соҳиби бўлганидан шунга қарор қилишдики, Қўйлу тахтга подшоҳ бўлгуси, Қочувли пойтахт паҳлавони бўлур. Бу васият қилинган қонун бўлади. Авлодларга ва наслларга, улар авлоддан-авлодга ҳар кишики, туғилгай шу йўриққа риоят қилмоғи лозим. Шу мазмунда бир фаслни уйғур хати билан у борада рақам қилдилар. Ҳам шахзода ўз имзосини унга қўйишди. Уни Туминахон сулоласи тамғаси билан муашшаҳ этилиб, хазиначига топширдилар. Туминахон умри муддати тугагач, Қўйлухон подшоҳлик тахтига ўлтирди. Қочувли унга иттифок ва қарам бўлди. Унга ҳамдам бўлди.

ҚЎЙЛУХОН ИБН ТУМИНАХОН ИБН БОЙСУНҒУРХОН ИБН ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАРХОН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Қўйлухон гардуншуқуқ подшоҳ ва жаҳонга доврुक таратган хон эди. Чингизхоннинг саккизинчи бобосидир. Бошда айтилганидек, отаси вафотидан кейин хонлик тахтига ўлтирди. Қочувли нўёнлик мансабини эгаллади. Турклари Қўйлухонни Олинчанхон дейишарди. Яъни раиятпарвар дегани. Барча мўғул қўшинлари унга бўйсунар ва биртан эдилар. Назм (мазмуни):

У қудратлилар синфи меҳтари эди, ҳам қайон қавмининг шоҳу сардори эди.

Хитой хони унинг фатҳу нусрат овозаси, адлу шавкати шухратидан андешага бориб, элчи жўнатди. Ва уни дўстлик юзасидан ҳузурига чорлади. Назм (мазмуни):

Истаги шул эрдик, меҳру вафо йўлида, ўрталарида дўстлигу сафо бўлса.

Қўйлухон унинг сўзларини қабул қилиб, ўз биродари Қочувлиники, Қорачор нўённинг учинчи бобосидир, ўзига қойиммақом этиб тайинлади. Ўзи эса Хитой томон равона бўлди. У ерга етиб олганда Олтинхон Хитойи уни азизу муҳтарам тутди (в. 35 б). Ва ўз ёнидан жой берди. Тўй қилиб, унга шароб ичирди. Қўйлухон шаробда бирор нарса йўқмикин, деган андешада эди. Аммо, бирор чора кўра олмагандан кейин, вақти-вақти билан мажлисдан чиқиб, ўша яқинда бўлган дарё лабига борар, чўмилиш

баҳонасида боши билан сувга шўнғиб, яна жойига бориб ўлтирар эди. Одамлар бу ҳолни кузатиб таажжубда қолдиларки, бу қандай мизож бўлдики, шунча кўп шароб ичгани билан маст бўлмаса, Бир куни Қўйлухон мастлигида, Олтинхон хушёр кириб келди. Олтиннинг соқолидан тутиб, дашном берди. Олтин унинг бу қилиғидан ғазабга келди. Қўйлухон бу ишидан ҳижолат бўлди ва узрхоҳлик қила бошлади. Олтинхон ниҳоятда зийрак ва оқил одам бўлганидан, ўзини босди ва унга ҳурмат кўргузди. Назм (мазмуни):

Олтин (хон) хирадманду хушёр бўлганидан ғазабини ичига ютди. Ўзини тезда тутиб олиб, яхшилик ва одамгарчилик қилди. Унга шунчалик кўп олтину гавҳарларидан совға қилдики, унинг хизматкори у оғир юкдан азобда қолди.

ҚЎЙЛУХОННИНГ ҚАЙТИБ КЕЛГАНИ. ОЛТИННИНГ УНИНГ ОРТИДАН ЭЛЧИ ЖЎНАТГАНИ ЗИКРИ

Айтишларича, Олтинхон Қўйлухонга қимматбаҳо тошлар қадалган тож ва камар ҳадя қилиб, кетишга рухсат берган. Қўйлухон рухсат олиб, йўлга равона бўлди ва ўз юрти сари йўналди. Хитой амирлари Олтинхон ҳузурида бадгўйлик қилдилар. Назм (мазмуни):

Кимнинг Қўйлухондек душмани бўлур агар у тирик қолса, пушаймон бўлур. Уни нега тирик қўйиб юбордим, аждаҳодан яхшилик тамаъ қилдимми?

Олтинхон мизожи юзига уриб, ўзгарди ва ортидан элчи жўнатди: Қайтинг, «Мен хон ижозати билан қайтиб кетмоқдаман, орқага қайтишни яхшиликка йўяолмайман», деб жавоб берди. Элчи қайтиб келгандан кейин Олтин қаҳрнок бўлди. Унинг ортидан лашкар юборди. Лашкар Қўйлухонга яқинлашганда, уларга фириб берди. Йўл асносида дўстлашган Салжукий деган кишининг уйига кирди ва орқага қайтмоқчи бўлганини айтди. Салжукий унга деди: «Ҳеч бир орқага қайтишингга маслаҳат бермайман. Чунки, сендан Олтинда дўстлик хотири бор. У ерга қайтишинг муносиб бўлмайди. (в 36 а). Агар яроғинг бўлганда, менда бир от бор эрдик, йўртишда шамолдан, чопишда булутдан сабоқ олган. Назм (мазмуни):

Бу йўрға оқ уйғур оти-да, йўртишда шамол билан гаров боғлайди. Бир тоғ монанд, Хомун чўлини кезувчи, йўлда унинг чакмоғи юрганга гард кўрмагай.

Уни мендан олгин-да, ўзингни бу ҳалокат гирдобидан олиб чик, Қўйлухон унинг деганларини қабул қилиб, дарҳол отга минди ва қочмоққа юз қўйди. Суворийлар унинг ортидан кува бошладилар. У ўз уйига келиб тушганда орқасидан улар ҳам етиб келдилар. Қўйлухон уларга меҳрибонлик кўргузиб, хиргоҳга олиб киришларини буюрди. Олтинхон ҳадя қилган мураассаъ камарни ўз биродари Қочувли баҳодирга берди. У умаролари билан кенгашиб, уни қувиб келганларнинг барчасини қатл эттирди.

Айтишларича, Қўйлухоннинг кўнғирот қавмидан бир хотини бўлиб, номи Қувоқароқ эди. Ундан уч ўғил кўрганди. Тўнғичини улардан Уқаҳтан Тарқоқ, иккинчисини Қўбилайхон, учинчисини Бўртой баҳодир деб атади. Уқаҳтан Тарқоқ бағоят хушсурат ва марғуб ҳусн соҳиби эди. Назм (мазмуни):

Хурлар парчасидек эди рухсори, яна биллурдек дудоғи бор эди.

Бир куни Ўқаҳтан Тарқоқки, тарқоқ қавмининг бобосидир, ўша вақтда, уйланганига бир неча кун бўлганда, ташқарига чиқмоқ бўлди. Фалак гардиши билан унга ёмон кўз тегди. Унинг хонадони асл душмани бўлган тотор қавми унга дучор бўлдилар. Уни тутиб, Олтинхон ҳузурига келтирдилар. Олтинхон интиқом юзасидан уни ёғоч эшакка боғлаб қўйишни буюради ва зору хорликда ҳалок этадилар. Назм (мазмуни):

Осмон бошида хирад оз эрур. Ёмонлик кўп, лекин яхшилик ҳар иккисида бир меъёрда. Жаҳонни кўзлаган подшоҳлар, сухангўй офтоблар бисёр. Фалак гардиши уларни ҳалок қилди. Уларнинг ҳеч кимдан шарму ҳадиғи йўқ эди.

ҚЎБИЛАЙХОН ИБН ҚЎЙЛИХОН ИБН ТУМИНАХОН ИБН БОЙСУНҒУРХОН ИБН ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Қўйлихон оламдан ўтгач Қўбилайхон (в. 36 б) отаси ўрнига ўлтирди. Акасининг интиқоми учун мўғул лашкари жамъи ва тартибига киришди. Назм (мазмуни):

Лашкар тузишдан бўшагач, жангу адоватга бел боғлади. Ўзининг ҳар лашқарига шундай деди: ёмонларни қачонгача кечираман. Хитой ва тотор шоҳу сипоҳини мардлик билан

йўқотмоқ истайман. Улар Таркоқни ўлдирдилар, дунё шоҳи тахликаларини ҳам.

Кейин Олтинхон хитойи ва тоторлар, зирёнийлар қавмининг барчаси билан жанг қилди ва Олтинхон лашкари тор-мор келтирилди. Кўпгина ўлжа қўлга кириштиди. Назм (мазмун):

Олтиннинг барча молу асбоби мўғул қавми қўлига тушди. Бир-бирига ўлжани бахш этганларидан кейин шодон бўлиб бу ерлардан жўнадилар.

Айтадиларки, Қўбилайхон бағоят бақувват ва пурзўр бўлган. Унинг овози шу даражада баланд эдики, наъраси садоси етти қирдан нарига эшитилган. Ўткир овози билан танилган ўша давр одамлари Қўбилай алп дейишган. Пилтан паҳлавонларни алп деганлар. Билагининг кучи, айтадиларки, ҳарқандай бақувват одамки, билагининг кучи ва улкан гавдаси билан машхуру маъруф бўлса ҳам, уни икки қўли билан тутиб, эгилиб қолган камон ўқини ҳам ва рост қилиб тобини олганларидек ёки тоб берганларидек, ўшандок бураб ўша одамнинг умуртқа суяқларини синдирар экан. Яна айтишларича, зимистон кечалари улкан ёғочларни баландлатиб ёқиб қўйиб, ёнида ухлар экан. Агар ўша оташдан учкунлар, чўғлар сачраб юзига келиб ёпишадиган бўлса, хаёлида пашша чаққандек бўларкан. Гоҳо ўзини камтар тутиб, ухлаганда ёстикдай тош қўйган. Бутун гавдасидан куч ёғилиб турган шижоатли бўлган. Чунончи, Олтинхон билан жангда ёлғиз ўзи Олтинхоннинг гўлига хужум қилиб, Олтинхон тавки ва телпагини тилимлаган. Шу сабаб ҳам Олтинхон лашкари шикаст еган. Мўғул элу улуси орасида унинг шижоати, мардоналиги, паҳлавонлиги маъруф ва машхур эди. У ҳам фано дорулмулкига томон йўналганда укаси Бартон баҳодир акаси ва отасининг ўрнига салтанат тахтига ўлтирди.

**БАРТОН БАҲОДИР ИБН ҚЎЙЛИХОН ИБН
ТУМИНАХОН (В 37 а) ИБН БОЙСУНҒУРХОН
ИБН ҚОЙДУХОН ИБН ДУТУМИНХОН ИБН
БУҚОХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН АЛАНҚУВА
БИНТИ ЧУЙМАНАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ**

Бартон баҳодир ибн Қўйлихон мулк аъёнлари маслаҳати билан хонлик тахтига ўлтиргандан кейин, отаси Қўйлихон ясоқини қайтадан қўллай бошлади. Элу улус ўртасида адлу эҳсон асосини барқарор этди. Ҳаётдан давлати душманларининг илдизини қуритди. Айтишларича, у давлат хонасоҳибини

ва басавлат подшоҳ бўлган. Ўша замонада мардоналикда, жалодату фарзоналикда, тадбиркорликда унга тенг келадиган кимсани топишолмаган. Шу сабабдан унинг хонлик лақабини баҳодирлик деб атаганлар. У тахтга ўлтиргандан кейин амакиси Қочувли баҳодир вафот топди. Бартон баҳодир амакиси Қочувли вафотидан сўнг сипоҳ ва лашкар сардорлиги мансаби билан амакиваччаси Эрдумчини тақдирлади. Уни барлос деб атади. Кейин унинг барча одамларини Эрдумчи барлос дейишарди. Айтадиларки, барча барлослар унинг наслидандир. Бартон баҳодирнинг бир неча фарзанди бор эди. Аммо, Ясугай баҳодир камоли шижоатда, мардоналик ва фатонату фарзоналик чўққисига етишда ягона эди. Назм (мазмуни):

Гарчи Бартоннинг ўғли кўп бўлса ҳам, маншури бўлган бахтга эга бир ўғли бор эди. Художўй Бартон шохдан кейин Ясугай баҳодир шохлик тахтига ўлтирди.

**ЯСУГАЙ БАҲОДИР ИБН БАРТОН БАҲОДИРХОН
ИБН ҚҮЙЛИХОН ИБН ТУМИНАХОН ИБН
БОЙСУНҒУРХОН ИБН ҚОЙДУХОН ИБН
ДУТУМИНХОН ИБН БУЗАНЖАР ҚООН ИБН
АЛАНҚУВО БИНТИ ЧҮЙМАНАХОН
ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ**

Ясугай баҳодир подшоҳлик тахтига кадам кўйиши билан салтанат диёрини адолат унсурлари, хазина, эҳсон билан зийнатлади. Унинг давлати айёмида Эрумчи нўён барлос фано уйдан дорулбакога сафар қилди. Ундан 29 ўғил қолди. Шулардан Эсан, Ўғял, Улатон, Сўғук Чечанлар. Айтишларича, Эрумчи барлоснинг оқилу баркамол ўғли Сўғук Чечан бўлган. Сўғук Чечан мардоналиги ва фарзоналиги халойиқ орасида машҳуру маъруф бўлган (в. 37 б). Чечан сўзининг маъноси фасоҳатли ва донодир. Сўғук чечан ўз қавми орасида заковатда ва фатонатда замонасининг мумтози ва сараси бўлганидан Ясугай баҳодир унга таъзиму эҳтиром кўргизган. Отаси Эрумчи барлос ўрнига уни баҳодирлик мансабига кўйди ва сипоҳсолор қилиб тайинлади. Мулк юмушлари ва хонлик тадбирлари унинг савобли ишларидан равнақ ва интизом топди. Ўша 28 ака-укадан бошқаси ва музкур Сўғук нўён Чечандан жуда кўп насл қолди. Ясугай баҳодир билан тотор қавми ўртасида кину адоват бўлганидан Сўғук чечан билан маслаҳат кенгаши қилиб, катта қўшин тўпладилар ва тотор қавми устига ҳужум уюштирдилар. Назм (мазмуни):

Тангри ёрдами, бахт қудрати билан тотор устига қаттиқ ҳужум қилдилар.

Уларнинг хону мони ва молу инъомини ғорат қилдилар. Айниқса, Темучин ука ва Қора Буқоники, иккаласи ҳам тотор волийлари эдилар, асир қилишиб, банд этдилар. Назм (мазмун):

Паҳлавон шоҳ Ясугай баҳодир, бақувват қўли, навқирон бахти билан Темучин укани ва Қорабуқоники, бу иккиси нари аждаҳо эдилар, бу икки сардорни мардлик билан бирга олиб, Тотор иқлимини истило қилди. Ул қавмнинг бузурглари кичик одам сиёқига келтирди (яъни таслим қилди). Хонумонини ғорат қилди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ ТУҒИЛИШИ ЗИКРИ

Тотор қавми устидан зафар топгач, катта шавкат ва тантана билан Елун Яйлоқ томон юрди. Йўл асносида Чобқунчи доно баланд мартабали ўрдудан етишиб, суюнчи талаб қилди ва дедики, Улун янга хотун ўғил кўрди, висоли зимистон бўлиб, мўғул фирқасига баҳодир келди. Назм (мазмун):

Ясугай баҳодир Тангри фазилати билан тотор сипоҳи устидан ғалаба қозонгач, илонлар сардорининг Юҳоси бўлган тотор хони Темучин Ясугай кўшинининг қўлига тушди. Шоҳ қаби икки-уч пиёдадан мот бўлди. Ясугай зафар ноғорасини чалди. Тотор улусини ғорат қилди. Ов ўлжаси ва зафар шов-шувлари билан Елун Яйлов сари юрди. Дилун Яйлоқ юртига яқинлашганларида мубоширнинг хушхабарни етиб келди. Ясугай элчиси хабар етказди. У Улун Янга хотун авлодидан эди. Ўғил дема, бир шоҳ авлодидан. Унинг мисли дунёга арзийди, тилга камтар олинади. Онадан туғиларкан, қўлу мушти қонли эди. Замон донолари: бу бола соҳибқирон бўлиб туғилган дейишди. Яна шуки, муштида бир кафт қотиб қолган қон бор эди. Бу шундан далилки, вақт ўтиши билан замон аҳлини қатл этур; кўплаб подшоларни оёқ ости қилади. Худодан бошқа ҳамма унинг қўли остида хор бўлади. Худди шундай, нима деган бўлсалар далилдир. Тангридан ташқари, кафтидаги ҳам далил бўлди.

Айтишларича, санаи 9-зулҳижжатул-ҳаром 549-ҳижрийда туркийларда Хўк йили бошқа бир нақд бўйича 20-зулқаъда туркларнинг тўнғиз йилига мувофиқ санаи 589-йил ҳижрий, мезон бошларида Сабъаи сайёр юлдузлари

варос толеъида, 3-жавзода ва заноби 3-қавсдан, Ясугай баҳодир бу қувончли хабарни эшитиб ўз аркони давлатига маълум қилди ва бу фарзанднинг қадамларини муборак ва саодатли ҳисоблаб, мўғул фиркаси бузургларида унга ном қўйишларини сўради. Сўғу чечан Ясугай баҳодир ҳузурида тиз чўкиб, дедики, бу шундай юлдуздирки, унинг зиёси нуридан олам маъмуроти равшан бўлғуси. Унинг қадамларига тарих китоблари билимдонлари мунтазирдирлар. Шулар нарса муносиб бўлур эдики, олий-шаън подшоҳлардан бирининг номини бу гўдакка қўйсалар. Ақобирлар учун улуғ ном қўйилиши жойиздир. Султонлар авлодига подшоҳлар бошқа кимсалар исмидан қўймоқ нолойиқдир. Сўғуқ Чечаннинг бу сўзлари Ясугай баҳодирга маъқул тушди. Ўзининг аркони давлатини маслаҳатга чақирди ва Сўғуқ Чечандан маслаҳат сўради. Барча аркони давлат ва Сўғуқ Чечан иттифоқ бўлиб Темучин деб ном қўйишга келишдилар. Зероки, ул замонда тоторлар подшоҳи Темучин укадан ки, ўша кезларда унинг давлатига путур етган эди, (в. 38 б) баланд мартабалироқ подшоҳ йўқ эди. Кейин, бутун халқ каттадан кичигигача иттифоқ бўлдилар ва Ясугай баҳодирга айтиб, ул ўғилнинг номини Темучин қўйдилар. Назм (мазмуни):

Саодатли ўғилнинг туғилган йили Темучин йили бўлди.
Хайриятки фоли очилганидан ул ўғилга Темучин деб ном қўйилди.

Ясугай баҳодирнинг шу хотинидан Темучиндан бўлак яна тўрт ўғли бор эди: Жўжи, Қасор, Қочғун, Ўпчи. Жаҳонда уларнинг насли жуда кўп тарқалган. Бошқа хотинидан бир ўғил туғилиб, номи Малқуни эди; разму базмда Темучиннинг мулозими эди. Ундан ҳеч бир ажралмас эди. Яна бир неча ўғил ҳам кўрдик, уларнинг номи қуйидагичадир: Уткин Нўён, Элчо нўён, Текут, Рақой.

ЯСУГАЙ БАҲОДИРНИНГ ВАФОТИ ВА ТЕМУЧИН БОШИГА ТУШГАН ДАСТЛАБКИ ЗАҲМАТЛАР ЗИКРИ

Ясугай баҳодир махфуз кулугина йили 562-йил ҳижрийда оламдан ўтди. Темучин 13 ёшда эди. Мамлакатнинг мадори лашкарлар қўмондони бўлган Сўғуқ Чечан ҳам ўшандан бир неча кун ўтгач дорулфанодан дорулбақо томон кетди. Унинг бошқа фарзандлари Юсум ва Қорачор

нўён ҳали ёш эдилар. Қавмлари ҳам ундан юз ўгирдилар. Сипоҳ ва Сугай баҳодир ҳаммаси гуруҳ-гуруҳ бўлиб тойжиют қавмларига юз ўгирдилар. Ўша вақтда мўғул ва тотор қавмлари бир ҳокимга бўйсунмаган эдилар. Ҳар қабила ёки икки қабиланинг алоҳида хони бор эди. Улар ўртасида доимо урушу жанжал бўлиб турарди. Темучин гўдакликдан йигитлик ёшига етди. Кўп заҳматлар чекди. Бандга, оғир кунларга тушди. Унга улкан давлатлар муқаррар эдики, ўша таҳликалардан халос бўлди. Жомуқа, яъни Жожирот, Тойчиют, Қўнғирот, Жалойир қабилалари ва Сувчибек билан тинимсиз жанглар олиб борди. Эрумчига қарашли барлос қавми ҳам уюшиб, муҳолифлик қила бошладилар. Назм (мазмун):

Тойчуит, қўнғирот, барлос, урхон, жожирот қавмларидан бўлган меҳтарлар бир тан, бир жон бўлиб Темучин жангига бел боғладилар.

Шу муносабат билан у энг яқин кишиси ҳисобланмиш Ўнғхон ҳузурига жўнади. Барлос қавмидан. Назм (мазмун):

Сўғук Чечандан шундай хайрли иш содир бўлади: жаҳонгир, фармондеҳ ва яхши хулқлилар бир бўлишиб, қаҳрлари тўққизга тўрт бўлди. Иқболидан келиб чиқиб Қорачор деган ном берилганди.

Темучин билан ҳамкорлик қилди. Ясугай баҳодирнинг Ўнғхон билан дўстлиги юзасидан биргалашиб, Ўнғхон ҳузурига бордилар. У керойит қавмининг ҳокими эди ва шавкатли бир хон, ҳашаматли бир подшоҳ эди. Олтинхон хитойи у билан иттифоқ ва ҳамкор бир вазиятда эди. Назм (мазмун):

Бу ишда ундан ўтадигани йўқ эди, ҳеч кимнинг бунчалик кўп ганжи ва лашкари йўқ эди.

Темучин унга мулозамат кўрсатиш билан машғул бўлди. Ўнғхонга унинг раъйи ва қабул қилиши, улуғворлиги мақбул бўлди. Кундан-кун унинг ишлари юришиб кетди. Чунончи, хон мулк ишларини у билан бамаслаҳат қиларди. Аста-секин шу даражага бориб етдики, уни фарзандим, деб атай бошлади. Жумхуриятнинг барча муҳим ишлари унга топширилди. Ўнғхон ҳузурини ҳар иш бошида бўлди, уddaбурунлик кўрсатди. Жумладан, Ўнғхоннинг биродари Эркақаро билан адоватда бўлган, макрит қавми пешвоси Ўркин ва Тўқтобеги билан жанг қилиб барчаси устидан ғолиб келган.

КАВМЛАРНИНГ ЎНГХОН БИЛАН ЖАНГ ҚИЛИШГА АҲД ҚИЛГАНЛАРИ ЗИКРИ

Тойжуит, салжуит, Қўнғирот, баҳрин, дўрмон, макрит, жоғирот, жалоир, тотор, уйрот, буркин, қайқин қавмлари Ўнғхон ва Темучин жанги хусусида қасамёд қилдиларки, назм (мазмуни):

Ўз динларига қасам ичдилар, ўз урфларича аҳду паймон қилдилар. От, ҳўкиз, ит келтирдилар ва сўйдилар. Дедиларки, агар аҳдимизга хилоф иш қилсак, айни шулардек ўлдирайлик. Назм (мазмуни):

Бу жанжалкаш қавм олдида бундан қаттиқ қасам ичмагин.

Ўнғхон билан Темучин бу ҳолдан хабар топганларидан сўнг, лашкар тортиб, Шухури нодириён мақомида улар билан жанг қилдилар ва улар устидан ғалаба қозондилар, ўзларига бўйсундириб, итоат эттирдилар.

ДУШМАНЛАРНИНГ ЎНГХОН ВА ТЕМУЧИННИ ЖОДУ ҚИЛГАНЛАРИ ЗИКРИ

Буйрук, Тойонхон найман, найман қавми ҳокими Нангхон улар билан душманлик муносабатида эди. Улар билан жанг қилмоқ ниятида лашкар тўплади. Жадачиларга жада қилмоқни буюрди. Турклар жада қилмоқни «ёй этар» дейишади. Назм (мазмуни):

Ёмон ниятли тақдирдан хабарсиз бўлганидан иши макру ҳийла бўлганди.

Шундай найранглар тузган эдиларки, тошларни дарёга ташлагандилар. Унинг хосияти қор билан бўрон; шох лашкарининг макри ҳалок бўлгуси. Улар макридан шамолу қор пайдо бўлди. Сахро қордан тубсиз денгизга айланди. Лекин кимки маккор бўлган бўлса, ўзининг ёмон феълидан гирифтор бўлган. Само, қор, бўронлар ўтди. Зеро, булар устидан найранглар қилган эдилар. Номдор Буйрук билан бирга бўлган сипоҳийлар ўша жангда унга ҳамроҳ эдилар. Шамол, қор, бўрон қоронғулиғидан ҳамма саросима ва ҳайрон эдилар. Худонинг ғазаби бўлган қавмдан оёқ-қўлларини совуққа олдирганлар етиб келди. Ўша гуруҳдан кўп киши алданиб, тифу тоғдан ҳалок бўлдилар. Тан бор эди, жанг майдони; ёмон ниятлининг иши шундай жанжалдир, дегил, тирик бўлганлар жойида қолдилар, кейин оёқ-қўлини совуқ уриб жўнашди. Бирор киши жанг қилмай қочиб кетишди. Улардан ҳеч ким хабар топмади.

ЖОЖИРОТ ҚАВМИНИНГ САРДОРИ ЖОМУҚАНИНГ ТЕМУЧИН ҚАСДИДА ЎНГХОННИНГ ЎҒЛИ ШИНГУН УСТИДАН БАДҒЎЙЛИК ҚИЛГАНИ

Темучин Ўнғхон ҳузурида 18 йил турли хизматларда умр ўтказди. Шу муддатда улкан ишлар уддасидан чиқди. Ўнғхоннинг кўплаб душманларини шамширу ўқ қурби билан йўқлик шахрестонига жўнатди. Ўнғхон Темучинни манзур кўриб, тарбият ва отифат қилгани туфайлидан мулку мол тадбирларини юритишда у билан бамаслаҳат иш қиларди. Қобилияти ва ботирлигидан доимо ёнида фарзандидек эътибор ва ҳурматда олиб юрарди. Ўнғхон уни фарзандим деб юрарди. Аммо, амирлар, унинг хешлари ҳасад билан қараб, унинг борлик нақшини тупроқ лавҳидан пок қилмоқ ниятида бўлдилар. (в.40 а) Чайлаларида макр камандини фурсатнинг кечиши томон ташладилар. Узр ипларини унинг суратини қабиҳлаштиришда деб билдилар. Охируламр, жожирот қавми меҳтари Жамуқа Темучинга нисбатан кина адовати бўлганидан Ўнғхоннинг ўғли Шингун ҳузурида уни ёмонлади. Дедики, «Темучин тузимни еган, Тойонғхон билан дўст тутинган ва ундан мадад олмоқчи, мамлакатни кўлингиздан тортиб олмоқчи». Шингун бу сўзларни дилидан чиқариб ташлади. Ўнғхон унга ишонмади. Иккинчи бор, иззат-нафсига қаттиқ текканини ҳис қилиб, бу гапни унга етказди. Назм (мазмун):

Ясугайнинг ўғлидан андеша қилгил, унинг андешасидан жафопеша бўл. Ундан қутулиш чорасини тезда кўрмасанг, у хонадонингдан тутун чиқарур. Бу сўзларни эшитиб Ўнғхон кўрқиб кетди, кўрқувдан юзларининг ранги ўчди.

Ўнғхон амирлари билан кенгашиб кўрди. Темучин билан иттифоқ бўлиб чиқдилар. Амирлардан бири бу ҳол суратини хилватда хотинига айтди. Икки гўдак ташқарида эдилар. Бирининг номи Бодой бўлиб, бодой қабиласининг бобосидир. Иккинчисиники Қишлиқ бўлиб, қишлиқ қавмининг бобосидир. Бу икки гўдак чодир ташқарисида бу гапларни эшитдилар ва дарҳол Темучин ҳузурига бориб, эшитганларини сўзлаб бердилар. Назм (мазмун):

Икки бахти уйғоқ, икки омад излаган, бири Бодой, бири си Қишлиқ номли. Дили ва кўнгли пок бўлганидан унинг беғуноҳ ногоҳ ҳалок бўлишини истамадилар. Чопиб Темучин ҳузурига бориб, эшитганларини сўзлаб бердилар.

Темучин бу сўзларни эшитиб тушкун ҳолга тушди. Қорачор нўён билан маслаҳат қилгач, бир кеча барча чодирларни бир жойга йиғиб ташлаб тобеълари ва яқинлари билан бир тоғ ёнбағрига кетди. Назм (мазмун-
чи):

Темучин жаҳонга шоҳ бўлмоқни истовчи эди. Бахти кулганидан иши ўнгидан келаварарди. Лашкарлар паноҳи Темучин сипоқни бошқа жойга кўчирди. Тоғ этагидаги саодатли бир жойни ул гуруҳга кўрсатди.

Ўнгхон ўша кечаси катта лашкар билан Темучин чодирлари сари етишди. Жуда кўп ёқилган гулханларни кўрди. Назм (мазмун):

Ўқ ёғдириб, ҳавони баҳор булутига айлантиришни уларга буюрди.

Одамлар овозини эшитгач, чодирларга кирдилар (в. 40 б) ҳеч кимни тополмадилар. Орқаларига қараб қоча бошлади-лар. Темучиннинг қоровули Ўнгхон етиб келгани хабарини етказди. Назм (мазмун):

Темучин шундан ғазабга тўлди: ўз лашкарини кам сонли кўрди. Ўз қордонларига шундай деди: шуни айтмоқчи-манки, улар кўпчилик, биз озмиз. Уларнинг кўплиги (дахшати) дан (гўё) уларнинг юзидан биримиз.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ КЕРОЙИТ ПОДШОҲИ ЎНГХОН БИЛАН ЖАНГИ ЗИКРИ

Ўнгхон лашкари етиб келиши билан Қўйлоқ нўён Темучинга дедик, душман ортида бир пушта бор. Вазифа шундан иборатки, туғни шу пушта устига чиқариб тиксак, душман енгилajak. Назм (мазмун):

Шундай деди-ю, жанг отини кўзгади, туғ кўтариб, ўша пушта сари йўналди. Зафар туғини унинг тепасига келтириб, оламини ёритувчи машғалдек туғни тутқазди. Пушта тепасига чиқиб, мана жаҳон шоҳи Темучин, деб наъра тортди.

Айтишларича, Темучин ўша куни шижоати ниҳоятда жўшганидан ва ғайрати тўлиб-тошганидан ўзини фидойи-лардек туйиб, душманларнинг кўплигини писанд қилмай, Қалочин мавзесида душман устига хужум қилди. Назм (мазмун):

Булут билан ҳавони шундай кориштириб юборди-ларки, танларидан (терни) ёмғирдек тўқардилар. Шундай

жанг қилдиларки, кекса дунё бу каби қирғинни эсла-
ёлмайди.

Ўнғхоннинг ўғли Шингун ярадор бўлиб, кeroит қавмидан
жуда кўп киши ўлдирилди. Назм (мазмуни):

Кeroит қавмининг ноласи кўтарилдики, Шингуннинг
юзига ўк тегиб, яраланди. Душман лашкари шундай
тушқун ҳолда қолдики, Ўнғхон мағлуб бўлиш ҳолга
келди. Улар қаттиқ турдилар, Темучин уларга жой
бўшатиб кўрсатди. Балхуна чашмаси ёнига шошилди ва
ўша куни бироз ором олди.

Темучин лашкари пароканда бўлгани сабабли ҳар
тарафдан ўша чашма бошига жамъ бўлдилар. Ул шўр
сувли чашма суви оз миқдорда эди. Назм (мазмуни):

Қийин кунда қолиб, лойдан сув сиқиб чиқардилар. На
чашмада сув, на кўзларда уйқу бўлди.

ЎША ЖАНГДА БЎЛГАН ҚАВМГА ТЕМУЧИН ҚООННИНГ СУЮРҒОМИШИ ВА МАНСАБ ТАЙИН ҚИЛГАНИ ЗИКРИ

Ўша ҳолда Қарочор нўён Темучинга дедик, (в. 41 а)
бу жангда биз билан бирга бўлган ҳар бир киши каттадан-
кичигигача улар номини дафтарга сабт қилмоқ лозим.
Ҳар бирини бир мансабга тайин қилмоқ керак. Темучин
қоонга Қарочор нўён тадбири савоб туюлди. Шу йўсунга
амал қилди ва улар билан бирга жангда бўлган одамлар
исмини дафтарга ёзиб қўймоқни буюрди. Ҳар бирига йўл
ва расмини тайин қилдилар, токи аванғор ва жаванғорда
12 кўр ҳосил бўлгай. Ҳар кўрда бўлган ҳар бир кишининг
ўрнини муқаррар қилдилар. Аввал икки кўр ўнгу сўлда,
Темучин ҳузурида уларни ўлтиришга буйруқ бердики,
улар қавмларнинг эътиборли ва зодагонлари, соҳиби
дониши эдилар. Иккинчидан, Темучин ҳузуридаги дархо-
на яқинида ўнг ва сўлда икки қавми қўйишди. Уларни
оёқда туришга амр қилдилар. Уларга аҳолининг кирими
ва чиқимини бошқаришни топширдилар. Шу билан тўрт
кўр бўлдилар. Учинчи, Темучин шамшир боғлаб ўлтирган
хиргоҳнинг ташқарисида ямину ясориде турган ясорда
ҳар кимнинг мартабаси ва даражасига кўра тайин қилдилар
ва ўлтиришни буюрдилар. Бу икки кўр тамоман жанг ва
шижоат соҳиблари, жасорат арбоби, қаҳрамонлик кўрсат-
ганлардан иборат эди. Тўртинчи, ўлтирган учинчи бу икки
кўр ямину ясори ортидан яна икки кўр ўлтиришга буюрилди.
Бешинчи, ямину ясорда ўлтирган бу тўртинчи икки

кўр ортидан яна икки кўр ўлтиришга буюрилди. Олтинчи, ямину ясорда ўлтирган бешинчи кўр ортидан яна икки кўр тайинланиб ўлтиришга буюрилди. Ҳар бир ҳаштгона бу кўрларнинг ҳар бири ёнида ясовулар тайин қилдики, халқни жо-бажо тайинлаб, улар аҳволидан хабардор бўлиши лозим эди. Бу ўн икки кўр Қарочор нуён тасдиқи билан тайинландики, олтитаси Темучиннинг аванфорда ва яна олтитаси жавонғорида ўлтиришга ва суворий бўлиб базму жангу жадалда, шу тартибда муқаррар бўлди. Уларнинг исмларини дафтарга сабт қилди. Назм (мазмуни):

Қийин кунда шоҳ ёнида бўлганлар учун бошқаларга қараганда баланд мартаба бўлмади. Унинг номини дафтарга ёзиб қўйишди. Токи шоҳ унинг барча ишларини адо этгай.

Ўнғхон томонидан қасд қилинганидан огоҳ қилган икки гўдакни тархон қилдилар. Тархон шундай одамки, барча жарималардан озод ва эркин, қай лашкарда бўлмасин, қандай ўлжани қўлга киритмасин, ҳеч ким ундан бирор нарса ола олмайди, унга тегишли бўлади ва буюрдики, қачон хоҳласа даргоҳга ижозатсиз ва дастурсиз қира олур. Тўққиз бор гуноҳ улардан содир бўлганда ҳам бирор киши уни Сазо бера олмайди. Яна тайинладики, унинг нажоди дан тўққиз авлод бошқа таклифлардан эминдирлар. Назм (мазмуни):

Оқил ва хуш юлдузли икки ўғил душман макридан хабар бердилар. Шундай фармон бердики, тўққиз пуштигача бўлганларнинг гуноҳидан ўтарлар бизнинг одамлар, бизнинг жойда турғун бўлурлар.

Ҳозирги давр тархонлари уларнинг наслидандир. Тархонларнинг кўпчилиги бодой қавмидан. Чиғатой улусидаги тархонлар Қишлиқ наслидандир.

Ҳар кимники исми ва расмини муқаррар қилдилар, ҳолига мувофиқ ярлиғ ва ёбиза бериб, ул мавзедан кўчириб Хитой сарҳадида бўлган уронга, дарё бўйи ва тоғ этагида жойлаштирди. Назм (мазмуни):

Ул тоғ ва дарё Хитой сарҳадида эди. 1600 нафар эдилар. У ердан кўчиб, Нору мавзеъига келиб тушдилар. Назм (мазмуни):

Йўлда мазкур жойга етишдилар, бир лашкар бу ерга келиб ўрнашди. Темучин унга элчи жўнатдики, бизга айтадиган нима сирнинг бор эди, эй номи баланд; яхшилик истайсанми, ё ёмонлик? Гап нимада эканлигини билишимиз лозим, айтгил. Сипоҳдор кўнғирот лашкари билан эл бўлди-ю шоҳдан жони омон топди. Нору атрофи ўтзор эди, шу ерда келиб тўхтадилар.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ ЎНГХОНГА ЭЛЧИ ЖЎНАТГАНИ ВА ЎЗИ ЭЛЧИ ОРТИДАН РАВОНА БЎЛГАНИ ВА ЎНГХОННИНГ МАҒЛУБ БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Темучин қооннинг лашкари жамъ бўлгандан ва қувват олгандан кейин Ўнгхонга чопар жўнатди. Икки ўртада бир неча бор элчилар бориб келишди. Муомала сулҳ тузиш билан якунланди. Учинчи навбатда ўзининг (в. 42 а), одамийи Ўнгхон элчисига қўшиб юборди. Ўзи эса улар ортидан лашкари билан йўлга чиқди. Назм (мазмуни):

Соҳибқирон Темучин Норудан Ўнгхон мулкигача (лашкарини) елдирди. Лашкари устига шундай хужум қилдики, куруқликдаги ва мамлакатдаги обод ерлар вайрон бўлди. Кўпини ўлдирди, кўпини асир олди. Оқил киши бу ишдан ақли шошди.

Темучин қоон ўз лашкари билан Ўнгхон устига ёпирилганда, ажойиб бир жанг зоҳир бўлиб ўтди. Ўша жангда Қорачор нўён Ўнгхон билан рўбарў келиб, Ўнгхоннинг отига қарата ўқ узди. Унинг оти йиқилгач, одамлари унга бошқа от келтирдилар. У отга миниб ўғли Шингун билан қочишга тутинди. Назм (мазмуни):

Керойит (қавми)нинг сипоҳи кўп эди. Лекин, ҳеч ким фалакка тенг кела олмайди. Тангри фармони билан бу сарварнинг лашкари мўру малахдек кўпайди. Темучин қоондан ажралиб чиқдики, сен бу ишларни Тангри иноятдан ташқари бўлмоқда дема. Яна хабар келди: Ўнгхоннинг ўғли Шингун Найман мамлакатига бориб етди. Унинг лашкарини қирғин қилди. Қизи ва хотини асир тушишди. Керойит қавмидан бир киши қочиб қутулиб, Темучин қоон қулига айланди.

Ўнгхон шикаст топиб, қочганда ўғли Шингун ва бир неча бошқа одамдан ташқари ҳеч ким ёнида йўқ эди. Қизи ва хотинини душмани қўлига асир топшириб, ғурбат йўлидан қочишга юз тутди. Ота ва ўғил ҳар иккиси Найман диёригача, унинг хони Тойонг найман хузуригача етиб бордилар. Айтадиларки, Ўнгхон Тойонгхон найман умароси қўлида қатл этилган. Назм (мазмуни):

Тойонг амирлари унинг у юрт лашкарининг қочаётганини кўриб, ортидан тушишди. Ул шохни, яқинларини ўлдирдилар. Уларга қаршилик қиладиганлар қолмади. Отасини ўлдирдилар, ўғли улар қўлидан қочиб қутулди. Тибатни ташлаб, йўл юриб, Кошғар томонга кетди. У ерда бир номдор кўпол Мурод деган (хон)ни қўлга тушириб,

зор қақшатиб ўлдирди. У ернинг сувидан ичиб кўрмасдан тупроғини йўқлик шамолига совурди. Ота лашкарни хароб айлади. Ўғли дарвозаси оловини тупроққа айлан-тирди (ёндириб кул қилди). Бу пасткаш дунё Золимнинг иши шу: гоҳ сенга сут тутади, гоҳида — қон. Подшоҳ ёки лашкар бўлмагин, ажалдан қутулолмайсан.

Ўнхон Тобонхон амирлари қўлида қатл этилгандан кейин ўғли Шингун бу мусибатдан қочиб, Тибат диёрига келиб тушди. У ердан Кошғар томонга кетди. Ул диёрга етишгандан кейин, ул мулк сувидан ичишга ҳам улгурмасдан кечиб турган айём тамоман хорликда obu тупроғидан ул мамлакат подшоҳининг қаҳри оташидан кўзлари ўйилиб, замон хокдони билан яксон қилинди. Керойит эли ва қавмининг қолган-қутгани соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам фармони хаттига итоат бошларини қўйиб, итоат гарданини итоат амрига қўйдилар. Бу зафар асарли фатҳ содир бўлгач мўғул қавмларининг соҳиби лашкар кўпчилиги ҳар мамлакатдан унинг мулозаматига шошилдилар. Ул мавзеъда бир неча кун хотиржамликда айшу шикор, истироҳат билан машғул бўлдилар. Шундан сўнг ўз асл юртига қайтиб келиб жойлашдилар. Назм (мазмун):

Темучин керойит юртини олиб, мардлик билан ҳам сипоҳи, ҳам вилоятини қўлга киритди. Қаттиқ жангдан холи бўлгандан кейин, у ерда бироз ов қилди. Ўша атрофни кезиб, ўз юртига қайтди. Шухратли ғалаба ва улкан бахтга эришиб, улў Тангри иноятига сано ўқиди,

Бу воқеа ҳижрий йилнинг 599 санаси, туркча тўнғиз йилида воқеъ бўлди. Темучин қоон ул вақтда 49 ёшда эди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ МУКАРРАМ САЛТАНАТ ТАХТИГА ЧИҚИШИ ЗИКРИ

Соҳибқирон аъзам музаффар ва мансур бўлиб ўз асл юртига қайтганда ҳақ таолонинг соҳибқирони аъзамга каромат қилганидек, улкан фатҳ салобати теварак-атрофга тез ёйилди. Ўша диёрда бўлган мўғул қавмлари, элу улусининг кўпчилиги тоат ҳалқасини итоат қулоғига илиб, Найман мавзеъида ўрнатган соҳибқирони аъзам тахти поясига келдилар. Барча мўғул сардорлари ва хонлари (в. 43 а) соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззамнинг тахти қаршисига келиб, тиз чўкиб, хонлик муборакбоди ва жаҳонбонлик олқишини бажо келтирдилар. Назм (мазмун):

Улуғ соҳибқирон Темучин, турк авлоди подшоҳларининг шоҳи саодатли ғалаба йилида, ҳокимлар қатл этилган йили шоҳлик тахтига чиқди. Тангри лутфи ва тавфиқи ила тахтга ўлтирди. Шоҳ бўлган чоғда бири кам эллик ёшда эди.

НАЙМАН ПОДШОҲИ НАЙМАНХОННИНГ СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМ БИЛАН АДОВАТИ ЭНКРИ

Найман ҳоқими Найманхон Темучин қооннинг истилосидан хабар топгач, жанг асбоби ва мўғул лашқарига қарши ҳозирлигини кўра бошлади. Ўйрот (тотор, дақик, макрит ва жомуқа кавмлари, Назм (мазмуни):

Темучин қоон хизмати учун найманлар билан ҳамма ёр бўлди.

Найман хон анкит хони Олоқуш Сакин ҳузурига чопар жўнатиб, уни хабардор қилди. Назм (мазмуни):

Шуни билгинки, заминимизда бир сарв шоҳлик мақомидан лашқари билан жой олди. Сен нодон бир мулда икки подшо бўлишини раво кўрмайди, деб ўйлайсанми. Бугун Олоқуш ёрдам берадиган бўлса, Темучин қаерда подшолик қилади. Мендан мададни дариф тутмаслик лозим. Ўзим тиф воситаси билан чора кўрурман.

Олоқуш хушманд ва ишбилармон бир хон бўлганидан, бу хабар унга етиши билан Нуридош деган бир амирини Темучин ҳузурига жўнатди ва уни бу маънидан хабардор этди. Назм (мазмуни):

Вафодорлик қилиб Олоқуш Темучин ҳузурига Нуридошни жўнатди. Нуридош Темучин ҳузурига борди. Кўринишга бир чўлоқ той олиб борди. Олоқуш ёнидан элчи бўлиб, тилини қурол қилди. Найман айтган яширин гапларни Темучинга бирма-бир сўзлади. чин ўртасида аҳду омонлик пайдо бўлди. Олоқуш ундан кўнгли тусаганча мадад олди. Кейин анкит (қавми) сипоҳ билан келди. Қисқаси, найман шоҳга эл бўлди. Олдин шоҳ Найманхоннинг макридан огоҳ бўлган бўлса ҳам, узук-юлуқ гапларидан, унинг ишини ҳал қилишга шошилди.

Бу бобда Темучин қоон фарзандлари ва амирлари билан маслаҳатлашди. Ўша маҳалда Қарочор нўён тиз чўқди. Назм (мазмуни):

Жангда шоҳнинг қўли устун бўлганда билгилки, душманга шикаст етгуси. Пок тангри ғалабадан сенга нишона берибдими, душман сипоҳидан кўркма. Бир танга

тангри мададкор экан, юз мингидан андеша қилма. Қарочор бу гапларни деди, қоон эшитди ва унинг раъйини қабул қилди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ НАЙМАН ҚАВМИ ПОДШОҲИ НАЙМАНХОН ИБН ИНОНЧХОН БИЛАН ҚИЛГАН ЖАНГИ ЗИКРИ

Жумодус-соний ойи ўрталари, санаи 600 йил ҳижрийда, туркийчада сичқон йил соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам найман подшоҳи Найманхонга қарши жангга киришди. Ўша ўртада ўта шиддатли жанг бўлиб ўтди. Ўша жангда Найманхон ибн Инончхон лашкари кўпчилик сардорлари билан бирга қатл этилди. Назм (мазмун):

Олийнажод жаҳонгир Темучин Найманхон билан жангга киришди. Ой бошларигача ўз ўринларида турдилар, Қалтакайда. Ўқтой, ул номдом ўғлон, шу ердан ясов тузиб жангга киришди. Ясовул аванғору жавонғорга хужум қилди. Бўлинсин, лашкар, деб буюрди. Ҳар қисмига меҳтар тайинланди. Буронғорга дабдаба билан Қубилой, Нўён ва Жабани, аванғорга Чигатойни тайинлади. Жавонғорни эса Ўқтойга берди. Ғўлнинг туғи ва сипоҳини Жўжига берди. Тўлини букжавон ғорига тайинлади. Қарочорга бустунғорини берди. Ўқчунғорга сипоҳи билан ўзи келди. Барча кўшинлар кўнғур (рангда) урушга шай турди. Шу тартибда оғир ясов ҳаракатга келди. Сийнани кавловчи (найза) тиккан балиқ сингари эди.

Қалтакай мавзеидан Найманхон ибн Инончхон найман билан жангга отланганда соҳибқирон лашкари Қарачор нўённинг маъқуллаши ва ишбилармон оқсоқоллар маслаҳати билан (в. 44 а) етти қисмга бўлиниб, соҳибқирони аъзам амри билан шаҳзода Тулини барча серғайрат ёшлар, қахру ғазабга тўлиб- тошган баҳодирларга бош қилиб булчунғорга қўйилди. Қубилай нўён ва Жаба нўённи лашкар буронғорига: унга ҳамроҳ қилиб тажрибали баҳодирларни, лашкарларга шикаст етказувчи кишиларни манғлойга ировул учун тайин қилди. Шаҳзода Жўжини ўз ўрнига соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззам туғ ва алам остига, лашкарнинг қалби ҳисобланмиш ғўлга тайинлади. Чап қўл бўлган ва уни майсара ҳам дейдилар, аванғор сардорлигини шаҳзода Ўқтойга муқаррар қилинди. Форсийда камингоҳ деб аталувчи бустунғор сардорлигига Қарачор нўён қўйилди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўзи барча кўнғур сафдарлари ва соқа деб аталувчи ўқчунғор баҳодир диловарлари билан бирга тўхтовсиз равишда жангга равона бўлди. Назм (мазмуни):

Булчунғорга шахзода Тули, тепаликка қараб ойнадек равон бўлди. Юзи аксидан, лашкар пайкари жавҳар сингари пўлат (совут)лидек эди. Фалак мартабали шоҳ фармони билан Қубилой ва Жаба нўён сарафроз бўлди. Улар одатдагидек манглайда келишарди. Чиғатой шоҳ аванғорда келарди. Ўқтойнинг йўли булжунғор эди. Шахзода Жўжи гўлда туғ остида ўнгу сўлига қараб келарди. Шундай дабдаба билан лашкар равона бўлди. У томонда Найманхон бундан хабар топди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам сон-саноксиз лашкари гарду губори найман подшоҳи Найманхон кўзига узокдан кўрингач, амирлари билан маслаҳат қилиб, деди: Яхшиси, биз бир неча манзил чекинамиз. Чунки уларнинг отлари ориғдир. Ҳар ҳолда пайдар-пай чопсалар ортимиздан йўлда ҳолдан тоядилар, отлари йўлдан озиб, тарқаб кетади. Шунда биз улар билан жанг бошлаймиз. Албатта, мағлуб бўладилар ва қочадилар. Назм (мазмуни):

Унинг тадбири тўғри бўлгани билан тақдирнинг хоҳлагани бўлди.

Найманхоннинг Қўзи Субож номли бир амири бўлиб, ёшлигидан Найманхон ҳузурда улғайган эди. У деди Найманхонгаки: «Отанг — Инончхон». Назм (мазмуни):

Бир кун ҳам жангдан бўшамасди. Бирор кишини ҳам ортидан таниб бўлмасди. Хотинни дилинг тортгани билан, сендан эрлик бўйи келмасди.

Ҳазабли кишидан буни эшитиши билан, сўзамоллик билан жангга киришди. Ботирларни кўзғади, сафни кўтарди, денгиздек жўшиб кафини лабга босди (ва деди): бугун бир жанг қилайки, жаҳонда мендан ёдгор бўлиб қолсин! Бутун улуснинг жам бўлишини буюрди. Жангга чорлаб бурғу ва ноғора чалди. Шу пайт булжунғордан сипоҳ чиқиб келди. Тули қолганлар ичида оймонанд эди. Найман хони булчунғорга дуч келди. Шоҳ, шоҳ, деган овоз билан отлар юлдуздек чопа кетишди. Булчунғорга мадад учун найманлардан Қўзи буронғордан ҳазаб билан чиқиб келди. Кутилмаганда манглайда дабдаба билан Қубулой ва Жаба нўёнлар пайдо бўлишди. Арғумоқни ўйнатиб жойларидан кўзғалдилар, қўлларида ажалдек яланғочланган қилич, отлар туёғидан замин чок-чок бўлди. Чанг-тўзон осмон фарқигача етди. Икки манглай бир-бири билан тўқнашди. Бир-бирига тенг румиёна уруш қилдилар. Қубулой Қўзи

бўлди, мардларнинг марди. Фор ташкарисида уруш қилди. Қубилай нўён мадади билан Жаба юз дабадаба билан етиб келди. Номдор ботир Қўзи нарра шердир. Икки ботир мард устида гулув кўтарди. Ҳар икки томон жанг мардлари хайрихоҳлари жон фидо қилишда гулув кўтардилар. Жанг майдонида кўплар йиқилиб қолди: қўл-бош, оёқ, тан бир-биридан жудо. Шу вақт гўл ўз кўчини кўрсатди: Аванфор ва жавонфорга бош бўлди. Чигатой аванфордан от суриб, Ўктой Жавонфордан тулпор ўйнатиб, калба Жўжидек шаҳриёр сипоҳи улкан соябон остидан жой олди. Лашкар ортини кўриқлади. Бу хайриятлик иш эди. Шу лаҳзада Кушлук от чоптириб, Кишасп олови сингари қиличини ялов қилиб, кўтариб келди. Бошга, елкага, қўлга, белга қилич тортиб, ҳар жойдан дарича очарди. Ботирнинг бошида ялов бўлмаганда эди, икки бора унинг отини қалам қиларди. Баногоҳ, Юсубуко майдонда пайдо бўлди. Ҳамма уни олқишлар билан кутиб олди. Мағрур ботир Қорачор нўён бустунфордан яшиндек от чоптириб келди. Унинг тиғи дамани кўрган ҳар киши ҳаётидан умид узарди. У найманлар фарёдини чиқарди. Палангдек сакраб, ўкириб, ул базмда ботирларни ёриб ташларди. Мисли шер ҳўкизни ёргандек. Нўёндан бу қаби жангни кўриб, Найманхон ўзи билан ўзи бўлиб қолди. Ўз отини елдириб, нар аждаҳодек майдонга кирди. Кийикни кўрган йиртқич сингари найзадек қахридан ёлқин чиқарди. Шамшир яланғочлаб, қафида тутиб, янги ой сингари фитна туғдирувчи (шамширни). Уруш дашти томон сурон солди. Одамлар танасидан қўли, боши, оёғини жудо қилиб, боши, бели, орқаси, қорни демай (қилич солиб), ёриб ташлар, ғам емасди. Шу вақт соҳибқирон Чингиз чексиз ўкчунфорга кўтарилди. Тўхтамай тулпорини йўрттирди. Уруш денгизида наҳангдек, рикобида Қўнғур жиловма-жилов (келарди). Найзаси чўпига яловини ўраб олганди. Чумоли ва илон кўзини тикувчига, тулки овловчи шер намояндасига, барча бош рикоб хизматиға, барча қиличкашлар офтоб юзига чанг солишға — от солдилар, барчаси, соҳибқиронга жон фидо қилишға қодир эдилар. Тўхта-масдан шовқин солиб етиб келдилар, фидокорлардек жангга кирдилар. Жўжига деди: «Сен туғ остида қаттиқ тур; ноғора ва бугни чалдириб тур. Ман бугун бир гуруҳ лашкар билан жанг қилуримни кўргин. Найман шоҳининг додини берурман, бугун у мендан омон кутила олмайди!» Шунини деб отини йўрттиради ва Найманни таъқиб этди. Ҳар икки томондан жанггоҳда икки дарё сипоҳ қайнарди. Бири қилич урган, бири найзадор. Бошқаси бонг билан қалқонга табар уради. Бири отилган ўқни шона қилур, гўё қалба тош

ботгандек. Бири балорагдан бош қопқоғин очар, Сулаймон бошига миғфар кийгандек. Бири тўғрини — ҳам, ўнгни чап қилди. Кўздан говсар ясамоқ бўлди. Бири уриб кўзин чиқармоқ бўлди. Зеро, у эндигина дунё тўғрисида эшитди. Ботирдек жанг қилиб, бири жигарин чок этди. Бири баданига ханжар қадалди. Бирининг қўлида олтин тишли хашна. Кўз мижаси каби мўлжали аён. Бири жон ҳолатда наъра тортди. Ўз осойишини деб ўзини бир четга тортди. Бири бошқасининг жавшонин олди. Ўзи жон ҳолатда титраб-қалтираб. Бирини зувпин билан қорнини ёрди. Жангдан бурун жони чиқиб, бири Худдек бошини олди. Тани, қони тупроққа қорилди. Бири душмани камандига бош берди. Бири тилкаланиб жон берди. Бирининг бошидан қон селоби пишқириб оқди. Найман ибн Инончхон газабли шердек чопарди. Хафтонидан бир этагини чиқариб, сипоҳ қалбига от солди. Қиличу найза, ўқу табардан душман гоҳ арраланар, гоҳ пораланарди. Бу майдонда шундай саваш бўлдики, кўк гумбази кўзидан қонлар оқди, шер ва қоплондек икки ботир жанг қилди. Тиғидан ҳам ўлик, ҳам тириклар устида Кушаспдек олов сочди. Хавони тосдек қора, замин кўтос ғажигандек бўлди. Тўзонидан кундуз қоронғу бўлди. Жангда Найман яраланди. Тани жонсиздек заиф бўлиб ҳолсизланди. Отининг қуйруғига икки қўли билан суяниб, жисмдан руҳ чиққандек жангдан чиқиб кетди.

Лашкарлар ҳар икки томондан саф тортиб, адоват қиличларини ялов қилиб, бир-бирларига (в. 46 а) етишдилар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам тўнғич ўғли шаҳзода Жўжини лашкар қалби бўлган Ғулда ўз ўрнига туғ ва ялов остига қўйиб, ўзи лашкарлари ортидан жанг майдонига йўналди. Иккала лашкар тарафидан кўркалар урилиб, бурғу тортилганда жангга кирилди. Гўё киёмати сағир бошланди, дейсиз. Ботирларнинг ҳой-хуйи, жангчилар ур-йиқит овозлари осмони фалакка кўтарилди. Қаллалар гўйдек, қўллар чавғондек диловарлар майдонида юмалаб ётарди. Бу мағлуба жангда Найманхон ададсиз жавлонлар, мардона ҳамлалар қилди, ўликлардан пушталар ҳосил қилди. Охир-оқибатда ўқу табар, тиғу ханжар баданга ҳалокат фатрокида умид камандидан юз чок гул боғлади. Кўплаб қон оққани ва заифлик шиддатидан бадан забун бўлиб, тақовар ёлини жон оғушига тортди. Майдондан юз ўгириб, ўз амирлари билан бирга тоғ тепасига чиқиб кетди. Назм (мазмуни):

Найман тоғ тепасига ялов қадаганда аъзойи бадани ором олгандай бўлди. Унинг амирлари дедилар: «Аё

саодатли донгдор шоҳимиз, сен булут каби тоғда ўрнашдинг, шоҳлар тошдан бўлагига яширинмайдилар. Сен тоққа қилич солмоқ бўлсанг, нега тоғ тигига хобгоҳ ясадинг?» Найманхон кўб жойдан яраланган эди. Жавоб бергудек ҳолатда эмас эди. Шунда Қўзи меҳтарларга қарата деди: «Эй, олийжаноб номдорлар, шоҳ жафолар заҳмидан ўлмоқда. Унга вафо қилмоқчи бўлсак, ҳаммамиз бир бўлиб, ёвга ташланайлик. Найманхонни тинч қўяйлик. Улар пастга тушдилар. Нарра шердек жангга кирдилар. Улар жангда ҳалок бўлдилар. Шоҳ уларга қараб: офарин айтарди. Қим шулар каби меҳтарларга эга бўлса, сонсиз душман унга ҳечдир. Найманхон тирик қолганлар жонидан умидини узлади. Ўша тун мўғул сипоҳи барчасининг тириклик дарахти йиқитилди. Дунёдан беҳабар Найманхонни ташлаб кетгач, яраларидан қон кетавериб, ҳолдан тойди. Яраси кўплиги ва кўп қон кетганидан Найманхон танидан жони чиқиб кетди. Бу дирамгоҳ(очкўз) танидан жон чиқиб кетди. Лекин, шоҳлар каби яқинлар ва сипоҳига Наймандек ғамхўр шоҳ бўлмади. Дунёдан элини ташлаб қон ўлмаганди. Ҳар икки шоҳ сипоҳи ҳашами билан, оламдан кўз юмдилар. Найманхон сипоҳи томонидан ўлдирилгач, Кушлук майдонни ташлаб йўлга тушди. Бунга парво қилмай, яшиндек ўз амакиси томон жўнади. Амакисига отаси ўлимидан хабар берди. Ғуссадан сайрни йиғиштириб қўйдилар.

Найманхон ўша жангда кўп жойдан оғир заҳмдор бўлиб, танидан қон кўп кетиши туфайли барҳам еди. Унинг амирлари иттифоқ бўлиб унинг сипоҳсолори Қўзи баҳодир барчаси жангда ўлдирилди. Кушлик, Найманхоннинг ўғли елиб амакиси Буйруқ ҳузурига борди ва воқеадан уни хабардор этди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚООНИ МУАЗЗАМНИНГ МАКРИТ ҚАВМИ ПОДШОҲИ ТЎҚТОБЕКИ БИЛАН ҚИЛГАН ЖАНГИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам Найманхон билан бўлган жангдан фориг бўлиб, найман қабилалари ва қавмлари, Найманхонга тобеъ (халқ) ларни ўзига мутеъ ва фармонбардор қилди. Ўша кезлар макрит хони Тўқтобеки саркашлик ва гардантоблик кўрсатиб, муҳолифлик изҳор этди. Шу сабабли соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам унинг диёри томон юрди ва бир ҳамла билан макрит подшоҳи Тўқтобеки лашкарини тор-мор келтирди. Назм (мазмуни):

Уруш бонги бир нави тиндики, Кўхи Қофдан семурғ учиб кетди. Жанг майдонига тулпорини сурдики, унинг гарди ой рухсоридан бўса олди. Ботирлар жилавни қўйиб бердилар: Тўқтобекини гаровга чорладилар. Найза ниши ва қилич селпиш билан баданларга никтай бошладилар. Отилган ўқ чийиллаши ботирлар кулоғида ювилиб, рангиз ҳолда қолди. «Жар-жар» садолари сарсари ўйнаб, лашкар бошига келиб сингарди. Ботирлар этаги, ёқа ва зиреҳидан юзлаб чок (гирех)лар жонда очиларди. Каманд ҳалқалари сикуви саф бузувчи девлар каби бандга туширарди. Маст паҳлавонлар қўлидан оёғигача Тўқтобек сарпанжасидан шикаст топарди. Жангдан умид қўлини ювиб, лоф майдонидан пушаймон бўлиб чиқишарди. Ўз бошини олиб бир чеккага судраларди. Уни бу маърақада бошқа кўрмасдингиз. Сабабсиз бўлмаган бу ҳамласида Темучин жанг майдонида Тўқтобекининг эсини олди, гардини чиқарди. Макрит қавмининг барчасини ўзига эл қилди.

Тўқтобеки Темучин жангидан дил олдириб қўйгач, қочиб, ўғлини олиб Найманхоннинг биродари Буюрук хузурига келтирди. Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам ул ердан тангит мамлакатлари сари йўналди. Ул мамлакатни Қошин ҳам дер эдилар. Назм (мазмуни):

Шоҳ Макрит (қавми) ишидан тинчигач, тангит (қавми) ўлкасига қўшин тортди.

Йўл асносида соҳибқирон аскарлари қалъада беркиниб ётган Тойир Осунни қўлга олиб, соҳибқирони аъзам хузурига келтирдилар. Қошин (шаҳри) га етганда унинг қалъасини қаҳран бўйсундириб, ер билан яксон қилдилар. Назм (мазмуни):

Қошин вилоятини босиб, форат қилди, кўплаб молу мулкни қўлга киритди.

Темучин коон эл бўлган қавмларни лашкарига қўшиб олди. Қаттиқчилик ва заҳматдан уларни осонликка ва неъматга етказди. Саркашлик қилган ҳар бир кимсани қавми билан тигдан ўтказди. Токи шу йўл билан турку мўғул қавмлари ва улусини ўзига эл қилгай. Уларга эл олдида ёрлиғ ва пойза бериб, уларни нўён, ҳазора, сада, панжа унвонларига кўтарди. Хануз ўша насақ барча муносиб дастури билан улар авлоди ва зурриёди ўртасида боқийдир.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ТЕМУЧИН ҚОНИ МУАЗЗАМНИНГ ҚУРУЛТОЙ ЧАҚИРГАНИ ВА ЧИНГИЗХОН ЛАҚАБИНИ ОЛГАНИ ЗИКРИ

Муборак ражаб ои (в.48 б.) сана 602 хижрий, мутобики борс йилида Жамшед наййири аъзами Офтоб шарофатли ва ожизлар бошига ҳашамат байроғи ва азамат яловини кўтарган бир вақтда ва табиат султони мансуб қувватларини боғ-роғларга оройиш бериш учун фармон берганда. Назм (мазмуни):

Тоғу тошда баҳор хуррамлигидан гулу лола бўй ва ранг таратарди. Чашма лаби ва ўтлоқ юзи севгили ёр юзи ва лабидек бўлган эди. Тоғу даралар гулу лола билан қопланган эди. Гулу лола даҳани шудринг (жола)га тўлганди. Замин кўм-кўк, замон хуррам эди. Жаҳон соҳибқирони буюрди: оқ байроқ тикишсин; сипоҳ Тангри иқболидан зафарга майл кўргуздилар. Ҳар чеккадан қурултойга йиғилишсин. Қоҳину улуғлар саройга келишсин. Соввун келтириб соврун ейишадди; суюрғол кўрурлар, ўрун олурулар.

Соҳибқирони аъзам Темучин қони муаззам қурултойга тайёрлик кўришга фармон бергандан кейин, ҳар томонга, элу улусларга эвундовчиларни жўнатди. Аммо, мўғул лугатида улкан жамъият ва азим тантанани қурултой дейилганидан, шундай қилинди. Соҳибқирон амри билан унинг барча фарзандлари, амиру нўёнлари ва жамеъи аркони давлати тўққиз-пояли оқ туғни гардунга соя солиб турган пойтахти даргоҳига қададилар. Атроф-теваракнинг барча халқлари тумон, ҳазора, сада, панжалар ҳар бири ўз рутбасига биноан соввун келтиришди ва соврунлар олишди. Соҳибқирони аъзам суюрғолларидан ўз миқдорларига яраша 12 кўрда ўринларига ўлтирдилар. Шул вақтда Хусрави гетиситон гояти бахтиёр ва комронлигидан жаҳонбонлик тахтига ўлтириб, шаҳриёрлик тожини комкорлик бошига қўйди. Хонлик сарирри, хоконлик тахтига ўрнашди. Мажлис ҳозирлари, мўғул элу улуси, оғаю ини, ота ва ўғил, кичигу улуғ мартабаларига мувофиқ тиз чўкиб, ўлжомиш ва тобуғ кўргуздилар. Барчанинг тили дуою сано учун очилиб, таъзим қоидаси, иззат-икром йўриғини бажо келтирдилар. Назм (мазмуни):

Соҳибқирони Темучин амри билан унинг даргоҳига қоҳину аслзодалар йиғилди. Шоҳ қурултойига келдилар. Ҳар томонда сипоҳийлар саф тортишди. Кўрага сози ва буғчи дамидан, туғчи кафидан (туғ) тушиб кетди. Оқ туғ тўққиз поя юқори кўтарилди. У нур сочувчи офтобдек дарвозадан товланади. Бахти бедор Темучин саодатли тож

кийиб тахтга ўлтирди. Ҳар томондан бугчи ва улжорчилар келиб тиз чўкдилар. Жарчи устига жарчи (чақирарди). Мўғул элу улуси қавмларидан оға-ини, отаю ўғиллар хосу авом саройга келишди. Издиҳом (кўп одам йиғилгани)дан кичикроқ маҳшар бўлди, деярли. Ясовул халқни ҳар тарафга ўткизиб, саф тортирди. Халқ қурултойига ҳар тарафдан жой олди. Аванғору жавонғорга ўн икки қатордан саф тортишди. Ясовул ҳар бир сафни кўрларга ажратди. Унинг ишига оқиллар таҳсин ўқиди ва маъқуллади. Бу саф тортган юлдузлар шоҳ учун эди. Олам маҳтоби (ёруғлиги) ой туфайли бўлганидек, Ақл кучидан офаринга сўз очдилар ва халқ унга таъзим қилди. Келганларнинг барчаси унга дуо ва сано ўқирди.

Соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам хонлик тахтига ўлтиргач, даргоҳ халқи ва сарой аҳли 12 кўр ўринда саф боғладилар. Халойиқ издиҳоми ғалаёнидан ўз ўринларига ўлтирдилар. Айтишларича, ўша кезларда ул ноҳияларда бир киши бўлган, аср бадлойларидан, уни мўғуллар тибб тангри деб атаганлар. Ўзбак улуси Яланғоч ота дейишарди. Унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз шу ондаёқ воқеъ бўларди. Унинг ҳақида айтишадикки, тоғу тош дараларда яланғоч кезаркан ва совуқ шиддатидан ва иссиқ ҳароратидан асло ва қатъан ибo қилмаскан. Ҳеч ким билан алоқа қилмасди. Турли лаҳжаларда сўзларди. Халққа тушунарли бўлган ҳар бир сўзи, албатта шу заҳотиёқ амалга ошарди. Шу бир лаҳзанинг ўзида ҳам йиғларди, ҳам куларди. Баногоҳ, ул ҳазрати оллоҳ жолиси маҳзуби наъра урганча ва йиғлаганча ва ўйинга тушганча ўша тўпланганларга яқинлашиб, ёнидан ўтган ҳар бир кишига қадимий одат бўйича (в 48б) ўзича нималардир деб соҳибқирон дарбори эшигидан кириб, соҳибқирони аъзам Темучин қоони муаззам тахтига яқинлашар, айтардики, ҳаққи субҳона ва таоло бу кеча мени хабардор қилдики, рўйи заминнинг аксарини Темучин ва унинг фарзандлари ва хешларига топширурмиз. Кўплаб азимуш-шаън подшоҳларни унинг поймоли ва забуни қиладурмиз. Барча улкан маликлар ва муаззам султонларни унга мутеъ ва қарам қилажакмиз. Энди унга Чингизхон деб ном қўярмиз. Минбаъд сен ўзингни Темучин демасдан, мазлумлар додини зolimлардан асрагайсан. Назм (мазмуни):

Бор эди бир хушхулк келиб чиқиши мўғулдан Тиб тангри деган. Яланғоч, макони тоғ эди. Совуғу иссиғдан тани чиниққан. Ҳеч ким унда тўн кўрмаган. Шоҳми, гадоми ёнида бўлганини билмайди. Гоҳ йиғлаб, гоҳ кулиб юмуши билан банд бўларди. Узук-юлуқ гаплар айтарди. Тутган йўли

зоҳирда тескаридек. Лекин деганлари қазо одамлариникига ўхшайди. Соҳибқирони бузург, барча турк саодатлилари бошлиғи Темучин қурултойга чорлаган бир вақтда, мўғуллар тезда тўпландилар.

Суюрғол совруни ва қўрдан ўрин олиш учун сардорлар баланддан ўрун олдилар.

Ясовул даргоҳда ясов ясаб, ўрин учун нишон талош эди. Халқ кўр тортиб бўлгач, пишкирганча қандайдир Тиб тангри етишди. Ўйнаб, кимга яқинлашса, бир сўз деб, боргоҳдан чиқиб, шоҳ хузурига кирди. Деди: «Кеча Тангри менга хабар бердики, жаҳонга янги насоқ қилурман, жаҳон мулкни Темучинга бергум. Унга Чингизхон номини берамиз. Олам подшоҳларини унга тобеъ қилурмиз. Қўр тузган вақтингдан бошлаб, шуни билки, тангри сенга адолат қилиб, кўпчилик мулкларни сенга берди. Энди сен яловингни баланд кўтариб, одил қадам ташла. Золимлардан мазлумлар додини кутказ. Келиб чиқишинг гадо бўлса ҳам жаҳонни нопоклардан тозала, фосиқларни йўқот. Айш аҳли косасига тупроқ ташла, хашакка тортинмай газаб ўтини қўй. Саркашларнинг бошини кўм, жаҳонни нопок жинслардан тозала, Подшоҳлар боши оёғинг тупроғи бўлур. Худо жойингни подшоҳлар тожида белгилайди. Тангри номидан айтаман сенга бу розни, Ҳақ амридан чиқмагин, сени Чингизхон деб атайман. Энди Темучин эмассан». Бу гапни эшитганлар эгилиб, ер ўпдилар. Ҳаққа илтижо қилиб, пешоналарини ерга теккиздилар. Маҳд этишга бошладилар, гулгула кўтардилар. Ҳамма уни шундай (Чингизхон) атай бошлади. Шу янги ном билан табриқладилар. Гумон аҳлидек сўз ўғриси бўлма. Шуни бил соҳибқирон Темучин. Осмону замин тангриси ҳукми билан шу дамдан Чингизхонсан. Шу жиҳатданки «Чингизхон»нинг маъноси туркийда шоҳлар шоҳи деганидир.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ НАЙМАН ПОДШОҲИ НАЙМАНХОННИНГ БИРОДАРИ БУЙРУҚХОН УСТИГА ЛАШКАР ТОРТИШИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам қурултойдан фориг бўлгач, дарҳол найман подшоҳи Найманхоннинг биродари Буйруқхон томон ҳаракат қилиб, илғор томон шошилди. Ўз хослари билан Буйруқхон шикор қилувчиларни томоша қилиш билан машғул, замона ҳодисаларидан ғофил бўлган пайтда соҳибқирони аъзам лашкари ўша саҳрода унга яқинлашди. Шикордорларини

ўраб олиб, кўмарға ташлаб, ажал домига асир қилдилар.
Назм: (мазмун):

Яшин чақнаши тангри хукмидан, шикор жойида хослар
учун ҳўкизларга тоғу дарада ҳужум қилди. Йиртқич шер қили-
ғидан беҳабар шерлар чанғалига тушди. Кўзи очилгач, у ер-
да кийикдек сўйилди. Жони чиқиб, тани гурсиллаб ерга
тушди.

Буйруқхон қатл этилгач, барча хотину болалари, гала ва
сурувлари ғоратга кетди. Бу воқеадан хабар топгандан кейин
Кўшлукхон дили амакиси ғамига тўлиб, Тўқтобеки, макрит
қавми подшоҳи ҳузурига жўнади. Тўқтобеки соҳибқирони
аъзам Чингизхони муаззамга қарши урушишдан қочишга қарор
қилган ва Буйруқхонга яқин жойларда яшаб юрарди. Кўшлук-
хон Тўқтобеки билан бирга қочдилар. Ўша кезларда тангут аҳ-
ли яна муҳолифлик қила бошлади. Соҳибқирони аъзам бундан
хабар топиб, улар диёри томон йўналди. Назм (мазмун):

Ҳамма адоват қиличини яланғочлади. Яна Тангут
(қавми) аҳилликка хилоф иш тутди. Бу гап соҳибқиронга
етдики, тангутлар сенга қарши кўзғолибди. Соҳибқирон
Чингиз шу лаҳзадаёқ тангутларга қарши ҳисобсиз лашкар
тортди. Қисқа вақт ичида уларнинг ишини саранжом қилди.
Уни Валихон чорлаган эди. Тангутлар ўлкаси бутунлай
таслим бўлди. Ундаги барча чўпонлар, подалар унинг қўлига
ўтди. Ғазаб билан хунрезлик қилди. Қирғиз номдорлари
Чингизхонга бўйин эгиб, пешкашлар билан келдилар ва шоҳ
итоатига шай турдилар. Шоҳ қирғизу тангут устига
юришдан қайтгач, унинг сипоҳи саноғига етиб бўлмас
даражада кўпайиб кетди.

Соҳибқирони аъзам Тангут мамлақати ишларини са-
ранжом қилгандан сўнг қирғиз диёри сарҳади сари йўналди.
Ул ерга етишгандан кейин қирғиз қабилалари бузурғлари
барчаси пешкаш ва соврунлар тортиб, тобеълик қадамлари-
ни итоат жодасига кўйдилар.

**СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОН
МУАЗЗАМНИНГ МАКРИТ ҚАВМИ ПОДШОҲИ
ТЎҚТОБЕКИ ВА НАЙМАН ПОДШОҲИ
НАЙМАНХОННИНГ ЎғЛИ КУШЛУКХОН УСТИГА
ЮРИШИ ВА УЙРОТ, ҚОРЛИҒ ВА УЙҒУР
ҚАВМЛАРИНИНГ БЎЙСУНДИРИЛИШИ
ТЎҒРИСИДА**

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам тангут ва
қирғиз ташвишларидан қайтди. Унинг сипоҳи сонун санокдан
ташқари кўпайди. Қиш фаслида барча ясов ва лашкарларини

тўфондек Тўқтобеки ва Кушлук томон тортди. Назм (мазмуни):

Макрит қавми шоҳи Тўқтобеки шердил киши эди. Ботирлар хунидан эди чоғари. Самур терисидан эди лашкарининг кийгани. Ўлкаларда фитна кўзгарди. Ҳийла қилиб жангдан қочарди. Бу борада Кушлукдек илдам эди. Ардиш сарҳадида хавфсираб кезарди. Шаҳаншоҳ жим, мўру малахдек сипоҳининг у билан иши йўқ эди. У кўзғолиб, Тўқтобеки ортидан равон бўлди. Йўл асносида ким олдин етиб келса, уни ўқдек яширарди. Бу юришда зафарли шоҳ уйрот қавмидан қўловуз танлаган эди.

Урушлар билан тўла бу юришда йўл асносида баланд мартабали шоҳ сипоҳининг гарди уйрот қавми устига етишди. Уйрот қабилаларининг барча сардорлари (в 50а) итоат камарини белларига боғлаб, соҳибқирон қаҳри камонидан тўғри ўқдек қочиб, ўз нусрат фавжлари кешига етишдилар. Соҳибқирон зафарасар лашкарига йўл кўрсатиб Макрит қавми подшоҳи Тўқтобеки ўрдуси сари етдилар. Лашкар дарёси Гаравгоҳ ва Говсар мавжидан жўшга келди. Тиғ зарбининг суви мавжи ва найза тиғи талотуми шундай баҳодирлар томирин қирқардики, кўз ёши қонини ноком диловарлар мужгонидин оқизарди. Ўша мавзёда бир қазо ва қадар хонаси камонидан ўқ чиқиб, Макрит подшоҳи Тўқтобекига етди. Жисмидан руҳ қуши учди. Назм (мазмуни):

Икки лашкар денгизи тўлкинланиб, Гаравгоҳ мавжини авжга миндирдилар. Ботирларни барқуба ва говсарлар билан тўлқин каби қирғоққа сурдилар. Симоб рангли шамширлар селпинишидан бошлар қошга қадар қонга фарқ бўлди. Ўша жанг қуни камонлардан отилган қаҳр каби ўқлар учиб, қалқон сиртидан юзларга бориб санчиларди. Қора лашкар сафини бузарди. Тўқтобеки ботирлари орасида мардликда бири ўзини кўрсатди. Тепаликлар оша от сурди ҳар томонга. Лекин бу ажал билан ўйнашиш эди. Қалқонингга ўқ агар тегса, билки жигарингга ҳам тегади. Агар тешиб ўтиб юракка тегса, бир йўла ишингни ҳал қилади. Қазо кўнғурлиги у жанг майдонида белак билан жонларга чуқур казиди. Ногоҳ Тўқтобеки камоннинг икки зоғига дучор бўлди. Кийикни кўрган паланг каби, ўз оти унинг заволи бўлди. Чочий камони икки қулоғини сийпаб, бармоғини елкасига тиради. Қазо ўқи шастидан бир йўла чиқиб, Тўқтобекини бақо дунёсига жўнатди. У ерга қулади, қон пишқирарди. Макрит қавми ҳаммаси фиғон тортди. Элу улусидан фарёд кўтарилди. Жанг майдонида қадарни қазо дейишди. Шер билан оху олишганидек, ясовул ўзини дардга дучор қилди.

Йилон йилига мувофиқ келувчи 605 йилда Тўқтобеки эли (в506) аксар лашкари диловарлари ҳамроҳлигида қатл этилди. Макрит қавмининг қолган-қутгани Соҳибқирони аъзам лашкари томонидан ўраб олинди. Найман қавми подшоҳи Найманхоннинг ўғли Кушлукхон ўз улуси бўлган Макрит қавми Тўқтобеки ва баъзи диловарлари билан бирга Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам муборизлари майдонидан адам диёрига юз қўйганларини кўриб ноиложу ночор қочишга қарор берди. Бешболиғ йўлига қарохитой подшоҳи Гурхон хузурига жўнади. Чарчаган қавмлари эса тарқалиб кетдилар. Назм (мазмуни):

Тўқтобеки йўқлик дунёсига кетди. Лашкари тамоман қатл этилди. Ундан баъзи ярадорларигина омон қолди. Баъзи бирлари эса қочиб қолишди. Катта бир қисми асир тушди. Улар орасида амиру вазирлар ҳам бор эди. Макрит қавми тўда-тўда бўлишиб, Соҳибқиронга эл бўлди. Бу ахвол ҳақида Кушлукка хабар етди, у эса ночор қочишга мажбур бўлди. Омон қолиш ёки жони ширинлик қилиб, Гурхонга (ёрдам сўраб) илтижо қилди. Гурхон кўринишига боришнинг иложини қилди. Кўпгина тухфалар эвазига паноҳ топди. Ўз совғаси туфайли шоҳона суюрғолга эга бўлди. Иқболи куёши чехрасида барқ уради. Уни Гурхон ўз фарзандидек қабул қилди. Ўз қариндошининг мартабасини кўтарди. Ойдек қизи билан унинг дилини хуррам қилди. Шу билан уни бошқа одамлардан ажратиб, ўзиники қилди. Куёвлик билан уни сарфароз этди. Бунга ўхшаганларни истаганича кўнглини очди.

Найман подшоҳи Найманхоннинг ўғли Кушлукхон Қоррахитой диёрига етгандан кейин Гурхон кўринишига савғо кўтариб борди, Гурхон марҳаматли қўлидан суюрғол (ёрлиғини) олди. Гурхон Кушлукхонни эъзоз-икром билан ўз ўрдуси томон бошлади, хурсандчилик изҳор этиб, ўз қизини унга узатди. Кушлук Гурхоннинг куёвлигига мушарраф бўлди ва Гурхон давлати соясида бир неча кун осудаликда бўлди. Назм (мазмуни):

Кушлук ўз хослари билан қочиб, Бешболиғ томон йўналди. Найман халқидан бўлган Макрит элининг бир гуруҳи Чингизхонга эл бўлди. Шу иқболли фатҳдан бутун турк қавмлари авлоди ларзага келди. Ҳар тарафдан эл-эл бўлиб кела бошладилар; улус ва қабилалар селдек оқиб денгизга кўшила бошладилар. Қорлуғ қабиласи бошлиғи Арслонхон биринчи бўлиб, Соҳибқирон даргоҳига келди. Кейин дилғут ва дайфур улуслари келди ва Чингизхон хузурида пойбўслик қилди. Қолган қабилалар ҳам ул шоҳга мойил бўлдилар. Саноксиз улус сардорлари аждаҳо ва

илондек сарой томон соврунлар билан кела бошлади. Токи ҳоқонга манзур бўлиб, унинг паноҳида хавф-хатарсиз паноҳ топгайлар. Идикут биринчи бўлиб хон хизматига бел боғлади.

Кушлук қочгандан ва найман элу улуси батамом мутафарриқ бўлгандан кейин, уларнинг баъзилари соҳибкирони аъзам Чингизхони муаззамга кўшилдилар. Бир дастаси ўз хийлалари латифлигидан ўзларини ҳар тарафга уриб, қатлдан қутулиб қолдилар.

Шу орада турк авлодининг азимушшаън ҳоқонларидан қорлуғ қавми подшоҳи Арслонхон ўз қавму қабиласи, сонсиз лашкари билан эл бўлиб Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хузурига келди. Бу улкан ғалабалар Чингизхонга муяссар бўлганидан сипоҳ сардорлари ва қавм бошлиқларининг ҳар бирига суюрғол бериб, ўринлар таъйин қилди, эътиборли совринлар кўйди. Уйғур қавмининг подшоҳи Идикут эди. Уйғур халқи ўшанда уларга подшо бўлган кишини Идикут деб аташган.

Идикутнинг маъноси туркий-уйғурий лугатида давлат соҳиби (хўдованди давлат) дир. Ўша вақтда Идикут Гурхонга мол тўлаган. унга тобеъ ва қарам бўлган. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг қорахитой Гурхони билан муҳолиф бўлгани овозасини эшитган (Идикут) номи Шовугум бўлган Гурхон доруғасини Қорахожа мавзёида қатл этиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга келиб кўшилди. Назм (мазмун):

Идикут шоҳ бўлса ҳам, Гурхон ундан хирож оларди. Ўртада турган доруғаси Шовугум деган киши эди. У уйғурлардан кўй сурувлари учун хирож йиғарди ва Гурхон хузурига элтарди. Идикут ва унинг қавми чор-ночор Шовугумга бўйсунарди. Бошқа бир илож қилолмасдилар, шу тарзда кун кечиришарди. Бу Чингизхони Соҳибқироннинг Найман лашкари устидан ғалабасигача бу ҳол давом этди. Уйрот, Макрит ва бошқа улуслар ўз подшолари билан ноғора чалганча, қорлуғ сипоҳи, туғлари маҳчасини ою-куёшгача кўтарганча келарди. Жомуқо, солжуют, чуют, орлот, барлос, тойчуит, дўрмон, баҳрин, кўнғирот, тотор, кўнғон, жожирот, дарёту, қопқин, юргин, жалойир, кўнғургин подшоҳлари ўз сипоҳлари билан Соҳибқиронга келиб кўшилдилар. Иқболли бу фатҳу зафардан давлат ноғорасининг овозаси янада баланд бўлди. Кўрка садолари ҳар ерга етарди. Уйғур Идикут балорагини тортиб, Гурхонга ғазабидан, Соҳибқиронга меҳридан жўшиб, дилидан интиқом сўзларини чиқарди. «Адоват қиличини ғилофидан суғуриб, Қорахожа ерларида қаҳри тиғидан Шовугум бошини олиб даҳр

тупроғига ирғитди. Хитой одагига хилоф равишда ноғора-сурнай чалишни буюрди. Буғ ғуруллаши ва ноғора овозидан, ҳар жойнинг элу улуси ҳаракатга келди. Чопишиб Идикут дарвозасига келдилар. Бу иш Керувтут хоҳиши билан бўлди. Сипоҳ бошлиқлари бирлашиб ёпирилиб кирдилар ва Идикутдан шундай сўзларни эшитдилар: «Кимки Чингизхонга ёв экан, мендан омон кутула олмайди. Энди мен унинг йўлидан бораман, хизматини қилурман. Ким унга қарши экан, жанг кун мену қилучу майдонни кўргуси. Саркашлар бошини тупроққа отгум, кўзларин ўйгум. Найзадек унинг хизматига бел боғлагайман. Душман жигарини тиламан. Мен Темучин қоон хайрихоҳи, уни Чингизхон дейишади. Идикут Шовугум бошини олди, барча томонга хабар қилди. Соҳибқирон бу хабарни эшитиб, дили ғам-ғуссадан фориг бўлди.

Уйғур подшоҳи Идикутнинг қорахитой Гурхони билан Соҳибқирони аъзамга муҳаббати туфайли муҳолифлиги ва Гурхон доруғаси Шовугумни ўлдиргани овозаси Чингизхони муаззам қулоғига етгач, Соҳибқирон элчиларига тезда манзилу марҳалаларини ўтиб Идикутни олий даргоҳга келтиришларини амр қилди. Назм (мазмуни):

Уйғур юртига бир кишини инъому эҳсонлар билан элчи қилиб жўнатди. У билан шундай хабар йўллади. «Эй саодатли, сени бахтли кўриш ниятим. Биз томонга дўст сифатида қадам ранжида қилгин. Сени кўриш иштиёқиданман». Шоҳ фармони билан элчи жўнади. Дарҳол йўлга равона бўлди.

Элчи Соҳибқирони аъзамдан рухсат олиб, уйғур юрти сари Идикут хузурига (B52a) елди. Йўл босиб, етгач, Соҳибқирони аъзам иноятномасини Идикутга етказди. Назм (мазмуни):

Элчи Идикутга номани бергач, уни ўпиб бошига кистирди. Номанинг ёзилишидан меҳр нақши гулини терди. Хатининг хушбўйидан меҳри муҳаббат туйди. Номани очиб ўқиди. Суюрғол берилгани хабарини билиб, ҳамду сано ўқиди. Шоҳнинг йўқлаганидан Идикут шод бўлди. Уйғур заминидан шоҳ хузурига жўнади. Шоҳга лойиқ кўрган хазинасидаги ганжларни олди. Заржом, ҳарир, гавҳар қадалган кулоҳ ва тожни, минг бош юк оти ва този ит, саноксиз ғулом ва канизак, шунқор, тайғур, лочин, қимматбаҳо зеварлар ҳисобсиз, офтоб нуридаги зарралардек эди. Жубба, жавшан, кийим, қалқон ҳисобсиз ва зар билан безатилган эди. Денгизу қон қаъридагича жавоҳир, Яман омборидан ҳисобсиз синжоби, олтойи, қоқим, самурий жуббалар беш юз мингдан ортиқ, туялар қатори 50 минг эди.

Хитойи дебо даста-даста, Хитой мушки ортилган табла иккита эди. Ортилган лаъл оғирлигидан юк ҳайвонлари-оёғи эгиларди. Ана шу нарсаларни у тортиқ қилди ва хондан илтифотлар кўрди. Соҳибқирон фармони билан тўқсабо Идикутни ўрнига ўтқазди. У ўрунғурдан жой олгани учун суюрғол улушига сазовор бўлди. Шоҳона инъомдан сарафроз бўлди ва узоқ йўл ранжидан ариди.

Соҳибқирон элчиси уйғур диёрига етгач, Идикут билан кўришди ва Соҳибқирон номасини Идикутнинг қўлига топширди. Идикут Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга бўлган ихлос одоби ва мувофиқлик иззат шароитини бажо келтирди. Турли ҳадя ва тухфалар кўтариб Соҳибқирони аъзам мулозаматига жўнади. Йўл юриб, олий ўрдуга етди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам кўринишига сазовор бўлиб, бисёр пешкаш ва саноқсиз совринлар ўлжамиши кўргузди.

Соҳибқироний кўр ўрнига ўлтириб, ўз меросий улусини суюрғол тарзида олди. Иккинчи бор кўринишда қабул қилинганда уйғур хони Идикутдан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам йўл ранжи ва ҳаёт машаққати ҳақида сўради. Яқин кишиларига подшоҳона инъому эҳсондан имтиёзлар бағишлади ва (йиллик) моли-даромадидан савол сўрди. Гурхон билан муҳолифлик ва Соҳибқирон дўстлари билан мувофиқлик қилганига таҳсинлар ўқиди (в.526). Навозишлар қилди. Қимматли ташрифоти хисравонага лойиқ топди. Яхши подшоҳлар орасида хос хилъат билан эъвозлади. Назм (мазмуни):

Дутминга кўриниш навбати етганда Идикут хитой туркларига ўхшаб, зафарли шоҳга таъзим учун ўлжомиши тариқида бошини эгди. Ғуломлар тўдаси билан бирга хизматга бел боғлади. Биринчилардан бўлиб икки бор соврин тортди. Соҳибқирон Чингизхон даргоҳида гўё адаб доирасидан чиқди. Турк авлоди хукмдорларининг бошлиғи буюк подшоҳ Темучин қоондир. Рангин мева ва моҳитоб сингари ҳисобсиз суюрғоллар инъом этди. Хос ташрифи билан йиғилганларни хушнуд этди. Уларнинг ҳолини сўрди. Шоҳона лутфлар билан қаради. Гапимга хоҳ инон, хоҳ инонма шунда Идикут ер ўпди. Шоҳни улуғловчи мадҳлар ўқиди: жаҳон шаҳриёри номига дуо ўқиди. Савсандек тилини бурро қилиб, деди: «Эй мағрур шоҳ, меҳринг тортиб узоқ йўл босдим, Ҳузурингга узоқдан келдим. Сенга раҳматлар бўлсин сурнайдек ўртангандан раҳмат. Сенга хайрихоҳнинг умиди шу. Ўғлимни шоҳ номига топширурман. Карам юзасидан ўғлимдек билурман. Бошқа борада туғишгандек бўлурман. Ботирлар орасида мақсадга етсам, кулдек

кўнглим тўқ қилиб югурарман. Қулларингдан бири ўрнида кўрсанг, одамларингга чокарлик қилурман!» Шоҳ унинг нима деётганини тушунди. Дедики, менга жуфт изламоқда. Уни ўғлим деди-ю, жуфтини берди. Ўзига куёв қилди ва шод қилди. Идикут кўрагоний қабо кийиб, шоҳга қуллуқ қилди. Чингиз, мўғул тартиби бўйича катта тантана уюштирилди. Одамлар оғзида Идикут Чингизга кўрагон бўлди, деган гап. Қирқ кун карнай-сурнай билан тўй қилдилар. Узоқ-яқиндан халқ келарди. Тўрт улкан ўчоқ қазишди. Тўрт тавила қўй сўйишди. Ўша атрофдан ким ўтаётган бўлса Чингиз зиёфатидан баҳраманд бўлди. Халққа турли мол беришди ва танга сочишди. Токи икки шаҳзода никоҳини ўқиганларича.

Уйғур қавмининг подшоҳи Идикут адабу ихлоси зиёдалигидан Соҳибқирони аъзам назарида манзур бўлди. Иккинчи бор кўринишга келганда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам кўрагонлиги, яъни куёвлиги шарофатли хилъатига мушарраф бўлди ва яқинлари орасида имтиёз топди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ХИТОЙ ПОДШОҲИ ОЛТОНХОННИ ЙЎҚОТМОҚҚА КИРИШГАНИ ЗИКРИ (В.53а) ВА ХИТОЙ МАМЛАКАТИНИ БЎЙСУНДИРГАНИ КАЙФИЯТИНИНГ БАЁНИ

Хитой подшоҳи Олтонхон қисқа воқеаси шундан иборатки, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам давлатининг юлдузи зуҳуридан аввал, аждоди давлати даврида кудратли шаҳзодалардан Ҳамуқа ибн Сарқад ибн Хирқалингум ибн Қойдухон ибн Дутминхон ва Угин тарқоқ ибн Қўйлухон ибн Туминахон ибн Бойсунғурхон ибн Қойдухон ибн Дутуминхонни авфу узрларига қарамай олиб келтирган эди. Ҳар бири ўз жойида ибо топди.

Шул вақтда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ишлари юришиб кетди, лашкари беҳадду андоза бўлди. Яхши қуролланган бир фавж сипоҳини ўзининг аъло мартабали ўрдусининг муҳофазаси учун тайин қилди. Чексиз лашкари қоҳираси билан Хитой мамлакати сари йўналди. Назм (мазмун):

Соҳибқирон Чингизхон фатҳу зафар кучган дамда, рикобида унинг шарафига иқболу нусрат каби зафар фуломлик қилиб турганда ҳар тарафдан лашкарлар келиб

(кўшила) бошлади ва унинг хизматига ҳозир турди. Бахти зафар умиди бериб турганда Хитой мулки сари юз бурди.

Соҳибкирони аъзам у ерга етгач, андак замонда етмиш тумандан ташкил топган Хурбахт вилоятини мусаххар этди. Мискин шаҳрини ҳам тасарруфига киритди. Ул мамлакатнинг муаззам шаҳарларидан бўлган Туйкайк шаҳрини хароб қилиб, амирлари ва лашкарларини Хитой шаҳарларини тасхир қилиш учун ҳар тарафга равона қилди. Назм (мазмуни):

Унинг сипоҳи ҳар шаҳарга йўналди, уларнинг ери ва атрофи чангини чиқарди, бир неча шаҳарни амиру шахзодалар қаҳр билан эгаллаб, вайрон қилдилар. Икки юзга яқин қалъа ва шаҳарни оёкости қилдилар (вайрон қилдилар).

У ердан Хитой тахтгоҳи Чингду шаҳри томон қараб юрди. Зероки, Олтонхон хитойи ул ерда эди. Олтонхон Чингизхон таважжухидан огоҳ бўлгач, ўз амирлари Кевкик, Баркек, Туншоҳ ва вазири Жингшонг билан машварат қилди. Назм (мазмуни):

Чингизхон юртни хароб қилди, биз билан савашмоққа шитоб билан келмоқда. Биз не қилдик энди: сулҳ сўрайликми ё жанг қилайлик?

Олтонхонга Жингшонг деди: Назм (мазмуни):

Энди жангдан кўра сулҳ афзал. Замона сирларини билиб бўлмайди. Бу дунё жанг кунда бизга душманлик қиладими, ё меҳр кўргизишини ким билади?

Биз бу борада сулҳ тузсак, савоб бўларди, бошқа фикрдан қайтмоғимиз лозим. Хитой подшоҳи Олтонхонга унинг бу раъйи мувофиқ келди. Сулҳ тузиш учун Чингизхон хузурига элчи жўнатди. Ўз кизи Ганжурни Соҳибкирон Чингизхонга муаззамга берди. Соҳибкирони аъзам Олтонхон хитойининг қизини (никоҳлаб) олди. У ердан қайтиб келди.

Олтонхон ўз мамлакатини нотинч ва паришон кўриб, ўз ўғлини Чангдугаки, мўғуллар уни Хонбалиғ дерлар, ҳисобсиз лашкар билан жўнатди. Ўз отаси қурган Дўртмакка кетди. Уни Интишойи ҳам дейдилар. Назм (мазмуни):

Атрофини қирқ фарсангли (девор) билан ўраб, атрофига яна уч бору қурди. Дарё тарафдан асосини қурди. У ерда сермева дарахтлар кўп эди.

Ўшал дарёни Чангхў дердилар. Кенглиги чандон эдики, тонгдан шомгача кема бор ҳаракати билан бу соҳилдан нарисига бир навбат бориб келарди. Ул шаҳарда мевалар, сарви сайрий, токзорлар бор.

Олтонхон Дўртмакка жўнаганда, йўл асносида лашкарларидан баъзилари орқага қайтиб Чингизхонга бориб

кўшилдилар. Чингизхон Олтонхоннинг кетганидан хабар топиб, ўз тумон амирларидан Мекон менгли ва Шомуқани улкан лашкар ва юлдуз сонли сипоҳ билан Хонбалиғни қўлга киритиш учун жўнатди. Токи қамал қилгайлар. Бир оз муддат ўтгач, уларнинг иши танг бўлди. Уларда қувват қолмади. Назм (мазмун):

Чангду учун озука шу даражада камчил бўлдики, жон эвазига ҳам нон топиш амри маҳол эди.

Олтонхон бундан ғам-ғуссада заҳар ичиб ўлди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг амирлари ул шаҳарни забт этдилар. Назм (мазмун):

Хитойнинг бу пойтахти забт этилди. Кадхудо жаҳон шоҳи истиқболига карвон чопқунчисини жўнатди. Соҳибқиронга дедиларки, бу шаҳар молу зарга тўлуғ бир хазинадир, шу муносабат билан тождор нима деб фармон берадилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хонбалиғ фатҳи хабарини эшитгач, уч амири Қўнғур, Уйғур ва Хатоқиёни жўнатди. Токи молу хазиналарини кўчириб келтирсинлар. Ул ерга етганларида Олтонхоннинг хазинадори уларга жамъи молу заҳираларини таслим қилди. Уч тахт ҳарири зарбафти чинийни амирларга пешкаш қилди. Қўнғур олмади. Қолган икки амир олди. Ҳар уччала амир хазинадор билан бирга моллар ва хазинани ортиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хизматига жўнадилар. Назм (мазмун):

Бор гапни шоҳга етказишгач, шаҳаншоҳ Қўнғурдан жавоб беришини сўради: Додинг унга ҳечми, айтгил? Хушмуомала амир шундай жавоб берди: нимадир берса ҳам мен олмадим. Бир луқма ҳам овқатидан қабул қилмадим.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам унинг олмагани сабабидан сўради. Қўнғур деди: агар шаҳар жангсиз ва қамалсиз эгалланганда ва ундаги молу мулк Олтонхонга тааллуқ топганда, нима берса олган бўлардим. Назм (мазмун):

Лекин Соҳибқирон фармони билан ул улуғлар пойтахтини қўлга киритдилар. Уни хунрезлик ва ўткир шамшир гирдобига ташлади. Ул ноҳиядан қиёмат кўпди. Бир дамда ҳамма асир бўладилар. Ҳамма нарса сўзсиз шоҳники бўлгуси. Ким арпадек нарсани тасарруф қилгудек бўлса, ёки бирор кишини бунга ундаса, ким олса, ким берса, шарият ҳукмида гуноҳдир. Чингизхон буни эшитиб: «Жуда соз, ҳеч ким бу даражада соз гапирмаган», деди. Қўнғурга илтифот кўрсатди. Қилган хизматига икки карра ҳақ тўлади. Қолган икки амир гуноҳларини бўйинларига олиб, хатолари учун узр сўрадилар. Бир эксирзода эгилиб, Соҳибқиронга пешкаш

келтирди. Бадномлик билан танилганларни шоҳ озод қилди. У подшо даргоҳини тарк этди. Бахшиш малол келмаганларга ҳам шоҳ олтин ва мол бахш этди.

Чингизхон икки йил давомида (в.546) Хитой шаҳарларини забт этди. Кейин ўз ўрдуси томон қайтди. Савойид баҳодирни Макрит ҳокими Тўқтобекининг биродари Қудвай устига бўлган ва найман заминида турган макрит қавми юз берди ва Қудвай бой, Тўқтобекининг уч ўғли ва макрит қавмининг кўпчилиги ўлдирилди. Ул қавми ғорат қилдилар. У ерлардан қайтиб келиб, Соҳибқирони аъзам ўрдусига қўшилди.

Барғул нўённи тўмот қавми устига жўнатди. Нўён ул ерга етгач, тўмот қавмини тиф остига олди. Жанг охирида ўлдирилди. Назм (мазмуни):

Сардори Барғул нўённи тумот (қавми) лашкари устига жўнатди. Соҳибқирон Барғул — нўённи ўзига яқин тутарди. Шу туфайли у узоқ йўл босди; Тумот қавмини босқин қилди. Бир жангдаёқ уларни бўйсундирди. Лекин, жанг охирида ўлдирилди. Бу ҳолдан хабар топган шоҳнинг дили танг бўлди.

Шундан кейин Яғли Кўёнг деганни катта лашкар билан Хитой мамлакатининг муҳофазаси учун жўнатди, Назм (мазмуни):

Шоҳ фармони билан Яғли жўнади, у билан сипоҳнинг кўпи кетди. У бекиёс лашкар билан кетардики, гўё чарх ҳаросда эди. Яғли Хитойга етганда, унинг ерини кезиб, бу ерни анча сипоҳ билан эгаллади, Унинг гардидан кеча-кундузнинг фарқи бўлмаётди. Хитой халқидан хатолик ўтганди. Унинг қуясида Хитой юзи қаро бўлди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ХОТИНУ ФАРЗАНДАРИНИНГ БАЁНИ ЗИКРИ

Тарихларда битилганким, хони Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўрдуи муаллосида номдор хотинлар ва кўплаб нўёнлар бор эди. Назм (мазмуни):

Хушнуд бўлиб ички ўрдага кирди. Унда беш юздан ортиқ хотини ва суррияти бор эди. Барчаси хонлар жуфти, шоҳ қизлари, хўблигда жаҳонга ном таратган эдилар.

Аммо, беш нафари уларнинг саромади эди. Биринчиси қўнғирот подшоҳининг қизи Бўрта Қучин, тўнғич ўғлининг онаси. Иккинчиси Олтонхон хитойининг қизи Ганжур

(в.55а). Учинчиси найман подшоҳи Найманхоннинг қизи Гўтари Сузун. Тўртинчиси Човуктунинг қизи Бесулун. Бешинчиси Тойир Усуннинг қизи Қўлон, Назм (мазмун):

Тожли ва саройли бу беш хотиндан мансабда Бўрта Кучин ортиқ эди. Шоҳдан кўп фарзанд кўрди: беш қиздан ташқари яна тўрт ўғил.

Соҳибқирони аъзамнинг жумла ўғиллари: биринчиси ҳаммасидан каттаси Жўжихон: иккинчи Чигатойхон, учинчиси Ўқтойхон, тўртинчиси Тўлихон. Шу тўрт ўғилдан ҳар бирига бир баланд мартаба тайинланган ва бир ишга белгиланган эди. Жўжихон базму шикорни тартиб этишга Чигатой ясов ва бурғу чалмоқ, олмоқ ва лашкар иши насағига белгиланганди. Назм (мазмун):

Унинг дастурхони билан жанговарлик қуввати. Бу ҳол (гўё) сув билан сут аралашмаси эди.

Юксак қобилият эгаси ва замон яғонаси бўлган Ўқтойни мамлакат тадбирларига тайинлади. Болиғ нўён лақабли Тўлини сарой аҳли ва амалдорларининг муҳофазасига белгилади. Бу тўрт фарзандидан ташқари яна беш ўғли бор эди. Улар бошқа хотинларидан эди.

Хитой мамлақати ва Шарқий Хитойни Мочин чегарасига тасарруфи остига киритгач, барча ерларини барча мўғул қабила ва қавмлари, фарзандлари, набираларидан бўлган Қорачор нўён ва бошқаларига, хешларига бўлиб берди.

Ҳар бир хешини фарзанди маҳсус қилди. Кейин ҳамкорлик биносини мустаҳкамлашга, ўғиллари ва хешлари ўртасида улфатлик қоидаларини ўрнатишга чорлади. Шунингдек, улар сийналари экинзорига муҳаббат ва бир-бирига садоқат тухмини эди. Чунончи, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бир куни ўғиллари ва хешларини жамлади. Таркашидан бир ўк чиқариб, уни синдирди. Яна икки ўкни олиб уни ҳам синдирди. Сўнг биттадан ўкни олавериб, бир қанчасини тўплади. Қанча уринмасин уларни синдиrolмади. Уларни ҳозир бўлган кишиларга берди. Ҳеч ким уларни (в55б) синдиrolмади. Шу кундан бошлаб зўравонлар ожиз қолдилар. Кейин ўғиллари ва хешларига қараб деди: «Бу ўқлар мисли сизларнинг ҳар бирингиз. Агар сизлар ҳам иттифоқ, бир-бирингизга суянчиқ бўлсангиз, ҳеч кимнинг кўли сизлардан устун бўла олмайди ва енга олмайди. Яна сизлардан бирингизни подшоҳликка тайинламоқчиман. Унга ҳаммангиз якдиллик, бирсўзлик, якжиҳатлик билан фармонбардор ва тобеълик кўрсатмоғингиз лозим. Токи орангизда душманлик йўл топмагай, душманлар устингиздан зафар топа олмагай. Ким подшоҳингиз бўлишига келганда, ҳар бирингиз бўла оласиз. Ҳақиқат

юзасидан барча фарзандлар ва хешлар молу мулкига шерик бўлмайди».

МУЎГУЛ ҚАБИЛАЛАРИ РАСМ-РУСУМИ БУНЁДИ ВА СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ЭЛУ УЛУСГА ЯСОСИ БАЁНИ ВА ЗИКРИ

Тангри таоло Чингизхонга дину дунёвий тадбирларда шундай ақлу фаросат берган эдики, турк сулоласининг бирор султониغا насиб этмаган эди. Шу жиҳатдан у ясо бунёд этди. Бир неча қоидага асос солди. Ўз раъйдан келиб чиқиб, ҳар тадбирга қонун, ҳар бир гуноҳга жазо муайян қилди. Шу жумладан мусулмонни қатл этгани қасосга қирқ болиш зар таъйин қилди. Бу йўлдаги хатоликка бир қуён. Мўғул қавмларининг хати бўлмагани учун, уларнинг фарзандлари уйғурлардан хат ўрганишсин, деди. Бу Ясо ва қонунларни дафтарларга сабт этди. Унга шабашуб деб ном қўйдилар. Яна Ясономайи бузург дейдилар. Уни хазинага топширди. Улар уни азиз тутдилар. Мазмунидан тажовуз қилмадилар. Аввалларики, қабилалар қавмлари у билан мунтазам топдилар, расму русум ва одатлари шул масаллик эди. Улар орасида мавжуд бўлган ўғирлик ва бошқалар мазкур қоидалар билан йўқотилди. Малик ва султонларга тааллуқлик ёзилган ҳукмлар ва масалалар ҳар гоҳ, чунончи собик султонларнинг расму русуми тахрир этила борди. Лашкарининг кўплиги ва унинг салтанати истеъдодидан ваҳм қилмади. Балки иши саранжоми оқибати шундан иборат эдики, агар бизга эл ва мойил бўлсангиз, жон билан (в56а) омонлик топасизлар. Агар унга хилоф иш тутсангиз, худойи қадим билганини биз не биламиз? Бу мутавақиллар сўзидир. Сўзсиз нима топса шундан топади.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бирор дину миллатга тобеъ бўлмаган. Бир миллатнинг иккинчи бир миллат устидан устунлиги таассубидан парҳез қиларди. Балки, ҳар тоифанинг уламо ва зоҳидларини эъзоз этарди. Уни ҳазрати наздида иззат ва ҳурматини лозим биларди. Унинг мамлақати майдони кенгайиб ва улғайиб кетганидан мушқилликлар ҳам нозил бўлди. Аҳволни очик айтишдан бошқа чора йўқ эди. Ёмлар тартиб этилди. Ҳар ёмнинг харажатини чорва, ходимлар, озуқа ва бошқалардан тартиб берилди. Улар туманларга беркитилди ва олиб чиқилди. Ҳар марҳалада ём қурдилар, токи элчилар хабарни тез етказгайлар. Мўғуллар расми-русуми ва одатлари шундай эдики,

уларга чиқарилган хон ясоқ ва фармонини ҳеч ким бўйин товламасдан адо этмоғи лозим, жони борича мутеълик ва итоатда бўлардилар. Ҳар гоҳ маншур ёки мактуб ёзсалар муболағали иборалар таклифи бўлмай, балки мақсад сўзини ёзиб кўя қоладилар. Ортиқча лақаблар ва иборатларни тан олмайдилар. Ов қилишни ёқтирадилар. Балки уни ҳаётнинг энг олий машғулоти деб биладилар. Аввал, сайёдни тафаҳхус учун шикорнинг кўп ёки озлигини билиб келиш учун жўнатадилар. Таҳқиқ этилгач, лашкарга фармон берадилар. Токи у атроф-теваракдан жангда қўлланадиган қонун бўйича Маймана ва майсара, қалб ва жаноҳга бўлиниб тартиб тузадилар ва ҳар ким ўз атрофида айланиб юрадилар. 20 кунлик, бир ойлик ёки ундан зиёда кунлик сахро ва тоғни айланиб ўртага оладилар. Уларнинг подшоҳи ўзи тобеълари, хотинлари ва турли озукаси билан шикорга равона бўлади. Ов жониворларини аста-секин, тадрижий равишда ҳайдайдилар ва муҳофаза қиладилар. Токи, ўтлоқ, яйловдан чиқиб кетмагайлар. Агар ногоҳ бирор ов ораликдан чиқиб қочса, унинг сабабларини минидан-синигача суриштирадилар. Тумон, ҳазора, сада, даҳча амири бирор камчиликка йўл қўйиб, ўтлоқда оҳуни ташқарига чиқариб юборгани аниқланса, уни қалтаклайдилар. Кўпчилик бўлса, уни ясоққа етказадилар. Жаргоҳ деб аталувчи сафни агар тўғри сақламасалар, бирор қадам вобаста боссалар, уларни жазолаш муболағали тус олади. Бир-бирларига яқинлашганларида, бир-бирлари билан қўл ушлашадилар. Ундан ҳам яқинроқ келаверганларида елкама-елка, тиззама-тизза бўладилар ва шу ҳолда турадилар. Ҳалқа ўртасида турлитуман ёввойи ва ваҳший жониворлар хурушга келадилар. Биринчи бўлиб хон бир неча хос одамлари билан ўртага от солиб, бирор соат камон ўқи билан ов қиладилар. Шундан кейин шахзодалар ва амирлар тартиб билан ўртага тушадилар. Ҳар бири шикор қилади. Хон орқага қайтганда, овни лашкарга қолдирадилар. Бундай тартиб-интизомни қаттиқ тутишдан мақсад фақат овнинг ўзигина бўлмай, шунинг назарда тутиладики, ҳар бир лашкар ёки сипоҳ суворийлик ва ўқ отишни ўзига одат қилсин ва ҳақиқий жанг куни ўзларини эркин ва эҳтиёт қилгайлар, ғафлатда қолмагайлар, ҳушёр тургайлар. Бугунги кунгача шу тариқа мўғуллар орасида бу нарса боқийдир.

Аммо, лашкар тартиби шундай тузилганки, Одам (ато) замонидан бугунги кунгача бирор подшоҳнинг ҳам сипоҳи туркниқидек муяссар бўлмаган. Сабру бардош шиддатида ва маълум муддатгача шокирликда яширин ва ошкора ўз ҳокимларига жону дилдан маҳқумлик ва мутеълик қилурлар. Бу на унинг жоҳу мансаби, на қўли узунлиги ва баландлиги-

дан эди. Жанг пайтида каттадан кичигигача барчаси киличбозлару ёйандоз.

Назм (мазмун):

Барча жангчилар жавшан йиртувчи ва ёйандоз, ҳаммаси камонкаш, жангжўй, оламни ёндирувчи, шамолдек ҳамла қилувчи, тоғдек келбатли, чақмоқдек бонг урувчи, яшин таратувчи киличдек эдилар.

Ҳақиқатда ҳам улар тутган йўлнинг ҳар биридан маълум бўлган ўша йўлни мақсад қиладилар. Жангдан ёки сулҳдан қайтганда ва ҳар қандай бошқа тадбирга киришар эканлар, ўз ишлари бошини шу иш деб биладилар. Курол-яроғ, ҳар бир майда-чуйдаки, душман қасдига жангга жўнар эканлар, ўша маслаҳатда зарурати бор бўлган ҳар бир нарсани турли курол ва асбоблардан тортиб то игна ва бигизгача ўзлари билан олиб оладилар. Кўпинча шундай бўладики, агар санаб ўтилган нарсаларни бирортасидан топилмаса, агар бирор кишидан (в.57а) бир камчилик борлиги аниқланса, қаттиқ жазолайдилар. Яна шундайки, жанг пайтида, чунончи, уларнинг бирортаси туфайли эрининг мадади зарурати бўлиб қолса, олдинроқ унга халақит бермайдилар. Уни кутадилар. Агар келишилган кун эр етиб келмаса уни ҳисобдан чиқарадилар. Ўз нақши билан эрининг ясоғи кифоя қилади. Бирор ташвиш юз берса улус тавовчилари тумон амирига бу ишни ҳавола қиладилар. Тумон амирлари, ҳазора амирлари, сада амирлари, даҳача амирлари ул ишни ижро этадилар. Ҳар ким ўз ясоқи билан келади. Лашкарга эҳтиёж сезилса, шунча минг киши фалон вақтда, фалон жойда ҳозир бўлмоқлари лозим деб ҳукм қиладилар. Қилчалик ҳам бунга хилоф иш қилишлари мумкин эмас.

Лашкар билан хон ўртасида қасамга хилоф иш содир бўлса жону дил билан фармонни ўрнига қўйишга ҳаракат қиладилар. Бирор киши бу борада камчиликка йўл қўйса ёки унутса, бир суворийни жўнатадилар, токи унга нисбатан чиқарилган фармон бўйича унга жазо бергуси. Агар фармон бўлса, унинг бошини оладилар. Яна шуни (таъкидлаш) лозимки, ҳеч ким ўз даҳаси, садаси, ҳазорасидан бошқа жойга кета олмағай ва бошқанинг паноҳига ўта олмағай. Ҳеч ким ўзини йўлдан уришларига йўл қўймаслиги лозим. Бунга хилоф иш тутганларни ҳалойиқ ҳузурида қатл этадилар, токи бошқаларга ибрат бўлғай. Қонунни бузган кишини билиб, билмасликка олиб юрган кишини азобу укубатга мустаҳиқ қилурлар, токи бу укубатдан қўрқиб, бирор киши бу йўлга кирмағай. Шу жиҳатдан ҳам бирор кимса ўзидан катталарга қўл кўтара олмайди.

ҚОРАХИТОЙ ПОДШОҲИ ГУРХОН ВА НАЙМАН ПОДШОҲИ КУШЛУК ТОЙОНҒХОН ЎҒЛИ ДОСТОНИ ЗИКРИ

Улар ўртасида муносабатлар воқеаси муддатини турлича кўрсатадилар. Гурхон қорахитойлар султонларининг лақабидир. Улар ўз подшоҳларини Гурхон деб атайдилар. Яъни, хонлар хони демакдир. Уларнинг асли хитойликлардандир. (Хитой) да улар машҳур ва мўътабар кишилар жумласидан бўлганлар (в.576). Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам туғилмасдан бир муддат олдин бир ҳодиса рўй берган эди. Хитойдан аҳоли ва қабиланинг 80 нафари, бошқа бир ривоят бўйича катта бир гуруҳ кўчиб чиққан. Қирғиз ҳудудига етганларидан кейин улар билан у ернинг қавмлари ўртасида муҳораба ва муноқаша юз берди: бир-бирларига ҳужум қилдилар. Сўнг у ердан ўтиб Эмилга кириб келдилар. Бу ерда бир шаҳар бино қилдилар. Ул ерга жуда кўплаб турклар ва бошқа қавмлар жамъ бўлдилар. Чунончи, қирқ минг хонадонга яқинлашдилар. Балосоғун шаҳридаки, мўғуллар уни Болиғхон, яъни яхши шаҳар деб атайдилар, Афросиёб наслидан бир хон бўлган. Унчалик қудратга эга эмасди. Турк қабилаларидан қорлуғ, қанглилар қўли ундан бироз баланд келди. Улар унинг молу мулкига даҳл қила бошлади. Қорахитойлар ғалабаси ва шавкатидан хабар топгандан кейин Гурхонга элчи жўнатди: унинг олдида камтаринлик изҳор этиб, ўз пойтахти Балосоғунга таклиф қилди, токи ўз мамлакатини унинг қўлига топширғай, душманлари қорлуғ ва қангли дастидан шу билан қутулмоқ истади. Гурхон унинг илтимосига кўра Эмилдан чиқиб Балосоғунга келди ва унинг ҳиммати билан хонлик тахтига ўлтирди. Хонлик номини Афросиёб набирасидан олди, ўзини эса туркларга ўхшаб атай бошлади. Гурхон Балосоғунда ҳукмрон бўлиб олгач, қангли қавмини ўзига бўйсундирди; Кошғар ва Хўтанга лашкар жўнатди. У ерларни истило қилди. У билан муҳолиф бўлган Бешбалиғ ва қирғизларни ҳам ўз тасарруфига киритди. Кейин Мовароуннаҳр ва Фарғонага лашкар тортди. Уларни ҳам забт этди. Ўзига мутеъ ва эл қилди. Або ва аждоди усмон султонларининг султони бўлиб келган Мовароуннаҳр султонлари унинг амри фармонига бош эгдилар.

Султон Санжари мозий билан 536 санадаки, ит йилига мувофиқдир, Самарқанд дарвозаси ёнида жанг қилди. Султон мағлуб бўлди. Султон Санжар шикаст топиб, Балхга кетди. Шу туфайлидан ҳикоятлар ва тарихлар айтилган. Кейин (в.58а) Туркистон ва Мовароуннаҳрда кўпчилик

мамлакатлар истило этилди. Лашкарида Азбар деган одам бўлганидан уни лашкар билан Хоразм томон жангга жўнатди ва ул вилоятни ғорат ва қиргин қилди. Асирларни жўнатди. Итоат ва қуллик изхорини қилди. Яна мол ва бойлик, минг динор келишув бўйича қабул қилиб олди. Йилма-йил шу миқдорда жўнатиб туриши мажбуриятини олди, Азбар сулҳ тузиб қайтиб келди. Бироз муддатдан кейин Гурхон вафот этди. Хотини Карник эри ўрнига қойим-мақом бўлди. Бир неча вақтдан кейин Гурхоннинг укаси уни ўртадан олиб ташлаб, ўзи ҳокимиятни қўлга олди. Гурхон лақабини қабул қилди. Шу аснода Хоразмшоҳ Эларслон ибн Ашпар вафот топган эди. Унинг ўрнига Эларслоннинг ўғли Султоншоҳ ўлтирди. Султоншоҳнинг биродари Текеш у билан муҳолифлик қилди. Кейин қочиб, Қорахитойга илтижо қилди. Гурхон ёрдамида мамлакатни қўлга киритди. Султоншоҳ қочиб кетди. Текеш санаи 568 йил яъни Лўй йили саодатли 22 рабиуссоний куни тахтга ўлтирди. Шоирлар унинг шаънига қасидалар ўқиди. Жумладан, Рашидиддин Ватвотнингки, унинг аждоди хузурида хизмат қилиб, ёши 80 дан ошган эди ва мухтасарда келтиришларича бу рубойини ўқиган. Рубой: Назм (мазмуни):

Порсо бобонг (қўлини) зулмдан тортди. Тўлин ойинг адли шикастларни тузатди. Шоҳлик қабоси бўйинга ярашган эй шоҳ, сенинг давлатинг навбати келди, нима қилсанг сенинг давринг.

Найман подшоҳи Кушлук ибн Тойонгхон отасини қатл этгач, Гурхон паноҳига келган эди. Бироз муддат шу ерда яшагач, унга Машрик томонда Гурхон амирлари оёқларини тобеълик йўлидан тортганликларини маълум қилди. Шунингдек, Самарқанд ҳокими Султон Усмоннинг ҳам унга нисбатан ғанимлигини айтди. Назм (мазмуни):

Бир куни у Гурхонга шундай деди: Эй номдор, меҳрибон шоҳ, бугун шундай кун келдики, сенинг қавминг, менга на бегона, на ўзимники. Энди Бешбалиғ меники, у Қиялиғ худуди ҳам меники, Чингизхондан барча юз ўғирди. Сардорсиз қолиб, саргаштадирлар.

Ҳозир Чингизхон Хитойда эканлигида уларнинг масаласини ҳал қилмоқ лозим. Шоҳ бандасига фармон берса, тарқоқ лашкарни тўплашим мумкин. Гурхон келиб, хизмат камарини боғлагайман, отамга қилгандек. Лозим бўлса найман лашкарини олиб кетурман, бу юрт эмин бўлгуси. Соддадилликдан Гурхон, сенга айтаётирман. Эшитгин узоклашишдан сақлан.

Гурхон унга хонлик лақабини бериб, рухсат берди. Кушлук кетгандан кейин пароканда қавмини тўплади. Унинг

овозаси ҳар томонга ёйилди. Қорахитой лашкари ўртасида унга тааллуқли бўлган бор гап унинг кўзи ўнгида рўй берди. Назм (мазмуни):

Унда найман лашкари тўпланди. Унинг ҳар бири бир жойда пистирмага кўйилган эди.

У қаболик эли ҳудудига етганда макрит (қабиласи) амири Тўктағон унга кўшилди. У ҳам Чингизхон савлати овозасидан қочиб юрган эди. Назм (мазмуни):

Бу юртнинг вилоятлари мағора монанд, кўриниши шунга ўхшайди. Зору таваллоси турк иқлимга тушган. Хунрезлик ва даҳшатли бедодли эди.

Унинг ишлари юришиб кетгач, «иннал инсана лайтағи ан раҳа истиғно». Мазмунига монанд исён йўлини тутди ва Гурхонга нисбатан муҳолифлик бошлади. Отаси Текеш вафотидан кейин бичи йилига мувофиқ 596 йил хижрий шаввол ойининг 25 куни Хоразмга келиб тахтга ўлтирган Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг обо ва аждоди Гурхонга хирож тўлаб турган. Уни кўпинча Кушлук етказарди. Ўша тартиб бўйича (хирож) талаб қилди. Унинг нафсига бу оғир ботди, буни ўзига ор билди: Хоразмшоҳ ким бўлдики, ундан Гурхон бож олса. У Кушлукхон хузурига одам юбориб, дедик: «Сен у тарафдан Гурхон устига лашкар торт. Мен бу томондан ҳаракат қилурман». Назм (мазмуни):

Сен Машриқ томондан, мен эса Ғарбдан: таъна-дашном бошлайман энди. Гурхон ғазоби бизни таъқиб этмайди. Эл орасидан ҳеч ким ўрнимизни ололмайди.

Шу асосда аҳд боғлашдики, агар Султон улгурса, Гурхонни мағлуб (в59а) қилади. Кошғардан Чингача уники бўлади. Агар Кушлук олдинроқ етиб келса-ю, Гурхонни енгса, Фанокас дарёси лабигача бўлган ерлар уники бўлади. Шу аҳду паймон бўйича қорахитойлар томон юрдилар. Кушлук олдинроқ етиб келди ва жанг бошланди. Назм: (мазмуни):

Кушлук биринчи бўлиб жангга кирди. Гурхон лашкари билан жанг қилмоқчи. Жанг бошланиши билан Кушлук лашкари шикаст еди ва тор-мор келтирилди.

ХОРАЗМШОҲ СУЛТОН МУҲАММАДНИНГ ҚОРАХИТОЙ ПОДШОҲИ ГУРХОН ТОМОН ЛАШКАР ТОРТИШИ

Хоразмшоҳ Султон Муҳаммад Хоразмнинг саноксиз лашкари билан Гурхонга қарши жангга отланди. Хоразмдан Бухорога келиб етди. Бухоро аҳолиси бўйсундирилди.

У ердан Самарқандга етишди. Самарқанд волийси, Султон Усмон бўлиб, уни султонлар султони дейишарди. У Буғра-хон ва Иликхон наслидан эди. Улар эса Мовароуннахрнинг хонларидан эдилар. Улар хуружи ва истилоси ҳаракати тақдирдаги оллоҳ иродаси эди. У Гурхоннинг кизини сўраттирган эди. Унинг ижобатидан қайтди. Султон Муҳаммад истикболига чиқди. Унинг номига хутба ўқитиб, танга зарб этди. Султон Муҳаммаднинг Хонсултон исмли кизи бор эди. Унга фотиҳа ўқитиб қўйди. Онасининг яқинларидан бўлган амир бор эди. Номи Турбатур эди. Уни Самарқанд шихналигига тайинлади. Султон Усмон билан бирга Гурхон томон жўнади. Гурхон уларнинг келаётганидан хабардор бўлгани учун лашкари сардори Тоянгу хузурига, унинг мақоми Тарозга одам жўнатиб, жангга ҳозир туришини тайинлади. Султон Муҳаммад Сайхун дарёси устидан кўприк қурдириб, ўтиб олди. Сўнг кўприкни бузиб ташлашни буюрди, токи лашкар қочиш андешасини қилмагай, иш обрўсини кеткизмагайлар. Улар Илош саҳросига етганларидан кейин Тоянгу саноксиз лашкар билан ғурур ва кибр бошини кўтарганча қарши чиқди. Ва рабиюл-аввал ойининг 8 куни санайи 607 ҳижрийда ҳар икки лашкар бир-бирларига дуч келиб, қарама-қарши турдилар. Султон зафарли аскарларига қаттиқ туришни буюрди. Ислоом хитобларини минбарлардан айтингиз, дуога тил очинг: «Оллоҳумма жуюш ал-муслимин (в.596) ва сиррин ибохум».

Шунда ҳар тарафдан ҳамла қилингиз. Зеро, ислоом хитобининг даъвати ва мусулмонларнинг ғайратига ҳазрати Ҳақ зафар бағишлайди. Фармонга кўра, буйрукни кутдилар. Намоз вақти яқинлашганда ислоом сафларидан такбир садоси янгради. Теварак атрофдан хужум бошладилар. Жанг бошланди. Байт (мазмуни):

Ноғора хуруши, най бонги кўтарилди, замин осмондек жойидан кўзғолди.

Ул адашган фирқанинг аксари шамшир тиғи остида нобуд бўлди. Лашкар сардори Тоянгу яраланиб йиқилди. Уни Султон хузурига элтишди. Фатҳ насими «Инно фатаҳна Лака» («Дарҳақиқат, сенга биз очдик») даҳшатидан ислоом яловига уфура бошлади. «Инна мин ал-мужримина мунтақимун» («Биз мужримлардан интиқом олажакмиз») мазмуни кофирлар ҳоли суратидан намоён бўлди. «Валҳамду лиллаҳир-раббиллоламин» Султон Тоянгуни фатҳнома билан Хоразмга жўнатди. Қорахитойлардан бўлган Бароқ хожиб-ки, унинг зикри «Таърихи Ғозон» да муфассал сабт этилгандир, биродари Ҳамид ибн Пур билан бирга бу жангда

асир олинди. Уни Султон хузурига келтиришди. Аста-секин Ҳамид ибн Пур амирлик даражасига эришди. Бароқ Ҳожиб ҳожиблиги билан танилди ва Бароқ ҳожи номи билан шуҳрат топди. Шу зафардан кейин Султон Муҳаммадни Искандари Соний лақаби билан атай бошладилар. Султон Муҳаммад у ердан Ўтрорга жўнади. Унинг ҳоқими у билан муқобил бўла олмаслигини билиб, ожизлик манзилдан жой олиб, омонлик тилади. Султон Муҳаммад унинг жони ва молига омонлик берди. Одамлари ва аҳли аёли билан кўчириб, Насога бориб яшашига қарор қилди. У ернинг ҳоқимини Насога жўнатиб, Ўтрор воҳасини (аёлот) онаси қариндошларидан Инончукка топширди. У ердан музаффару мансур бўлиб, оти жиловини Самарқанд томон бурди ва Самарқанддан Хоразмга етди, айшу ишрат билан машғул бўлди. Тоянгуни қатл этишни буюрди. Уни ўлдириб, Жайхунга ташладилар.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ ЖАНДУМ ТОМОН ЮРИШИ ВА У ЕРДАН САМАРҚАНДГА БОРИШИ ЗИКРИ

Жандум ҳудудида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ йўқлигида Қодирхон нақиб ва асҳобидан бир жамоа исён кўтарган эди. Шу сабабли Султон Муҳаммад Хоразмда ортиқ тура олмади. Уларни дафъ қилмоқ учун Жандум томон равона бўлди. Султон Усмон исённи тугатиш мақсадида Хоразмшоҳ қизини чақириб олди. Султон Хоразмда туриб қолди. Султон Муҳаммад ул фитначи жамоанинг ҳолини танг қилгандан кейин, шу аснода қорахитой лашкарининг Самарқанд дарвозаси ёнига келиб, Самарқандни қамал қилгани хабари етиб келди. Султон Жандумдан ўша томонга ҳаракат қилди. Мамлакатнинг ҳамма томонларига элчилар жўнатди. Атрофда бўлган барча лашкарларнинг жамъ бўлишини буюрди. Сўнг Самарқанд томон йўналди. Қорахитой лашкари дарё атрофини бир неча муддат лашкаргоҳ қилиб турди. Ўн етти бор Самарқанд дарвозасига ҳужум қилиб, жанг бўлди. Бир навбатдан ташқари ғолиб келиб, Самарқанд лашкарини шаҳарга қамаб эдилар. Олтмиш тўққиз навбат қаҳру ғазабда жанг қилдилар. Ислом лашкари ғолиб келди, қорахитой лашкари устидан. Чунки, улар муҳорабасидан ҳеч бир фойда йўқлигини кўрдилар. Шаҳар чеккасига ўраб олдилар ва руҳи тушиб, танг ҳолда қолди. Шунда бир томондан

Султоннинг келаётгани овозасини эшитдилар, иккинчи томондан Кушлукхон истилоси хабари етди, Шунинг учун шошилиш равишда орқага қайтишди.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ ҚОРАХИТОЙЛАР БИЛАН ЖАНГГА ИККИНЧИ БОШ ЛАШКАР ТОРТИШИ

Султон Муҳаммад Самарқандга етганда, атроф-теварақдан лашкарлар жамъ бўлдилар. Кейин Самарқанддан йўлга равона бўлдилар. Назм (мазмуни): Султон Муҳаммад сипоҳини кўзгади, Самарқанд шоҳи Усмон билан бирга.

Аксари мусулмон бўлган Сифноқ шаҳрининг шоҳи нифоқ солиш майлида эди. Султон Муҳаммад ўзининг кўп сонли лашкарларидан бир тўдасини дарёнинг қаҳрли тўлкинидек жўнатди. Улар етиб келганда шу заҳотиёқ Сифноқ ҳокимини қалъадан пастга олиб тушдилар. Бўйнига занжир солиб Султон ҳузурига келтирдилар. Султон улардан Кушлукхоннинг енгилгани овозасини эшитиб, янада очкўзлиги кўзгаб, йўлга тушди. Бундан Гурхон хабар топиб, жангга ҳозир бўлиб турди (в.60б) Икки лашкар бир-бирига дуч келганда Кобуджома Испаҳбеди ва Самарқанд шихнаси Бўртана бир-бири билан иттифоқ бўлиб, Султонга қарши аҳд қилдилар. Гурхон ҳузурига яширин равишда элчи жўнатиб, биз тамома лашкарлар билан жанг кунни султондан юз ўгирурмиз, деб хабар бердилар. Гурхон ғолиб келадиган бўлса Хоразм Бўртанага, Хуросонни Испаҳбедга беришга қарор қилинди. Гурхон яна уларнинг яқинларига ҳам турли имтиёзлар беришга аҳд қилди. Сафлар тузилиб, бир-бирларига яқинлашганларида, узлуксиз ҳамлалар давом этди. Қорахитойлар майсараси унинг майманаси устидан ғолиб келди. Султон лашкарининг майманаси мағлуб бўлиб, чекина бошлади. Ҳар иккала сипоҳ қалби бир-бирини қириб ташлади. Лашкардан бирор киши ҳам бирор бошқа киши устидан ғолиб ёки мағлуб бўлганини билмас эдилар. Ҳар икки томондан жангчилар талон-тарож ва ғорат қилиб қочишди. Султоннинг жанг кетаётган пайтда душман либосини кийиб ва қурол-яроғини тақиб олиш одати бор эди. Унинг хос одамлари ва яқинлари ҳам либосларини ўзгартириб, қорахитой лашкари орасига тушиб қолганларида султонни таниган эдилар. Кейин уни топа олмадилар. Султон бир неча кун ул қавм орасида бегона бўлиб юрди. Кейин қулай фурсат топиб, чиқиб қочди. Сайхун дарёсигача от чоптириб келди. У етиб келиши билан лашкар беҳад янги

руҳ ва нишот топдилар. Султон хабари атроф-теваракка кетгани учун ҳар ким ҳар ҳаёлда эди. Баъзилар у бегона лашкар орасида қўлга тушган, баъзилар ўлдирилган, деб гумон қилиб, аниқ бир хабар топа олмай юрган эдилар. Шу сабабли мунширлар юбориб, атроф-теваракка хабар бердилар. Султон Муҳаммад Хоразмга келди. Қорахитой лашкари ҳам ўз вилоятларини ғорат қилиб, қайтиб кетдилар. Балосогунга етганларида у ер аҳолиси қорахитойлардан ҳоллари батанг бўлганидан султонга зафар ёр бўлишини умид қилиб, унинг шу ноҳияларни қорахитойлардан халос этишига ишониб, дарвозаларни беркитдилар ва Гурхонга йўлга бермадилар ва уни жанг билан қарши олдилар. Ун олти кун давомида (вб1а) жанг давом этди. Султоннинг орқа томондан ҳужум қилиш эҳтимолидан кўрқиб, оқибатда қорахитойлар лашкари ҳар тарафдан, Гурхон ҳузурига тўпландилар. Султондан юз ўтирган элатлар билан бирга Балосогун дарвозаларига ҳужум қилдилар. Теварак-атрофдан уларга қувват бердилар ва шаҳарга кирдилар. Уч кечаю кундуз қатли ом билан машғул бўлдилар. Мўтабар машхур кишилардан етти минг нафари қатл этилганлар сонига кирди.

Лашкар ҳозирлаш воситасида ва Гурхондан қолган ҳазиналарни ғорат қилиш натижасида Муҳаммад ўз молини муҳофаза этиш бораёсида Қорун даражасига етган эди. У ўз раёини билдирдики, хазинани талашда лашкар қўлга киритган ғаниматлар алмаштирилиши лозим. Бу гапни шундайлигича (лашкарийларга) маълум қилганларидан кейин улар тарқалиб кетиб, туғён ва бўйсунмаслик йўлига тушиб олдилар. Ҳар ким ўз жойига жўнади. Кушлук бу воқеадан воқиф бўлиб, босқин уюштириб, беҳабар Гурхонни қўлга туширди. Назм (мазмуни):

Шарқ томондан сипоҳ билан шундай келдики, яшин уйидан олов келарди гўё. Кушлук найман етиб келганда Гурхондан юз ўтирганди. Осмондан қазо келиб, балодек Гурхон бошига тушганди. Унинг бутун олтину, молу мулкани эгаллади: айём ғазабга келгандек эди. Гурхоннинг дўсти қирда ўтов дикиб, бошига тож қўйди ва унинг тахтига ўлтирди. Кушлук жонига омонлик берган бўлса ҳам, унинг хонумонини тортиб олган эди.

Бу пайтда Гурхон ҳазина, зару молларини жамъ қилмоқ билан машғул эди. Шунда Кушлук фурсатни ғанимат билиб, ўз тобеълари билан бирга Гурхон устига ёпирилди. Бутун молу мулкани эгаллаб, ўзининг жонига омонлик берди. Аммо ўзи унинг тахтига ўлтирди. Шу воқеадан кейин Гурхон яна икки йил яшади. Умри муддати 95 га етганда дунёдан ўтди. Назм (мазмуни):

Умринг минг, икки юз йил бўлса ҳам, бошинг бир куни лаҳадга кўмилгуси. Умр юз йил, гар кунинг бир кунликдир. Марг уни бир кунда бўшатгуси. Кишининг умри йил ҳисоби минггача борар. Бир кун келиб «бас» дейилади, албатта. Хоҳ подшоҳ бўлгин, хоҳ гадо бўлгин, бир кун танинг жондан жудо бўлгуси. Сенинг ўрнингни бошқалар эгаллайди. Сенинг ҳасратингда бир ўғил қолгуси.

НАЙМАН ПОДШОҲИ КУШЛУК ИБН ТОЙОНҲОННИНГ ҚОРАХИТОЙ ПОДШОҲИ ЎРНИДА ҚОРАХИТОЙ МАМЛАКАТИДА ПОДШОҲЛИГИ ВА УЛ ЛАЪНИ БЕДИННИНГ БЕДОДЛИГИ ШАРҲИ ЗИКРИДА

Қорахитой подшоҳи Гурҳон оламдан ўтгач, ул вилоят подшоҳлиги лаънати Кушлукхонга муқаррар ва мустақил бўлди. Унинг ўзи бутпараст бўлиб, хотини насорий динида эди. Назм (мазмуни):

Кушлук ибн Тойонхон аслида найман фирқасидан эди. Ўзи бутпараст, хотини тарсо бўлиб, ундан ислом дини шикаст топган эди. Дин арбобидан кимни учратмасин, ўша лаънати ҳаракат қилардики: «Дини Аҳмаддан юз ўғирингиз, ҳаммангиз бутпарастсизлар, тарсо бўлинглар». Унинг айтганини қилмаганларни шамшир билан бошини оларди. Ким унинг одатини билса, қудратли бўлган тақдирда у билан баҳслашарди.

Ўзи муттасил мусулмонларни ўзининг бутпарастлик динига даъват қилди. Ким унинг динини қабул қилмаса, албатта қатл этарди. Шу сабабли кўплаб мусулмонлар шаҳодат даражасига етказилдилар. Шу аҳвол асносида макрит қавми подшоҳи Тўқбуғохон ибн Тўқтобеги Кушлукхон ибн Тойонхондан ажралиб, Хумкечик томонга кетди. Кушлук уч-тўрт йил давомида Қошғарга лашкар жўнатди. Ул ерларнинг ғалласини еб битирдилар, ўт кўйдилар. Қошғарда қаҳатчилик ва танглик шу даражага етдики, халқи ҳалолни харомдан ажратолмай қолдилар. Назм (мазмуни):

Ёмғир томчиларидек найман лашкари (кўп) Қошғар ҳудудига етдилар. Қўшини ва шум ҳайвони кўплигидан ул ерларда экин униб чиқмади. Ўша мулкда шундай танглик вужудга келдики, унда қушлару балиқлар яшаши қийинлашди.

Охируламр лаънати Кушлукхоннинг ўзи саноксиз бедин лашкар билан Қошғар мамлакатига қарши юрди (в.62а).

У ер аҳоли ва мавлолари ожиз қолдилар. Шаҳарни унга топширдилар. Найман лашкарлари шаҳарга кириб, хоналарга кириб олдилар. Назм (мазмуни):

Лашкар шаҳар аҳолиси уйларини зўрлик ва қаҳр билан тортиб олдилар. Бу ўлка жабру фиску фасодга тўлди. Таслим бўлмоқдан ўзга илож қолмади.

Кушлук Кошғарни забт этгач, у ердан Хўтан томон юрди. Уни ҳам босиб олди. У ернинг халқини ҳам бутпарастликка даъват ва мажбур қилди. Барча имомлар ва донишмандлар ташқари чиқиб, ўз динларидан қайтганларини таъкидласинлар, деб фармон берди. Жамъи уч мингдан ортиқ имом ва донишманд, фозил ташқари чиқди. Кушлукхон уларга қарата деди: сизлардан ҳеч ким қўрқмайди, ҳақ сўзини қайта олмайди. Мувофиқ шайх Аловуддин Муҳаммад Хўтаний наввораллоху марқада илгари чиқиб, унинг ёнидан жой олди. Ростгўйлик камарини белига боғлаб, дини Муҳаммадий ва миллати Аҳмадийни беҳ билишда далиллар ва ҳужжатлар келтирди. Кушлук мулзам бўлгандан кейин, лом-мим дея олмай қолди (айтадигани оғзида қолди). Назм (мазмуни):

Ул беадаб жавоб беришдан ожиз қелганда, пайғамбарини эслашдан ўзга иложи қолмади.

Диндор имом ҳамиятининг кучлилигидан ўзини тутат олмай, деди: «Оғзингга тупроқ сенинг!» Ул баддин лаънати Кушлукнинг, ул кибрили, ҳаёсиз кофир қулоғига бу сўзлар етгач, имомни тутишга ишорат қилди ва уни исломдан қайтармоққа қасам ичди: «Ҳайҳот, ҳайҳот, лимма тубдўна маҳбити нури илаҳий». (Ҳайҳот, ҳайҳот! Сизларга илоҳий нур тушадиган жой ваъда қилинганди) Йўқса девлар макони уйим. Бир неча кеча-кундуз уни бул бузургнинг ўзи бино қилган мадраса дарвозасида сақлаб, чормихга солиб, азоб бердилар. У эса тинмай калимаи шаҳодат ўқиди ва халққа насиҳат қилдики, Аҳмадий динини охираат даражасини оширишга сабаб бўлувчи дунёвий укубатлар воситаси билан барбод этиб бўлмайди. Дўстларидан уни Оройин деб нақл қилади. Назм (мазмуни):

Оройин уни иккиланмай дарс ўқиб турган мадрасада ўлдирди. «Онааллоҳ ваанаоллоху рожеъун».

Кейин вилоятдан намоз бонги ва иқомати кўтарилди. Назм (мазмуни):

Кушлук Хўтан мулкида зафар топди. У мулкда фитнес-фасод кучайди, Ислом имомлари унинг томонидан қатл этилди. Улар қони Нил дарёсидек оқди. Мусулмончилик асослари унинг дастидан хароб бўлди. Бутпарастлар у туфайли мақсадга етдилар. Унинг жабридан бир дунё оёқости бўлди. Эру аёл унинг дастидан фиғонга келдилар.

БИР ҚОТИЛНИНГ ИСЁН КЎТАРИБ, УНИНГ ЛАЪНАТИ КУШЛУКХОН ҚЎЛИДАН ЎЛДИРИЛИШИ ЗИКРИ

Айтадиларки, лаънати Кушлукхон Хўтон мамлакатини истило қилган кунларда Олмолиғ ҳудудида бир диловар ва ўта шижоатли ва паҳлавон Ўроз номли бир шахс бўлиб, қонқли қабиласидан эди. Доимо йўлтўсарлик қилар ва ҳар бир вақт гала-гала отларни ўғирлар, ярамас кирдикорлар кўргазур эрди. Шу жиҳатдан ҳам кўплаб авбошлар, бебоклар унга келиб кўшилар эрдилар. У қувват олиб, Олмолиғ ноҳияларида ғоратгарлик қилиб юрди. Охири Олмолиғни қўлга киритди, унинг ҳоқими бўлди. Лашкар тўплаб, ўша ерларнинг муаззам шаҳарларидан Фўлодсумга қараб юрди. Уни босиб олди. Ҳар вақт Кушлукхон беҳисоб лашкар билан унга қарши юрганда унинг лашкарини тор-мор келтирарди, вилоятини хароб қиларди. Ўроз қонқли Кушлукхон наймандан батанг бўлганидан қизини элчи билан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳузурига жўнатди. Унга хизматкорлик изҳорини қилди. Лаънати Кушлукхон зулми бедодликларидан халос қилишини ўтиниб сўради.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам уни суюрғомиши қилди. Унинг қизини эса тўнғич ўғли Жўжи учун сўраттирди. Дўстлик истехкоми ва хизматкорлик қондаларидан сўнг Ўроз қонқли Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам пойтахти оstonаси сари йўналди. Хусравона шафқат ва мурувватига сазовор бўлди. Орқага қайтиш вақтида турли навъ шафқат ва шарафига мумтоз бўлди.

Соҳибқирони (в.63а) аъзам Чингизхони муаззам Ўроз қонқлига деди: «Шикордан ўзингни тийгилки, ногоҳ душман томонидан сайд қилинмагайсан!» Шикор эвазига Ўроз қонқлига минг кўй суюрғол қилди. Сўнг Олмолиққа қайтишга рухсат берди. Шу кунлари Кушлукхон собиқ одат бўйича Ўроз устига лашкар тортди. Олмолиғ ноҳияларидаги Ўроз қонқли қавмларининг молу мулкларини талади. Ўроз одамларини Олмолиғ дарвозасигача таъқиб этиб, қувиб келди. Аҳоли шаҳар дарвозасини маҳкамладилар ва жангга киришдилар. Шу аснода Кушлукхон лашкари орасида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг чексиз кўшин билан етиб келгани хабари тарқалди. Бу хабар хосу авом қулоғига етгач, Кушлукхон лашкари батамом Олмолиғ дарвозасидан қайтиб кетдилар. Шикор қилишни одат қилган Ўроз қонқлининг Кушлукхон лашкаридан хабари йўқ эди. Соҳибқирони аъзам насиҳати унинг шикорга бўлган ўта

мехридан фаромуш бўлиб, йўл асносида озгина суворийлар билан кўп сонлик лашкар томонидан ўраб олинди, ов чоғи ўлдирилди. Шундан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам унинг ўғли Шиқноғ текинни суюрғомиши қилди. Отасининг ўрнини унга топширди. Жўжининг қизларидан бирини унга никоҳлаб берди ва Олмоликқа жўнатди. У ўша ерда ўринлашди. Яна айтишларича, қорлуғ қавмининг хони шу вақтгача Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг мулозими бўлган Арслонга бир қизини фотиҳа қилиб, уни Қиёлиғ шахрига ҳоким қилиб жўнатди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ХОРАЗМШОҲДАН МУСУЛМОНЛАР ХУНИ ҚАСОСИ ИНТИҚОМИ УЧУН ЭРОН МАМЛАКАТИ ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИДА

Мўътабар тарихларда битилган ва зикр этилмишким, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг замонида Мовароуннаҳр мамлакати истило қилинди. Эрон ва Турон давлати бағоят осойишталикда ва солим эди. Чунончи, агар кўзи ожиз кампир қизил олтин тўла таштни бошига қўйиб Машриқдан Мағрибга жўнайдиган бўлса (в.63б) бирор жонзод унга дахл қилмаган. Назм (мазмуни):

Шоҳ шу даражада (кучайдики), мамлакатада бирорта ҳам ўғри қолмади.

Мўғуллар яшайдиган ерларда бирор машҳур ва маъруф шахар бўлмаганки, ул шахри азимда замоннинг (аламзадалари) ичи куйганлари дунёнинг алвон товланувчи матоларини ўзгартирсалар. Шу сабабли Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мамлақати тожирлари кўнгил тилаган манфаатлар умидида ҳар хил кийим, тўшак, буюм ва матолардан удар ўрдуси томон элтиб, кўп судманд ва фойда олганлар. Шу тахлит ҳавасда йирик савдогарлардан бир неча киши, жуда кўп газлама, буюм ва матоларни Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўрдусига келтирдилар. Соҳибқирони аъзам уларнинг бирини чорлади ва молларидан олиб келишни буюрди. Ҳар бир матосининг қийматини сўраганларида бирга-ўн, йигирма баҳо қўйди. Соҳибқирони аъзам хони муаззамга бу ёлғон оғир ботди. Дедилар: «Бу одам бизни бу хил матони кўрмаган гумон қилмоқда!» Яқиндаги мулозимига ҳазинадан мато келтиришни ва бозоргонларга кўрсатишни буюрди. Назм (мазмуни):

Соҳибқирон фармони билан ҳазинадор сандиқда минг жома келтирди. Улар зарбофт ва дурлар қадалган эдики, бу

каби нарсани ҳеч ким кўрмаган эди. Бу буюмлардан хазинада борини келтириб бозоргонларга кўрсатди. Токи улар буларни кўриб, ўз тансиқ молларини унутсинлар.

Кейин Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бозоргонларнинг матоларини хат қилишга буюрди. Сўнг амр қилдики, барча матоларни бўлишиб олинглар! Матолар эгасини тутиб туришди. Шунда бошқа саркорни келтиришни буюрди, Бозиргонлар орасида Омад Хўжандий исмли одам бор эди. У Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хузурига келди. Назм (мазмуни):

Ундан матонинг баҳосини сўради. Ўз диллари розини билдирмадилар. У дедик, бу тўшаклик, у шоҳ тахти олдида қадрли. Агар жажонгир шоҳ хоҳласа, хуш қабул этади. Уни биз пешкаш тарзида Эрондан шерюрак шоҳ хузурига келтирдик. Шоҳаншоҳ унинг деганларини маъкул топди. Ўзича улар юқиға баҳо берди. Зарнигор бир жоманинг баҳосини шаҳриёр тикилган жома оғирлиғича зар билан баҳолади.

Ҳар бир ҳарир жомани бир қизил олтин болишдан, зарпеч карбос жомадорга бир оқ кумуш болишдан берди. Айтишларича бир болиш беш юз мисқолга тенг. Бозоргонлар учун ҳайма ва гиргоҳлар тиклашни буюрди. Ҳар кун кетиш вақтларигача улар ҳаражатини бериб, иззат ва ҳурмат кўрсатдилар. Ул жамоатнинг пойи қадамларини бағоят муборак тутдилар. Назм (мазмуни):

Хушхулқ ул шоҳ мусулмонларнинг шу ерда бўлишини яхшиликка йўйди.

Уларнинг қайтиб кетиши ҳангомида навозишу махсус марҳаматлар кўргузиб, саноксиз инъому эҳсон қилдилар.

Қорачор нўён, фарзандлари, хешу акробаларига қарата дедилар: «Ҳар бирингиз, сиз мусулмонлар бир аминни молу бизоат билан бу савдогарларга ҳамроҳ қилиб жўнатингиз. Зеро, ул мамлакатдан тухфаю табаррукотлар олиб келишгай. Амри Соҳибқирони аъзамга мувофиқ беш юз нафар мусулмон аминни ҳамроҳ қилиб тижоратга жўнатдилар. Назм (мазмуни):

Юклари мушк, зар, дирамлардан иборат бўлган беш юз мусулмон бир бўлиб олишди. Уч нафар покиза мусулмон у ердан элчи қилиб жўнатилди. Бирининг (исми) Муҳаммад, иккинчисиники Умар, учинчиси покдин Юсуф эди. Уч элчи-ю беш юз савдогар бўлиб, моллари мушки тотор эди. Бичак билан элчилар йўлга тушди, шоҳ хузурига эл бўлишни изҳор қилиш ниятида. Бичак ёрлиғ мазмунга тўла эди: «Тангри жаҳонни сену менга берган. Сену мандан бошқа бунга сазовор бўлмайдик, биз одамлар осойишини

хохдаймиз. Сенинг мулкиндан бизга савдогарлар етиб келди. Биз томондан улар неларга сазовор этилгани борасида сенга етказурлар. Биздан олганларини сенга қолдирурлар. Биз тарафдан ҳам савдогарлар ўз моллари билан ўша томонга борурлар. Сенинг мулкинга кириб боришлари билан савдонинг талабгори бўлурлар. У диёрда сенинг ҳузурингда улар ёлғиз. Бизга зарур нарсаларни сотиб оладилар. Сен менга фарзанддек саналгунг. Эронда сен меҳтарлардан ҳам улугсан. Тангри жаҳонни икки балиққа топширди. Уни эҳсону адолат билан безади. Биз яхши ишларга машғул бўлган чоғда сен бизга мадаккор ва таянч бўлганинг яхши. Биз бир-биримизга дўстмиз. Шунда йўллар бадниятлардан тозаланади. Замин адолатдан обод бўлганида, барча халқ бизга офарин айтар.

Беш юз нафар мусулмон савдогар уч нафар элчи ҳамроҳлигида жўнатилди. Элчиларнинг бири Муҳаммад Хоразмий, иккинчиси Умар, учинчиси Юсуф эди. Элчилик мактубининг мазмуни шундай эди: «Ул тарафдан бозоргонлар бу диёрга келишди. Уларга қай тарзда эъзоз-икром кўрсатилганини ўзлари айтиши мумкин. Улар нимани мушоҳада қилган бўлсалар, баён қилсалар керак. Бу томондан ҳам бир мусулмон жамоаси турли молу газлама, мушқу чиний тансиқ буюмлар, зару нуқра, кўплаб жун кийимлар, жавоҳиру тансуқот билан ул диёр сари йўналдилар. Бу аҳду паймонда осмону замин эгаси рўйи замин мамлакатларини бизга ва сенга тортиқ қилди. Худо бандалари бориб келишиб, ободончилик билан машғул бўлмоқликлари лозим. Бизу сенинг, улар даври султонларининг саховатидан хурсанд ва баҳравор бўлурларки, замон мардуми бизу сенинг дуойи жонимизни қилиб яшайдилар».

Бу жамоат Ўтрор диёрига етганларида, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан қўйилган Ўтрор ҳоқими Инолчук ҳузурида жанжалга дуч келдилар. У Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотунга қариндош бўлганидан Ғойирхон лақабини олган эди. Савдогарлар жамоасидан бири ҳинди бўлиб, илгари жуда машҳур экан. Уни танир эди. Илгариги одатича ул Ҳинди уни Инолчук деб атади. Бу маъни ул соҳиби давлат хотирига оғир ботибди. Дарғазаб бўлиб, бозоргонлар моли тамаъида тожирлар жонига қасд қилди. Ул бегуноҳларни ҳибсга олди. Назм (мазмуни):

Ўтрорда савдогарларни тутиб қолди, бу ишни дев кўрса ҳам лол қоларди.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҶ МУЛКИНИНГ ХАРОБ БЎЛИШИГА САБАБ БЎЛГАН НОМАҚБУЛ ҲАРАКАТЛАР СОДИР ЭТИЛИШИ ЗИКРИДА

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан содир бўлган носавоб ҳаракатлардан бири шу бўлдики, тухмат воситасида Ҳазрати Шайх валитарош Шайх Нажмуддин Кубро қаддаса сиррахумо муриди Шайх Маждиддин Бағдодийга Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун билан бир кечаси Султон мастлигида қасд қилдилар. Маст ҳолатида улдин бузурги қатлига рухсат берди. Эрта тонгда хушёр торгач, қилмишидан пушаймон бўлди. Жавоҳир тўла бир табақ ва олтин тўла таштни Ҳазрати Шайх Нажмуддин Кубро, қаддаса сирруҳу хонақоҳи дарвешлари жамоаси хузурига жўнатиб, «буни дарвешлар суфра қилсунлар. Беихтиёр юз берган бу гуноҳ учун афв этсунлар», деди. Шайх дедилар: «Унинг хунбахоси зару жавоҳир эмас, балки унинг калласидир, яъни Султон ва бир неча минг халойик».

Мовароуннаҳр мамлакати Афноку Ўтроргача Султон Муҳаммадга қарор топгач, муборак сана — 613 йил ҳижрийда азим халифаликка, амирал-мўъминин ан-Носир биллоҳ Абулаббос Аҳмад дорулхилофасига қасд қилди. Булар ичида ваҳшатли воқеалар ҳам бўлди. Бири шулки, исломга тақлид қилган кофир Жалолуддин Ҳасан сабил яловини Ҳижоз сари йўналтирди. Унинг яловини Султон яловидан илғор деб билдилар. Султон саҳобаларини ҳақорат қилдилар. Иккинчиси шуки, ўша даврда Ҳазринни босиб олди ва Дорулхилофа мутаассири Малик Шаҳобиддин ғурий хазинадан чикди. Ғурийларни бу Хоразм ва Хоразмшоҳ қасдига ундади. Ғурийларнинг қасд қилиши Дорулхилофага қарши ҳаракатдан олдинроқ бошланди. Шу жиҳатдан Султон ўта маъюс, шикаста бўлди. Шу сабабли мамлакат имомларидан фатво олдики, Бани Фотима саодатлари турганда халифалик Аббосийлар сулоласига насиб этмаслиги лозим. Улар бу иш мустаҳқиқи эмаслар. Яна, улар Ажам подшолари йўлидан бордилар. Ана шу баҳоналарни рўқач қилиб, халифа номини барча мулкларида хутбадан чиқариб ташлади. Чин содотидан бир саййид Алоулмулк Термизий номли бузургни халифаликка (в.656) номзод тайинлади. Саноксиз лашкар билан халифага қарши юрди. Аббосийларни ағдариб ташламоқчи бўлди. Домғонга етганда Отабек Саъднинг Ироқни босиб олиш ниятида Шероздан Райга келгани хабарини эшитди. Султон саноксиз лашкари билан шошилнч равишда қайтди. Султон у ерга етганда Отабек форс ва ироқ лашкари билан унга қарши чикди. Жанг бошланганда

дастлабки ҳамладаёк Отабек лашкари шикаст топди. Отабекни асир олдилар. Султон Отабекни ўлдирмоқчи бўлди. Отабек Саъд малик Насузандга илтижо қилди. Уни васила қилди. Султон унинг илтимосини қондирди. Лекин ҳар йили Форс ҳосилидан тўрт донг хазинага етказиш, Истахр билан Ашканун қалъасини Султон гумашталарига топшириш, Отабекнинг ўғли Абубакрни гаровга топшириш ва уни Ашканун қалъасида бандиликда сақлашга қарор қилинди. У бу қарорларга вафо қилди. Султон мавкаби Райдан чиқиб кетиб, Ҳамадонга етганида Ироқни тасхир этмоқ ниятида Табриздан Отабек Авранг Ҳамадонга келиб, жангга шай турарди. Лашкар аҳли у билан жанг қилмоқни истади. Султон деди: «Бир йилда икки подшоҳликни олмоқ яхшиликка олиб келмайди. Уни ўтказиб юборинг, ўтиб кетаверсин». Отабек Авранг эсон-омон Озарбайжонга қайтиб кетди. Султон Муҳаммад Ҳамадондан Астробод томон ўтмоқчи бўлди. Йўл давомида ўйдим-чуқурларнинг кўплиги, қорнинг қалин ёққанидан йўл топа олмади. Совуқ шиддатидан ва ёғингарчиликнинг зўрлигидан лашкар отларининг кўпчилиги нобуд бўлди. Зарурат юзасидан Ҳамадонга қайтди. Унинг ҳашамати диллардан арий бошлади. Дорулхилофага қасд қилгани унга обрў келтирмади. Шундай бир аҳвол асносида яшиндек Инолчуқ элчиси етиб келди ва кўп сонли жамоа кўплаб мол ва саноксиз совғалар билан Чингизхон ўрдусидан келгани ва Эрон томонга бормоқчи эканликларини хабар қилди. Мамлакат мадохили ва махориждан уларнинг воқифлиги яхшими? Назм (мазмуни):

Душман ўз оёғи билан келиб тумшуғидан тузоққа илинганда, бузулган молининг қони ҳаромлигини тушунди.

Султон бу борада мулоҳаза қилиб ўлтирмай, уларнинг қасди жони ва моли торожига рухсат берди. Инолчуқ дейилувчи Ғойирхоннинг элчиси қайтиб келгач, Ғойирхон шу номақбул (в.66а) ишни амалга оширишга киришди. Чингизхон элчисини бозоргонлар жамоаси билан бирга, гуноҳсиз бўлсалар ҳам, қатл этди. Улар келтирган барча нарсани ўз тасарруфига олди. Назм (мазмуни):

Сербахтлилик заволга юз тутади. Бирор нарсага интилса, увол ўлгуси.

Шу сабабли вайрона бир олам, бехонумон бир жаҳонга мубаддал бўлдилар. Хуннинг ҳар қатраси Жайхун каби оқди. Ҳар бошидаги тори мўйича айлана гўйга айланди. Назм (мазмуни):

Беғуноҳ бошнинг ҳар тор сочига минглаб сарварлар боши фидо бўлди. Ўз конинг ярим жав нуқра фойдаси

бўлмаса бўлмасин, заргарларнинг қанчадан-қанча хирмани совурилди.

Шу ҳодиса вуқуъидан олдин ул жамоатдан бир нафари банддан қочган эди. Ўз дўстлари воқеасидан воқиф бўлгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам даргоҳи томон шошилди. Ҳамроҳлари саргузашти сурати уни ғуссага солганди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу хатарли хабарни эшитиб, ғазаб оташи шу даражада аланга олдики, унинг тобиши устига дарё ва конни ағдарди. Назм (мазмуни):

Унинг ғазаб оташи шундай аланга олдики, тобига қуруғ қўл қўярди. Дастидан катта-кичикнинг ғуссаси ошди. Дилу кўзлар қону сувга тўлди.

У ўрнидан дарҳол туриб, яқинида ёлғиз турган пушта устига чиқиб, кулоҳини бошидан олди ва камарини белидан ечиб, ниёзли юзини тупроққа сурта бошлади. Ўртанган дилидан бениёз тангри даргоҳига нола қила бошлади. Тамомила ожизу шикасталик билан қозилқоҳожот ва олам ус-ситрул-ҳаққиётга муножот қилиш билан машғул бўлди. Байт (мазмуни):

Замонлар лавҳида номи биринчи бўлиб ёзилганлар, эй худо! Бу эзид, бу эса тангридир! Назм (мазмуни):

Йўлида исломни изларкан, бу (пайғамбарлар) охири, бу шериксиз (тангри) дегани-деган. Назм (мазмуни):

Соҳибқирон пушта тепасида камарини ечиб, кулоҳини олиб, юзини тупроққа суртганча зорланди: «Эй пок Танграм, сен арзидод қилувчиларни кўкларга кўтарувчисан, бу бегуноҳларга шафқат кўзи билан бок. Гарчи, кийнаҳоҳ бўлсанг ҳам, бегуноҳ ўлганларга шундай назаринг муносибдир». Уч кечаю кундуз шундай илтижо қилди. Ғаму андуҳидан кўзу лаби ҳўлу қуруқ бўлиб турди. Ногоҳ унинг фарёдига ғойибдан етиб келдилар. Етти юз чодирли кўринди. Хотирани ўрнига тушди.

Агар Оллоҳга раҳмат ўқиса ҳам уч кеча-кундуз ўтгач, унинг кўплиги мулку малакутга ғулғула солди. Нариги дунё сокинлари қўл кафтларини «омин!» га очдилар. Ложарам унинг дуоси ўқи ижобат нишонига етди. Ғайб олаמידан келган овози мисол муддаосига муносиб. Ҳуши кулоғига етдики, ҳеч бир шаку шубҳасиз хотири лавҳи ва замири лавҳига нақшланди. Зеро, бу интиқомнинг ишга солиниши ва Султонунинг тобеълари устидан ғолиб чиқиши албатта шубҳасиздир. Назм (мазмуни):

Тангри даргоҳидан ҳеч ким ноумид бўлмади. Шикаста дил бул қулфга калид бўлди.

Мақсади ҳосилига мос тушувчи ғайб овози кулоғига

етгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ул пуштадин ўрдасига хуррам ва хушдил қайтиб келди. Назм (мазмуни):

Марди-майдонларга шундай хушхабар берди: Тангри ғамли дилларни шод қилди. Энди лашкар тузмоқ, белга камар боғлаб, (душманга) адоват бошламоқ лозимдир. Бегуноҳлар боши қасоси учун минглаб кишиларнинг боши йўлларга узилиб тушди.

Шундан сўнг лашкар тартиб бериш ва ҳозирлашга фармон берди. Тавочиларни лашкарлар йўқлови учун ҳар тарафга жўнатди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига: «Эккан уруғлар униб чиқди. Билмаймизки, ҳосили не бўлур», деган мазмунда хат битиб элчи жўнатди. Назм (мазмуни):

Султонга шундай хабар жўнатди: «Ғазаб тифини ғилофдан олгин, зеро сен жабру зулм тухмини экдинг. Олганинг юзи қоралик, ўтқир қилич захми. Сени ўз юришимдан огоҳ қилмоқчиман. Сен ҳам жанг асбобини ростлагин. Шуни билгинки, мен етиб борурман, кейин ғофил қолибман, деб айтмагин».

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Эрон мамлақати томон азми муқаррар бўлгач, жаҳонкушоғлик тадбиридан келиб чиқиб, ўз мамлақати теварак-атрофларида бирор киши бундан саркашлик қиладиган бўлса, уни дафъ қилмоққа саъй қилди. Чунончи, найман подшоҳи Кушлукхон ибн Тойонгхон ва Макрит подшоҳи Тўқбуғон ибн Тўқтобеки (в.67а) бошқа мухолифлар билан бирга қолган эдилар ва йўл атрофларида фитна ва фасод кўтариш билан шуғулландилар. Аввал Кушлукхоннинг дафъи тадбирини қилиб, Жаба нўённи шу тадбир чорасига тайин этди.

КУШЛУКХОН ҚИССАСИНИНГ ОҚИБАТИ

Кушлукхон Хўтан ва Кошғарда зулму бедодликни ҳаддидан оширди, ислом биносини вайрон қилмоқ, мусулмонларга азоб бермоққа қасд қилди. Назм (махмуни):

Ул носазони дафъ қилмоқ учун менинг гардим билан саҳрода етишмовчилик аниқланди. Зулму бедод ҳаддидан ошди. Ситамдийдалар дуоси асар қилди. Бир оз фурсат орадан ўтгач, мазлум дуоси қабул бўлди.

Соҳибқирон фармонига биноан Жаба нўён чексиз лашкар билан Кушлукхон дафъи учун отланди ва Кошғар мамлақатига йўналди. Соҳибқироннинг қаҳрли лашкари овозасини эшитиб, Кушлукхон Кошғарни ташлаб қочди. Назм (мазмуни):

Бадахшон томонда яланг отда наймаңлар бошлиғи

Кушлук ибн Тойонг жаҳонгир сипоҳи гардини кўриб, оромини йўқотди. Кўрққанидан у шаҳардан қочди. Жаба Кошғарга лашкар киритди.

Жаба нўён Кошғар мулкига дохил бўлгач, шаҳарга жар солдирдики: назм (мазмуни):

Кошғарда ўз дину миллатингиздан қайтмангиз, ўз одатларингизда қолингиз.

Кушлукхон лашкаридан бўлган найманлардан кимни топсалар, қатл этдилар. Лашкар Кушлук ортидан ҳар тарафга чопди. Назм (мазмуни):

Девзод Кушлук ортидан Жаба елдек лашкар тортди. Бадахшон тарафдан оёғини тортиб, саҳрода майдек елди.

Кушлукхон жон кўрқинчида ўзини Бадахшон сарҳадидаги Кўҳистонга урди. Ниҳоятда ҳайрат ва изтиробда бир дара томон кетдики, чиқадиган йўли йўқ эди. У ерда бир тўда Бадахшон (в.676) вилояти овчилари ул тоғда шикор қилар эдилар. Уларни кўрган мўғуллар дедилар: «Биздан қочган бу жамоани тутиб бизга топширсангиз, бажонидил сизга амонлик берурмиз». Улар Кушлукхон ва унинг тобеълари гирдини ўраб олиб, ҳаммасини тутиб олдилар ва мўғуллар сари судрадилар. Улар уни қатл этдилар. Бошини олиб, йўлларига қайтдилар. Ул қасабада Бадахшонлилар қўлига жуда кўп ўлжа ва жавоҳир тушди. Назм (мазмуни):

Кўрдикки, хонадон душмани билан хорлиқдан ғайбдон тангри не қила оларди. Худо бир кишига тақвият беради. Исломни йўлга кўяди.

Шу сабабли Хўтан ва Кошғар шаҳарларидан Оби фасокатки, уни Сайхун дерлар, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мулкларига кўшиб олинди. Тўқбағон ибн Тўқтобеки, Макрит подшоҳи Кушлукхон истилоси замонида Кошғар ва Хўтан устида ундан ажралиб кетган эди ва Хум Кечик томонга бориб, хон Жўжи ўғлонни саноксиз лашкар билан унинг дафъи учун жўнатади.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ҲУЖУМИДАН СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ ОГОҲ БЎЛГАНИ ЗИКРИ

Чингизхон элчиси Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ хузурига етгач, унинг ҳаракатидан огоҳ бўлди. Ўғли Султон Рукниддинни Ироқда қолдирди. Имодулмаликзодани молу мулк забти ва мулк тадбирлари учун унга мулозим тайинлади. Ўзи эса Мовароуннаҳрга жўнади. Назм (мазмуни):

Хоразмшоҳ бу аҳволдан хабар топиб, шоҳ билан урушмоққа ҳозирлик кўрди. Ироқи Ажам мулкидан қайтиб, Хуросон шаҳарлари томон шошилди.

Султонмуҳаммад Нишопурга етганда, шу ерда бир ой туриб қолди. Момоси чўлидан адашиб, ҳазилу ҳузул хатари билан кўнглини чоғ қилди. У ердан Бухорога жўнади. Шаъбон саккиздан то тўққизинчи шавволгача шу ерда яшади. Баҳор мавсуми етиб, замонасозлик қилиб йигитлиги тутди, йўлдан озди. Тинмай (в.68а) арғувоний шароб ичиш билан машғул бўлди. Сўнг ўша ҳудуд ва ноҳиялар лашкарларини тўплаб, Самарқандга йўналди. Бу ерни пойтахт қилмоқ истади. Султон Усмон Гурхон билан ёғий бўлиб юрган кезларда у Султон Муҳаммад Хоразмшоҳга тобеълик изҳор қилиб, Султон Муҳаммад номига пул зарб қилди ва хутба ўқиттирди. Султон Муҳаммад унга қизи Хондсултонни берди. Кейин Султон Усмон муҳолифлик кўрсата бошлади. Номуносиб ҳаракатлар қилди. Султон уни қатл этиб, Самарқандни ўзига пойтахт қилди. У ерда масжиди жомеъ бино қилди. Самарқандга етиб келиши билан бир қадар яна ўзига бино қўйганиданми, балки ғафлат босганиданми, айшу тараб бисотини ёйди. Ўша аснода Тўқбуғоннинг макрит қабилалари билан келаётгани хабари Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ қулоғига етди. Шунинг учун Жанд томон кетди. Жандга етгандан кейин Жўжининг лашкар билан таъқиб қилиб келаётганидан хабар келди. Султон ихтиёр жиловини Самарқандга қайтарди. Эҳтиёт чораларини кўриб, Самарқандга келиб етди. Қолган-қутган лашкарни тўплади ва яна Жандга йўналди. Бу ердан уларга қараб юрди. Назм (мазмуни):

Жанд тарафга шундайин сипоҳ тортдики, муҳосиб унинг саноғига ета олмасди. У ердан турклар сарҳадига кириб борди. Унинг улкан сипоҳи залвор оёқли тошдек жиларди. Мансабу сипоҳи билан шу даражада мағрур эдики, офтоб унинг қўз ўнгида заррадек.

Икки дарё оралиғидаги қатлу қиҳ уйига етгач, ҳисобсиз ўлдирилган одамларни кўрди, ҳали қотиб улгурмаган қонларни кўрди. Ўлдирилганлар орасидан бир ярадорни топдилар. Ундан бор гапни билиб олдилар. Маълум бўлишича, Жўжи ўғлон лашкари бўлиб, Макрит подшоҳи Тўқбуғон ибн Тўқтобеки билан жанг қилган ва ғолиб келган. Ўша куниеқ Султон Жўжи лашкари ортидан равон бўлди ва кейинги кунни у билан рўбарў келди.

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИНГ МЎҒУЛ ЖАМОАСИ БИЛАН ЖАНГИ ДОСТОНИ

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мўғул лашкари ортидан етиб, жанг бошлаб юборди. Назм (в.686) (мазмуни):

Султон (сипоҳ) ғўли билан шундай хужум қилдики, мўғул сипоҳи кўз олдингизга келарди. Етиб келгач, буг чалдилар. Хоразмшоҳ туғ остидан ўрин олди. Лашкарни жанг саҳросига олиб кирди. Лекин мўғулни Чочий чанг банд этганди.

Султон сипоҳи жанг қилишдан мўғул лашкари муқотила ва муқобаладан қочишарди. Шу нарса урф эдики, айтишади. Назм (мазмуни):

Эй шаҳриёр, ёшлик этиб, муллога ишониб, комронлик қилмагин. Эй шаҳриёр, дилимизни ғамга солма, ўз жонингга қасдимизни кўзгама. Чингизхон бу диёрга бизни бошқа иш билан жўнатган. Лашкарпаноҳ у шоҳдан Хоразмшоҳ билан урушмоқ ижозатини олмаганмиз. Уларнинг бу гапидан султон ғазабга келди. Лашкарини уларга қарши ташлади.

Мўғуллар тахминича, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ улар томон келарди, зарурат туғилганда жанг қилишади. Назм (мазмуни):

Мўғул сипоҳи оз эди, лекин юз ёмон жангчидан бир яхши ботир афзал. Улар султон сари дев каби шундай хужум қилдиларки, (лашкари) қалбини сурон билан ёриб ўтдилар. Осмон мартабали султон ўша кун яраланиб, асирга тушай деди.

Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад хоразмшоҳ лашкар қалби тўқнашганини кўриб, ҳамла қилди. Ўша кун кечгача қаттиқ туриб мардона жанг қилдилар. Назм (мазмуни):

Ўша кун у жангда қаттиқ турди. Кўзғолганда темир тоғдек оғир жиларди.

Қоронғи тушгач, мўғул лашкари Чингизхон тарафга равона бўлди. У ерга етганларидан кейин, бўлган воқеаларни арз қилдилар. Назм (мазмуни):

Ул сипоҳ шоҳ ҳузурида Хоразмшоҳ аҳволининг яхши-ёмонини сўзлаб бердилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу хабарни эшитиб, қаҳр оташи алангаланди. Назм (мазмуни):

Мамлакат паноҳи шоҳ бу сўзни эшитди ва сипоҳ тўплансин, деб фармон берди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ БИЛАН МУҚОБАЛА ВА МУҚОТИЛА АСБОБИНИ ҲОЗИРЛАГАНИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳаракати (в.69а) яқинлашганда, озгина мўғул сипоҳидан талон-ғарож кўрган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг дилини ҳавфу ҳарос эгаллади. У ердан қайтиб, Самарқандга келди. Мунажжимлар дейишди: «Суъуд ватадлар даражаларидан чиқди ва Ошир соқитдир. Нозир наҳслар чандонки, Толе Ошира сояси зулмлар даражасини ўтказур. Кириб келган душманлар қаршисида бирор иш бошлаш ихтиёрини қила олмагай». Бу сўзлар унинг ваҳму ҳайратининг ошувига сабаб бўлди. Назм (мазмуни):

Ёмон бахти уйғонган киши кўзига роҳат уйқуси ярашади-ми? Кимдан бойлик юз ўгирган бўлса, ишининг равнақи йўлини ҳеч бир тополмайди. Султон Муҳаммад бу сўзни эшитиб, бутунлай ҳайрат дарёсига чўмди. Энди унга савоб иш йўли боғланди: офтобдан ой нури насиб бўлмайди. Ўзи қилган ишлардан пушаймон бўлди. Лекин унга ҳеч ким надомат қилмади.

Айтишларича, ўшанда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ихтиёрида саноксиз аскар, кўпгина лашкар бўлган. Муҳосиблар унинг сони 400 мингдан кам бўлмаганини айтганлар. Аммо, мўғул лашкари юришидан кейин Қорача Ҳожибни ўн минг киши билан Ўтрорга Ғойирхонга мадад учун жўнатди. Токи, у Ўтрор муҳофазасини уюштиргай. 30 минг кишини Бухоро мудофааси учун тайинлади. 110 минг кишини Самарқандда қолдирди. Шу жумладан, 60 минги турклар эди. Уларнинг сардорлари Султон ашрофу аъёнларидан бўлган хонлар бўлиб, ҳар бири ўз даври Асфандиёрларидан эди. 50 минг киши тожик муфридларидан бўлиб, ҳар бири бир Рустам эди. 40 минг кишига қалъалар ва ҳисорлар қуришга фармон берди. Хандокдан боғ четигача етказдилар. Эртаси куни султон ҳаракат қилиб, унинг устидан ўтди ва дедик: «Бизга қасд қилган лашкар, агар ҳар бири биттадан бу сандиққа тозиёна ташласа тўлгусидир». Назм (мазмуни):

Гапу сўз, шаҳар, лашкар ва жондан бир йўла қарз олдилар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ у ердан Нахшаб йўлига равона бўлди. Қаерга бормасин халққа (в69б) васият қиларди ва дер эдики: «Чорангизни кўринг, нажот ерларини қўлга киритинг». Бир кишини Хоразмга жўнатиб, онаси Туркон хотунга бошқа хотунлар ва болалар билан жамеъи

хазина ва захираю, кимматбаҳо матоларни, нафис буюмлар ҳамда жавоҳирларни олиб Мозандаронга кетиши лозимлигини айтди.

Хабар Туркон хотунга етгандан кейин атрофдан келганлардан болаларгача воқиф бўлдилар. Амирлар ва аъёнларни лашкар билан Хоразм муҳофазаси учун қолдирди. Бошқа ўғиллар ва унинг хонадонидан бўлган болалар ва султон ҳарамдагиларни олиб, Мозандарон томон жўнадилар. Назм (мазмуни):

Чексиз дабдаба билан Хоразмдан Мозандарон сари йўналдилар.

Султон бу воқеа тадбири не натижага муяссар бўлур, деб аркони давлатдан ким билан маслаҳат қилмасин, ҳар ким ўз ақли андозасича сўз деди ва маслаҳат кўрди. Кўрикчиликда айём тажрибали ва тадбирда ниҳоятда мулоҳазали ва фикрловчи кишиларидан бир жамоа дедики, Мовароуннаҳр қиссаси уни бу ҳолда сақлаб қолиш мумкин бўлган чегарадан ўтгандир. Энди Хуросон ва Ирокнинг қўлдан кетмаслиги чораларини кўрмоқ зарур. Бугунги кунда ҳар шаҳар ва тарафга жўнатилган лашкарларни қайтармоқ лозим. Ёппасига ҳужум қилиб Жайхун дарёсини қўлга киритиб, мудофаа билан машғул бўлмоқ лозим. Мўғул лашкарининг дарёдан ўтишига ва бу тарафга келишига йўл қўймасликка саъй қилмоқ керак. Яна бир тўда одамлар Ҳиндистон ва Ғазнин томонларга кетиш лозимлигини айтишди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шу истакка мойиллик билдирди ва иккинчи таклифни ихтиёр қилди. Йўлга чиқиб, Балхга етиб келди. Бу вақтда Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли Султон Рукниддин Ироқда эди. Имодулмулк Совожини тўхфа ва ҳадялар билан отаси ҳузурига жўнатди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳузурига Имодулмулкнинг фириб йўллари кўп бўлди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ дилига ватанга меҳр ҳиссини солди. Бу жамоат кўп тортишувлардан кейин ўзни ундан узоқроққа тортишимиз ва Ироқ томон кетишимиз лозим, деган қарорга келди. У ерда лашкар тўплайжакмиз ва сўнг ишга киришурмиз, дедилар. Султон (в70а) Жалолиддин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўғли бу вақтда отаси билан бирга эди ва отасининг раъйини инкор этди ва деди: «Агар Султон Ироққа кетадиган бўлса, лашкарларини менга қолдирсин. Мен эса Жайхун дарёси бўйида тургум. Дарёнинг у томони (мўғуллар) эгаллайдиган бўлса, бу томонга ўтказмагайман, монельлик қилурмен. Энг тўғри йўл шул». Назм (мазмуни):

Кетиб Жайхун томонга чодир тикаман: душманлар

жонига қасд қилурман. Бу сипоҳ билан у ерга бориб етсам, дарёнинг у томонига ғаним бормагай. Аммо, биздан сенга зиён-заҳмат етгудек бўлса халк бизга таъна гап айтмайди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ чехрасида қалқиб турган хавф пиддати ва ғалабасидан ўгли Султон Жалолиддин сўзига илтифот қилмади. Назм (мазмуни):

Ёш йигитнинг кексалардек сўзларини укувсиз Султон эшитмади. Унга деди: «Толеим ёр бўлмаганидан бирор ишга ҳам қўл урмайман!» Унинг вояга етганини тушунмади. Бу сустиги унга ҳам ўтишини билмади. Тангри бир кимсани хор қилса, тўғри йўлдан боришга бўйни ёр бермайди.

Оқибатда, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Имодулмулк фикрини маъқул топди. Ироқ томон азимат қилмоққа ихтиёр айлади. Заҳардан аччиқроқ айш билан Балх шаҳридан чиқиб кетди. У ердан Панжобга мактуб йўллаб, ҳаводиси аҳволдан хабардор бўлишни топширди. Ўша кезларда баногоҳ хабар келдики, Бухоро олинибди, деб. Султон дарҳол ўз салтанати фаноси учун тўрт бор такбир ўқиди ва мамлакат келинига уч талоқ айтиб, чодир гўшасига боғлади. Ражъат (қайтиш)ни чунончи, бундай боғламади. Юзини захга бериб ётди. Унинг лашкарининг кўпчилиги туркман жамоасидан, онасининг хайлу хешларидан. Уларни қаъдалилар, шунингдек, ўрониёнлар ҳам дейишган. Бу безовталиқ асносида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни ўлдирмоққа қасд қилдилар. Бунга сабаб шул эрдик, Хоразмшоҳ девони аҳлидан бўлган Бадриддин Амид Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан кўрққанидан қочиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам паноҳига бориш учун унга ихлосу садоқат ихори билан нома юборди (в. 70 б). Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам тилидан ҳам орқасидан дўстона маваддатнома ёзиб, жосус кўлига юборди. Бу мактублар Султон хизматчиларидан бирининг кўлига тушди. У буларни Султонга етказди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўз амирларидан бадгумон бўлиб, буни баъзи хос кишиларга ихор этди. Шу бўлди-ю, бу воқеа овозаси кенг ёйилди. Амирларнинг баъзиси ҳам Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан кўрқишиб, ваҳимада бир тўда амирлар ва сипоҳийлар Султон хобгоҳи томон юрдилар. Султон бундан воқиф эди. Хобгоҳни ташлаб холи жойда хиргоҳ тиккан эди. Ҳалиги тўда ярим кечада қўлларига ўқ олдилар. Эрта тонгда отилган ўқлардан хиргоҳни ғарболдек илма-тешик кўрдилар. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг соғ-саломат қолгани маълум бўлгандан кейин, ҳалиги жамоа разил хатти-ҳаракатлари туфайли жон ваҳмида қочиб қолдилар ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳузурига жўнадилар. Султон

Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қолган амирларига ҳам ишончи қолмади. Шу сабабли ҳар бир амирини бир шаҳарга жўнатди. Ўзи ваҳимада Нишопур томон йўналди. 617 сана туркий илон йилида музаффар сафар ойининг 12 сида, Нишопурга етиб келди. Ғоят ғамгинлигидан, айшу ишратга машғул бўлди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ЭРОН МУЛКИ САРИ ЮРИШИ БАЁНИ ЗИКРИ

Мўътабар тарихларда рақам ва зикр қилинганки, 615 сана, тавушқон йилида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўз мамлакатлари аскарларидан лашкар тартиб бериб, Эрон сари равона бўлди. Назм (мазмуни):

Жаҳон мулки шаҳриёрларининг шоҳи Соҳибқирон Чингизхон Темучин Султон билан жанг қилмоққа адоват дилини қўйди. Амирларига мукофотлар берди.

Йўл асносида теварак-атрофдан лашкарлар келиб унга қўшилишди. Назм (мазмуни):

Баҳор чоғи атрофдан сел йиғилиб дарё бўлганидек, майл ҳам жўшади.

У ердан қорлуғ қавми ҳокими Арслонхон (в. 71 а) ўз қабиласи билан Қийолиғдан чиқиб лашкароғ сари йўналди ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўрдусига келиб қўшилди. Бешбалиғ уйғурларидан Идикут ўз қавми билан келди. Олмалиғдан Шайқуноқ Тегин укаси билан қонғли ишбилармон одамлари билан хизматга келди. Назм (мазмуни):

Теварак-атрофдан кўплаб сардорлар саноксиз лашкарлари билан етиб келдилар. Хизматга бел боғлаб, мадҳияга оғиз очдилар.

Аммо, қирғиз лашкари муҳолифлик қилиб, уй-уйларига қайтган эдилар. Шу сабабли Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жўжини саноксиз лашкар билан улар устига юборди. Назм (мазмуни):

Шоҳ шаҳзода Жўжига деди: «Хўтан томон қирғизлар устига лашкар тортгин. У ўлкани босиб олгин. Шум ёғийлар саркашлигини синдир!» Қоон фармонига кўра ўғил улкан мўғул лашкари билан йўлга тушди. Қирғиз дарёсининг юзи яхлаган эди. Ундан шоҳ лашкари зудлик билан ўтиб олди.

Жўжихон дарёдан ўтиб, ул жамоатнинг маскани бўлган ўрмонга етишди ва хужум қилди. Ул қавмнинг барчаси элик тоати ҳалқасига итоат гарданини қўйдилар. Шаҳзода Жўжи

у ердан қайтиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга келиб қўшилди. Назм (мазмуни):

Эрон йўли қийиқ, ёки тўғри бўлса ҳам Туронда ҳеч кимда шубҳа қолмади. Жаҳонгир ҳар томонга сипоҳ тўпланиши хабарини жўнатди. Султон билан уруш қилмоқ ниятини айтди. Ўз мақсадидан уни ҳам огоҳ қилди. Ўрдуддан бир кишини олдинга жўнатди (ва султонга етказди): «Эй бегуноҳ савдогарларни ўлдирган. Улар қасосини сандан мен олувчиман!».

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ЎКТОЙХОН ВА ЧИҒАТОЙХОННИ ҒОЙИРХОН УСТИГА ЎТРОР ТОМОН РАВОНА ҚИЛДИ

Ўктойхон ва Чигатойга тобеъ, ҳисобсиз лашкар бир-бир ўзларини дарёга ташлаб, сузиб сувдан ўтиб олдилар. Ҳазилхузул билан Ўтрор сари йўналдилар. Манзилу марҳалалар кезиб, ул ерга етдилар. Назм (мазмуни):

Қалъа олдида шох бахти пайдан бўлиб, сарой тепасига чикди арава устидан.

Ғойирхон ва Қорача Ҳожиб ҳисор тепасига чиқдилар ва қалъа муҳофазаси билан машғул бўлдилар. Инолчук лашкар эну бўйини кўздан кечирди. Назм (мазмуни):

Офтобдек нур сочиб турган бир ойни кўрди. Беҳисоб лашкар зарралардек уни ўраб олган эдилар. Қўрқанидан жонидан умидини узди. Ҳаросда тол баргидек титрарди. Ўзи эккан уруғ униб чиқиб, унга салом бераётган эди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жўжихон, уйғур қабиласи подшоҳи Идикутни улкан лашкар билан Жанд томонга равона қилди. Улоқ нўён ва Сангтур ва Буқойни беш минг жасур қонхўр суворий билан Фасокат сари йўллади. Назм (мазмуни):

Кетма-кет ҳар ўлка, ҳар томонга мавкиби билан амирларини жўнатди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ҚУББАТУЛИСЛОМ БУХОРО САРИ ЮРИШИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўзи Тулихон билан қолган лашкарни олиб Бухорога ҳаракат қилдилар. Айтадиларки, Бухоро лафзи «Бух оро» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, мўғуллар тилида «илм мажмаъи»

демакдир. Бу лафз уйғур ва хитой бутпараствлари тилида улар ибодатхонаси (маъбади)га яқиндирки, бутлар мавзеъидирки, Бухор демишлар. Йўл асносида Зарнукқа етдилар. У ер аҳолиси уларнинг истиқболига чиқиб, молу бошлари учун омонлик топдилар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Зарнукни Болиғ деб атадилар, яъни Шаҳри Муборак. У ернинг ёшларини ажратиб олиб Бухорога элтдилар. Қолганини қолдирдилар. Зарнукқа етганларида Нур аҳолиси ҳам бошлиқлари билан келдилар ва бир йиллик моли муқаррарийни адо қилдилар ва бошлари учун омон топдилар. Бирор киши ҳам уларга дахл қилмади. Ул ердан Бухоро сари йўлга чиқиб, 617 санайи ҳижрий, туркий илон йилида Бухорога етиб, шаҳар ташқарисида нузул қилдилар. Шоҳ боргоҳи куббасини ой авжигача кўтардилар. Назм (мазмун):

Хунхор дарё жуда чуқур бўлганидан қалъа дарвозасига келиб тушди. Кейин шоҳ саропардасини қалъа яқинидаги даштда ўрнатдилар.

Кечқурун бўлгач, Бухоро амирларидан Кўкхон ва Ҳамид ва Севинчхон, Лашкархон уч минг киши билан шабихун қасдида чиқиб келдилар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам сипоҳининг чингдовулики, талоядан иборат эди, улардан хабар топиб, устига ҳужум қилдилар. Тун сингари улар бошига қаро кун солдилар. Назм (мазмун):

Шабихун ясамоқ қасдида Бухоро қалъасидан уч минг сипоҳ чикди. Бундан чингдовул хабар топиб, уларга ўзларини довулдек урдилар. Бечораларни тупроққа қордилар. Пахлавонлар юрагию қорнини ёрдилар. Кейинги куни юлдузлар паноҳи бўлган шоҳ (яъни куёш) ўз нурлари билан ой рухсорини ёпганда бухороликлардан чиқиб сайр қилганлари тоғора тўла қону (кесик) кўлни кўрдилар.

Ҳар икки лашкар шабихун тадбиридан ўз кўргуликларини кўрдилар. Эртаси куни шаҳар имому уламози ва аъёнлари, Бухоронинг барча бузурглари ташқари чиқиб, таслим ва эл бўлиш маросимидагидек қоматлари билан халқни тундбод (бўрон) балосидан ва қаҳридан сақлаб қолдилар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам томоша учун шаҳар ичкарасига кирди. Масжиди жомеъга етганда, олий иморатни кўриб, ичкарига шошилди. Мақсура олдида турди. Кейин сўради: «Султоннинг саройи шулми?» Жавоб бердилар: «Сўраманг». Кимники ахир? Дедилар: «Бу осмону замин холиқининг уйидир». У отидан тушди ва иккинчи минбарнинг поясига чикди ва ўлтирди. Лашкарига деди: саҳрода ўт йўқки, отларни тўйдирсангиз. Ўша ердаги сандиқларни нарсасидан тозалаб, арпага тўлдирдилар ва отларга охур қилдилар. Жиловларини уламога тутқаздилар.

Сўнгра майхўрлик билан машғул бўлдилар ва мўғул ашуласи оҳангини бошладилар. Назм (мазмуни):

Шуни билки, Тангри арбоб биландир. Улар кўрнамакликларини намоён этадилар. Ҳадис айтиш жойидир, хомуш бўлгин, тилингни тийгилу, бор-йўгинг кулоққа айлансин.

У ердан отга миниб, ийд мусаллосига қараб ҳайдади. Минбарга чиқиб, ўлтириб олди ва шаҳар одамларини тўплади. Назм (мазмуни): (в. 72 б).

Шундай деди: «Эй худонинг ғазоби бўлган қавм, у мени сизларнинг бошингизга юборди. Сизлар кибрли сипоҳ эдингиз ва худо ғазобини ўзларингиз чақириб олдингиз.

Таржимон турган эди. Мўғул лафзида нима деган бўлса, форсийга таржима қилиб турди. Шу тарзда бирнеча сўз айтгандан кейин буюрдик: шаҳарда нимаики зоҳирда турган бўлса, келтиришнинг ҳожати йўқ. Махфий сақланаётган нарсаларни бизга топширишларингиз зарур. Бойлар ва амалдорлар иттифоқ бўлишиб, ўз бошларини олтин эвазига сотиб олдилар. Назм (мазмуни):

Бухоронинг барча давлатманд кишилари тотор сипоҳи бошлиқлари дастидан омбордаги моли, харвор-харвор тиллаларини бериб, хондан ўз бошларини сотиб олдилар. Хоразмшоҳ сипоҳидан башарти ўз уйларида ўлтирмай, шаҳардан ташқари чиққанлари бўлса, қаҳрдан бошқа нарсани топмадилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг шундай ёрлиғи эълон қилиндики, «Хоразмшоҳийларни шаҳардан қувиб чиқаринг, ёпиқ ва пинҳон қолмасинким, кимки Соҳибқироний ёрлиғига хилоф иш қилса ўлимга маҳкумдир». Айтишларича, шундай одамлардан кўпчилигига шаҳарликлар жой берганлар. Хоразмшоҳийлар лашкарининг аксарини ўз уйларига яширганлар. Тожик ва Бухоро аҳлидан бир неча киши баъзиларнинг бир-бирига бўлган хусумати, яъни қонида бўлган ўз хислатига мувофиқ, бу ҳолдан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамни хабардор қилдилар. Шу сабабли ҳукм шартига мувофиқ қатли ом содир бўлди. Назм (мазмуни):

Қазою қадар амри билан тоторлар Бухорода ажаб қотилликлар қилдилар. Замон соҳибқирони саркардалар шоҳи Чингизхоннинг ёрлиғига кўра шартни бузиб, халққа қарши тадбир кўрганлар. Ҳоқоннинг ғазоби қайнади, шоҳ қаҳридан оташ чиқарди. Шаҳар аҳолиси ундан ёниб адо бўлди. Бир кунда ҳўлу қуруқ ёниб битди: на жонсиз нарса қолди, на жонли. Шаҳарда бирорта ҳам сипоҳ қолмади. Улар ўрнида фақат қора тутун бурқсирди.

Шаҳар батамом ёниб бўлгандан сўнг, атроф-теваракда яшайдиганларни тўплаб, қалъа пойига ҳайдаб келдилар, қалъа хандақининг тўлдирилмаган жойларини кўмдирдилар. Тез кунда қалъани ҳам кўлга киритиб, ўт кўйдилар. Унинг ҳокими Куюкхонни, ўша қалъадагилар билан бирга (в. 73 а) сиёсатга етказдилар. Ҳисорни ер билан яксон қилдилар. Назм (мазмуни):

Шаҳру бору, дарвозадан қолмади нишон; бундайин дардга ким топар дармон. Бухоро тақдирин қилиб омода, бошини фахрдан кўрди самода.

ЎТРОР МУҲОСАРАСИ ДОСТОНИНИНГ ТУГАШИ

Ўтрор муҳосарасига тайинланган Ўктойхон ва Чигатойхон пайкор ва Ўтрор қалъаси жанги асбобига тартиб бериш билан машғул бўлдилар. Назм (мазмуни):

Шаҳзодалар Ўтрорда беш ой ул сипоҳ билан жанг қилдилар. Одамлар саранжомлиги жонни ўртарди, улар бечоралиқдан фиғон чекар эдилар. Қорачор эл бўлишга мойиллик кўрсатди. Аммо Ғойир кўрқувдан рози бўлмади.

Ғойирхоннинг асл номи Инолчуқ эди. Дедики, агар Султон Муҳаммаддан юз ўгириб, шаҳарни топширгудек бўлсак куфрони неъмат бўлур. Қоронғу тушгандан кейин Қорачор Ҳожиб лашкари билан Сўфихона дарвозасидан ташқари чикди ва мўғулларга эл бўлди. Ўша тунда мўғул сипоҳи шу дарвозадан кириб, шаҳарни олдилар. Тонг отгач, Қорачорни тамоми лашкари билан тифдан ўтказдилар. Назм (мазмуни):

Шаҳзодаларни зор қақшатиб ўлдирдилар. Зеро, жангдан кейин эл бўлишлиқнинг фойдаси йўқ эди.

Ўтрорнинг бутун аҳолисини саҳрога ҳайдаб чикдилар ва қатли ом қилдилар. Ғойирхон йигирма минг киши билан қалъага кириб олишди. Барчаси жонидан умид узиб, ўлим юзига тик боқиб, қарию ёш ўлимни замирилари лавҳига чекиб, бир ой давомида жанг қилдилар. Бу орада мўғул лашкарининг кўпчилиги қалъага кириб олишди. Назм (мазмуни):

От, яроғ, сипоҳи қолмаганидан уйи ва томидан бўлак паноҳи қолмади. Мўғул сипоҳи уларни кўлга олди. Бу гулдек нозикларни от ёлига босдилар.

Ўтрор ҳисорини кўлга киритиб, ер билан баробар қилдилар. Тирик қолганлардан, раъият ва ҳунармандларнинг баъзиларини ҳибсга олдилар, баъзиларини эса қул қилиб ҳайдадилар. Шу вақтда Соҳибқирони аъзам Чингизхони

муаззам Самарқандга етиб келганди. Улар ҳам Самарқандга йўналдилар. Ғойирхонга Кўксаройда ажал шаробини ичирдилар. (в. 73 б).

ЖАНД ВОҚЕАСИ ДОСТОНИНИНГ ОХИРИ. ЖЎЖИХОННИНГ ЖАНД ШАҲРИ ХАЛҚИ УСТИГА ЮРИШИ

Жўжихон фармонга биноан йўлга чиққан эди. Йўл асносида Шикноққа яқинлашганда шу шаҳардан бўлган Ҳасан Ҳожини у томон элчи қилиб жўнатди ва эл бўлишни таклиф қилди. Ул шаҳарнинг авом халқи калта ўйловлик қилиб, уни ўлдирдилар. Жўжихон бу хабарни эшитиб, номақбул ишдан ғазабланди ва шаҳар томон юрди. Назм (мазмуни):

Шикноқни қамал қилдилар. Турмуш қийинчилигидан икки кун ичида шаҳар вайрон қилинди. Аҳолиси ғазаб билан қириб ташланди.

Ҳасан Ҳожининг ул шаҳарда Ҳожи Мақбул деган ўғли бор эди. Уни ҳоким тайинладилар. У ердан ўтиб, Юзгандга етдилар. Назм (мазмуни):

Сипоҳ Юзганд сари йўналиб, бир кечада уни забт этди ва бир кунда вайрон қилди. У ердан Ашносга қараб юрди. Бу шаҳар муштумзўр ва авбошларга тўлиғ эди. Улар шўхлик қилиб зўрликларини кўрсатмоқчи бўлдилар. Лекин бир дамда енгилдилар.

Бу хабар Жанд ҳокими амир Хутлукқа бориб етгандан кейин дилини ваҳму кўрқув чулғади, шаҳарни ташлаб, қочмоққа юз тутди ва биёбон орқали Хоразмга кетди. Жўжихон Жаймурни Жандга элчи қилиб жўнатди. Токи шаҳар аҳлига насиҳат қилиб, эл қилгай. Жаймур у ерга боргандан кейин қараса уларнинг бирорта пешвоси йўқдир. Авом ғалва қилиб, уни ўлдирмоққа чоғландилар. Жаймур ўзининг хусни тадбири ва эпчиллиги билан улардан халос бўлиб, Жўжихон ҳузурига келди ва бор гапни етказди. Жўжихон ҳаракатга келиб, Жандга етди. Шаҳар аҳолиси дарвозаларни маҳкамлашдан ва ҳисорга кириб олишдан бўлак жасорат кўрсатмадилар. Мўғул лашкарлари нардбонлар ясаб, қалъа деворига қўйдилар ва ҳисор тепасига чиқиб олиб, шаҳарни қўлга киритдилар. Назм (мазмуни):

Халқ Жандда жанг қилди. Мўғуллар чанг солишиб ўлдирдилар. Икки-уч шўрбахт кишидан ташқари ўлдирилмаган одам қолмади. Жаймурга қаттиқ гапирган эдилар. Сахрога кўчиб чиқиб, уйларни бегоналарга фармон бўйича топширдилар.

Мўғуллар Жанд қалъасини эгаллаб, бир ҳафта давомида ул ернинг халқини ғорат айладилар. Шаҳар боруларини ер билан баробар қилдилар. Бухоронинг Ғиждувонидан бўлган Алихожани унинг ҳоқими этиб қўйдилар.

Барчин шахрини олиш учун бир амирни бир туман туркий лашкар билан жўнатди. Шаҳарни мусаххар қилиб, ул ерга доруға қолдирди ва бу ердан Соҳибқирони аъзам ўрдусига келиб қўшилди.

АЛОҚ НҲЁН ДОСТОНИНИНГ ОХИРИ. ФАНОКАТ ВА ХҲЖАНД ВОҚЕАСИ

Алоқ нўён Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам фармониға кўра Фанокат ва Хўжанд томон йўл олган эди. У ерга етишгач, Фанокат ташқарисида жойлашди. Фанокат волийси Ингу Малик ҳисобсиз лашкар билан ул ҳисорға кириб, мудофаа жангини бошладилар. Назм (мазмуни):

Алоқ нўён Фанокатға етганда Ингу Малик қалъани қўлга олди. Алоқ Нўён маликни ҳар томондан жазоға тортиш лозим деб ҳаракат қилди. Қилич тортишди, ўқ отишди, икки ўртада жанг бошланди. Икки-уч кун олдин дўсту ёр бўлиб юрганлар энди йўқлик сари йўл тутдилар. Қалъа йўли, буржларида Ингу Малик ўз ишининг ботирлари билан уч кун жанг қилдилар. Тўртинчи куни эса омонлик сўрадилар. Алоқ нўённинг муштумзўрлари тазйиқи билан Фанокат шахридан аёлу эр, болалар, катта-кичик ташқари чиқдилар. Барчаси қон мавжига ғарқ қилинди. Не жангни қўйдилар, не ошнони. Фанокат оҳидан фано чиқарди. Бир неча кишидан бўлак тирик жон қолмади. Улар қиёмат денгизини танлаган эдилар.

Шаҳар одамлари ожиз бўлиб қолган тўртинчи куни барчаси омонлик тилаб ташқари чиқдилар. Мўғуллар ул одамларнинг барчасини қатл этдилар, шаҳар молини ғорат қилдилар.

Фанокатда ишларини (в. 74 б) саранжомлагандан кейин Алоқ нўён, Хўжанд шахри томон лашкар тортди. Назм (мазмуни):

Фанокатнинг иши саранжом топгач, Алоқ оти жиловини Хўжанд томон бурди. Хўжанд сари юзланганда раҳму шафқат, шарму ҳаёни йиғиштириб қўйди. Хўжанд шахриға яқинлашганда Темур Малик уларға тўсқинлик қилди. Киши гарданида бўлса юз Зол. Тангри ўйини бу: ҳам қанот, ҳам ёл. Унинг замонида Сом бўлганида, ўз эълонномасида унинг номини ёзган бўларди. Унинг толеъида дастлабки ривож

бўлди. Лекин дунё унинг ишига безак беролмади. Малик шитоб билан қалъага кирди. У қалъа сув ўртасида эди. Тоторларга қалъа дарвозасини беркитди. Бир муддат улар билан жанг қилди. Сайхундан чиқиб жанг қиларди: Алоқ палангу Темур наҳанг эди. Бир муддат улар жанг қилдилар. Жангдан Темурнинг ҳоли танг бўлди. Малик ўз яқинлари билан қутулиб кетиш учун Сайхунга хос кемаларни туширди.

Алоқ нўён Фанокат ишидан кейин Хўжанд шахрига келди. Шаҳар арбоби ҳисорда эмас эдилар. Шаҳар волийси Темур Малик эди. Шижоатда шундай мартабада эдики, Рустаму Зол тирик бўлганда унинг савлатидан фахрланган бўларди. Агар Соми сувор ҳаётдан баҳрадор бўлганда унга бўлган бандалиги ҳалқасидан боши осмонга етарди. Лекин, давр толеъи инқилобидан ночору ноилож қолди ва Сайхун номи билан маълум Хўжанд дарёси ўртасидаги Ҳисорда, сув икки шохга бўлиниб оқадиган жойда, бир олий қалъа бино қилган эдилар. Мўътаמיד ул-истеъдод минг нафар киши билан у ерда ўрнашиб олиб, тезлик билан ҳисорни мустаҳкамлаш ва жангга тайёргарлик билан машғул бўлди. Назм (мазмун):

Душманлар билан тинмай жанг қилди,

Шаҳру қалъа гирдини душман ҳалқа қилиб ўраб олганди.

Манжаниқ ўқлари у ерга етмагани сабабли хўжандлик ёшларни тўплаб, ул жойга ҳайдаб келтирдилар. Ҳар қўлга киритилган вилоятдан мададга одамларни келтирдилар. Тахминан 50 минг нафар одам ва 20 минг мўғул (в. 75 а) тўплашди. Уларнинг мажмуъини даҳча, садаларга бўлдилар. 18 нафар тожик тепасига бир мўғул қўйилди. Тожиклар дарёга ҳашак келтириб ташлайдиган бўлдилар.

Темур Малик ўн икки қурур, усти ёпилган кема қурдиради. Намад устини лой ва сиркани қориб сувашди. Чунонки, ўк ҳам, оташ ҳам унга қор қилмайдиган бўлади. Унда даричалар қолдирилганди. Ҳар кун тонгда ҳар икки томонга олтитадан кема билан келиб, қаттиқ жанг қиларди. Аҳвол танг бўлавергач, усти ёпик 80 кема қуриб, устини лой ва сирка қоришмаси сувалган намад билан ёпдилар ва қочиш учун ҳозирлаб қўйдилар. Юклари, кўч ва бола-чақаларини унга ордилар. Ўзи жанговар йигитлар билан бир қурурга ўлтирди. Сўнг яшин ва шамолдек елиб дарёда сузиб кетдилар. Мўғул лашқари огоҳ бўлиб қолди. Жанг қила-қила уларга эргашиб, дарё қирғоғи бўйлаб чопдилар. Қайси томонда мўғул лашқари зўрайса жангчилар ўлтирган қурурлар шу томон елиб, қазо ўқидек камондан ўқ отишарди ва хато қилмас эдилар ва уларни ҳайдашарди. Кемаларни

дарё бўйлаб елдириб, Фанокатгача етдилар. Бу ерда дарё ўртасидан занжир тортилган эди. Сув юзасидан хезлаб келаётган кемаларни шу билан тўхтатмоқчи бўлган эдилар. Бир зарб билан (занжир) ни икки бўлак қилдилар. Белгиланган ерга сахрога келганларида ўз кемаларини соҳилга яқин суриб, дарёдан ташқари чиқдилар. Биёбон сари йўналдилар. Мўғул лашқари Темур Малик ва унинг одамлари ортидан тушдилар. Темур Малик ҳар соатда ўз дўстлари билан елкама-елка туриб жанг қиларди, токи дўстлари узоқроқ кетгайлар. Яна ўз дўстлари ортидан югуришарди. Бир неча кечаю кундузда шу тарзда лашқарининг аксари нобуд бўлди, баъзилари ярадор бўлдилар. Молу мулкларини душманлар талаб олди. Темур Малик бир гуруҳ барқарор одамлари билан шошилмай, душман йўлини тўсди. Ёнидагилар ҳам нобуд бўлгандан кейин, унинг қурол-яроғи қолмади. Фақат уч ўқи қолганди. Уларни ҳам бири синган ва пайконсиз эди (в. 75 б) Уч мўғул некомиш билан елиб келарди. Темур Малик ҳалиги синиқ пайконсиз ўқ билан бир мўғулнинг кўзини чоғлаб отди. У кўр бўлиб қолди. Қолган иккисига деди: «Бу икки ўқ бирла сизларга жавоб бера олурман десам бўлади; қайтингларки, сизнинг тақдирингиз шу ўқларда».

Ул икки мўғул Темур Малик қўлидан келган, кўз ўнгларида бўлган ишларни кўриб, унинг сўзини тасдиқладилар ва қайтиб кетдилар. Темур Малик соғ-саломат қолди. У Хоразмга жўнади ва халқ ишига аралашди. Бир жамоа билан Касба шаҳри томон кетдилар. У ердан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ хузурига жўнадилар, Назм (мазмунни):

От чоптириб Султонга етди. Унга етгач мўғул сипоҳи ҳақида дедик: «Селдек чексиз лашқар ҳар қалъа ва шаҳарни забт этиб келмоқда. Худ кийиб олган ёки темир дарвозаси бўлса ҳам, бўлмагандек бўлди. Билгилки, ғазабга минган кун бу сипоҳ ҳар мамлакатда ҳам шундай жанг қила олади! Дунёда мўғулдан бошқа ҳеч ким қолмади». Паҳлавондан султон эшитган гаплар унинг танидан мадорини олди. Ғамдан бедил, бетадбир бўлиб қолди. Ёш эди бахти, аммо кексайди.

Алоқ нўён Хўжанд ишидан форуғ бўлгандан кейин, қайтиб Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам рикоббуслиги учун жўнади. Самарқанд фатҳидан сўнг Соҳибқирон ўрдусига қўшилди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ САМАРҚАНД ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Самарқанд сифати, унинг мустаҳкамлиги, майдонининг кенглиги, халқининг кўплиги ва сипоҳининг бисёрлигини эшитган эди. Назм (мазмуни):

Соҳибқирон жосусдан Самарқанд ва унинг мустаҳкамлиги, ободликда бунга ўхшаш макон ер юзида йўқлиги, ўрдасининг асоси чарх гумбазидан ҳам олийлиги васфини эшитди. Бу бахтли шаҳарнинг забти ўзгача эди.

Саноксиз лашкарга Мовароуннаҳр мамлакатини босиб олиш учун фармон берди. Кейин ўша томонга қараб ҳаракат бошлади. Назм (мазмуни)

Ул ноҳияга келгандан сўнг атрофни душмандан тозаллади. Самарқандга қараб юрганда Малик қиличини қайради.

Бухоро ва унинг атрофи аҳолисидан катта қўшин жамлади. Йўл асносида уларнинг бир тўдасини Даҳбус ва Сарипул қалъасининг муҳосараси учун қолдирди. Ўзи катта жадаллик билан йўлга тушди. Назм (мазмуни):

Мўру малахдек саноксиз сипоҳ ногоҳ қалъа этагига етиб келдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Самарқанд шаҳри зоҳирида, Кўксаройда тўхтади. Бир-икки кун суралар, поралар ва фасиллар мутолааси билан машғул бўлди. Дарвозасини тавоф қилди. Самарқанд қалъаси буржу боруларини кўздан кечирди. Учинчи куни, офтоб забонасининг машғали қирвон кеча тутуни зулматида ёқилганда ва қора кеча сипоҳи камингоҳ кунжида ундан паноҳ топганда Имтиёзхон, Шайххон, Дехлохон ва сардорлардан Олатхон ва бошқалар саноксиз лашкар билан жасорат кўрсатиб, ҳисордан чиқиб от солдилар ва ажиб жанг бошладилар. Назм (мазмуни):

Ўз ишининг мардлари Самарқанд даштидаги жангда жасорат кўрсатдилар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари шу куни ниҳоятда зўр жасорат кўрсатдилар. Ҳар икки томондан жуда кўп халқ қатл этилди. Ўша куни бир тўда мўғулни асир қилдилар ва шаҳарга олиб кириб кетдилар. Назм (мазмуни):

Гоҳида ёниб, гоҳ ўчадиган чироқ сингари аламлар гуриллаб кўтариларди.

Кейинги куни Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мўғул лашкарига дарвоза яқинидаги хандақ сари ҳужум қилишни буюрди, токи суворийларнинг ичкаридан чиқишля-

рига йўл бермагайлар. Шу куни кечгача ҳисор тепасидан туриб жангу жадал билан машғул бўлдилар ва қатоъ, манжаниқ, камон, тошлардан ўққа тутдилар. Уларнинг жасорати ва диловарликлари синди. Дилларини хавфу ҳарос эгаллади. Шаҳар халқи икки гуруҳга бўлинди. Уларнинг бир гуруҳи шаҳардан ташқари чиқиб, (Чингизхон) қаҳридан омон тиламоқни афзал билдилар; бошқа бир жамоа жангу жадал ҳароратини ихтиёр қилди. Назм (мазмуни):

Офтоби тобондек нур жўшади, осмон зоғининг қоралиги барҳам топди.

Мўғул сипоҳи хира ва ботир, шаҳар аҳолиси музтар, раъй ва тадбирсиз жанг қилардилар. Самарқанд қозиси ва шайхулисломи дасторбандлар билан ташқари чиқиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳузурига шошилдилар, ундан иноят ва истимолат зиёсини топдилар. Ўша куни унинг ижозати билан шаҳарга кирдилар Намоз вақтида Намозгоҳ дарвозаси очилди ва мўғул лашқари ичкари кирдилар. Шу куни ва кечаси шаҳарни хароб қилиб, барча халойиқни-эру аёлни, қози ҳамда шайхул исломга тобеъ кишилардан бошқа барчани шаҳардан саҳрога ҳайдаб чиқардилар. Одатлари ғорат бўлган лашқар шаҳарни ғорат ва талаш билан машғул бўлдилар. Бурчак ва мағоратлардан кимни топсалар қатл этдилар. Ул икки дин арбоби шарофати туфайли эллик минг нафардан ортиқ киши саломат қолдилар. Назм (мазмуни):

Ким саодат арбоби соясидан жой олса, Фалак унга ситами билан озор бера олмайди.

Қоронғу тушганда мўғул лашқари шаҳардан чиқди. Қалъа аҳли ҳароси ваҳмда, шикаста дил, на бошини кўтаради, на ерга қарайди. Эртаси тонг отиши билан Олатжон — Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ сардорларидан бири жасорат кўргузиб, жонидан умид узиб, минг йигити билан мўғул лашқари миёнасига зарба бериб, бадар кетди. Султониға бориб кўшилди. Кейинги куни мўғул лашқари Самарқанд ҳисорига қараб йўналди. Девори, боруларини вайрон қилиб, саловатлар оралиғида дарвозани қўлга киритдилар. Шаҳарга кирдилар, эътиборли пешволари Барсумосхон, Тўғойхон, Иложхон бўлган қонқли улуси турқларини, «Жаҳонкушойи»да айтилганидек, 20 мингдан ортиқ Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ сардорларидан бўлган амирни у ерда турган барча лашқари билан қатл этдилар. Самарқанд аҳлидан ўттиз минг эркакни олдин ажратиб олиб, ўз фарзандлари ва қариндошларига бўлиб берди. Қолган одамларнинг ёрдам олганларидан икки юз минг динор омонлик пули олдилар. Бу воқеа санаи 617 да, йилон йили (воқеъ бўлди.) (в. 77 а).

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ ОРТИДАН ЭРОН ТОМОНГА ЛАШКАР ЮБОРГАНИ ЗИКРИ

Чингизхони муаззам Самарқандга етгандан кейин лашкар уни муҳосара қилганда, Султон Муҳаммад Хоразмшохнинг Жайхун дарёсидан Термиз кечимидан ўтгани ва ундан олдин лашкарини мавзеъу қалъаларга пароканда қилгани хабарини эшитди. Соҳибқирони аъзам амирлари билан кенгашиб, Султон Муҳаммад Хоразмшох ёнида ортиқча одам йўқлиги сабабли, атрофига одамлар жамъла-ниб, тевақдан унга қўшилмасларидан, ишлари юришмасдан унинг масаласини ҳал қилмоқ ва кўнгилни хотиржам қилмоқ лозимлигини маъқул топишди.

Кенгашдан кейин тумон амирларидан уч нафарини, жумладан Жаба нўён, Субудой баҳодир, Тўқичор нўённи унинг ортидан жўнатишга қарор қилдилар. Токи уни қўлга киритмасдан тинчиш билмасинлар. Улар ўттиз минг нафар киши билан жўнадилар. Назм (мазмуни):

Шоҳ юриш олдидан ул лашкарлар паноҳи бўлган сардорларга қараб шундай деди: «Дилинғизни Султонга нисбатан адоватга тўлдилинг, бугундан бошлаб Эронга юринг. Унинг боши ва тожи қўлга кирмагунча Эронда ором билманг. Агар у коҳину улуғлар кўзи олдидан парилардек ғойиб бўлса, сиз унинг бутун мулкани кезинг, шаҳру қишлоқларига ўт кўйинг. Кимки бизнинг фармонимизга бўйсунса, (султон) озоридан уни сақламоқ лозим. Ким сизга саркашлик қилса, қаламдек бошини кесмоқ лозим. Уч йил ичида ул ўлкани сиз зеру забар қилмоқларингиз лозим. Мен учун ҳам бундан буён ҳаётда бугундан бошлаб қарор бўлмайди. Ундан роз доносини келтиурсиз, мен эса бахтиёр бўлиб ўрдага борурман. Сиз Дашти Қипчоқ йўли билан уйларингизга бориб, ҳордиқ чиқарурсиз!» Амирлар шоҳ сўзини эшитиб, шу заҳотиёқ йўлга тушдилар. Ҳар уччаласи ўн мингдан лашкар билан жўнади. Улар жанговар, ханжар уриш устаси бўлган суворийлар эди. Бу юришда бир тумон лашкар билан Жаба қоравулда олдинда борарди. Қолган икки амир ботир сипоҳийлар билан унинг ортидан нарра шердек борарди.

Рабиюлаввал ойи охирлари сана 607, мувофиқи йилон йили ул уч нафар наҳс юлдузли кофир ўттиз минг қиёматасар лашкар билан қайси шаҳарга дучор бўлмасинлар, ўша шаҳар халқини қаҳри ғазаб билан даҳр тупроғига баробар қилдилар. Қайси диёрғаки, қадам

қўямасинлар, у ер дайёрларидан асар ҳам қолдирмадилар. Жайхун дарёсидан ўтиб, Балхга яқинлашганларидан кейин, Хуросоннинг баъзи вилоятларини, Ироқ, Озарбойжон ва Ширвоннинг аксар шаҳарларини азобу уқубатларга гирифтор қилиб, Дарбанд йўли орқали қайтиб, Дашти Қипчок мулкларидан ўтиб, ўз асл юртларига, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўрдусига етиб келдилар. Мазкур юришнинг қисқа тафсилоти шулки, ул сардорлар Балхга етганларида, бу ердан суриштириб, куловуз олдилар ва Ҳирот сари йўналдилар. У ерга етганларида Ҳирот малиги Бохулий элчисини чиқарган эди. Шу сабабли Жаба нўён ва Субудой баҳодир унга таҳдид кўрсатмадилар. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ изидан тушдилар. Тўқчор нўён унинг ортидан етиб, жанг бошлади. Эл бўлиш ҳақидаги таклифига кулоқ солмади, жанг қилишга ташланди: Назм (мазмун):

Малик деди: «Мен ҳам фармонбардирман. Дарвозамдан яхшиликча сипоҳингни ҳайдагин!» У палангдек бу сўзларга кулоқ олмади. Ғазабдан лашкарини жангга бошлади.

Малик бўлса зарурат юзасидан улар билан савашди. Тўқчор нўён тақдир қазосидан жанг асносида ўқ тегиб ўлди. У билан келган лашкар қолган икки амир лашкарига қўшилдилар. Ўша юриш билан Жаба нўён ва Субудой баҳодир Зовага етдилар. Зова аҳолиси илтифот кўрсатмади. Дарвозани маҳкамлаб олдилар. Жаба нўён ва Субудой баҳодир (в. 78 а) Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ изидан тушганлар туфайли улар билан жанг қилиб ўлтирмадилар ва ўтиб кетдилар. Шунда Зова аҳолиси калтафаҳмлик қилиб (аз камхиради) дарвозани очдилар ва куркаларни гумбурлатиб ура бошладилар. Сўнг афсус нолаву афғонини кўтарди-лар. Назм (мазмун):

Эл қайтмади, бирор нарса бермади ҳам. Дашном бера бошладилар. Уларнинг сипаҳдори шу даражада ғазабландики, қайтиб келиб яна жанг бошлаган. Уч кунлик жангдан кейин шаҳар борулари вайрон қилинди; қаҳр билан унинг кексаю ёшини ўлдирдилар. Зовада тупроғу тўзондан бўлак нарса қолмади. Лаънатлар бўлсин ўша ногорага. Ўша ногора ва бепарволикнинг шумлигидан Зовадаги аҳоли қирилди. Кейин бу икки номдор лашкар Нишопур томон йўналдилар. Бирор жойда ҳам тўхтамай, кеча-кундуз йўл юрдилар. Куз шамоли билан баҳор булутида ором бўлмаганидек, бу сипоҳда ҳам сабру қарор йўқ эди. Нишопурда султон Найсондан Эронга сипоҳ келаётганини эшитди. У ҳеч ким билан жанг қилишни истамас эмиш, фақат Хоразмшоҳни излар эканлар. Қўрқиб тол баргидек титради ва шоҳлик тахтидан умидини узди. Тождор кўркувдан сарғаншта эди,

хабар келиб етгач, янада талвасага тушди. Яширинмоқ учун жой излай бошлади, токи у жойда тану жонини омон сақласа. Аввал ҳарамини мустаҳкам Қорун қалъасига жўнатди. Ўзи улкан сипоҳни дафъ қилмоқ чораларини кўра бошлади. Бу ишни меҳтарларига буюрди: дарё ва тоғлардаги ўзи билган жойлар, Турон лашкари бўлмаган жойларга одам тайинлади. Денгиздаги орол ва қалъаларга ҳам лашкар тайинлади. Замин қаъридан осмон чарҳигача бирор жойни ўзига эп билмади. Катта-кичик мен ҳақимда нима демокда; қалъалардаги турк жангчилари-чи? Фалақдан юлдузни олиб, денгиз қаъридан балиқ олиб беришадими? Шу ўйловда Хоразмшоҳ турганда, сипоҳ чанги кўринди. Мўғул сипоҳи ҳали узоқда бўлса ҳам гарди Нишопурда эди. Кўркувдан султон қочмоқ истади ва Хуросондан Ироқ томон кетди.

Сулҳ музокараларини олиб бориш учун Фахрулмулк Низомиддин Абулмаоли-котиби Жомий, Зиё ва Зиёулмулки кофи Умар Рожийни Нишопурда қолдирди. Ўзи шошилинч равишда жўнади.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Рай ҳудудига келиб тўхтаганда, мўғул лашкари яқинлашиб қолганини эшитди. Ироқ томон келаётганидан пушаймон бўлиб, Қазвин қалъаси томон йўналди. Ўғли Султон Зайниддин Ироқ лашкарининг ўттиз минги билан (Қазвин) остонасида турган эди. Султоннинг овозасини эшитиб, пешвоз чиқди ва у билан бирлашди. Ўша куни ўғли Султон Фиёсиддин ва онаси Туркон хотунни тобеълари билан бирга Қорундеж қалъасига, Тожиддин Тўғон хузурига жўнатди. Қадим маликлар авлодидан бўлган Малик Насриддин Ҳазораспийга элчи юборди.

Жаба нўён билан Субудой баҳодир ҳисобсиз лашкар ҳамроҳлигида Нишопурга етганларида кимга дучор бўлмасинлар, уқубат исканжасига олиб Султон аҳволидан суриштирдилар.

Шу вақтда Маждулмулк Кофий элчиси Фаридиддин ва Зиёул мулк Равзанийлар, Хуросон малиги садрларидан ва Султон вазири Рашидларни Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам элчилиги учун даъват қилди. Уччаласини пешкашлар билан ташқари чиқардилар ва таслиму тобеълик изҳорини қилдилар. Маждулмулк арз қилдики, «Мен кекса одамман, молу мулким йўқ деярлик, сиз Султон изидан боринг. Султон устидан ғалаба қилгудек бўлсангиз, мулк сизники бўлгуси. Мен ҳам сизларга банда бўлурман: Султон бўладими, нўён бўладими?» Шу вақт уларнинг нўёнига ишонч билдириб, уйғур ҳатти бирла нома битди. Назм (мазмуни):

Чингизхон фармони нухасини Нишопур аҳлига берди: Эрон ва Туроннинг узок, яқини, каттаю кичиги, Шарқдан Ғарбгача ерларни пок Тангри менга берди. Кимки менга душманлик қилса дунёда асло омонлик топмагай; яқину туққани ҳалок бўлади; хотунию болалари ўлдирилади. Ким менга бўйсунса, ўз бошида тожни кўради.

Шундан кейин куловуз олишиб, суръат билан Хоразмшоҳ изидан Ироқ томон юзландилар. Назм (мазмуни):

Жаба Мозандаронга жўнади, Субудой Тусга келиб, осонлик билан кўлга киритди.

Жаба Мозандаронга етгандан кейин, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилди. Хусусан, авом халқни қатли ом қилишни буюрди. Субудой Исфаройин йўлидан равона бўлди. Йўл асносида кўплаб халқни қириб юборди. Ким эл бўлишни ният қилиб келса, гуноҳидан кечди. Саркашлик қилиб, овора қилганларни душман деб билиб, молу мулкани олди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси ва ҳарамий жойлашган Илол қалъасида Жаба нўёнга атрофдан кўплаб одамлар келиб қўшилишди. Рай шаҳрини ер билан баробар қилиб, аҳолисини батамом қатл эттирди. Назм (мазмуни):

Бу вақтда Хоразмшоҳ ҳануз ўзига паноҳ бўладиган жой излар эди.

Бу борада дилидагини биладиган Малик Носириддин Ҳазораспий Курдистондан етиб келди. Етти бор ер ўпиб таъзим бажо келтирди. Ҳамду санога лаб очиб, Султоннинг олий ташрифига эришди. Ўз юртига қайтгандан кейин Имодулмулк ва Дархонни тадорук, мушкул ишлар ва даҳшатли воқеалар борасида маслаҳат учун унинг ҳузурига жўнатди. Малик жавоб бердики, «Шу соатдаёқ кўчиб кетиш лозим. Лур ва Форс оралиғида мустаҳкам бир тоғ бор. Уни Бўнгсук дейишади. Уни айланиб ўтилганда ортида бир пурнеъмат вилоят бордир. Шу ерни ўзимиз учун паноҳ этурмиз. Форснинг Лор ва Сук (шаҳар)ларидан юз минг пиёда жамъ қилурмиз. Тоғ дараларига жангчи кишиларни тайинлаймиз. Мўғул лашқари етиб келиши билан зўр куч билан уларга ҳужум қилиб, яхши жанг қилурмиз».

Бу маслаҳат Султонга етгандан кейин у деди: «Унинг бу фикридан мақсади Форс отабегига фош этишдир. Унинг истилоси дафъини уердан Қазвин ҳисори этагигача тушиб, (в. 79 б.) мазкур Малик маслаҳатича иш кўришни ўйлаб кўрса бўлади». Шу вақтда Жаба нўён томонидан Рай шаҳрининг олингани ва зеру забар қилингани хабарини эшитди. Назм (мазмуни):

Райдан келган хабарчи шу фикрда эди. Беҳад жадаллик билан лашқар ортидан келди: Жаба Рай (шаҳри) ни ер билан яксон қилганини Султон Муҳаммадга хабар қилди.

Султон бу ташвишли хабарни эшитиб, бир лаҳза бошини куйи солди. У Қазвиндан Қорундежга қараб юрди. Тилида ҳайё-хуй бўлса ҳам, дили ғамга тўлуғ эди. Йўл асносида бир гуруҳ шоҳни излаб келаётган эди. Улар ўзининг надиму яқин хос кишиларидан юзу кўзсиз эдилар. Берган нону тузи ҳақида ўйламай, итдан бадтар бўлиб ажралиб чиққан эди бу қавм.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бу ваҳшатасар хабарни эшитгандан кейин ваҳимада ўғиллари билан бирга қочиб туганиб, Қорундеж томон ҳаракат қилди. Йўл асносида Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мулозимлари ва надимларидан кўпчилиги уни ташлаб кетишди. Бунинг устига йўлда туркман лашкаридан бири тўдаси Султонга йўлиқиб, жанг қилди. Султон минган отга ўқ тегиб йиқилди. Султонни таниб қолганларидан кейин жангдан ўзларини тийдилар ва Султонга бир неча одамлари билан ўртадан чиқиб кетишга имкон бердилар. Қорундежга етганларидан кейин, бу ерда тўхтамасдан Ғилон томон юзландилар. Мўғул лашкари Султон изидан Қорундежга етиб келди ва қаттиқ жанг қилдилар. Султоннинг Қорундежда тўхтамаганини маълум қилганларидан кейин, бир кўшинни Қорундежни камал қилиш учун қолдирдилар. Қолганлар Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ортидан равона бўлдилар. Назм (мазмуни):

Султоннинг йўли қаердан тушмасин ўша ерда турклар сипоҳига дуч келарди. Улар дастидан юз ҳийлалар билан омон қоларди. Йўқ эса улар кўлига тушиши аниқ эди. Макру ҳийлалар билан Ғилонга етиб келди. Бу ерда етти кундан ортиқ ором топа олмади. Сўнг Астробод томон кетди. Эл эъмоли кўтарган ерда тўхтаб ўтди. У ерда ҳам ором ола олмасди. Обескун оролларида бирида паноҳ топиш ҳаракатида бўлди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ғилонга етиб боргандан кейин, Ғилон амирларидан Тўлғук унинг истиқболига чиқди. Султонни Ғилонда яшаб қолишга тарғиб этди. Аммо корчалонлар кирдикоридан хавфсираб, бу ерда қола олмасди. Етти кундан кейин Астробод сари йўлга чиқди. У ерга етиб боргандан кейин ўзи билан олиб келаётган хазинани талаб қилди. Бу ердан қалъаси бўлган тоғ этагига авом эъмолидан кўрқиб жўнади. Ул ердан Мозандароннинг Қулзум дарёсига, Таслун оролларида бирига тушди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўша ерда оролда яшаётгани маълум бўлгач, эҳтиёт юзасидан Обескун оролига кўчиб ўтди. Унинг ҳаракати Жаба нўён Райдан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ изидан жўнатган мўғуллар тўдаси етиб келиши олдидан бўлди. Ул жамоа Султонни у мавзёда

топа олмаганларидан кейин, қайтиб, Қорундеж қалъасига йўналдилар. Зотан, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг баъзи хотину фарзандлари ўша қалъада эдилар. Қалъа аҳли жанг қилишга киришдилар. Ҳар икки томондан жуда кўп одам ўлди. Охири мўғуллар қалъайи Дежни қаҳран ва жабран босиб олдилар ҳамда ер билан баробар қилдилар. Назм (мазмуни):

Қалъа ер билан яксон қилинган, шаҳзодалар доду фарёд кўтардилар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хотини ва кичик фарзанди, Султон Муҳаммаднинг ҳарамлари, барчасини шу ерда деб ўйлаб мўғул аскарлари Илол қалъасини қамал қилишга киришдилар. Зулингком жаббор, тақдир тақозоси билан ўшанда Туркон хотун Илол қалъасида яшаб турганда ёмғир суви тўхтаб қолди. Бирор вақт бўлмаганки ва ҳеч ким эслай олмайдики, ул қалъа сувга эҳтиёж сезган бўлса. (в. 80 б) Қанчадан-қанча бўрқлар тиккан эдиларки, ёмғир сувидан йиллар давомида тўлатилган турарди. Ҳеч бир сувга эҳтиёж бўлмасди. Лашкар қамални бошлаши билан ундан олдин ёмғир тўхтади. Давлат улардан юз ўтиргани шу бўлдики, 15 кун сув бўлмади. Туркон хотун, вазир Носириддин ва у ерда бўлган ҳар бир киши пастга тушишга мажбур бўлдилар. Улар қалъадан ташқари чиқишлари ва қалъа этагига етишлари билан қаттиқ сел қуя бошлади. Ёмғир шу даражада шиддат билан қуяр эдики, сув қалъа остонасидан ташқари оқа бошлади. Туркон хотун, вазир Носириддин билан ул қалъада бўлган барча хазиналар, жавоҳирлар ва қимматбаҳо матолар батамом ва бутунлай мўғуллар кўлига тушди. Жумладан, жавоҳирлардан ўн минг мисқол, қизил олтиндан минг харвар, қимматбаҳо ипак мато, бошқа молларни ҳам шундан қиёс қилса бўлади. Шуларнинг барчасини забт этиб, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси, унга қарашли одамлар, фарзандлари ва фармонбардорларининг барчасини бирма-бир вазир Носириддин билан Самарқанд томонга, Соҳибқирони аъзам ҳузурига етказганларида, азиз фарзандлари қанчалик ёш бўлишмасин, барчасини қатл этдилар.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Қорундеж ва Илол қалъаларининг босиб олингани, онаси, хотину фарзандларининг ўлимга гирифтор бўлганидан воқиф бўлган, ҳайратининг дуди бошини чулғаб, беҳуш йиқилди. Назм (мазмуни):

Юракни хуркитувчи бу даҳшатли ҳолатдан ошуфта дил Султон хабар топди. Жонидан фарёд овози чиқди, зорланиб йиқилди ва хушдан кетди. Яна ўзига келганда, хаста танидан мўйларини юла бошлади. Ғам кўли жони халқумидан

шундай олган эдики, мисли кўрилмаган бу дармонсиз дарддан ўлди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг хизматидаги қолган мулозимлари намакандешлик қилиб, унга ҳамроҳ бўлдилар. Қанча уринишмасин кафан топа олмадилар. Бинобарин (в. 81 а), Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни ўзининг кийиб юрган кийимида дафн қилдилар. Бу воқеа 617 йил ҳижрий санада, мувофиқи илон йили Обескун оролида содир бўлди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг салтанати муддати, айтишларича 21 йил бўлган. Ҳамдуллоҳ Муставфий, «Таърихи гўзида» соҳибининг айтишича, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан етти ўғил қолган. Султон Жалолоддин, Султон Ғиёсиддин, Султон Рукниддин шулар жумласидан бўлиб, муаррихлар тилида машҳурдир.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ БИРИНЧИ, ИККИНЧИ ВА УЧИНЧИ ЎФИЛЛАРИ ЖЎЖИХОН, ЧИҒАТОЙХОН ВА ЎКТОЙХОННИ ХОРАЗМШОҲИЙЛАРНИНГ ИШИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ХОРАЗМГА ЖЎНАТГАНИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Самарқанд истилосидан форуғ бўлгач, Мовароуннаҳрнинг барча мамлакатлари унга таслим бўлди. Жўжихон, Чигатойхон ва Ўктойхонни муқаррар қилдики, бир-бири билан иттифоқликда саноқсиз лашкарлари билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари аъёнлари кўлидан Хоразмни тортиб олиш мақсадида азму жазм қилсунлар. Қудратлари етгунча ул диёр дайёрлари устидан тартиб ўрнатгайлар. Шаҳзодалар сонсиз лашкар билан Бухоро йўли билан Хоразм томон равона бўлдилар. Хоразмни Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари аъёну волий Хумортегин, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотун ақраболаридан халос қилмоқ қасдида эдилар. Хоразмни аслида Журжония дейдилар. У ернинг арбоби уни Урганж дейишади. Хоразм ўша ноҳиядадир. Айтишларича, Хоразм волийси Хумортегин бўлиб турган ўша вақтда Хоразмшоҳ амирларидан Қонқли ҳожиб, сардорларидан Паҳлавон Али Дарғамийга ўхшаганлар бўлганлар. Шаҳарнинг эътиборли кишилари, даҳр фозиллари қанчалик кўп бўлишига қарамай, шаҳар аҳолиси шарму ҳаёлидир. Шу улкан ўлкада бани одам мажмуъи ҳаёт тасодифлари тушганда, жумҳур тадбирлари-

ни ҳал қилишда мурожаат қилса бўладиган (в. 81 б) ҳеч бир сарвар шаҳзодалардан йўқ эдики, Замона аҳли унинг воситасида ғофил қолмаса. Хумортегинни салтанат номидан ноибликка тайин этдилар. Дунё айёми воқеаларидан ғофил эди. Ногоҳ бир неча суворий дарвозага яқинлашиб, чорвани ҳайдаш билан машғул бўлдилар. Бир тўда калтафаҳмлар бор-йўғи шу бир неча нафар отлик келибди, деб гумон қилганлар. Билмаганларки, бир кишидан ҳам балолар, ортидан азоблар келгай. Дарвозалардан кўп халқ пиёда ва отлик уларга қараб ёпирилдилар. Гоҳо, овдек қочиб, гоҳида ортларидан назар ташлар эдилар. Шаҳардан бир фарсанг ерга, Боғи Хуррамга етганлариди, мўғуллар суронига, муқаррар бурунғор бўлиб, сўнг манқлойга сурилиб эдилар, баногоҳ учган чакмоқдек, ёвуз раъддек камингоҳдан чиқиб келган ҳужумига дуч келдилар. Уларни олдидан ва ортидан ўраб олиб, завол ҳангомигача ҳарбу қаттоллик билан машғул бўлдилар. Ўқу шамшир зарби билан Хоразм ва Хоразмшоҳийлар одамларидан юз минг нафарга яқини қатл этилди. Шу жўшу хурушда улар ортидан Амонилон дарвозасидан равона бўлдилар ва шаҳарга кириб олдилар. Шўра деб аталувчи маҳалласига ўт-оловдек доридилар. Офтоб ботиши билан мўғул лашқари инсофга келиб, қайтди. Шаҳардан чиқиб кетди.

Эртанги куни фалакнинг тигъан турки уфқ макманидан бош чиқариб, туркларнинг тийғ урувчилари отлар наълидан чиққан барқ шарораларидан ўлим майдонини қизитдилар. Шаҳар сари юзландилар. Хоразмшоҳ сипоҳи бошлиқларидан Фаридун удий беш юз ботир йигити билан дарвоза олдида улар йўлини тўсди. Мўғул лашқари шу куни қоронғи тушгунча шаҳар муқобилида турди. Кейинги куни Жўжихон ва Чиғатойхон ва Ўктойхон лашқарлари билан селдек етиб келдилар. Кўнгил очиш ниятида шаҳар атрофини айланиб чиқдилар. Шаҳар аҳолиси ҳамда мавлоларига одам юбориб эл ва таслим бўлишга чақирдилар. Бутун лашқар шаҳарни доирадек ўраб олдилар (в. 82 а). Ажалдек шаҳарнинг гирд-гирдига қўна бошладилар. Жанг тартиби, манжаниқ ёғочи ва тош ҳозирлаш билан машғул бўлдилар. Ул ноҳияда тош бўлмагани сабабли баланд дарахтлардан тишли кундалар тарашладилар.

Улар удуми шундай эдики, кундан-кунга шаҳар аҳолиси-га ваъда, пўписа, умид ва таҳдид қилиш билан машғул бўладилар. Аҳёнан бир-бирларига ўқ отишиб қўйганлар. Жангу жадал ва уруш анжомларини тайёр қилганларидан кейин шаҳарнинг ҳар томонидан жанг ва қирғинга тутинадилар, етти ойгача шаҳарни қамал қилиш билан шуғуланганлар.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ МАДИНАТУРРИЖОЛ ТЕРМИЗ ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Мовароуннаҳр шаҳарларини озод қилгандан кейин, фарзандларини Хоразм томон жўнатди. Ўша йилнинг баҳорида Самарқандда туриб қолди. Кейин Нахшабга етиб келди. Хушкор дарёси бўйлари-дан ўтлоқларда отларни тўйдирди ва семиртирди. Ёз адоқлари-да у ердан Термиз сари ҳаракат қилди. Элчи жўнатиб: «Эл бўлин! Муҳолифлик қилмангиз», деди. Назм (мазмун):

Акс ҳолда, бошу танингиз билан видолашинг, барчангиз бугун ўзингиз йиғлангиз. Эртага Термизда ҳеч ким қолмагай. Хонумонингиз зор қакшайди. Дард учун дилингиз пўлат тиг бўлгуси кимки, бизга қарши жанг қилгудек бўлса. Шаҳру ҳисор кўлининг паст келганидан Жайхун уни айла-ниб оқарди. Фармонбардорликка ҳеч ким келмадики, шох билан жанговарлик қилса.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мадинатур-рижол Термизга яқинлашганда, Дабдаба мавзеига тушди. Ҳар кун лашкар аҳли жанг анжомини ва тадорикини ҳозирлаш билан машғул бўлди. Саваш ишига бугундан эртанги куни кўпроқ тайёрландилар. Сўнг уни қамал қилишга киришдилар ва манжаниқ куришга берилиб кетдилар. Термиз аҳолиси ҳам жангу жадал ишларидан ўзларини бир дақиқа ҳам тиймадилар. Ўн кунгача ҳар икки томондан жанг оташи ёкилиб турди. Термиз халқи мудофаада беркилиб қолганлари сабабли, ташқари чиқиб жанг қилардилар. Ўн кундан кейин (в. 82 б.) Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Дабдаба мавзеидан дабдаба билан қаҳран ва жабран Термиз қалъаси устига сурон солди. Халқига буюрдик, қочинглар. Фақат султон амри, соҳибқи-рон фармони билан мўғул лашқари одамларни ота-онадан ўғулгача чопдилар. Қанча одам йиқилган бўлса, қолиб кетди. Тирик қолганлари ўзларини Термиз қалъасига урди. Бир ҳамла билан Термиз қалъасини олдилар. Қалъа буржу боруларини Жайхун дарёсига ирғитдилар. Айтадиларки, шу қадар улкан қалъаси бўлишига қарамай, Термизни ўн кун ичида харобага айлантирдилар. Назм (мазмун):

Ўн кун ичида Термизни хароб қилдилар. Боруларини дарёга ирғитдилар. Тоторлар кўрсатган бу ўн кунлик ишни осон билмагин. Термиз шаҳри маъмур эди, вақтида Искан-дар уни забт эта олмаган, уни олиш учун минглаб ҳийлалар ишлатганлар, бошлиғи уни бермаган. Бу қалъанинг етти

дарбанди бор эди. Садди Искандар шунга келиб туташарди. Ҳақпараст Искандар уни олти йилда пастки шаҳардан бўлагини ола билмади.

У қалъага қараб, хандақдан нарига ўта олмаслигини биларди. Қаерга оёқ босса, уердан ҳайдаларди, ҳар майса ўткир тиг бўлиб қадаларди. Унинг ҳар буржига дамдама кўрди. Арқонини чархдан ўтказиб отди. Қараса, қалъанинг тупроғи кўрғошиндан экан. Гиштлари тошдан экан. Узори ҳам асабни қийнар. Гўё гилу гишт орасидаги дона. Асоси сувда, ер тупроққа айланган. Боши эса кунгирда (фалакда) баликни кўрсатади. Ҳожилардек етти бор хандақни тавоф қилгандек, Жайхун атрофини айланиб ўтади. Ночор ишбилармон Искандар сулҳ тузишга рози бўлиб, ундан ўтди. Жабр қилувчи тангрининг қаҳри келдими, шундай қалъа тоторларнинг поймоли бўлди. У қалъани ҳаммолсиз олдилар ва қаттиқроқ жанг қилдилар. Унинг боруларини йўқотдилар, аҳолини эса қатли ом қилдилар. Термиз халқи эру аёли фармон бўйича саҳрода тўпланди. Каттаю кичик, бою фақир қилич ва ўқ билан ўлдирилди.

Уларга эслатилдики, Термиз аҳолиси ва мавлолари кичигидан улуғигача, обрўлисидан ҳақиригача урф бўлган одатга кўра, мот ва улутларга бўлиниши лозим. Уларнинг барчасини шамширу ўқ зарби билан оламдан ўтказдилар (в. 83 а). Хунхор аскарлар ва ҳарб аҳли. Назм (мазмуни):

Шаҳру саҳрода шундай ўлдирдиларки, бошқа бир дарё бўлиб қон оқди. Қавмнинг аёлу қариси фарёд чекди: жоним гардини чиқарманг. Мен сизга бир гавҳар берайинки, фалакдаги юлдуз каби товланади. Унинг ёнини титкиладилар. У деди: кафтимда сув ичаётиб ютиб юбордим. Садафдек унинг сийнаси ни чок қилдилар. Унинг ичидан у бебаҳо дурни топдилар. Ўлдирилганларнинг барчасини гавҳар умидида ёриб кўрдилар.

Термиз қатли омидан сўнг Кангурт ва Сомонга жўнади. Ўша қишни шу ерда ўтказди. Ул ноҳияларни ҳам қирғину босқин, ёндиришу қовлаш билан ғорат қилдилар.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ЖАЙҲУНДАН ЎТИБ, ТЎРТИНЧИ ШАҲЗОДА ТУЛИХОНИНИ МАРВ САРИ ЖЎНАТГАНИ ЗИКРИ

Зимистон охирлаганда йилон йилига мувофиқ 617 сананинг зулҳижжасида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Термиз маъбари орқали Жайхундан ўтиб, Балхга етиб келди. Назм (мазмуни):

Балхнинг аслзодалари илгари чопиб, кўплаб пешкашлар келтирдилар.

Ул Баҳром ҳашаматли Кайвон посибонли подшоҳ ҳукми билан саноксиз хуношом лашкар Термиз гузаргоҳидан пайҳон-пайҳон ўтиб, Балх остоналарига яқинлашдилар. Ул диёрнинг ақобиру ашрофлари унинг истиқболига пешвоз чиққанликлари, эл ва таслим бўлиш изҳорини қилсалар ҳам ўрнига тушмади.

Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ҳаёт бўлиб, исён қилиб юргани сабабли Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам қайсарлик отини ўжарлик майдони сари сурди. Уларнинг таслим бўлганларига эътиҳод қилмади. Ажал уларга домангир бўлгандан эл бўлиш дастгирлик қилмади. Назм (мазмуни):

Жаҳонгир кишиларни санокдан ўтказмоқчимиз, ҳамма ўз уйдан ташқари чиқсин, деб буюрди. Соҳибқирон Чингиз фармони билан балхликлар (шаҳар) ташқарисига чиқдилар. Шаҳардан барчаси чиқиб бўлгач, ҳаммаси қонига ботирилди. Каттаю кичикни қатл этдилар, уларнинг хотину қизларини асир олдилар. Мўғуллар сипоҳи шаҳар бошлиғи ва мирғазаблар мулкани талаш учун буйруқ олди. Бутун Балхни талаб, унинг олий иморатларини вайрон қилди.

Балх аъёнлари одамларидан қанчасини ўлдиришмасин, баъзи қисми тирик қолган эди. Тожик одатий ҳислати борасида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мулозимлари қулоғига етказган эдилар. Шаҳар улуғлари ва аъёнлари, султон Муҳаммад Хоразмшоҳ одамлари ер ости хоналари эшиклари орқали пинҳон қилиб, шоҳ истиқболига шшилганлар. Душманлик хумори билан иттифоқ изҳорини қилиб топганларича топганлар. Шу сўзларга қараганда маслаҳат тамом бўлгандан кейин Ҳалокухон аъёнларига бир тўда мўғул сипоҳи билан Қашамшамгар гуломлари тўсиқларига ҳужум қилиш ҳақида фармон берди: токи, ўша деворлардан бир қисмини хароб қилиб, орасида жамъ бўлганларни Балх шаҳри устига олиб чиқсинлар. Ўша деворлардан бир бўлаги ҳозиргача сақланиб қолган. Ҳазрати Амирулмўминин Али қаррам вазҳуга мансуб банддан иборат улкан саддан кейин, айтишларича олти ой давомида тамоми Балх вилояти бир қисм музофоти билан сув остида қолди. Ўша сув доғлари қолдиғи Ҳазрати Хожа Каъбулаҳбор, разиоллоху онхуга қарашли бир масжид деворида сақланиб қолган. Ўша одамлар ер остида хоналар қуриб эдилар. Уларнинг барчасига ўт қўйилди. Кўпчилиги сув ва тупроқ остида қолди. Умрларини йўқлик шамолига топширдилар. Бу аҳвол жараёнида Соҳибқирони аъзам Чингизхони

муаззам Султон Рукниддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Сафаҳон тарафдан от суриб, Рай йўли билан Хуросоннинг Фирузкуҳ қалъасига келиб, мустаҳкамланиб олгани ва ўзининг лозим тадбирларини бунёд этиши хабарини эшитди.

Шу муносабат билан Ҳалокухон ибн Тулихонга чексиз лашкар ҳамроҳлигида Пасокўҳ ва Чахчарон йўли орқали Хуросоннинг Фирузкуҳ қалъаси устига юриши тўғрисида буюрди.

ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ СУЛТОН РУКНИДДИН ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ УСТИГА ЮРИШИ ЗИКРИДА

Тарих китобларида битилганки, Султон Рукниддин Ғурсонжий ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ отасининг Обескун оролига кетганидан кейин Кирмон сари шошилди. Малик Равзан хазиналарини қўлга киритди. У ердан Исфаҳонга йўналди. Ул шаҳар аҳолиси унга қарши чикди. Султон Рукниддин Ғурсонжий билан Исфаҳон аҳли ўртасида қатлу қаттол, жангу жадал бўлиб ўтди. Ҳар икки томондан минг нафарга яқин одам ўлди. Султон Рукниддин иложсиз қолиб, ҳаракат жиловини бўшатиб, Рай йўли орқали Хуросоннинг Ферузкуҳ қалъаси томон кетди. Ул қалъада ўрнашди. У қалъада бир неча кун яшагандан кейин, Пасокўҳ ва Валишон тоғи сарҳадлари орқали Чахчарон жилғаси йўли билан Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг беҳаду бекиёс лашкари ҳамроҳлигида келаётгани хабари етди. Султон Рукниддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ферузкуҳ ҳисорида мудофаа чораларини кўрди. Ҳар кун икки бор мўғул ва тотор лашкари билан жанг қилди. Ул беҳисобу саноксиз сипоҳ Ферузкуҳ ҳисорини олти ой давомида қамал қилди. Айтишларича, Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўзининг катта бобоси рухсатини олиб, Пасокўҳ йўли билан Хуросон сари жўнаган эди. Йўл давомида тошу харсангларнинг кўплигидан уларнинг отларидан анчасининг оёқлари шилинди, юришга мажоли қолмади. Ночор у отларни ўша сарзаминга қолдирдилар. Ҳар фирқадан бир неча нафар одам ажратиб отларни кўриклашга қолдирди. Сўнг буюрдикки, қайтиб келгунимизгача бу манзилдан бошқа жойга силжимайсизлар. Олти ойдан кейин Ферузкуҳ қалъасини фатҳ этдилар

ва Султон Рукниддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари устидан ғалаба қозондилар. Ўша вақтда Тулихон ибн Соҳибқирони аъзам (в. 84 б) Чингизхони муаззам Хуросон малики устига ҳужум қилиб келган эди. Ҳалокухон Чешт, Уба ва Софлон йўли билан Хуросонга бориб, отаси лашкарига қўшилди. У одамларни эсламади ҳам. Шу сабабли ул жамоа ёрликқа хилоф равишда жангсиз, ўша жойда яшаб қолишди. Ўша худудлардан, ҳазоралардан аёлу қизлар олиб келиб, асирликда сақладилар. Қисқа бир давр ичида улардан кўплаб фарзандлар туғилди. Ўша сарзамин бутунги кунда Мурийи сутургой номи билан машҳур бўлди. Мўғул тилида отни Мури деб аташади. Сутургой оқсоқланган дегани. Зероки, аслида у одамлар отлар оқсай бошлагани сабабидан ўша жойда қолиб кетдилар. Шу жиҳатдан ул мавзёни шу ном билан атаганлар. Ҳалокухон ибн Тулихон лашкари Султон Рукниддин Ғурсонжий валади Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкари устидан ғолиб келгандан сўнг Султон Рукниддинни асир олиб, Хуросон мулкига жўнади ва Тулихон лашкарига бориб қўшилди. Султон Рукниддинни Тулихон ҳузурига олиб келганларидан кейин лашкар сардори Тулихон олдида тиз чўктиришга, унга таъзим бажо келтирмоққа қанчалик уринмасинлар, у бундан бош тортди. Шу ишни таклиф қилган одамларнинг барча уринишлари бекор кетди. Султон Рукниддин ҳар қандай тақдирда ҳам уни ўлим кутаётганига тушуниб етди, шу сабабдан ҳам ўз душмани олдида бош эгтиси келмади.

619 йил ҳижрий, туркий қўй йилига мувофиқ йил келгунга қадар бандиликда бўлди. Мазкур йилда ўзига тааллуқли барча одамлари билан бирга шаҳодат даражасига етказилди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ТУЛИХОН ВА ТАҒОЧОР НҶЁН ГҶРГОННИ ХУРОСОН ЮРТИНИ БҶЙСУНДИРИШ УЧУН ЖҶНАТГАНИ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Балх халқи билан қилган муомаласидан фориг бўлгандан кейин Тулихонни Тағочор нҶён Гурхон билан бирга Хуросон истилоси учун юборди. Ёнидаги лашкарнинг ҳар ўн нафаридан бирини жўнатди, жами 80 минг нафар жангчи бўлди. Улар Хуросон томон йўлга чиқиб, у ерга етганларидан кейин лашкар Нукракўх номи билан машҳур тоғ ёнбағрига

(в. 85 а) келиб ўрнашди ва жанг асбобини ҳозирлаш билан машғул бўлди. Манжаниқларни ишга солдилар ва ҳар икки томон мардона жанг қилди. Кечаю кундуз жанг қилишдан тўхтамадилар. Қалъа ғоятда мустаҳкам бўлганидан етти ой унинг тасхири учун овора бўлдилар.

ЖЎЖИХОН, ЧИҒАТОЙХОН ВА ЎКТОЙХОН ДОСТОНИНИНГ ОХИРИ

Мазкур муддатда Жўжихон, Чигатой ва Ўктойхон ҳам Хоразм қамали билан машғул эдилар. Жўжихон билан Чигатой ўртасида бўлиб ўтган ихтилоф туфайли Хоразмнинг олиниси етти ойга чўзилди. Шаҳзодалар ўртасида, яъни Жўжихон билан Чигатойхон ўртасида адоват содир бўлгани ҳақида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга етказдилар. Ҳаргоҳ бири ғазабга минганда иккинчиси паст келарди. Шу туфайлидан ҳам Хоразм тадбири чўзилди. Назм (мазмун):

Замон Соҳибқирони фармонига мувофиқ Хоразмга лашкар жўнатилди. Сипоҳ бошлиқлари Жўжию Чигатой бўлиб, буларнинг учинчиси Ўктой эди. Улар Хоразмга етиб келиб, Барзину Гаразмдек жангга киришдилар. Ҳар икки томон жангчилари бир-бирига ташланиб, ўку найза отишдилар. Мўғуллар ҳужуми ҳаддидан ошиб, Хоразм ботирлари забун бўлди. Қалъа дарвозаларини кўтариб, мўлчарларида юкдек чўкдилар. Чигатой билан Жўжи ўртасида айтиб бўлмас адоват пайдо бўлди. Ҳар икки шаҳзода орасидаги душманлик бир-бирига шикаст етказмоқ бўларди. Таассуб алангаси кўтарилиб, қалъа дарвозаси фатҳи мумкин бўлмади. Бу ҳол етти ойга чўзилди, сипоҳ ишини орқага сурди. Бошдан-оёқ зиёндан иборат бўлган бу машмаша хабари Соҳибқирон Чингизга етди: икки сара ўғил ўртасидаги зиддият Хоразм ишини пайсалга солмоқда. Мўғул сипоҳининг кўпи ўлди. Гўё у қонга айланди. Жаҳон шоҳи буну эшитиб, Жўжи ва Чигатойдан ранжиди. Ғазабга келиб буюрди (в. 85 б) ёрлиғ сипоҳга ёзилсин. Севимли ўғлим Ўктой янги шоҳ, у сипоҳга бош бўлғуси. Сўзини икки қилмай, унинг фармони билан ҳужумга ўтинг. Ёрлиғни элчи билан жўнатди: «Тезда Хоразмга етиб боргил, сипоҳу уччаласини фармонимдан хабардор эт. Адоватни тўхтатиб, иттифок бўлишсин. Жўжию Чигатой кўшинга бош эди, энди бу икки сарварга бош Ўктой бўлади. Ҳеч ким унинг амру фармонидан чиқмасин. Жони хор бўлмасин. Бунга хилоф

иш кўрувчилар бўлса жон тигини ғилофидан суғурарман. Ким Жўжию Чигатой ҳолига кулоқ солгудек бўлса, жазолангуси». Шоҳдан лашкарга жарчи етиб келди. Сипоҳи ул тўртовидан эшитмаганини ундан эшитди. Ҳамма камон ўқидек Ўктой эшигига етиб келди. Бошларини эгиб унга таъзим қилдилар, юзу кўзларини оёғига сурдилар. Элчи сўзича: укамиз Ўктой шоҳликка сазовор кўрилибди. Соҳибқирон фармонини эшитиши билан у акаси сари юзланди ва отасининг гапини айтди. Оққўнгил Ўктой дам униси, дам буниси олдига югурарди. Ҳар бири уни таъзим билан табрик этарди, бу ҳам муборак бошини эгарди. Дерди: шаҳзодага сахийлик ва софлик ярашади. Мардлар иши хусумату ҳасад эмас. Ҳар қандай юмалоқ қора нарса дона бўлавермайди. Кимнинг йўлбошчиси ақл бўлса, хусумат ва ҳасаддан қочади. Ғарази бор одамларга кулоқ берманг, меҳру муҳаббат йўлидан бирга юринг. Отаю отабек иккингииз менга, сиз не сабаб бир-бирингизга дағаллик қиласиз. Шоҳлар ақлдан бегона бўлмас, бегона фарзандига фарзона меҳр бўлмас. Шаҳриёр дили ором билмайди. Душманлар сўзига нега парво қиласиз? Бу баланс-парвоз сўзлардан тийилинг. Ҳоқон фармонига бўйсунинг. Соҳибқирондан ёрлиғ келди. Сизу бизга жон ташвиши у. Келинлар, нифокни дилдан қувайлик, иттифоқлик учун бел боғлайлик. Бирдамлик билан жанг қилайлик, то қалъани қўлга киритгунча ҳар икки ўғил ёрлиғни эшитди. Ота хитобидан юракларига ваҳима тушди. Ўктой сўзида бу оға-ини, дил оташларини пасайтирдилар. Сийналаридан адоватни суриб чиқариб, ойнадек тоза қилдилар. Чигатой ва Жўжи сафга туришиб жангга киришди (в. 86 а). Ўктойдек зафар байроғи бўлган ҳоқон туғи остида турмоқ лозим. Кийну нифокни четга суриб, бир лашкарга иттифоқ бўлдилар. Тиғу ўқни қўлга олиб, сафдан жанг мардлари олға ташландилар. Бошлиғу ботирлар ўз тумоғалари сингари жангда қизишди. Ҳар икки тарафдан чопилдилар. Фақат хоразмликлар бу борада ягона бўлдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони¹ муаззам бу хабарни эшитиб, ғамга ботди. Бир кишини элчиликка тайинлаб, деди: «Тезда хоразмликлар мамлакатига бормоқ лозим. Барча лашкарга ёрлиғ етказурсан. Барча Ўктой фармонида бўлсин. Жўжи ва Чигатой сўзига амал қилмасинлар. Агар Ўктой амрига хилоф иш қилишса, аниқ билгилки, уларнинг боши ҳаргиз танасида бўлмагай. Жўжи ва Чигатой сардор бўлганлари билан Ўктойни сардорлар ҳоқони санасинлар. Тезлик билан иттифоқ бўлиб, Хоразмни фатҳ этиш тадбирини бирёқлик қилишсин». Элчи қаҳрли лашкарга етиб

келгач, Сохибқирони аъзам Чингизхони муаззам ёрлигини кўрсатди. Барча сипоҳ диловарлари ва аскар саромадлари Ўктой даргоҳига йиғилдилар. Жон белларига итоат камарини боғладилар. Ўктой қоон акалари ёнига бориб, улар ўртасида бўлган кудуратни латифалар айтиб аритди.

Иттифок аҳдини тузиб, нифокни дафъ этди. Сўнгра аскарлар ўртасида сулҳ тартиб берди ва барча иттифок бўлиб, жангу жадалга киришдилар. Созлаб кўйилган манжаниқларни очиб, (шаҳарни) ўққа тутдилар. Ўктой қоон лашкар ва бошқа қўли остидаги халққа сув солинган хандақни хору хашак билан тўлдиришни буюрди. (Буйрук бажарилгач) мўғул лашкари ботирлари Хоразм ҳисорига ташланиб, қалъа кўнгиралига арқонлар ташладилар. Нарвонлар кўйиб, шаҳар деворига чиқиб олдилар. Ўз сардорлари яловларини кўтардилар. Ўронлари бонгу жўшидан ер қалбини хурушга келтирдилар. Назм (мазмун):

Жанг оташини қизитганларида, Хоразм қўлини паст этдилар. Тотор сипоҳи қалъага кириб олиб, Хоразм азизларини хору зор этдилар.

Шаҳар ичкарасидаги аҳоли танг аҳволда қолди. Ҳар бир ҳовлига тўсатдан ҳужум қила бошладилар. Найза ва ўқлар билан одамни бир-бирига михлай, сихлай бошладилар. Оёқлари етмаган баланд (кошохоналар)га қоруралар отиб ёндирдилар. Шу тартибда бир неча кун давомида ҳарб маросими тинмади. Бу ҳол шу даражага етдики, ўлдирилганлар сони-саногига етиб бўлмасди. Юз минг нафар санъат ва хунар арбобини ажратиб олиб, аёлу болаларни асир олдилар. Қолган одамларни саҳрога ҳайдаб чиқиб, аскарларга бўлишиб бердилар. Айтишларича, ҳар бир қотилга йигирма тўрт мақтул тўғри келган. Ёзишларича, қотиллар сони юз мингдан зиёда эди. Назм (мазмун):

Бир ҳафта ичида қон дарёси пайдо бўлди. Одамларни шаҳардан ҳайдаб чиқдилар. Аёлу гўдагу хунармандлардан юз мингини ўзлари билан олиб кетдилар. Қолганларининг ҳалқумини кесдилар. Улар қони дарё бўлиб оқди. Ҳисобчи ҳисобига кўра ҳар бир отлик йигирма тўрт нафар хоразмликни ўлдирган экан. У сипоҳнинг сони юз минг нафардан ошарди. Улар Хоразмни яксон қилдилар.

Сохибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хоразм томон лашкар жўнатган вақтда Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро хузурига менинг лашкарим ўша ёққа юриш қилмоқда деб хабар юборди. «Шояд Хоразм аҳволи ғорату қатл билан баргараф бўлгуси. Маслаҳатим шулки, сиз у ердан ташқари чиқсангизлар. Дарвешларингизга зиён-заҳмат етказилма-гай».

Ҳазрати Шайх Валитарош, Оллоҳ унинг арвоҳини муқаддас тутсин, дедилар: «Мана, етмиш йилдирки, Хоразм халқи билан яшаб келмоқдаман. Бугунги кунда қазойи илоҳий бало жазосини юборди. Уларнинг қалласида мурувват деган нарса бўлмайдик, орасидан қочиб ўзимни бир чеккага олсам. Балки, улар билан бирга беғамона яғмога дучор бўлганим тузукрок бўлар. Балоларга ҳам улар билан ёр бўлсам!» Назм (мазмуни):

Бир кекса умри охирлашиб қолганди. Шу сабабдан унга сўз қилмади. Қуйидагича жавоб берди: Етмиш йилдирки Хоразмда хушҳол яшайман. Тақдир муруввати шуни тақозо қиладики, келган балога тан бергум гоҳо. Қонимни шу ерда тўкадиган бўлишса, тангри фармонидан қочмагум. Кийна олови ёнган экан, Урганжда ҳўлу қуруқ ёнди. Шоҳ лашқари ўку тиф билан банд, доною нодон ҳоли билан иши йўқ. Унинг бошини кесмасанг яхши бўларди, деган пандни мўғулнинг эшитгиси йўқ. Қазо теги тақдир туфайли ўтқирлашган экан, кексаю ёшнинг боши кесилгуси.

Алқисса, Хоразм шаҳри озод этилгандан кейин халойиқни сахрога ҳайдаб чиқиб, қатл этдилар. Ҳазрати Шайх Нажмиддин Кубро, унга Оллоҳнинг раҳмати бўлсин, ўша шаҳид этилганлар жумласидан эдилар. Машҳурдирки, қатл чоғи ҳазрати Шайх бузургвор бир қўли билан қатл этаётган кофир яловининг учини ушлаб турдилар. Кейин қанчалик уринишмасин, кофирнинг яловини ул кишининг қўлидан чиқариб ола олмади. Охири ул кофир яловини қирқиб олдилар. Яловнинг учи Ҳазрати Шайхнинг минг-минглаб қўлларида қолди. Бу Ҳазрати Шайхнинг минг-минглаб ғайри-табiiй одатларидан биридир. Ўз қўллари билан тутган ялов учи — «сари парчам» ўз вафотлари санаси таъмияси эканини аниқлашди. Ундаги ҳарфлар қиймати мажмуи 618 га тенг экан.

Ҳазрати Шайхи бузургворнинг Хоразм қатли омидаги қатли муборак туркий юнд йилига мувофиқ келадиган 618-ҳижрийда содир бўлди. Ҳазрати Шайхи Валитарош Шайх Нажмиддин Кубро, тангри унинг руҳини муқаддас тутсин (вафотига битилган) тарихда шундай дейилади. Назм (мазмуни):

Муршиди аъзам Шайх Нажмиддин Кубро худо амри билан Хоразм учун бошини тикди. Бошини топширишда қотил яловига ёпишди. Дини ҳақ иқлимнинг шоҳи. Ул пийр сарпанжасидан ўн забардаст йигит яловни чиқариб ола олмадилар. Сайидлар шайхи сарпанжасида кофир яловини кўриб ҳайратда қолган оқиллар бу ҳолни шарҳладилар: Ялов учини Шайх тутиб, таърих айтдики, вафотим санаси «шоҳи шуҳадо» («Шаҳидлар шоҳи») дир.

Жамеи мусулмонлар аълосига Оллоҳи таоло раҳмати ёғилсин. Яна, дейдиларки, Ҳазрати мавлоно Жалолиддин Румий, унинг сири муқаддас қилинсин, Ҳазрати Шайхи бузругвор Нажмиддин Кубро Аллоҳ унинг сирини муқаддас тутсин, яловни тутганига ишорат қилганлар. Назм (мазмуни):

Биз шундай улуғларданмизки, гавҳар тутамиз; ориқ эчки тутган пасткаш эмасмиз. Имон қадахидан бир кўлимиз билан май ичсак, иккинчи кўлимиз билан кофир яловидан тутамиз.

БИР ГУРУҲ АМИРЛАР БИЛАН ХУРОСОНГА ЖўНАГАН ТУЛИХОН ВА ТАҒОЧОР ГУРГОН ДОСТОНИНИНГ ОХИРИ

Тулихон Хуросон сари жўнаганда Тағочор Гургон бир тўда олийнасаб амирлар ва ўн минг нафар жангчи ҳамроҳлигида Нишопур томон йўлга чиқди. У ерда Маждул мулки Кофий Умар Рожий ва бошқа жамоа бор бўлиб, жангга жуда қаттиқ ҳозирлик кўриб қўйган эдилар. Жумладан, уч минг дона тир-и чархий, уч юз аррода ва манжаниқни боруларда ўрнатиб қўйган эдилар.

Рамазон ойининг чаҳоршанба куни фалаклар шоҳи Ғарбий айвондан Шарқий майдонга кириб келганда, оташ сочувчи найза захми билан қора рангдаги (сипоҳ) ни тормор келтириб, жангнинг сабуҳий қосасини қўлига олди. Уч кун муттасил жанг қилдилар. Жума намози вақти қазойи осмоний туфайли Қорақуш буржидан тийри чархий Тағочор Гургонга етиб, унинг зарби билан ҳалок бўлди.

Улуғ амир Хўжандий «Мухтасар» ида зикр этилганки, Тағочор Гургон Қорачор нўённинг укаси ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг куёви эди.

Тағочор Гургон ўлдирилгандан кейин лашкарнинг ярми қамалдан қўл тортдилар. Туркор нўён (қолган) лашкарни икки қисмга бўлиб, ярмига сарқарда (бўлиб), Сабзавор томон юрди. Уч кеча-кундуз (Сабзавор учун) жанг билан машғул бўлди. Куч билан жанг қилиб шаҳарни қўлга киритди ва қатли ом қилишни буюрди. 70000 киши ўлдирилди. (Лашкарнинг) ярми Тус томон кетганди. Ўша атрофдаги мудофаачиларнинг бир қанчасини енгиб, (шаҳар) аҳолисини қатли ом қилди.

Тулихон Марв шаҳри томон йўналганда, эл (таслим) бўлган вилоятлардан Сарахс, Абивард ва бошқалардан кўп сонли аҳолини ташқари (ҳайдаб) чиқартирди. 70000 нафар

киши камондорлар қаршисида тўпланди. Марв атрофидаги қалъалардан баъзилари ҳам вайрон қилинган, у ерлардан ҳам (аҳоли) келтирилди. Улар билан бирга тўрт юз мўғул отлиғи қилғилиғи аҳоли маълум эди, улардан олдинроқ етиб келдилар. Салжук туркманларидан ўн икки минг нафар киши ҳам ўз моллари, юртларидан жудо (в. 88 а) бўлиб, ташқарида қолган эдилар. Субҳ чоғида шаҳарни ғорат қилиш учун дарвозаларига ҳужум қилдилар. Очикдан-очик риёкорлик эди бу. Уларнинг тўда-тўда бўлиб келганларини, бир-бирларини танимаганлари сабабидан, мўғуллар уларни йўқлик шамолига совурдилар. Уларнинг бели синдирилган, кўй сурувидаги бўридек улар тўдасига ташландилар. Етмиш мингдан ортиқ туркман озгина кишилар томонидан ўлдирилди. Аламзада ҳолда қолганлари ўзларини Марварруд (дарёси)га ташладилар ва фарқ бўлдилар. Қўй ва чорвадан тўпланганлари мўғуллар қўлига тушди. Иккинчи муқаддас муҳаррам ойининг биринчисида, 618 санада. Назм (мазмун):

Хуршид тепага қараб, каманд ташлаганда, осмонга қараб
ёлқини кўтарилганда.

Тулихон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам 500 нафар отлиқ билан (Марвнинг) Ферузий дарвозасига ҳужум қилди. Шаҳар маркази устида доирадек тавоф қилиб, қалъа деворлари, бору, хандақ ва дарвозани кузатиб ўргана бошладилар. Шу тариқа олти кун давомида (қамал қилдилар) ва эҳтиёт чораларини кўрдилар. Мозандароннинг Қулзум оролларида, Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан ажралиб чиққан Мухбирулмулк Марвга келиб, бу ернинг ҳокими бўлган эди. Унинг гуноҳкор онаси султон ҳарамидан бўлиб, отасини мушриф дер эдилар. Таслим бўлиш чоғида ҳомилали эди. Ўзини вазирлик мартабасидан ҳам баланд оларди. Унинг бемағз думоғида сарварлик даражаси ва меҳтарлик мартабаси ҳавоси бор эди. Еттинчи кун, Назм (мазмун):

Офтоби тобон баланд осмондан нурли камандини
ташламоқчи бўлганда, лашкарлар жамъ бўлиб, Шаҳристон
дарвозасига келиб тўхтадилар ва жанг бошладилар.

Икки юзга яқин жангчи дарвозадан чиқиб, ҳамла қилди.
Тулихон ўз нафсича пиёда бўлди ва ботирлик қадамини
жанг майдони сари ташлади. Назм (мазмун):

Биринчи маст филнинг хурушга келганидек, қалқонини
бошга тутиб, жангга киришди.

Мўғуллар орқадан ҳамла қилдилар. Ўқ ёғдириб, са-
рафшон шамшир зарби билан барчани шаҳар ичига қочиб
киришга мажбур этдилар. Дарвозадан бошқа бир тўда

ташқарига (в. 88 б) отилди. Муқобил бўлган жамоа, уларга қилинган ҳамла туфайли ҳеч бир томондан нажот йўқлигидан иложсиз қолдилар. Ҳеч кимнинг дарвозадан энди бош чиқаришга юраги дов бермай қолди. Назм (мазмун):

Замона румий ваҳшийларини ташлаганда фалак ҳиндий тегини бошга кўтарди. Уфқ шафақ қонига ботганда қайнок тутунидан тутуқ қоплади. Ҳаво чарх соясидек анбарин чодир этагини тўшади. Шу дамда барча тотор сипоҳийлари ҳисор атрофини тамоман ўраб олдилар.

Хуршиди тобон мағриб уфқидан пастга тушиб, ой чодир машриқ кўнуғи учун намоён бўлганда мўғул лашқари қалъа атрофини бир неча ҳалқа қилиб ўраб олган эдилар. Бугун тун давомида эрта тонггача қамал қилдилар. Бирор жонзоднинг қочиш мажоли ва қочиш жойи намоён бўлмади. Кейинги кун субҳ шамширининг тиғи тун фарқини ёрганда ва туннинг ҳабаш сипоҳи наҳорнинг румий лашқарини тор-мор келтирганда Мухбирулмулк эл бўлишу таслимдан бошқа чора топмади. Марв киборлари ва имомларидан Имом Жамолиддинни ташқарига чиқариб, жонига омон тилатти. Раҳму шафқат ва учрашув ҳақида келишиб олишгач, хавфу хатар билан таҳдиддан эмин бўлингач, нақдина пул, қимматбаҳо буюмлар, туя, атриёт ҳамда баққоллик молларидан иборат жуда кўп пешкаш тартиб бериб, (Тули) ҳузурига жўнатди. Тулихон шаҳар аҳволини ундан суриштириб билиб олди. Мулкдор бойлар ва олимлар ҳақида батафсил сўзлаб беришни сўради. Мухбирулмулк икки юз киши рўйхатини берди. Фармонга кўра, мухлислар мол йиғишга киришдилар. Хосу авому камбағалларни сахрога ҳайдаб чиқдилар. Тўрт кун давомида муттасил халойиқни шаҳардан ҳайдаб чиқиш билан машғул бўлдилар. Танур, ҳисор, бору ва деворларни теп-текис қилиб бузишга фармон берилди. Асир олинган тўрт юз нафардан ортиқ ҳунарманд, баъзи шаҳзода ва маликалардан ташқари халқни, гўдак ҳамда қиз-жувонларни лашқарга бўлишиб бердилар, токи уларни қатл қилгайлар. Бирор жонзодни тирик қолдирмадилар. Берилган қисқа хабарларга кўра, ўша лашқарнинг ҳар бир нафарига (в. 89 а) 400—500 кишидан ҳисса тўғри келган. Чунончи, Иззиддин Насоий котиблар жамоаси билан бирга ўн уч кечаю кундуз ўлдирилганлар сонини ҳисоблаб чиққан. Шаҳар аҳолисини ҳисоблаб чиққанларида сони бир миллион уч юз минг нафар бўлган. Ҳайрат ва таажжуб тили Умар Ҳайёмнинг ушбу рубойиси тараннумига майл кўргузди. Рубой (мазмун):

Пиёладаги нарса унинг ярашиғидир, уни синдирмоқлик мастга равоми? Қанчалар нозанинлар боши, кўлини — меҳр туфайли кўли билан яратган, ғазабидан синдирган.

Лашкар қирғину ғоратдан фориг бўлгач, шаҳзода Тулихон томонидан фармон берилдики, Марв акобирларидан Амир Зиёвуддин танҳолик ва узлатда ётганидан саломат қолдирилди. У ўз вазифасини адо этиб, Марв шаҳрига етиб келди. Зовиядаги ва (худо) дўстлари жамъ бўлишсин. У шуларга ҳоким бўлғуси. Бормосни доруға қилиб қолдирди ва бу ердан йўлга чиқди.

Мўғул лашкари Марвдан кетиши билан халос бўлганларнинг ҳар бири бекинган жойлари ва букъалардан чиқиб кела бошлади. Яна беш минг нафар киши жамъ бўлди. Орқада қолиб келаётган мўғулларнинг бир жамоаси одам ўлдирришда ўз ҳиссаларини олмоқ истадилар. Омонлик тилаган ҳар бир киши туфайли олий мартабали сипоҳдан қувончларга эришган бир тўда киши бало чоҳига ташланди. Бу ердан Нишопур йўлига тушдилар. Йўлда кимни топсалар ўлдирдилар. Бир киши Жаба нўёндан қайтиб келаётган эди, етиб келди. У ҳам жароҳатлар бошига малҳам қўйиб, кимки топса йўқлик дунёсига жўнатарди. Шу пайт хабар келдики, Паҳлавон Абубакр девона валади Шамсиддин Муҳаммад Сарахсда фитна бошлабди. Амир Зиёвуддин бир тўда (лашкар) билан уни дафъ қилмоқ учун жўнади. Бормос Марв аҳолиси билан бирга Қаҳрафа ва бошқалар билан Бухоро сари йўналди. Шаҳр яқинида тўхтадилар. Тирик қолганлар Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан Бормосга бирор хабар келган гумон қилиб, нафрат ўтида енгиледи. Кейинчалик иродаларини қўлга олиб, ноғораларини чала бошладилар, ва ёғий (в. 89 б) бўлдилар. Бормос шаҳар дарвозаси ёнига келиб бир жамоани илтимос ва тушунтириш учун шаҳарга жўнатди. Ҳеч ким рўйхушлик ва эътибор бермади. Бормос шу сабабли уларнинг кўпидан интиқом олиш учун шаҳар ташқарисидан топганларини қатл эттирди. У билан ҳамсуҳбат бўлган жамоани олиб Бухоро сари йўналди.

Амир Зиёвуддин Марвга қайтиб келгандан кейин яна ҳисор, боруларини иморат қилди. Унинг атрофига тўпланган жамоа (шаҳарни мустаҳкамлаш билан машғул бўлди).

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ мулозимларидан Кўстегин бир жамоа ва кўп сонли одамлар билан келиб, шаҳар муҳосараси билан машғул бўлдилар. Амир Зиёвуддин учун шаҳар торлик қилиб қолди. Бир тўда ёнидаги мўғуллар билан Мароға қалъаси сари равона бўлдилар. Кўстегин шаҳар ичкарасига кириб, экинчилик ва қурувчилик билан машғул бўлди. Бир тўда одамлар шаҳардан Амир Зиёвуддинга мактуб йўллади ва шаҳарга қайтиб келишга рағбат қилдилар. Илтимосга кўра, ҳаракатга тушиб, шаҳар

дарвозаси ёнига келиб ўрнашди. Кўстегин унинг келгани хабарини эшитиб, бир жамоани Амир Зиёвуддинни тутиб келтириш учун жўнатди. Ўз ҳаётини унинг қатлига боғлиқ деб билди, унинг фаносини ўз мулки лиқосида деб тасаввур қилди ва унинг қатлига фармон берди. Сўнг бахузур зироат ва иморат ишлари билан машғул бўлди.

Уч-тўрт кун икки юз нафар суворий Қайку томон юрдилар. Қолганлар ўз ўрнида қолди ва тезлик билан Нахшабга Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам амирлари Турмой ва Кубой хузурига одам жўнатдилар. Уларга яна бир бор одамларнинг тўпланганини эълон қилдилар. Бир неча кундан сўнг Турмой ва Окмалик беш минг нафар одам билан етиб келдилар. Шу заҳотиёқ шаҳарни қўлга киритдилар ва юз минг нафардан кўпроқ одамни ўлдирдилар. Хароб қилиш учун маҳаллаларни лашкарга бўлишиб бердилар. Турмой қайтиб кетди. Бир тўда одам билан Окмаликни қолдирди. Шамшир қарғаси тумшугидан қочиб қутилган бир тўда одамни қидиртириб, фано лочинига насиба этдилар. Турлича тафтишу қидирувлар ташкил қилиб, имкони борича бажо келтирдилар. Амалга оширилмаган бирор ҳийла қолмади. Нахшабдан уларга бир киши ҳамроҳ бўлган эди (в. 90а). Ҳийлагарлик қилиб, баланд овозда намоз ўқий бошладилар. Саловат ниҳоди ва суратини ўхшатдилар. Бу овоздан одамлар ёруқ ва нақблардан чиқиб кела бошладилар. Уларни ҳам ҳалок қила бошладилар. Шу даражада қатл этиш билан шуғулландиларки, Марвда тўрт нафардан бўлак бирор киши қолмади.

Нишопурга йўналган Тулихон лашкарининг аввалида жуда кўп қуроолар ва манжаниқларни жўнатди. Нишопур тошлоқ жойда жойлашганидан, бир неча манзил йўлдан тошиб келишган. Хирман каби; чарчашган. Тошларнинг ўндан бири даркор бўлмади. Шаҳар аҳолиси аҳвол чатоқлигини кўриб, келган қавм олдин кўрганларига ўхшамасди. Уч-тўрт минг чарх (шаҳар) девору боруларида иш бериб турганди. Уч юз манжаниқ ва аррода ҳам қўшдилар. Аслаҳа ва лафзлар ўзгачалигига ўргандилар. Нишопурнинг барча аҳолиси оёқлари мадорсизланди (тарвузи қўлтигидан тушди). Ихтиёрлари қўлдан кетди. Аҳволларининг хайрли тугашига кўзлари етмади. Фақат мамлакат қозиси Рукниддин Али ибн Иброҳим ал-Муғаннийни Тулихон хузурига жўнатдилар. Ул киши бориб етгач, Нишопур аҳли омонлик тилаб, мол тўлашга рози бўлдилар. Қоидани билмади. У ҳам ижозат ола олмади.

Сафар ойининг ўн иккинчи — чаҳоршанба кuni тонг билан жанг ноғорасини чалиб, одина кuni тушгача уруш қилдилар. Бир неча мавзеъдаги хандақ сувини боғлаб қўйган

эдилар. Девордан рахна очиб, шафқатсиз жанг қилдилар. Жанг аҳли найзадек яловларини бошга кўтариб, девор устига кўтарилдилар ва мардоналик кўрсатдилар. Буржу боруларда мулчардорлик қилиб турган ёшлар қахру жаҳд билан жанг қилишарди. Шаҳар дарвозасидан пастдаги лашкар ўша кунни то кечгача қалъа деворига чиқиб олди. Халқни девор тепасига қатор қилиб қўйиб чиқдилар. Шанба кечаси шаҳар девору борулари мўғулларга тўлиб кетди. Шанба кунни Тулихон балоғат ёшига (в. 906.) етган эди. Лашкарлар шаҳар дарвозаларидан кириб, қатлу ғорат билан машғул бўлдилар. Халқни ҳайдаб қувиб, бурчагу пана жойларда қатл этарди. Мухбирулмулкни тутиб беришни талаб қилдилар. Уни маъзул ҳолда топдилар. Ниятлари тезроқ ўлдирмоқ эканлар, оғзидан оғир гаплар чиқарди. Охири уни хор қилиб ўлдирдилар. Қолган халқнинг аёлу эркак барчасини саҳрога ҳайдаб чиқиб, Қорачор нўённинг акаси Тоғочур гургон интиқоми учун фармон бўлди, ҳаммасини қатл этдилар. Замон харобаликларининг давоми тарзида, Нишопур заминига экин экдилар. Айтишларича, Нишопурнинг иту мушугигача ўлдиришга фармон берилган экан.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг қизи Тоғочур гургоннинг ҳамшираси ўзининг ҳайлу ходимлари билан Нишопур шаҳрига кириб, кимни учратмасинлар қатл этдилар. Қирқ нафарга яқин хунар аҳлини шаҳардан олиб чиққан эдилар. Уларни Туркистонга олиб кетдилар. Қолганларини қатли ом этдилар. Ул диёрда бирор жондорни ҳам тирик қолдирмадилар. Ул шаҳарнинг буржу бору ва бошқа олий иморатларини ер билан яксон айладилар. Етти кечаю етти кундуз сув қўйиб, ўрнига арпа экдилар. «Хуросон тарихи»да битилганки, Нишопурда ўлдирилган халойиқни ўн икки кун давомида санаб чиққанлар. Аёлу гўдаклардан ташқари бир миллион етти юз қирқ етти минг нафари қаламга киритилган.

ТУЛИХОННИНГ ҲИРОТ ДОРУССАЛТАНАТИ ТОМОН ЮРИШИ ЗИКРИ

Нишопурдаги қатли ом ишлари тамом бўлгандан кейин Тулихон Ҳирот сари йўлга чиқди. У ерда бир амир ва тўрт тожикни қолдириб, қолганларини қаерда топишса, шу ерда қатл этдилар. Ҳиротга яқинлашиб, бир ўтлоқда тўхтадилар. Занбур деган кишини элчи (в. 91а.) қилиб Ҳиротга жўнатди ва буюрди: «Ҳирот малиги, амиру қозиси, хатибу маъруфу

машхурлари бизнинг хумоюн раияларимизга пешвоз чиқишсин. Токи, жаҳонсўз ғазабимиз ва захросо қаҳримиздан солим қолгайлар!»

Ўшанда (Ҳиротда) Малик Шамсиддин Муҳаммад Журжоний Султон Жалолиддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан ҳокимлик қиларди. Шаҳзода Тулихоннинг келаётганини эшитгач, у қарши жанг тайёргарлигини кўра бошлади. Шаҳарнинг ҳамма томонларини муҳофаза этди.

Хабар беришларича, ўшанда Ҳиротда 190 минг нафарга яқин сипоҳий бўлган. Элчилар Ҳиротга кириб, шаҳзоданинг гапини Маликка етказганларида, ўша заҳотиёқ уларни қатл этди ва деди: Кофирларни ўлдирган ўша куннинг бўлмагани яхши эди. Кейинги куни бу хабар Тулихонга етгач, дарғазаб бўлиб буюрдик, лашкар атрофдан шаҳарга хужум қилишсин, кўрган ҳар бир тожикни қатл этишсин. Малик Шамсиддин жанг қилишга уринди. Шаҳзода сипоҳи ташқаридан ҳамла қилди. Ўшанда бир неча кун ичида жаннат хузури ва дўзах жаҳаннамидан жой олдилар. Етти кун мобайнида муҳорабайи азим воқеъ бўлди. Шаҳзода мўътабарларидан бир мингу беш юз баҳодир қатл бўлди. Малик Шамсиддинга ўқ тегиб яраланди ва ўлди. Шу муносабат билан Ҳирот шаҳри аҳолиси икки гуруҳга бўлинди. Маъруф шаҳар қозилари ва бузургларида иборат бир тўда сулҳга мойиллик билдирди. Шаҳзода Тулихон Ферузобод дарвозаси қаршисида саф тортиб турган аснода, Шамсиддин ўқ захми туфайли беҳишти баринга равон бўлганда саккизинчи кун эди. Шаҳзода Тулихон 200 сипоҳи билан дарвозага яқинлашиб, хандақ лабига етганда тўхтади ва отдан тушиб деди: «Эй одамлар, билингизким, мен Тулихон (в. 916.) ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамдурман! Жонингиз омонлик топсин, хотину фарзандларингиз мўғуллар қўлига тушмасин десангиз жанг қилишдан кўл тортинг, муборазадан оёқларингизни тийинг. Итоат ва таслим сари юз буринг.

Шу вилоятдан Султон Жалолиддин омилларига ҳар йили тўлайдиган мол ва жиҳотнинг ярмисини наввобимизга топширинг, Шоҳона тарбияту подшоҳона карамлардан баҳраманд бўлгайсиз». Шу сўзларни таъкидлаб, қаттиқ қасамлар ёд қилди. Шаҳар аҳли Тулихондан бу сўзларни эшитиб, эл бўлди, дарвозаларни очдилар. Султон Жалолиддин ҳукми асосида жомабофлар ҳокими бўлган Амир Азизиддин Муқаддам Бурдий юз жома кўтариб, ҳар бирида тўққизтадан қимматбаҳо жома бўлган бўғчалар билан биринчи бўлиб шаҳзода Тулихонни қарши олди.

Кейин барча шаҳар аъёнлари ақиблари, ашрофу аҳолиси, муллою сардорлари, коргарлари ташқарига чиқдилар ва марҳаматли назаридан баҳраманд бўлдилар.

Шаҳзода Тулихон фармони эълон қилинди. Унга кўра, Султон Жалолиддинга қарашли бўлган 12 минг кишининг барчаси қатл этилди. Қолганларга зиён-заҳмат ва алам етказилмади. Малик Абубакр Мурсафийни Ҳиротда ҳоким қилиб қўйдилар. Даргоҳ муқаррибларидан Мункатой деган кишини шихналикка тайинладилар. Саноксиз ғаниматларни йиғиб олгач, азимат яловини Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззам ўрдуси томон кўтарди ва қайтиб келди. Малик Абубакр ҳукумат тахтида ва Мункатой шихналик мақомида амал мезони бўйича адолат ва раиятпарварлик билан машғул бўлдилар. Халқ зироат ва иморат ишларида банд бўлди.

Тақдир қалами бу диёрни хароб этишни жорий этди. Малик Абубакр ҳукумати ва Мингтой шихналигидан бир неча кун ўтгач, Хуросонга Султон Жалолиддин Ғазнин оралиғида жойлашган Парвон мавзеида (в. 92а.) Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззамнинг лашкарини тор-мор келтириб, мўғул амирларидан баъзиларини енгитди, деган хабар етиб келди. Бу овоза Хуросонга етиб келиши билан Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззам томонидан қўйилган малик, шихна, омил борми, барчасини ўз ўрнида қатл этдилар. Уларнинг бундай қилишларидан умидлари шу эдики, Чингизхон Султон Жалолиддин ибн Султон Мухаммад Хоразмшоҳ билан бошқа жанг қила олмайди. Ҳирот аҳолисидан ҳам бир жамоа уюшиб, Мункатой шихна билан Малик Абубакрни қатл этдилар. Кимни уларнинг қиличи билан кўрсалар — ўлдирдилар.

Малик Муборизиддин Сабзаворий Ферузкуҳ тоғларидан Ҳисорга келган эди. Шунини шаҳар малиғи этиб тайинладилар. Вилоят раислигини анча ишбилармон бўлган Хожа Фахриддин Абдурахмон Ироқийга топширдилар. Барча иттифоқликда яқдил, гапни бир жойга қўйиб Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззамга қарши чиқишга дил боғлади. Бунинг хабари Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззамга етгач, у дарғазаб бўлди. Шаҳзода Тулихонга деди: Сен уларни ўлдирмадинг. Шу сабабдан бундай фитна воқеъ бўлди. Сен бу юрт одамларини қиличдан ўтказганингда бундай фасод юзага чиқмас эди. Кейин итобу хитобла Элчиғдой номи билан машҳур бўлган Элчиғдойни 80 минглик қўшинига қўшиб Ҳирот томон жўнатди ва дедик, бирор жондорни қўймагайсан, ҳатто мушугию итигача тирик қолмасин. Соҳибқирони аъзам Чингизхон муаззам фармонида мувофиқ Элчиғдой нўён 618 йил санаси шавол ойида йўлга

чикди; у ерга етиб Ҳарот дарёси бўйида қарор топди. У дедик, бутун лашкар шу бир ой муддатда жанг асбобларини тартибга келтирсин. Чингизхон ҳукмида бўлган мавзёлардан жанг ҳозирлигини кўришни талаб қилсинлар. Қисқа муддатда Хуросон худуди ва унинг ноҳияларидан қарийб эллик минг нафар пиёда ҳамда отлик жамланиб лашкарга қўшиб олинди. Ҳирот шаҳрида малик Муборизиддин ва Хожа Фаҳриддин Абдурахмон каби аъёну ақобирлар жанг ҳозирлигини кўрадилар. Каттаю кичик барчаси иттифоқ бўлиб, (в. 92б.) токи рамақда жонлари бор экан, илгаригидек иккиланишу субутсизлик қилмасликка онт ичдилар. Элчигадой нўён бир ой давомида жанг асбоби ва саваш ҳозирлигини кўриб бўлгандан кейин, ҳар бири бир амирга топширилган шаҳар дарвозаларини мўғул сипоҳи сардорларига тақсим қилиб берди. Шаҳарнинг ҳар тарафига ўттиз минг нафар жангчини жўнатиб, ким жангда хатоликка йўл кўйса ўлдирилади, ким ғайрат кўргузса иноят топади, деб фармон берди. Тўрт томондан (лашкар) келиб, қўшилишди, Шаҳар халқи ўз ўлимини бўйнига олиб ташқари чикди, жангга жидду жаҳд ва камоли саъй кўргузди. Ташқаридан кийнаҳоҳ сипоҳ манжаниқ тошлари билан олий ва кичик иморатлар ҳолини танг ва ер билан баробар қилди. Чарх ва новаклардан кетма-кет ўк отиб буржларнинг шарафаларини то тобадонларигача яксон қилдилар. Кетма-кет отилган нафт оташлари ёмғир томчиларидек (шаҳар устига) ёғилди. Ҳўлга тушса ҳам, қуруққа тушса ҳам ёндирарди. Шаҳарнинг ўнгу сўли, олдию ортида тинимсиз жанг кетарди. Шу тариқа олти-етти ой чўзилди. Токи, 619 санаи муборақда Элчигадой нўён катта жанг бошлагунча. У бир неча кун муттасил жанг қилди. Ҳар бир ҳужумда унинг беш минг нафар аскарлари қатл этиларди. Заҳирадаги саноксиз манжаниқ ва арродалардан тўсатдан эллик газилари чиқиб келди. Ҳар бири бир ҳаракда эди. Тўрт юз нафар номдор мўғул унинг ортида туришарди. Шу ҳолда уч кун ўтди. Шаҳарда икки гуруҳ пайдо бўлди. Бу зоҳира ва одамларнинг кўплигидан одамларнинг ҳоли танг бўлди. Кундан-кун Элчигадой бераётган мадад орта борди. Санайи 619 да, жумадулаввал ойининг жумъа куни тонгда осмоний ва раббоний қазоси билан Элчигадой нўён Хокистар буржи томондан (ҳужум қилиб) шаҳарни қўлга киритди. Сўнг эркагу аёл, қарию ёш, каттаю-кичикни қатл этишга буюрди. Қонлар дарё бўлиб окди. Унинг иморатларини вайрон, буржу боруларини хароб қилдилар. Хандақини эса тўлдирдилар. Етти кун давомида ўлдиришу ёндириш, кавлашу қон оқишишдан қўллари бўшамади.

Ҳирот халқининг бир милён олти юз минг нафардан кўпроғи шаҳид бўлди.

Элчигадой нўён Ҳирот сахнини (в. 93а.) шундай покладика, бирорта ҳам хонадор қолмади. Саккиз кундан кейин у Қошғар томонга равона бўлди. Ўлжалардан нимани лойиқ топса Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хузурига жўнатди. Ўбаҳ қасабасига яқинлашганда минг отлични Ҳиротга қайтариб юбордилар. Токи, қочган ва беркинганларни топсалар қатл этгайлар. Иккинчи навбатда мўғуллар шу юришда яна уч минг нафарга яқин кишини топиб қатл этдилар.

Нақл қилишларича, мавлоно Шарафуддин хатиб Чиғиртон ва яна ўн беш нафардан бўлак тирик жон қолмаган. Кейин 24 нафар киши яна (шаҳар) булукларидан келиб ўша 16 нафар кишига келиб кўшилди. Ўн беш йил давомида шулардан бошқа бирор жонзод ўша жаннатнишон шаҳарда яшамаган.

Марв, Нишопур ва Ҳирот сингари шаҳарлар, Тус, Сабзавор, Жожарм, Насо, Абивард, Сарахс, Қоф вилоятлари ва Хуросоннинг бошқа шаҳарлари шу мамлакатни тасхир этиш буюрилган саноксиз мўғул лашкарининг отлари туёғи остида қолди.

Уй ой давомида улар Хуросоннинг барча ҳудуди, то Сейстон мулкигача бўлган ерларни қора тупроқ билан баробар қилдилар ва қайтдилар. Назм (мазмуни):

Жаҳонгир Тули уч ой ичида Сейстонгача чўзилган ерларни қўлга киритди. Ковлади, ўлдирди, талаб кетди. Каттаю кичикдан ҳеч ким қолмади. Бу урушқоқ қайси шаҳардан ўтмасин, ўша ер албатта даштга айланиб қоларди. Тули шаҳару сахрода шундай ишлар қилди. У ерлар икки бойўғлининг маконига айланди.

Шаҳзода Тули Хуросон мамлакатини тасхир ва таҳриб этгандан кейин Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам фармонига мувофиқ, Толқон, кейинроқ Бадахшон вилоятлари сари йўналди ҳамда отаси ўрдусига келиб қўшилди. Назм (мазмуни):

Тули Соҳибқирон ўрдусига келди. Жарчилар унинг келганини хабар қилдилар. Ўғил ўлжомишга кирганда, ота уни суюрғомиш билан сийлади.

Ўшанда бир неча кунда шаҳзода Тулихон Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам лашкари билан Толқон қалъасини забт этдилар. (в. 93б.) Унинг шаҳри ва қалъасини олдилар, у ерларнинг аҳолиси ҳамда муллалари эса бошқа жойларга кўчиб кетдилар.

СУЛТОН ЖАЛОЛУДДИН ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ АҲВОЛИ ВА СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ЛАШКАРИ БИЛАН (ЖАНГИ) ЗИКРИДА

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бу фано манзилдан дорулбақога кўчганда Султон Жалолуддин ва унинг укалари ўзларининг бир тўда одамлари билан Обескун оролидан қайтиб келдилар. Султон Жалолуддин мардоналик майдонида жавлон қилмоқ истади ва замон гардиши навосига жўр бўлиб, мухалифлик шўъбасини чалмоқликни ихтиёр айлади. Токи, отасига ўхшаб халқнинг маломати ўкига нишон бўлиб, башарият суннийлари таънасига қолмагай. У Хоразмга келиб, ҳукму насақ ижро қилса, ўшанда мўғул лашкарининг қадами ул диёрга етмагай эди. Қабақлилардан тўқсон минг нафар киши Хоразм аҳолиси орасида яшар эди. Султон Жалолуддин келгандан кейин уларнинг баъзиси унинг фармони чизигига бўйинсунди. Бошқалари эса адоват йўлига тушиб олдилар. Шу сабабли Султон Жалолуддин ул фитначи мунофиқ қавм билан учрашишдан ташвишга тушди. Ироқ томонда мўғул хабарини эшитди. Ёлоғ деган кишини Хоразм даштига инилари Ўзлок султон, Гурхон, Хумортегин ва Темур мулки соҳиби Ўғул хузурига жўнатди. У ерда тўқсон минг қаттол жангчи турарди. Ўзи Нисо йўли билан Шодимоғ сари йўналди. Устиворга етгач, бир тўда мўғул лашкарига дучор бўлди. Шом тушгунча жанг қилдилар. Қоронғу тун чарх узра этагини тортганда Султон Жалолуддин шошилинч равишда Шодимоғ томонга жўнади. Назм (мазмуни):

Куёш жаҳондан яширинганда, қоронғу тун кун устига
этагини ёпганда Султон ўртадан камондан отилган ўкдек
жадал чиқиб кетди.

Султон Жалолуддин мўғул лашкари орасидан ўша кечаси гўлдек чиқиб кетганда Ўзлок султон акаси билан мўғул лашкарининг ўзлари томонга келаётгани хабарини эшитдилар. Тўхтаб туришни ўзларига муносиб билмай, султон ортидан равона бўлдилар. Йўл асносида Султонга дучор бўлган лашкарга учрадилар. Учрашишгач, (в. 94а.) улар билан жанг қилишга қодир эмасликларини мулоҳаза қилиб, бир ҳамладан кейин қочишга юз тутдилар. Мўғуллар улар кетидан равона бўлдилар. Улардан бир тўдани қўлга олиб ўлдирдилар. Султон Жалолуддин Шодимоғга етгандан кейин уч кун шу ерда туриб қолди. Курол-аслаҳаларини ҳозирлаш билан машғул бўлди. Ногоҳ ярим кечада: Назм (мазмуни):

Айланиб турган фалак тўхтаб қолди, куёшнинг оёқ-қўли сустлашди.

Бу ердан султон Жалолуддин таваккал отига миниб, санаи 617 да зулҳижжа ойининг 11-куни Парвон йўли билан отаси унга бағишлаган Ғазнин томонга равона бўлди. Бирор соат ўтгандан кейин лашкар Шодмоҳга етди. Маълум қилишларича, султон Жалолуддин у ерда тўхтамасдан йўлида давом этди. Токи, Ҳирот музофотидан беш кунлик йўлни босиб ўтдилар, аммо етиб ола олмадилар. Қайтиб кетдилар. Султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ғазнинга етгач, тарқалиб кетган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг лашкари унинг атрофига келиб тўпландилар. Назм (мазмуни):

Ҳар томондан лашкар унинг атрофига келиб тўпландики, унингдек меҳтар Эронда йўқ эди.

Ҳирот малиги ҳам шаҳзода Тулихоннинг юришидан енгилган эди. Ўз қавми ғурийлар ва лашкари билан Султонга келиб қўшилдилар. Қабақлиён қавмидан қирқ минг нафар киши Хоразм тарафдан етиб келди. Назм (мазмуни):

Лашкар суворийлари енгилиб, илтижо билан ҳар томондан султонга анжуман бўлдилар.

Баҳор етиб келганидан султон Жалолуддин Ғазниндан чиқди ва Бозонга йўналди. У ерга етиб тўхтагач, хабар етиб келдики, Бекчак ва Тимқур чексиз мўғул лашкари билан Волиён қалъаси муҳосарасига машғул бўлдилар. Волиён қалъасини тасхир қилишларига яқин қолди. Шижоат асарли султон бу хабарни эшитгач, юклари ва бойлигини ўша ерда қолдириб ўзи ўта жасоратли катта лашкари билан ул бадқирдор қавм устига илғор уюштирди. Булжор куни хужумлар уюштириб зўр саваш кўргизди. Мўғул тотор лашкари муқаддимасидан қарийб тўққиз минг суворийни дорулбаворга жўнатди. Султон Жалолуддин ибн Муҳаммад Хоразмшоҳ лашкарининг сони зиёда бўлгач, (в. 946.) дарёдан кечиб ўтиб, тўхтадилар. Волиён қалъасини муҳосара қилмоқ учун бораётган мўғул лашкарининг ғўл қисмини хароб қилдилар. Қоронғу тушгач, мўғул лашкари қочишга юз тутдилар. Султон Жалолуддин катта ўлжани кўлга киритиб, қайтди ва Бозонга етиб келди.

Султон Жалолуддиннинг мўғул лашкари устидан ғалаба қилгани, Бекчак, Тимқўр ва уларнинг лашкари таслим бўлгани хабари Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга, Толқонга етиб келди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу хабарни эшитиб, Қайқур нўённи ва яна бир амирни ўттиз минг нафар лашкар билан султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни дафъ қилмоқ учун

жўнатди. Ўзи ҳам унинг ортидан йўлга тушди. Қайкур нўён қиёмат асарли лашкар билан султон Жалолуддин қароргоҳи Бозон мавзеига етиб келди. Султон Жалолуддин жанг қилишга мойиллик билдириб ботирлик яловини наррашер думидек бошига соябон қилди. Назм (мазмуни):

Кўркмай лашкарни жангга киритди. Гўё паланг билан жанг бошловчи шер каби. Ўнг ва сўл қўлларни тартибга келтирди. Қалб ўртасида ўз ўрнини ростлади. Йирткич шер каби пиёда бўлиб, ғазаб билан бел боғлаб жанг қилди. Икки саф ўртасида қахрамон ботирлар адоват камонини қўлга олди. Ўқни тортиб шастни очиб юбордилар. Мардлик билан душманга ташландилар. Ўша куни шомгача Чину Ҳабаш, Руму Занг ботирлари сингари жанг қилдилар. Жанггоҳда ҳалойиқ кўзи ўнгида ҳаво сипоҳ чиқарган чанг сингари қопқора бўлди. Нур сочиб турган қуёш ботгач, қоронғу тун фалак узра ўз этагини ёпди.

Куни бўйи ботирлар жанг майдонида шеру паланг каби бир-бирлари билан олишдилар. Икки томоннинг ҳам бирортасига зафар ёр бўлмади. Ҳар бир жангчи адоват тўла дил билан майдондан қайтди ва ўз марказларида қарор топди. Қайкур нўён султон Жалолуддин олиб борган жанг шиддатининг зўридан яна танг аҳволда қолганлигидан, бунинг олдини олиш учун ясо тартиб берди ва дедики, ҳар бир суворий ўз фалокатлари (бахтсизликлари) тимсоли тарзида намад ва чубларини ўрнатгайлар. Назм (мазмуни):

Чин ҳоқони — ярим кун шоҳи Шарқдан Нимрўз сари равон бўлганда, тоторлардан ҳабашлар шикаст топдилар. Зангилар румликлар лашкаридан енгилганидек. Ҳар икки томондан наъра кўтарилди, жангталаблар икки сафга тизилдилар.

Тонг отгач, ҳар икки тараф саф тортдилар. Султон Жалолуддин лашкари мўғуллар сафи ортидан сафланганларни кўрди. Уларга мадад етиб келмоқда, деб тасаввур қилдилар. Хавфга тушдилар. Чекинмоққа жазм қилдилар. Султон Жалолуддин ўз лашкарини бу паст ниятдан қайтарди. Иккинчи марта мўғуллар пиёда бўлиб жангга кирдилар. Султон Жалолуддин лашкари бу тадбирдан хабар топиб, барчаси отга миниб мўғул лашкари устига ҳужум қилди. Мўғул лашкари ажиб бир ҳолатда шикаст еди, уларнинг аксари ўлдирилди. Султон Жалолуддин лашкари катта ўлжани қўлга киритди.

Ҳар икки нўён озгина одамлари билан Соҳибқирони аъзам хузурига етиб келди. Шу заҳотиёқ Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўз одамлари билан Толқон, Бадахшон вилоятларидан Султон Жалолуддин ибн Султон

Мухаммад Хоразмшоҳни дафъ қилмоқ ниятида йўлга чиқди.

Шу ўртада ўлжага тушган бир от устида Хоразмшоҳнинг мўътабар амирларидан Сайфуддин Ўғроқ билан Ҳазора малиги ўртасида бошланган тортишув охир-оқибат низога бориб етди. Ҳазора малиги Сайфуддин оти устига тозиёна урди. Султон Жалолуддин бу (низо)ни бартараф этмади. Сайфуддин хафа бўлиб қолди. Қоронғу тушгач, Сайфуддин Ўғроқ 30 минг нафар кишиси билан Синқирон тоғлари томон кетиб қолди. Қабақли туркман ва халаж сипоҳлари ҳам (султондан) юз ўғирдилар. Шу сабабли олиймакон Султон аҳволи батамом заифликка юз бурди. Султон Жалолуддин томонга Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг юриши тайин бўлди. Йўл асносида у Бадахшон Андаробига яқинлашди. Бу диёр аҳолиси унга қаршилик кўрсатдилар. Шу муносабат билан бу ерда бир ой қолиб кетди. Бу қалъа забт этилгач, Бомиён қалъасига етди (в. 956.). Бу ернинг халқи ҳам жангга отланди. Ҳар икки томондан ўқ ва манжаниқ отишмалар бўлди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам учун жуда сеvimли бўлган Монмакон ибн Чигатойхонга Бомиён қалъасидан отилган чарх ўқи келиб тегиб ҳалок бўлди. Назм (мазмун):

Пурдил шоҳнинг дили ғамга тўлди. Зеро, энг суюкли набираси ҳалок бўлди. Ғазаб билан у шундай жангга киришдики, тобидан тошнинг дили танг бўлди. Турклар нар аждаҳодек бир ҳамла қилиб, у қалъани осонликча қўлга киритдилар.

Қалъа забт этилгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам у қалъанинг барча аҳолисини аёлу эркак, кичигидан каттасигача битта қўймай қатл этишга буюрди. Бирор жонзодни қолдирмадилар. Ҳатто ёввойи ҳайвон, ва ўша ноҳиядаги қушларгача барчасини ўлдирдилар. Бомиён қалъасини вайрон қилдилар. Назм (мазмун):

Бирдан дил тутунидан оташ алангаланди. Бутун қалъа аҳолиси билан ёниб кул бўлди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ул қалъани «боди болиғ» деди. Яъни ярамас шаҳар, минбаъд унда ҳеч ким яшамаслиги керак. Бу мусибатли воқеа туркий ит йилига мувофиқ бўлган санаи 619 ҳижрийда содир бўлди.

СОХИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ҲАР ИККИ СУЛТОН-СУЛТОН ЖАЛОЛУДДИН ВА СУЛТОН МУҲАММАД (В. 956) ХОРАЗМШОҲ УСТИГА ЮРИШИ ҲАҚИДА ҲИКОЯ

Соҳибқирони аъзам, Чингизхони муаззам Қайқур нўён билан бўлган лашкарнинг енгилгани ҳақида хабар топди. Хоразм мамлакатига кетган лашкар унинг одамларини қатли ом қилишидан бўшади ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг фармониға мувофиқ соҳибқирон авлодининг улуғи Жўжихонга берилган Дашти Қипчоқ томонга жўнади. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг иккинчи ва учинчи ўғиллари Чигатойхон ва Ўқтойхон Жайхун дарёсининг тепасидан ҳадсиз-ҳисобсиз лашкар билан йўлга тушдилар ва Хоразм мамлакатининг шаҳарларини батамом ва тўлиқ қўлга киритиб, Кот ва Қиёт шаҳарларини вайрон қилдилар (в. 96а.). У ернинг аҳолисиға шахидлик шарбатининг қадаҳларини ичирдиларким, бу шарбатдан хоразмликлар маст бўлиб, (абадий) уйқуға кетдилар.

У ердан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг узангисини ўпиш учун йўлга равона бўлдилар. Йўл давомида қайси шаҳар ва кишлоққа етиб борсалар, (эл) агар итоат қилиб, Султон Муҳаммад Хоразмшохнинг одамларини тутиб берсалар, уларнинг жонларига қасд қилмас эдилар. Агар бунга хилоф иш тутсалар ва жангга киришсалар, ўша шаҳару кишлоқни вайрон, халқини қатли ом қилардилар. Шундай қилиб, Бомиён мавзеиға келиб Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг бекарон лашкариға қўшилдилар ва ҳар икки ўғил ота хизматиға тиз чўкиб, ҳисобсиз ҳадяларни такдим этдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамдан фармон бўлган эдики, Бомакон бин Чигатойхоннинг ўлими хабарини Чигатойхонга айтмасинлар, бинобарин буйруққа мувофиқ кимки бу воқеани изҳор қилишға қудрат топган бўлса, бир неча кундан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам жазосини бергай. Назм (мазмуни):

Гинадан қошини чимирди-ю, кўзини ғазаб билан Чигатойға қаратди ва деди: «Неға фармонға қулоқ солмадинг, неға қайсарлик отиға миндинг?» Чигатой кўрқувдан тиз чўкди ва деди: «Ҳақни таниган шаҳаншоҳ, иш бундай: сен жаҳон шоҳисан, биз эса қулинг. Энди, албатта, фармонингдамиз. Биз сенинг хизматкоринг, сен эса подшоҳ. Бизнинг ўзимизда ихтиёр йўқ. Сенинг розилигинг дилимизға

мададдир. Бунингсиз бизга яшаш мушкул. Агар лутф қилсанг ёки жонимизга қаҳр қилсанг ҳам, нимаики фармон қилсанг, биз унга мутеъмиз. Буюргил, биз сенинг камтарин кулларинг. Сенинг амринг йўлида жон фидо қиламиз». Улуғ соҳибқирон шоҳаншоҳ, Чиғатойнинг қаддига кўрк кийдиради. Подшоҳ унга шундай деди: «Ўғлинг жангда ҳалок бўлди, унинг ўлиmidан сен қайғу чекма. Жимликни ихтиёр қил, ҳар хил сўзларга кулоқ солма!» Чиғатой буни эшитиб, хушсиз қолди, саросималик ичида кўркувдан жим турди. У на ёрлиғни буза олар эди, ва на фарёд уриб, жигарини қон қила олар эди. На сабру тоқат уни ушлаб тура олар, юраги ёнса ҳам, на оху фарёд чиқар эди. Узоқ вақт ўзини шундай тутиб турди. Ўзи ўлдию бироқ (шундай) деди: «Эй улуғ шоҳ, Бомакон жангда ўлган бўлса, шубҳасиз, у подшоҳ учун садақа бўлди. Подшоҳ ишига бел боғлаган кул, лашкар ичида ботирлиги билан фахр этади. Бизга ўхшаганлардан юзтасининг жисму жони йўк бўлса-да, Соҳибқиронимизнинг умри боқий бўлсин!» Бирпас бу наво нағмасини чалгандан сўнг, улуғвор ҳолда шоҳ олдидан ташқарига чиқди. Хилват жойга бориб, бир бурчакка ўтди-ю, икки кўзидан Жайхун ва Сайхун ёшларини тўкди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўзининг иккинчи ўғли бўлмиш Чиғатойхонга катта ўғли Жўжихон билан Хоразмда низо қилгани ва бу низо туфайли Хоразм қалъаси тезда қўлга кирмагани учун, таънага оғиз очиб, (Чиғатойхонга) сиёсат сўзларини айтди. Чиғатойхон кўркув ва ваҳимадан тобуғ ҳолатида тиз чўкиб, итоаткорона жавоблар билан ўзининг узрини баён қилиб, айбини тан олди, розилик оёғини тобелик жойига қўйди.

Шундан сўнг, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам марҳамат жуббасини Чиғатойхоннинг елкасига кийдирди ва набираси Бомаконнинг ўлими муносабати билан унга таъзия изҳор этиб, йиғи-сиғи қилишни қатъиян таъқиқлади. Чиғатойхон бу хабарни эшитиб даҳшатга тушганини мардлик билан енгиб, Соҳибқирони аъзам раъйига мувофиқ сўзларни айтиб, яхшилик билан ташқарига чиқиб, хилватга бориб, тўйиб йиғлади ва фарзандининг ҳижрон оташини сўндириб, яна отасининг хизматига қайтиб кирди. Унда ғамгинликдан заррача белги йўк эди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳисобсиз лашкар билан Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг валиаҳди, яъни Султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қасдида Кобул йўли орқали зудлик билан Ғазнин сари йўлга тушди. Назм (мазмуни):

Чингизхон ўз лашкари билан Хоразмшоҳ валиаҳдининг қасдига тушди.

У қаттиқ шошилганидан икки манзилни бир қиларди, чунончи, таом ҳам ейиша олмасдилар. Шундай қилиб, Ғазнинга етиб келдилар. Бу ерда маълум бўлдики, (в. 97а.) Султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ бундан ўн беш кун аввал Чингизхоннинг қайтаётганини эшитиб, Ҳиндистон томонга кетибди. Ғазнинда эса Ялавоч нўённи доруга қилиб қолдирибди. (Чингизхон) тўхтамасдан Султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ орқасидан равона бўлди. Назм (мазмуни):

Унинг нишонини излабу қидириб, Соҳибқирон султон орқасидан чопарди.

Тонггача ёруғлик кундуз юзидан ёғилиб, субҳнинг оқ сути уфқлар сийнасида тошиб чиққан пайтда, муғироб (сув маъносиди) етиб келиб, Султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ орқасидан етишди ва тўхтовсиз жангга киришди. Назм (мазмуни):

У ўз атрофига шундай лашкар йиғдики, дарё ўқ, аскарлар эса камон эди. Лашкар ёнига лашкар қўшиб, эронийлар йўлини тўсдилар.

Султон Жалолуддин бин султон Муҳаммад Хоразмшоҳ ўзини суву олов ўртасида кўрди, чунончи, бир тарафида кескир қиличлар олов сочарди, бошқа тарафида эса қонхўр дарё турарди. Ҳеч бир томондан чиқиб кетишнинг иложи йўқ эди. Ноилож жангга киришди. Баҳодирлик отини кураш майдонига солиб, тотор кофирлардан кўпини ҳалокат тупроғига қорди ва ҳеч бир кулфатсиз жанг қилдики, агар Рустами дoston тирик бўлганда, унга бўлган муҳаббат ёпиғини ўз елкасига солган бўларди. Агар кумуштан Исфандиёр бу жангни мушоҳада қилганда, унинг хизматида куллик лавозимини жону дил билан қабул қилган бўларди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг лашқари сардори Султонхон Малик бўлмиш султон Жалолуддин лашқарининг ўнг қанотига ҳамла қилдилар ва жойларидан қўзғатиб, пароканда айладилар. Султон Жалолуддин лашқарнинг қалбида етти юзта мард билан бирга мардоналик оёғини ерга маҳкам қўйиб, тонгдан то туш пайтигача қаршилиқ кўрсатиб, уларни чапдан ўнгга, ўнгдан чапга қувди ва ҳар бир ҳамлада қанчалаб кишини қулатди. Назм (мазмуни):

Қайси томонга от чоптирмасин, тупроқни қонга бўяр эди. Агар бу жангни Золнинг ўғли кўрса эди, у султон Жалол (уддин) нинг қўлини ўпган бўларди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг лашқари беҳисоб эди, улар соатма-соат кўпайиб боришарди ва гоҳ-гоҳ кураш майдонини султон Жалолуддин учун танг қилар

эдилар. Мўғуллар султон Жалолуддинни қўлга туширай деб қолганларидан кейин Хонсултоннинг ўғли Ахос Малик султон Жалолуддин отининг жиловидан тутиб, орқага олиб чиқди. Султон юраги гирён, кўзлари нигорон бўлиб, болалари ва улуғлари билан минглаб дарду фироғ ила видолашиб, қора тўриқ отина миниб, мўғулларнинг беҳисоб лашкарига яна ҳамла қилди. Уларни орқага суриб ташлаб, сўнг жиловни орқага тортди. Совутини елкадан ташлаб, чатрини қўлга олди, чўбини ерга отиб, отига қамчи босди. Синд дарёси қирғоғидан то ўзан (сув)гача ўн газдан ортиқроқ эди. У отни дарёга ҳайдади. Лашкардан бир тўдаси унга эргашган эди, мўғулларнинг ўқидан йўқлик денгизига фарқ бўлди. Бу фириб дарёсининг наҳанги Ҳақ субҳанаху ва таолонинг марҳамати билан отнинг сузишига назарини солди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам дарё қирғоғидан ҳеч кимса ўқ отмаслигига амр қилган эди.

Айтишларича, сувда қатл этилган мурдаларнинг кўпчилигига шу даражада ўқ теккан эдики, сув ўликларнинг қони билан қип-қизил бўлиб кетган эди. Султон Жалолуддин сувдан омон ўтиб, ўша йўқлик денгизининг фарқобидан халослик топди. У қирғоқ бўйлаб юриб, ўз лашкаргоҳи турган жойга, душман қаршисига етиб келиб, ўрдусини, хази-наю хонумонини ҳамда ўзига тааллуқли (хотинлар)ни душман қандай талон-тарож этаётганини мушоҳада қилди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам дарё қирғоғида турар экан, султон Жалолуддин унинг рўпарасига етиб келиб, сувнинг у қирғоғида қора тўриқ отидан тушди ва эгар-жабдуқларини отнинг ингичка белидан олиб, ўз чопони ва ўқлари билан бирга офтобга қўйиб куритишга бошлади. Чатрини эса (в. 98а.) найзага илиб, ўзи унинг соясида ёлғиз ўтирди. Намози асргача еттита киши сувдан чиқиб келиб, султон Жалолуддинга кўшилди. Кун ботмасдан аввал бу етти киши йўлга равона бўлиб, Ҳарқ чўлига кириб, бу тўқайдан олға силжидилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам султон Жалолуддин ибн султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан бу аҳволни мушоҳада қилгач, либосининг ёқасини таажжуб бармоқлари билан тутди. Назм (мазмуни):

Олий нишонли султоннинг бу ҳоли Соҳибқирон (Чингизхон)га манзур бўлди. Унга офарин айтди-ю, деди: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил туғилмаган. У саҳрода шер каби ғолиб жангчи, дарёда эса наҳанг (акула) каби ботир. Қандай қилсинки, ҳали ҳеч ким тақдир билан, ҳеч бир можарода тенг келолмаган. Лекин у мардликнинг додини берди. Қазойи қадар қаршисида қудрат қўлини (мардона) очди.

Мардлик билан ундан (қазо) кутулиб бўлмайди. Нима қилсин — қилмасин бу улуг худо ишидир.»

Султоннинг барча феълу ҳаракати Соҳибқирон (Чингизхон)га манзур бўлиб, таҳсин оғзини очиб, ўғилларига юзланди ва деди: «Отага шундай ўғил зарурки, у икки гирдоб — олов ва сув гирдобидан озодлик майдониغا чиқа олди!»

Бу султондан кўп ишлар ва ҳисобсиз қиссалар вужудга келди ва унинг ишларидан ҳар қандай оқил ўғил гофил қолмаслиги керак!

Шундай қилиб, султон Жалолуддиннинг сувда чўкмаган лашкаридан қолганлари Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам фармонининг тиғи остида ўлдирилди. Султон Жалолуддиннинг хотин ва фарзандларини ҳам ҳозир қилдилар, эркакларини ўлдириб, эмизикли болаларини ҳам қатл этиб, қузғунлар учун насиба қилдилар. Султон Жалолуддин ўзи билан бўлган хазинани Синд дарёсининг сувига тўккан эди. Бундан хабар топишгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ёрлиғи билан ғаввослар кўлидан келганича топганларини сувдан чиқариб олдилар. Назм (мазмун):

Бу дарёдан садафдан ҳеч бир ранжсиз, тоза дурлар кафтга чиқди. Шоҳ фармониغا амал қилиб, дурларни йиғиш учун лашкар дарёга тушди. Бир неча кун бу ерда турдилар ва Соҳибқирони аъзам шу жойга суфа қуришни буюрди. Бу воқеа юнд йилига мувофиқ 618 йил ражаб ойида юз берган эди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ҚОНХЎР АМИРЛАРИДАН БЎЛМИШ ИККИ САРДОР — ДЎЗМОНБАХШ (?) ВА БАЛОНЎЁННИНГ (?) ҲИНДИСТОН ҲАМДА СИНД ЮРТЛАРИГА СУЛТОН ЖАЛОЛУДДИН ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲНИ ТАЪҚИБ ЭТИШ УЧУН ЮБОРИЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ДОСТОН

Тарих арбобларининг ёзишларича, султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Синд дарёси қирғоғида қаттиқ шикаст топиб, ўрдусидаги асоси ва дабдабалари, хазиналари ҳамда яқинлари мўғул лашкарлари кўлида талон-торож этилиб, у фарзандларию хотинларидан баъзиларини ўлдирилган, баъзиларни қўлга тушган ҳолда кўргач, ўзи бир неча одамлари билан дарёдан отда сузиб ўтиб, қочиб кетгани юқорида қисқача зикр этилган эди. Шундай қилиб,

султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ шикаст еб, Синд дарёсидан ўтиб, ўз ўрдусининг рўпарасига келиб, чатр остида бироз танҳо, кейин эса етти нафар мулозим ва лашкарлари билан топишиб, то намози шомгача ўтирдилар. Ҳар томондан битта-битта, иккита-иккита бўлиб султоннинг одамлари ва хизматкорлари келавериб, оқибатда эллик нафарча одам йиғилди. Шом ва хуфтондан сўнг оламни зулмат қоплаганда, Султон ўзига келиб қўшилган бу одамлар билан қайсидир томонга йўналди ва чегарасиз чангалзорлар ичидан йўлга равона бўлдилар. Улардан ҳеч кимса қаёққа кетаётганларини билмас эди.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ғалабага эришгач, (в. 99а.) султон Жалолуддинни излаш учун Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам салтанатида турк қабилаларининг сардорларидан ҳамда улуғ амирлар жумласидан бўлган Дўзманбахш ва Балонўённи ҳисобсиз лашкар билан султон Жалолуддин кетгандан сўнг бир кун ўтгач, мабодо у Ҳиндистонга кетган бўлмасин, деган гумонда Синд дарёсидан ўтиб, Ҳиндистон томон боришни, қайси жойдаки султон Жалолуддин ва Хоразмшоҳнинг одамларидан асар топсалар йўқотишларини амр этди.

Дўзманбахш ва Балонўён ногоҳон Синд дарёсидан ўтиб, Ҳиндистон мамлакатига юз қўйдилар. Улар қайси ерга етсалар, одамлар итоат қилишса ёки Хоразмшоҳийлардан у ерда ҳеч ким бўлмаса, ўша диёр одамлари ўлимдан қутулиб қолардилар. Бироқ уларнинг ерга экилган зироат уруғларидан бошқа ҳеч қандай бойлиги қолмасди. Агар итоат қилмасалар ёки итоат қилсалару, бироқ у ерда Хоразмшоҳийлар борлиги маълум бўлиб қолса борми, бари бир уларни қатли ом қилардилар, қалъаю қўрғонларини ер билан яксон этардилар. Мўлтон мамлакатининг иморатлари ва Баҳодурнинг обод жойлари то Ҳиндистон мамлакатига қарашли Шўр дарёга тобеъ сарҳадларга етиб бориб, шу ораларда яшайдиган кўзга учраган эркакларни ўғиллари билан бирга қатл этдилар, хотин ва гўдакларни асирга олиб, барча бойликларини уларнинг ҳайвонларига юкладилар. Султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан эса ҳеч қандай дарак тополмай орқага қайтдилар. Назм (мазмун):

Шоҳнинг фармони билан амирлар жўнадилар. Ва Мўлтоннинг сувидан кечиб ўтдилар. Лаҳовур сарҳадидан то Хўр мулқиғача ва Дарёи Шўр яқинидаги вилоятларгача, тотор отлиқлари ғазабга миниб қидирдилар. Халқнинг бойлигини олиб кетдилар, қалъаларни йиқитдилар. Бироқ, ўша куни султон қўлга тушмади, улар ҳўлу қуруқликда от

чоштириб, охири хон томонга қараб йўлга ошиқдилар.

Дўзманбахш ва Балонўён то Маликпур шаҳригача етиб, лашкарнинг муқаддима қисми Дарёи Шўргача бориб, ҳар томонни ағдар-тўнтар қилиб қидирдилар, бироқ султон Жалолуддиндан ҳеч қандай хабар топмадилар. Ноилож орқага қайтдилар. Айтишларича, Балх шаҳрига, Соҳибкиронни аъзам Чингизхони муаззам ўрдусига келиб, унинг мулозаматига етишдилар.

СУЛТОН ЖАЛОЛУДДИННИНГ ЛАШКАРИ ЕНГИЛГАНДАН СЎНГГИ ВОҚЕАЛАРИ, МАМЛАКАТ ТАСХИРИ, ИРОҚ САРИ ЮРИШИ ҲАМДА ҚОЛГАН АҲВОЛИ ҲАҚИДАГИ ДОСТОН

Тарих китобларида зикр қилинишича, султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Синд дарёсининг сувидан ўтиб, етти киши ҳамроҳлигида қоронғи тушгунча у ерда ўтириб, тунда ўша жойга яқин ердаги тўқайга кириб, тўхтаб турди. Эллик нафар аскарлари унга келиб қўшилгач, ўша чангалзордаги ёғочлардан қирқиб, улардан найзалар ясаб, Татта ва Бикр томон равона бўлдилар. Бир неча кундан кейин ўша ноҳияларда фитнаю фасод билан машғул бўлган ҳиндулару кофирлар жамоати устига тунги ҳужум уюштирдилар ва уларнинг аксариятини қатл этдилар. Султон Жалолуддин ўша одамларнинг отлари ва қурол-яроғларини ўз мулозимларига тақсим қилиб берди. Кундан-кунга эса лашкарларнинг сони ортиб борди. Шаҳриёри шижоат шиор икки йилга яқин бу мамлакатда кофирларни қатлу ғорат қилиш билан машғул бўлди ва бу машғулликда бир қанча мўътабар шаҳарларни қўлга киритди, кофирлардан кўпини эса жаҳаннамга равона қилди. Шундан сўнг Ироқни тасхир қилиш ҳаваси бу жаҳонгир султоннинг кўнглига тушиб, отланиш байроғини кўтарди ва Каж ва Мукрон йўлидан ўша томон йўналди.

Олти юз йигирма биринчи йилда Кирмон чегарасига етиб келди. Бароқ ҳожиб уни пешкашлар билан кутиб олиб, хизматига бел боғлаб турди. Султон Жалолуддин Бароқхоннинг қизини ўз никоҳига олиб, Кирмон қалъасида қайлик ишлари билан банд бўлди. Икки кундан сўнг Султон Жалолуддин ов қилиш ниятида сахро ва яйловларга жўнади. Бароқ ҳожиб оёғи оғриётганини баҳона айлаб, (в. 100а.) боришга қаршилик қилди ва шаҳарда қолди. Султон унинг қаршилик қилиш хаёли борлиги ва ўзини касалга солаётганини билиб, ўз яқинларидан бирини Бароқ ҳожибнинг

олдига юборди ва Ироқ томон юришга қарор қилингани ва у тажрибали киши экани, шу сабабли бу ерга келиши зарурлиги ҳамда у билан бу борада маслаҳатлашиш кераклиги ҳақида хабар берди. Бароқ ҳожиб эса: «Тўғри йўл шуки, султон зудлик билан ўша томонга кетаверсин, бу вилоятнинг майдони унинг назарига лойиқ эмас. Агар яна қайтиб бу қалъага кирса, мухлатни қўлдан берган бўлади!» деб жавоб айтди.

Султоннинг элчиси қайтиб кетгач, Бароқ ҳожиб султоннинг бошқа одамларини Кирмондан қувиб чиқарди ва дарвозаларни маҳкам ёпди. Султон Жалолуддиннинг ўч олишга қуввати бўлмагани учун Шероз йўли орқали Ироқ томонга жўнади. Ўша пайтда Форснинг ҳокими бўлган Саид ибн Зангий ўз авлодларидан бирини муносиб совғалар билан унинг хизматига юборди. Атобекнинг покдоман қизлардан бирини султоннинг никоҳига киргиздилар.

Султон Жалолуддин Форсдан Исфаҳон сари ошиқди ва бу шаҳардан Рай сари жўнади. Унинг биродари султон Ғиёсуддин салтанат ишларини хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам унга топширди. Султон Жалолуддин илтифот нурини, подшолик ишларини тартибга солиш, халқ ва аскарлар аҳволини яхшилашга қаратди. Шундан сўнг олға юриб, қишлаб, у ердан мадад тилаш ҳаёлида дорус-салом Бағдод сари ҳаракатга тушди.

Носир халифа хоразмшоҳийларга нисбатан кўнглига тугиб олган адоватга биноан Қаршатмурни йигирма минг кишига бошлиқ қилиб, султонни Бағдод атрофидан қувиб юборишга амр қилди. Султон Жалолуддин Қаршатмурнинг келаётганидан хабар топиб, баҳодирлик оёғини ерга тираб, озгина аскарлари билан кўпгина лашкарни енгди ва Табриз томонга йўналди. Атобек ўзбек валади Жаҳонпахлавон Муҳаммад ўша пайтда бу диёрнинг ҳокими эди. У шаҳарни салжуқийлардан бўлган Мулкил номли хотинга топшириб, ўзи олчак олиб қочди, Султон Жалолуддин (в. 1006.) олти юз йигирма иккинчи йили Табриз чеккасига тушиб, шаҳарни камал қилишга киришди. Ўша пайтда кунлардан бир кун Мулкил боруга чиқиб, ногоҳ кўзи султон Жалолуддинга тушди ва ошиқ бўлиб қолиб, эрим мени талоқ қилган, деб даъво қилди. Натижада қози Иззуддин Қазвинийнинг ҳаракати билан ўртада никоҳ юз берди. Атобек Авранг бу хабарни эшитиб, мол-мулки устидан турди-ю, ўзга олам сари равона бўлди.

Бу воқеалардан сўнг баҳодир шаҳриёр (султон Жалолуддин) икки бор гуржилар устига лашкар тортди. Тифлистеда турган вақтида Бароқ ҳожибнинг Ироққа хужум

қилмоқчи бўлгани ҳақида хабар эшитди. Султон Жалолуддин ноилож шамолу чақин қаби ҳаракат қилиб, чаққон қадамлар билан етти кунда Тифлистан Кирмон чегарасига етиб келди. Бароқ ҳожиб султоннинг етиб келганидан хабар топиб, подшоҳона ҳадялар юборди, узр ва тавба маросимини адо этишга киришди.

Шаҳриёри олиймикдор (Жалолуддин) дорул-мулк Исфохонга жўнади ва у ерда бир неча кун дам олиб бисотини ёйди. Шу орада Жалолуддин Малик Ашраф Шоҳожи Али исмли кишини Ахлотга юборгани, у бир неча кун мамлакатнинг баъзи хотинларига таарруз қилиш ва малик эса Табриздан Ахлотга бориб, Ҳожи билан муносабатда экани ҳақида хабар топди. Султон Жалолуддин бу сўзларни эшитгач, сабри тугади ва зафар байроғини ўч олиш мақсадида кўтариб, Ахлот ноҳияларида қатлу ғорат маросимини амалга оширди. Шаҳар дарвозаси яқинига келганда мўғул аскарлари Ироқ томон келаётгани ҳақида эшитди, ноилож орқага қайтди. У билан мўғуллар орасида жанг юз бериб, султон енгилди ва Исфохон томон ошиқди. У жангда сустлик қилган ҳар бир кимсага маъжар кийдириб, шарманда қилди ва ботирлардан бир тўдасини амирлик даражасига кўтарди ҳамда уд йилига тўғри келаётган олти юз йигирма бешинчи йил ойларида (в. 101а.) султон Жалолуддин яна бир бор ўзининг зафарли лашкари билан Гуржистон сари отланди, бедин кофирлардан кўпини қатл қилди. Соғу ғолиб ҳолда Ахлот сари кетди ва бу шаҳарни камал қилиш билан машғул бўлди. Бир неча кундан сўнг ҳам қаҳр, ҳам жабр билан Ахлот шаҳрини олиб, ғазаб юзасидан ғолиб лашкарга душманга завоқ вақти ҳисобланган қуёш чиқишидан то чаштгоҳгача қатлу ғорат билан машғул бўлишини буюрди. Сўнг афв рақамини қиличдан омон қолганларнинг гуноҳ саҳифаларига тортиб, оммага умумий марҳамат эълон қилди.

Тун осмоннинг келинчаклари чехраларидан парда ниқобини кўтарган вақтларида олийжаноб султон Ҳожи Алининг хотини Мулкилга мукофот сифатида у билан хилватга кирди. Бу улуғ ғалаба юз берганидан сўнг яна янгидан фалак қадрли султон шону шавкатининг овозаси каттаю кичикнинг қулоғига қуйилди.

Ахлот мавзеи ҳануз Ҳумоюн (султон)нинг қароргоҳи экан, бу жалолий (улуғвор) қароргоҳга Рум подшоси ва Шом малики ўзаро иттифок тузиб, муҳолифлик ва бадбахтлик йўлини тутганлари ҳақида хабар келди. Султон Жалолуддин касал бўлишига қарамай, муҳолифлар жангига равона бўлди ва Мус биёбонида шомликларнинг олти минг

кишилик одамларига дуч келди ва улардан ҳеч кимса мамлакатлар фотиҳи лашкарининг найзасидан жонини қутқариб кетолмади, Султон билан Рум подшоси ўртасида жанг борар экан, уруш майдонида султон Жалолуддин миҳаффа (кажава) дан ташқари чиқиб, зин хонасига ўтирди. Заифлик истило қилгани сабабли ихтиёр жилови қўлидан кетиб, бир неча қадар орқага босди. Аъёнлар арз қилишиб, султоннинг бир лаҳза истироҳат қилиши муносиб эканини айтдилар. Султон буни тўғри деб топиб, яқинлари билан бир чеккага юзланди. Аълам хожа шаҳриёри олиймиқдор (Жалолуддин) ни қочапти, деб тасаввур қилдилар. Натижада орқаларини душманга ўгириб, юзларини қочиш водийси томон бурдилар. Султон ҳам зарурат туфайли Ахлот томон ҳаракатга тушди. Бироқ румийлар султон ҳийла ишлатиб, бизни пистирмага туширмоқчи, деб гумон қилдилар (в. 1016.) ва ноилож ўз мавзеларидан қадамларини юқори қўйдилар.

Султон Жалолуддин Ахлотга етиб келганда Ўктой қооннинг амри билан Чирмоғун кучли лашкар ила Амул сувидан ўтиб, Ироқ томон келаётганини эшитди. Шу сабабли у Озарбойжон томонга юра бошлади. Аъёнлардан бирини айғоқчи сифатида олдинга юборди. У киши Табризга етиб бориб, яхши текшириб кўрмасдан Ироқ ва Озарбойжонда мўғуллардан ҳеч қандай асар йўқ, деб хабар келтирди. Султон Жалолуддин бу хабарни эшитиб, шоду хуррам бўлди ва айшу ишрат мажлисини бошлаб юборди. Аркони давлатдан кўпчилиги унга эргашган ҳолда пайдарпай шароб ичишга машғул бўлдилар. Уша пайтда улуғ шоирлардан бири мана бу рубойни айтган эди: Назм (мазмуни):

Эй шоҳ, беҳисоб майдан, чеки йўқ мастликдан нима ҳосил бўлади? Шоҳ маст, жаҳон хароб, душман эса орқаю олдинда турибди. Айт-чи, ўртада нима ишлар ҳосил бўлади?!

Шундай қилиб, бу давлатманд тоифа мастлик ва ғафлат уйқусига ботганларидан бир неча кун ўтгач, 628 йилнинг ойларида, — бу туркийлар бўйича Луй йилига тўғри келади, — Чирмоғун ёмғир томчиларидан ҳам кўп бўлган ҳисобсиз тотор лашкари билан етиб келди. Султон Жалолуддиннинг амирлари ва яқинлари қаторида бўлган Озархон воқеадан огоҳ бўлиб, султон Жалолуддиннинг ёнига ошиқди ҳамда уни катта қийинчиликдан сўнг уйғота олди, бўлаётган воқеадан огоҳ қилди. Султон Жалолуддин ортиқча мастлиги туфайли бошга совуқ сув қуйиб, юзини қочиш водийси томон бурди. Озархон эса фармонга мувофиқ бироз вақт сабот оёғини маҳкам тираб, султон билан душман ўртасида озгина масофа ҳосил қилиш учун ожизона хатти-ҳаракатни ишга солди. Шундан сўнг ўзи ҳам қочишга тушди.

Мўғул баҳодирлари Озархонни султон Жалолуддин деб гумон қилдилар ва уни тутиш учун қувиш байроғини кўтардилар. Асл воқеани билганларидан кейин эса султон Жалолуддин бин Султон Муҳаммад (в. 102а.) Хоразмшоҳни тутиб ўлдиришга ошиқдилар ва Хоразмшоҳга дахлдор бўлган ҳар қандай одамни ўлдиравердилар. Охири султон Жалолуддин бин султон Муҳаммад Хоразмшоҳни қувлаб етдилар ва уни ҳам ўз тарафдорлари ортидан султон Муҳаммад Хоразмшоҳга етқиздилар. Шундай қилиб, хоразмшоҳийларнинг давлат ва иқбол қуёши фано мағрибига ботди. Мўғулларнинг ҳашамат ва улўелик оёи эса ғолиблик ва мустақиллик уфқидан етуклик чўққиси сари тулуъ қилиб чиқди, яъни хоразмшоҳийларнинг наслини иззат бисотининг юзидан супуриб, хорлик тупроғига кўмдилар.

Тарих арбоблари султон Жалолуддин бин султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг молу ҳоли ҳақида қарама-қарши фикр билдирдилар. Чунончи, баъзиларнинг сўзича, юқорида айтилгандек, мўғуллар кўлида қатл этилган. Баъзиларнинг фикрича, султон Жалолуддин мўғуллардан қочиб, тоғларнинг орасига келган ва отда кўп юргани учун султон қаттиқ чарчаган, отдан тушиб тоғ орасида уйқуга кетган. Айтишларича, бир гуруҳ одамлар от ва (султон) хилъати тамаъида чарна захми билан уйқудаги султонни ҳалок қилганлар. Бошқа бир гуруҳнинг ривоят қилишича, тасаввуф аҳлининг либосини кийиб, саёҳатни ихтиёр қилган ва сулук йўли бўйича нажот йўлини топишга машғул бўлган. Худо билувчирок!

Айтишларича, бу воқеа 628 йил ойлари, тўғри сўз бўйича; туркийча товушқон йилда юз берган. Билим Оллоҳга хосдир!

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ТУРКИСТОНГА ҚАЙТИШ ФИКРИ БОРАСИДА ҚИЛГАН МАСЛАҲАТИНИНГ ДОСТОНИ ЗИКРИДА

Тарих китобларидан маълумки, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хоразмшоҳийлар давлатини синдириб, уларнинг мамлакатини остин-устин қилди ва Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанати айёми охирига етди, ўлимдан қолганларни эса Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг савлати сарсон-саргардонликка дучор этди. Назм (мазмуни):

Шундай қилиб, ота бечоралик билан ўлди. Бола эса

овораликдан кулади. Эрон мамлакати тамоман қўлга кирди. Жаҳон шоҳларининг бари қул бўлди.

Султон Муҳаммад Хоразмшоҳдан етган кўнгилдаги аламу озорлар тинди, интиқом шуъласини ёқаётган ва шу билан ер юзининг аксариятини ёндираётган ғазаб олови пасайди. Эронга жўнаётган вақтда Қорачор нўёнга берган башорати ва ўша пайтда бир-бирови билан айтишган сирлари ёдига тушди. Назм (мазмуни):

Бизнинг қидираётган мақсадимизни тутиб берди. Вафо йўли орқали ваъдалар эшигини очди. Ғалаба байроқли иқбол юборди. Бизнинг фикру тадбиримизни қувватли қилди. Ҳар бири фикрда ҳамфиқр бўлган. Тоза фикрли дўстлар мадади билан мақсад маъшуғининг зулфини қўлга олиб, Ҳиндда саф тортиб, Чинни қўлга киритдик.

Ўша пайтда хоннинг узоқ вақт ғойибдалиги сабабли Эл Тўнгутнинг мажол ниҳоли димоғининг тўқайзоридан бўй чўзиб, исён ва қаршилик андишасининг тикони бадбахтлик этагига санчилгани ҳақида Машриқ тарафдан хабар шуъласи етиб келди. Уларга нисбатан шундай қарор қилдики, арқони давлат ва салтанат ёрдамчиларининг бир гуруҳини султон Жалолуддинни қидиришга юборсин, чунки у ваҳимада омон қолса, кимки бундан хабар топса, кўпчилик унинг ёнига йиғилади, эҳтиёткорлик билан иш тутсин, қиш тугаши билан улуғ ўрду Турон мамлакати сари юз тутсин, дейилди. Бу тўғри фикрга мувофиқ Чигатойхон ҳадду ҳисобсиз лашкар билан Ҳиндистон мамлакатлари сари бориши тайинланди ва жўнаб кетди. Ўктой қоон эса Синд дарёсининг этагидан кийнахоҳ аскарлар дарёси билан (иш)дан бўшаб, Ғазнингга қайтиб бориш учун кетди. Назм (мазмуни):

Борди-ю, ўша вилоятларни олди, байроқни Ғазнингга келтирди.

Ўша ернинг аҳолиси зарурат юзасидан қанчалик бўйинсиниб, эгилган бўлсалар ҳам, султон Жалолуддин фитнасининг эҳтимоли борлиги туфайли, шаҳар ва шаҳарликларни бир тўда тупроққа айлантирдилар. Қувғин хунар ва санъат аҳлларидадан ўзга ҳеч кимни нафас олишга ҳам қўймадилар. Назм (мазмуни):

Хунарманд кексаю ёшлардан бошқа бу шаҳарда ҳеч ким асир бўлмади, Оёқда турган ҳар бир киши қатл этилди. Жойида турган ҳар бир нарса таланди.

Ўктойхон Синддан то Ғазнинггача хароб қилиб бўлгандан сўнг, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ёрлиғига мувофиқ Ҳиротнинг Гармсери орқали Мовароуннаҳрга қараб йўналди. Назм (мазмуни):

Саодат иқболдан хушхабар берди, барча ишларни тартибга солди.

Чигатойхон ҳисобсиз лашкар билан Мукрон сари отланиб, ўша диёрни ва унинг атрофидаги ноҳияларни то Каж мамлакатларигача бутунлай эгаллади. Қишни Синд дарёси қирғоғидаги Лабхур вилоятида ўтказди. У ернинг ҳоқими Солор Аҳмад итоат камарини жон белига боғлаб, лашкар озиқ-овқатини муҳайё қилишни иложи борича жойига қўйди. Аммо, туркларнинг миждозига мос бўлмаган Ҳинднинг сассиқлиги сабабли мўғул аскарларининг кўпчилиги касалга чалиндилар. Ўша худудда қўлга олинган ва лашкар озиқ-овқати билан машғул бўлган Ҳинд бандаларининг кўпчилигига подшоҳлик саройида «Ҳар бир асир лашкар учун тўрт юз мандан гуручни тезлик билан топшириши керак», деган қаҳр ёрлиғи содир бўлди. Ўлдириш билан машғул бўлинмаган бир ҳафта муддатдан сўнг бир кечаси барча асирлар қатл этилсин, деган ёрлиғ бўлди. Кундузи асирлардан асар ҳам қолмади. Чигатойхон ўша ноҳияларда бўлган ҳар бир вилоятга Мукрон сарҳадидан элчи юборди. Саркач, Каж ва Сурат Бандарининг ҳаммасини бўйсундирди. Аввалида таслим бўлиб, итоат изҳор қилганлар тақдирга тан бермай, яна қаршилик қилишни бошлаб юбордилар. Бир гуруҳ лашкар уларни дафъ этиш ва қириб ташлашга буюрилди.

Лашкар сихҳат томон юз қўйди ва кувват топди. Султон Жалолуддиндан асар топилмагач, қайтишга қарор қилиб, Турон заминга йўналдилар.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ТУРОН ЗАМИНГА ҚАЙТИШИ

Баҳор айёмида сайёрлар шоҳи қиш лашкарини мағлуб этиб, қайтиш жиловини ўзининг шараф хонаси томон йўналтириб (в. 1036.) султонлар султони жиддий қиёфадаги ботир сипоҳи билан асл жўнаб чиққан жойлари бўлмиш бўстонларни ўпиш ниятида эди. Ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам маслаҳат вақтида қайтишга қилган қарорига имзо чеккач, келган йўллари бўйлаб орқага қайтдилар. Назм (мазмуни):

Эронда барча мақсадларга етилгач, саломат ва хурсанд ҳолда Туронга ошиқдилар.

Бақлон шаҳрида қолдирилган ўғруқ унга келиб кўшилди. Ёзда ўша ноҳияларнинг яйловларида турди. Эрон шаҳарларидан ҳар бир шаҳарни бошқариб туриш учун доруғалар

тайинланди ва куз фаслининг аввалида у ердан кўчди. Жайхундан кечиб ўтиб, Самарқандга юзланди ва бу дилкушони туриш учун ўзига макон этди. Назм (мазмуни):

Шоҳ Самарқанд ерини ёқимли деб топгач, бир қишни бу тахтгоҳда ўтказди. Бу ердан ўз ватанига қайтмоқчи, жумлажаҳонни ўзи билан ҳамроҳ қилмоқчи бўлди.

У ердан ўзининг севимли ўгли Жўжихон тарафга диққат этди. У ҳам Дашти Қипчоқ тарафдан ҳаракат қилсин, деб элчи юборди. Кўпчилик лашкарни камурға учун ажратди, катта гуруҳ билан биёбон саҳнини эгаллаб, овни қувлатди ва ёввойи ҳайвонлару қушлардан нимаики бўлса, ўртага тўплашни буюрди.

Яна шу қишда Чигатойхон ва Ўктойхон Бухоро тарафга юрдилар ва бу фаслни у ерда ов овлашу қўшлашиш билан ўтказдилар. Ва ҳар ҳафта шу муносабат билан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга минг харвор овнинг гўштидан қўшсаройга юборардилар.

Қиш охирига етиб, баҳор сабзаси кумуштан лолауздорлар қоши каби униб чиққач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳисобсиз лашкар билан Самарқанддан йўлга тушди. Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг онаси Туркон хотунни ва Хоразмшоҳнинг хотинларини лашкар олдига олиб чиқишни буюрди. Назм (мазмуни):

Султону тожу тахт мулозимлари (қуллари) баланд овоз билан йиғи-зори қилганлар. Султоннинг хотинлари ва Туркон бирга, яна Турконнинг яқинлари йўл давомида султон ва унинг қуллари баланд овоз билан оху фарёд лабини юма олмадилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам йўлни босиб ўтиб, асл юртига етиб келганда, Чигатойхон ва Ўктойхон Сайхун дарёси қирғоғида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ўрдусига юзландилар. Сайхундан ўтиб, Бақлонга етганларида Жўжихон ҳисобсиз лашкар билан Дашти Қипчоқ томондан язык (авангард) қилиб етиб келди. Бу тарафдан эса Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ҳам мукаррам фарзандлари, улуғ лашкар соҳиблари бўлган амирлар жарга ташладилар (кенгаш қилдилар).

Бир неча муддатдин сўнг атрофларидан Уфо мавзеида язык бир-бири билан учрашгач, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам овнинг шодлик отига миниб, ҳар ёнга чопди ва жуда кўп овни оёқдан қулатди. Сўнг арқони давлат ва бошқа аскарларга руҳсат берди, токи уларнинг ҳар бири ўз қадри, истеъдодига мувофиқ ов майдонида бирорта ўлжани қўлга кирита олсинлар, тирик қолган овларга ўз тамгаларини босиб, қўйиб юборсинлар.

Жўжихон етиб келиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга мулозимлик кўрсатди, тўққиз бор тиз чўкиб, ўлжамиш қилиб, кўриниш берди ва шу куни ҳадду ҳисобсиз ҳадялар тортиқ этди, чунончи юз минг аргумоқ от бўлиб, улардан йигирма мингтаси бир хил рангда эди. Бошқа ашёларни шунга қиёс қилиш керак.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жўжихонни барча ака-укаларидан азиз тутди, подшоҳона марҳамат ва иноятлар билан шоду ҳуррам этди. Шу ёзни мазкур мавзеъда ўтказиб, кундан-кунга Жўжихон учун меҳрибонликни зиёда қилди. Барча фарзандлари ва амирлари бу ерга йиғилгач, улуғ қурултой ўтказди. Уйғур амирлардан бир гуруҳини ясоққа етқиздилар ва Жўжихонни улуғ иззату сўнгсиз шафқат билан уёқ томонга, Дашти Қипчоққа қайтишга рухсат берди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўзи эса аркони давлат билан жўнаш байроғини асл юрти томон кўтарди ва (в. 1046.) олти юз йигирма биринчи ҳижрий йилнинг муқаддас зулҳижжа ойида, туркларнинг сичқон йилида ўзининг тахтгоҳи бўлган Хонбалиғ ўрдусига (етиб келди), Назм (мазмуни):

Эрон ва Турон ерларининг ҳоқимига, жаҳоннинг яратувчиси бу жаҳонни берган эди. У жаҳонни олган эди, ҳатто нур сочувчи куёш, Ҳумоюннинг бахтиёр кунларида унинг табаррук ўрдусига кириб келган эди, кўм-кўк чарх ҳам унинг хоҳишига асир бўлган эди. Турон хонимлари ва амирлари унинг бағрида ҳалқа тортиб, ён-верига тўпланган эди. Чин, Чигил ёки Хитонинг гўзаллари ҳар ёнда завқу сафо билан ўтиришарди. Ҳар бир кафтида лиммолим қадаҳларни, қооннинг айши учун шароб билан тўлдириб ушлаб турарди. Тироз ва Хўтаннинг пари пайкарлари, ҳар биттаси бу ерга йиғилиб келиб, тотли лабдан лаззатли май нисор қиларди. Бундай айшни ҳатто Жамшид, Кай ҳам қилмаган эди. Турон ва Эрон юртининг гуландомлари, ҳар томонга гўзаллик бахш этиб, жуфт-жуфт бўлиб ишрат сурнайини чалиб, ҳаммаси ноз қадаҳларини сипқориб, гўё ой куёшга яқинлашган каби, шоҳга ниёз ва шодлик қадаҳини суннишиб, шаҳару кишлоқларнинг барча дилраболари, Ҳиндистоннинг нозикбеллари каби шаҳриёр (хон)нинг юрак захмига туз сепишиб, ишрат асносида баҳор тонгига ўхшатиб, шундай қилиб, Чингизхон бир неча муддат гулруҳлар билан вақтини шодликда ўтказди.

ЖАБА НҮЁН ВА СУВИДОЙ БАҲОДУРНИНГ СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ ОРҚАСИДАН ЭРОН ЮРТЛАРИГА БОРГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ДОСТОННИНГ ДАВОМИ

Тарих фани арбобларининг ёзишларича, Жаба нӯён ва Сувидой баҳодурхон Эрон юртларига бориб, Қорун Деж қалъасига етиб келган пайтларида, юқорида ишора қилиб ўтилганидек, Муҳаммад Хоразмшохнинг онаси ўзининг баъзи яқинлари билан бирга шу қалъага қамаб қўйилган эди. Улар қалъани қўлга олдилар. Сўнг у ердан Қум сари жўнаш жилувини бўш қўйдиларки, бу воқеа қуйидаги байтдан маълум бўлади. Назм (мазмуни):

Эрон мамлакатининг икки фитнабошиси, қаҳр ва гинага тўла Жаба ва Сувидой, жабр ва қаҳр билан Қорундежни олдилар. Унинг аҳлига тиг билан захар ичирдилар. Турклар билан бўлган жангу жадалда, Туркон (хотун) ўз авлодлари билан асир бўлган эди. Турк султони ўз ўгли, яқинлари билан қалъа ичида эди. Ўғилнинг шум қилмишларига бок, онанинг бошига нима келди-ю, ўғлига нима бўлди? Дунё мукофотида шундай расм бор, бир одамнинг шумлигидан бир шаҳар ёнади. Ўлдирдилар, боғладилар, асирга олдилар, ноғораларини уруш билан унга навозиш кўрсатдилар. У ердан шошганча Қумга жўнадилар. Қумнинг барча халқи қирилди. Ҳамадон ҳамда Сихос шаҳарларига ва Қазвин билан Наконга ваҳима билан кетдилар.

Қорундеж қалъасини олганларидан сўнг Жаба нӯён Ҳамадон томонга Сувидой баҳодур Қазвин сари равона бўлдилар.

Жаба нӯён Ҳамадонга етиб келгач, Алоуддин Ҳамадоний таслим бўлди ва ҳад-ҳисобсиз пешкаш юборди, аслида у ерга шихна тайинлашни сўради. Сўнг авангарди Биликтегин ва Кучбуқахон бош бўлган Муҳаммад Хоразмшох лашкарларидан бир тўдаси Чошда йиғилибди, деган хабар келгач, улар томонга юзландилар ва уларни ҳам тарқатиб, йўқ этдилар. У ердан Ардабилга кетдилар ва куршовга олиб, фатҳ қилдилар, қатл этиб, ваҳима солдилар. Қиш келгач, Мўғонга кетдилар ва у қишни ўша ерда ўтказдилар.

Жамолуддин Абиҳ ва бошқа бир гуруҳ Ироқда фитнаю фасод бошлаб, исён кўтариб, Ҳамадонга қўйилган доруғани тутиб олиб ўлдирдилар, Алоуддинни ушлаб, таслим бўлгани учун Карбит қалъасига қамаб қўйдилар. Баҳор келгач, Жаба нӯён доруғалар қатли учун интиқом олиш мақсадида Ироққа борди. Жамолуддин Абиҳ қанчалик таслим бўлиб,

пешвоз чиқмасин ва итоат қилмасин, фойдаси бўлмади. Мароға, Нахчувон ва Озарбойжоннинг барча юртларини бутунлай хароб қилдилар, фақат Табризгина омон қолди. Назм (мазмун):

Эронзаминни кезди, нонфурушни тополмади; ул сипоҳ кажлари дуд чиқармади. Миртуманлар уч мамлакат одамларидан ҳоли қилинганига кафил бўлурлар.

Атобекка ёрлиғ билан унинг тахтини тамға қилиб берди ва у ердан Эрон томонга кетдилар ва Байлақонни ҳам вайрон қилдилар. Ганжа ва Бурда аҳолисига ҳам ўша шарбатдан ичирдилар. У ердан Ширвонга келдилар ва Дарбанд ҳамда Дашти Қипчоқ йўлидан хон ўрдусига (в. 1056.) етиш учун Шамохадан ажарчини талаб қилдилар. Ширвон ҳокими уларнинг ҳузурига ўнта ажарчини юборди. Назм (мазмун):

Бизга биёбон йўлини осон кўрсатсин, деб ўнтадан бирини дарҳол ўлдирдилар. Ўз бошларидан кўрққанлари учун ширвонликлар уларга йўлни кўрсатдилар.

Дарбанддан ўтганларида Олонийлар қипчоқлар ёрдами билан уларнинг йўлини тўсиб қўйдилар. Назм (мазмун):

Сувидай қипчоққа шундай хабар берди: «Биз ва сизнинг келиб чиқишимиз бир, шубҳасиз сизлар бизнинг қариндошларимизсизлар, лекин ҳозирда бизга ёмонликни раво кўрувчисизлар. Негаки, сизлар ўз яқинларингизни паришон қилмоқчисизлар. Ўз душманларингизга эса мадад қилмоқчисизлар. Шундай экан, биз жангу жадал қилсак, сизлар душманга ёрдам қилмасликларингиз керак!» Улар бу хабар билан бирга ҳисобсиз ҳадялар, дуову саломлар юбордилар. Қипчоқларни бу алдов йўлдан урди. (Олганларни ташлаб) кетдилар ва бу хавфдан омон қолдилар. Олонийларнинг суянадиган ҳеч кими бўлмагач, мўғул аскарлари уларнинг ҳаммасини ўлдирди. Сўнг бу жиғилдон бандаси кийначи лашкар, қипчоқ билан жанг қилишга юз бурди. Қипчоқларнинг кўпини ўлдиришди, берган ваъдаларни эса унутишди. Мўғуллар ҳадяларни юборишган эди. Гўёки салафлар фойдаси учун туғилган эди. Қипчоқларга аввал берган ҳадяларига нисбатан юз марта кўпроқ нарсани ўлжа қилиб олиб кетдилар. Қипчоқларни роса овора қилишди, қишлоқларини бўлса қишлоқ жойига айлантиришди.

Тиғ зарбасидан омон қолган қипчоқ қавми ўруслар томонга кетдилар ва ўруслардан ёрдам сўрадилар. (Улар) катта лашкарни ҳозирлаб, мўғул устига келдилар. Улар ҳам жангга ҳозир бўлдилар ва бирга жанг сари отландилар. Ҳар икки лашкар бир-бирига яқин келганда мўғуллар ҳийла қилиб, қисқа жанг қилдилар. Назм (мазмун):

Биздан мўғуллар каттиқ кўрқяпти деб, қипчоқлар ва

руслар гумон қилдилар. Уларнинг орқасидан ўн кунлик йўлни босиб ўтдилар. Мўғул лашкари бу қавми кўргач, зудлик билан орқага қайтиб, жангга киришдилар.

Бакирик-кичқирик осмонга ўрлади. Бу қавм билан бир ҳафта жанг бўлди. Охири мўғуллар ғалаба қилдилар. Қипчок ва ўруслардан шунча кўп одам ўлдирилдики, ер юзи қондан хўрознинг кўзидек (қип-қизил) бўлди. (в 106а.) У ердан Чингизхоннинг хузурига, хушдил ва шодон ҳолда йўлга тушдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг хизматига етишгач, қўлга тушган бойликлардан унинг олдига ҳадялар кўйдилар. Назм (мазмуни):

Улуғвор султоннинг фармониға мувофиқ, уч йил муддатга кетдилар ва яна қайтдилар. Сен Чингизхон айтган каби бўлди, дединг. Аслида тақдир қалами шундай ёзган эди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ТАНГУТ ҚАВМИНИНГ ҲОКИМИ ШИЙДАРҚУНИНГ БЎЙИН ТОВЛАШИ ҲАҚИДА ХАБАР ТОПГАНЛИГИ ЗИКРИДА

Қиш фасли келгач, Соҳибқирони аъзам, Чингизхони муаззамға Ғошин ҳоқими Шийдарқунинг бўйин товлаётгани, исён йўлини тутаётгани ва катта лашкар тўплагани ҳақида яна хабар келади. Назм (мазмуни):

Лашкарни мақсад сари равон қилиб, ўша шер мисол шаҳни базм пайти олди. Номдор Шийдарқунинг жанговар лашкарининг миқдори беш юз мингдан ошар эди. Ҳар икки томондан лашкар юзма-юз келганда, ҳаво ер остига кириб йўқ бўлди. Сахро, дашт, тоғ ва даранинг барчаси, лашкар билан лиммо-лим тўлган эди. Тўда-тўда лашкар дарёси мавж уриб, Замин пешонасига тиғлардан чин (чизиқлар) тушган эди. Гуруҳ-гуруҳ лашкарлар бир-бири билан тўқнашганда икки томонда тоғ-тоғ лашкар йиқилиб ётарди. Мўғуллар ва танкутлар саф тортганларида икки тарафдан ҳайқириқлар кўтарилди. Жанг майдони йигирма фарсанг бўлса ҳам, ҳар икки томон учун бу жой тор эди. Шоҳнинг фармони билан обгир устига камонлардан ўқлар ёғдирилди. Ях устига ўқлар ёғилиб, лашкар чумоли ва чигиртка каби қирилди. Куҳи Қоф (Қоф тоғи)даги жанговар девлар каби ботирлар майдонда ўзаро жангга тушардилар. Ботирлар қасос қиличини байроқ қилиб, пешона ажинлари каби кўрсатиб, турк камончилари камон ўқи билан совутнинг тор

кўзини очдилар. Тахамтан ботирлар оғир гурзи билан ўз бошини ғазабланган ҳолда кўрсатди. Балораг сипарнинг жигарини ёрди. Шери нардек мардлар сарпанжаси билан ханжар чарақлаши кекиртақларни кесарди. Кучли қўллар туфайли ажинлар чеккасидан қон оқарди. Гўё ғилофда турган найза учи каби руиндан чотлар илма-тешик бўлди. Найза учлари қон ялаган оғиз каби эди. Гўё Биржис каби Чингизхонга ёрдамчи эди, у лашкарда ўлдирилиб, йиқилганлар, уч мурдадан иборат эди. Шу нарса бегумондирки, ўн туман (киши) жон берган эди. Мўғулларнинг эътиқоди шундай эди. Улар бундай сўзларга ишонар эдилар. Номдор Шийдарку лашкаридан мўғуллар уч юз мингини ўлдирдилар. Бундан Шийдаркуга шикаст етди. Табарзин унинг пешонасига тўғри текканди. Лашкарининг ҳаммаси қочиб кетди. Шийдаркуни мамлакатидан ҳайдадилар. Қошин лашкарбошиси ҳам қочиб кетди. Мўғул аскарлари эса уларнинг бойликларини эгаллади. Шийдарку шоҳ олдидан қочиб, Ўртоқиёдан бошпана тилади. У номдор туфайли бу комёб лашкар Қошин вилоятини хароб қилди. Қошин юртининг танкутларини турк отларининг оёғи остига ташладилар.

Қошин ва бошқа шаҳарларнинг ичини жанг билан остинустун қилдилар. Бу юрт худди Хуросон каби харобага айланди. Унинг тупроғини сувга оқиздилар. Шоҳ танкутдан Хитой сари кетди. Аммо хато орзуга дил қўйган эди. Алқисса, икки томоннинг учрашуви юз берди ва катта қирғин бўлди. Шийдарку томон қочишга тушди. Танкут мамлакати, Қошин ва ўша ноҳиялардаги бошқа шаҳарларнинг ҳаммаси Хуросон мамлакатининг аҳволига тушди. Шийдарку лашкарининг ўликларидан тепаликлар ҳосил бўлган ва ҳеч ким қурбонларнинг ҳисобини билмас ҳамда, юз минг одам ўлдирилган бир мамлакатда бир одамнинг от устида қимир этмай кузатиб турганини ҳечким кўрмас эди. Айтишларича, соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Танкут ва Қошин подшоси Шийдарку билан бўлган уч қирғинда от устида худди шундай ҳолатда ўтирган эди.

ШИЙДАРКУ ЕНГИЛГАНИДАН СЎНГ СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ХУРЧА ВА ТЕКЁС ТОМОНГА ЖЎНАГАНИ ВА БЎЙСУНГАНИНИ БИЛДИРИШ УЧУН ШИЙДАРКУ ТОМОНИДАН ЭЛЧИ КЕЛГАНИ ҲАҚИДАГИ ДОСТОН

Баҳор келиб, долазорлар яшнаётган бир пайтда, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хурча ва Текёс томон йўлга тушиб, отланиш жиловини (в. 107а) ўша томонга

бурди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Хурчага чодир тиккач, у ёрнинг халқи бу воқеадан хабар топиб, бўйин эгдилар. Илтижо ва ҳожатмандлик юзасидан пешвоз чиқиб, турли хил совғаю ҳадялар жўнатдилар ва шоҳона тухфаларни ҳадя этдилар. Назм (мазмуни):

Тунни ёритадиган бир кути тўла тансиқ дурларни юборган эди. Ҳукмдор бу бебаҳо гавҳарлар билан барча амалдорларнинг кулоғини безади.

Хурча ҳокими итоат ва бўйин эгганини билдириш учун Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мулозимларининг ҳузурига келган ва улар келтирган турли тухфаю дурлар турк хонлари томонидан қабул қилиниб, шодликлар юз берган пайтда, Ўртоқиёга бекиниб олган Шийдарқу ҳам ҳисобсиз ҳадяю зебу зийнатлар билан бирга Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хизматига ўз элчисини юборди. Аҳду паймон талаб қилиб, агар Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам унга омонлик бахш этса, куйидаги маънода аҳду паймон қилажагини айтди. Назм (мазмуни):

Бир ой ичида тухфаю совғалар билан ўша боргоҳга шоду хуррамлик билан чопаман. Хизматга бораман ва белимга хизмат камарини боғлайман. Қалам каби шоҳ хатига бошимни кўяман. Жаҳонни қидирувчи шундай қасамлар ичди, у ҳақда ёмон ўйловчини шод қилиб, ишонч ҳосил қилди. Танқут элчиси эшикдан узоқлашиши билан шоҳнинг чиройли кўзига касаллик юзланди.

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМНИНГ ЎЗ ФАРЗАНДЛАРИГА ҲАМДА ҚОРАЧОР НЎЕНГА (ДАВЛАТ) ИШЛАРИ БОРАСИДА ВАСИЯТ ЭТГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ДОСТОН

Мўътабар тарихий китобларда ёзилишича, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Танқут элчисига шоҳона илтифотлар кўрсатиб, ишончга эга қилиб, кетишига рухсат бергач, худди Машиқ гўзалларининг кўзлари каби бемор бўлиб, касалликнинг кучидан озгина вақт ичида нотавонлик сари юз қўйди ва ҳаёт китобининг саҳифасидаги ҳарфлар шаклининг ўлим тахтасидаги шаклларга яқинлашганини ҳамда салтанат қуёши иқбол чўққисидан оғаётганини сезиб, янги ойнинг чиқиши (в. 1076) ҳақида васият қилишга ошиқди. Ҳозир бўлганлар ака-укалар ва Қорачор нўенга фармон бериб деди: «Касалликнинг зўри ҳаддан ошди ва нариги дунёга кетиш ваъдаси яқинлашди, менинг ўрнимга кимни кўйишни маслаҳат берасизлар, шуни билмоқчи-ман!»

Жўжихон соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг вафотидан олти ой аввал Дашти Қипчоқда вафот этган эди. Бу ерда ҳозир бўлган бошқа фарзандлар: Чигайтойхон, Ўктойхон ва Тулихонлар тиз чўкиб дейишди. Назм (мазмун):

Эшик олдида шоҳ-у, биз унга кулмиз.

Унинг фармони ва хоҳиши олида бош эгадурмиз.

Шунда соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам деди: «Барча ишда Қорачор нўённинг донолиги ва ботирлигига ишонаман! Боқий давлат ва барча яқинларимизнинг тўғри раъйи Қорачор нўён билан ҳосилдир! Агар менинг дил розилигимни мулоҳаза қилсангиз, ҳеч бирингиз унинг равшан раъю фикридан чиқмангиз ва у айтган ҳар бир фикрга қатъий амал қилингиз!» Назм (мазмун):

Ўзингиз тўғри деб топган ёқимди фармонга ҳеч бир борада қаршилиқ қилманг. У райҳон хатида ёзилган, ки, жонга шерик ва яқин бўлсин деб.

Сўнг деди: «Туминахон ол тамғасига егадиган Қуйлухон ва Қочули Баҳодурга оталаримиз тартиб бериб ўз хатини унда қолдирган аҳдномани хазинадан олиб келинглар!» Буйруққа мувофиқ уни олиб келдилар. Ўғилларига сўзлаб деди: «Мен ва бизнинг оталаримиз шу хилда аҳд қилган эдик, энди мен Ўктойхонни ўз ўрнимга хонликка тайин қилдим ва салтанатим тахтини унга топширдим. Сизлар ҳам ўзаро ўша қоидага амал қилингиз ва Ўктойхоннинг фармонидан чиқмаймиз, унинг қурултойида ҳозир бўламиз, деб имзо чекинглар!» Ўғиллар ҳам шу йўсинда ўнга имзо чекиб ол тамғани Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга тутқиздилар.

Мовароуннаҳр ва унга ёндош бошқа вилоятларни аввал Чигайтойхонга берган эди, бунинг сабаби — эронийлар билан туронийлар орасида қадимдан душманлик мавжуд эди. Султон Жалолуддин ва унинг ака-укалари ҳануз (В108а) тирик эдилар. Шу сабабли Чигайтойхонни Қорачор нўёнга топшириб: «Менинг тириклик пайтимда мамлакат ва лашқар ишида қандай мақомга эга бўлсанг, мenden кейин Чигайтойхон учун ҳам шу йўлни тутасан!» деди. Уларнинг орасига ота-болалиқ аҳдини солди ва икки томон бу аҳдномага имзо чекдилар. Ота-боболар аҳдномасини Чигайтойхонга топширди. Ўғилларнинг аҳдномасини эса Ўктойхонга берди. Сўнг нўёнларнинг авлодларига юзланиб, янгидан уларга ҳам таъқидини такрорлади. Ундан кейин эса авлод ва ақроболарнинг барчасига юзланди. Назм (мазмун):

Ўзининг авлоди ва барча нўёнларга бу — замон соҳибқиронининг фармони эди (Айтдики), «яшашдан умид уздим.

Бундан буён, шубҳасиз, тирик қолмайман. Сизлар ўзаро тадбир билан иш қилишингиз ва менинг сўзларимга эътибор беришингиз керак. Мен учун яшаш муддати қолмади, аммо менинг вафотимни пинҳон тутмоқ зарур. Ҳеч кимдан йиғи овози чиқмаслиги керак. Барчанинг жим бўлиши яхшироқдир. Агар Шийдарқу шаҳардан чиқса, ўша онда унинг қонини тўкинлар. Мамлакат қўлингизда барқарор қолиши учун унинг лашкарини йўқотинглар!» Шуларни айтди-ю, кўзларини юмди. Сен Чингизхонни аслзода дер эдинг, подшоликни деб қанчалаб шоҳу, сипоҳларни қириб ташлади. Одам фарзандидан ҳеч ким қолмади. Охирида эса унинг ўзи ҳам қолмади. Шоҳнинг барча авлоди ва дўстлари лашкар ичида ўзларини шод кўрсатиб ўтирарди. Унинг васиятига амал қилиб, ҳеч ерда ўлганини айтмадилар. Ҳар куни нима иш қилсалар шуни қилиб, эзилган юракда ўлимни пинҳон тутдилар. Гарчи унинг ўлими ҳақида тил жим турса ҳам, бироқ сийнадаги оташ қайнаб тошарди.

Бу воқеа 624- йили муборак рамазон ойининг тўртинчи куни, туркларнинг тақури йилида юз берган бўлиб, бу йил унинг ҳам туғилган, ҳам салтанат тахтига ўтирган йили эди. Мўътабар тарих китобларида ёзилишича, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам етмиш уч йил умр кўрган. Қирқ тўққиз ёшида тахтга (в. 1086) ўтирган ва йигирма беш йил подшолик қилган. Зикр этилган йилда эса вафот этган. Ўғиллари ичида тўрттаси маълум ва машҳур эди. Жўжихоннинг Дашти қипчоқда ўлганига олти ой бўлган эди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ҳузурида Чиғайтойхон, Ўқтойхон, Тулихон, Қорачор нўён ва хизматга кетган тўрт нўёндан бошқа барча улуг нўёнлар ҳозир эдилар.

Соҳибқирон аъзам Чингизхони муаззамнинг вафотидан кейин унинг васиятига амал қилиб, Шийдарқу Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг кўринишига етиб келмагунча таъзияхонлик ва йиғи зоридан катъиян тийилиб турдилар. Назм (мазмун):

Танқут шоҳи шаҳар томон чиққанда, қаҳр билан уни лашкар билан бирга ўлдирдилар. Уларнинг бирортаси ҳаёт қолмади. Барчасига ўлим шарбатини ичирдилар. Подшо неча марта лаб айтган эди деб, улардан бирортасини ҳам тирик қўйиб юбормадилар. Шоҳ ва аскарларининг ҳаммаси ўлдирилгач, шоҳликнинг ҳаммаси Чингизхонга қолди. Қирғин ишидан бўшаганларидан кейин бу шаҳарнинг молини ўлжага олдилар. Шундан сўнг ўзларининг асл юртларига отлари билан қайтдилар. Ажаб подшоҳки, ўзи ўлган бўлса ҳам, бироқ, яна мамлакатларни олаверарди! Ўлиги қон тўкадиган ҳар бир подшонинг тирикликда

нималар қилишига боқ!

Шийдарку Ўртоқиё шаҳаридан ваъдага умид боғлаб чиққач, уни Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам билан учраштириш учун барча амирлар ва нўёнлар ҳадсиз ва ҳисобсиз икром билан ўртага олиб йўлга тушдилар. Олий ўрдага яқинлашганларида Шийдаркуни ўлдиришга тайинланган тўда етиб келиб, тезлик ва зудлик билан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг орқасидан «кўринишга» етқиздилар ва унинг барча лашкарини бир оннинг ўзида Шийдаркунинг орқасидан «саф тортишга» ёки «жанг қилишга» жўнатдилар. Ўртоқиё шаҳарининг аҳолисида нимаики бўлса ҳаммасини ўлжага олдилар. Сўнг ўзларининг асл юртлари томон қайтдилар.

Шундан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг жасадини (в. 109а.) бир дарахтнинг остига олиб келдиларки, у бир куни ов пайтида шу дарахт тагига тушган ва: «Бу мавзеъ менинг мақбарам учун мос экан вақтим етганда бу ерга оҳанрабодан бир гумбаз бино қилиб, жасадимни пўлат тобутга солиб, ўша хона ичига қўйинглар!» деб тайин қилган эди. Унинг фарзандлари ва яқинлари буйруққа амал қилдилар. Пўлат тобутни олти томондан оҳанрабога ёпиштириб қўйдилар. Тобут гумбаз ичида муаллақ ҳолда қолди. Атрофига эса қўруқ қилдилар. Гумбаз ҳозир атрофини ўраб олган чангалзор ичида қолган. Айтилишича, ҳозирги пайтда гумбаз сари бир бор йўлак қилишиб, бир неча кофирлар у ерга маскан куриб олишган. Шайтоний бир сеҳргар тобут ичига кириб, қандайдир сўзларни овоз чиқариб, айтади, одамлар бу овозни эшитиб, маъно қидирадилар. У ерда ин курган кофирлар топинишга келганларга ўша сўзу жумлалардан амри маъруф ва наҳи мункир ҳукмларини чиқариб, бу шайтоний иғволарни бажартиришга қаттиқ ҳаракат қиладилар. Бу гумбазни ўша кофирлар ўзларининг каъбаси деб биладилар. Ўша битта тор йўлакдан бошқа ердан гумбазга бориб бўлмайди, негаки унинг ҳар тарафи қалин чангалзор билан қопланган бўлиб, ўтишнинг сира иложи йўқ.

Кейин ўтган баъзи (олим)ларнинг айтишига қараганда, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг туғилиш толеъи мезон буржи эди. Мезон эса ёви буржи билан бирга, шу сабабли Соҳибқирони аъзамнинг жасадини монавийлар мазҳаби ҳукмича ҳавода қотириб қўйдилар. Шаҳзодалар эса ўз оталарининг жасадини қотиришга рози бўлмадилар. Шунга биноан, уларнинг олимлари олти томондан оҳанрабо билан ўраб турувчи гумбаз биносини куришга ҳаракат қилиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг жасадини пўлат тобутга солиб, гумбаз ичига қўйдилар, бу эса барча

шаҳзодалар ва нўёнларнинг хоҳишига мос келди, негаки бу янгилик бундан аввалги асру замонларда мавжуд бўлмаган, ҳеч кимга бундай қилиш насиб этмаган эди.

Замонлар ўтиши билан шайтоний иғво туфайли (в. 1096.) бир ажина тобут ичига кириб олиб, овоз беради, йўлдан адашганларнинг кўпгина жамоаси ўша гумбазга бориб, адашув ботқоғига ботадилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг маслуба қабри қурилиб бўлгач, унинг фарзандлари, қариндош-уруғлари, нўёнлар амирлар ва аёллар ўзларининг урфу одатлари бўйича таъзия ишлари билан машғул бўлдилар. Назм (мазмун):

Хотинлар, ўғиллар, амирлар ва вазирлар шоҳ учун барчаси йиғи-зори қилдилар. Таъзия маросими муносабати билан барча бир-бирига таскин сўзларини айтишарди.

Таъзия маросими тугаб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг руҳига ош берилгач, шаҳзодалар, амирлар ва нўёнлар салтанат ҳақида гаплашиш ўрнига ҳар бирлари ўз юртларига қараб йўлга равона бўлдилар. Назм (мазмун):

Қиёмат кунини эслатадиган таъзия маросими ва қондаси тугагандан сўнг иқбол, ғалаба, бахт ҳамда салтанат ҳақида сўзлашишмасдан, нўёнлар, шаҳзодаларнинг ҳар бир ўз юртлари сари жўнаб кетдилар.

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам вафотидан аввал валиаҳдлик ишини ўзининг учинчи ўғли Ўктойхонга топширгани учун, унинг зикри катта акасидан аввал баён қилинади.

Улуғ юртда хонлик маскани ва жаҳонбонлик тахтида ўтирган подшоҳларнинг номлари мўътабар тарихий китобларда баён этилиб, қайд қилинган. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Келурон ва Қорақурумдан иборат улуғ юрти Ўрдуболиғ деган ном билан шуҳрат топган бўлиб, унда йиғирма бир киши подшолик қилган эдилар. Уларнинг энг биринчиси Чингизхон, яъни Соҳибқирони аъзамнинг ўғли Ўктой қоондир.

ЎКТОЙ ҚООН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ ЎРДУБОЛИҒ, ЯЪНИ КЕЛУРОН ВА ҚАРОҚУРУМДАН ИБОРАТ БЎЛМИШ УЛУҒ ЮРТ ТАХТИДА ПОДШОЛИК ҚИЛГАНИНИНГ ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам бу фоний оламдан боқий саройга жўнагач, таъзия маросимини адо қилиб, барча шаҳзодалар, амирлару нўёнлар, жамоатининг

ҳар биттаси Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам (в. 110а) тириклик пайтида бўлиб берган ўз юртларига равона бўлдилар. Ўзларига тегишли мамлакатларни тартибга солганларидан сўнг мазкур йилнинг аввал баҳорида йиғилдилар. Назм (мазмуни):

Замин сабзадан атлас либос кийди. Шамид гулидан ҳаво муаттар бўлди. Оташин гули рангу чирой касб этди, баҳор булут мусаффолашди. Заминга табиий ўсиш келиб ҳар бир тикон бағрига гулгунча солди.

(625 йил аввали баҳорда) шаҳзодалар ва амирларнинг ҳаммаси, нўёнларнинг барчаси ўзларининг юртларидан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўрдаси бўлмиш Ўрдуболиғ сари, Қурултойга йўл олдилар. Дашти Қипчоқ томондан Жўжихон ибн Чингизхоннинг ўғиллари — Монуй ибн Жўжи, Шайбон ибн Жўжи, Чумёй ибн Жўжи, Танғут ибн Жўжи, Барака ибн Жўжи, Баракача ибн Жўжи, Тимоўғул ибн Жўжи, Ўрда ибн Жўжи, Сикноқ ибн Жўжилар ва Ўрдуболиғнинг Шарқ тарафидан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг биродарлари Ўткин ибн Ясукой, Ракой ибн Ясукой, Талкути ибн Ясукой, Нўён ибн Ясукой ва Бешболиғ томондан Чиғатойхон ҳамда ўз ўрдасидан Қорачор нўён ибн Суғусчан ибн Эрумчи ибн Барлос ибн Қочули Баҳодур ибн Туминахон, шунингдек, яна ҳар хил томондан амирлар, нўёнлару улўф нўён деб ном олган шаҳзода Тули ҳам Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўғиллари бўлган ўз инилари билан бирма-бир етиб келишдилар. Уларнинг ҳар бирлари ўзларига ажратилган жойларни эгалладилар. Йиғинда тантана бошланди, айшу ишрат қилдилар, орада мамлакат ишлари ва Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг васиятлари ҳақида сўзлашдилар. Ўғиллар берган (тил) хатлар (имзолар) ҳақида барча лашқарга маълум қилдилар ва (тил) хатнинг мазмунидан ҳамма одамларни хабардор қилиб, салтанатни Ўқтойхонга топширдилар. Ўқтойхонга: «Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг васияти бўйича подшолик тахтига ўтиришинг керак!» дедилар. Ўқтойхон кўп узрлар (в. 110б.) айтиб: «Бу ерда мендан катталар борки, уларнинг ҳар бири хонлиққа лойиқ ва ҳукмдорликка сазовордурлар, улар турган ҳолда менинг тахтга ўтиришим муносиб кўринмайди. Агар менинг розилигимни тиласангиз катта амаким Ўткин Баҳодур ё Талкут Баҳодур ёки катта акам Чиғатойхон тахтга ўтирсин, мен эса уларнинг хизматида итоат камарини жонимнинг белига боғлай, хизматда шай турай!» деди.

Шу тарзда ҳар куни хонлик ҳақида сўз очишса Ўқтойхон ўша жавобни берарди. Қирқ кунгача ҳар куни

янгидан базм қуришарди ва шароб тўлдирилган қадахларни сипқоришарди. Ҳар гал димоғлари чоғ бўлганда яна шу ҳақда сўз очишарди. Ўқтойхон эса узр айтарди. Охири қирк биринчи куни шундай бўлди. Назм (мазмуни):

Иқболли тонг ўз байроғини кўтариб, баланддан ўзининг қизғиш қонини кўрсатди. Чин (яъни тонг) сипоҳи ҳабаш (яъни тун) лашкарига, пешона чизиги каби қасос қиличини урди. Кофур (яъни тонг) юзидан қуш каби кочди. Ож сандиги (яъни кундуз) нинг боши (қопқоғи) очилди, гўё шох (филнинг оқ тиши) дан қилинган идиш парчаланиш нур каби сочилди. Ож (кундуз) тахтидан жаҳон оро топди. Ёруғлик гўё қоронғуликдан хирож ундирди.

Оламни ёритувчи қуёш Малик ва Ваҳҳоб фармони денгизининг даричасидан бошини чиқарган пайтда барча шаҳзодалар, нўёнлару олиймакон хотинларнинг ҳаммаси тўпланиб келдилар ва унга: «Соҳибқирони аъзам Чингизхонни муаззам ўз инилари ва фарзандлари сени лойиқ топиб, бу юмушни сенга топширган эди, унинг васиятини қандай ўзгартириш мумкин? Унинг фармонига хилоф иш тутиш ҳаргиз раво бўлмайди ва унинг ризолигини ўзгартиришга қандай йўл бериш мумкин?!» дедилар. Назм (мазмуни):

Ҳеч бир асосиз Соҳибқироннинг буйруғига қарши туришга кимда қудрат бор?

Шундан кейин ҳамма бир қарорга келиб, мўғулларнинг одати бўйича қосаларни кўтардилар ва камарларни бўшатдилар. Чигатойхон ўнг қўлини ва Ўткин Баҳодур чап қўлини олиб, мунажжимлар ва руққомлар ихтиёри бўйича шундай қилдилар. Назм (мазмуни):

Ўқтой ва Ўткинлар қўлини тутиб, шохлик тахтини қабул қилиб ўтирди. Уни «бахтиёр хон» деб атадилар. Бошидан олтину гавҳар сочдилар.

Тулихон Ўқтойхонга кеса кўтарди (в. 111а.). Барча шаҳзодалар, хурсанд кишилар, улуғ нўён Қорачор, номдор амирлардан ҳар бири тўққиз мартадан тиз чўкдилар. Назм (мазмуни):

Шохнинг ҳузурда бўлган ҳар бир шаҳзода, саройдан ташқарида бўлган ҳар бир киши тўққиз мартадан тиз чўкдилар. Ёмон фикрдагиларни шундай ерга урдилар.

Ўқтойхон отасининг вафотидан икки йил кейин 626- йилда уд йилига мувофиқ амакилари, оға-инилари, нўёнлар, катта-кичик амирлар келишувида жаҳондорлик тахтига ўтирди. Уни ўша замоннинг барча одамлари қоон, яъни яхши ва тўғри подшоҳ, подшоларнинг энг азизи, деб атадилар. Салтанат ишида ҳеч ким унга қарши иш тутишга ҳадди сифмас эди. Шу жиҳатдан ҳам у қоон лақабини олди.

У Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўгли бўлса ҳам, кўп ақли, комил; ишбилармон киши бўлиб, олийжаноблик ва саховат хислатлари билан безанган эди. Барча тоифаларга, хусусан, ислом аҳлига кўп яхшиликлар қилди. У Мустафо (Муҳаммад) миллатига тобеъ бўлмаса ҳам, худди отаси каби мусулмонлик динини бошқа динлардан устун қўйди.

Чунончи, мўғул мамлакатидан бўлмаган, мўғул тилини билмаган ва ўзи исломда бўлмаган киши кунлардан бир кун Ўктой қооннинг олдига келиб: «Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамни тушимда кўрдим, у: «Ўғлим Ўктой қоонга айт, агар у мусулмонларни қатл этмаса, мен ундан рози эмасман, чунки улар ёмон халқ ва ўлдириш лозим бўлган фирқа!» деди», деб айтди. Унинг бу сўзига давлат арконларидан бир қисми ишониб, шояд бу сўз ростдир, деб ўйладилар. Аълоҳазрат қоон бироз ўйлаб туриб деди: «Бу сўзда ҳеч қандай ҳақиқат йўқ, шаксиз, бу сўз бориб турган ёлғон, мен бу сўзга шубҳаланмасдан иложим йўқ, чунки Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мўғул тилидан бошқа ҳеч қандай тилни билмас эди, бу киши эса мўғул тилини бутунлай билмайди. Бу сўзнинг ёлғонлигига шубҳа йўқ!» (в. 111б.). Ўша ондаёқ ўша одамни қатл этишга амр қилди. У ўзининг давлати айёмида мусулмонларни кўп хурмат қилди. Ўктой қоон ўзининг сахийлиги, қарам ва адолатпарварлиги билан бошқа ака-укаларидан бутунлай устун турарди, шунинг учун ҳам отаси ўлими олдидан уни валиаҳдликка тайинлаган эди. Айтишларича, Ўктой сўзининг маъноси мўғул тилида «Олийликка кўтарилувчи» демақдир.

Тарих китобларида ёзилишича, ҳисоб-китоб дафтаридан унинг совғаю ҳадяларини жамлаб кўришса, мўғул тумани бўйича 60 милён тумандан ошибди. Билиб қўйган зарурки, туманнинг икки маъноси бор: биринчиси, 18 минг бир туманни билдиради, бу мўғул тумани бўлиб, уни туркий тилда «со» дейилади. Эллик донани бир туман дейилганда эса, бу туманни (туркий тилда) фарлбой дейилади.

Тарих арбобларининг ёзишларига қараганда, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг вафотидан кейин мамлакатнинг ҳар хил томонларига етган оз арзимас нуқсонларнинг ҳаммасини Ўктой қоон яхшилик ва созгарлик билан изига солди. Назм (мазмуни):

Қипчок, Соқлайн, Булғор, Чин, Хитой мулки, шунингдек, Хўтанга жаҳонни кўрувчи (шоҳ) қайгаки хоҳласа ўша ерга ҳисобсиз лашкар юборар эди.

Шу жумладан, у Чирмоғунни уч туман лашкар билан

бирга ўз отасининг валиаҳди бўлган Султон Муҳаммад Хоразмшоҳни йўқотиш учун юборар экан, Чирмоғун билан кетаётган амирлар олдида Тоймасга юзланиб: «Шу кетаётган ҳамма одамлар ичида Султон Жалолуддиннинг иши сенинг кўлингда тамом бўлади!» — деди. Айтганидек бўлди. Султон Жалолуддин ибн султон Муҳаммад Хоразмшоҳ Ҳиндистон томонидан келаётиб, Қаж, Мукрон, Кирмон ва Шероз орқали Озарбайжон сари кетган эди. Табризни Отабекдан тортиб олган бўлиб, бу воқеа юқорида қисқача баён этилган эди, тўлиғи эса унинг тарихларида мавжуддир.

Чирмоғун Исфaxonга етиб келганда, Тоймас мўғулардан бир гуруҳини олдинроқ юборди. Султон Жалолуддин ибн Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ (Ҳиндистон томонидан келаётиб, Қаж) билан улар ўртасида жанг юз берди ва у енгилиб, Диёрбакр ҳамда Курдистон мамлакатининг ҳудудларида кўздан ғойиб бўлди. Чунончи назмда айтилади: Назм (мазмун):

Дунёда султондан нишон ҳам қолмайди. Унинг ҳақида ҳеч кимса бирорта дoston ҳам ўқимади. Унинг иккита машҳур биродари бор эди. Бу икки султон ганжу хазиналар билан эди. Бири — Ғиёс, иккинчиси — Зайниддин. У ҳам, бу ҳам тахт ва лашкар билан эди. Бирини Кирмонда гўр куртлари еди. Қуёшу Ой ҳам унинг изини тополмади. Иккинчисини Ферузқоҳ саҳросида бир гуруҳ мўғул отлиқлари қатл этди. Хоразмшоҳнинг уруғидан на Эронда, на Туронда бирор фарзанд қолди.

Айтишларича, мўғул лашкаридан қочиб ўрмонга кирган Султон Жалолуддиннинг устидаги подшоҳона либосини олиш тамаъида ўлдиришган. Баъзиларнинг айтишича, у дарвишлик йўлини ихтиёр қилган. Баъзилар эса жангда Тоймас қўли билан ўлдирилган дейдилар. Ҳар бир ишнинг ҳақиқатини Аллоҳгина билгувчидир! Назм (мазмун):

Эй ҳаким, бу дostonдан асосий мақсад, фақат жангу жадални баён қилиш деб ўйлама. Балки, фикр қил, Хоразмшоҳдек бир подшоҳ туфайли, жаҳон бошдан-оёқ паноҳда эди. Улуғлик ва қудратда осмонга тенг эди. Сипоҳлари эса юлдузлардан ҳам зиёда эди. Ҳар бир мамлакатда фармонлари амалда эди. Ҳар бир манзилда лашкарининг ҳисоби йўқ эди. Қисқаси, ўша нарсалардан ҳеч бир нарса қолмади. Жаҳонда номидан бирорта танга ҳам қолмади. Қанча улуғлари ва уч бахтиёр ўғли бўлиб, бири-биридан сўнг подшоҳ бўлиб эдилар. Уларнинг наслидан бирор киши ҳам қолмади, беҳисоб хазинадан эса бир ози ҳам қолмади. Аҳвол шудай экан, (бу дostonдан) маълум бўладики, дунёда ҳар нимаики бўлса йўқлик сари кетади.

Дунёда пок парвардигордан бошқа, ҳеч бир нарса боқий қолмагай. Ҳар бир подшо бу сирдан огоҳ бўлар экан, шоҳлик тахтида керилиб ўтирмаслиги керак. Хоразмшоҳдан ҳикоятга ҳеч нарса қолмагач, энди шоҳ Ўктойдан қисса айтишга бошлайман.

ЎКТОЙ ҚООН, ЧИҒАТОЙ ҚООН ҲАМДА ТУЛИХОННИНГ ХИТОЙ ТОМОН ЛАШКАР ТОРТИШЛАРИ, УЛ МАМЛАКАТНИ ЭГАЛЛАШЛАРИ, ҚАЙТИШДА ТУЛИХОННИНГ ВАФОТ ЭТИШИ ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯТ

Ўктой қоон ҳукмдорлик тахтига ўлтиргач, хавфу хатар мавжуд бўлган мамлакатларнинг ҳар бирига лашкар тайин қилиб, сардорлар юборгач, ўзи Чигатойхон ва Тулихон ҳамда ҳисобсиз лашкар билан Хитой мамлақати томон юзландилар, дастлаб Бино шаҳрини озод қилдилар. Хитойнинг Олтинхони (в. 1126.) мўғул лашкарининг ҳужумидан қочиб, сирли ҳолатда ғойиб бўлдики, ҳеч бир одамзод унинг хабарини тополмади. Баъзиларнинг айтишича, олов ёқиб, ўзини, хотини ва болаларини ёндириб юборди. Ўктой қоон у ерни идора қилишни (Маҳмуд) Ялавочга қолдириб, ўзи орқага қайтди. 627 йили (туркча барс йили) Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг тўртинчи ўғли Болиғ нўён исми билан шуҳрат қозонган Тулихон оламдан кўз юмди. Айтишларича, Тулихон шижоатининг кўплиги, баҳодирлиги, фикру тадбирининг қомиллиги, лашкар тортиш ва мамлакатни бошқаришдаги маҳорати жиҳатдан бошқа биродарларига қараганда катта имтиёзга эга эди. Лашкар тортиш, юрт ва ўрдани бошқариш, отлару хазинани асраш ишлари отаси ҳамда биродари замонида унга юклатилган эди. Мамлакат, мол-мулк, ҳисобсиз аскар ишлари билан машғул бўлишга қарамай, у риёзиёт илмлари билан жиддий шуғулланарди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Тулихоннинг юртини Ўктой қоон юрти ёнига тайин қилган эди. Айтишларича, Тулихондан саккиз ўғил қолган эди. Чунончи, улардан тўрт ўғил Манку қоон, Қўблай қоон, Арикбуко қоон ва Ҳалокухон бир онадан эдилар. Мука, Тучик, Шукр ва Марилтой бошқа хотинларидан эди.

Ўктой қоон ўз ўрдусига қайтиб, Қорақурумда бир қаср бунёд қилди, турклар уни Қарши деб атайдилар.

Ботуй ибн Жўжи, Манку ибн Тулихон, Тўлкон ибн Чигатой, Бузар ибн Чигатой, Пойдор ибн Чигатойни ўз ўғли Куйук билан бирга катта лашкарни Ўрис, Черкас, Такас,

Булғор, Бошқирд ва унинг атрофидаги вилоятларни фатх қилишга юборди. Улар етти йил ичида кўп жанглардан сўнг ўша мамлакатларни қўлга киритдилар. Туркларнинг сичи йилига мувофиқ бўлган 633 йилда Уйрот қавмидан бўлган Амир Арғунни бахшигарликни ўргангандан (в. 1136.) ва битикчилар қаторидан жой олгандан сўнг, Каргар ҳолини билиб келиш учун Хуросонга юборди, у ернинг ҳукуматини унга ҳавола қилди. Ҳирот мулкининг маҳаллалари вайрон бўлганини эшитгандан сўнг Тулихон одамлари сафида ўзининг юз нафар ҳунармандлари билан Туркистонга юборилган Амир Иззуддин Ҳаравийни бу муборак шаҳарни таъмирлашга жўнатди. Қарик номли кишини эса доруға сифатида у билан ҳамроҳ қилиб юборди. Амир Иззуддин Ҳаравий доруға ҳамда Ҳирот асирлари билан бирга туркларнинг танқури йилига мувофиқ бўлган 636 ҳижрий йилда асли ватани Ҳиротга етиб келиб, зироату иморат ишларида катта ғайрат ва ҳаракатни ишга солди.

Туркларнинг барс йилига мувофиқ бўлган 639 ҳижрий йили ортиқча шароб ичиши сабабли Ўктой қоон дунё манзилини тарк этди. Унинг подшолик муддат ўн тўрт йил бўлиб, унга боғлиқ бўлган бошқа хабарлар ва воқеалар тарих китобларида муфассал битилган.

Иккинчи хон Қуйук ибн Ўктой ибн Чингиздир.

ҚУЙУКХОН ИБН ЎКТОЙ ҚООН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ ПОДШОЛИГИ ЗИКРИДА

Мўътабар тарих китоблардан машҳурки, чингизийларнинг Улуғ юрти султонларидан иккинчиси Қуйукхон ибн Ўктой қоондир. Айтишларича, Қуйукхоннинг онаси Нураксон, Ўктой қоон вафотидан сўнг ўгли Қуйукхон ўз отаси мулозаматида бўлмагани учун, унинг ҳимоясини бўйнига олиб, Ўктой қоон вафоти даврида мамлакатни бошқариш, ҳукумат ва лашкар ишлари билан машғул бўлди. Қуйукхон отасининг ўрдасига етиб келгач, катта қурултой ташкил бўлиб, барча шахзодалар, амирлар, нўёнлар ҳар томондан келиб, қурултой учун жам бўлдилар. Назм (мазмуни):

Фармонга мувофиқ ҳар бир мамлакатдан бир улуғ киши лашкар билан саройга етиб келди. Лекин Дашти қипчоқ томонда Боту ибн Жўжи, қурултойга шахсан ўзи келмади. Бироқ, ака-укаларини юборса ҳам, ўзи ўз оёғи билан бу ерга келмади.

Тарих китобларида мавжудки, шахзодаларнинг барчаси Қуйукхоннинг қурултойига йиғилдилар. Ботухон ибн

Жўжихон эса Дашти Қипчоқдан биродарларини юборган бўлиб, ўзи оёқ огригини баҳона қилган эди. У Қуйукхоннинг подшо бўлишига рози эмас эди, чунки Ўктой қоон валиаҳдликни набираси Шеромун ибн Кучуйга тайин қилган эди. Аммо у ҳали кичик бўлиб, Қуйукхоннинг онаси Нураксон хотун ва унинг тарафдори бўлган бошқа шахзодалар ўзаро қелишиб, туркларнинг ит йилига мувофиқ бўлган 641 ҳижрий йилнинг рабиул-аввал ойида Қуйукхонни хонлик тахтига ўтказдилар.

Айтишларича, Қуйукхон ибн Ўктой қоон ҳам худди ўз отаси каби саҳоватли хон ва неъматлар бахш этувчи инсон эди. Қишни мазкур пойтахтда ўтказгандан сўнг, баҳор фаслида ҳисобсиз лашкар билан ерни ҳам танг қилган ҳолда Эрон сари йўлга чиқди ва теварак-атрофдаги мамлакатларга, чунончи, Хитой, Дашти Қипчоқ каби юртларга одам юбориб, лашкар талаб қилди ҳамда барча шахзодаларга фармонлар юборди. Самарқанд худудига етиб келганда ажал кўли умрининг ёқасини то этагигача пора қилди ва бундан ортиқ қадам босишга имкон бермади. Боту ибн Жўжихон ва бошқа шахзодаларнинг ҳар бири келган ерларидан орқага қайтдилар. Подшолик муддати бир йил бўлди. Учинчи подшо Мангу ибн Тулихон эди.

МАНГУ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

У Қуйукхондан уч йил кейин ҳукмдорлик тахтига ўтирди. Муфассал тарихнинг мухтасар баёни шуки, Қуйукхон Самарқанд худудида оламдан ўтгач, мамлакат ишлари пароканда бўлди ва шахзодаларнинг ҳар бири ўзича иш тутиб, ҳар хил фитналар барпо қилдилар. Мангу ибн Тулихон ўз биродарлари билан Дашти Қипчоққа, Боту ибн Жўжи олдига кетдилар. У пайтда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг набиралари ичида ундан улугроқ киши йўқ эди. Ботухон у ерда Мангуқоонни хонликка ўтказди ва тиз чўкиб, коса кўтарди. Биродари Барақа ибн Жўжини Мангу қоонга (в. 114а.) ҳамроҳ қилиб, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Улуғ юрт пойтахтига юборди.

Кўпчилик шахзодалар унинг (яъни Мангу қооннинг) хон бўлишига рози бўлмадилар, бунга унинг Ўктойқоон авлодидан эмаслиги сабаб эди. Уларнинг ҳар бири бир баҳона топиб Мангу қооннинг қурултойига келмас эдилар. Шундай қилиб, унинг тахтга ўтириши тўрт йил орқага сурилди.

Барака ўғил ибн Жўжихон бу ҳақда биродари Ботухон бин Жўжихонга яна хабар қилди. Ботухон киши юбориб, жамоатни йиғишни, агар йиғилмаса ҳам Мангу ибн Тулини хонлик тахти ва қоонлик маснадига ўтқазишни буюрди. Ботухон ибн Жўжихон ибн Чингизхоннинг фармониغا мувофиқ Барака ўғил ибн Жўжихон туркларнинг товушқон йилига мувофиқ бўлган 645- ҳижрий йилининг раби ул аввал ойида, баҳор фаслида Мангу қоонни салтанат тахтига ўтқизди ва ўзи тиз чўкиб, коса кўтарди. Назм (мазмуни):

Барака тиз чўкиб, коса кўтарди. қадахидан фалак ҳам хайратда қолди.

Мангу қооннинг хонлигига иқдор бўлмаган шахзодалар — Ясунгой ибн Чигатойхон, Шеромун ибн Кукужўй ибн Ўктой қоон, Боту ўғил ибн Қуйукхон ибн Ўктой қоон эдилар. Мангу қоон подшолик тахтига ўтиргач, кўнглида ҳар хил узрларни жо қилган муҳолифлар ошкор бўлди. Мангу қоон шахзодаларнинг ўзларини қабул қилди. Аммо шахзода дани бу ҳолга солган амирлардан, чунончи, Қуйукхоннинг улуғ амири Қадоқ кабилар бошқа амирлар билан бирга ясоққа тортидилар. Мангу қоон мулки қарор топгач, кичик укаси Ҳалоку ўғилни Эрон хонлигини эгаллаш учун номзод қилди.

ҲАЛОҚУХОН ЎЗИНИНГ АКАСИ МАНГУ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ АМРИ БИЛАН ЭРОН МАМЛАКАТИНИ ЗАБТ ЭТИШ УЧУН БОРГАНЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих арбобларининг ёзишича, Мангу қоон ибн Тулихон Ўрду-Болиғ тахтига ўтириб, муҳолифлардан баъзиларни жазога тортиб, (в. 1146.) баъзиларини кечириб, иккинчи марта лутфу эҳсонидан баҳраманд қилди. Шулардан бири энг кичик укаси Ҳалоку ўғил бўлиб, унга Эрон хонлигини берди. Ҳар ўн кишидан иккитаси у билан Эронга борсин, деб ёрлиғ чиқарди. Қоонлик ёрлиғига мувофиқ 120 минг атрофида аскар тўпланди. Шулар жумласидан унинг энг кичик укаси Иси ўғил ибн Тулихон; Жўжи улусидан Ботухон ибн Жўжихон тарафидан Сиқноқ ибн Жўжихон ўғли Булғтой, Тумо ўғил ибн Жўжихон ўз лашкарлари билан; Чаҳқояки тарафдан Тағой Темур беҳисоб турк лашкари билан ҳамда бошқа улуғ нўёнлар кўч-кўронини олиб, Ҳалокухон ибн Тулихон ҳамроҳлигида Эрон сари йўлга равона бўлдилар. У ерни қўлга олиб, Озарбойжонни салтанат тахтига айлантирдилар, чунончи, бунинг тафсило-

тини хожа Шамсуддин Муҳаммад Жувайнийнинг биродари Ота Малик ўзининг «Тарихи жаҳонгушой» китобида ёзган. Бу муфассал тафсилотнинг мухтасари мазкур китобнинг керакли жойида зикр этилади.

Мангу қоон салтанати айёмида уйғур ҳокими Идикут мусулмонларга қасд қилиб, Бешбалиғда, жумъа намози вақтида халқни қатлиқ оғ қилмоқчи бўлди. Ислоом ботини голиб келди ва улардан бири мусулмон бўлди. Мангу қоон лашкар юбориб, хоинларнинг ҳаммасини қўлга олди ва уни ҳам қўлга туширди. Намоз вақтида Бешбалиғда уни шармандаларча ўлдирди. Ислоом дини унинг замонида тўла равақ топди. У ўзининг кичик укаси Туқо ибн Тулихонни Улуғ юртда ўзига ўринбосар қилиб, биродари Кубилой билан баҳамжиҳат олти юз минг киши билан Такнос устига юриш бошлаб, у ерни тўлиқ ва батамом қўлга киритди. Яна бу ернинг бузук ҳавоси сабабли касал бўлиб, туркларнинг илон йилига мувофиқ бўлган 658 ҳижрий йилда оламдан ўтди. Салтанатининг муддати 14 йил эди. Ундан Шараки номи бир ўғил қолди. (Подшоёлардан) тўртинчиси Кубилой ибн Тулихондир.

КУБИЛОЙ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих китобларининг саҳифаларида мавжудки, Кубилой қоон маслаҳатга мувофиқ Такнос юришидан (в. 115а.) орқага қайтиб, Хитой пойтахти Чакандуга етганда, отасининг вафот қилганини эшитди. У Чакандуда туркларнинг илон йилига мувофиқ бўлган 658 ҳижрий йилда хонлик тахтига ўтирди. Мангу қоон Такносга юриш қилган пайтида Қорақурум тахтига қўйиб кетган укаси Ариқбуқо ибн Тулихон унга нисбатан муҳолифлик байроғини кўтарди ва Улуғ ўрдага хонлик тахтига жойлашиб олди. Улар ўртасида бир неча марта жанг юз берди. Охири Ариқбуқодан бахт юз ўтириб, ёмон ҳолга тушгач, акасининг олдига борди ва бўйин эгди. Кубилой қоон амирлар билан маслаҳатлашгандан сўнг Ариқбуқони муғийлон тиконидан қурилган тўрт девор орасига қамаб қўйди ва уни қўриқлаб, кузатиб туриш учун бир гуруҳ одамни вакил қилди. Ариқбуқо бу даҳшат ичида бир йил ҳаёт кечириб, шу ерда кўз юмди ва гўр зиндонига кўчди.

Ўқтой қооннинг набираси бўлмиш Қойду Кубилой қоонга муҳолиф бўлиб, кўп марта жангга қадам қўйди. Қойду Ўқтой қоон амирларининг улуғи бўлмиш арлот Агок ҳамда Чингизхоннинг чўпонлари бўлиб, Чўрос улуси атрофида

яшаган, Чигатойхон улуси теграсидан ўрин олган Улуғ юртдаги бошқа қавмлару қабилалар билан бирга етиб келдилар ва бу ерга ўрнашдилар. Кубилой қоон бир неча марта кучли лашкар ва ҳисобсиз аскарни уларнинг устига юборди. Бироқ, ҳар гал ҳам зафар Қойдуга насиб этди.

Чин ва Мочин халқининг қаршилигини енгиш учун Кубилой қоон яна бир марта 800 минг аскарни Хитой Чакандусига ва Такносга юборди. У ерни яна қўлга киритиб, Хитой мамлакатининг қадимий пойтахти бўлмиш Чаканду шаҳрининг ёнига бир шаҳар бунёд қилди. Назм (мазмун):

Кубилой тез фурсат ичида Ултон шаҳрида тўхташни лозим кўриб, Чаканду ёнида бир (бинога) асос қўйди. Бу жойга Диду деган ном берди. У ерда тахтгоҳ учун бир қаср курди. Унинг тупроғидан ҳатто осмонлар ҳам ёруғ бўлди. Бу тахт одамларни қаршига чорларди. Унда Кубилой осмону ой каби эрди. Бу хислатли жой фирдавс жаннати каби бўлиб, бу машҳур подшоҳ фармони билан унинг чор атрофига девор тортдилар. Деворнинг бири биридан бир ўқ етадиган масофада узок эди. Биринчи девори Кирёс деб аталарди. Иккинчиси эса амирлар жойи эди. Учинчиси қоровуллар жойи бўлиб, тўртинчиси подшоҳнинг турадиган жойи эди.

Муғуллар бу шаҳарга Хонболиғ деб ном қўйдилар. Яна ундан қолган ёдгорликлардан бири катта дарё бўлиб, у Зайтун дарёсидан сув олиб, Ҳиндистон бандаридан тортиб қирқ кунлик йўл эди ва Хонболиғ шаҳарининг қоқ ўртасидан оқиб ўтарди. Унинг кенглиги шундай эдики, одамлар ундан кема орқали ўтишар, савдогарлар бу дарёдан савдо-сотиқи учун юқори ва паст томонларга борардилар. Айтишларича, айлана узунлиги тўрт фарсанг экан. Баъзилар эса шаҳар кенлигини тўрт фарсанг дейдилар. Ал-илму индаллоҳи (билим Худо ҳузурда»).

Кубилой қоон 35 йил давлату иқбол билан кун ўтказди. Туркларнинг илон йилига мувофиқ бўлган 693 ҳижрий йилида ўлим аждаҳосининг дамидан жонини қутқаролмади. Ҳаётининг муддати эса етмиш уч йил бўлди.

Бешинчи подшо Темурибн Жамкин ибн Кубилой ибн Тулихон ибн Чингизхондир.

ТЕМУР ҚООН ИБН ЖАМКИН ИБН ҚУБИЛОЙ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Кубилой қоон салтанат тахтидан тургач, унинг набираси Темурибн Жамкин ибн Кубилой қоон ўз бобосининг жойига ўтирди. У подшолик тахтидан ўрин олган вақтида

халк уни Ўлжойтухон деб атади. Ўлжойтухон Улуғ юрт подшолигида ўтган ўн икки йиллик ҳаётида мамлакатнинг зарурий ишларини эътиборсиз қолдирмади ва подшолик вожиботларидан (в. 116а.) ҳисобланган «адлу эҳсон» калимасининг мазмунига амал қилишни ўзига фарз деб билди. Тахтга ўтирганидан ўн икки йил ўтгач, салтанат тахтини тобут тахтаси билан алмашди.

Олтинчи подшо Ўлжойтухоннинг амакиваччаси Ойид ибн Муқлой ибн Қубилойқоон ибн Тулихондир.

ОЙИД ИБН МУҚЛОЙ ИБН ҚУБИЛОЙҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ ПОДШОЛИК ЗИКРИ

Ўлжойту Темур қооннинг ҳаёт муддати тугагач, амаки-сининг ўғли Ойид ибн Муқлой салтанат тахтига ўтирди ва жаҳондорлик қоидасини муслмонликни зоҳир қилиш билан ривожлантирди. Мўғулларнинг аксарият фирқалари исломни қабул қилишга мушарраф бўлдилар. Салтанатининг муддати охиригача етгач, еттинчи хон бўлмиш Қубилой қоон ибн Борлой Чамким унинг ўрнига ўтирди.

ҚУБИЛОЙ ҚООН ИБН БАРЛОЙ ИБН ЧАМКИМ ИБН ҚУБИЛОЙ ҚОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Айтишларича, Қубилой қоон бин Барлой салтанат тахтидан жой олиб, подшолик тахти узра ўтирди, аммо олий хон ва Хусрави замон насоро динида бўлиб, у ҳам салтанат тахтини ўзгага қолдирди. Саккизинчи хон Кушбилой ибн Жанг ибн тарма ибн Чамким ибн Қубилой қоон эди.

КУШБИЛОЙ ҚООН ИБН ЖАНГ ИБН ТАРМА ИБН ЧАМКИН БИНЛОЙ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих китобларида мавжудки, Қубилой ибн Барлой салтанатининг муддати охирига етгач, Кушбилой қоон ибн Жанг ҳукмдорлик тахтига қадам қўйди.

Муддати охирига етган пайтда ўрнига ўтирган тўкки-зинчи хон Тўктой ибн Кушбилой қоон эди.

ТЎҚТОЙ ҚООН ИБН ҚУШБИЛОЙ ҚООН ИБН ЖАНГ ИБН ТАРМА ИБН ҚУБИЛОЙ ҚООН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Фалакнинг гардиши Қушбилоё қоон даврини охирига етказгач, Тўқтой қоон отасининг салтанат тахтидан жой (в. 1666.) олди ва ҳокимлик даврини суриб, хонлик қонунларини ота-боболарининг қоидаси бўйича маҳкам тутди ҳамда салтанат навбатини тақдир тақозоси бўйича тугатиб, мамлакатни бошқа кишига қолдирди. Ўнинчи хон Барроё ибн Тўлак эди.

БАРРОЙ ҚООН ИБН ТЎЛАКНИНГ ПОДШОЛИК ЗИКРИ

Тўқтой қооннинг ҳаёти охирига етгач, Барроё қоон ибн Тўлак подшолик тахтига қадам қўйди. Барроё қооннинг салтанати даврида халқ уни Билқуту қоон деб атадилар. Билқуту қоон давлатининг айёми охирига етгач, ўн биринчи хон бўлмиш Ануширвон ибн Доро қоон салтанатининг офтоби давлат уфқидан тулуъ қилди.

АНУШИРВОН ИБН ДОРО ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

У чиройли хулқлар билан ораста эмас эди, шу туфайли унинг замонида қоонлик ишига путур етди. Ануширвон ибн Доро қоон давлатининг даврони ўтгач, ўрнига ўн иккинчи подшо бўлмиш Дақу Темур салтанат тахтига чиқди.

ДАҚУ ТЕМУР ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Уни Тўқтемурхон ҳам дейишади. Ануширвон қоон салтанатининг сўнгида у салтанат тахтига ўтирди. Унинг ҳам подшолик даври охирига етиб, ўн учинчи хон (Ясурдор қоон) шоҳлик тахтига ўтирди.

ЯСУРДОР ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ясурдор қоон Тўқ Темур қоондан сўнг шоҳлик тахтига чиқди. Давлатининг айёми охирига етиб, жаҳон қоонлик

мансабининг эшигини юзига ёпгач, ўн тўртинчи хон бўлиб ўғли Аника қоон унинг ўрнига ўтирди.

АНИКА ҚООН ИБН ЯСУРДОР ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ясурдор қоон салтанатининг муддати тугагач, унинг ўғли Аника қоон подшолик майдонида шоҳлик соясининг соҳиби деб эълон қилинди. Унинг давлати ҳам охирига етгач, ўн бешинчи подшо бўлмиш Аланг қоон салтанат тахтига чикди.

АЛАНГ ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Аника қооннинг подшолик навбати тугаб, салтанатининг муддати охирига етганда ўн олтинчи хон бўлмиш Турон Темур қоон салтанат тахтига ўз қадамини (в. 117а.) қўйди.

ТУРОН ТЕМУР ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Турон Темур қооннинг ҳам салтанат муддати поёнига етиб, ўн еттинчи хон бўлмиш Ўктемур қоон унинг ўрнини эгаллади.

ЎКТЕМУР ҚООН НУБИХ ИБН ҚАРОҚЎГУЛ ИБН ЎКТОЙҚООН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ўктемурқоон куч билан қоонлик тахтига оёқ қўйиб, унинг давлат муддати ҳам охирига етгач, ўн саккизинчи хон бўлмиш Элчи Темурқоон унинг ўрнига чикди.

ЭЛЧИ ТЕМУР ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ўктемур қоон оламдан кўз юмгач, ундан кейин Элчи Темур қоон салтанат байроғини кўтарди. Айтишларича, Элчи Темур қоон ҳали салтанат тахтига қадам қўймай туриб, улуғ Соҳибқирон, ҳазрат Музаффар Амир Темур Кўрагоннинг мулозаматига муяссар бўлган экан. Улуғ Соҳибқи-

рон (Амир Темур)нинг вафотидан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Болиғ юртига бориб, қоонлик тахтига ўтиради. Салтанатнинг аҳди охирига етгач, ўн тўққизинчи хон бўлмиш Тобзи қоонлик кўрпасини салтанат тахти усти сари судради.

ТОБЗИ ҚООН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Уни Ариқ Буқа ибн Тулихон ибн Чингизхон наслидан дейдилар. Элчи Темур қоондан сўнг салтанат тахтига ўтирди. Айтишларича, улуғ Соҳибқирон, музаффар Амир Темур Кўрагон салтанати даврида Улуғ юрт султонларидан қочиб, онҳазратнинг хизматига келган ва ислом шарафига муяссар бўлган эди. Улуғ Соҳибқирон, музаффар Амир Темур Кўрагон вафотидан кейин хонлик тахтига ўтиради. Бир неча кундан сўнг уни шунқор қиладилар. Тобзи қоон салтанатидан аввалроқ тангутлар хуруж қилиб, Хитой тахтини Элчи Темурқоон кўлидан тортиб олган эдилар. Асли юртлари бўлган Келурон ва Қорақурумгина уларнинг кўлида қолган эди. У ернинг халқи Тобзи қоонни шунқор қилганларидан кейин йигирманчи хон бўлмиш Ўрдой қоон ҳукмдорлик тахтига ўтирди.

ЎРДОЙ ҚООН ИБН ТЕМУРХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тобзи қоонни (в. 1176.) шунқор қилганларидан сўнг, ҳийлаю найранг қилишиб, Ариқ буқо ибн Тулихон ибн Чингизхон наслидан бўлган Дурдор қоон ибн Малик Темурхонни унинг ўрнига ўтказдилар. Унинг подшолиги айёмида Уйрот қавмидан чиққан соҳиб тадбир ва ғаддор умаролар бўйин товлаш билан қаршилик барпо қилдилар. Илоҳий тадбир сабабли Урдой ибн Малик Темур салтанатининг муддати тамом бўлиб, йигирма биринчи хон бўлмиш Ўдойқоон ибн Ариқтемур қоон унинг ўрнини эгаллади.

ЎДОЙ ҚООН ИБН АРИҚТЕМУР ҚООН ИБН НЎБИХ ИБН ҚАРОҚЎҒУЛ ИБН ЎҚТОЙ ҚООН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ўрдой қооннинг подшолик муддати поёнига етгач, Ўқтой қоон наслидан бўлган Ўдой қоон ибн Ариқтемур қоон шохлик тахтида қарор топди. У асрда уйрот амирлари кучайиб

кетдилар. Уларнинг қўлида қолган асли юртлари Келурон ва Қорақурумни босқинчилик ва зўрлик билан қўлга киритдилар ҳамда ўша диёрни бир неча муддат қўлда тутиб турдилар. «Ҳақиқий билим Худога хос, ҳақиқатни Худодан ўзга киши билмайди!»

СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ НАСЛИДАН БЎЛИБ, ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ПОДШОЛИК ҚИЛГАН ХОНЛАРНИНГ ЗИКРИ

Мўътабар тарих китобларида мавжудки, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам наслидан бўлиб, бизнинг кунларгача Дашти Қипчоқда подшолик қилган хонлар ўттиз учта бўлиб, уларнинг биринчиси Жўчихон ибн Чингизхондир.

ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ПОДШОЛИГИНИНГ ҚИСҚАЧА ЗИКРИ

Мўътабар тарих арбобларининг ёзишларича, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг йўқлигида ва унинг ўрдасида қўнғирот подшосининг қизи, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг катта хотини ва бузруквор авлодининг онаси Бурта Кучинга яқинлиги бўлган бир неча кишидан бошқа ҳеч ким бўлмаган бир пайтда макрит қавми фурсатни ганимат билиб (в. 118а.) ажаб хужум уюштирдиларки, натижада журъат ва ор-номус эгаси бўлган кишиларнинг барчаси қатл этилди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ўрдасини қўриқлаш билан машғул бўлган бир қисм одамлар ўзаро бир фикрга келишиб, Соҳибқироннинг ўрдасини кўчириб кетдилар. Ўша пайтда Жўчихон Бурта Кучин қорнида олти ойлик эдилар. Макрит қавми Бурта Кучинни олиб кетаётганларида Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам билан ота-бола тутинган кериот подшоси Ўнгхон бу хабарни эшитиб, катта лашқар билан Макрит қавмининг йўлини тўсиб, Бурта Кучинни барча тобеълари ва нарсалари билан қўлга олди ҳамда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ҳузурига равона қилди. Шу аснода йўлда Бурта Кучин ўғил туғди. «Йўл машаққати ва уриниш-суринишлардан ҳоли бўлсин», деб уни олиб кетаётганлар тадбир қўллаб, чақалоқни юмшоқ хамир ичига

олдилар ва этақларига солган ҳолда эҳтиёткорлик билан Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хузурига олиб келдилар. У мазкур жамоатни «нойрин-бойрин» деб атаб, «тузни ҳалоллаган»лар қаторига қўшди ва ўғлига Жўчихон, яъни «Йўлдан келган меҳмон», деб ном қўйди. Шу сабабли бу воқеа Жўчихонга таъна бўлиб тушди, Чигатой ва Ўктой доимо Жўчихонга нисбатан бўҳтон сўзларини Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга айтар эдилар, чунончи, бу улуғ бўҳтоннинг тафсилоти чигатой уламоларининг тарих китобларида ўз баёнини топган.

Аmmo бир гуруҳ одил, ҳақиқатгўй тарих арбобларининг фикрича, Бурта Кучиннинг макрит қавми орасидаги асирлик муддати ва Чингизхон пойини ўпишгача бўлган давр тўрт ойга ҳам етмайди. Бундан ташқари, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Жўчихонга нисбатан катта муҳаббатидан агар бу ҳақда гапирилса гап чўзилиб кетади, маълум бўладики, бу аниқ бўҳтондир. Чунки, фарзанд қанчалик яхши бўлса ҳам, ҳақиқий ота билан (в. 118б.) ҳақиқий бўлмаган отанинг фарзандга муҳаббати осмон билан ерча фарқ қилади. Бундан ташқари, бировнинг фарзандини ўз фарзандидан кўра, айниқса, салтанат ишида ҳурмат қилиш ва яхши кўриш ҳеч бир одил кишининг ақлига тўғри келмайди. Ҳақиқатгўй тарих аҳлининг фикрича, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Жўчихонга нисбатан шафқат ва меҳрибонлиги ҳаддан ортиқ, муҳаббати бағоят даражада улуғ бўлгани сабабли Чигатой ва Ўктой унга ҳасад қилишиб, улуғ бўҳтонни юклаган эдилар. Шу нарса туфайли Жўчихон ва унинг биродарлари, яъни Чигатой ва Ўктой ўрталарида дилхиралик мавжуд эди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жўчихонни эркак ва аёл фарзандларнинг барчасидан яхши кўрарди, ҳатто, Жўчихонни ёмонлик билан тилга олган ҳар бир киши Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг назарида мақбул бўлмас эди. Жўчихоннинг вафоти ҳақидаги хабар ўрдага етиб келган вақтда, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг қулоғига бу хабарни етказиш учун ҳеч кимда журъат бўлмади. Охири барча амирлар ўзаро бир қарорга келиб ҳам надим, ҳам улуғ амирлардан бўлмиш Улуғ Жарчи Чингизхон яхши ҳолатда турганда (бу хабарни) етказишни сўрадилар. Шундан сўнг Улуғ Жарчи Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ишга машғул вақтда фурсат топиб деди.

(Туркийча жир):

Тенгиз бошдан булгонди, ким тиндуруро, хоним?

Терак тубтун жиғилди, ким турғузуро, хоним?

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жарчининг жавобига деди (туркийча жир):

*Тенгиз боштин булғонса тиндурур улум Жўчидир,
Терак тубтин жиғилса турғузур улум Жўчидир.*

Жарчи сўзларининг маъноси шу эдики: «Дарё бошидан лойқаланди, уни ким тозалайди, эй подшоҳим? Терак илдизидан қулади, уни ким турғизади, эй менинг подшоҳим?» Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам Жарчига шундай деди: «Агар дарё бошидан лойқаланса, уни тиндирувчи менинг фарзандим (в. 119а.) Жўчидир. Агар терак ёғочи тубдан қуласа, уни турғизувчи менинг ўғлим Жўчидир!»

Улуғ Жарчи сўзларини қайта-қайта такрорлаб, кўзларидан ёшлари шашқатор оқар экан, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам деди: туркийча жир:

*Кўзунг ёшин чунгур турлу лиқ-лиқ тўлди бўлғайми?
Жиринг кўнгул ўркутур Жўчи ўлди бўлғайми?*

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг жавобида Жарчи деди. Туркийча жир:

*Сўйламакка эрким йўқ, сен сўйладинг, о хоним,
Ўз ярлиғлиқ озарга жавобди ўйладинг, о хоним.*

Жарчи ўз жирини такрорлар экан, унинг кўзидан ёш доналари оқар эди. Бунни кўрган Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам шундай деди: «Кўзларинг ўз ёшларини думалатмоқда, наҳотки кўнглинг тўлиб кетган бўлса?! Сўзларинг юракларни ўртади, наҳотки Жўчи ўлган бўлса?»

Ўша пайтда соҳибқироннинг ҳукми содир бўлиб, унда кимки Жўчихоннинг ўлимини тилга олса, Соҳибқирон сиёсатига дучор бўлиши айтилган эди. Шу сабабли Жарчи Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамга жавобида шундай деди: «Бу ҳақда гапиришга қудрат ва ихтиёрим йўқ, ўзинг шундай буюргансан, эй менинг подшоҳим! Ўз ҳукминг ўзинг учун бўлсин, тўғри фикр қилдинг, эй менинг подшоҳим!»

Шунда Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам деди. Туркийча жир:

*Қулон олгон қувланди, қулунимдан айрилдим,
Айрилишқон анқуди эр улумдан айрилдим!*

Яъни: «Ов қилиш учун ов майдонида қувланаётган қулонга ўхшайман, қулон ўзи қочади, аммо боласи қолади, мен ҳам худди қулон каби боламдан жудо бўлдим! Мен бир соддадил одамга ўхшайман, соддадил киши дўст деб фаҳмлаб, душман ўртасида қолиб, ҳамроҳларидан айрилади, мен эса ўз мардона фарзандимдан жудо бўлдим!»

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамдан шу хилдаги сўзлар отилиб чиқар экан, барча амиру нўёнлар оёқда туриб, таъзия билдириш расмини адо қилдилар ва жир айтдилар.

Жўчихон вафотидан олти ой кейин Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам (в. 1196.) олам билан видолашди.

Мўътабар тарих китобларида зикр қилинишича, Хоразм фатҳ қилингандан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг амрига мувофиқ Жўчихонга Хоразм вилояти ва Дашти Қипчоқни то Қиёлиқ сарҳадидан Соқсин, Жарар, Булғор, Алон, Бошқирд. Ўрус, Черкасгача ва қаергаки тотор отларининг туёғи етса, ўша ергача берилган эди. У мазкур диёрда хонлик тахти узра қарор топган эди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам вафотидан олти ой аввал Дашти Қипчоқда оламдан кўз юмганда унинг авлодлари Дашти Қипчоқда ҳукмдорлик тахтига ўтирдилар. Унинг наслдан бўлиб, Дашти Қипчоқда ҳукм сурган султонлардан ўттиз тўққиз нафари бу китобда баён этилади. Улардан биринчиси Боту ибн Жўчидир.

БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ботухон ибн Жўчихон отасининг вафотидан сўнг улуғ бобоси Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг ҳукми билан оёғини Дашти Қипчоқ салтанатининг тахтига қўйди. Ботухон ўз отасининг қўл остида бўлган, аммо унинг ўлиmidан сўнг Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам авлодига нисбатан бўйин товлаган Олон, Урус, Рус, Булғор, Черкас, Қрим, Ардок юртлирини амакиси Ўқтой қоон ёрдами билан яна қўл остига киритди. Бу тафсилотнинг мухтасари шуки, Ўқтой қоон Улуғ юрт тахтига ўтиргач, Дашти Қипчоқ ҳамда Жўчихон тасарруфида бўлган бошқа юртлар бўйин товлаб, Ботухон ибн Жўчихонга бўйсунмаётганини эшитди. Шунга биноан ўз ўғли Қуйукхонни, Манғу ибн Тулихон, Булка ибн Чиғатойхон, Нури ибн Чиғатойхон, Пойдор ибн Чиғатойхонларни катта лашкар билан Жўчихон тасарруфида бўлган барча вилоятларни яна қайтадан Ботухон ибн Жўчихон қўл остига тамоман киритиш учун

юборди. Бир қанча муддатдан сўнг, оғир жанглардан кейин, у вилоятларни қўлга киритдилар. Чангалзорларнинг кўплиги туфайли ўтиш қийин бўлган Маке шахри атрофида шахзодалар ҳар тарафдан (в. 120а.) дарахтларни кесиб, қарши томон юриш мумкин бўлган тўсиқлар ясаб, шаҳарни ўраб олдилар. Шаҳарни олиб, халқни қатли омга буюрдилар. Ҳудуддорларнинг ўнг қулоғини кесиб, санашга буюрилганда икки юз етмиш минг экани маълум бўлди.

Баҳор келиб, шахзодалар Рус, Қипчоқ ва Олон ишидан бўшаганларидан кейин фаранг юртлари билан чегарадош бўлиб, одамлари насоралардан иборат бўлган Кулоҳ ва Бошқирд юртларини қўлга киритиш учун Ботухон шахзодалар ва ҳисобсиз лашкар билан йўлга чиқди. Ўзларининг адолати ва шавқатига мағрур бўлган бу ернинг халқи Ботухон ибн Жўчихон лашкарининг ҳаракатидан хабар топиб, лашкар йиғишга киришдилар, қочишни ўзларига ор деб ҳисоблаган тўрт юз минг ном чиқарган отлик қўшин ҳозирлаб, юзма-юз турдилар. Ботухон биродари Шиқноқ ибн Жўчихонни ўн минг киши билан душман сонини аниқлаш ва бу жамоатнинг ҳолидан хабар келтириш учун булжунғор сифатида олдинга юборган эди. Улар бир ҳафтадан кейин қайтиб, душман сон жиҳатдан мўғул лашкаридан ортиқ экани ҳақида хабар келтирдилар. Барча мардона жангчилар бир-бирларига яқинлашиб келганда Ботухон мусулмонларга қарата барчаси йиғилиб, дуо ўқишга машғул бўлишни буюрди. Ўзи эса бир тепалик устига чиқиб, бир кеча-кундуз ҳеч ким билан сўзлашмай, ёлбориш юзини тупроққа суртиб, оху зорини ишга солиб, ғалаба талаб қилди. Эртасига эса барча киши жангга машғул бўлди.

Айтишларича, душман билан уларнинг ўртасида катта сув бўлиб, Шиқноқ ибн Жўчихонни катта лашкар билан кечаси сувдан ўтишга буюрди. Кундузи бўлгач, Ботухон ҳам ўзи отланиб жанг майдонига кирди ва каттик ҳамлалар қилди. Душман кучли бўлишига қарамай, жилишга мажбур бўлдилар. Сувдан ўтган лашкар эса уларнинг томонидан кириб келди. Шиқноқ ибн Жўчихон барча лашкари билан бирданига ҳамла қилиб, чодир чапчаларнинг ипларини шамшир билан чопиб ташладилар ва барчасини ер билан яқсон қилдилар. Душман лашкари (в.120б.) бу ҳолдан дилшикаста бўлиб (енгилдилар), Ботухон лашкари уларнинг барчасини қатл этди. Бу вилоятларни ҳам бутунлай қўлга киритди. Шундан кейин Ўқтой қооннинг фармонида мувофиқ Ботухонни қайтадан Дашти Қипчоқ вилоятининг тахтига ўтқиздилар.

Сарой шаҳарини Ботухон ибн Жўчихон курган эди. У ҳеч

бир дин ёки мазҳабга амал қилмас эди. Яздонпарастликдан ўзга ҳеч бир ишни қабул этмас эди. Аммо, мусулмонларни тўлиқ иззат қиларди. Адолат ва инсофда мукаммал даража эгаси эди. Айтишларича, саҳийлик бобида унинг тенги йўқ эди. У туркларнинг луй йилига мувофиқ бўлган 654 йилда вафот этган.

Иккинчи хон Барака ибн Жўчихондир.

БАРАКАХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих китобларида ёзилганким, Ботухон вафот қилгач, унинг ўрнига биродари Баракахон ибн Жўчихон ўтирди. Баракахон мусулмон киши эди. Баъзи тарихларда ёзилишича, Баракахон мусулмон аёлдан туғилган эди. У туғилган пайтда, ўз онасини асло эммаган, охири мусулмон аёллардан бири эмизиб, парвариш қилган. Катта бўлгандан сўнг, ўз биродарининг фармони билан ҳар томонга сайр қилиб юриб, бир вақт куббат ул-ислом Бухорога келиб қолади ва ўша давр машойихларидан бирининг хузурига боради. Ул ҳазратдан талқин олиш шарафига муяссар бўлади. Бу бузруквор шайх ҳазрати Шайх Сайфиддин Бохарзий бўлиб, улар Шайх Нажмиддин Кубронинг (унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин) улуғ халфаларидан эдилар. У бир неча вақт уларнинг қутлуғ оstonасини ўпиш билан машғул бўлди.

Ҳазрати бузруквор шайхнинг амри билан Ҳожи тархон йўли орқали Дашти Қипчоққа равона бўлиб, озгина лашқар билан Идил дарёси қирғоғида Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхоннинг беҳисоб лашқарига дуч келди. Икки орада ажиб жанг юз берди. Аъло ҳазрат дарвишларининг ботинларидан етган мадад туфайли Ҳалокухон лашқари шикаст топди. Дашти қипчоқ томон кетаётган Ҳалокухон ўз йўлини ўзгартириб, орқасига қайтди ва Озарбойжон (в. 121а) томонга қараб кетди. Қаттиқ иллатга чалиниб, Табризда вафот этди. Баъзилар эса ўша жангда ўлдирилган, дейдилар, бу сўзнинг исботи йўқ.

Баракахон ибн Жўчи музаффар ҳолда, кўнгли тўла нур билан Қодир ва Халлоқ (Аллоҳ) амрига мувофиқ Дашти Қипчоқ тахтига ўтирди. Одамларни эса ислом динига даъват этди. Ва Худо халқини ҳидоят йўлига чақирди билан машғул бўлди. Етти йил муддат подшолик қилди. Сўнг туркларнинг луй йилига мувофиқ бўлган 654 ҳижрий йили салтанат тахтига чиқди ва туркларнинг сичқон йилига мувофиқ бўлган 661 ҳижрий йили куланж касалига чалиниб,

«Иржиъи» («қайт») нидосига «лаббайка» деб жавоб берди.
«Албатта биз ҳаммамиз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта
ҳаммамиз унга томон қайтувчилармиз» (Куръон ояти).

Учинчи хон Сойиндир.

СОЙИНХОННИНГ ПОДШОЛИК ЗИКРИ

Мўътабар тарихларда ёзилишича, унинг наслу насаби
ҳаммага машхур ва маълум Жўчихонга бориб тақалади.
Аммо, «Шажарат ул-атроқ» китобида у ҳақда ҳеч нарса
назарга кирмагани учун мазкур китобнинг сайланмаси
бўлган бу китобда ҳам у ҳақда ҳеч нарса ёзилмади. Бирок,
хотирада қолгани шуки, у улуғвор подшо бўлиб, инъоми
беҳисоб эди. «Барча билимлар Аллоҳга хосдир».

Тўртинчи хон Мунко Темур ибн Тўғон ибн Боту ибн
Жўчи ибн Чингизхондир.

МУНКО ТЕМУРХОН ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУРХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Мўътабар тарихий китобларда қайд этилганки, Саройчик
ҳам дейиладиган Сарой шаҳарида Сайинхон подшолигининг
муддати тамом топгач, унинг ўрнига Мунко Темурхон ибн
Тўғон ибн Ботухон ибн Жўчихон ибн Чингизхон ўтирди.
У ўз подшолиги даврида Каликхон деб лақаб олган эди.
Каликхон адолатли, ақлли ва эҳсонли подшоҳ эди.
У ўз салтанати давомида хонлик қондасини ва ҳукмдорлик
русумини адолат ва инсоф билан юргизди, чунончи, мазлум
кишилар унинг борлиги учун шукр айтувчи, золимлар эса
шикоят қилувчилар эдилар.

Бешинчи хон Ясу Мунко ибн Тўғон эди.

ЯСУ МУНКОХОН ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Хабарлар ва тарих китобларида ёзилишича, Мунко
Темур ибн Тўғон салтанатининг айёми ўтгач, Ясу Мункохон,
(в. 1216.) уни баъзи одамлар Тўқоки дер эдилар,
биродарининг ўрнига салтанат тахтига ўтирди ва хонлик

ҳукмларининг ижросига ҳамда ҳукмдорлик ишларининг амалига машғул бўлди. Унинг ҳам ҳаёт даври охирига етгач, олтинчи хон — Тўқтой ибн Каликхон бўлди.

ТЎҚТОЙХОН ИБН МУНКО ТЕМУР КАЛИК ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ривоятларнинг ровийлари ёзадиларки, Ясу Мунко ибн Тўғон салтанатининг ишлари тамом топгач, Каликхон, яъни Мунко Темурхон ўғли Тўқтойхон амакисининг ўрнига тахтга чиқди ва Дашти Қипчоқ мамлакатларида қарор топиб, шохлик ноғорасини қокди, хонлик қоидаси, ҳукмдорлик силсиласига тароват бахш этди. Иззат оёғини салтанат тахтидан кўтарганда эса Ўзбак ибн Тўғрал ибн Калик ибн Тўғон еттинчи хон бўлди.

ЎЗБАКХОН ИБН ТЎҒРАЛ ИБН КАЛИК ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Донолик арбобларининг ва билим соҳибларининг кўнгилларидан ўрин олсинки, Тўқтойхон давлати поёнига етгач, ҳазрати Султон Муҳаммад Ўзбакхон ибн Тўғрал ибн Каликхон ибн Тўғон ибн Ботухон ибн Жўчихон ибн Чингизхон тахтга ўтирди. Ўзбек улусини унга нисбат берадилар. Ҳақ субҳонаҳу ва таоло уни хонлик хилъати билан безаб, ҳукмдорлик ташрифига муяссарликка яқинлаштирган эди. Туркларнинг уто йилига мувофиқ бўлган 712 ҳижрий йилда салтанат тахтидан жой олди. Айтишларича, хонлик тахтига ўтиргандан сўнг, саккиз йил давомида Дашти Қипчоқ мамлакатларининг об-ҳавоси ёққани, овининг сероблиги сабабли, ўзининг элу улуси билан бирга бу ерда кун кечирди. Тахтга ўтиргандан саккиз йил ўтгач, машойихлар ва мусулмонларнинг шайхи, авлиёларнинг қутби, ҳазрати Занги Ота (Аллоҳ унинг қабрини мунаввар қилсин) ишорати билан жаноби саййидзода, (в. 122в.) Аллоҳнинг иродаси билан йўлдан адашувчиларни тўғри йўлга солувчи, муридларнинг пиру муршиди, толибларнинг қўлловчиси ҳазрати Саййид Ота (Аллоҳ унинг сирини муқаддас қилсин), яъни, Занги Отанинг халфалари орқали (ҳар икковларига ҳам Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин) туркларнинг дақуқ йилига мувофиқ бўлган 720 ҳижрий йили

исломни қабул қилиш шарафига муяссар бўлди. Бу қисқа баённинг тафсилоти «Мақомоти ҳазрати Саййид Ота алайҳир раҳма ва-р-ризо» («Ҳазрати Саййид Ота мақомоти унга Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин») китобида ёзилган ва зикр этилган.

Султон Муҳаммад Ўзбакхон ўзининг элу улуси билан илоҳий саодат ва фазилатга етишгач, ҳазрати Саййид Ота Ғайб ишорати ва Оллоҳ инояти сабабли, уларнинг барчасини Мовароуннаҳр диёри сари олиб келди. Ҳазрати Саййид Отага (унга Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) кулоқ солишдан бўйин товлаганлар бу саодатдан бебахра ҳолда у ерда қолдилар ва қалмоқ деган номга мансуб бўлдиларки, бунинг маъноси «қолган» демакдир. Ҳазрати Саййид Ота уларга (Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) ҳамда Султон Муҳаммад Ўзбакхон билан ҳамроҳликда келган кишилардан: «Бу келган ким?» деб сўрардилар. Уларнинг сардорлари ва подшоҳлари Ўзбакхон бўлгани учун уларни ўзбек деб атардилар. Шу сабабли ўша замондан бошлаб келган кишилар ўзбек деб атала бошланди. Қолиб кетган кишилар эса «қалмоқ» бўлдилар.

Туркистон диёрининг ерига етганда, давр ўтиши билан, бу сарзаминда яшаган турк кишилар аслида улар билан яқинликка эга бўлганликлари сабабли ўзбек улусига қўшилиб кетдилар, Ўзбакхон билан бирга Саййид Ота (унга Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) ҳамроҳлигида келган элнинг нишонаси шу эдики, улар Саййид Отанинг (унга Аллоҳнинг раҳмати ва ризолиги бўлсин) муридлари эдилар. Баъзи кишиларнинг Саййид Отага мурид эмасликларининг сабаби шуки, улар илгари келиб қолганлар ёки кейин келганлар эди.

Султон Муҳаммад Ўзбакхоннинг (в. 1226.) исломдан аввалги подшолигининг муддати саккиз йил, исломдан кейингиси эса ўттиз йил эди. Вафоти туркларнинг борс йилига мувофиқ бўлган 750 хижрий йилда юз берди (унга Аллоҳнинг раҳмати ва жаннати насиб этсин).

Саккизинчи хон Жонибек ибн Ўзбакхондир.

ЖОНИБЕКХОН ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ЎЗБАКХОН ИБН ТЎҒРАЛ ИБН ТЎҚТОЙХОН ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ҳазрати Султон Муҳаммад Ўзбакхон давлатининг айёми тамом топгач, «Иржаъи» нидосини розилик кулоғи билан эшитгач, ўрнига аржуманд ўғли Жонибек хонлик тахти ва

хукмронлик маснадига ўтирди. Ўз эл ва улусини эплаб, тартибга солиб бўлгандан кейин, катта лашкар билан Дарбанд орқали Табризга равона бўлди. У пайтда Соҳибкирони аъзам Чингизхони муаззам наслидан Эрон тахтида бирорта подшо йўқ эди. Табриз тахтига сулдуз (қабиласи) хонларининг наслидан бўлган Ашраф ибн Темуртош ибн Чўпон Сулдуз ўтирган эди. У одамларга кўп жабр ва ортиқча зулм ўтказарди. Жонибекхон Табризга етиб келгач Малик Ашрафда Ўзбак улусига қаршилик кўрсатишга куч бўлмагани учун, Нахчивон томонга жўнаб кетди. Жонибекхон эса Ашрафни то Озарбайжонгача таъқиб қилиб бориб, уни қўлга туширди. Жонибекхон мусулмон ҳамда адолатли подшоҳ бўлиб, қилган жабр ва зулми учун қасос сифатида Ашраф Сулдузни қатл этди ва Табриз халқини Ашрафи хар лашкарининг жабру жафосидан халос этди. Беҳисоб лашкар ва саноксиз аскари бўлишига қарамай, у ҳеч қачон Табриз халқига бирор зарар-заҳмат етказмади. Малик Ашраф умри давомида тўплаган хазинани ўз саркорига ўтказди, чунончи, фозиллардан бири бу ҳақда шундай демиш. Байт (мазмун):

Кўрдингми, Ашрафи хар (эшак) нималар қилди, у ўзига зулм олди-ю, Жонибек эса зар.

Жумъа намози учун (Жонибекхон) хожа Алишоҳ масжидида ҳозир бўлди.

Жонибекхон Озарбойжон мамлакатини озод қилиб, (в. 123а.) адлу эҳсон ижросини Оллоҳ халқи устидан юргизган ҳолда, фазл ва камолот арбобларини кўп тарбиятлар қилди.

Мавлоно Саъдуддин Тафтозоний 756 йилда «Мухтасари Талхис» китобини унинг улуғ номига бағишлади.

Айтишларича, Жонибекхон Худодан ғоятда кўркувчи ҳамда фазилатни яхши кўрувчи эди. У Табризда салтанат ишларини жойига қўйиб бўлгач, ўғли Бердибек Султонни Табриз тахтига ўтқизди. Ўзи Дашти Қипчоқ сари равона бўлиб, Дашти Қипчоқнинг пойтахти бўлган Сарой тахтини ўз қадами билан сарафроз қилди. Бироз замондан сўнг олий ҳиммати туфайли тожу тахтдан кечиб, уни беҳиммат кишиларга қолдирди.

Тўққизинчи хон Бердибекхон ибн Жонибекхон эди.

БЕРДИБЕК ИБН ЖОНИБЕКХОН ИБН СУЛТОН МУҲАММАД ЎЗБАКХОН ИБН ТЎҒРАЛ ИБН ТЎҒТОЙ ИБН ТЎҒОН ИБН БОТУХОН ИБН ЖЎЧИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Жонибекхон салтанат тахтидан кечиб, охират бўстонига йўл олган пайтда, Бердибекхон Табриз салтанатининг тахтида айшу ишрат билан машғул эди. Отасининг вафотидан хабар топиб, Табриз мамлакатини ташлаб, Дашти Қипчоқ сари ошиқди. Хонлик тахтига ўтириб, то бу дунёдан кўз юмгунча подшолик ишларини юргизди.

Ўнинчи хон Келдибек эди.

КЕЛДИБЕКХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Бердибекхон бу фоний оламдан боқий бўстон сари сафар қилгач, Келдибекхон унинг ўрнига ўтирди. Салтанат мулкига ўзининг адлу эҳсони билан равақ бағишлади. Аллоҳнинг лойиқ ва сазовор бўлган барча халқини, то одамлар ичадиган ажал соқийсининг шарбатидан сипқормагунча шоҳона инъомлар билан хурсанд этиб турди.

Ўн биринчи хон Наврўзхон эди.

НАВРЎЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих арбобларининг ёзишларича, Келдибекхон ибн Жонибекхон олам билан видолашгач, Наврўзхон ўзини Жонибекхон авлодларидан санаб, кадамини Дашти Қипчоқ салтанатининг тахтига кўйди ва боқий бўлмаган ҳаёт уни тарк этмагунча тахтда ўлтирди.

Ўн иккинчи хон Черкасхон эди.

ЧЕРКАСХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Наврўзхон давлатининг айёми иқбол баҳоридан куз заволи томон кўчиб ўтгач, Черкасхон салтанатининг куёши толеъ чўққисидан нур сочиб чиқиб, Дашти Қипчоқ салтанатининг тахтига қадам кўйди ва хонликка равақ, ҳукмдорлик гулшанига тароват бахшида қилди. Айтишларича, улўф амирлар ўзаро маслаҳат ва тақозога увофиқ уни Жонибекхон фарзандларининг қаторига мансуб қилдилар. Унинг бисот мухрининг навбати давроннинг тери палосидан кўтарилгач, ўн учинчи хон Хизрхон эди.

ХИЗРХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих аҳли уламоларининг фикрларича, Черкасхон давлатининг дафтари охиригача тўлиб, салтанатининг сўнги варағига мухр урилгач, хонлик фармонларининг бошига Хизрхоннинг номини ёздилар. Хизрхон подшолик тахтидан ўрин олиб, ҳукмдорлик қоидаларига тароват бахш этди, боқий бўлмаган бу ҳаёт борлигининг хирмонини шамолга совурмагунча саройининг эшигини одамлар юзига адолат ва эҳсон билан очиб турди.

Ўн тўртинчи хон Марду ибн Хизрхон эди.

МАРДУ ИБН ХИЗРХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Хизрхон давлатининг айёми охирига етиб, подшолик тахтидан йўқлик оламининг пойтахтига қадам қўйгач, ўрнига аржуманд фарзанди Марду ибн Хизрхон хонлик тахтига зийнат берувчи бўлди. У ҳам қиладиган ишларини қилиб бўлгач, оёғини салтанат тахти оёғи остидан тортди.

Ўн бешинчи хон Бозорчихон эди.

БОЗОРЧИХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Нопойдор ҳаёт Марду ибн Хизрхон салтанатини ҳам саранжомлагач, Бозорчихон хонлик равақининг бозорида дўкон очди ва то давлатининг бозори қизгин экан, адлу эҳсонининг савдо-сотиғи зиёда бўлаверди (в. 125а.). Умр бозорининг охири етиб келганда эса барча молу матоси касод бўлди.

Ўн олтинчи хон Тўқой ибн Хон ибн Шоҳи эди.

ТЎҚОЙХОН ИБН ШОҲИ ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Бозорчихон давлатининг дўконини ажал бозорининг амалдорлари ёпиб қўйгач, салтанат тахтида унинг ўрнига Тўқойхон ибн Шоҳи ўтирди ва мамлакатни инсофу адолат билан безатди. Ҳаёт тахтидан қоматини кўтаргунча подшолик ишларида бирор дақиқани мўҳмал ўтказмади.

Ўн еттинчи хон Тўқойхоннинг жияни Туғлуқ Темур эди.

ТЎҚОЙХОННИНГ БИРОДАРИ ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Мўътабар тарих китобларида ёзилишича, Тўқойхон ибн Шоҳи давлатининг тугаши билан ҳияни Туғлуқ Темурхон амакисининг жойига ўтириб, хонлик тахтига оро берувчи ва ҳукмдорлик маснадини зийнатловчи бўлди. Тарих арбобларининг фикрича, Туғлуқ Темурхон ўз давлатининг айёмида Мовароуннаҳрни эгаллаш учун (икки) мартаба юриш қилди. Салтанатининг муддати охирига етгач, ажал чоповуллари унинг ҳаёт мулкани осонликча олиб кетдилар.

Ўн саккизинчи хон Туғлуқ Темурхоннинг биродари Муродхожа эди.

ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОННИНГ БИРОДАРИ МУРОДХОЖА ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Турк хонларининг хабарларини ривоят қилувчиларнинг фикрларига қараганда, Туғлуқ Темурхон ҳаёти ҳам остинустин бўлгач, Дашти Қипчоқда салтанат пардаси Туғлуқ Темурхоннинг биродари Муродхожа бошига ёпилди ва у хонлик тахти, ҳукмдорлик маснадининг устида манзил тутди. Салтанат ишларининг энг муҳим томонларидан бўлган адлу эҳсон қондасига қаттиқ амал қилди ва Оллоҳ халқининг ишларига киришди. Унинг давлати ҳам охирига етгач, йўқлик шахристонидан боқийлик мамлакатига ўз тахтини ўрнатди.

Ўн тўққизинчи хон Қутлуғхожа ибн Шоҳи.

ТЎҚОЙХОННИНГ БИРОДАРИ ҚУТЛУҚХОЖАХОН ИБН ШОҲИ ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Барча муаррихлар бир фикрдаларки, Муродхожахоннинг айёми поёнига етгач, Қутлуқхожахон ибн Шоҳи унинг ўрнига салтанат тахтига ўтирди (в. 1246.). У адлу эҳсон ва яхши ном учун қанчалик уринмасин, ажал соқийси барибир унга ҳам омонлик бермади. Охири хонлик тахти ва ҳукмдорлик маснадини бошқа кишига қолдирди.

ЎРУСХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ишончли тарих китобларда ёзиб қолдирилишича, Қутлуқхожахон хонлик тахти ва ҳукмронлик маснадидан кўз-

ғолғач, Дашти Қипчоқ мамлакатининг хонлик тахтидан Ўрусхон жой олди ва ўз даврини адлу инсоф билан шоду хурсанд ўтказди. Оқибатда бошқалар ичган нарсани у ҳам ичди.

Йигирма биринчи хон Тўқтобой ибн Ўрусхон эди.

ТЎҚТОБОЙХОН ИБН ЎРУСХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Турк хонлари хабарларини ривоят қилувчиларнинг ривоятича, Ўрусхон салтанати тугаш чегарасига бориб, хонлигининг боши саранжом топишга етгач, Ўрусхоннинг ўғли бўлган Тўқтобойхон хонлик тахти ва ҳукмронлик маснадига ўтирди ҳамда ўзидан олдинги хонларнинг расму одатига тароват бахш этди. Чиройли хулқ ва беҳисоб шафқати билан ҳазрати Халлоқ бандаларининг каттасини ҳам, кичигининг ҳам бошини марҳамат кўли билан силади. Охири у ҳам ажал соқийсининг кўлидан номуродлик жомини сипқорди.

Йигирма иккинчи хон Темур Тилак ибн Ўрусхон эди.

ТИЛАКХОН ИБН ЎРУСХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Аҳли тарихнинг барчаси шу фикрдаки, Тўқтойбойхон ибн Ўрусхон салтанатининг муддати тамом топгач, Ўрусхоннинг ўғли бўлган Темур Тилакхон хонлик тахтига оро берувчи ва ҳукмдорлик маснадига равнақ бағишловчи бўлди. У давлатининг айёмида ўз даврида яшаган халойиқни кўп рози қилди. Аммо, ажал соқийси уни ҳам ўлим қадаҳи билан маст этди.

Йигирма учинчи хон Тўқтамишхон эди.

ТЎҚТАМИШХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих арбобларининг гуруҳи ва хабарларни ривоят қилувчиларнинг барчаси бир фикрдаларки, Темур Тилакхоннинг давлат айёми тамом бўлгач, Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони Музаффарнинг мадади билан Тўқтамишхон (в. 125а.) ота-боболарининг мансабига етишиб, хонлик тахтига чиқди. Аввалида Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг илтифоти

Тўқтамишхон учун ҳадду ҳисобсиз бўлса-да, охирида гаразгўйларнинг сўзларига биноан орага совуқлик тушиб, Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг шафқати Тўқтамишхонга нисбатан адоват ва душманликка айланди, ҳатто, бир неча марта жанг ҳам юз берди.

Айтишларича, жанг қилганларида ҳар гал мағлубиятсизлик Тўқтамишхон томонидан бўлар эди, хусусан, охириги жангда бироз чўзилиш юз бериб, жанг майдонида бир неча кунгача уруш бўлиб турди. Айтишларича, (воқеа) шундай эди: Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг аванғор лашкари ҳар куни Тўқтамишхоннинг чўнғор лашкари устига келар ва Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг чап қўл лашкари Тўқтамишхоннинг ўнг қўл лашкаридан кўп бўлиб кўринарди. Шу тартибда бир неча марта жанг юз бергач, Тўқтамишхон ўз давлат аркони билан маслаҳат қилиб, лашкар сарфларини ўзгартириш ва алмаштириш режасини тузди, чапда бўлган лашкарнинг барчаси мажруҳу шикаста хотир бўлгани туфайли ўнг қўлдаги Баҳрин улусининг сардори Яғлибой Баҳодурни Ўғузхон давридан буён ўнг қўл соҳиблари бўлиб келган тоифаси билан бирга эртага жанг майдонига чап қўл томондан боришга амр қилди.

Оламини ёритувчи куёш сув дарчасидан чиқиб, Малик ва Ваҳҳоб амри билан бош кўтарганда хон ҳукмига мувофиқ, Яғлибой Баҳодур баҳрин ўзининг барча элу улуси билан бирга чап қўлга ўтиб, жангга шай турди. Одатдагича, Тўқтамишхоннинг чап қўл лашкари ҳар кундаги каби Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг ўнг қўл лашкарининг ваҳимасидан юракларини олдириб қўйган эдилар, биринчи ҳамладаёқ қочишга юз қўйдилар.

Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг беш восита билан насли Қорачор нўёнга етиб борадиган (в. 125б.) Усмон исми ўнг қўл сардори майдонга от суриб кирди. Тўқтамишхоннинг ўнг қўл томонидан Яғлибой Баҳодур ва унинг улусидан бошқа киши қолмаган эди.

Айтишларича, ўша куни Яғлибой Баҳодур болалари ва қариндош-уруғлари билан хайрлашиб чиққан эди. Кўлида найза тутиб, от билан байроқ остида туриб, отининг оёғига занжир боғлаб қўйишни буюрган эди. Тўсатдан амир Усмон Яғлибой Баҳодур баҳрин устига юриш қилиб, фаройиб жанг юз берди ва икки томондан жуда кўп киши ўлди. Амир Усмон Яғлибой Баҳодир баҳрин устига етиб бориб, икки ўртада жангу зарба юз берди. Яғлибой Баҳодур баҳрин отининг оёғига занжир урилгани туфайли қочишдан маҳрум бўлиб, ҳар икки паҳлавон бир-бировининг ёқасидан олдилар.

Ҳар икки баҳодир от устидан ерга қуладилар. Бахтдан бўлиб, Амир Усмон Яғлибой Баҳодур баҳриннинг устига йиқилди ва амир Усмон фурсатни ғанимат билиб, Яғлибой Баҳодур баҳриннинг бошини танидан жудо қилди. Шу онда лашкар дарёсидан шовқин мавжи кўтарилиб, ҳар икки томон лашкари бу сардорнинг боши устида талаш бошладилар. Яғлибой Баҳодурнинг барча улуси ва тарафдорлари Яғлибойнинг бошини қўлга киритиш учун ҳаракат қилдилар. Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффарнинг аскарлари эса (бошни) бермасликка интилдилар.

Айтишларича, ўша куни ўликлардан тепаликлар ҳосил бўлган эди, бироқ Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффар кишиларидан кам ўлган эди. Тўқтамишхон одамларидан қатл этилганларнинг сонини Парвардигордан бошқа ҳеч ким билмас эди. Айтишларича, Яғлибой Баҳодур баҳриннинг ўлигини охири Баҳрин улусидан елкаларига қора жавшан осган, от ҳамда оқ кўтослар минган етти юз нафар ёш йигит олиб чиқиб кетдилар. Бу сўзнинг ихтилофли шакли ва хилини қиёс юзидан одамлар ҳисоб қилиб етолмайдилар (в. 126а.), яна бошқа хилларнинг саногини Худойи таологина биледи.

Ишончли тарих китобларида ёзилганига қараганда, ўша куни кичик қиёмат кўпган эди. Ўша кундан бошлаб баҳрин улуси энди ўзбек султонларининг лашкарида мўғул тилида жаванғор ва турк тилида сийулғул деб аталадиган чап қўлдан ўрин олдилар. Воло ҳам аввалгидек турди. Қўнғирот, найман, жалойир, ўйишун ва бошқалардан иборат бўлган Қоратабоншон номли фирқа ҳам мўғул тилида ўнғор ва туркий тилда ўбқўл дейиладиган ўнг қўлдан жой олдилар.

Волойин улусининг ёлғиз бўлишининг сабаби — волойинлар қўнғирот ва найманларга нисбатан икки баробар кўп эди.

Мўътабар чиғатой тарих китобларида ёзилишича, Яғлибой Баҳодур баҳриннинг қатлидан сўнг Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффар билан тил бириктирганларининг натижаси эди.

Йигирма тўртинчи хон Темур Қутлуғ ибн Темурбек ўғлон эди.

ТЕМУР ҚУТЛУҒХОН ИБН ТЕМУРБЕК ЎҒЛОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Барча тарих арбобларининг фикрича, Тўқтамишхон хонлигининг навбати бутунлай поёнига етгач, Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони музаффар зиёратида бўлган

Кутлуғхон ибн Темурбек хонлик маснади ва ҳукмронлик тахтига ўтирди. У ҳам салтанат мулкидан юкини йиғиштирганда Шодибек йигирма бешинчи хон бўлди.

ШОДИБЕКХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Темур Кутлуғхон ибн Темурбек хонлик тахтини бўшат-гач, Шодибекхон салтанат поғонасига кўтарилди, халойиқни адолат ва эҳсон билан шод қилди, яхши номлилик гўйини даврон майдонидан олиб чиқди. Боқийлик боғининг эшиги унинг юзига очилганда Пўлод ибн (в. 1266.) Шодибек йигирма олтинчи хон бўлди. Билим Аллоҳга хосдир.

ПЎЛОДХОН ИБН ШОДИБЕКХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Шодибекхон давлатининг даврони охирига етгач, ўрнига аржуманд фарзанди Пўлодхон хонлик тахти ва ҳукмронлик-нинг олий маснадига чиқди. Ўз давлатининг айёмида лойиқ сазовар бўлган одамларнинг барчасига ёқимли муомалани амалга оширди. Охири фалакнинг гардиши унинг ҳам жонини омон қолдирмагач, Темур ибн Темур Кутлуғхон йигирма еттинчи хон бўлди.

ТЕМУРХОН ИБН ТЕМУР ҚУТЛУҒХОН ИБН ТЕМУРБЕК ЎҒЛОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Пўлодхон ибн Шодибекхон давлатининг айёми тугагач, Дашти Қипчоқ мамлакатининг тахтига оро берувчи Темурхон ибн Темур Кутлуғхон бўлди. У саховатпеша подшо эди. Унинг даврида ёмон одамларнинг ёмонлиги одамларга кам етди. У ҳам ўзидан аввал ўтган қариндошларининг орқасидан йўл олгач, Жалолуддин ибн Тўқтамишхон йигирма саккизинчи хон бўлди.

ЖАЛОЛУДДИН ИБН ТЎҚТАМИШХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Темурхон ибн (Темур) Кутлуғхон ибн Темурхон салтанатининг муддати тамом бўлгач, иккинчи Афросиёб

хисобланган Тўқтамишхоннинг аржуманд фарзанди Жалолуддин Дашти Қипчөк салтанатининг тахти узра оёқ кўйди. Халқни адлу эҳсон фазилати билан масрур этди. У ҳам отаси ва қариндошларининг орқасидан йўл олгач, Каримберди ибн Тўқтамишхон йигирма тўққизинчи хон бўлди.

КАРИМБЕРДИ ИБН ТЎҚТАМИШХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ишончли турк тарих китобларининг ёзишича, Жалолуддин ибн Тўқтамишхон ҳаётининг тугалланишидан сўнг биродари Каримбердихон ибн Тўқтамишхон хонлик тахти ва ҳукмронлик маснадига ўрнашди, подшолик расмлари ҳамда салтанат қонунларининг ижросига киришди. Даврининг муддати тугагач, у ҳам ўзидан олдингилар каби тахтни тарк этди.

Ўттизинчи хон Кийикхон ибн Тўқтамишхон эди.

КИЙИКХОН ИБН ТЎҚТАМИШХОН (в.127а) ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Каримбердихон давлатининг муддати охирига етгач, унинг биродари Кийикхон ибн Тўқтамишхон унинг ўрнига ўтириб, хонлик тахтига оро берувчи ва ҳукмронлик маснадини безатувчи бўлди. Бир қанча кўп одамлар орасида адлу эҳсон расмини жойига қўйгандан кейин, замона бошқалар билан қандай муомалада бўлса, унга ҳам шуни раво кўрди.

Ўттиз биринчи хон Чигирхон ибн Тўқтамишхон бўлиб, уни Чигирахон ҳам дейишарди.

ЧИГИРХОН ИБН ТЎҚТАМИШХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Кийикхон ибн Тўқтамишхон салтанатининг муддати тамом бўлгач, биродари Чигирхон ибн Тўқтамишхон унинг ўрнига салтанат тахтига чиқди. Замон халқи билан улар қандай муомала қилса, у ҳам шундай муомала қилди. Охири салтанат жиловини ҳаёт унинг қўлидан ҳам олди.

Ўттиз иккинчи хон Жабборберди ибн Тўқтамишхон эди.

ЖАББОРБЕРДИХОН ИБН ТЎХТАМИШХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Чигирхон ибн Тўқтамишхон давлати ҳам ўтгач, биродари Жабборбердихон ибн Тўқтамишхон салтанат тахтига ўтирди ва хонлик навбатининг ноғорасини чалишга тушди. Халойиққа лойиқ ишларни амалга оширди. Унинг ҳам муддати тамом бўлгач, ўз қадамини салтанат мансабидан тушиш жойига қўйди.

Ўттиз учинчи хон Саййид Аҳмадхон эди.

САЙЙИД АҲМАДХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Жабборбердихон ибн Тўқтамишхон подшолигининг муддати поёнга етгач, Саййид Аҳмадхон салтанат тахти ва хукмронлик маснадида қарор топди. Айём уни ҳам ўтмиш хонлари каби жўнатди.

Ўттиз тўртинчи хон Дарвиш ибн Илоҳий Ўғлон эди.

ДАРВИШХОН ИБН ИЛОҲИЙ ЎҒЛОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Нопойдор ҳаёт Саййид Аҳмадхон салтанатининг айёмини охирига етказиб, Дарвишхон ибн Илоҳий Ўғлонни хонлик тахтига ўтқизди. У халқни фаровонлик сари етаклади. Сал ўтмай уни ҳам ўлим (тахтдан) тушиш мансаби поғонасига етқизди.

Ўттиз бешинчи хон Муҳаммадхон эди.

МУҲАММАДХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Дарвишхон ибн Илоҳий Ўғлон салтанатининг муддати (в.1276) охирига етгач, Муҳаммадхон тахтга ўтирди. Туркча бичин йилига мувофиқ бўлган 621 ҳижрий йилидан бошланган Жўжи авлодлари давлатининг бошидан то туркча ут йилига мувофиқ келадиган 831 ҳижрий йили Муҳаммадхон тахтга ўтирган вақт оралиғи икки юз ўн йилдан иборат эди. У ҳам ота-боболарининг йўлини давом эттирар экан, замона уни ҳам номуродлик орқасидан равона қилди.

Ўттиз олтинчи хон Давлатберди ибн Тоштемур эди.

ДАВЛАТБЕРДИ ИБН ТОШТЕМУР ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Муҳаммадхон давлатининг тугаши билан хонлик тахтига Давлатбердихон ибн Тоштемурхон келди ва уни ҳам то айём тегирмонтоши олиб кетмагунча ҳукмдорлик расму русумини юргизиб турди.

Ўттиз еттинчи хон Бароқ ибн Қарчиқ эди.

БАРОҚХОН ИБН ҚАРЧИҚ ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Давлатбердининг подшолик муддати ўтгач, ўрнига Бароқхон ибн Қарчиқ ўтирди ва хонлик ҳукмронлигини давом эттирди. Ҳаёт уни ҳам ўз жойида қолдирмади, салтанат тахтидан тезгина кўзғатди.

Ўттиз саккизинчи хон Фиёсуддин ибн Шодибекхон эди.

ФИЁСУДДИНХОН ИБН ШОДИБЕКХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Тарих арбобларининг тафовутли ривоятларида зикр этилишича, Бароқхон ибн Қарчиқнинг салтанат айёми адо бўлгач, Фиёсиддин ибн Шодибекхон хонлик тахтининг оро берувчиси ва ҳукмронлик маснадининг эгалловчисига айланди. Халқ ишларининг тадбирига киришгандан бироз ўтгач, уни ҳам фанонинг гирдобли айланиши ўз домига тортди.

Ўттиз тўққизинчи хон Муҳаммадхон ибн Темурхон эди.

МУҲАММАДХОН ИБН ТЕМУРХОН ИБН ТЕМУР ҚУТЛУҚХОН ИБН ТЕМУРБЕК ЎҒЛОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Фиёсиддин давлатининг айёми саранжом топгач, Муҳаммадхон ибн Темурхон ибн Темур Қутлуқхон ибн Темурбек Ўғлон хонлик давлатининг куёши салтанат уфқидан юз кўрсатиб, иззат тахтининг чўққисига тулуъ қилиб чиқди. Айтишларича, Жўчихон ибн Чингизхон авлодлари давлатининг (в.128а) бошланишидан то Муҳаммадхон ибн Темурхоннинг тахтга ўтириш вақтигача

қарийб бир қирон, яъни 240 йил ўтди. «Билим Аллоҳга хос, ҳар ишнинг ҳақиқатини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди».

ЭРОН МАМЛАКАТИДА САЛТАНАТ ТАХТИДА ҚАРОР ТОПГАН ПОДШОЛАР ЗИКРИ

Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам наслидан бўлиб, Эрон мамлакатада салтанат тахтида қарор топганлар ўн икки кишидир.

Ривоят чаманининг булбули гўёлари, ҳикоят гулшанининг нағма чалувчилари ҳайрат арбобларининг хушёрлик қулоғига етқаздиларким, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззамнинг Улуғ юртидан иборат бўлган Қорақурум ва Келурон пойтахтида Мангу қоон ибн Тўлихон ибн Чингизхон хонлик тожини бошига қўйиб, салтанат тахтига ўтиргандан кейин Тобчу нўённи ҳисобсиз лашкар билан Эрон вилоятини забт этишга юборди. Тобчу нўён мақсадига эришиб, бир неча вақтдан сўнг Муътасим Биллоҳ халифа ҳамда Исмоилий шаккоқларининг фирқаси ҳақида шикоятдан иборат бир аризани аъло қоон тахтига йўллади. Шунга биноан, Мангу қоон ўз биродари Ҳалокухонга Улуғ юртда турган Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам лашкарининг бешдан бир қисмини тайин қилган эди.

ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ВА САЛТАНАТИНИНГ БАЁНИДАКИ, У МАЗКУР СИЛСИЛА ХОНАДОНИНИНГ БИРИНЧИ ХОНИ БЎЛИБ, ЭЛХОН ЛАҚАБИНИ ОЛГАН ЭДИ

Тарих арбобларининг ёзишларича, Тобчу нўён арзномаси Мангу қоон қулоғига етгач, Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхонни Эрон мамлакатини забт этишга номзод қилиб тайинлади ва ҳар ўн хонадон эркақларидан икки хонадон эркақларини Ҳалокухон билан ҳамроҳ бўлиб Эронга боришга амр этди. Мангу қоон ва бошқа шахзодалар алоҳида-алоҳида тўй бердилар. Назм (мазмун):

Ҳар бир ой саройда навбатма-навбат, ҳар куни янгидан тўй қилишарди. Сўнг қооннинг саройидан дала сари яширин турган хазинани келтиришди. Тенги йўқ олтин, дур ва гавҳарларни, гавҳаршунос хазиначи олиб келди. Қоон бу

нарсаларнинг барчасини фармон билан Халокухонга топширди. Шунингдек, ҳар бир хотин ва ҳар бир ўғилга алоҳида-алоҳида ҳадялар берди. Амирларни ҳам ҳадялар билан ёдлаб, ҳаммасининг дилини шод қилди. Шох Халоқуни кучоғига олиб, халқни ўз меҳри билан ҳайратга солди. Ундан жудо бўлиш ғоят оғир эди. Чунки у тоғу тахтнинг зийнати эди. Халоқу кўзидан икки дарё (ёши) окди. Жаҳон ўз шоҳига дуолар айтарди. Гўё қулоғига уни бошқа марта кўрмагайсан, деган нидо келаётгандек эди.

Халокухон туркларнинг атро филига мувофиқ бўлган 651 ҳижрий йилининг рабиъ ул-аввал ойида қоон билан видолашиб, ўз ўрдаси томон юз қўйди ва Эронга юриш ишлари билан машғул бўлди. Жумладан, нафт ёнилғи ва манжаниқ отувчилардан минг хонадонни келтирдилар. Бошқа асбобларни ҳам шундай қиёс қилиш мумкин. Шу йил шаъбон ойининг 24-да Эрон томон йўлга чиқди ва жўнаш байроғини кўтарди. Она томондан бошқа фарзандларидан улуғи бўлган ўғли Тамғо ўғул ибн Халокухон ибн Тулихон ибн Чингизхонни валиаҳд қилиб тайинлаган бўлиб, уни асл юртида қолдирди, ўзи эса йўлга тушди.

Халокухон Самарқандга етиб келиб, туркларнинг сичқон йилига мувофиқ бўлган 653 ҳижрий йилида шаҳар ташқарисига, Кониғил яйловига келиб тушди. Маъсудбек бу ерда тўй берди. Қирқ кунгача шу ерда айшу ишратга машғул бўлдилар. Унинг биродари Ёсе ўғул ибн Тулихон ибн Чингизхон бу ерда вафот этди. У мазкур йилнинг зулҳижжа ойида бу ердан отланиб, дилкаш Кешга етиб келгач, Аргун Оға уйрот, Артус ва Малик Шамсуддин курт Ҳиротдан муносиб совға-саломлар билан келдилар. Назм (мазмуни):

Сўнг у руд соҳилини орзу қилди.

Ўз юрти билан тамом хайр-хўш қилди.

653 йилнинг шаввол ойида беҳисоб лашкар билан Жайхун дарёсидан солда сузиб ўтдилар. Бу қишни Шибирғонда қишладилар. У ердан йўлга тушиб, ёзда Тун ва Димишқ атрофига етиб келдилар. Элхоннинг даргоҳига (в.130а) элчилар юборишиб, итоат ва тобеълик изҳор қилдилар. Халокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон синов тариқасида Кинуқо нўённи ўша вилоятга юборди. Димишқнинг улуғлари ва аслзодалари истиқбол учун шошилдилар ва уни иззату икром билан шаҳарга олиб кирдилар. Шу аснода Мангу қоон ибн Тулихон ибн Чингизхоннинг вафот этганлиги хабари Халокухоннинг қулоғига етиб, ғоят паришонхотир бўлди ва Шом мамлакатини забт этишни Кинуқо нўён елкасига юклаб, ўзи қайтиш байроғини кўтарди.

Кинуқо нўён бу мамлакатда ҳукумат ишига машғул бўлди. Бир оз замондан сўнг Миср подшоси Сайфуддин Қардур ҳисобсиз лашкар билан Баалбак ҳудудида унинг устига ҳамла қилди. Кинуқо нўённи асир қилиб, у ердаги кўп мўғуллар билан бирга ҳаётининг асосини барбод қилди. Элхон бу воқеадан огоҳ бўлиб, интиқом олиш учун отланмоқчи бўлди. Бирок, ўз қариндошларининг қаршилиги туфайли бу юриш орқага сурилди.

Аммо шаҳзода Башмут ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон Маёфориқин томонга ўз отасининг ҳукмига мувофиқ кетган эди. Икки йилдан сўнг ўша қалъани узоқ қамалдан сўнг қўлга киритиб, оғир жанглардан сўнг қўлга тушган ўша ер ҳокими Малик Комилни олий ўрдага юбориб, қатл ва талонни ишга солдилар. Узоқ жанглардан сўнг қўлга тушган Малик Комилни олий ўрдага юбордилар. Малик Комил Ҳалокухон ўрдасига етиб келгандан кейин, қабохатли усул билан ўлдирилди. Шаҳзода Башмут Маёфориқиндан Мординга томон шошилди, чунки у ернинг ҳокими Малик Саъид шаҳзода Башмут ибн Ҳалокухоннинг мулозаматига юз кўйган эди. Башмут уни бошқа олам сари равона қилди. Ўғли Малик Музаффарни унинг ўрнига ўтқизди. Сўнг отасининг хизматига юз кўйиб, Элхони соний (иккинчи Элхон) нинг оёғини ўпишга етишди. Ҳалокухон ибн Тулихон иккинчи Элхон бўлиб, у давлатининг айёми охирларида исор қилувчилардан бўлди (в.1306) ва Дурноси-яда улуг фарзандининг аҳволини мушоҳада қилди. Ирок вилоятини, Мозандарон, Хуросонни унинг қўлига топширди ва малоҳида (шакко)ларнинг чиққан жойи бўлмиш Дартунда қатли ом ўтказишга амр қилди. У ердан Ирокқа ўтди ва туркларнинг ут йилига мувофиқ бўлган 654-ҳижрий йилининг шаъбон ойи охири кунида малоҳида ҳукумати-нинг бисоти йиғиштирилди. Дарбанднинг Маймундаж қалъасида турган Хоразмшоҳни қўлга тушириб, Мангу қоон хузурига жўнатди. Ўзининг биринчи қарорини муносиб кўрмай, бошқа қалъаларни ҳам топшириши учун, уни қайтаришларини буюрди, бироқ йўл ўртасида уни ўлдирдилар.

Айтишларича, Дарбанднинг Маймундаж қалъасини қамал қилганларида, шаҳзодани қўлга олмасдан бир кун илгари Маймундаж қалъасида яшаётган Алломаи Тусий-Хожа Насириддин Тусий мўътабар тарихларда баён қилинган сабабга биноан ўзини қалъадан пастга ташлаб, Элхони соний (иккинчи Элхон) яъни Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон мулозаматига келди ва меҳрибонли-гу марҳамат назарига мушарраф бўлди. Хожа Насириддин

Тусий (қалъадан) чиққандан бир кун кейин қалъани қўлга олиб, Хоразмшоҳни банди қилдилар. Яна зикр қилишлари-ча, мазкур қалъани забт этганларидан кейин Ҳалоқуҳон ибн Тулихон у ердан дор ул-хилофат Бағдодга боришга қасд этди. Бағдодга етганда Аббосий ҳалифаларнинг охиргиси бўлган Ал-Муътасим Биллоҳ ўзининг тўрт ўғли билан туркларнинг товушқон йилига мувофиқ бўлган 656 ҳижрий йилида шаҳид бўлдилар. Бағдодни қатли ом қилди. Бу қатли омда саккиз юз минг одам қатл этилди. Туркларнинг луй йилига мувофиқ бўлган 657 ҳижрий йилининг муборак рамазон ойида Шом диёри сари ошиқди. Йўлда кетаётиб ўғли Башмутни Маёфорикин қалъасини қамал қилишга буюрди, ўзи эса Насибин сари отланди. Бу шаҳар олингандан сўнг, қатлу ғорат амалга оширилгач, Ҳалабга бориб, у ерда ҳам турмади. Ҳалабнинг хароб қилингани ҳақидаги хабар Димишқ аҳолисининг қулоғига етгач, унинг иқтидор қўли Диёрбакр ва Диёри Робийа мамлакатини (в.131а) ўша нўёнга берди. Рум диёрини Муъиниддин Парвонага топширди. Вазирлик мансабида бўлган Сайфиддин Битикчини шаҳид қилди ва вазирликни «Тарихи жаҳонкушой» китобининг муаллифи хожа Шамсуддин Муҳаммад Жувайнийнинг иниси Аловуддин Ота Маликка топширди.

Ҳалоқуҳон замонида ёрлиғ унвони Улуғ юрт тахтида ўтирган Мангу қоон ибн Тулихон номи билан эди ва молиёт ишлари мутлақо Амир Арғувон (қўлида эди). Аммо уйрот қавми Эрон мулкининг ҳокимига тааллуқли эди.

Ҳалоқуҳон ибн Тулихоннинг пойтахти Табриз эди. Қишда шу ерда қишлади. Бунинг аҳволи «Тарихи жаҳонкушой» китобида баён қилинган. Ҳалоқуҳон ибн Тулихон ибн Чингизхон вафоти туркларнинг ит йилига мувофиқ бўлган 663-ҳижрий йили рабиъ ул-аввал ойининг ўн тўққизинчисида, яқшанба куни кечасида Табриз мавзеида юз берди. Уни Табризнинг шимол томонида жойлашган тоғ устидаги ёлғиз қалъага дафн этдилар. Шамсий йили бўйича қирқ саккиз йил умр кўрган бўлиб, салтанатининг муддати эса саккиз йилдан ортиқроқ, тўққиз йилдан камроқ эди. Унинг ўн бешта ўғли бор эди. Биринчи ўғли Абақоҳон қолганлари Тамғо ўғул, Башмут, Мангу, Темур, Гийбан ўғул, Некудор ўғул, Сакина, Тарағой, Битучин эдилар. Абақайхон Ҳалоқуҳоннинг катта ўғли эди. Отасидан сўнг амакиси Кублойхон ибн Тулихон ибн Чингизхон фармони билан туркларнинг ит йилига мувофиқ бўлган 663-ҳижрий йилининг рамазон ойида подшоҳ бўлди ва унинг номини фармонларнинг унвонига ёздилар.

Маълум бўлишича, Ҳалокухон ибн Тулихон доимо уйлари ва олий қасрларни таъмирлашга ҳимматини сарф этар ва илму ҳикмат аҳлининг суҳбатига бениҳоят рағбат кўрсатар эди. Чунончи, Носириддин Тусий унинг фармони билан Табриздаги Мароғада қурган расадхона Ҳалокухондан қолган ёдгорликдир. Шу расадхонада тузилган зиж эса «Элхоний» номи билан машҳурдир. Бу иморатнинг ажойиб-ғаройиб шарҳлари тарих китобларида баён ва аён этилган.

АБАҚОХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОЛИГИНИНГ ЗИКРИ (в.1316)

Хабарларнинг ривоятчилари ва асарларнинг нақл қилувчилари шундай ривоят қиладиларки, Абақоҳон ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ўз отасининг вафотидан сўнг нўёнларнинг келишуви ҳамда амакиси Кубулой коон ибн Тулихон амри билан туркларнинг ит йилига мувофиқ бўлган 663 ҳижрий йилининг рамазон ойида Қумнинг Хурфон деган мавзеида хонлик маснади ва ҳукмронлик тахтига ўзининг вужуди билан зебу зийнат бахш этди. Унинг мадор улмулки Суғчоқ эди.

У пайтда Барақоҳон ибн Жучихон ибн Чингизхон Дашти Қипчоққа подшо эди. Бароқхон ибн Суқар ибн Комкор ибн Чигатойхон ибн Чингизхон Чигатой улусининг подшоси бўлган эди.

Абақо ибн Ҳалокухон Эрон подшоси бўлгач, Ширвоннинг Дарбанди Оҳанинни биродари Башмут ибн Ҳалокухонга берди. Бошқа биродари Тайсин ўғул ибн Ҳалокухонни Хуросонга юборди. Суғчоқни ўзининг ноиби ва ҳукумат сўровчи сифатида Дашт йўли орқали Эрон мамлакатларига юборди. Бундан аввалгига мувофиқ вазирлик мансабини адлу инсоф соҳиб девони хожа Шамсуддин Муҳаммад Жувайнийга топширди. Шунингдек, Хожа Аловуддин Ота Маликни фармон билан дор ус-салом Бағдодни бошқариш ишига машғул бўлиш учун юборди.

Аниқ хабарларга кўра, хожа Шамсуддин Муҳаммад Жувайний инсофли, адолатли, ҳимматли, марҳаматли, саховатли зот эди. У доимо дин ва давлат ишларини тартибга солиш, мулку миллат камчиликларини бартараф қилишга бутун ҳимматини қаратган эди. Абақоҳон ибн Ҳалокухон ибн Тулихон замонида машойихлар ва саййидлар унинг эҳсону инъомидан сероб бўлиб, тоза ҳаёт топган

эдилар. Уламо ва фузало эса унинг айёмида зулму жафо зулматидан халослик топиб, фароғату фаровонлик сарчашмасидан сув ичардилар.

Хожа Аловуддин Ота Мулик ҳам дор ус-салом Бағдодни обод этиш борасида ғайрат ва ҳаракат йўлини тутиб, қисқа давр ичида дор ус-салом Бағдодни обод қилди, бу ернинг халқига хилма-хил инъомлар, турли-турли хайру эҳсонлар ато қилди.

Бирок, хожа Баҳовуддин Муҳаммад Исфаҳонда сўнгсиз сиёсат (жазо)лар ўтказишга киришди, қанчалаб бегуноҳ ва осий кишиларнинг умр хирмонини кўкка совура бошлади. Хожа Шамсуддин Муҳаммад (в.132а) қанчалик огоҳлантирувчи мактублар юбормасин ва қон тўкишдан қайтармасин, бари бир, фойдаси бўлмади. Бирок, мазлумлар дуосининг ўқи ижобат нишонига тегиб, тақдир Хожа Баҳовуддин ибн хожа Шамсуддин Муҳаммаднинг ёшлик айёмидаёқ умр саҳифасини бодга соворди.

Абақохон подшолигининг бошларида Барақохон ибн Жўчихон ибн Чингизхон шаҳзода Буқони ҳисобсиз лашкар билан Ширвоннинг Дарбанди Оҳанини орқали Озарбайжон тарафга равона қилди. Шаҳзода Башмут ибн Ҳалоқухон акасининг фармониға мувофиқ муҳолифларни даф этиш учун отланиб, 664 йил сафар ойининг йигирманчисида жанг содир бўлди. Дашти Қипчоқ лашкари мағлубиятга учради. Бу хабар Барақохонга етиб боргач, уч юз минг отлик билан ўзи Эронни забт этиш учун отланди ва Дарбанддан ўтиб, Курд суви қирғоғида отининг жиловини тортди. Абақо хон ҳам ҳисобсиз лашкар билан сувнинг бу қирғоғиға келиб тушди. Бир неча кундан сўнг Барақохон Тифлис томонга йўл олди. Кўприкдан ўтаётганда тасодифан ажал сайёди пистирмадан отилиб чиқиб, жонининг қушини қилич заҳматининг тўри билан сайд этди. Лашкари тарқалиб кетиб, ўз уй-жойларига равона бўлдилар.

Туркларнинг ўт йилиға мувофиқ бўлган 666 йилда Бароқхон ибн Суқар ибн Комкор ибн Чигатойхон ибн Чингизхон Чигатой улусининг подшоси эди. Чигатой улусидан бўлган бухоролик Масъудбек ибн Маҳмудбек Ялавочни Абақохон хизматиға юборган эди. У ихлос ва тинчлик изоҳор қилиб, айни пайтда лашкарнинг кайфиятини ва бу ҳудудларға борадиган йўллари билиб келиши керак эди. Масъудбек Абақохон ўрдасиға яқинлашганда хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиб девон истиқбол шартини жойиға қўйиб, мулоқот вақтида инсонийлигининг чексизлигидан пиёда бўлди. Масъудбек эса тақабурлигининг мукамаллигидан отда турган ҳолда хожани қучди. Бу ҳолат

соҳибқироннинг кайфиятини бузса ҳам, танбех бериш жойи бўлмагани учун сабр қилди.

Масъудбек Табризда Элхон, яъни Абақохон ибн Ҳалоқухон остонасини ўпиш рухсатига муяссар бўлиб, барча амирларни юкори ўтириб, чиройли сўзлар ва зебо иборалар билан элчилик шартини адо қилгандан сўнг, бир неча кун ўтиши биланок ўзига нисбатан бадгумонлик юз берганини сезиб, нозик хийлаларни ишга солган ҳолда жўнаб кетишга рухсат олди (в.132б) ва шамолдек тез юрувчи отга миниб, Мовароуннаҳр диёрига юзланди.

Масъудбек Мовароуннаҳрга қайтиб кетгач, Абақохонга унинг дўстларига хийла-найранг ишлатгани, аслида эса Чиғатой улусидан ўша пайтда Гарчистон урушида бўлган Туғзор ибн Суҳар ибн Комкор ибн Чиғатойга яширин тарзда мактуб олиб келгани ва у билан иттифокда (ўша) урушда қатнашиш мақсади билан келганлигини арз қилдилар. Шу сабабдан Абақохон унинг кетидан Масъудбек қаерда бўлмасин, топиб келишни буюриб одам юборди. Улар тезлик билан Масъудбекнинг кетидан от сурдилар, лекин изини ҳам тополмадилар, чунки унинг (Эрондан) жўнаши хоннинг Озарбайжонга юриши билан бир вақтга тўғри келган ва Масъудбек эҳтиёткорлик қилиб, ҳар бир манзилда тайёр отулоқ ҳозирлатиб қўйган, бирон жойда тўхтамаган эди.

Масъудбек Бароқхон ибн Суқар ибн Комкор ибн Чиғатойхон ибн Чингизхоннинг мулозиматига етишгандан кейин, кўрган-биланлари ва эшитганларини унинг арзига етказди. (Шундан кейин) Бароқхон тамом аскар ва қурол-анжомини ҳозирлаб, Эронга юриш фикрига тушди.

Абақохон ибн Ҳалоқухон Масъудбекнинг кетидан юборган одами уни тополмай қайтгач, амир Ширамунни Гарчистонга, шахзода Туғзор (ибн Суҳар ибн Комкор) ибн Чиғатойхонга қарши отлантирди (ва у) туркларнинг барс йилига тўғри келган 667-йилнинг шаввол ойида, ҳамма гафлат уйқусида ётган бир пайтда, Туғзор ўғил ибн Суқар ибн Комкор ибн Чиғатойхоннинг устига бостириб бордилар ва уни асирга олдилар. Шу сабабдан Чиғатой улуси билан Абақохон ўртасига кина-кудурат тушди.

Шу воқеадан кейин Бароқхон юз минг аскар билан туркларнинг барс йилига мувофиқ келган 667-йилнинг ўртасида Жайхун дарёсидан кечиб ўтди ва тамом Хуросон мамлакатини, то Озарбайжон худудигача фитнаю ошуб исканжасига олди. У тарафдан Абақохон ибн Ҳалоқухон катта қўшин билан Хуросон устига отланди ва туркларнинг тушқон йилига мувофиқ келган 668 йилнинг муқаддас зулҳижжа ойида тарафлар Ҳиротдан олти фарсах масофада

жойлашган бир манзилда тўқнашдилар ва урушдилар. Бароқхон ибн Суқар ибн Комкор ибн Чигатойхон Ирок аскарининг шамширидан кўрқиб чекинишни ихтиёр қилди. Абақохон Бароқнинг тамом (в.133а) яроғини ўлжага туширди. Шундан кейин Абақохон қадимий анъанага кўра, Ҳалокухоннинг ўғли Тубшин ўғилни Хуросонга таъйин қилиб, ўзи Озарбайжонга қайтди.

Махфий қолмасинким, шундан кейин Миср подшолари билан Абақохон ўртасида баъзи бир воқеалар содир бўлди. Шунинг учун ҳам биринчи галда ўша мамлакат воқеаларидан (баъзиларини) баён этиш муносиб кўринадики, бу донолар эътиборидан четда қолмаслиги зарур.

МИСР МАМЛАКАТИ ЗИКРИДА

Узоқни кўрувчи арбобларнинг кўнгулларига махфий ва яширин қолмасинким, юқорида зикр этилганидек, туркларнинг сичқон йилига мувофиқ келган 665-йилда Шом ҳукмдори Нуриддин Маҳмуд хонадонига мансуб бўлган Салоҳиддин Юсуф ибн Айюб Миср мамлакатини эгаллади. Сўнг туркийча сигир йилига мувофиқ бўлган 666-йилнинг Али авлодининг номини хутбадан ўгириб, Аббосия авлоди номини тилга олди. (Шу тарзда) Миср ҳукумати унинг кўлига ўтди. Салоҳиддин Юсуфнинг вафотидан кейин авлоди навбатма-навбат тахтга ўлтирди. Унинг авлоди бўлмиш Малик Солиҳ замониғача улар (Мисрда) подшоҳлик қилдилар. (Муҳаммад Солиҳнинг) ҳокимияти охирига етгач, ғуломларидан Қудар исмлиқ бир шахс фармонбардорлик тахтига минди ва Малик Музаффар лақаби билан ҳукм юргиза бошлади. Ва Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон замонида Қонуко нўён унинг тарафидан ўлдирилган эди. Қонуко нўён ўлдирилгандан сўнг, малик Солиҳнинг мамлуки Бандқадар Музаффарнинг юртига хуруж қилди, (ўша) Малик Музаффарни ўлдирди ва Миср мамлакатини ўз тасарруфига киритиб олди. Нақл қилишларича, Бандқадар ҳукмронлиги даврида хос кишиларидан икки-уч кишини Рум тарафларига жосус қилиб юборди ва эҳтиёткорлик билан ўша мамлакатнинг теварак-атрофини айланиб чиқиб, Мисрга қайтиб борди. Сўнг (Бандқадар) Абақохон хузурига элчи юборди ва мактубида уни Рум тарафларга сайр қилиш (в.133б) иштиёқида бориб ва фалон ошпазнинг дўқонида қўл чўзиб подшоҳ буюрган овқатидан бир ошам олганини ёзибди. Абақохон Бандқадарнинг мардлигидан таажжубланди ва Муъинуддин парвоначи орқали Бандқадарга мухлисо-

на мактуб йўллади. Лекин парвоначи кўрққанидан мамлакатни бир неча кун идора қилгандан кейин нариги дунёга қараб шошилди. Малик Саъид исмлиқ ўғли икки йил муддат подшоҳлик қилди. У ўлгандан кейин Болиғий номи билан машхур бўлган Сайфуддин Қалавун подшоҳ бўлди ва туркий тўнғиз йилига мувофиқ келган 673 йил зулҳижжа ойининг йигирманчи куни уч йилдан бери Эрон ҳукумати тепасида турган Арғун око Тус шаҳарида оламдан ўтди. Туркий барс йилига мувофиқ бўлган 676 йилнинг зулҳижжа ойида Абақохон иниси Мангу Темур ўғил ибн Ҳалокухонни катта қўшин билан Шом билан Миср тарафларга жўнатди. Минг кишилиқ аскарни душманни дафъ этиш учун юборди. Хумс шаҳари ёнида ҳар иккала қўшин тўқнашдилар. Галаба насими ислом лашкари байроғи сари эсди, кофир ва золим аҳли эса мағлубиятга учради. (Хуллас), Миср лашкари ғолиб келди, мўғул лашкаридан кўп одам аёвсиз тигдан ўтказилди. Бу уруш туркийча тушқон йилига тўғри келадиган 680 йилнинг ражаб ойида воқеъ бўлди. Шаҳзода Мангу Темур ибн Ҳалокухон Миср ва Шом лашкаридан зўр шикаст еб юртига қайтди. Баъзиларнинг сўзларига қараганда, шаҳзода Мангу Темур ўша урушда ҳалок бўлган. Абақохон ўша пайтда Бағдодда эди. Интиқом олиш учун Шом устига қўшин тортмоқчи бўлди, лекин, бошқа тарафини ўйлаб бу фикрдан қайтди ва Ҳамадонга йўл солди. (в.134а).

ХОЖА ШАМСУДДИН МУҲАММАД СОҲИБ ДЕВОН ЭЪТИБОРИНИНГ ТУШИРИЛИШИ ВА АБАҚАХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ ВАФОТ ТОПИШИНИНГ БАЁНИ

Айтишларича, Абақохон подшоҳлигининг сўнгги пайтларида Маждулмулк Яздийни бошқа мўғул амирлари ичида улуғлади ва девони олийга тайинлади. Элхоннинг мизожи хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиб девонга нисбатан ўзгарди ва у беътибор бўлиб қолди, «Тарихи жаҳонкушой» китобининг муаллифи ва Бағдод ҳокими бўлиб турган иниси Алоуддин Отамалик (Жувайний)ни бўлса Маждулмулк Яздийнинг иғвоси билан қамоқ ва итобга олди. Вазири соҳиб девон хожа Шамсуддин соҳиб девонликни тарк этган кунлари туркийча тушқон йилига мансуб бўлган 680 йил зулҳижжа ойининг 20-сида чоршанба куни Ҳамадонда кўп

ичиш оқибатида оламдан ўтди. Подшоҳлиги етти йилу уч ой. Баъзи тарих китобларида ўн етти йил, деб ёзилган, Мамлакатининг чегараси Рум, Диёрбакр, Гуржистон, Ширвон, Шапоҳадан, Шом ва Ажамнинг баъзи вилоятларига, шунингдек, Шероз, Исфаҳон, Истахр, Форс, Сеистон, Мозандарон, Хуросонга (яъни) Жайхун бўйига (бўлган юрларни) ўз ичига олади.

Учинчи хон Тўқудор ибн Ҳалокухондир.

СУЛТОН АҲМАДХОН ДЕБ АТАЛГАН ТЎҚУДОРХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОННИНГ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Мўътабар муаррихларнинг ёзишларича, Султон Аҳмадхонни саодатли исломдан олдин Тўқудор ўғил деб атардилар. Оғасининг вафотидан кейин аён ва ашроф билан иттифоқ бўлиб шундай бир маслаҳатга келдики, Арғун ибн Абақохон ибн Ҳалокухон ибн Тулихондан кўрккулик, у хийла қилмоқда. Унга отаси Абақохон ҳаётлигида Хуросон вилоятини инъом қилган эди ва жуда кўп лашкар бор эди. (в.1346) Уни ўз отаси хузурига келтирди. Ўша маслаҳат бўйича Арғунхонни Абақохонга қарши ғазо баҳонасига ҳозирлади. Хонлик иши тўғрисида сўзлашдилар. Арғунхон ўзининг катта амакиси Мангу Темур вафотидан воқиф эмас эди ва унинг хузурига қараб юрди. Тўқудор ўғил Мангу Темурнинг вазифасини ўзига олди. Арғун ночор розилик берди. Туркий луй йилига мувофиқ келувчи санаи 691 ҳижрий йил, рабиюлаввал ойининг 13 якшанба куни эдики, Алотоқ мавзеида иззат оёғини подшоҳлик тахтига қўйди. Эрон вилояти, хусусан Озарбайжон ва Ироқ (вилоятларидаги) аҳолисига адлу дод эшикларини очиб юборди. Маълум бўлганки, бу Тўқудорхон мушарраф табақасидан бошлаб шарафли ислом ташрифини амалга оширган биринчи кишидир. Дини матин мутақаллиди Аҳмад Мухтор, салиаллаҳи алайҳи васаллам айланувчи дорулфалак узра эди. Шу туфайли тақдир муншиси унинг лақабини Султон Аҳмадхон деб қўйди. Аҳли ислом учун мазкур саодатли тахтнишинлик хурсандлик ва фаровонлик келтирди. Султон Аҳмадхон вазирлик жиловини келишилган дастур бўйича хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиби девоннинг иқтидорли кўлига топширди. Аловуддин Ота Маликни ҳам манзури назари тарбияти ва иноятида тутди. Маждулмулк Яздийни муқаддас шариятга мувофиқ шаръий сабаб бўйича тутиб, унга топширди ва ўлдиртирди. Хожа Аловуддин Отамалик

ҳам туркий луй йилига мувофиқ келадиган санайи 691-йил ҳижрий муқаддас Зулҳижжа (ойи)нинг тўртинчи куни бу дунёдан кўз юмди, дунёнинг ваҳшатобод укубатларидан халос бўлди ва осудалик топди.

Алқисса, ўша айёмда хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиби девон саъйи ҳаракати ҳусни туфайли ва ислом подшоҳи, яъни Султон Аҳмадхон давлатининг хайриятидан набавий, салиоллоху таоло ва олиҳи васаллом миллати қувват олди. Беимон шахзодаларнинг баъзисининг кўнгли ўчоғида ғазаб ва ҳасад оташи алангаланди. Жумладан, Арғунхон ибн Абақхон ибн Ҳалоқхон ибн Тулихон ибн Чингизхон Хуросон вилоятига кетиб салтанат ва муҳолифлик, муҳораба асбобини ҳозирлаш билан шуғулланди. Туркий юнт йилига мувофиқ келадиган санайи 693-ҳижрий, сафар ойида (в.135а) Домғон ноҳиялари сари юрди. Буни эшитган Султон Аҳмадхон тарафидан Алиноқ номи билан машҳур бўлган Али иноқ муҳолифлар томон йўлга чиқди ва Хуросонга юрди. Домғонга етиб, уни ғорат ва қатли ом қилди. Фаҳвоча саҳросида уруш воқеъ бўлди. Шаҳзода Арғун енгилди. Шундан кейин Султон Аҳмадхон Хуросон томонга юриш қилди. Алиноқ Арғунхон лашкарини енгиб, Султон Аҳмадхоннинг келаётгани хабарини эшитгач, шаҳзода Арғунхон ортидан қувишга тушди. Шаҳзода Арғуннинг Алиноқ билан беллашишга қуввати бўлмаганидан Калот қалъасини ўзига паноҳ қилди, уни мустаҳкамлади. Шу аснода Султон Аҳмадхон мавқабининг келаётгани хабари Кўчонга етди. Султон Аҳмадхон куёви бўлмиш Алиноқни жўнатди ва амр қилдики, Арғунхонни унга меҳрибонлик кўрсатиб, дилхушлик билан (қалъадан) чиқариб олиб Султон Аҳмадхон ҳузурига келтиргай. Алиноқ Султон Аҳмадхон фармонига мувофиқ Калот қалъасига бориб, шаҳзода Арғунни алдов сўзлари билан кўнглидан кўрқувни кетказиб, ишонтириб, Кўчонга, Султон Аҳмадхон ҳузурига келтирди. У Аҳмадхон билан хуфияда Арғунни қатл этмоқ тўғрисида сўзлашди. Аҳмадхон эшитмаганга олди. Бир хиргоҳда шаҳзода Арғунни банд қилиб, амир Буғонинг иниси Урукни тўрт нафар одам билан уни кўриклаш учун қўйди ва Алиноққа топширди. Шунда камоли иффати ва калтафаҳмлигидан бир ҳафта ўтгач, ўзининг йўқлигида шаҳзода Арғунни ясоққа етказмоққа фармон берди. Ўзи айшу ишрат ҳавасида бир моҳрў ўрдуси сари Ироққа жўнади. Унинг қораси кўринмай қолгандан кейин салтанатининг юзсиз суворийларидан амир Буғо хитой Жангшанг томон, бошқа бир тўда султоннинг исломи уларнинг мизожига тўғри келмаган амирлар шаҳзода

Арғуннинг ҳамфикрлари бўлган бир гуруҳ билан иттифоқликда ярим кечада Шаҳзода Арғунни хибсдан чиқариб, ногаҳоний балодек Алиноқ устига ажиб бир шабихун урдилар. Ўша шабихунда Алиноқ ва Султон Аҳмадхоннинг яқинларидан кўпчилигини (в.1366) ўлдирдилар. Иккинчи куни Амир Буғо югурик туяда бир суворийни жўнатди; хабар берди, токи қаро авбош эли Султон Аҳмадхон билан ҳамроҳ бўлган қалтали лашкари йўлини қўлга олгайлар. Бир неча кундан кейин Арғунхон ҳам унинг ортидан қувиб, Султон сари юрди. Султон Аҳмадхон Исфаройин ноҳияларида Арғуннинг қутилгани ва айланувчи гардуни дун балоларидан хабар топди. Иложсиз Ҳарот дарёси бўйидаги онаси Қути хотун ўрдуси томон юрди. Қазвинга яқинлашганда шаҳзода Арғуннинг эътиборли амирларидан бўлган амир Тилой Темурга дуч келди. Уни ўғиллари билан бирга ўлдирди. Бу ердан қайтиб Ҳарот ҳадларигача ҳеч жойда ором олмай, унга тобеълик этагини тутган бир гуруҳ одамлар йўл асносида ҳар бири бир тарафга қочиб қолишди. Султон Аҳмадхон Ҳарот дарёси бўйига етгач, икки-уч кун ўтиб, Қаро авбош қавми султон ўрдусига ҳужум қилди. Ғорат ва талон-тарожга қўл урди. Шу воқеа арафасида шаҳзода Арғун ўша ноҳияларга яқин келиб қолди ва улар ортидан етди. Шу вақтда Султон онасининг мулозимларидан бўлган Буқой ва Шунқўр замонасозлик қилиб, фириб билан Султон Аҳмадхонни қўлга туширдилар ҳамда шаҳзода Арғун ҳузурига келтирдилар. Ўзлари эса қадимги хизматлари даъвосини қилдилар. Шу сабабдан баъзи муаррихлар шундай ёзганларки, Султон Аҳмадхон Ҳаротга келганда шаҳзода Арғун лашкаридагилар уни таниб қолганлар ва тутиб олиб, шаҳзода Арғун олдига элтганлар. Арғун уни қатл эттирди.

Султон ўлимининг ҳақиқати шундай бўлган: Буқой ва Шунқўр Султонни Арғун ҳузурига келтирганларида хотирига бир хунарга йўл бериб, шу заҳотиёқ Султон Аҳмадхонни Султон Аҳмадхон томонидан ўлдирилган Кўнқурбойнинг ўғиллари кўлига топширди. Токи, оталари қасоси учун ислом аҳли дили каби унинг белини синдиргайлар. Назм (мазмун):

Бу беўхшов саройнинг расми шу: гоҳ пушти эгардаю, гоҳ жар устида. Ғазаб саройининг одати шу: гоҳи сенга шодлик беради, гоҳида ғам. Жаҳон саройининг расми шу: жаҳонинг жон эрур, гоҳ жон жаҳондир. Синов саройининг одати шундай: гоҳ роҳатингни беради, гоҳида ранж. Ғурур саройининг одати шундай: гоҳи тожу тахт, гоҳ гўрнинг тўри. Кофу нун зулфининг иши шундайки, одам кўзларидан оқизадир қон. Бу омонат дунё шундайки, одам ўлимидан

Хавво зорланур. Бу ферузаранг чарх шуки, инсон ўлимига ҳеч иккиланмайди. Шу тупроқ тўдаси шундай қора рангдаки, покни нопокдан фарқ қилмайди. Бу хароба жаҳон шундай манзилдирки, одам тупроғидан дарё қайнайди. Бу дунё махфили шундайдирки, шоҳу гадосини қолдирмагай. Хоҳ подшоҳ бўлсин, хоҳи гадо, ўлим чангалидан қутилиб кетолмагай.

Султон Аҳмадхон, оллоҳ унинг қабрини нурли қилгай, салтанати муддати икки йилу уч ой эди. Ўзи ҳукмдордир. Тўртинчи хон Арғун ибн Абақохондир.

АРҒУНХОН ИБН АБАҚОХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Арғунхон ибн Абақохон амакисидан кейин туркий юнт йилига мувофиқ келадиган санайи 690 ҳижрий жумодилохир (ойининг) еттинчи тарихда хотинлари, шаҳзодалар ва барча амирлари, аркони давлати билан иттифоқликда подшоҳлик тожони бошига қўйиб, салтанат тахтига ўлтирди.

Мулку мол ишлари буткул ва жузвий тизгинини амир Буғо иқтидорли қўлига топширди. Султон Аҳмадхон вақтида озоғ бўлган хожа Шамсуддин Муҳаммад Соҳибидевон ўз ҳаёти хавфида қочишни ихтиёр қилган, Исфаҳон тарафга кетмоқ бўлган ва бу ҳақда илтимос қилган эди. У ердан денгиз орқали Ҳиндистонга кетиш ниятини айтганди. Шу аснода унга Арғунхондан истимолатнома келганди. Савоб юзасидан дўстлари илтимосига қўра, таваккал этишни тутиб, Элхон ўрдусига йўналди. Шунда подшоҳона иноятнома келиб етди. Зудлик билан хизматга бел боғлади. Мазкур тарихнинг ражаб ойида Арғунхон кўриниш мажлисига йўл топди. Амир буғо хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳибидевон билан учрашган чоғида саодатли амирлик мансабида эди. У соҳибидевонда хонга нисбатан жиноятни мушоҳада қилди (в.1366) ва Арғунхон ҳузурида хожа Шамсуддин Муҳаммадни Абақохонга заҳар берганликда тухмат қилди. Арғунхон бадғўйлар даъвосига қўра, жаноби соҳиби девон ҳаёти бунёдини вайрон қилди. Ўша давр фозилларидан ул жаноб мартабасига бу рубоийни назм риштасига тизди: Рубоий (мазмуни):

Шамс йўқ бўлишидан фалақдан қон томчилади. Ой юз юлди, Зухра сочини. Тун қора жома кийди бу мотамда. Субҳ совуқ нафас уфуриб, ёқасини йиртди.

Айтишларича, жаллод ҳозир бўлганда соҳиби девон

гусл бажо келтириб, Куръони мажиддан ўқий бошлаган. Ушбу оятни эшитганлар: «Инна-лазина қолу Раббона лиллаҳу сумма истақаму»... «Ул одамларини айтадурлар: «Оллоҳ бизнинг парвардигоримиз». Сўнг (ишларида) тўғри бўлдилар».

Хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиби девон шаҳодатидан кейин, айтишларича, амир Буғо ғоят эътиборда яшади. То бир сабаб бўлиб, тарих китобларида батафсил ёзилишича шундай исён уюштирдик, қатл этилди. Санаи 696 йил хижрийдаки, туркий доқуқ йилига мувофиқ келур, пок, надимшева бўлган яҳуд Саъдуддавла подшоҳ Арғун мажлисида сўзлашга йўл топди. Элхон инояти ва марҳамати нурлари унинг аҳволи чеҳрасида товланиб турарди. Бу бечоранинг эътибори ва мартабаси кундан-кунга кўпая борди. Бу хоксорнинг давлату иқбол юлдузи соат сайин кўтарила борди. Иш шунга бориб етдики, унинг мулки ва моли ишларида жумладан истиклол йўл топиб, даъвогар амирларнинг барчасини беътибор этди. Бу кам саодатнинг ҳокимлиги даврида бедин ва бедавлат яҳудийлар иззат маснадига оёқ кўйдилар. Бегуноҳ миллат арбоблари, ёрқин шариат асҳоблари устидан таъна ва маломат тилини ишга солдилар. Арғунхон ул номусулмон иғвоси билан: «Ҳеч бир мусулмонни девонлик амалларига яқинлаштирилмасин», деб ҳукм чиқарди. Мусулмонларни олий ўрдунинг қирим-чиқимларига аралашувдан манъ қилдилар. Бундан ташқари ул нобакорлар толеъсиз подшоҳни шунга иқроқ қилдиларки, оллоҳ иддаосига шараф ва қарам билдириб Маккайи муаззамани санамларга топинадиган маъбадга айлантиради. Одамларнинг фарқини қарамли Раҳмони маликка қулликдан (в.137а) бутларга ибодат қилишгача етказди.

Ўша вақтларда амир Буғо ва амир Турктой Эрон билан жанг қилмоқ учун улкан лашқар билан Дашти Қипчоқдан етиб келишди. Арғунхон Тағочор ва барча ўзининг амирларини улар билан жанг қилмоқ учун Қорабоғ тарафга жўнатди. Амир Чўбон сулдузни улар ортидан саноксиз лашқар билан жўнатди. Туркларнинг шуғур йилига мувофиқ келадиган санайи 688 йилнинг рабиюлохир ойида икки лашқар дарёси жанг мавжигача келди. Амир Чўбон сулдуз жангда мардоналиклар кўрсатди. Ҳар икки лашқар нозирлари унга таҳсину офаринлар ўқидилар. Жўчи лашқари шикаст еди. Дашти Қипчоқ аскарлари чекиндилар. Ана шу фатҳу нусратдан сўнг Саъдуддавлани бедавлат Арғунхонни ўз динининг ижроси учун санамларга топинишни эълон қилишга ва одамларни бутларга сиғиниш учун тарғиб қилмоққа ундади. Ногоҳ, ҳазрати рисолат паноҳ салиоллоҳи

алайҳи ва саҳоба васалламнинг дини меъжари зоҳир бўлди. Ислом арбоби дуосининг ўқи ижобат нишонига бориб тегди.

Бу ҳикоянинг тафсили шундан иборатки, туркларнинг сичқон йилига мувофиқ келадиган санайи 689 йил охирларида жон олувчи касаллик Арғунхон зотида пайдо бўлди. Паҳлавонлик ёнини нотавонлик бистарига қўйди. Салтанат амирлари, аркони давлатнинг ушбу қайғули ҳолни мушоҳада қилиб, салот ва садоқат учун қўл очдилар. Саъдуддавла яҳуд бошқалардан ортиқроқ кўрқув ва изтироб изҳор этди. Андешалар, хатолар, разолатларни ўзига эп кўрдик, камоли ҳасрату надоматда эди. Шу сабабдан у адолат ва мурувват бисотини ҳар вилоятда ҳозирлаш сари юз қўйди. Бир куни жаҳоннинг атроф ва ноҳияларига фитна кўзғовчи 70 дона нишон жўнатдики, уларда халқни асоссиз куфр ва залолат бутпарастликдан қайтишни тарғиб ва рад этувчи таклифларни манъ қилди. Ислом бунёди асосларини барбод бўлиш тухматларидан эмин этди. Мазлумлар дуосининг ўқи куйган юраклар камонхонасидан отилиб чиқиб ижобат нишонига теккан эди. Қатъий насс: «Изо жаа ажалухум ла ястаҳруна (в.1376) соатан ва ла ястақаддимуна», тақозосича, барча садоқату адолат ва инсоф изҳорлари фойдасиз бўлиб чиқди. Арғунхон касали кундан кун кучая борди.

Арғунхон ҳаётидан ноумид бўлган амир Тағочор ва баъзи амирлар Саъдуддавла яҳудга сийналарида бўлган яширин адоват туфайли туркий удий йилга мувофиқ келадиган санайи 690 йил сафар ойининг охирида Саъдуддаврани тутдилар. Баданининг жон вужудидан пўстни шилгандек жисмидан жонини шилиб олдилар.

Арғунхон Саъдуддавранинг ўлдирилганидан жони рамақда чоғида хабар топди. Ўша куни, мазкур йилнинг рабиулаввал ойи ўттизинчи куни Саъдуддавладан кейин унинг орқасидан нариги оламга жўнади. Муҳаммад Салиоллоҳу саҳоба ва саллам миллати мутобеълари руҳсори баҳор фаслидаги гулзор сингари яшнади. Аҳмадий, алайҳиссалавотиху вассаллам, яшнаган шариати душманларининг дили ғаму ҳасрат оташида ёнди. Арғунхон Эроннинг Қаробог мавзеида вафот этгани сабабли уни Зопар тоғларидаги бир ўринда пайғамбарларга тааллуқли, Али набиййино ва алайҳиссалавоту вассалом табаррук мозори яқинига, унинг учун қурилган даҳмага дафн этдилар. Унинг атрофини кўрик билан ўраб олдилар. Бугунги кунда ул мавзеъ Тафарруқи Арғун номи билан машҳур. Унинг салтанати муддати етти йил бўлди. Бешинчи хон Кайхоту ибн Абақайхондир.

КАЙХОТУ ИБН АБАҚОЙХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИДА

Мўътабар тарих китобларида битилганки, Кайхоту хон акаси Арғунхон ҳукмронлиги даврида Рум вилоятида яшади. Арғунхон воқеаси хабарини эшитгач, ўзига яқин, бирга бўлган амирлар хоҳиши билан ўрду томон йўлга чиқди. Туркий уд йилига мувофиқ санайи 690-йил ражаб ойида ул ерга етиб келди. Амир ва хонларнинг баъзиси Алиноқ (хузури) га кетди. Аркони давлатнинг баъзиси ундан юз ўғирди. Баъзиси итоат ва рағбат билан қайду итоат доирасига қадам қўйдилар. Тунг ва ҳадялар учун қўл (в.138а) ва дуою сано учун оғиз очдилар.

Кайхотухон ўша кезларда Рум тарафдан турли хабарлар эшитарди. Улуғ амирлардан Амир Менгу Темур ибн Лақой нўённи баъзи хонлар амирлар ҳамда катта лашкар билан Эрон тарафга жўнатди. Ўзи эса бир тўда ёғийларни дафъ қилмоқ учун яна Рум ҳудудига жўнади ва қишни ўша ерда ўтказди. Вазифани бажариб, Табризга қайтиб келди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ келадиган санайи 691-йил жумодил-охир ойида мамлакат забти, сипоҳийлар ва райият риояси томон юз бурди. Амирул-умаролик мансабини Қаюркога берди. Вазирлик иши жиловини Садриддин Холид Зинжонийнинг қудратли қўлига тутказди.

Арғунхон вафот этганда Отабек Афросиёб юзсизлик қилиб, Луристонда исён кўтариб, Исфахонни ўз тасарруфига келтирган эди. Кайхотухон буйруғи билан Табриздан Эрон сари катта лашкар билан йўлга чиққан Амир Менгу Темур ибн Лақой нўён Кайхотухон Рум сари жўнаган вақтида мазкур амирни у ердан ҳайдаб чиқариб, Исфахонни ўз қўлига олди. Кайхотухон сахийликда кўп муболаға қиларди. Чунончи, мамлакат маҳсули унинг ҳимматига вафо қилмади. Кўплаб бахшишлар яхши муносабат ва хушмуома-ла борасида керагидан ортиқ хотамтойлик қилганидан, чунончи эрқагу аёлни фарқ қилмасди. Кайхотухон давлати айёмида туркларнинг луй йилига мувофиқ келадиган 693 йилда Эрон заминда қоғоз пул чиқармоқ ва уни бекор қилиш воқеаси бўлиб ўтди.

Тарих китобларида битилганки, Азизуддин Музаффар иғвоси билан бир ҳафта қоғоз пул жорий қилди. Амалдаги олтин пул эвазига уни савдо-сотикқа чиқарди. Ул тўртбур-чакли (мустатил) қоғоз парчаси эди. Ҳар икки тарафида калимаи шаҳодат ва улар оралиғида нуқтали «Иранчи Нурчин» каломики, Хитой ҳоқони эди. Подшоҳни шундай

дер эдилар. Уни хитойи хат билан битди. Чов туфайли савдогарларнинг даромади бартараф бўлди (в.1386), егулик ва ичкилиги мақсадига айланди. Аркони давлат уюшиб, арз қилдилар. Кайхотухон хукмини бартараф қилдилар. У кўп вақтини майхурлик ва оқбадан гўзаллар суҳбатига ўтказар, эътиборли кишилару аёнларнинг қизлари исмат пардасига тажовуз қилар эди. Шу сабабли Тағочор ва амир Тўлодой ва бошқа подшоҳ амирларининг дили ундан қайтди. Улар Бағдод ҳокими Бойду ибн Тарагай салтанати билан иттифок туздиларки, то шаҳзодани тахтга қўйгайлар. Хуруж бошладилар. У диёрдаги Кайхотухон давлати аркони ва амирлар номуносиб ҳаракатлари сабабидан унга ёмон муносабатда бўлдилар. Уларнинг барчаси шаҳзода Бойду тарафини олдилар. Шаҳзода Бойду ўзини қудратли ҳис қилиб, Бағдоднинг соҳиб-ихтиёри Мухаммад Шукрчини ўлдирди. Очикдан-очик муҳолифлик изҳор эта бошлади. Кайхотухон бу ҳолдан хабар топиб, бошқа амирлар билан келишмаётган Амир Кучукмол, Амир Тўлавойни тутиб, Табриз қалъасига банд этди. Бу воқеа амирлар билан Тағочор яширинча Бағдодга элчи жўнатди: Шаҳзода Бойдуга хабар бердики, шошининч равишда бу томонга етиб келгай. Токи, Кайхотухон ишини кўнгилдагидек саранжом этгайлар. Ложарам, шаҳзода Бойду фаровон лашкар билан Бағдоддан Озарбайжон томонга жўнади. У томондан Кайхотухон Амир Ақаярқо ва Амир Тағочорни муқаддимада жўнатди. Ўзи ҳам туркларнинг илон йилига мувофиқ келадиган санайи 694 йил жумодилаввал ойи аввалида, шанба куни душман сари юзланди. Табриз қалъасида маҳбус бўлган амирлар шаҳзода Бойдуга хайрихоҳ бўлган бир тўда кишилар ёрдами билан банддан қочиб, Эрон тарафга кетдилар. Йўл асносида Амир Ақаярқо ва Амир Тағочор ўртасида адоват пайдо бўлди. Амир Ақаярқо ноилож қолиб, ёлғиз ўзи қайтди. Табриз ҳудудидан бўлган Тамар хотун мавзеида Кайхотухон ўрдусига етиб олди. Амир Тағочорнинг муҳолифлик аҳволини ва лашкардагиларнинг унга қўшилишини (в.139а) шаҳзода Бойдунинг улкан лашкар билан йўлга чиққани — ҳаммасини сўзлаб берди. Кайхотухон уларнинг узридан андеша қилди ва ғамнок дил билан ихтиёридаги лашкари билан Эрон замин томон юрди. Кайхотухон Чўғон қалъасига етганда, қочиб Эронга кетганлар жинсидан бўлган амирлар Эрон мамлакатада бўлган амирлар билан биргаликда балойи ногаҳонийдек Чўғон қалъасига ёпирилдилар. Кайхотухонни қўлга олдилар ва шу заҳотиёқ қатл этдилар. Туркларнинг илон йилига мувофиқ келувчи 694 йилда оламни унинг вужудидан пок

айладилар. Шу нарса муайянки, Кайхотухон Ҳалокухоннинг қаттиққул авлодидан бўлиб, ўз давлати айёмида у ҳаргиз бирор бегуноҳни қатл этмаган; гуноҳкорларни адду инсоф юзасидан ҳукм қилган. Тўрт улусда шундай ибора мазкур-дирки, Кайхотухоннинг номи Анқоту бўлган. Мўғул тилида унинг маъноси «Ажабда (ҳайрон) қолдир», дегани. Айтишларича, Кайхотухон уч йилу етти ой салтанат сурди. Туркларнинг илон йилига мувофиқ келадиган санайи 694 йил, жумодил-аввал ойининг 6-чиси пайшанба куни қатлга етди. Бойдухон буйруғига мувофиқ Қаробогда дафн этилди.

Олтинчи хон Бойду ибн Тароғай ибн Ҳалокудир.

БОЙДУХОН ИБН ТАРОҒОЙ ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Кайхотухоннинг қатл этилганини эшитиб, Бойдухон Табризга келди. Бу ерда эътиборли амирларнинг баъзилари муҳолифликда айбланиб қатл этилди. Илон йилига мувофиқ келадиган санайи 694 йил жумодил аввал ойининг 8-куни Учонда тахтга ўлтирди; аъёну ашроф кўмагида хонлик тахтини муборак жулуси билан оройиш этди. Олқиш гўлуласи, муборакбод фарёдлари чапу ўнгдан бараварига кўтарилди. Салтанат асосининг қурувчиларидан бўлган Амир Тағочорга амирал-умаролик мансабини топширди. Вазирлик ишлари тизгинини Жамолиддин Санжирвоний (в.1396) нинг қудратли кўлига тутқазди.

Кайхотухоннинг қатл этилгани ва Бойдухоннинг подшоҳлиги хабари тарқалиб, шаҳзода Ғозон ибн Арғунхон ибн Абоқайхон ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон қулоғига етди. У отаси замонидан бери Хуросон ҳокими эди. У муҳолифат бошини кўтариб, улкан лашкар билан Бойдухонга қарши юриш бошлади. Шаҳзода Ғозоннинг йўлга чиққанини эшитиб, Бойдухон ҳам саноксиз лашкар тўплади ва унга муқобил чиқди. Икки ўртада катта жанг бўлиб ўтди. Кейин ҳар икки томоннинг улуғ амирлари сулҳпарварлик қилиб, ҳар бири қуроллари ташлаб, иккала сафдан чиқиб, бир-бирларига яқин келдилар ва отларидан тушдилар. Сулҳ тузиш тўғрисида суҳбатлашдилар. Улар Ироқи араб, Диёрбакр, Озарбайжон, Эрон, Гуржистон ва Рум вилоятлари Бойдухонники бўлгуси, деган қарорга келдилар ва шу аҳдномага келишдиларки, шаҳзода Ғозонга қайтмоғи, Бованд куҳга кетмоғи, ўз қилмишига пушаймон

бўлмоғи лозим. У Хуросон дорулмулкигача ўз хумоюн оти жиловини бурди.

Иккинчи марта интиқом азмига жазм қилиб, шаҳзода Ғозон ҳузурда сипаҳсолар бўлган Амир Наврўз Ғозийга маслаҳат солди. Бу Амир Наврўз Ғози Амир Арғун ағойи уйротнинг севимли фарзанди эди. Чингизхонийлар замонидан ўттиз йилдан буён Хуросон ҳукумати унга тааллуқдор эди. Отаси вафотидан кейин у Арғунхон ибн Абақхон мулозимлигига ўтди. Арғунхон Амир Бугони баркамол амир ва иқтидорлигидан исён кўтариш ҳаёлида эканлигидан ясоққа етказганида Амир Наврўз ибн Амир Арғун уйрот қочиб, Машриқ диёри томон кетди. Амир Наврўз дини ислом тарафдори бўлганидан ғазо қиличини яланғочлади. Зафар байроғини жиҳод учун кўтариб, кўплаб машриқийларнинг ҳаёти бунёдидини вайрон этди. Бир қанча муддат Амир Наврўз ғозий билан Шаҳзода Ғозон ўртасида жангу жадаллар бўлиб ўтди.

Охируламр, туркларнинг йилон йилига мувофиқ келадиган санаи 694 йилда (в.140а) иш сулҳ билан яқунланг Амир Наврўз ғозий Шаҳзода Ғозон ҳузурига ер ўпиш уч етиб келди. Бунинг устига унинг яқинларидан бўлиб ол Сарфарозлик хусусиятини касб этди ва сипоҳсоларлар мансаби билан яқинлари ўртасида имтиёз топди.

Алқисса, шаҳзода Ғозон Бойдухон билан урушганидан пушаймон бўлиб, Ироқи Араб, Озарбайжонни халос қилишга азм этди. Бу борада Амир Наврўзи Ғозий билан машварат қилди. Амир Наврўз Ғозий унга шундай жавоб берди: «Кафиллик бериб айтаманки, Шаҳзодани хонлик тахти ва жаҳонбонлик маснадига ўтказгум. Бойдухонни эъмоли учун жазога етказурман! Шу шарт биланки, шаҳзодаи жаҳон агар жамеъи динлар носихи пайғамбари охири замон, алайҳисалавотуху вассаломга имон келтириб, бошдан-оёқ куфру зиён бўлган бутпарастлик шиоридан тийилса!»

Ҳазрати Раҳмон жалли жалола ҳидояти шаҳзода Ғозоннинг дили ганжинаси зулфинидаги куфру залолат кулфини очиб юборди. Тамоми итоат ва рағбат билан розилик бошини тебратди.

Ферузкуҳ мавзеидаки, Увбо ва Фаржастон оралиғида воқеодир, муборак тилини калимаи тавҳиди субҳоннинг баёни учун гўё қилди. Айтишларича, ўша кун Тангри фазли иноятидан бир неча минг нафар киши куфр заҳматини ислом саодатига мубаддал қилдилар ва мусулмон бўлдилар. Шаҳзода Ғозон ул диёрда хонанишин бўлиб, исломнинг у ерда бир устунни ҳосил ва қойим бўлди. Шу сабабли Амир

Наврӯз Ғозий воқеа тарихи учун оқ тошдан бир амуд тарошлатиб, Ғаржастондан Увбага келадиган йўл бошида ўрнатди. Бугунги кунда Амир Наврӯзнинг ўл тоши шуҳрат топди.

Шаҳзода Ғозон асл шарафи мушарраф бўлгандан сўнг саноксиз лашкар билан Озарбайжон устига юриш қилди. Унинг чегарасига манзил куриб, Бойдухон ҳузурига бир суҳандон элчи жўнатди ва ўз амакиси Кайхотухон хунийларини талаб қилди. Тўққиз ўлкадан вақф учун ер ажратиб қайтди. Шаҳзода Ғозон Амир Наврӯз Ғозий билан иттифокликда адоват байроғини кўтарди. Ул тарафдан ҳам лашкарлар жумбушга келди. Ҳар икки лашкарнинг форсийда 'язак деб аталувчи қоровуллари (в.140 б) бир-бирлари билан учрашиб, яқинлашиш йўлида муҳораба бошладилар. Шаҳзода Ғозон қоровуллари Бойдухон язаги сипоҳини енгдилар. Шунда Шаҳзода Ғозон иккинчи бор Бойдухон ҳузурига элчи юборди. Муҳаббатомуз гапларидан хабар бериб, дедики, «Биз билмаган ҳолда язак жанги содир бўлибдир. Кайхотухон хунийларини талаб қилганимиз ҳутилоф чиқариш мақсадида бўлмасдан, инсоф юзасидир. Бу нарса подшоҳлар учун лозимдирки, бир киши ҳақда ўз неъматини кўрнамаклик йўлидан бориб, узруқдобликни андеша қилмади. Мабодоки, улар билан бир ҳақдада бўлсалар, албатта уларни сазосига муносиб жазолагайлар, токи бошқалар учун ибрат бўлгай. Кайхотухон бизга амаки бўлса ҳам, номига амакидир. Бойдухон ҳам мушфиқона сўзлар баробарида, тилига олиб иқрор бўлдики, Оғодой билан мулоқотда бўладилар. Қандай гаплари бўлса учрашишлари мумкин. Нима сўзлари бўлса бегонанинг воситачилигисиз суҳбатлашмоқлари лозим. Шундан кейин, бу икки подшоҳ келишуви бўйича лашкарлар ваъдагоҳга йўналдилар. Ҳар бири бир нечасининг номини ўртага қўйиб, эъзозу эқтиром ила бир-бирлари билан топишдилар. Шаҳзода Ғозон Арғунхонга тааллуқдор бўлган Форс ва Ироқ инжусини ўз мулкига айлантирди. Бойдухон бу илтимосни камоли рағбат билан қабул қилди. Шунга қарор қилдилар. Кейинги кун тўй қилиб, ҳар икки подшоҳ ўзининг ўрдуси томон кетди. Аммо, Бойдухон ва унинг амирлари эртага тўй оловини ёқаётганда шаҳзода Ғозоннинг ишини бир ёқлик қилмоқ ҳаёлида эдилар. Ҳар икки подшоҳ ўз манзиллари сари юзландилар. Бу маъно шаҳзода Ғозон мунаввар кўнглида ҳам нурланди. Замона кофирлар дили каби қоронғу ва тор бўлгани сабабли тангри инояти билан бошқача иш тутиб, азимат яловини Хуросон сари кўтарди. Иккинчи куни Бойдухон бу ҳолдан хабар топиб, афсусу надоматлар чекди.

Шаҳзода Ғозон яна бошқа элчини жўнатиб, маълум қилдики, «Ё оғойи бузург, ўзимни якдил кўрсатган эдим. Лекин аҳвол чехрасида узру исён (в.141а) иморатини мушоҳада қилдим. Шу сабабли қайтиб кетиш яловини берухсат кўтардим!»

Бойдухон зоҳирда тилёғламалик қилиб, ёрлиқ бердики, «Ислом малики Жамолиддин минбаъд Форс инжуси маҳсулотини шаҳзода Ғозон гумашталарига топширсин».

Шаҳзода Ғозоннинг одамлари ул нишонни Форсга етказганларида Жамолиддин унинг мазмунига хилоф бўлган бир маншурни кўрсатди. Шаҳзода Ғозоннинг мулозимлари ноумид ва ҳайрон бўлиб, қайтиб келдилар.

Бу ҳолнинг хилофи ўларок, Амир Наврўз Ғозий Озарбайжон ва Ироқи Араб амирларининг сирларини фикрларини билиш мақсадида, элчи сифатида Бойдухон ҳузурига келди. Яширинча Амир Тағочор билан аҳду паймон тузди: Бир-бирларини қўллаган ҳолда Бойдухон салтанатини ағдардилар ва шаҳзода Ғозонни жаҳонбонлик тахтига ўтқаздилар.

Бойдухон Амир Наврўз ғозийни бир неча кун сақлади. Охири Амир Наврўз ғозий қасамёд қилиб, «хон агар рухсат берса Хуросонга бориб, Қозонни Сизнинг хизматингизга етказурман», деди. Бойдухон бу афсус ва фирибга тоқат қилолмай Амир Наврўзи Ғозийга рухсат берди.

Амир Наврўз Ғозий Хуросон заминда Шаҳзода Ғозон ҳузурига келгандан кейин бир қозон, яъни дегни ўраб, Бойдухон ҳузурига жўнатди. Амирлар ва подшоҳ — барча бу ҳийладан таажжуб бармоғини тишладилар. Амир Наврўз Ғозийни кўйиб юборганларига кўп пушаймон бўлдилар. Шу орада шаҳзоданинг Озарбайжон тарафга юриши лозим бўлиб қолди. Сабзавор вилоятида Хожа Садриддин Зинжони шаҳзода Ғозоннинг олий мавкибига қўшилди. У Бойдухон амирлари ва аркони давлатининг шаҳзода Ғозонга нисбатан кирдикорлари тўғрисида бироз гапириб берди. Шунда шаҳзода Ғозон туркийларнинг илон йилига мувофиқ келадиغان санайи 694-йил зулқаъда ойининг бошида ораста лашкар билан қайтиб келди ва Амир Наврўз Ғозийни садрижаҳон хожа Аҳмад Ҳолидий ва мўгул тилида бурунғор деб аталувчи манқлойдаги нусратнишон мулозимларидан бир тоифа билан бирга жўнатди. Ўзи Озарбайжон томонга қараб юрди (в.141б). Амир Наврўз Ғозий илғорда юриб, ярим тунда Бойдухон ўрдусигача икки манзил масофадаги мавзегга кундузи етиб келди. Амир Тағочор, Амир Чўбон сулдуз ва Ироқнинг бошқа баъзи амирлари Амир Наврўзнинг келаётганидан хабар топиб, Бойдухоннинг бир

неча амирлари билан давлату иқболдек шаҳзода Ғозон ҳузурига шошилдилар. Айтишларича, шаҳзода Ғозон лашкарига келиб қўшилган биринчи киши Амир Чўбон сулдуз бўлган. Бойдухон бу воқеадан хабар топиб, бадҳол ва паришон рўзигор бўлиб, қочиш водийсига юз бурди. Ғозонхон Бойдухоннинг чекинаётганидан воқиф бўлиб, Амир Наврўз Ғозийни улкан лашкар билан жўнатди Токи Амир Наврўз Ғозий Бойдухон ортидан қувиб, Нахчивон атрофида Бойдухонни қўлга олиб, Табризга элтгай. Бу ерда уни ўлдирдилар. Айтишларича, унинг ҳукмдорлик муддати саккиз ой бўлган. Еттинчи хон Ғозон ибн Арғундир.

СУЛТОНИ МАҲМУД ҒОЗОНХОН ИБН АРҒУНХОН ИБН АБАҚАХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Ғозон Маҳмудхон туркийларнинг илон йилига мувофиқ келадиган санайи 694 йил муқаддас зулҳижжа ойининг охири куни, 25 яшарлигида Озарбайжон дорулмулкида одамларга оламини безовчи талъатини намоён этиб, Табриз тахтига, хонлик маснади, жаҳонбонлик саририни саодатли вужуди ёғдуси билан зебу зийнатда фаровон этди. Ҳаққи субҳона ва таоло уни исломий шарафига мушарраф айлаганди. Ўзининг адлу инсоф, караму шавкати натижасидан шу куниёқ ҳукм чиқардики: «мўғуллар муқаддас партав изҳори йўлидан борурлар; куфру хизлон бунёдини зулму туғендек оламдан йўқ қилурлар». Унинг ёрлиғи таъсиридан Эрон замин мамлакатадаги барча мўғуллар мусулмон бўлдилар. Ислом аҳли уни сидқи дилдан севардилар. Унинг замонида хонлик тарихига асос солинди. Эрон девонийлари туркийларнинг сичқон йилига мувофиқ келадиган санайи 701 йилдан ҳисоб қиладилар. Ҳозир амалда бўлган танга зарб қилиниб, унга «Ло илоҳаиллоллоҳу Муҳаммадан Расулуллоҳу» калимаи тоййиба ёзилди ва Аббосия халифалари замонидаги Рошидин халифаларининг исмларини (в.142а) Халифалик навбати дастури бўйича икки қарра шаҳодат (намози) дан кейин хутбада ўқидилар. Шунингдек, шу тадбирга алоқадор хатми-қуръон буюрди. Муҳаммад шариати ривож ва Ахмадий суннатини жонлантиришда катта саъйи ҳаракат кўргузди. Мамлакат тахтига ўрнашиб олгандан кейин у амир Тағочорга Рум ҳокимлигини топширди. Мамлакат мадори бўлган Амир Наврўзни Амударёдан ўтиб олган ўз қариндошлари фитнасини дафъ

қилмоқ учун Хуросонга жўнатди. Амир Наврўз Ғозий азимат байроғини баланд кўтарганча муҳолифлар ишини кўнгилдагидек бартараф қилиб, қайтиб келди. Бир неча кун орадан ўтгандан кейин яна шариатпарвар подшоҳнинг султоний ҳукмини адо этиш, Хуросон вилояти забти ва муҳолифати сабабидан йўлга чиқди. Бу борада шаҳзодалар Суғой ва Арслон Султон Маҳмуд Ғозонхонга қарши фитна уюштириб, ёғий бўлдилар. Султон Маҳмуд Ғозонхон улар билан жанг қилмоқ учун кўзгалди. Келиб шаҳзода Арслонни қўлга олди ва қатл этди. Ғозонхон буларнинг ўзига муҳолифлигини Амир Тоғочорнинг ҳийласи деб тушуниб, шаҳзода Суғой ва шаҳзода Арслон ишларини саранжомлагандан кейин Амир Журмчини Румга буюрди. Рум амирларига ёрлиғ жўнатди, токи Тоғочорни ясоққа етказгайлар. Бу ҳодиса вуқъидан кейин бироз муддат ўтиб, Румда бўлган амирлар Султон Маҳмуд Ғозонхон билан муҳолиф бўлдилар. Султон Маҳмуд Ғозонхон туркларнинг қўй йилига мувофиқ келадиган санайи 696 йилда Амир Қутлуғшоҳни катта лашкар билан жўнатди. Токи уларни бўйсундиргай. Ўша йили хожа Шамсиддин Дастжирдий қатл эттирилгач, вазирликни яна садри жаҳон лақабини олган хожа Садриддин Аҳмад Холидий Зинжонийга берди ва уни девонлик мансаби билан сарафроз этди. Хожа Аҳмад Холидий кўпчур бидъатини вилоятдан йўқотди. Тамго тартибини ўрнатди. Хожа Садриддин Аҳмад Холидий Зинжоний Амир Наврўз Ғозий ва унинг биродари ниҳонда соҳиби вужуд ва соҳиби ихтиёр бўлганларидан ўз тинчини йўқотган, ихтиёри ўзида эмас эди. Баъзи бир амирлар билан тил бириктириб, фурсат топиб (в.142б), ул мужоҳид амир ғозийни Ғозонхон билан муҳолифликда, Миср подшоси Малик Носириддин билан тил топишишда муттаҳам тутиб, Амир Наврўз Ғозийга нисбатан бадгўйлик сари юз бурдиларки, гўё у Султон билан муҳолиф бўлиб, Миср малики билан иттифоқ тузган ва Эронга қарши чиқмоқни хотирида тутган. Ҳийлаю тадбир билан шу маънога Султонни ишонтирадилар. Султон Амир Наврўз Ғозийнинг укасини чақиртириб, яроғ сўради. Бирор гуноҳи йўқлиги аниқлангандан кейин, соҳиби девон бўлган хожа Садриддин Аҳмад Холидий Зинжоний Амир Наврўз Ғозийнинг баъзи яхши маҳкамаларидан ҳоли битанг бўлган эди. Алдаб, ҳийла билан Амир Наврўз Ғозийга ўз укаси номидан Султон Маҳмуд Ғозонхондан узрхоҳлик тилаб бир хат ёздирди. Мастлигида ёнчиғига хатни қўйиб, дедики, қовлаштиринглар. Ёнини титганларида хат топдилар. Шундай восита билан уни барча яқин одамлари билан Бағдод йўлида ясоққа

етказдилар. Султон Маҳмуд Ғозонхон бу гапларни эшитиб, сўраб-суриштирмай амир Наврўз Ғозийнинг укасини туркларнинг кўй йилига мувофиқ келадиган 696 йил баҳор фаслида умр хазонини нобуд этди. Сўнгра Ҳамадон яйлови сарҳадларидан Амир Қутлуқшоҳ, Амир Субитой нўён, Амир Сарқадокларни улкан сипоҳ билан Хуросон мамлакати тарафига жўнатди. Ва таъкидладики, Амир Наврўз Ғозийнинг жонини бедиллик оташида куйдирмай қайтмангизлар. Уч амир Хуросонга етдилар. Амир Наврўз Ғозий гап нимада эканлигини фаҳмлади. Улар билан савашмоққа ўзини ожиз деб билди. Ўзини Малик Фахриддин ибн Малик Шамсиддин Кўҳин ибн малик Шамсиддин курт паноҳига олди. У куёви ва мураббийси эди. Малик Амирга сўз бердики, тирик экан, уни ҳимоя қилгай. Амир Қутлуқшоҳ ўз шериклари билан Ҳиротга яқинлашганда Малик бемурувват тарки вафо қилиб, инсонийликка хилоф иш тутиб, Амир Наврўз Ғозийдан узр сўради. Уни тутиб душманлари кўлига топширди.

Амир Қутлуқшоҳ мазкур йилнинг шаввол ойи 22-кунда Амир Наврўз Ғозийнинг ҳаёти баҳорини Ҳирот ташқарисидан мамот хазони билан мубаддал қилди. Унинг калласини Ғозонхоннинг муборак ўрдусига жўнатди (в.143а). Шундан сўнг туркларнинг бичи йилига мувофиқ келадиган 697 йили ўз биродари Улжойту ибн Аргунхонни Хуросонга ҳоким қилиб жўнатди. У туркларнинг товушқон йилига мувофиқ келадиган санайи 680 йил муқаддас зулҳижжа ойининг 12-сида душанба куни Марв ва Сарахс оралиғидаги сувсиз биёбонда борлиқ оламига қадам қўйди. Қадами қутлуғ бўлганидан етти кечаю етти кундуз муттасил ёмғир ёғди. Шу сабабдан унинг исмини Улжойту қўйдилар. Яъни, «муборак қадам», дегани. Исломдан кейин уни Худобанда ўғил дейишадиган бўлдилар. Кейин Султон Муҳаммад Худобанда номи билан машҳур бўлган эди.

Шаҳзода Улжойту билан Малик Фахриддин ибн Шамсиддин Кўҳин ибн Шамсиддин курт ўрталарида бир неча бор тортишув бўлди. Оқибатда, Шайхулислом хожа Шаҳобуддин Исмоил Жомий саъй-ҳаракати билан бир келишувга келинди. Туркларнинг ит йилига мувофиқ келадиган санайи 699-йили садри жаҳон лақабини олган хожа Садриддин Аҳмад Холидий Зинжоний моли девонийни ўзлаштиргани сабабидан жазога тортилиб, ясоққа етказилди. Кейин Султон Маҳмуд Ғозонхон Хожа Рашидиддин табиб ва Хожа Саъдиддинни вазирликка тайинлади.

МИСР МАЛИКЛАРИ ВА СУЛТОН МАҲМУД ҲОЗОНҲОН БИЛАН МАЛИК НОСИРИДДИН, ПОДШОҲИ МИСР ЎРТАЛАРИДА БЎЛИБ ЎТГАН ВОҚЕАЛАР БАЁНИ ЗИКРИДА

Ровийлар шундай хабар берадилар: Улғай номи билан машҳур бўлган Сайфуддин Фалдун 18 йил Мисрда подшоҳлик қилди. Туркларнинг кўй йилига мувофиқ келадиган санайи 690 йилда охираат олами томон равона бўлди. Ўғли Малик Ашраф ўрнига қойиммақом бўлди. Раиятга риоятлар кўргузди. Минг кун ўтгандан кейин давлати таянчларидан бўлган Бедара унга куфри неъматлик қилган ғулумлари билан тил бириктириб, ул саҳоватли Миср Азизини боқий сарой сари жўнатди. Орадан бир йил ўтар-ўтмасдан Канюко Лочин ва Малик Ашрафнинг ғулумлари билан иттифоқликда хуруж қилиб, Бедарани ўлдирди. Жаҳондорлик яловини (в.1436) тикқа айлантириб, Лочинни сипоҳ сардорлиги (мансаби)га етказди. Канюкони бевафолик сарпанжаси билан нобуд этдилар.

Туркларнинг бичи йилига мувофиқ келадиган санайи 697-йили Миср аъёнлари Лочинга нисбатан ҳам исён йўлини тутиб, уни ер остига жўнатдилар. Мулк ишлари жilовини иккинчи марта Малик Носириддин Улғайнинг иқтидорли қўлига топширдилар, Малик Носир ўз давлати айёмида тўрт минг суворийни ҳокимлари Султон Маҳмуд Ҳозонга хирож тўлаб турган Морвин ва Раъсул-айнга жўнатди. Улар ғорат ва талон-торожга қўл уриб, кўплаб мусулмонларнинг ҳаёт хирманини фано шамолида совурдилар. Шу муносабат билан Султон Маҳмуд Ҳозонхон Миср ва Шомни қўлга киритишни хаёлида нақшлаб, туркларнинг ит йилига мувофиқ келадиган 699 йил, музаффар сафар ойининг 26-куни 20 минг шамшир соҳибини ўша тарафга жўнатди. Малик Носир ҳам саноксиз лашкар билан урушга ҳозирлик кўрди. Қонли уруш бўлди. Эронийлар зафар қозонишди. Мисрликлар қатл маъракасидан юз ўгириб, саваш майдонини тарк этдилар. Ҳозонхон элхоний лашкари уларнинг кўпини аёвсиз тигдан ўтказдилар. Миср султони қочиш ва йўл юришда шу даражада жадал ҳаракат қилдики, ҳордиқ чиқариш учун тўхтаганда, суворийлардан 8 нафаргина киши унга ҳамроҳ эди. Султон Маҳмуд Ҳозонхон икки кун Ҳумус ва Раҳлда турди. Кейин азимат байроғини Димишқ сари кўтарди. У фирдавснишон шаҳарга етиб, сокинларига амну омонлик шарбатидан ичирди. Димишқ қалъасининг фатҳини Амир Қутлуқшоҳга топшириб, Шомнинг ҳар бир шаҳарини

бир ишончли кишисига тайинлаб, ўзи қайтиб кетди. Фирот дарёсидан кечиб ўтгандан кейин Шом диёрининг қалъалари аҳолиси хунрезлик ва фитнага бош қўйишиб, кечалари қалъаларидан чиқиб, мўғулларнинг отларини (в.144а) ўғирлар эдилар. Кимни учратсалар ўлдираш эдилар. Шу муносабат билан амирлар бир-бирларини қўллаш маслаҳатига келиб бирлашдилар. Фирот дарёсидан ўтиб Ҳозонхоннинг муборак ўрдусига келиб қўшилдилар. Кейинги йили иккинчи бор подшоҳи баҳру бар Шомни эгаллаш ҳавасида юриш бошлади. Оҳиста-оҳиста манзил кетидан манзиллар ўтиб, туркларнинг қўй йилига мувофиқ келаётган санаи 708 йилда Шом Ҳалаби ноҳиясига етишди. Бир неча кунни айшу ишрат ва ов билан ўтказди. Ул вилоятни қўлга киритмоқ умидида Амир Қутлуқшоҳ, Амир Чўбон сулдузларни номдор амирлар ва саноксиз лашкар билан қолдириб, ўзи қайтиш яловини кўтарди. Қолдирилганлар бирор иш қўлларидан келмагач, қайтиб, муборак ўрдуга келдилар. Кейинги навбат, мазкур 708 йилда Султон Маҳмуд Ҳозонхон Амир Қутлуқшоҳ, Амир Чўбон сулдузларни номдор ва бузург амирлару чексиз лашкар ҳамроҳлигида яна жўнатди. Ул тарафдан эса Малик Носир улкан лашкар билан Димишқ ноҳиясида манзил танлади ва Ҳозонхонни кута бошлади. Амир Қутлуқшоҳ, Амир Чўбон сулдуз ва жасоратпеша амирлар Фирот дарёсидан ўтиб, Хуммус қалъаси муҳосираси билан машғул бўлдилар. Димишқ атрофида яшовчи бир киши етиб келди ва Малик Носир хануз Димишққа етиб келмабди, деган овоза тарқатди.

Димишқликлар ўз молу мулклари билан Миср сари равона бўлдилар. Буни эшитиб Ҳозонхоннинг одамлари Димишқ томонга юрдилар. Маржи Сиғар мавзесида бир пушта тепасига чиққанларидан кейин қарасалар, бутун саҳро ва чўлни лашкар босиб кетибди. Зероки, Малик Носир Ҳозонхон лашкарининг қайтиб кетганини эшитган эди, илгари силжиди.

Алқисса эртанги куни ҳар икки томондан сафлар тузилиб, жанг байроғини кўтардилар. Ҳар икки лашкар ботирлари баҳодирлик қилишларини селпиганча халқ ҳаёти бунёдини ўртадан кўтардилар. Ўша куни Амир Чўпон сулдуз бир саваш қилдики, моҳи осору Рустаму Асфандиёр эди. Аммо оқибатда Малик Носирга зафар ва нусрат тааллуқ топди. Амир Қутлуқшоҳ ва Амир Чўбон сулдуз мавлоси ҳамда бошқа амиру аъёнлар қочишга шошилдилар. Мисрликлар шамширларини жавлон қилдириб (в.144б), қарийб икки минг нафар кишини қатл этдилар. Амир Чўбон сулдуз қаттиқ туриб, мардона жанг қилди. Агар мазкур амирнинг

пойдорлиги бўлмаганда ўша лашкардан бирор нафари ҳам халос бўла олмасди. Мазкур амир ва бошқалар санаи 703 йилнинг сафар ойида Учон мавзеидаги Султон Маҳмуд Ғозонхон ўрдусига етиб келдилар. Ислом подшоҳи Султон Маҳмуд Ғозонхон уларни ўша тўхтаган жойида яроғ сақлади. Ҳар бирини гуноҳига яраша (жазолади), ясоққа етказди. Амир Чўбон сулдузни кулоҳу камар инъом қилиш билан мумтоз ва мустағни қилди.

ҒОЗОНХОННИНГ БУ ЖАҲОН ҲОҚДОНИДАН КЕТИШИ ЗИКРИДА

Айтишларича, амирлар ва лашкар енгилганларидан кейин Султон Маҳмуд Ғозонхон ўзида (душманига) тир кела олмаслик қуввати йўқлигини мушоҳада қилиб, ғам-ғуссадан жуда эзилди. Ана шу андуҳ туфайли Қазвин худудидаги Туя саройда жаноби адолатойин подшоҳ зотида бир касаллик хуруж қилди. Муборак мавқаб ул мавзедан ҳаракатга келиб, йўналиш жиловини қишлоқ томонга бурди. Йўл асносида унинг сихҳати тамоман зойил бўлди. Заифлик ва қувватсизлик юз берди. Мизож иложидан иш ўтган эди. Куни битаётганини тушунган Султон Маҳмуд Ғозонхон барча амир ва мамлакат аъёнларини чорлади. Васият шароитини бажо келтирди. Хуросонда (ҳоким) бўлиб турган укаси Ўлжойту Султонни валиаҳд тайинлади ва шу заҳотиёк жаҳони фонийнинг беҳудаликларидан юз ўгирди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ келадиган санайи 703 йил шаввол ойининг ўнинчи, якшанба куни намози дигарда жаннат боғлари томон йўл олди. Ҳашамат ойин хотинлари, виқорли ва тамкин амирлар барчаси бир йўла ғам-аламу изтироб жиловини қўлдан чиқардилар. Нолаю афғон, йиғи ва мотам бошладилар. Ул ислом подшоҳининг жасадини у ердан Табризга келтирдилар ва Шиши Ғозон номи билан машҳур бўлган, ўзи қурдирган гумбазга дафн қилдилар, Мўғул подшоҳларининг қабри унғача ошкор бўлмаган.

Султон Маҳмуд Ғозонхоннинг султонлик муддати саккиз йилу тўққиз ой бўлган. Умри муддати ўттиз уч йил бўлди. Унға тангри раҳмати бўлсин!

Саккизинчи хон (в.145а) Ўлжойту ибн Арғундир.

ЎЛЖОЙТУ СУЛТОН ИБН АРҒУНХОН ИБН АБАҚАХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Акаси Султон Маҳмуд Ғозонхон даврида Ўлжойту Султон исломийлик шарафига мушарраф бўлиб, Султонмуҳаммад Худобанда лақабини олганди. Акасининг ҳукми билан Хуросон валийси бўлди. Акаси вафоти хабарини эшитиб, Хуросондан Озарбайжонга қараб йўлга чиқди. Санайи 703-йил зулҳижжа ойининг бешинчи куни Хуросон мамлакатидан Учон шаҳрига етди ва мўғул султонлари одати бўйича аза маросимни очди. Азани Табризда тугатди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ келадиган санайи 703 йил, муқаддас зулҳижжа ойининг ўн бешинчи куни 23 ёшида хонлик тахти, жаҳонбонлик маснадини ўз вужуди билан зийнатлади. Амирулмаролик мансабини Амир Қутлуқшоҳга топширди. Вазирлик вазифасига хожа Рашидиддин табиб ва хожа Саъдиддинларни тайинлади. Аммо бир неча вақтдан кейин хожа Саъдиддин девон молини тасарруф этишда айбланиб, ясоққа етди. Хожа Тожиддин Алишоҳ Жилон хожа Рашидиддинга шерик бўлди.

Туркларнинг товушқон йилига мувофиқ келадиган санайи 704-йил, зулқайда ойининг саккизинчи, чаҳоршанба куни, баҳор фаслида дилбанд фарзанди, жигаргўшаи аржуманди Султон Абусаъид Нойин яйлоғидаки, Торум (вилоятига) тобеъдир, таваллуд топди. Султония қалъаси шаҳрини унинг номига тарҳ этди. Андак замонда унинг иморатини охирига етказди ва ўз дурулмулки (пойтахти) га айлантирди.

Ўлжойту Султон давлати айёмида Жамолиддин Ўқрум, Қаросунғур сингари бир тўда Миср ва Шом амирлари Малик Носирдан юз ўгириб, Ўлжойту султон Элхон паноҳига келдилар. Султонмуҳаммад Худобанда, яъни Ўлжойту Султон инояти ва илтифоти манзури назарига айландилар. Малик Носир зулму бедодидан сўзлаб бердилар. Шу муносабат билан Султонмуҳаммад Худобанда кўнглидан унинг шаҳарларини босиб олиш ҳаваси жой олди (в.1456). Таъна ва зарб олатларига тартиб, асбобларига тузатиш, бергач, нусратасар аскарлар билан Малик Носир мамлақати томонга юриш бошлади. Туркларнинг тўнғуз йилига мувофиқ келадиган санайи 712-йили, муборак рамазон ойининг бошларида, якшанба куни Фирот дарёсидан ўтиб, мазкур сана, шаввол ойининг олтинчисиди, якшанба куни Шомнинг Раҳба (шаҳри) яқинида тўхтади. Ул қалъани замонасининг ботирлари ҳалқадек ўраб олдилар. Ҳар икки

тарафдан жанг бошланди. Тинимсиз жангу жадаллардан кейин хожа Рашидиддин табиб саъй-ҳаракати билан сулҳ тузишга қарор қилинди. Мазкур ойнинг 24 чисида, пайшанба куни, ҳақиқий олампаҳо ва мансур подшоҳ қайтиш жиловини кароматли қароргоҳи томон бурди.

Шу аҳвол устига хабар келдики, Кепакхон ибн Дуво Чечанхон ибн Буроқхон ибн Суқрохон ибн Комқорхон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон ва Майсур ўғлон ибн Ўнгитемурхон ибн Тўқтемурхон ибн Қудоғойхон ибн Турихон ибн Бойконхон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон саноксиз сипоҳ билан Омуя дарёсидан ўтдилар. Улар жидди тамом ва жаҳди молокалом билан Хуросон вилоятларини тасхир этмоққа азм этдилар. Хуросон мамлақати амирулмароси Амир Ясовул, Амир Али Қушчи, Амир Бужой ибн Амир Донишманд баҳодир. Амир Муҳаммад Дўлдой сингари Элхоний амирлари ва бошқалар шу мамлакатда эдилар. Мовароуннаҳр аскарларига қарши чиқиб, енгилдилар. Бу хабар Султон Муҳаммад Худобанда, яъни Ўлжойту Султон Элхоний қулоғига етди ва Хуросон юришига азм қилди. Адоват хабарини эшитибок, орқага қайтдилар ва ўз масканлари сари шошилдилар. Шунда Ўлжойту Султон Элхон ўзининг матонатли ўғли Султон Абусаъидни катта дабдаба ва ҳашам билан Хуросон ҳокими қилиб тайинлаб, Амир Севинчни унга отабеклик ва амирулмароликка муқаррар қилди. Амирлар ва аркони давлатнинг ҳар бири ўғли ёки укасини Султон Абусаъид рикобига мулозим қилдилар. Шахзода (в.146а) Абусаъид туркларнинг сичқон йилига мувофиқ келадиган санайи 713-йилда Хуросон сари равона бўлди.

Кўшкни мурод яйловида Кепакхон маърақасидан қочган Амир Ясовул, Амир Али Қўшчи олий мавкибга келиб қўшилдилар. Султон Абусаъид Хуросонга етгач, адолат ва мурувватни ўрнатди. Ул диёр сокинлари боши узра шафқат ва мурувват қанотини ёйди. Шахзоданинг қутлуғ қадами туфайли фитналар ором топди. Кепакхон ибн Дува Чечанхон билан Майсур ўғлон ибн Ариқтемурхон орасида адоват пайдо бўлди. Майсур ўғлон Элхон кўнглига мувофиқ Хуросон томон кетди.

Туркларнинг товушқон йилига мувофиқ келадиган санайи 716-йилда, Ўлжойту Султон жон олувчи касалликка учради. Мазкур йилнинг ийди фитр, жумъа кечаси қазо қўли унинг ҳаёти сижилига рақам чекди. Назм (мазмун):

Ийд шоду хуррамлик сармойеси эди. Бу ийд Эрон халқи учун ғамга айланди. Лекин худойи таоло равзаси аҳли суннатга икки ийд бахш этди. Бири ҳар бир рўзадор учун

ифторлик бўлса, бири нобакор банданинг ўлими. Бир муртад ўлса, ундандир. Қазо эгаси унга жонини топширди. Ўлжойту исломга банда бўлганда, унинг даврида лақаби Худобанда бўлди. Уни Султонмуҳаммад дейишадиган бўлди халқ орасида, рост мазҳаби бўлганда унга Худобанда деб лақаб қўйишди. Шиалардан бошқа кишилар, унга эргашиганидан банда бўлмаганлар уни қазо дердилар. Шунинг учун исломийлар наздида улар банда эмас, Равофизлар учун Худобандадир.

Ўлжойту Султон султонлиги муддати 12 йилу тўққиз ой бўлди. Ҳаёти 36 йилни ташкил этди. Дафн маросими қалъада қурилган Абвобул баракат гумбазида ўтказилди. Айтишларича, Ўлжойту Султон Чингизий султонларининг кўпчилигидан адолат бисотининг ҳозирланиши, шариат қонунларининг мустаҳкамланишида батамом имтиёзга эга эди. Ўз давлати айёмини саййидлару (в.1466) уламолар, саҳобалар тартиботидан, тўғрилиқ ва фатводан деб тушунди. Али хонадони аҳлига бўлган муҳаббатда зиёда муболаға килди.

Аммо санайи 709 йилда баъзи имомларга қарашли одамлар имомия мазҳаби ривожига ўз хиссасини қўшиб юрган Ҳалаб мутахҳари (авлиёси) Шайх Жамолиддин Ҳасан ибн Саййид Бадриддин қуткуси билан шу Султон муҳаммад Худобанда Валиюллоҳ Али лафзини «Ло илоҳа иллоллоҳу Муҳаммадан Расулуллоҳ» (сўзлари) дан кейин зарб қилган тангага ёздирган. Бу Султон Маҳмуд Ғозонхон замонидаёқ муқаррар қилинган эди. Сўнг Хулафойи Салосия машҳур исмларини хутбадан чиқартириб ташлаб Ҳазрати Амирулмўъминин, тўртинчи халифа Али ибн Абутолиб, каррамаллоҳу, номидан кейин Ҳасан ва Ҳусайн номларини бе Муҳаммад Маҳди ради оллоҳу анҳумул-ажмаъин ўқиганлар. Яна сиккада ўн икки имом исмлари дарж қилинган эди. Шу сабабдан аҳли суннат ва жамоат уни Султон Муҳаммад Хар банда деб аташган. Шиа ва туғён арбоби уни Султонмуҳаммад Худобанда дейишган. Бунинг устига ўша йили Султонмуҳаммад Ўлжойтухон бу дунёдан кўч-кўронини туғиб, туркларнинг товушқон йилига мувофиқ келадиган 716 йилнинг муҳаррам ойида имомия мазҳаби ижросида саъй-ҳаракат қилган Ҳалаб мутахҳари Шайх Жамолиддин Ҳасан ибн Саййид Бадриддин Ўлжойту Султон даврида муқаррар жойига — сақарга жўнади.

Тўққизинчи хон Султон Абусаъид ибн Ўлжойтухондир.

СУЛТОН АБУСАЪИДХОН ИБН ЎЛЖОЙТУ СУЛТОН ИБН АРҒУНХОН ИБН АБАҚАХОН ИБН ҲАЛОКУХОН ИБН ТУЛИХОН ИБН ЧИНГИЗХОН (ПОДШОҲЛИГИ) ЗИКРИ

Султон Абусаъидхон ибн Ўлжойту Султон отаси касалининг зўраётганини эшитиб, Амир Севинч билан Хуросондан Султонияни қўлга олиш ниятида йўлга чиқди. Ирок томон юрди. Лекин бундан аввал қазо ўз ишини қилган ва Ўлжойту Султонни фоний олам манзилидан ўтказган эди. Султон Абусаъид Ироққа етганда, туркларнинг луй йилига мувофиқ келадиган 717 йил бошларида (в.147а) яна хабар олди. Ўз отасининг, Ўлжойту Султоннинг бино қилган асарларидан Султония шаҳрида жаҳонбонлик тахти ва хонлик маснадини муборак вужуди билан мушарраф айлади. Мулку миллат ишларини тартибга келтиришда ғайрат кўрсатди; адолат ва ҳаққоният байроғини баланд кўтарди. Амирулумаролик мансабини Амир Чўбон сулдузга топширди. Собиқ дастурга кўра вазирлик ишларини хожа Рашидиддин табиб ва хожа Тожиддин Ҳалабий, Жилон шоҳига топширди. Ўшанда Султон Абусаъидхон хануз 12 яшар бўлгани ва энди 13 га қадам қўйиш арафасида эканлигидан Амир Чўбон сулдуз мулку мол соҳиби ихтиёрлигини ҳам бажарар эди ва жамики ишларга «мин хайсул-асқалол» дахл қиларди.

Туркларнинг илон йилига мувофиқ келадиган 718 йилда девон соҳиблари ўртасида муҳолифат ва низо сабабидан хожа Тожиддин Алишоҳ Жилоний амирлар, аркони давлат ва хусусан Амир Чўбон сулдузга ришватлар бериб, Султон Абусаъидхоннинг хожа Рашидиддин табибга нисбатан кўнглини қолдиришга эришди. Ўша фозил ва неқнафас вазирни шаҳодат даражасига етказдилар. Мавлоно Ишқий бу воқеа тарихи хусусида ёзганлар:

*Рашиди миллату дин чун раҳил баст ба уқбо,
Навешт муниший тарихи у ки, тоби сирот.*

Мазмуни:

*Дину миллат Рашиди охиратга жўнаганда
муниший унинг тарихини «сирот» тобидир, деб ёзди.*

Шу йили шаҳзода Майсур ўғлон ибн Ариқтемурухон ибн Тўқтемурухон ибн Қудағайхон ибн Турихон ибн Бомконхон ибн Чигатойхон ибн Чингизхон Хуросонда исён кўтарди ва Мозандаронгача ҳам оти жиловини тортмади.

Дашти Қипчоқ томонидан ҳам олийшаън подшоҳ Султонмуҳаммад Ўзбакхон ибн Тўғрулхон ибн Тўқтойхон ибн Тўғонхон ибн Ботухон ибн Жўчихон ибн Чингизхон Дарбанд йўли билан Озарбайжон сари юрди. Султон Абусаъидхон ибн Ўлжойту Султон, Ўлжойту Султоннинг синглиси, султон аммасининг эри Амир Хусайн Гургон ибн Афтуқо ибн Сангутур ибн Элхон жалоийрни (в.1476) Майсур ўғлоннинг лашкарини дафъ қилмоққа тайинлади. Ўзи Қорабоғ қишлоғига жўнади. Амир Чўбон сулдуз ҳам Амир Хусайн Гургон ортидан равона бўлди.

Шу аснода олийшаън подшоҳ Султонмуҳаммад Ўзбекхоннинг Дарбандни эгаллагани хабари етди. Султон Абусаъид ёнидаги озгина сипоҳи билан зарурат юзасидан Кур дарёси бўйига жўнади. Ваҳоланки, дарёнинг нариги қирғоғида душман лашкари ғорат ва талон-тарож билан машғул эдилар. Хуросон тарафга кетаётган Амир Чўбон сулдуз Байлақонга етганда Ўзбакхон лашкарининг хужуми хабарини эшитди. Уни қайтаришга ҳаракат қилиб, икки тумон лашкар билан бахру-бар подшоҳи Султон Абусаъидхон Музаффар билан бирлашди. Бу орада раият Ўзбакхон сипоҳи томонидан бўйсундирилиб, ўз вилоятлари сари кетаётган эдилар. Амир Чўбон сулдуз бунини эшитиб, шамол сингари дарёдан кечиб ўтди. Кўплаб муҳолифларнинг ҳаёти хирманига ўт қўйиб, даҳр тупроғига баробар қилди.

Амир Чўбон сулдуз қайтиб келиб, олдин султоннинг хумоюн ўрдусида Ўзбакхон билан жанг қилган Қўрмиши ибн Алиноқ кериит ва бошқа амирларнинг устидан подшоҳ ҳукмини чиқартириб, яроғ асосида қамокқа олди. Ясоқ чўпини тикди. Амирлар Амир Чўбон сулдузнинг бу феълидан кўнгиллари ранжиб, Амир Акрихий кериит, Амир Нуъмон, Амир Эшбўқо, Амир Бўқо элдурчи, Амир Чўбон Қораавбошлар Амир Қўрмиши ибн Алиноқ кериит билан тил бириктириб, ўзларига фурсат топиб талон-тарож қилишга қарор қилдилар. Шу аснода Султон Абусаъидхон Султония тарафга жўнади. Амир Чўбон сулдуз Гуржистон томон ҳаракатга келди. Бадахд амирлар фурсатини ганимат ҳисоблаб, бўрилардек Амир Чўбон сулдуз ортидан тушдилар. Манзилига яқинлашганларида Амир Чўбон сулдуз хабар топиб, юртни холи қолдириб, бошқа тарафга кўчиб ўтди. Ёғийлар Чўбон ўрдусини ғорат ва талон-тарож шамолига топширдилар ва ортидан қувишга тушдилар. У билан учрашганларидан кейин қаттиқ саваш бўлди. Шикаст (в.148а) Амир Чўбон сулдуз томонига тушди. Бир неча бечораҳол билан қочиб, кўп машаққатлар билан Султонияга етиб келди. Шунда Қўрмиши ибн Алиноқ

кероит, Акрихи кероит, Нўъмон, Эшбўқо, Бўқо элдурчи Чўбон Қораавбош ва бошқа амирлар билан саноксиз сипоҳни бошлаб, Нахчивондан жанг қилмоқ ниятида Чўбон сулдузни таъқиб этиб, Султония худудига етдилар. Сафедруддан кечиб ўтиб, Дилкон (Дилигон) мавзеида Султон Абусаъидхон лашкари билан муқобил бўлдилар.

Жанг бўлди. Султон Абусаъид душманлар шаштини мушоҳада қилиб, амирларни ўз мулозаматида бўлган иккинчи лашкар билан уларга қарши жўнатди. Икки лашкар тўқнаш келгандан кейин жўшу хурушга келиб, ҳалқум қасдида қилчу ханжар (ишга тушди). Бир-бирларига ханжар торта бошладилар. Шу маъракада Амир Эриктан ва унинг завжаси, Шаҳзода Кичик Амир Шайхалилар Султон Абусаъид жангчиларидан бири томонидан ўлдирилди. Абдурахмон Амир Қўрмиши кероит ўғлига шижоат ва баҳодирликда тан бергандилар. Лекин, подшоҳ лашкарига кўз тега бошлаган эди. Шунда ҳали ёш бўлишига қарамай Султон Абусаъидхон тангри ҳимояти ва инояти раббоний билан паҳлавонлик шамширини яланғочлаб нафис-нафсига риоя қилиб, ҳаммадан олдин майдонга от солди. Зафарли лашкар бу ҳолатни мушоҳада қилиб, бир йўла хоксор душман устига ташландилар. Шу даражада жаҳд билан жанг қилдиларки, тиглар дамидан улар қони бедариф булутдан ёмғирдек тўкилди. Фатху зафар насими мурувватли шахриёр яловига уфурди. Амир Акрихи кероит, Амир Эриктан, Амир Нўъмон, Амир Эсанбўқо қўлга олиниб, ясоққа етказилди. Амир Қўрмиши ибн Алиноқ кероит, унинг ўғли амирзода Абдурахмон, Амир Бўқо элдурчи, Амир Чўбон Қораавбош қочиб қутулдилар.

Билохира, Султон Абусаъидхон тарафдорлари уларни ҳам қўлга тушуриб, ясоққа етказдилар.

Эрон замин шахриёри бу урушда ўз аҳамияти билан қахрамонлик ва мардоналик кўрсатгани туфайли (в.1486) туркларнинг юнд йилига мувофиқ санайи 719 йил муқаддас ражаб ойининг 20-куни барча хосу-авомни шунга қарор қилишдики, султоннинг ҳумоюн лақабларига «Баҳодир» лафзини қўшиб айтилади.

ШАХЗОДА ЯСОВУР ЎҒЛОН ИБН ЎРКТЕМУРХОН ИБН ТЎҚТЕМУРХОН ИБН ҚУДАҒАЙ ИБН НУРИ ЁМКОН ИБН ЧИҒАТОЙХОН АҲВОЛИНИНГ БАЁНИ

Шаҳзода Ясовур ўғлон Мозандаронда Амир Хусайн Гургон ибн Оқбуқо ибн Шингку турин Элхон жалойирнинг юришидан хабар топиб, кўп жойларни хароб қилди-да,

орқасига қайтди. Амир Ҳусайн Гургон унинг ортидан қувиб кетди. Ясовур ўғлон Нишопур сарҳадлари сари кетди. Бу шаҳар аҳолисига катта маблағ (товон) солди. Шу аснода Амир Ҳусайн Гургоннинг Нишопурга икки фарсаҳ яқинлашиб тўхтаганини эшитди. Бирор воқеа бўлиши эҳтимолининг олдини олиб, Тус йўли билан Жомга келди. Бу ердан Муборакшоҳ ибн Буқойни кетидан мактуб йўллаб кетма-кет Ҳиротга жўнатди. Токи, Малик Ғиёсиддин куртни муҳосара қилгайлар. Улар Ҳирот шаҳри ноҳияларига етиб келгач, Малик уларни тўхтатмоқ учун илгари юрди. Бир неча кун қонли жанглар бўлди.

Бу ҳолга хилоф равишда Шаҳзода Ясовур ўғлон Амир Ҳусайн Гургоннинг Ироқ сипоҳи билан яқинлашиб келатганини эшитди. Лозарам, у элчи жўнатиб Муборакшоҳни ва мактубнинг қайтариб юборилишини талаб қилди. Улар етиб келгач, маълум бўлдики, ҳалиги хабарга тескари воқеа содир бўлган. Амир Ҳусайн Гургон яна икки ой давомида бошқа манзил томон ҳаракат қилмайдиган бўлди. Шунда шаҳзода Ясовур ўғлон бу ердан силжиш-силжимаслик ҳақида машварат қилди. Кўпчиликнинг раъйи билан шундай қарорга келиндики, Ҳиротга келиб, келишилганидек уни қамал қилгайлар. Шу мақсадда ҳаракат байроғини ўша тарафга кўтардилар. Туркларнинг юнд йилига мувофиқ санайи 719 йили, рабиюлаввал ойининг 22-куни Бушурон марғзорини ўзларига манзил қилдилар. Бир ой давомида қамал ва Малик Ғиёсиддин курт билан жанг қилиб, уни кўп овора қилдилар ва ташвишга солдилар. Ишнинг илгари силжимаётганини кўриб, шафқатга келдилар. Шу орада Амир Ҳусайн Гургон (в.149а) Ҳиротга етиб келиб, Малик Ғиёсиддин курт билан бирлашиб, Ясовур ўғлонни Заррин майдонигача қувиб келди. Бу ерда баъзи муҳолифларни қўлга олиб ясоққа етказди, кейин қайтиб кетди.

Айтишларича, шаҳзода Ясовур ўғлон бу ердан Мовароуннаҳр вилоятига жўнаган. Чиғатойхон ибн Чингизхон авлодидан бири қўлига гирифтор бўлган ва ўлдирилган. Баъзиларнинг гапига кўра, у бир неча кун Дашти Қипчоқ мамлакатада хонлик тахтига ўлтирган. Аҳволнинг ҳақиқатини Тангри яхшироқ билади.

АБУСАЪИД БАҲОДИРХОН ДАВЛАТИ АЙЁМИНИНГ БАЪЗИ ВОҚЕАЛАРИ, АМИР ЧЎБОН СУЛДУЗ АХВОЛИ ВА АМИР ЧЎБОН СУЛДУЗ ҲАЁТИНИНГ ОХИРИ ҲАМДА АВЛОДИНИНГ АХВОЛИ ЗИКРИ

Дунё ровийларининг ривоят қилишларича, Султон Абусаъид Баҳодирхон давлатининг бошланиши Султон ёш бўлгани сабабидан мадорулмулкий вазифасини Амир Чўбон сулдуз бажарди. Сўнг салтанат султонга ўтди. Ҳатто, туркларнинг бичи йилига мувофиқ санайи 721 йилда Амир Чўбон сулдуз шаҳзодаликни танг қилмай қўйди.

Ўлжойту Султон Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг синглисини ўз никоҳига киритиб, айшу ишрат садоси, суруру хурсандчилик нидосини Аюқ авжига етказди.

Туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 722 йилда Рум вилоятининг амири бўлиб турган Амир Темуртош ибн Чўбон сулдуз муҳолифлик бошлаб, ўз номига хутба ўқитди. Амир Чўбон сулдуз қиш ўрталарида ўғлининг фитнасини дафъ қилмоқ учун йўлга чиқди. Амир Темуртош отаси билан жанг қилди. Амир Чўбон ўз ўғли Амир Темуртошни банд қилиб, ўрдуйи ҳумоюнга етказди. Султон Абусаъид Баҳодирхон Амир Чўбон сулдуз юз-хотирини қилиб, бебош Темуртош гуноҳи жаридасига афв рақамини чекди ва иккинчи бор уни Рум ҳукуматига сарафроз этди. Туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 723 йилда, хожа Алишоҳ Жилон табиий касаллик туфайли Учонда бежон бўлди. Амир Чўбон сулдузининг ноиби хожа Рукниддин Сойин (в.1496) хожа Алишоҳ ўрнига вазир бўлди. Шу йили яна Амир Чўбон сулдуз ўз қизи Бағдод хотунники, ҳуснужамолда офоқ яғонаси эди, Амир Шайх Ҳасан ибн Амир Ҳусайн Гургон ибн Оқбуқо ибн Шингу турин Элхон жалоийр никоҳига узатди. У Султон Абусаъидхон аммасининг ўғли, Ўлжойту Султоннинг синглисининг ўғли, жияни эди.

Туркларнинг тўнгуз йилига мувофиқ санайи 725 йилда Амир Чўбон сулдуз саноксиз лашкар билан Гуржистон йўли орқали Дашти Қипчоқ шаҳарлари устига юриш қилди. Султонмуҳаммад Ўзбак мамлакатада босқин ва горатлар қилиб, яна тезлик билан орқасига қайтди.

Ўша йили Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг Бағдод хотунга нисбатан меҳри ва ишқи пайдо бўлди. Сабру қарор жиловини бир йўла қўлдан ва ихтиёридан чиқарди. Бу байт унинг ўшанда ёзган ғазалидандир. Байт (мазмун):

Дилим Мисри (шаҳри)га келгинки, жоним Димишқини кўрурсан. Зеро, дилим орзуси Бағдод ҳавасидадир.

Чингизхон Ясоси бўйича ҳар қандай аёлга хоннинг

кўнгли тушса, унга эри уч талоқ кўйиши ва подшоҳ ҳарамига жўнатиши лозим бўлган. Шунга кўра, Султон Абусаъид Баҳодирхон бир маҳрамни Амир Чўбон сулдуз ҳузурига жўнатиб, кўнглидаги гапни изҳор қилди. Амир Чўбон сулдуз бу гапни эшитиб, иззати нафси озор топиб, носавоб жавоб қилган. Султон Абусаъид Баҳодирхон бундан тилини тишлаб қолган. Аммо, олий хоотири ҳошиясида кудурат кўнган. Амир Чўбон сулдуз шундан кейин муҳаббат ва маҳбуб ўртасидаги ишқ оташи сўнади, деган мулоҳазага бориб, Амир Шайх Ҳасан Элхонийни хотини Бағдод хотун бинти Амир Чўбон сулдузни Қорабоққа жўнатди. Султон Абусаъид Баҳодирхонни кўярда-кўймай Бағдод қишловиغا олиб борди. Олиймақом шахриёр доруссалом Бағдод (в.150а) шахрига етиши билан Бағдод хотунга бўлган ишқи олдингисидан ҳам ортиқроқ кўнглини ўртай бошлади. Назм (мазмуни):

*Давоийи ишқ сафардан чиқарди. Билгилки,
ҳар манзил сари дилда меҳри орта боради.*

Бахтга қарши, Малик Нусратиддин Одил лақабли Рукниддин сойин вазир Амр Чўбон сулдуз ва унинг авлоди феълу аъмоли маҳол ботиб турган бир пайтда уларни қабиҳ бир вайҳда арз қилди. Бу сўзлар «Каннақши фил-ҳажара» («Тошга чекилган нақш») дек Султоннинг одил дили лавҳида битилиб қолди. Димишқ Хожа ибн Амир Чўбон сулдуз сарой ичкилари ва яқинлари қаторида эди. У подшоҳ миждоғидаги ўзгариш ва вазирнинг чақимчилигидан хабар топиб, отасининг қулоғига етказди. Амир Чўбон сулдуз ўзича бунини шундай ҳал қилди: узоқроқ бир вилоятга Рукниддин Соийн вазир билан бирга кетиб, фурсат топса унинг куфрони неъматини учун жазога мустаҳиқ қилади. Ложарам, бир баҳор фаслида Султон Абусаъид Баҳодирхон Бағдоддан Султонияга кетди. Димишқ Хожа ўз ўғлини султон хизматида пойтахтда қолдириб, ўзи Хуросон вилоятини забт этишни баҳона қилиб жўнади. У ерга етиб, тўнғич ўғли Амир Ҳасанни катта лашкар билан Ғазнинга жўнатди. Амир Ҳасан ул вилоятда ҳароб ва ғорат, қатли ом уюштирди. Султон Маҳмуд Ғозий ибн Собуктегин мазорида бемаънилиқлар қилди. Ложарам, ҳақ таоло уни аъмолига яраша жазо тайинлаган экан, етказди. Чунончи, шу яқинроқда тангри жазосини етказгай.

Алқисса, Амир Чўбон сулдуз Димишқ Хожани Султон пойтахтида қолдириб, ўзи Хуросон тарафга кетди. Амир Димишқ Хожа султонлик тадбирларининг жузвийёт ва куллиётини эмин-эркин дахл қила бошлади. Султоннинг

подшоҳлик номидан бошқа таъсири қолмади. Бу ҳол ҳумоюн шоҳ хотирига оғир ботди. Хилватда кўнглидагилардан баъзи ўз яқинларига шаъма қилди. Ўша анжуманда мулозимлардан бири (в.1506) арзга етказдики, «Амир Димишқ хожа Султония қалъасидаги Ўлжойту Султоннинг фалон кумоси билан алоқа қилади». Султон деди: «Қачон Димишқ хожа маҳбубаси хонасига борадиган бўлса, мени огоҳ қилинглар!» Ўша куни пайшанба кечаси, туркларнинг уд йилига мувофиқ санайи 727 йилнинг шаввол ойи эрди. Амир Димишқ хожа Султония қалъаси тепасидаги ўз маҳбубаси хонасига кетган эди. Олийшаън султонга хабар бердилар. Унинг қатлига ҳукми султоний жорий бўлди. Аммо, ҳеч кимнинг бу амрга амал қилишга раъйи бўлмади. Ўша кечаси тил бириктиришиб, Гуржистон атроф-теварагидан бир неча кесик бош келтирдилар. Амир Тўғон, Амир Тоштемур тадбирига кўра, Султон фармони эълон қилинди: Бу бош Амир Чўбон сулдузникидир, деб овоза тарқатдилар. Султон фармонига биноан Хуросонда унинг хос кишиларини ясоққа етказдилар. Бошини танасидан жудо қилиб, бу ёққа жўнатдилар. Амир Димишқ Хожа бу хабарни эшитиб, оромини йўқотди. Ўзига қарашли ўн нафар одами билан ўзини Ҳисор деворидан ташқарига отди. Ўз уйини қамалда кўрди. Қочмоққа юз қўйди. Султон Абусаъид Баҳодирхон Амир Миср хожа, Амир Оғо Лулуни Димишқ Хожа такомиши учун жўнатди. Улар унинг ортидан қувиб етиб, Амир Миср хожа ўз қўли билан Амир Димишқ Хожа ибн Амир Чўбон сулдузнинг бошини танидан жудо қилди. Шунда подшоҳи жамжоҳ Хуросон амирларига нишонлар жўнатди: «Амир Чўбон сулдуз ва унинг одамларини тутиб, ўлдиришда саъйи ва ғайрат маросимини бажо келтиринг!» Шунингдек, қолган теварак-атрофдаги вилоятларга жиддий таъкидлаб, ҳукмлар жўнатдики, чўбонийлардан асар қолдирмагайлар. Буюрдики, Димишқ Хожанинг калласини Султония дарвозаси тепасига осиб қўйгайлар. Султон ёрлиғи Хуросонга етгач, Султон ёрлиғини унга жўнатдилар. Хуросонда баъзи амирлар Чўбон сулдуз билан иттифок тузиб олдилар. Амир Чўбон сулдузнинг тўнғич ўғли Ҳасан шундай тадбирни изҳор этди: «Султон Абусаъид амирларидан шу ердагиларини ўлдирмоқ лозим. Уларнинг бошларини эса Султон ҳузурига (в.151а) жўнатиш керак. Мамлакатни қўлга олиб, Чиғатой улуси подшоҳзодалари паноҳига ўтиш лозим. Токи, улар бизларга мададкор бўлсинлар. Аста-секин Эрон подшоҳлиғи ўзимизники бўлажак».

Амир Чўбон Сулдуз ўз ўғли Ҳасан сўзларига қўшилмади. Давлатининг қуввати ва ҳашамати ғурури билан мағрур эди.

Баъзи амирлар билан иттифоқ бўлиб, катта лашкар тузди ва Ироққа қараб юрди. Ўша вақтда Султон Абусаъид Баҳодирхон ҳам Султониядан чиқиб, Қазвинда кўчкўронини ёйди. (Султон Абусаъид Баҳодирхон) Хожа Гиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Рашидиддинники, Салмоннинг тасниф қилган мувофиқ матни, «шамсия» шарҳи, «Таърихи гўзида»си ва қасидаси унинг машхур номига муашшаҳ ва музайян қилинган эди, вазир тайинлади.

Алқисса, Султоннинг Хуросонга жўнатган кишилари етиб бориб, нишонларни амирларга етказганларида, ўша вақтда уларнинг адоватга кўнгиллари ёр бермаган эди. Шунинг учун дарҳол воқеа кайфиятини Амир Чўбон сулдуз ҳузурида ўртага қўйдилар. Амир Чўбон ўғлининг ўлимидан хабар топгач, ғаму андуҳга ботди. Вазир Рукниддин Сойинни ҳаёт йўлидан мамот қаърига отди. Рукниддин вазирни ўлдиргандан кейин 70 минг нафарли суворий хунхор лашкар билан интиқом учун Ироқ тарафга отланди. Бу ҳақда эслатиб ўтилганидек, Амир Чўбон сулдуз Симнонга етиб боргач, Ҳазрати кутбул ақтоб, авлиёи Раббоний Шайх Рукниддин Аловуддават Симноний қаддаса сирраҳу мулозаматига бориб, ҳазрат ҳузурида амирларга қасам ичдики, ул кишидан юз ўғирмагай. Шунда ул ҳазрати Шайхдан Султон ўрдусига бориб Амир Димишқ Хожа қотилларидан хун талаб қилишни илтимос қилди. Шарт ишига саъй ва ғайрат бажо этишларини сўради. Ҳазрати Шайх «Ижобан ли мултамаса» ўша ёққа жўнади. Султон Абусаъид Баҳодирхон ул олиймақом бузрукка таъзим ва эҳтиром учун ўрнидан турди. Одоб билан иккала тиззасига чўкди. Аммо, Димишқ Хожа ибн Амир Чўбон сулдуз қотилларини тутиб бериш ва Амир Чўбон билан сулҳ борасидаги гапларни ризо кулоғи билан эшитмади. (в.1516) Амир Чўбон ҳазрати шайх қайтиб келгандан кейин ўта ғурур билан олиймақом подшоҳ ўрдаси томон юриш бошлади. Куҳо мавзеига етганда икки ғаним орасидаги масофа бир кунликдан ортиқ йўл қолмаган эдики, Амир Муҳаммад Хачак нўён уйрот, Амир Некрўз ва бошқа шу сингари буюк амирлар — 30 минг нафарли мардона мардлар билан бирга Амир Чўбон сулдузга аҳду паймон дафтарини унут тоқчасига қўйиб, султон лашкарига қўшилиб, олийжоҳ подшоҳ хизматида ўтдилар. Амир Чўбон сулдуз қолган амирлар ва лашкардан (умидини узиб), кўрққанидан биёбон йўли билан Хуросон вилояти сари кетди. Аксар одамлари тарқалиб, паришон бўлиб кетдилар. Амир Чўбон сулдуз Туркистон сари йўналиб, Мурғоб дарёси бўйига от сурди. Шу манзилда ўз хаёлидан пушаймон бўлди. Ўз мураббийси бўлган Малик Гиёсиддин курт

паноҳига келди. Амир Чўбон сулдузнинг Хиротга кириб келиши арафасида Малик Фиёсиддинга Султон Абусаъид Баҳодирхондан маншур етиб келди. Унинг мазмуни шундай эдики, Амир Чўбон сулдузни қаердан бўлса ҳам топиб, ясоққа етказгайсиз. Гардунчин ва Форс отабеги Ахдо малик василаси билан муфтахиру сарафроз бўлурсиз. Малик Фиёсиддин курт султон ёрлиги мазмунидан вокиф бўлгандан кейин Амир Чўбон сулдуз неъматлари ва тарбияти ҳуқуқини йўққа чиқариб, кўриниши билан жаллодни чақирди. Амир Чўбон қанчалик кўлик ва изтиробга тушмасин, ҳақшунос Малик у билан бир бор мулоқот қилсин, деб ялинмасин, ўрнига тушмади. Назм (мазмуни):

Муруват тугади, вафо йўққа чикди. Бу иккаласидан семурғ ва кимё сингари фақат ном қолди.

Шунда Амир Чўбон сулдуз Маликка менинг уч васиятимни бажо келтиргин, деб хабар берди. «Биринчиси, бошимни бадандан жудо қилгин; иккинчидан, жасадимни Расулulloҳ салиоллоҳи алайҳи васалломнинг Мадинасига жўнатиб, ул табаррук мавзеъда қурилган иморат ичига дафн қилурсан. Учинчиси: «Ўғлим Жаллодхонни (в.152а) ки Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг синглиси Шаҳзода Соқибек бинти Ўлжойту Султондан туғилгандир, тирик ҳолда султон ўрдасига жўнатурсан». Малик илтифот кўргизиб, бу илтимосларни қабул қилди. Сўнг жаллод Амир Чўбон сулдузнинг кекиртагини кесиб, ҳалок қилди. Унинг икки бармоғини Султон ўрдусига жўнатди. Бу нишона туркларнинг барс йилига мувофиқ санайи 728 йилда, муҳаррам ойида Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг пойтахтига етиб келди. Унинг ҳукмига биноан уни бозор саройи дарвозасига осиб қўйдилар.

Мазкур йилнинг қишида Малик Фиёсиддин курт ҳашаматли султон билан учрашиш учун йўлга чикди. Йўл асносида Амир Шайх Хусайн бузург Бағдод хотун бинти Амир Чўбон сулдузни мажбуран талоқ қилгани, иддати тугагандан кейин подшоҳ ҳарамига ташриф этиб келганини, у бағоят соҳибихтиёр эканини эшитди. Беҳамият малик бу хабарни эшитиб, ҳайрат дарёсига ғарқ бўлди. Хуросонга киши жўнатиб, ўша кезларда ҳусну малоҳатда тенги бўлмаган Жаллодхон ибн Амир Чўбон сулдузни орадан йўқотди. Ўзи Қарбоққа келиб, Султон Абусаъид Баҳодирхон ҳузурини ер ўпиш иззатиға мушарраф бўлди. Аммо Бағдод хотун эътибори туфайли унинг ишлари юришмади. Балки, Маликни ҳумоюн ўрдуда ҳибсда сақладилар. Шундан кейин махсус одамлар Хуросонга бориб Амир Чўбон сулдуз ва унинг ўғли Жаллодхон тобутларини хон ўрдусига

келтирдилар. Шунда Султон Абусаъид Баҳодирхон маҳмил харжи учун 40 минг динор маблаг ажратди. Токи, ҳожилар ул тобутларни ўзлари билан Маккайи муаззамага олиб бориб, сўнгра Мадинайи мунавварага етказиб, тупроққа топширгайлар.

Амир Чўбон сулдуз қатл этилгандан сўнг унинг баъзи авлоду акробалари ҳам ўлдирилди. Қолганлари оламнинг теварак-атрофида саргардон бўлиб қолдилар. Шулар жумласидан Амир Темуртош ибн Амир Чўбон сулдуз бўлиб, (в.1526) Рум мамлакати ҳокимлигига мансуб эди. У Румдан қочиб, Мисрга кетди. Бу ерда ўлдирилди. Бу воқеанинг батафсил баёни тарих китобларида сабт этилгандир. Айтишларича, Амир Чўбон сулдуз кўли очик, одил бўлган. Дини исломнинг қувват топишида куч-ғайратини аямаган. Унга тангрининг раҳмати бўлсин!

**БАҒДОД ХОТУН БИНТИ АМИР ЧЎБОН
СУЛДУЗНИНГ СУЛТОН АБУСАЪИД БАҲОДИРХОН
ИБН ЎЛЖОЙТУ СУЛТОН НИКОҲИГА ЎТИШ
ШАРАФИГА МУШАРРАФ БЎЛГАНИ ВА УЛ
ОЛИЙЖОҲ ПОДШОҲНИНГ ТАҚДИР ТАҚОЗОСИ
БЎЙИЧА ВАФОТ ЭТГАНИ БАЁНИ ЗИКРИ**

Хабарлар келинчакларининг машшоталари шундай ривоят қилурларки, Амир Чўбон сулдуз ўлдирилгандан кейин комрон шахриёр Султон Абусаъид Баҳодирхон қози Муборак шоҳни ҳузурига чорлаб, дедики, Амир Шайх Ҳасан Бузург ҳузурига бориб, қанақа ҳийла билан бўлса ҳам уни Бағдод хотундан айнитгин. Қози Султон фармонига мувофиқ Амир Шайх Ҳасан Бузург Элхоний ҳузурига бориб, билган иборатлари, кўлидан келган калималар билан ўша ғаройиб ҳикояни Амир Шайх Ҳасан Бузургга эслатди. Шайх Ҳасан ўз жонидан кўркиб, жононидан ажралишни ихтиёр қилди. Қози Муборакшоҳ ҳузурига Бағдод хотунни уч талок кўйди. Иддат муддати ўтгандан кейин олий даражадаги ҳукмдор Бағдод хотунни ўз никоҳига киритди. Бағдод хотун иззат оёғини салтанат гарданига кўйиб, мамлакат ва молия ишларга олий даҳл қила бошлади. Туркларнинг юнт йилига мувофиқ санайи 732 йилда бир гуруҳ ҳасадчилар Султоннинг шараф қулоғига етказдиларки, Амир Шайх Ҳасан Бузург билан Бағдод хотун ўрталарида пинҳоний алоқа мавжуддир. Бу одамлар бадгўйлигидан Султоннинг кўнгли ҳар иккисидан ҳам қолди. Шайх Ҳасан Бузургни қатлга буюрмоқчи бўлди. Аммо, онаси Ўлжойту Султоннинг

синглиси, яъни ўзига амма бўлганидан, аммаси юз-хотири учун Шайх Ҳасан Бузургни қатл этиш хаёлидан воз кечди. Уни Кумоҳ қалъасига ташлатди. Бағдод хотунни эътибори даражасидан улоқтирди. Бу гапларни суриштириб, пасткашларнинг ёлгон сўзлари аниқлангач, Бағдод хотунни иккинчи бор эътибор назарига манзур этди. (в.153а) Ҳасадчилар бўхтонидан ғазабга учраган Амир Шайх Ҳасан Бузургни марҳамат ва шафқат юзасидан Рум ҳукумати тахторосига айлантирди.

Хикоя қилишларича, Султон Абусаъид Баҳодирхон баҳор-кузда Султонияда, ёз-кишда Бағдод ё Эрон Қорабоғида яйлов ва қишлоқ қилган. Унинг фазлу хунар, шеър хатт арбобига эътибори катта бўлган. Хатни ғоятда чиройли ёзган. (Хатда) устоди Хожа Абдуллоҳ Сайрафий бўлган. Султон Абусаъид Баҳодирхон туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 735 йилнинг охирларида Бағдод сари йўлга чиқди. Йўлда Султонмуҳаммад Ўзбакхоннинг Дашти Қипчоқ мамлакатидан Эрон ва Озарбайжонга юриш бошлаганини, кейин Синдга ўтишини эшитди. Шу сабабли, туркларнинг ит йилига мувофиқ 736-йил бошларида йўлидан қайтиб, ҳаракат жиловини Эрон тарафга бурди. Шервон худудида уч ойга яқин туриб қолди. Аммо ҳаво ҳарорати ва нохушлигидан Султон Абусаъид Баҳодирхон зоти шарифида касаллик пайдо бўлиб, 15 кундан кейин, жумладан, дийдаси қаттиқлашди. Жамжоҳ подшоҳ ичкиликка берилди. Касаллиги кучайди. Туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 736 йил, рабиюлохир ойининг 13-куни Байлаконда тангри раҳматига кетди.

Хайрхоҳлардан баъзилари дебдурлар. Назм (мазмуни):

Агар тож йиғлаб, тахт куйса, ким кетиши керак. Давлати заволидан Султони аъзам Абусаъиддир.

Ул карамли султон жасадини Султонияга элтиб, ўзи қурдирган, Шаҳри Нозук номи билан машҳур иморатга дафн этдилар. У 32 йил умр кўрди. Салатанати 12 йил давом этди. Айтишларича, Султон Абусаъид Баҳодирхон ҳаётининг охирги кунларида Дилшод хотун бинти Димишқ Ҳожи ибн Амир Чўбон сулдузни аммаси Бағдод хотун бинти Амир Чўбон сулдуз ёнида бўлганини кўрарди. Кўнгли Бағдод хотундан кўра кўпроқ Дилшодхотунга кетарди (в. 153б.) Уни ўз никоҳига олди, унга муҳабати кучли эди. Бағдод хотунга бунчалик илтифот қилмас эди. Бағдод хотун Султоннинг ўзига нисбатан кам илтифотлилигидан, султон муҳаббатининг Дилшод хотунга ортиб бораётганидан рашк қилиб, Султон Абусаъидга захар берган. Тангри кўпроқ

билади ишлар ҳақиқатини. Тўққизинчи хон Арпахон ибн Сусадир.

АРПАХОН ИБН СУСА ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ.

Султон Абусаъид Баҳодирхон наслидан ҳеч ким қолмаганидан Ариқ Буқо ибн Тулихон наслидан бўлган Арпахонни (тахтга ўтказдилар). Султон Абусаъидхон Хуросонда эканлигида у Турон заминдан Султон Абусаъид ҳузурига келиб, унга мулозим бўлган эди. Хожа Ғиёсиддин Муҳаммад вазир саъйи ҳаракати билан амирлар келишиб олиб, уни хон кўтардилар. Арпахон салтанат тахтига ўлтиргандан кейин катта ҳурмат ва эҳтиром билан қараб юрган Бағдод хотунни Султонмуҳаммад Ўзбакхон билан дўстликда ва раҳматлик Султон Абусаъид Баҳодирхонга заҳар берганликда айблаб, қатлга етказди. Шундан сўнг Қур дарёси бўйига лашкар тортиб, Султонмуҳаммад Ўзбек лашкарини дабдала қилиб, тор-мор келтирди. Амир Али подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот, Султон Абусаъидхоннинг тағоси Диёрбакрда ҳоким эди. Ўшанда Дарбанд томонида Бағдод хотун вафотидан беҳабар эди. Султон Абусаъид Баҳодирхон вафоти ва Арпахон ибн Сусанинг тахтга чиққанини эшитиб, жуда қайғурди. Уйрот қавми билан машварат тузиб, деди: «Шуни билингизким, Арпахон гарчи Тулихон нажодидан бўлса ҳам, илгаридан уйрот қабилалари ва Тангу нўён авлоди билан адоватдадир. Маслаҳатим шуки, Арпахон подшоҳ бўладиган бўлса, бу ҳақиқатга хилоф иш тутиб, Мусохон ибн Али ибн Бойдухон ибн Тарағай ибн Халокухон ибн Тулихон ибн Чингизхонни Бағдодда подшоҳликка кўтариб, хонлик тахтига ўтқизайлик!»

Ўша атрофда минглаб мўғулларнинг юртлари жойлашган эди. Уларни тўплаб, улкан лашкар (в. 154а.) тартиб бердилар ва Арпахон устига юриш бошладилар. Арпахон бу фитнадан хабар топиб, Хожа Ғиёсиддин вазир ёрдамида саноксиз лашкар тўплаб, муҳолифлар томон йўналди. Туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 736-йил муборак рамазон ойининг 17-чи, чаҳоршанба куни Чифоту саҳросидики, Яғту ҳам дейишади, ҳар икки лашкар бир-бири билан тўқнашди. Ҳар иккала сипоҳ диловарлари қилич ва ханжар олиб, жангга киришдилар. Арпахоннинг кўпчилик амирлари ундан юз ўгириб, Мусохон лашкарига қўшилдилар. Халқ кўнгли майли Халокухон нажодига кўпроқ эди. Ана шу узр туфайли амирлар шамолга эргашмадилар; Арпахон сипоҳи бетига қараб эсиб, Арпахон лашкарига шикаст етказдилар,

енгдилар. Хожа Ғиёсиддин Муҳаммад вазир бир лаҳза сабот оёғини тираб, жангга дору мадорини, никоҳлаб бериб, натижасини чекди. Омад қўлдан кетаётганини кўриб, у ҳам қочиш водийсига юз бурди. Амир Али подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот подшоҳнишон вазир маконига одамлари билан нишон жўнатди. Токи, уни тутиб, хумоюн ўрдуга келтиргайлар. Туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 736-йилда, муборак рамазон ойининг 21-куни ул фозил хўжага шаҳодат шаробини ичирдилар. Ўша кунлари Амир Али подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот одамлари Арпахон ибн Сусани ҳам қўлга олдилар. Унинг ҳам борлиқ кўч-кўронини фано бодида совурдилар.

МУСОХОН ИБН АЛИ БОЙДУХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Мағфиратли Султон Абусаъид Баҳодирхон вафотидан кейин мағрур Арпахон 7 ойдан кўпроқ салтанат сурди. Ўн бешинчи хон Мусохон ибн Алидир.

Арпахон ибн Суса ўлдирилгандан кейин Мусохон ибн Али ибн Бойдухон ибн Тарағай ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 736-йил, шаввол ойида Учон мавзеида хонлик тожини бошига қўйиб, мулку мол ихтиёри жиловини Амир Али подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот қўлига (в. 1546.) топширди.

Ўшанда Султон Абусаъид Баҳодирхон аммасининг ўғли Шайх Ҳасан ибн Амир Ҳусайн Гургон ибн Оқбуқо ибн Сангтур ибн Элхон жалоир Султон Абусаъиднинг амри билан Камоҳда эди, сўнг у ердан Рум ҳокимлигига сарафроз бўлди ва ўша ёққа кўчиб ўтди. Султон Абусаъид вафоти ва Арпахон ибн Сусанинг тахтига чиқиши, Мусохоннинг Арпахон билан уруши ва Мусохоннинг салтанат тахтига чиқиши воқеаларини эшитиб, Муҳаммад ибн Бўскутлуғ ибн Эштемур ибн Итарчи ибн Мункор Темур ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхонни подшоҳликка кўтарди. Кейин Рум ва Курж лашкари билан ҳаракат байроғини Табриз сари кўтарди. Мусохон ибн Али ибн Бойдухон билан Амир Али подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот улар билан жанг қилиш ниятида истиқболига чиқдилар. Мазкур сананинг муқаддас зулҳижжа ойи 14-куни Навшаҳр мавзеида икки душман лашкари учрашди. Амир Али Подшоҳ ибн Чечак нўён уйрот Амир Шайх Ҳасан Бузург Элхоний жалоийр ҳузурига одам жўнатиб, деди: Биз билан Амир ўртамизда илгаридан дўстлик ва муҳаббат муносабатлари мустаҳкамдир. Мулк

тахти учун икки подшоҳ бир-бири билан низо қилмоқда. Икки ўртада сиз билан бизнинг оёқда туришимизнинг не зарурати бор. Энди маслаҳат шулки, ҳар биримиз бир-биримизни эшитса бўладиган тепаликка чиқиб олиб, уларни қўйиб қўйлик. Назм (мазмуни):

Кўрамиз, қай бири бировини энгади; бахту толеъ қай бириники, уникими, ё бунисиники?

Амир Шайх Ҳасан Бузург бу маслаҳатни қабул қилди. У икки минг нафар сафшикан жангчи билан тепаликка кўтарилди ва жангоҳни кузатиш шарафига муяссар бўлди. Гаровдаги кофир лашкарини хирмондек тўпладилар. Саваш ва қаттол оташини ёқдилар. Курж ва Рум лашкари шикаст еди. Уйрот сипоҳи улар ортидан қува бошлади. Шу аснода Муҳаммадхон тор-мор келтирилди, Мусохон голиб келди. Амир Али Подишоҳ ибн Чечак нўён уйрот хотиржам бўлиб, бир дарё бўйида тўхтаб, таҳорат олиш билан машғул бўлди. У билан ҳамроҳ бўлган барча одамлар Али Подишоҳга эргашиб, қуроқларини ечиб, таҳорат олишга киришдилар. Амир Шайх Ҳасан Бузург бу ҳолатни мушоҳада қилди. Суворийлари билан тепаликдан тинчгина тушдилару (в. 155а.) Амир Али Подишоҳ ибн Чечак нўён уйротни тупроққа қориб ташладилар. Бунинг хабари Мусохонга етиши билан қочишга юз қўйди. Қочиб кетган Муҳаммадхон эса қайтиб келиб, Амир Шайх Ҳасан Бузург Элхоний жалойирга қўшилди. Амир Шайх Ҳасан Бузург нойиби Қораҳасанни уйғур қавмидан бўлган Амир Курунж билан бирга тақомишига жўнатди. Ўзи Табриз тарафга йўлга тушди. 12-чи хон Муҳаммад ибн Бўсқутлуғдир.

МУҲАММАДХОН ИБН БЎСҚУТЛУҒ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Баъзи тарихий асарларда Муҳаммадхоннинг ота-боболари зикрини қуйидагича ёзадилар: Муҳаммадхон ибн Тожу ибн Банучин ибн Ҳалокухон. Ҳар тариқада ҳам Муҳаммадхон Ҳалокухон наслидандир. Муҳаммадхон Амир Али Подишоҳ уйрот ўлдирилгандан кейин ит йилига мувофиқ санайи 736 йил охирида Амир Шайх Ҳасан Бузург Элхоний жалойир кўмагида хонлик тахти, жаҳонбонлик саририга ўлтирди. Амир Шайх Ҳасан Бузург нўён мамлакат, сипоҳийлар ва раият тарбияси ишлари забти ва насақи билан машғул бўлди, Амир Чўбон сулдузнинг набираси Пир Ҳусайини Султонияга жўнатди. Султон Абусаъид Баҳодирхоннинг сеvimли хотини Дилшод хотун бинти

Димишқ хожани олиб келиб ўз никоҳига киритди. Хожа Гиёсиддин Муҳаммад ибн Хожа Рашидиддин вазирнинг қолган қариндош-уруғи ва вазирзодаларга ўзининг шафқат ва риоят паноҳидан жой берди. Назм (мазмуни):

Жаҳон саҳни қинғир саройлардан иборат: халқ тинчлиги унда садога ўхшайди. Қалъада бирор киши бўлса ҳам, жавобини ўзидан бошқаси эшитмайди. Дунё амал экинзоридир. Экканингдан бошқасини унда топа олмайсан. Ҳаётда халққа нима қилган бўлсанг, ундан ҳамма ваҳимада, кўз тиккан. Яхшиликнинг мукофоти ёмонлик жазосидир. Ақлсизликдан жумбушга келишдан бошқасини кўрмайсан. Амалнинг жазоси тангри бўлади бегумон: сен гадо бўлгин, ёки жаҳон подшоҳи. Қўллари қадок деҳқон қандайин яхши гап айтган: «Экканингдан бўлагини ўра олмайсан!»

Айтишларича, Муҳаммадхон ибн Бўскутлуғ давлати айёмида Авҳадий номи билан машҳур бўлган шоир Авҳадиддин Исфакхоний ўз табиий ажали билан (1337 йили) вафот этди. Табриз вилоятининг Мароға шаҳрида дафн этилди. 13-чи хон Тўғойтемур ибн Сурийдир.

ТУҒОЙ ТЕМУРХОН ИБН СУРИЙ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Тўғой Темурхон Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам иниси Қибод ибн Ясуғой Баҳодир наслидандир. Айтишларича, Тўғой Темурхон Мозандаронда бўлган. Амир Акранж уйғур Мусохонни таъқиб этиб кетган эди. Унинг билан Қора Ҳасан орасидаги муҳолифат сабабидан бир воқеа бўлиб ўтиб, Султонияга, Амир Чўбон сулдузнинг набираси Амир Пир Ҳусайн хузурига кетди. Амир Акранж уйғур инисининг қизи Ўғлон хотун Амир Пир Ҳусайннинг никоҳида эди. У ерга бориб, бўлган воқеа баёнини ўртага қўйгач, оқибатуламр, биргаликда Хуросон сари юрдилар. Хуросон амирлари ёрдамида ва Хуросоннинг баъзи шаҳарларига эгалик қилиб турган Амир Шайхали Қўшчи саъй-ҳаракати билан Амир Али Жаъфар, Амир Арғуншоҳ ибн амир Наврўз Ғози ибн Амир Арғун Оғойи Бузург, шунингдек, Амир Шайх Хасан нўени бузург ва қочиб келган амирлар иттифоқ бўлиб, Тўғой Темурхонни Мозандарондан олиб келиб, Хуросонда хон қилиб қўтардилар. Унинг номига хутба ўқилиб, исми билан танга зарб қилдилар. Туркларнинг тўнғуз йилига мувофиқ 737 йилда Хуросонда бўлган мўғул қавмларини тўплаб, Табризга қараб юрдилар. Озарбойжон худудига етганларида Мусохон ўйрот қавмларини ўзи билан

олиб келиб, уларга кўшилди. Улар бир-бирлари билан аҳду паймон боғладиларки, агар зафар қозонгудек бўлсалар, Хуросон мамлакати Тўғой Темурники, Ироқ ва Озарбойжон Мусохонники бўлгай.

Муҳаммадхон (в. 156а.) ва Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элхоний бу воқеадан хабар топганларидан кейин лашкар тузиб, мухолифлар билан жанг қилмоққа шайландилар. Туркларнинг сийир (в. 156а.) йилига мувофиқ санайи 737 йил муқаддас зулҳижжа ойининг 6-куни Гармруд саҳросида улар учрашдилар ва ўша жойда жанг бўлди. Тўғой Темурхон уруш бошланишидан олдин инони ихтиёрини қўлдан бериб, Хуросонга қараб юрди. Мусохон шаддодлик оёғини тираб жанг қилишга тушди. Охири у ҳам енгилди. Муҳаммадхон лашкарининг ғалабасидан бир неча кун ўтгандан кейин, Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элхоний жалойир одамлари билан бўлган жангда Мусохон асирга тушди. Мазкур йилнинг муқаддас зулҳижжа ойи 19-куни у ясоққа етказилди.

АМИР ШАЙХ ҲАСАН ИБН АМИР ТЕМУРТОШ ИБН АМИР ЧЎБОН СУЛДУЗ ЗИКРИ

Уни яна Шайх Ҳасан Кучак ҳам дейишади. Айтишлари-ча, Шайх Ҳасан Кучак Рум вилоятида яшаган ва туркларнинг сичкон йилига мувофиқ 738-йилда ҳокимлик ҳавасида бир ҳийла ишлатди. Қорачери деган бир туркийнажод ғуломи бўлиб, отаси Темуртошга жуда ўхшаб кетарди. Уни ёнига келтириб, отам Темуртош Амир Чўбон сулдуз ўлдирилгандан кейин Мисрга кетган эди. Мана яна қайтиб келди, деган овоза тарқатди. Одамларнинг сўзига ишониши учун онасини Қорачерига никоҳлаб берди. Пиёда унинг оти рикобида юрди. Натижада сон-саноксиз лашкар улар хизматига бел боғлади. Шайх Ҳасан Кучак асбоби ҳарб, жангу жадал олатларини тартибга солиб, Озарбойжон тарафга қараб юрди. Муҳаммадхон ва Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург бундан хабар топиб, мухолифларни дафъ қилмоқ учун Нахчивон йўлига тушдилар ва мазкур сана муқаддас зулҳижжа ойининг 20-куни Алоток ҳудудида Рум ва Ироқ лашкарлари тўқнашдилар. Қаттиқ жанг бўлиб ўтди. Шайх Ҳасан Кучак зафар топди. Муҳаммадхон душманлар кўлига тушди ва ёш чоғида борлиқ рахтини фано шамолига топширди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элхоний (в. 156б.) жалойир Табриз тарафга кетди. Шу аснода Қорачери Темуртошга айланган, деган хаёл хотирига келиб, ногаҳонда Шайх Ҳасан Кучакка пичоқ урди. Аммо пичоқ қор

қилмади. Шайх Ҳасан Кучак Гуржистон томонга қочиб қолди. Қалбаки отасининг ҳолини изҳор қилиб, Ўлжойту султоннинг қизи шаҳзода Соқи бегим хизматига келди. Аммо, сохта Темуртош Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элконий жалойир билан жанг қилишга қарор қилиб, Табризга қараб юрди. Икки душман бир-бири билан учрашиб, жангда сохта Темуртош шикаст топди. У қочишга улгурди. Уйрот қавми билан бирга Бағдод устига юрди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элконий ҳам Табриздан азимат жиловини Султония тарафга бурди. Ўн тўртинчи хон Соқи бегим бинти Ўлжойту султондир.

МАЛИКА СОҚИБЕГИМ БИЊТИ ЎЛЖОЙТУ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Амир Шайх Ҳасан Кучак Гуржистондан Табризга келгандан кейин, шу ҳолда чўбонийлардан 16 нафари унинг хузурида тўпландилар. Кенгашдилар ва бизга Ҳалоку наслидан бирор подшоҳ зарур дедилар. Ҳазора амирлари дедилар: Султон Абусаъидхоннинг синглиси Соқи бегим бинти Ўлжойту Султон турибди. Ҳалокухон наслидан ўғил қолмагани сабабли тахт ва мулк унинг меросидир. Туркларнинг уд йилига мувофиқ 739 йилда шаҳзода Соқи бегим Амир Шайх Ҳасан Кучак ибн Амир Темуртош ибн Амир Чўбон сулдуз кўрсатмаси билан хонлик тахтига ўлтирди. Сўнгра катта лашкар тузиб Султония устига юриш бошлади. Амир Шайх Ҳасан Бузург Элконий жалойир бунинг хабарини эшитиб, Қазвинга етиб келди. Бу ерда ғазабидан тушди. Жанг бошланмасдан сулҳ тузгандек бўлди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург шаҳзода Соқи бегим хузурига келиб, (в. 157а.) унинг хонлигига иқрор бўлди. Амир Шайх Ҳасан Кучак ва Амир Шайх Ҳасан бузург бир-бирларига кучоқ очиб, ярашдилар. Улар шундай қарорга келишди: «Шу қишда Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Султонияда туради. Шаҳзода Соқи бегим Қорабоққа кетади. Баҳорнинг бошларида йиғилишиб, қурултой ташкил этамиз ва ҳар кимнинг йўлини аниқлаймиз». Шу маслаҳат бўйича, Шаҳзода Соқи бегим ва Амир Шайх Ҳасан Кўчак Эрон ва Озарбойжонга шошилишди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Султонияда яшаб қолди.

Мазкур сананинг ражаб ойида, баҳор белгилари энди кўринабошлаганда Тўғой Темурхон иккинчи бор беҳад лашкар тўплаб, Ироқ ва Озарбойжонни қўлга киритмоқ учун

юриш бошлади. У Табризга йўналди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элконий жалойир бундан хабардор бўлгани учун, унинг ҳузурига келди. Улар Совада учрашдилар. Амир Шайх Ҳасан Кўчак амир Суюрғол билан бирга малика Соқи бегим мулозаматида Арондан Учонга келишди. Шу аснода уйрот қавми Темуртошга айланган Қорачерини банди қилиб, малика ўрдусига келтирди. Шахзода Соқи бегим шу лаҳзадаёқ Қорачери бошини танасидан жудо қилди. Шундан кейин Тўғой Темурхон Шайх Ҳасан нўёни бузург билан маслаҳат қилмай, Султон Абусаъидхон даъвогарни Ақрихни Шайх Ҳасан Кучак ҳузурига жўнатди (ва унга деди)ки, «отамиз билан сизнинг бобонгиз Амир Чўбон сулдуз ўртасида қадим дўстлик мавжуд. Ёрлиғ ҳукми бўлиб ўтаётганда отам Суригунни ўртадан кўтардилар. Амир Чўбон сулдуз бу ходисага монелик қилди. Бизнинг бу ҳуқуқимизни унутишгани йўқ. Бугунги кунда буни чўбонийлар хонадонига қасд қилиш учун баҳона қилмоқчи эмасмиз. Маслаҳат шулки, ўртадан адоват кўтарилса».

Амир Шайх Ҳасан Кучак, хусусан, буни эшитиб, ғоятда шоду хуррам бўлди. Хотирига бир тазвирни келтириб, деди: «Подшоҳи жаҳон нимани буюрсалар дину давлат ривожи, сипоҳу раъият манфаати учундир». Ақрих беги ва у билан келган ҳамроҳларига (в. 1576.) навозишлар кўргизиб, фахрли хилъатлар кийгизишди. Хилватда Ақрих бегига деди: «Подшоҳни ҳузуримга ер ўпиш учун келтир. Унга дегилки, бу мамлакатда бутун ихтиёр менда эмас». Аммо, Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург-куёвимиздан бирор-бир кори-ҳол келмаса, эмин эмасдирман. Маслаҳатим шулки, подшоҳи олам Тўғой Темурхон уни бизга несту нобуд қилиш учун рухсат берсин. Токи, уни ўртадан йўқотайлик. Уни бирёқлик қилганимиздан кейин Соқи бегим ва Дилшод хотунни подшоҳга тутиб берурмиз. Биз ҳаммамиз эса куллик камарини белга боғлағаймиз ва олий даргоҳ мулозимлари бўлурмиз».

Ақрих беги у ердан қайтиб келиши билан Амир Шайх Ҳасан Кучакнинг бу гапларини Тўғой Темурхонга етказди. Соддадил подшоҳ Ўлжойту Султоннинг қизи малика Соқи бегим билан яқинлик қилиш тамаъида уни етказишни писанда қилиб, кўнгли ўсиб, уларнинг дил хоҳишларини маъқуллаб, жавоб жўнатди. Унинг бу каби ишларга аҳду паймони мустаҳкам. Амир Шайх Ҳасан Кучак хабар етказдики, «бу маслаҳатга собит қадаммиз. Вазифа шундан иборатки, бу аҳд таъкиди учун ўз хатти шарифингиз билан васиқанома ёзсангиз. Яъни, Элхон уруғига қасд қилган чўбонийларни ва Шайх Ҳасанни қавму қариндоши билан

ўртадан кўтаринглар. Чўбон сулоласи салтанати ноиблиги ва улуси амирлигини бўлса, Элчи хабар етказгандан кейин кўрурмиз. Тўғой Темурхонда гулрўй, суманбўй, мушкинмўй икки хотин, яъни Соқи бегим бинти Ўлжойту Султон, Дилшод хотун бинти Машрикқожа ибн Амир Чўбон сулдуз савдоси думоғидан ўрин олди. Оқибатини андиша қилмасдан Амир Шайх Ҳасан Кучак айтганлари асосида ўз кўли билан нома битди. Охирида ўз номини ёзди: «Тўғой Темур Сурийгун хатти билан». Сўнг уни бир ишончли кишиси кўлига бериб, Шайх Ҳасан Кучак хузурига жўнатди. Шайх Ҳасан Кучак у мактубни кўтариб, Пир Ҳусайн Чўбоний, Амир Али Пилтан билан бирга отга минишиб, Шайх Ҳасан Бузург Элконий жалоийр лашкаргоҳи чегарасига қараб (в. 158а.) кетдилар. Амир Шайх Ҳасан жалоийр хос кишиларидан бирини чақирдилар ва мактубни унинг кўлига тутқаздилар. (Шайх Ҳасан Кучак) деди: «Бориб унга дегилки, Шайх Ҳасан Темуртош турибди ва сизга чуқур таъзим изҳор этади. У дейдики, гарчи Шайх Ҳасан оқо бизни четлаб юрса ҳам, бу мамлакатда бегонанинг ҳаққи йўқ. У Ҳалокухон хонадонининг хасмидир. Бу улусда унга минг тумон молни харжи лашкар қилишга йўл кўйилди. Унинг йўлида молу жонини тиккандир. Бугун унинг хизматларини ҳисобга олиб, бу хатни ёздик. Амирнинг йўқлиги бу хил фосид хаёлотларга олиб келди ва хузурингизда дўстликдан лоф уради. Амир бизни ўзига душман ва ҳосид деб билса ҳам, аммо бу ошкора узрни унинг ҳаққига раво кўрмагаймиз. Унга бирор зиён-заҳмат етказишларини истамаймиз. Уни ўз ишидан хабардор бўлишини огоҳлантирдик». Гап шу ерга етганда айлана ерни бўса қилди ва қайтиб келди. Йўл бўйи хуррам, ханда отганча келарди. Ўз лашкаргоҳига етиб келди ва жанг асбобини чиқариб, одамларига деди: Тангрига ҳамду санолар бўлсинки, жанг масаласи бир ёқлик бўлди. Тўғой Темур фитнаси бостирилди. Лашкаридагилар дейишдики, бугун мана тўрт ой бўлди, бу лашкар жангга ҳозирлик кўриб турибди. Тонг отиши билан бунга барҳам беришга қарор қилинди. Ногоҳ фитна ва фасод бир йўла йўқотилса нима бўлади? Шайх Ҳасан Кучак деди: шу кечаси сўзларингиз маълум бўлади.

Бу пайғом ва нома Шайх Ҳасан нўени бузургга етиши билан бу тўзону оташни эшитиб ва кўриб, ҳайрати дуди думоғи қасрини кўтарди, ғам-ғуссага ботганидан хуррамлик тупроғи бунёдини сувга берди. Жавобга ҳайрон бўлиб, боши елкаларига ботди. Сўнг сакраб турди-да, дарҳол лашкарга қуролланишини буюрди. Барча эътибор ва огоҳ турди. Одам юбориб Тўғой Темурхоннинг ноиби Арғуншоҳ ибн Амир

Наврӯз Ғозий ибн Амир Арғун оғони чақиртирди. Ҳалиги қоғозни унга ирғитди. Арғуншоҳ уни мутолаа қилди. Амир Шайх Ҳасан бузург сўради: «Подшоҳнинг хатими?» Жавоб берди: «Ҳа!» Кейин деди: «Мен унга нима ёмонлик қилган эдимки, бу ғаддори беинсоф менинг гарданимга (в. 1586.) гуноҳ ишларни тўнкаса, хонадонимга қасд қилса». Арғуншоҳни бу маслаҳатдан оғоҳ қилмаганлари сабабли, у тиз чўкиб, Амир Шайх Ҳасан бузургга ихлоси борасида сўзлай кетди ва деди: «Менинг зинҳор-базинҳор бу гаплардан хабарим йўқ. Ўшалар бу ўйиннинг фарзинбандларидир. Шайх Ҳасан Темуртошга мансуб кишилардан Тўғой Темурхон, гарчи подшоҳ бўлса ҳам, мўғул мардуми содда бўлади. Хануз чўбонийлар хийла-найрангидан воқиф эмас. Агар Амир рухсат берсалар, Хуросоннинг барча лашкари билан олдинда жон фидо қилурмиз. Бутун чўбонийларни улоқтириб ташлаш учун кучимизни аямаймиз».

Шайх Ҳасан бузург Арғуншоҳдан бу мардона ва оқилона сўзларни эшитиб, «Отанга раҳматлар бўлсин!» дея кучоғига олди ва деди: «Сен Арғуни бузургнинг набирасидирсан. У эса Мангу қоон ҳукми билан тамоми Ҳалокухон улусининг ҳоками эди. Ҳалокухон ёрлиғида зикр қилинган эдики, «Шаҳзода Ҳалоку кўпинча Амир Арғун тадбири билан иш кўради!» Сендан ҳам худди шунинг сингари вафо ва мурувват кўриб турибман. Сен бу мактубни ол ва ўша ғаддор ҳузурига элтгин. Дегинки, «ҳеч сабабсиз менга бу каби адоват ва қасд қилмоқни хаёл қилибсиз!» Арғуншоҳ Тўғой Темур ҳузурига келди ва уни ўша ҳолатдан хабардор этди. Бу мактубни унга топширди. Тўғой Темурхон Амир Шайх Кўчак Чўбоний макру хийласидан таажжуб бармоғини тишлаб, деди: «Яқин кунларгача чўбонийлар найрангига ишонқирамай келардим. Мен ўзимиз тўғримизда мушоҳада қилдим. Энди, ҳар икки уловдан ҳам пиёда қолганимиз учун, ҳозир яшаш жойимиз йўқ». Кечаси отларни эгарлаб, шармисорлик йўлидан Хуросон сари жўнади.

Айтишларича, Ироқи Хонийга етганда, нарига ўтмади. Хуросон мамлакатининг баъзи (мавзеъ)лари ҳокимлиги билан қаноат қилди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ санайи 753-йилда Астрободда Султон Абусаъид вафотидан кейин хуруж қилган сарбадорлардан бўлган Хўжа Яҳё сарбадор кўлида (ўлдирилди). (Тўғой Темур) уларни тутишга даъват қилган. Улар очикдан-очик унга учрашиб, унинг хизматига келдилар (в. 159а.). Боргоҳ ичкарисига кирганларидан кейин, шилон устида унинг бошига табарзин билан туширадилар ва Тўғой Темурхонни ўлдирадилар. Унинг бутун ўрдаси, Мозандарон мамлакатини талон-тарож қилдилар.

Алқисса, Тўғой Темур Мароға ташкарисида лашкар учун чодир тиктиргач шармандаси чиқиб, кечаси қочиб, Хуросонга жўнади. Тонг отгач, Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург амирлар билан бирга Чўбонийлар лашкаргоҳида Соқи бегим ҳузурига кирди. Шахзода Соқи бегимнинг қўлини ўпиб, узрхоҳлик қилди. У билан биргаликда ва ёрдамида Учон томон юрди. Лашкарга ижозат бериб (тарқатиб юбордилар). Отга минганларидан кейин малика Соқи бегим ва Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург бошқа ёнидан юришди. Амир Шайх Ҳасан Кучак олдинроқдан чеккани олиб, ясовуллар сингари одамларни қўриқлашга ҳаракат қилиб юрди. Учонга етиб борганидан сўнг малика Соқи бегум отдан тушди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Учонга икки фарсаҳ қолганда тўхтади. Амирларнинг баъзилари Табризга йўналдилар. Шу муносабат билан Амир Шайх Ҳасан Кўчак билан келишмай қолдилар. Малика Соқи бегим лашкаридан ажралиб чиқдилар ва унинг ўрдасини ғорат қилиб, ўзини подшоҳликдан маъзул этдилар. Амир Шайх Сулаймон деган кишидан сўради: Ҳалокухон авлодидан экан. Шуни хонлик тахтига ўтқиздилар. Бу хабарни эшитгандан кейин Амир Шайх Ҳасани Бузург Ҳалокухон наслидан бўлган Жаҳон Темур ибн ал-Афрангни хон қилиб кўтарди. Ун биринчи хон Жаҳон Темур ибн ал-Афранг.

ЖАҲОН ТЕМУРХОН ИБН АФРАНГ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Тўғой Темурхон қайтиб келгандан кейин Амир Шайх Ҳасан Бузург шахзода Соқи бегимга тобеъ бўлиб қолди. Катта обрў ва эътибор қозонди. Амир Шайх Ҳасан Кучак бекарор бўлиб қолди. Фурсат топиб шахзода Соқи бегимни хонликдан туширди. Сулаймон деган шахсни подшоҳликка кўтарди. Амир Шайх Ҳасан Бузург Элконий жалойир ҳам унинг қасдига, амир чўбонийлар ўйинидан қилиб, Жаҳон Темурхонни (в. 1596.) хон қилиб кўтарди ва Бағдод тарафга юриш қилди. Ироқи Араб вилоятларининг кўпчилигини қўлга киритди ва Жаҳон Темурхон номига хутба ўқитиб, пул зарб этди. Ун олтинчи хон Сулаймонхон.

Сулаймонхон ибн Муҳаммад ибн Сукна ибн Башмут ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхонни баъзилар Башмут ибн Ҳалокухон авлодидан ҳисоблашмайди. Зероки, уни Амир Шайх Ҳасани Кучак чўбоний хонликка сайлаган эди. Туркийларнинг ут йилига мувофиқ санайи 736 йил охирида Амир Шайх Ҳасани Кучак чўбоний малика Соқибегимни зўрлик билан ўз никоҳига киритган ва

жаҳонбонлик тахтига ўтказган эди. Сўнг Учондан Табризга кетиб қолдилар. Шайх Ҳасани Бузург жалойир Бағдодга бориб, ўша ерда яшай бошлади. Туркийларнинг барс йилига мувофиқ санайи 740-йилнинг шаввол ойида у Амир Шайх Ҳасани Кучак чўбоний ёрдамида Табриздан Учонга кўчиб келди. Булар байроғи сояси остига у ерга жуда кўп халқ тўпланди. Шу аснода Амир Шайх Ҳасани бузург Элконий Жаҳон Темурхон билан бирга Озарбойжонга кетди. Сулаймонхон ва Амир Шайх Ҳасани Кучак чўбоний ўша томонга қараб юрдилар. Чиготавки, уни Никлай деб ҳам айтайдилар, ноҳияларида уруш воқеъ бўлди. Бағдод лашкари шикаст топди. Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург Элконий Доруссалом Бағдодга етгандан кейин ғоятда ноқобил ва беистеъдод бўлган Жаҳон Темур аҳволи саҳифасига маъзул рақамини чекди. Ҳалокухон наслидан Сулаймон хондан бошқа ҳеч ким қолмаган эди.

АБУШАЙХ АЛИ КОВУН ИБН СУРИ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Бу бобо Баҳодир Амир Шайх Али Ковун ва Тўғой Темурхоннинг бобосидир. Туркийларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 705 йилда у ўн минг хонадондан иборат халқ билан бирга Қайдухон ибн Ғози ўғул ибн Ўктой қоон ибн Чингизхондан юз ўгириб, Хоразм ва бошқа (ўлкалар) қадларида яшай бошладилар. Худобанда ва Харбанда номи билан машхур бўлган Султон Муҳаммад Ўлжойтухон хузурига унга эл бўлиш ниятида (в. 160а.) келди ва ўлдирилди. Унинг авлоди Журжон атрофларида яшаб қолди. Энди Тўғой Темурхон нашъу намо топди. Амир Шайх Ҳасан нўён Элконий жалойирдан кўрққан Ироқ ва Ҳуросон амирлари Тўғой Темурхонни султонлик эътиборига муносиб кўрдилар ва Ироққа йўналдилар. Лекин ўз ишлари ривожини ҳаргиз кўрмадиларки, қисқача юқорида зикр этилди. Аммо туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 741 йилда Амир Шайх Али Ковун ибн Сурий ибн Бобо Баҳодир ўз иниси Тўғой Темурхон ҳукми билан Ироқ ва Озарбойжонни босиб олиш учун юриш бошлади. Бу томондан Малик Ашраф ибн Темуртош ибн Амир Чўбон сулдуз ўз акаси Амир Шайх Ҳасан Кўчак чўбоний ишораси билан унга қарши жангга киришди. Амир Шайх Али Ковун енгилди; қайтиб келгандан кейин ўз акаси Тўғой Темурхон хизматида қабила ва сарбадорлар билан жангга кетиб ҳалок бўлди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ санайи 753-йилда Тўғой Темурхон ҳам Хожа Яҳё сарбадор қўлида қатл этилди. Бу ҳақда юқорида ишора қилинди.

Алқисса, Амир Шайх Ҳасан Кучак Чўпоний Амир Шайх Али Қовун енгилгандан кейин Рум (ҳокими) га ёрдам бериш учун Диёрбакр томон лашкар тортди. Қатл, жангу жадал, шаҳарларни хароб қилишу меҳмондорчиликдан қўли бўшамади, вақтида сиҳҳат ва саломат қайтиб келди. Туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 744-йилда Сулаймонхон Яъқуб шоҳни амирларнинг бир тоифаси билан Румга жўнатди. Улар енгилиб, қайтиб келдилар. Амир Шайх Ҳасан Кучак Чўпоний Яъқуб шоҳни румликлар билан бўлган жангда хатоликларга йўл қўйгани сабабли қўлга олиб, маҳбус этди. Араб Малик номи билан машҳур бўлган Амир Шайх Ҳасан Кучак Яъқуб шоҳни мазкур сабаб билан қамоққа олиб, ўзи кўрқиб қолди; икки-уч аёл билан тил бириктириб, мазкур сана, ражаб ойининг 27-куни, сешанба кечаси Шайх Ҳасан Кучакнинг мояқларини эзиб, йўқликнинг буюк шаҳристониға жўнатдилар. (в. 160б.) Чунончи, Хожа Сулаймон Соважий бу борада шундай деган. Қитъа (мазмун):

Пайгамбар ҳижратидан 744 йил ўтганди. Ражаб ойи охирларида Ҳасан фожиаси юз берди. Бир хотин, қандайин сержуръат, идрокли, кучли қўли билан Шайх Ҳасан тумруғини маҳкам тутдию қўйиб юбормади то ўлдиргунча, қандай хўжаста хотин, ҳоядору эркак ўлдирувчи.

Ул нобакор фоҳиша ўз яқинлари ва шериклари билан кейинги куни яширинча салтанат қасридан қочди. Кундузи бу ажиб фожеа маҳфий қолди. Учинчи куни амир ва аъёнлар воқеа кайфиятидан воқиф бўлдилар. Текширишу тафтишлардан, тинимсиз қув-қувлардан кейин Араб Малик ҳамда қабиланинг қолган-қутганларини қўлга туширдилар ва ҳалок қилдилар.

МАЛИК АШРАФ ИБН ТЕМУРТОШ ЗИКРИ

Айтишларича, Амир Шайх Ҳасан акаси қатл этилаётганда Малик Ашраф ибн Темуртош амакиси Амир Ёғибости ибн Амир Чўбон сулдуз билан Шероз ҳудудида эди. Бу хабарни эшитиб улар Табризга келдилар. Шу аснода Рум (диёрининг) Кораҳисор (қалъаси)да маҳбус бўлган Суюрғон хуруж қилиб, қалъа кутволини ўлдирди. Сўнг Малик Ашраф ва Амир Ёғибостига келиб кўшилди. Сулаймонхон амирлар жамоасини кўриб, мушоҳада қилиб, Диёрбакр тарафга кетди. Бир неча кун улар ўртасида иттифоклик алоқалари, охири эса келишмовчилик пайдо бўлди. Амир Ёғибости ва Амир Суюрғон бир кечаси Табриздан чиқиб,

дарё томонга қараб юрдилар. Малик Ашраф ҳам уларнинг изидан ҳаракатга келди ва Саҳройи Аъёбодда томонлар учрашишди. Амир Суюрғон ва Ёғибости енгилдилар. Шунда Малик Ашраф Бобул мавзеида нузул этди. Навшервон деган кишини хонлик тахтига ўтказди.

НАВШЕРВОН ХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Малик Ашраф Темуртош Навшервонни хонлик тахти ва салтанат саририга ўтказгандан кейин ҳукм чиқардики, ҳамма уни Навшервони Одил деб атагай. Шундан сўнг Ганжага кетиб, муҳолифларини дафъ қилмоқ учун тараддуд қилди. Қози Муҳиддин (в. 161а.) ярашмоқ ниятида Ёғи бости ва Суюрғондан унинг ҳузурига катта (инъом) келтирди. Малик сулҳга розилик берди. Аммо Суюрғон унга ишонч билдирмади. Натижада, Амир Элхон валади Шайх Ҳасан бузург Элконий жалойир томонидан қатл этилди. Ёғи бости ўз жияни (бародарзода) ёнига келиб, у билан биргаликда Табризга кетдилар. Мақсуд манзилига тўхтаганларида Малик Ашраф ўзининг марҳаматли бузругвор амакисини бир навъ қилиб ўлдирдики, ҳеч ким унинг қандай ўлгани ва қатли ҳолати ва кайфиятидан ҳаргиз хабардор бўла олмади. Шунда истиқлол юзасидан ҳокимлик яловини кўтариб, зулму бедодлик оловини алангалатди. Чунончи, қудратию мажоли бўла туриб, Орон ва Озарбойжондан қочиб, ўзларига бир паноҳ топган кишилар ҳам бўлди. Туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 748 йил баҳор бошларида Малик Ашраф Чўбоний сулдуз Шайх Ҳасан нўёни бузург Элконий жалойир билан урушмоқ азмида Бағдодга юриш қилди. Амир Шайх Ҳасан бузург шаҳарда мудофаани мустаҳкамлаб олди. Бир неча кун қамал қилгандан кейин Маликнинг кўнглига гўлгула тушди ва Табриз тарафга чекинди. Туркларнинг сичқон йилига мувофиқ санайи 751-йил муҳаррам (ойи)да Исфаҳонга лашкар тортди. Шаҳар аҳлига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилди. Исфаҳонликлар эллик кун жангу жадал қилдилар. Охири, иложсиз қолиб, Навшервони Одил номига хутба ўқитиб, пул зарб қилдилар. Икки милён динор қизил олтин, шунингдек, юз минг динорлик турли қимматбаҳо буюмларни Малик Ашраф ҳузурига жўнатдилар, токи (шуларни олиб) қайтиб кетгай.

Туркларнинг қўй йилига мувофиқ санайи 758 йилда мусулмонларнинг одил подшоҳи бўлган ҳазрати Жонибекхон Ҳазрати Султонмуҳаммад Ўзбекхон ўғли Малик

Ашраф жабру зулми хабарини бир неча бор эшитганидан Дашти Қипчоқ мамлакатидан Дарбанд йўли орқали Озарбойжонга юриш қилди. Икки томон тўқнашиб, у Ашраф устидан зафар қозонди. Уни қўлга олиб, қатл этди. Ўз ўғли Бердибек Султонни Табризда (ҳоким қилиб) қолдирди. Нафси нафиси билан (қаноатланиб) қайтиб кетиш яловини кўтарди (в. 161б.). Орадан бироз муддат ўтгандан кейин шахзода Бердибекка отасининг ўлим тўшагида ётгани хабари етди. У ноилож Озарбойжонни тарк этиб, Дашти Қипчоқ тарафга жўнади. Ажи Жўқ номли бир шахс ул вилоятни истило қилди. Эшак Малик Ашраф сингари чолларни ёшартириш билан машғул бўлди.

Туркларнинг юнд йилига мувофиқ санайи 575-йилда Амир Шайх Ҳасан Бузург Элконий жалойир Бағдодда вафот этди. Ўғли Султон Увайс отаси ўрнига ўлтирди.

СУЛТОН ШАЙХ УВАЙС ИБН ШАЙХ ҲАСАН БУЗУРГ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Амир Шайх Ҳасан бузург Элконий жалойир вафоти воқеасидан сўнг Султон Шайх Увайс Баҳодирхон жаҳонгирлик салтанати тахтига қадам қўйди. Туркларнинг бичи йилига мувофиқ санайи 758-йилда Султон Увайс Озарбойжонни тасхир этиш учун юриш бошлади. Ажи Жўқ то Мастойи тоғигача унинг истикболига шошилди. Енгилиб Табризга чекинди. Султон Увайс уни таъқиб этиб ўша шаҳаргача келди. Ажи Жўқ Нахичевонга қочди. Султон Рашид иморатини қутлуғ шариф қадами билан зийнатлади. Мазкур сананинг муборак рамазон ойида обрўли амирларидан 47 нафарини ўзбошимчаликлари учун ясоққа етказдилар. Шу сабабли бир тўда эътиборли кишилар ва аъёнлар Ажи Жўқ билан бирлашиб, унинг хизматига ўтдилар. У Қорабоққа келди. Султон Увайс Амир Талбинни уни дафъ этмоқ учун жўнатди. Амир Али Султонга нисбатан ўта адоватини дилида сақлаганидан ўзини беномуслик йўлига киришга мажбур этди ва Ажи Жўқдан енгилди. Шу сабабли лашкарнинг барча одамлари нобуд бўлди. Ҳаттоки, Султон Бағдод тарафга кетиб қолди. Туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 760 йил баҳорида Амир Муҳаммад Музаффар Озарбойжонга лашкар тортди. Ажи Жўқни тормор келтирди. Бир неча кун Табризда иқомат бисотини тўшагач, Султон Увайс овозасини эшитди. Шунда ортга қайтиш байроғини (в. 162а.) кўтарди. Султон ул ерга етиб келгандан кейин Ажи Жўқни қўлга туширди ва гарданини боши юкидан енгиллатди. Туркларнинг барс йилига мувофиқ

санайи 765-йилда Бағдодда Султон Увайс томонидан ҳоким тайинланган Хожа Маржон муҳолифлик ва исён бошлади. Султон доруссалом Бағдод тарафга шошилди. Хожа Маржон жангдан кейин енгилди; ожизлик эшигига кириб олиб, ихлос ва ниёзмандликни илгари сурди. Бағдод шаҳри дарвозаларини очиб берди. Султон Увайс унинг гуноҳлари жаридасига афв рақамини чекди. Ул дилкушо шаҳарда ишрат ва нишот навосини Зухра манзилига кўтарди. Ўн бир ой шу ерда тургандан кейин Диёрбакр йўлидан Мавсулга жўнади ва ул шаҳарни фатҳ этди. Зафар байроғини Мордин сари кўтарди. У ердан Муш саҳроси ва Қора калисо йўлидан Табризга қараб кетди. Қиш фаслини шу диёрда ўтказиб, тирамоҳда яна Бағдодга келди. Баҳорнинг бошларида иккинчи бор Табризга қараб юрди. Туркларнинг доқук йилига мувофиқ санайи 772 йилда Султон Увайс Тўғой Темурхон қатлидан кейин Мозандарон вилоятини истило қилган Амир Вали билан жанг қилмоқ учун лашкар тортди. Рай (шаҳри) худудида ҳар икки томон учрашишди. Амир Вали лашкари шикаст топди. Султон Симнонғача душман ортидан қувиб, қайтди ва туркларнинг ўт йилига мувофиқ санайи 776-йил рабиюл-аввал ойи охирларида Султон Увайснинг зоти шарифида оғир касаллик ориз бўлди. Амирлар, аркони давлат ва Қози Шайхали Камхонилар ул адолат ойинли ҳукмдор ёстиғи тепасига йиғилишиб, ундан васият талаб қилдилар. У жавоб бериб, дедик: вилоят Хусайн-га тааллуқ топишини аҳд қилдим. Бағдод ҳокимлиги Шайх Ҳасанга берилади. Ул тоифа дедиларки, Шайх катта акангиздир. Шу маънода уни ҳам дoston қилиб бўлмайди. Султон жавоб берди: Сиз билурсиз. Амирлар бу сўзни ижозат ўрнида қабул қилиб, Шайх Ҳасанни (в. 1626.) банди этдилар. Шундан кейин Султон Увайс жалойирнинг сўз айтишга мажоли қолмади. Туркларнинг уд йилига мувофиқ санайи 776 йил жумодилавал ойининг 2-куни кечаси кечирувчи малик раҳматига восил бўлди. Ўша кеча Шайх Ҳасанни Димишк аморатида тупроққа топширдилар. Султон Увайс (жасади)ни Ширвонга элтиб, дафн этдилар. Уларга худонинг раҳмати бўлсин.

СУЛТОН ХУСАЙН ИБН СУЛТОН УВАЙС САЛТАНАТИНИНГ ЗИКРИ

Султон Хусайн ибн Султон Увайс жалойир туркларнинг уд йилига мувофиқ санайи 776 йил жумодил-аввал ойининг 12-куни амирлар жамоаси кўллаб-қувватлаши туфайли салтанат тахтини ойдек сиймоси талъати ёғдуси билан ораста этди. Шоду хуррамлик садолари, олқишу ҳамду

санолар нидоси янгради ўнгу сўлдан. Туркларнинг луй йилига мувофиқ санайи 779 йил, баҳор бошларида Султон Ҳусайн Қорамуҳаммад Туркмон тахти тасарруфида бўлган Уҳси қалъаси сари лашкар тортди. Бу тадбир сулҳ билан якун топди. Қорамуҳаммад Султон ўз юртига қайтиб кетгандан кейин жанг тарадудини кўриб, иноят ва илтифотга муяссар бўлди. Туркларнинг илон йилига мувофиқ санайи 780 йилда Султон Ҳусайн амирларидан Исроил, Абдулқодир, Раҳмоншоҳ сингарилар Одил оға забти ва истилоси воситачиси бўлдилар. Унга итоат этиб, Бағдод сари юриш қилдилар. Одил оға ҳукмга кўра, Султониядан муҳолифларни дафъ қилмоқ учун чикди. Гургон дарёси ноҳияларида уларга етиб олиб, осийларнинг аксарини ясога етказди. Сўнг қайтиш жilовини бурди. Шу йили Бағдодда Султон Ҳусайн тарафидан ҳоким қилиб қўйилган Амир Исмоил ибн Амир Зикриёни бир тўда амирлар қатл қилдилар ва ҳокимлик тахтига Шайх Али ибн Шайх Ҳасан ибн Султон Увайс жалойирни ўтказдилар. Бу хабар Султон Ҳусайнга етгандан кейин, истимолатнома жўнатди ва у мамлакатни унга таслим этди. Шаҳзода Шайх Али мулозаматида (в. 163а.) мамлакат забти, сипоҳ ясомиши ва райият билан шуғулланадиган одам бўлмагани туфайли отасининг навкарларидан ўша кезларда Шоҳ Шужоъ тарафидан Шуштар ҳокимлигини амалга ошириб турган Пир Али Бодукни талаб қилди. Пир Али Бодук Бағдодга келди. Мулку мол ишлари истиклоли бобида ҳалол иш тутиб, Ироки Арабнинг аксар вилоятларини ўз тахти тасарруфига киритди. Султон Ҳусайн Жалойир ва Одил оға Пир Али Бодук истилосидан хабар топиб, ўз сипоҳлари билан доруссалом Бағдод тарафга шошилдилар. Шаҳзода Шайх Али жалойир ва Пир Али Бодук улар билан жанг қилишга ожиз бўлганликлари сабабли шаҳарни ташлаб, Шустар тарафга жўнадилар. Султон Ҳусайн жалойир Бағдодга келиб, айшу ишрат навосини Аюк авжига етказди. Одил оға душманлар ортидан келиб, Шустар қалъасини камал қилгандан кейин шаҳзода Шайх Али жалойир билан сулҳ тузди: жумладан, Шустар билан қаноатланиб, доруссалом Бағдодга бошқа таарруз қилмайдиган бўлди. Шунда Одил оға Бағдодга қайтиб келиб, бу ердан аксар лашкари билан Султонияга жўнади.

Зимистон ўрталарида шаҳзода Шайх Али ва Пир Али Бодук Бағдоднинг баъзи кишиларининг куткуси билан ўша шаҳар томон юриш бошладилар. Султон Ҳусайн жалойир Маҳмуд, Ўқий ва Умар Қипчоқни уларга қарши жўнатди. У ботир амирлар саваш чоғида Пир Али Бодук қўлига асир тушдилар. Лашкарларидан кўпчилик халқ ўлдирилди. Султон Ҳусайн жалойир бу хабарни эшитиб, азимат

жиловини Табриз томон бурди. Йўлда кўп машаққатлар чекиб, минг хийлалар билан ўша шаҳарга етиб келди. Туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 784-йил бошларида Султон Ҳусайн жалойир кўпчилик лашкарини Рай қалъаларининг фатҳи билан машғул бўлган Одил оғога мадад учун жўнатганди. Ёнида гўё ҳеч ким қолмади (в. 1636.).

Султон Ҳусайннинг укаси ва ўша замонда бутун жаҳонда қонхўрликда унга тенг келадигани бўлмаган Султон Аҳмад ибн Султон Увайс жалойир акаси билан муҳолифлик қилиш хаёлида Табриздан чиқиб, Ардабилга етиб келди. Султон Ҳусайн жалойир унга одам юбориб, қайтиб кетишни қанчалик илтимос қилмасин, ўрнига тушмади. Балки Султон Аҳмад жалойир лашкар тўплаб, туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 784 йил музаффар сафар ойининг 11-куни ногаҳоний бало монанд Табризга бостириб кириб келди. Султон Ҳусайн жалойир ҳайрату саросимага тушиб, бир бурчакда яшириниб олди, лекин ўша кечасиёқ укасининг кўлига тушди ва қатл этилди.

Айтишларича, Султон Ҳусайн жалойир соҳибжамол, ишратдўст йигит бўлган. Кўпинча бирор айшгоҳда завқ билан салтанат мартабасига номуносиб қилиқлари билан, балки бўшлигидан ружуъ бўлмади. Оллоҳи таоло билувчи-роқдир.

СУЛТОН АҲМАД ИБН СУЛТОН УВАЙС САЛНАТАТИ ЗИКРИ

Султон Аҳмад ибн Султон Увайс жалойир ўз биродари Султон Ҳусайн жалойирни қатл этгандан кейин салтанат ва ҳокимлик тахтига ўлтирди. Унинг иккинчи укаси Султон Боязид қочиб, Одил оғога келиб кўшилди. Одил оғо уни подшоҳликка кўтарди. Султон Маҳмуд жалойир ҳануз бирор жойга қарор топмагани сабабидан қочиб водийсига юз кўйди. Мазид тарафга қараб кетди. Шунда Одил оғо Табризга шошилди. У ердан азимат жиловини Султон Аҳмад жалойирни нигомиш этиш учун бурди. Йўл асносида амирларнинг баъзилари Одил оғога садоқатда хилофлик бошладилар. Шу муносабат билан улар Султонияга қайтиб келдилар. Султон Аҳмад жалойир иккинчи навбат Табризга қараб юрди. Аксига олиб, хабар етдики, Шаҳзода Шайх Али жалойир ибн Шайх Ҳасан ибн Султон Увайс ва Пир Али Бодук (в. 164а.) савашин азмида Табризга қараб юрдилар. Султон Аҳмад жалойир муҳолифлар истиқболига чиқди. Ҳафтруд атрофида ҳар икки лашкар тўқнашди. Султон Аҳмад жалойирнинг чинғорида бўлган Умар қипчоқий

сафни вайрон килди. Шаҳзода Шайх Али жалойир билан бирлашмади. Шу сабабдан Султон Аҳмад жалойир маъракадан юз ўгириб, Хой йўли билан Нахичевонга йўналди ва Қорамуҳаммад Туркман билан бирлашди. Қорамуҳаммад туркман Султон Аҳмад жалойир хизматига бел боғлаб, 5000 нафар киши билан шаҳзода Шайх Али жалойир ва Пир Али Бодук тарафга қараб йўлга чикдилар. Бу учинчи навбат Султон Аҳмад жалойир байроғига фатҳу нусрат (насими) уфуриб, шаҳзода Шайх Али жалойир билан Пир Али Бодук қатл этилдилар. Туркманлар ҳисобсиз моллар билан ўз юртларига қайтдилар. Султон Аҳмад жалойир Табризга кетди.

Шундан кейин Султон Аҳмад жалойир билан Одил оғо ораларида сон-саноксиз воқеалар бўлиб ўтди. Низо алангаси ҳануз тобида эди. Соҳибқирони акбар Амир Темур гургони сафдар Ироқ ва Озарбойжонга юрганида уларнинг ишлари шаклга кирди. Ҳалокухон сулоласи Сулаймонхон ибн Муҳаммад ибн Сукна ибн Башмут ибн Ҳалокухонда тамом бўлади.

Амир Шайх Ҳасан бузург гургон ибн Оқбуко ибн Сангтутур ибн Элкон жалойир аҳволининг зикри шу сабабдан келтирилдики, Амир Шайх Ҳасан нўёни бузург ибн Амир Ҳусайн гургон ҳам она тарафидан Ҳалокухонга бориб етади. Зероки, Амир Шайхнинг онаси Ўлжойту Султон ибн Арғунхон ибн Абақхон ибн Ҳалокухоннинг синглисидир. Амир Ҳусайнни гургон деб аташларининг боиси ҳам шу сабабдандирки, мўғул тилида куёвни гургон дейишади. Шу жиҳатдан улар аҳволдан баён қилинди.

Энди сеҳрпардозлик баёнли қалам куши (в. 1646.) Эрон шаҳарларидан Турон сарҳадлари сари парвоз этмоғи, шаҳзода Чигатойхон ҳамда унинг авлоди ва аҳфоди салтанат зикрини баён қилмоғи вақти етди. Ба авни оллохул-маликул-мустаъин.

**ЧИГАТОЙХОН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ
ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ПОДШОҲЛИГИ
САЛТАНАТИ ЗИКРИНИНГ ВА АВЛОДУ АҲФОДИ,
АҚРАБОЛАРИНИНГ ТУРОНЗАМИН
МАМЛАКАТЛАРИДА ПОДШОҲЛИК ВА
ШАҲРИЁРЛИК ҚИЛИШ БАЁНИ**

Таворих ровийлари хабар берадиларки, Чингизий нажод хонлари шаҳзода Чигатой улусидан хонлик тахти ва жаҳонбонлик саририга ўлтирганлар. Уларнинг адади ушбу

нусха иқтибос топаётган даврда 28 нафарга етган эди. Бекаму беш. Биринчи хон Чиғатойхон ибн Чингизхон.

Мамлакат олувчилар хабарларининг ривоят қилувчилари, соҳибқирон асарларининг ноқиллари шундай тараннум этадилар, Назм (мазмуни):

Туронлик шахриёрларнинг боши, мағрурлар шоҳи Чиғатойхон, Чингизхоннинг иккинчи ўғли эди. Отасининг ундан кўзи нурга тўлуғ эди. Фалак мартабали, офтоб иқтидорли, жаҳондор, дарёдил, бахтиёр. Гоҳи мулойимлиги хоҳлаганингдан ортик, гоҳида шер билан олишиб енгарди.

Айтадиларки, Чиғатойхон соҳибшавкат ва олийҳиммат. Кайвон даражали, Баҳром савлатли подшоҳ бўлган. Серҳайбат ва серсиёсатлилик билан ораста, салтанат ишларининг нозик томонларидан хабардорликда пийроста эди.

Ясоқ ва турада бошқа ака-укаларидан юқори турарди. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам мамлакатларни тақсимлаш пайтида Туронзамин мамлакати ҳокимлигини Қошғар сарҳадларидан уйғурлар ер чегарасигача, Жайхун дарёси адоғигача ястанган ерлар, Эрон ва Турон оралиғидаги Балх, Бадахшон, Қобул, Ғазнин, Синд дарёсигача бўлган ерларнинг кўп қисмини шу сеvimли фарзандига берди. Уни мамлакат, сипоҳийлар билан сийлаб, уларни (бошқаришни) амакилари уруғидан бўлган Қорачор нўён ибн Сўғу Чечан ибн Эрумчи барлос ибн Қочувли баҳодир ибн Тумунахонга (в. 165а.) топширди. Назм (мазмуни):

Қорачору Чингиз амаквачалардир. Мамлакат олишда қўлдош эрурлар. Ва кўплаб топшириклар берди. Зеро, Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам кўнгли таскин топиб, ҳар бир топширик ва иш изҳоридан кейин шу кудратли саодатли нўён мадади ва қўллашига сазовор бўлган эди.

Чиғатой Қорачор нўёнга қанчалик юмуш буюрмасин, шунчалик Чиғатой олдидаги Қорачор нўённинг кадрнамолиги ҳам бор эди. Шу жиҳатдан Чиғатойхон отаси васиятига кўра, унинг рухсатисиз, маслаҳатисиз бирор тадбирга киришмас эди. Унинг муроди юлдузи номдор ҳукмдор ихтиёри уфқидан бошқа жойда кўринмас эди. Чиғатойхон Соҳибқирон Чингиз фармониға мувофиқ сулҳ иши жангу жадал — ҳар бир иш бўйича Қорачор нўёндан ёрдам оларди.

Шу равшан руҳли ишбилармон нўён тартибу афзаллиги саодатидан Чиғатойхон фарзоналик ва фаросат камоли, мардоналик ва олийжанобликка бой бўлишда замон ягонасиға, ўша диёр султонларининг пешвосига айланди.

Чиғатойхон салтанатининг пойтахти Бешбалиғ эди. Мўғул тилида балиғ деб шаҳарни айтадилар. Назм (мазмуни):

Замин яратувчи (лари) дан нойимонгача Чингизи соҳиб-қирон унга бағишлади. Пойтахти, лекин, Бешбалиғ эди, ўша жойда хазинаси ва сипоҳи бор эди.

Ярғу ва ясоқ маросимларини тутишда ғайрат кўрсатарди. Унинг барча тартиб қоидаларига риоя қилишда муболаға қилмоқни вожиб деб биларди. Бирор сўзини ҳам ўтказиб юбормасди. То нортуюни қандай асрашгача ҳукм қилган эди. Масалан, баҳор, ёз фаслида ҳеч ким сувда чўмилмаслиги ва анҳорда қўл ювмаслиги. Олтин ва нукра идишда анҳордан сув олмагайлар. Кийимни ювиб, яна сахрога ташламагайлар. Булар (раъият) ғазабига сабаб бўларди. Зеро, бу қилиқлар кўп чақмоқ ва гулдуракларга олиб келарди. Улар мавзеъ ва манзилларида (в. 1656.) баҳор бошларидан ёз охирларигача кўпинча ёмғир ёғарди. Чақмоқ ва момагулдурак кучи шу даражага етардики, унинг овози шиддатидан:

Яжаъалуна асобиъаҳум фи аханиҳи мин ас-саваъики хазарул-мавт. («Ўлим олдидан бармоқларини қулоқларига олиб борадилар».) Чақмоқнинг кетма-кет чақилиши шу даражада эдики, «Яқсул-барқу абсараҳум кулама аъзоъаҳум машув фиҳи («Чақмоқ уларнинг кўзларини кўр қилиб кўяй дерди. Ҳар гал чақмоқ чақиб ёришганда улар юрар эдилар».) Сиёсат ва маҳобат қоидаларининг жорий этилишида шу даражада муболаға қилиндики, унинг диёри ноҳияларидан ва саноксиз лашкари яқинидан ҳеч бир йўловчига йўриқ берадиган қоровулнинг эҳтиёжи бўлмай қолди.

Амир Қорачор нўённинг Ўктой қоон билан бирга олиб борган ҳусни тадбирлари натижаларидан доимо асосли ва мулоҳазали йўриқ амалда бўлди. Оға-иничилик ва адолат муносабатини ягоналик, иттифоқлик мартабасига етказди. Оға-инилар кўпроқ бирга бўлар эдилар. Турмуш ва ҳаёт бисоти, комронлик нишотини биргаликда кечирар эдилар. Бахтиёрлик созидан хуш қулоғига бир наво эшитиларди.

Улар иттифоқлиги баракотидан давлат иши, мамлакат юмушлари интизом ва тартиб топди. Хонлик расм-русумлари, давлат юритиш қоидалари барқарор ва мустаҳкам бўла борди. Назм (мазмуни):

Ҳокону хоннинг ўзаро иноқлигидан, ўртадан нифок кўтарилди. Бу ҳаракат истиқболдан ҳоконлик расму русуми ва хонлик тартиблари қабул этилди.

Айтадиларки, Чиғатойхон айшу ишрат ва овни жуда севган. Кўпинча вақтини ўша ишларга сарф этган. Амир Қорачор нўён давлат бошқарини, шахриёрлик асоси — салтанат ишлари тадбири ва мамлакат ташвишлари билан машғул бўлган. Раъият ва лашкар эҳтиёжларини қойил қилиб таъминлаган.

Ўша замонда рўй берган ғаройиб воқеалар ва ажойиб ишлардан Маҳмуд Торобий хуружи эдики, у туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 630 йилда фохира шаҳар Бухородан уч фарсаҳ (масофа) да жойлашган Тороб кишлоғида (в. 166а.) рўй берди. Назм (мазмуни):

Сохта шер кўк сўфи кийиб юрарди, иккиюзламалигу айёрликнинг асосларини ирғитди.

Фириб билан тутун таркатди олчок, уларнинг саломи салавоту рўзадан иборат.

Макру ҳийла билан зўхду ибодат тариқини тутди. Жинсийлар менинг атрофимга йиғилсин ва менинг амру-фармонимдан чиқмасин, деб даъво қилди. Бу сўзлар омма оғзига тушди-ю, тузалмас кўянчик ва бошқа касаллари бўлганлар унинг ҳузурига кела бошладилар. Тасодиф бўлиб бир-икки (касал)га тангри таоло шифо ҳам берди. Бошқа кўп сабаблар бўлиб, унинг шуҳрати ортди. Шу туфайли жуда кўп халойиқ унга интилиб атрофига кўп халқ йиғилди ва унинг мулозимига айландилар. Кундан-кун унинг жамоаси зиёда бўла борди. Бундан ўша атрофда яшайдиган доруға, амирлар, ҳокимлари хавфга тушиб қолдилар. Ов қуши билан Маҳмудбек ибн Соҳиб Ялавоч ҳузурига хабар йўлладилар. Ўзлари эса (Маҳмуд Торобийга) ихлос ва эътиқод қўйганлар суратига кириб, Шайх Маҳмуд Торобийни кўриш учун йўлга тушдилар ва илтимос қилдиларки, «зора шайх қадамларининг, баракоти шаҳарга ҳам етса, шаҳарнинг нотавон, ожиз халқи ҳам шайх қадамлари саодатидан баҳраманд бўлса». Шу баҳона билан уни Торобдан олиб чиқдилар ва Бухоро шаҳри сари йўналдилар. Йўлларигаги Сарипулга (кўприкка) етганларидан кейин уни бирёқлик қилмоқ ниятида эдилар ва шу билан ундан хотиржам бўлмоқчи эдилар. Торобий фаросати билан бу шум ниятларини пайқади ва ўша кулоқ бошига яқинлашишлари билан у доруғага деди: «Ботил ниятингни думоғингдан чиқариб ташла, акс ҳолда орамиздаги бир одам сенинг кўзларингни ўйиб олиш пайидадирлар. Доруға ва амирлар хотирларидаги қасд қилишни бировга айтмаган эдилар. Шу туфайли бу сўзларни эшитиб, кўрқиб кетдилар ва ниятларини амалга оширолмадилар. Шайх Маҳмуд Торобий шаҳарга соғ-саломат етди ва ҳовлисига кирди. Халойиқ шу даражада унинг манзилига ёпирилиб кела бошладикки, бирор ҳузурига кирган киши дарвозадан чиқиши мушкул бўлиб қолди. Издиҳом ҳаддидан ошавергандан кейин, одамлар ул табар-рук зотни кўрмай қайтиб кетмадилар. Шайх ўз мухлис-лари кўнглига тасалли бермоқ учун ҳар замонда (в. 166б.) томга чиқиб, оғзига сув олиб, уларга қарата пурқарди. Кимга

ундан бирор қатра келиб тегса, хурсанд ва хушдил бўлиб қайтиб кетарди. Доруға ва амирлар фурсат топиб, уни бирёқлик қилиб, ўртадан йўқотмоққа қанчалик уринмасинлар, авомнинг кўплиги ва издиҳом билан атроф тева-ракдан одамларнинг оқиб келиб тўпланиши, шу маҳаллада уни ўраб олганликларидан ҳеч бир ниятларига муяссар бўла олмадилар. Шайх Торобий жонига амирларнинг қасд қил-моқчи бўлганликларидан хабар топиб, яширинча бир ўзи бошқа эшиқдан чиқиб, у ерда турган отга мина солиб, жиловини бўш қўйиб чоптириб кетди. Келиб, бир баланд тепалик устига чиқиб, кутиб турди. Халқ шайхнинг шаҳарда йўқлигидан хабар топди. Авом халқ шовқин кўтариб, шайх парвоз қилиб уйдан чиқиб кетган, дедилар. Халқнинг кутишга тоқатлари бўлмай, шаҳарнинг бутун аҳолиси ташқарига отилиб чиқиб, унинг атрофига жам бўлдилар. Шомға яқин у йиғилган жамоатчиликка деди: «Эй ҳақ то-либлари, қачонгача кутамиз ва интизорлик тортамиз. Рўйи заминни (тангридан) кўркмайдиганлардан пок қилмоқ лозим. Кимнинг қандай қуролга қурби етса, қиличми, ўқ-ёйми, калтакми кўлга олсин. Кўлидан келганча (тангри-дан) кўркмайдиганлардан бирортасини ҳам қўймаслик лозим. Шундан сўнг халқ қуролланиб ва мукамал бўлиб, шайхни шаҳарга олиб келдилар. Доруға ва амирлар қочиб кетдилар. Кейинги жума куни Шайх Маҳмуд Торобий номига хутба ўқитдилар. Имомлар ва Бухоро ақобирлари-нинг барчаси шунда ҳозир қилинди. Уларнинг баъзиларини ўлдирди, баъзиларини эса сазойи қилди. Ринд ва авбошлар-нинг барчасини катта эҳтиром билан қабул қилди, уларга деди: «Сизлар учун ғойибдан қуроляроғ топишга муяссар бўлдим!» Ўша кунларда Шероз томондан бир қарвон келди ва тўрт харвор шамшир олиб келишди. Бу ҳам одамлар сонининг кўпайиши ва эътиқодига сабаб бўлди. (Маҳмуд Торобий) уларга амирларнинг чодирларидан ва хиргоҳлари-дан ва асбоб-ускуналаридан келтиришни буюрди. Бутун салатанатни дабдабаю ҳашам билан унинг олдига келтириди-лар. Бутун ҳашамат билан уни ўтказдилар. Йиғилганлардан тўла лашкар тартиб берилди. Бебош одамлар ва авом (в. 167а.) халқ бойларнинг ҳовлиларига кириб олдилар. Хоҳлаганларга у ерлардан нарса олиб, Шайх Маҳмуд Торобий ҳузурига кўтариб келдилар. У бўлса (келтирилган молларни) лашкарга бўлишиб берди.

Доруға ва амирлар борган жойларидан мўғул фирқалари-дан катта кўшин тўплаб, шаҳарга қараб юрдилар. Шайх Маҳмуд Торобий ҳам ўз тобеълари ва одамларини жангга бошлади, шаҳар ташқарисига олиб чиқди. Ҳар икки лашкар икки томонда саф тортиб саваш бозори қизиганда, Шайх

Маҳмуд Торобийнинг бошдан-оёқ такаббурлик ва алдовдан иборат бўлган кароматлари овозасидан жиддий жанг қилмадилар. Аммо ногоҳ қазо камондори шастидан жон олувчи ўқ-қадар новаки Шайх Маҳмуд Торобий қатли учун етиб келиб тегди. У йиқилиб, жон берди. Унинг ўлиmidан ҳеч ким воқиф бўлмади. Зеро, ўша ҳангомда қаттиқ шамол кўзғолиб, улкан тўзон пайдо бўлди. Чунончи, одамлар бир-бировини ҳеч бир кўрмай қолдилар. Мўғул лашкари буни Шайхнинг кароматига йўйиб, жанг қилишдан юз ўгирдилар; Торобий одамлари уларнинг пайдан тушдилар. Тангри халқидан қарийб ўн минг нафар киши ўлдирилди. Шайх одамлари қатл этиш ва талон-тарождан қўл тортганларида, ўз Шайхларидан номунишон топмадилар. «Шайхимиз ғойиб бўлибди. Биз одамларнинг кўзидан ғойиб бўлмоқни истабдилар. Шайх қайтиб келгунларича у кишининг иниларини Шайх ўрнига қойим-мақом қилурмиз, деб Муҳаммад Али деган (укалари)ни Шайхнинг қойим-мақоми қилдилар. Барча авом ва бебош одамлар ул кишига тобеълик камарини жонлари белига боғладилар ва (дуога) қўл кўтардилар. Сўнг кўнгилларига нима келса қила бошладилар, не айтгилари келса, айтдилар. Бунинг хабарини Бухоро амирлари Хўжандда турган Маҳмудбек ибн Соҳиби Ялавоч Бухорийга жўнатган эдилар. Хабар Хўжандга етди. Маҳмудбек ибн Соҳиби Ялавоч Бухорий бўлган гапларни Қорачор нўёнга етказди. Унинг фармонида биноан Элдуз нўён ва Чаған кўрчи ҳисобсиз лашкар билан бу фитнани даф қилмоққа азм этдилар ва йўлга тушдилар. Ул гумроҳлар (яъни Шайх Маҳмуд кўзғолончилари) ҳокимиятни қўлга олганларидан бир ҳафта ўтгандан ва фасод қўлларини ишга солганларидан кейин мўғул лашкари (в. 1676.) Бухоро шаҳарига яқинлашди. Шайх Торобийнинг укалари барча тобелари ва яқинларини яна илгаригидек шаҳардан ташқарига олиб чиқдилар, жангга шайланиб турдилар. Жасорат билан жангга ташландилар. Ҳар икки томондан озми-кўпми йигирма бир минг киши қатл этилди. Торобийнинг укалари ҳам нобуд бўлдилар. Битта-яримта тирик қолганлари пана жойларга қочиб беркиндилар. Ўша қиёмат-қойим уруш пайсал топди. Лекин мўғул лашкари Бухоро халқини ғорат қилишга тамаъ тишини қайраб олган эди. Бухоро аҳлига янғидан қўл чўзмоқчи бўлдилар. Тангри лутфи (Бухоро аҳли) додига етиб, бир тўда Бухоро бузурглари хизматга бел боғлаб, турли нозу неъмат ва (олтинлари) нисор этиш учун чиқиб келдилар ва (мўғул) сипоҳининг калонтарлари бўлмиш Элдуз нўён ва Чаған кўрчи ёнига келиб, улардан сўрадиларки, «Бу даражадаги қатлу ғоратни тўхтатинглар. Бўлган воқеаларнинг аҳволини Амир Қорачор нўёнга

етказурмиз. Қандай фармон бериладиган бўлса, лашкарлар шунга амал қилишсин!» Барча амирлар бу гапга рози бўлдилар. Воқеа мазмунини бир ялавоч орқали жўнатдилар. Амирлар ва лашкар аҳли албатта жавоб турага мувофиқ бўлишига умид боғлаб, хизматларига кетдилар ва (Бухоро-ни) хароб қилишдан қўлларини тийдилар.

Арзнома мазкур марҳаматли нўёнга етгандан кейин Бухоро аҳолисининг жарима саҳифасига афв рақамини чекди ва Чиғатойхоннинг ёрлиғини жўнатди. Унда лашкар аҳлининг қайтиб кетиши, Бухоро шаҳри аҳолисининг қатл, талон-тарож қилинишига асло ва қатъиян киришмасликлари лозим. Тош, сув ва яғмодан қўлларини тийишлари лозим, дейилганди.

Ул номдор нўённинг кифоятли саодати ва ҳимоятидан Бухоро ҳамда унинг ноҳиялари аҳолиси, зиёлилари, авому йўқсуллари ҳам Торобийлар фасодидан, ҳам мўғул лашкарининг қатлу торожидан халос бўлдилар. Назм (мазмуни):

Қандай яхши, мамлакатнинг ҳар жихатдан паноҳи, сипоҳнинг қаноати, шоҳнинг хайрихоҳлиги, Қорачор нўён билан Сўғу Чечан бор эди, ота-боболари замонасининг паҳлавонлари бўлишган.

Шаҳзода Чиғатойхон салтанатининг айёми тамом бўлганда ва олийшаън ҳоқон ҳаёти муддати замон тўшагини охирига тортиб келтирганда, мизожи сиҳҳат ва истиқомат холидан (в. 168а.) бўлмай, жасади роҳат бистарида ўлим маразидан истироҳат кўрди. Ўз ҳаётидан умид риштасини узди. Амир Қорачор нўённи васий қилиб, фарзандларини тамоман унга топширди Умид хонасини дунёвий муродлар билан безади ва жони узилди.

Айтадиларки, туркийларнинг уд йилига мувофиқ санайи 738-йил зулкаъда ойида Ўктой қоон вафотидан етти ой олдин Чиғатойхон вафот этди. Назм (мазмуни):

Ажал олдида ўлмақдан бўлак кишида чора йўқ, унинг қаршисида Талхаю ҳоқон бирдир. Жаҳон ҳаёти расми-русуми шундайдир, тирик зод ажали етса ўлади. Киши унга «йўқ-йўқ» дея олмагай, қачон келса ўша дам унинг учун дамдир.

Ундан кейин олийшаън хон авлоду қариндоши, акрабларидан озмиқўпми ўттиз нафари Турон мамлакатлари шаҳарларида салтанат ва ҳоқонлик сарири, жаҳонбонлик қоидалари тахтида ўлтирганлар. Унинг ўн бир ўғли бўлган. Аммо вафот этаётган вақтида ўн нафар ўғли ҳаёт эди. Ўлган ўғлининг номи Бойкон бўлган. Қолганлариники эса Ясу Мунко, Манукон, Бойдор, Сорбон, Тўлқон, Бўзи, Бўлкон, Нури, Комкор, Тўкузархон.

Иккинчи (хон) Қора Ҳалокухон ибн Бойқон ибн Чигатойхондир.

ҚОРА ҲАЛОКУХОН ИБН БОЙҚОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Баъзи (тарих китоблари) нусхаларида битилганки, Чигатойхон вафотидан кейин олийшаън нўён, яъни Қорачор нўён мамлакат ва салтанат забту насағини, лашкар ва раъият жумхур ҳалойиқ ишлари таъминоти кифоятини маъмурий қарор бўйича қўлга олди. Бундан ортиғини тасаввур этиш мумкин эмас эди. Назм (мазмуни):

Некном Чигатойхондан кейин, Сўғунинг ўғли Қорачор нўён — адолат билан лашкарни парвариш қилди. Адлу инсоф билан халққа (муносабатда) бўлди. Мазлум ҳақини шундай адо қилдики, золим шаксиз унинг жазосини тортди. Уларнинг томирини Рустамдек суғуриб отди. Некномликда яловбардор бўлди, раиятни парвариш қилди, хайлу сипоҳни ҳам, унинг тарбиясидан ой ва қуёш юз кўрсатди. Яхши ниятларидан замоннинг насибаси омонлик бўлди. Фитна «ал-омон!»—дея фиғон чекди. Жонон зулфидан бўлак барча нарса оромини топди. Киши гўзаллар кўзидан бўлак фитнани кўрмади (в 1686.).

Чигатойхон вафотидан бир неча йил ўтгач, Қорачор нўён айём маслаҳатига биноан Қора Ҳалокухон ибн Бойқон ибн Чигатойхон ибн Чингизхонни хонликка танлаб, салтанат тахтига унинг жулусидан зийнат бахш этди. Назм (мазмуни):

Қора Ҳалоку тахтга чиққанда замон тили шундай дуо ўкиди: хонлик тахти сен туфайли баланд бўлди, эй, ардоқли фарзона шоҳ! Филни енгувчи шердил жаҳондор; зойир уни деди: «Гўзал дарёга айланди». Жаҳон тургунча умринг боқий бўлсин, яхши номингдан олам баҳра олсин.

Учинчи хон Есу Мунко ибн Чигатойхондир.

ЕСУ МУНКО ИБН ЧИГОТОЙХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Қора Ҳалокухон жулусидан бир неча муддат ўтгандан ва унинг салтанати овозаси ҳар тарафга ёйилгандан кейин Кепакхон ибн Ўқтой қоон ибн Чингизхон ишоратига кўра, яъни у шундай деганди. Назм (мазмуни):

Ўғил ҳам набира каби бошга кулоҳдир, тахтга ўлтириши билан бошига қўюр. Дунёнинг расм-русуми бу, эй ўғул, доимо отанинг ўрнини амаки босар. Ота то тирик экан ҳаётда, ўғил қачон отасининг ўрнини олган? Навбат дунё айланиб келгудек бўлса, ўшанда у тахтга зебу зийнат бера олади.

Қорачор нўён Қора Ҳалокухон салтанати саҳифасига асл (четлатиш) рақамини чекиб, туркларнинг юнд йилига мувофиқ санайи 743-йилда Есу Мунко хон ибн Чиғатойхон ибн Чингизхонни салтанат ва жаҳонбонлик тахтига ўтқизди.

Ҳаёти муддати ўтиб бўлгач, турмуш айёми унинг давру давлатини охирига етказди. Есу Мункохон ибн Чиғатойхон ота ва бобоси кетидан ўлим ноғорасини чалди ва руҳи бадан рукнлари чоррахасини тарк этди.

Яна мазкур Қорачор нўён Қора Ҳалокухонни подшоҳликка қўйди. Чунончи, энг тўғри қарор шу бўлди. Назм:

Таржимаси:

Оқ кўнгил нўйон тонгда, яна кўз ёши қилиб Қора Ҳалокуни икболи бахтига тахт саройини унинг ўлтириши билан безади (в. 169а.).

ҚОРА ҲАЛОКУХОН ИБН БОЙҚОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Есу Мунко оламдан кўз юмгандан кейин Қорачор нўён иккинчи бор Қора Ҳалокухонни ўз жойига, хонлик тахтига ўтқизди. Унинг давлати айёмида туркларнинг товушқон йилига мувофиқ санайи 752-да Қорачор нўён ибн Сўғу Чечан ибн Эрумчи Барлос ибн Қочувли Баҳодир ибн Туманохон ибн Бойсунгар ибн Қойдухон ибн Дутминхон ибн Бўқохон ибн Нурихабархон ибн Олонқуво бинти Чуйманахон ибн Юлдузхон ибн Менгли хожохон ибн Темуртошхон, Турк ибн Ёфас, алайҳиссалом, хонадонидан бўлган Мўғулхоннинг авлодидан Қаён ибн Элхон наслидан (бўлган нўён)нинг руҳи қуши бадани қафасини бузиб, бу вахшатобод дунёдан уқбо Тубоси шохсори сари парвоз қилди. Назм (мазмуни):

Ул раиятпарвар ҳукмдор, дариф, мағрур Қорачор нўён. Дунё зафардан шунчалик узокламошмоғи лозимки, у бошқа офтобни чиқарур. (Қорачор нўён) нинг умри саксон тўққизга етганда бебақо оламдан ўтди. Ундан ўн нафар ўғил қолди. Булар ўша жумладан олти нафаридир: Биринчи ўғли Эжил, Элдуз Есўта, Валоло, Нанзаа ва Ясу Мункохон. Бешинчи (фарзанди) Арғуна хотун бинти Тура Элчи кўрагон Қора Ҳалокухоннинг никоҳида эди.

АРҒУНА ХОТУН БИНТИ ТУРЭЛЧИ КўРАГОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

У Қора Ҳалокухоннинг хотини эди. Ундан Муборакшоҳ деган бир ўғил қолди. Эри вафотидан кейин ўғли ёш бўлгани учун унинг номидан салтанат ишларининг мутасаддиси бўлди. У гоятда виқорли, хушхулқ хотун эди. Му-

сулмонларнинг барча ишларига майл кўргузарди. Му- сулмонлар молу жони риояти ва муҳофазасида бирор дақиқа ҳам кечикмасди. Олтинчи хон Олиғу ибн Пойдор эди (в. 1696.).

ОЛКУ ИБН ПОЙДОР ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Замон муаррихлари орасида Алку деб шуҳрат топган Олғу ибн Пойдорнинг лашкаркашликда ва сипоҳ йўртти- рувчи амирулумароси Амир Эжил нўён ибн Сўғу Чечан ибн Эрумчи барлос ибн Қочуйи баҳодир ибн Туминахон эди. Олиғу хушсуврат, хушхулқ, олийсийрат подшоҳ эди. Тальати чиройи ой ва қуёш ғайирлигини келтирар, салтанатининг шукуҳи Фаридуну Жамшид урф-одатларига бир жавобдек эди. Назм (мазмун):

Жаҳоннинг бахти, фаррух юзли хукмдор, баланд тахтли, зафар байроқли. Тожу тахт зебини бошига кўйган, кўлино дили денгиз ва кондек сахий.

Фаолиятининг бошланишида Олғу хон билан Ариқ Буқохон ибн Тулихон ибн Чингизхон ўрталарида тўла мувофиқлик ва садоқат мавжуд эди. Шу муддатда Қоракурум тахтининг хонлиги Ариқ Буқога муқаррар бўлган эди. Назм (мазмун):

Номдор Олқу буйруқ берганда, Чиғатойнинг пойдорлари- дан эди. Саноксиз лашкар билан еларди, турклар юртини мардлик билан кўриқларди.

Олқу ибн Пойдор ибн Чиғатойхон Чиғатой улусига етганда ҳар тарафдан унга лашкарлар кела бошлади. Қисқа муддатда атрофига жуда кўп қўшин жам бўлди. Фаровон шавкат ва улкан мартаба ҳосил қилди. Катта ўрдага Эрон заминдан юборилиб турган хазиналарни тасарруф қилган эдилар. Шу туфайли у билан Ариқ Буқохон ибн Тулихон ибн Чингизхон ўртасида муҳолифлик пайдо бўлди; уруш келиб чикди. Ариқ Буқохон Олғухон устига биринчи бўлиб қўшин тортди. Жанг воқеъ бўлди. Олғу томон шикаст топди. Ариқ Буқохон қайтиб кетиши билан Олғу хон сипоҳ тартиб беришга тушди. Амир Эжил нўён ибн Амир Қорачор нўён барлос кўп сонли лашкарларни тўплаб, келиб Олқу ибн Пойдор билан бирлашди. Чиғатой улуси батамом унга кўшилгач (в. 170а.) Ариқ Буқохон устига юрди. Ариқ Буқохон ҳам барча сипоҳини олиб Олғу хон билан жанг қилишга отланди. Ҳар икки томон лашкари тўқнашиб, бир- бирига қарши саф тортганда Олғу хон бу сафар ўз иззати нафси билан ҳамла қилиб, чопқин ясади. Душманнинг сабот оёғи жойидан кўзғолди. Ариқ Буқохон Олғухондан айни

шу каби мардона ҳамлаларни кутган ва мулоҳаза қилганди. Унинг лашкари тоқат жиловини қўлдан бериб, орқаларига қараб қочишга юз тутдилар.

Маъсудбек Маҳмудбек соҳиби Ялавоч Бухорий ўғли Арик Буқохоннинг вазири мансабида эди. У Олғухон хузурига келди ва этагини ўпиш шарафига муяссар бўлди. Подшоҳнинг иноятли назарига эришди. Шухрат отини эътибор майдонида суриб, Қироннинг иктидор йўргасидан ҳам ўтказди.

Олғухон зафар қозониб, бахтга тўлиб, Чигатой улусига қайтганда туркларнинг доқуқ йилига мувофиқ санайи 658-йил охирларида Бешбалиғда хонлик сарири ва жаҳонбонлик тахтига ўлтирди. Қора Ҳалокухон ибн Бойхон ибн Чигатойхоннинг беваси Арғуна хотун бинти Арик Буқохонни ўз никоҳига киритди. Салтанат тахтида тўрт йил турди. Ундан икки ўғил қолди. Бирининг номи Дубо, иккинчисиники Қаён эди. Шундан кейин омонат ҳаётини Арвоҳ қўлига топширди. Назм (мазмуни):

Паҳлавон Пойдорнинг ўғли Олғу, байир шаҳриёрдир лақаби Олқу. Саботсиз гардишнинг айланишидан ҳаёти замон саройи маҳфилида, пайкарида хонлик шамъини ёқди, кейин ногаҳонда уни фано ўчирди. Еттинчи хон Муборакшоҳ ибн Қора Ҳалокухондир.

МУБОРАКШОҲ ИБН ҚОРА ҲАЛОКУХОН ЗИКРИ

Муборакшоҳ ибн Қора Ҳалокухон вояга етгач, Амир Эжил ибн Амир Қорачор нўён барлос ёрдамида туркларнинг уди йилига мувофиқ санайи 662-да Олғухонни ўртадан кўтариб, истиқлол билан хонлик тахтига ўлтирди. Айтишларича, (в. 1706) Муборакшоҳ нек эътиқод, камозор ва жуда адолатли султон бўлган. Маърифатли ва бовиқор бўлган.

Назм (мазмуни): Қора Ҳалоқунинг ўғли Муборакшоҳ жаҳон кўзининг оқуқораси эди. Она зотидан унингдек хушхулқ, ҳалим ва камозор хон туғилмади. Унинг замонида фитна, ситам бўлмади. Чигатой наслидан унингдек шаҳриёр дунёга келмади.

Муборакшоҳ хон султонлиги даврида Чигатой улуси Амир Эжил нўён барлос сиёсати ва тутуми саодатидан фоятда хуш бўлди. Мамлакат унинг ғайрату камолидан давлати айёмида обод, ҳалойиқ унинг ҳимояси ва риояси соясида тўкину шодмон кун кечирди. Назм (мазмуни):

Раият хуш, лашкар шодмон, фитна уйқуда, давлат қўли кучли, Ҳалойиқ осойишда, ранж чекмайди, заррин зафар ялови баланд кўтарилган. Ногоҳ замонанинг кўзи тегиб,

Шахриёрнинг давлатига асар қилди. Оёғи осмондан келадиган гардун давронга келиб кирди-ю, тўнқарилмади. Бу қари чарх (кирдикори) шундай: ҳар лаҳзада бир хуруж кўрсатади.

Саккизинчи хон Бароқ ибн Суқара ибн Комкор ибн Чигатойхон ибн Чингизхондир.

БАРОҚХОН ИБН СУҚАРО ИБН КОМКОР ИБН ЧИГАТОЙХОН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Муборақшоҳ хон давлати айёми тугаб, Бароқхон салтанатининг айёми офтоби бароқланиб чиқди. Назм (мазмуни):

Имкон конидан шундай гавҳарки, хонлар ва дунёдаи шундайин бир сарвар, ҳар қандай даврондан пайдо бўлавермайди, қаҳр эшиги учун унинг ханжари калиддир.

Туркларнинг барс йилига мувофиқ санайи 663-йил бошларида шахзодалар, амирлар, хон хотинлари мадади билан салтанат Бароқхон ибн Суқарога қарор топди. Хонлик тахти, жаҳонбонлик саририга подшоҳлик тожини кийиб ўлтирди. Амир Эжил нўён ибн Қорачор нўён барлос илтижоси билан Чигатой улусининг барча амирлар ва шахзодалари келиб, тоз чўкдилар. Бутун раият ва лашкар аҳли (в. 171а.) итоати камарини жон белига боғладилар. Унинг замонида Амир Эжил нўён Барлос Озарбайжон тарафга Тугузар ўғил ибн Чигатой хон ҳузурига кетди.

Бароқхон хонлик тахтида ўрнашиб олгач, унинг билан Кайдухон ибн Ғози ўғил ибн Ўктой қоон ўрталарида муҳолифлик тушди. Кўп тортишув ва баҳслардан кейин иккаласи ўртасида сулҳ тузиш йўлларини қидирдилар. Аҳду паймон боғлашдилар. Назм (мазмуни):

Бароқхон сипоҳи Қайду мадади билан Хуросон ва Ироқ мулкини олади. Эронзамин яхши тахтгоҳдирки, Яйлоққу кишлоғи айни муддао.

Шундан кейин Бароқхон туркларнинг илон йилига мувофиқ санайи 666-да Масъудбек ибн Маҳмудбек ибн Соҳиби Ялавоч Бухорийни элчи сифатида Абақохон ибн Ҳалоқухон ибн Тулихон ибн Чингизхон, ўша замондаги Эрон тахти подшоҳи ҳузурига жўнатди. Юзаки қараганда, у садоқат ва дўстликка асос солиши лозим эди. Аммо мақсади ул мамлакат кайфияти ва вазиятидан воқиф бўлиш эди. Туғузор ўғил Бароқхоннинг Гуржистонда бўлган укаси ва Амир Эжил нўён унинг ҳузурига кетган эдики, Чигатой лашкари эътиборидан огоҳ бўлиб туриши лозим эди.

Масъудбек ибн Маҳмудбек ибн Соҳиби ялавоч Бухорий Бароқхон буйруғи билан элчи бўлиб жўнади. Ҳар бир манзилда эътибор ишончи учун бир чопкир от ва бир неча ишончли одамларини қолдириб ўтиб кетаверди. Масъудбек келаётганининг овозаси Табризга етиб келгач, хожа Шамсиддин Муҳаммад соҳиб девон унинг истиқболига чиқди. Унинг қаршисида пиёда бўлиб, Масъудбек ҳам отдан тушди. Шунга қарамай, афсус ва надомат юзасидан дедики, «соҳиб девонлик унга номдир. Сиздан яхшироқ соҳиб девон эргашиб келган!» Аммо у жавоб учун лаб очмади. Масъудбек пойтахтга кириб келиши билан барча Эрон амирларидан юқори чиқиб ўлтирди. Аркони давлат авзойидан ўзига нисбатан бадгумонликни туйиб, учинчи куни қайтиб кетишга ижозат сўраб, Абақохон қулоғига етказди (в. 1716.) ва саройдан ташқари чиқиб тўхтамасдан йўлга тушди. Ҳар манзилда йўлда сақлаган сипоҳ билан бирга шундай йўл босдики, тўрт кеча-кундуз деганда Жайхун қирғоғига етди. Дарёдан кечиб ўтди. Табриз амирлари қарасалар Масъудбек кетиб қолибди. Хонга хабар бердиларки, у бир макр билан келган, қайтиб кетгани қўймаслик лозим. Дарҳол бир тўда одамни Масъудбек ортидан жўнатдиларки, қаерда кўрсалар қўл-оёғини боғлаб, олиб келгайлар. У бўлса чунон жадал юрган эдики, ҳеч ким унга ета олмади. Масъудбек Абақохон ёнидан чиқиб қайтиб кетгач, ул томон аҳволини, батамом ва бар камол нимадан воқиф бўлган бўлса, ҳаммасини Бароқхонга етказди. Бароқхон тепаси зўр барқ (чақмоқ) шитоб булутидан чақилиб, ахтара-ахтара бароқлик кўринишини олди. Ёмғир қатраларидан ҳам кўп фаровон лашкар билан гулдираган момақалдирокдек ва шитобон селдек юриш бошлади. Туркларнинг юнд йилига мувофиқ санайи 667-йилда йўлга тушди. Назм (мазмуни):

Барокдек Бароқхон барқдек пўлатга бурканган сипоҳ билан Эрон замин шоҳи бўлиш умидида Жайхундан ўтди, дили тўлиқ адоват. Хуросоннинг ўн кунлик йўлини тезда эгаллади, шундай оғир ишни осон деб билди.

Жайхун дарёсидан ўтиб олгач, Малик Шамсиддин қурт эл бўлиш расми-русумига содиқ қолиб, унинг истиқболига шошилди. Бароқхон ҳузурида ер ўпиш давлатига эришди. Бели ва тилини хизматкорлик ва санохонликка боғлади ва ечиб деди. Назм (мазмуни):

Бундан буён шоҳлик тахти тепаси сеники, бу мамлакатда ҳар не истасанг — сеники.

Айтишларича, ўша вақтда Хуросон аёлотининг мутасаддиси шаҳзода Тебин ўғил ибн Ҳалоку хон ибн Тулихон ибн Чингизхон ва Амир Арғун оқойи Уйрот бўл-

ган. Бароқхон лашкари Нишопур тарафга ҳаракатга келган.

Назм (мазмуни):

Сипоҳ булчинғорлари бир-бирларига дуч келдилар. Узоқдан ўз душманларига нигоҳ ташладилар. Бир-бирларидан хабар олдилар. Бошдан-оёқ темир ёпинган ботирлар. Ўртадаги саволу жавоб камон ўқи парининг хати воситасида бўлди. Урушларини бошлашганда; бошланди — Булчинғорда, қоровул ва бурунғорида. Булчинғор от йиқитишганда, Бурунғор ботирлари мисли Кешасбдек шамширларини ғилофдан суғуриб, киёмат кунни тартиби муқаррар бўлди. Ҳар икки тарафдан сипоҳ савашга тушди. Бошу тан биргаликда қон қайнатиб, сочишарди. Ботирлар наъраси ҳақорат бонгидан — фалаклар мулки кулоғи кар бўлди. Шу дамда аванғор, жавонғар ва ғўлдан мўғул мардларининг мардлари от солдилар. Қони тортиб эронийлар кела бошлади, қўлда балорақларини яланғочлаб, тиғ тортиб, ўқ отар эдилар, улар бош ва сийналардан жой олардилар. Хуросон малигининг ботир йигитлари, ғазабдан заминга дам ура бошладилар. Мардлар марди жигарларни суғурувчи чангаллари билан жанг куни бир-бирларини ёрардилар. Мардларни қўмсаган бу кенг сахро ботирлар қонидан лойга айланди. Хуросонликлар наздида мўғулларнинг Бурунғор, аванғор, жавонғор ва ғўли барчаси даврада жанг қилишарди. Паланг олдида Чин оҳусидек эдилар лекин қазою қадар ҳукми билан мўғулларни уларнинг биттаси ҳам енга олмади. Ногоҳ ўкчунғор чиқиб келди. Ва қон дарёси, даштини кўрдилар. Сийналар кўтарилган Самокка қадар. Фалакни ҳам ажратди замин тупроқдан. Кўз уриштириб, аргумоқларни чоптирдилар. Сипоҳ қалбида Ироқ амири, шу вақтда бир тарафдан бустунғор — отликлардан саф тортиб илгари елди. Икки тарафдан икки гуруҳ бир-бирига етишди. Ўртада Хуросон сипоҳи ҳолдан тойди. Уларнинг аванғори чиқиб кетиб жавонғор бўлди. Биринчи булчунғорлари бурунғорга ўтди. Мўғул шоҳсувори бирваракайига ғўлдан тулпорини йўрттириб чиқди. У шаҳзода Тебун ўғилга йўлқиди. Унинг сипоҳи хайли гардини чиқарди. Энди икки томондан икки сипоҳ от чоштирдилар. Қасд қилишиб ҳар икки шоҳга Чиғатой ва Тули сипоҳи биргаликда ўртага тушуб ғазабдан қалам ясадилар. Ўқлар ёғилганидан мисоли ўтин Хуросон сипоҳи мағлуб бўлди. Аргун ва Тебун Бароқ дастидан сўнг Ироқ томон бош олиб кетдилар.

Булчунғорни форсийда язак, туркий-уйғурийда қоровул дейдилар. Бароқ хоннинг булинжғори шаҳзода Тебун ўғул лашкари булинжғорига етиб олдилар. Икки томон учрашиб,

жавобу савол ўртада бўлиб ўтди: албатта ўқлар тили билан сўзлашишди. Шу ҳангомда ҳар икки язак қаттоллик йўлидан йўртиб борардилар. Бурунғорни арабийда муқаддимат ул-жайш дердилар, туркий-уйғурийда уни ировул манқлой дейдилар. Шу бурунғор ботирлари етиб келди. қаровулга мадад бериш учун отларига қамчи уриб, шамшир дамидан нафас олардилар ва сўз сўзлардилар. (в. 172б.).

Манқлай баҳодирлари саваш ва қатл ишига қизгин киришиб кетдилар ва диловарлар «Ҳою ҳуйи» айланиб турган фалак гумбазида ўрлаб кетди. Ҳар икки тарафдан, лашкарнинг арабийда маймана ва майсара деб аталувчи аванғору жованғордан нуроний мўғуллар, эроний ботирлар бир-бирларига ташландилар. Ўлдирганларидан пушталар ҳосил қилдилар ва кичик қиёмат ошкор бўлди. Хуросон лашкари осон-осон мўғуллар бошини таналаридан жудо қилдилар. Бундан ваҳимага тушган мўғуллар Хуросон ахлидан кўрқиб қолган эдилар. Ногоҳ Мўғул лашкарининг соқа деб аталувчи ўкчунғори таъқиб этиб етиб келди ва найзаларини ялов қилиб, арғумоқларининг жировини бўш кўйдилар. Шул вақтда Бароқхоннинг ҳабое ёки камин деб аталадиган пустинғори жамоасининг барчаси Рустам янглиғ эдилар, етиб келиб, мадад бердилар. Бароқхоннинг ўзи ўз иззати нафси билан майдонда тулпор ўйнатиб, шаҳзода Тебунга яқинлашди, мардона ҳамлалар қилди. Натижада ғалаба Бароқхон лашкари томонида юз берди. Хуросон аскарлари ҳаросон бўлиб, шикаст топдилар. Шаҳзода Тебун ўғил ва Арғун оғой уйрот лашкарининг шикаст еганини мулоҳаза қилиб, иложсиз, отлари жировини қайтариб, Ироқ томонга бурдилар. Хуросон лашкари енгиллиши билан шаҳзода Тебун ўғул ва Арғун оғой уйрот бош олиб, Ироқ сари юз тутдилар. Бароқхон лашкари босқин ва истило кўлларини тасхир майдонига киритдилар. Ўзлари белгилаган йўл қудуратлари туфайли мардона оёқлари остига ястанди.

Хуросон мулки бир йил муддатда Бароқхон ибн Суқор ибн Комқор ибн Чиғатойхон ибн Чингизхон тахти фармонида бўлди. Ўша вақтда Эрон, Ироқ, Озарбойжон ва Хуросон подшоҳи бўлиб турган Абақхон ибн Ҳалоқхон ибн Тулихон ибн Чингизхон Бароқхоннинг Хуросон мулкани тасарруф қилгани хабарини эшитиб, ўзи Бароқхон билан савашмоққа барча лашкари билан азм қилмоқдан, (в. 173а.) бу ҳодиса фитнасини даф қилмоқ учун Хуросон сари отланишдан ўзга чораси қолмаган эди. Назм (мазмуни):

Тебун Бароқ қўлидан енгилгач, уни Арғун Ироқ томонга

олиб кетди. Бароқ (хон) Хуросондан кўп ерларга эга бўлди. Хур (яъни, олчок) осонгина Хуросон ерларига чопқин ясади.

Ўша бир йилда шоҳлик қилди. Султонликда Барзаху Жуд бўлди. Абақа унинг ишидан огоҳ бўлгач, унинг устига лашкар ташлади. Елганча Рай шаҳри томонга келди, Тебун ва арғун унга етиб олишди, у ердан Ҳирот тарафга ҳаракат қилишди. Сипоҳ кўплигидан сабот олди.

Ироқ ва Озарбайжоннинг ҳисобсиз лашкари билан Ҳирот тарафга юрди. Рай йўли билан юриб, бошқа йўлдан кетган шаҳзода Тебун ва Арғун оғой уйрот Табриз ўрдасида Абақохонни тополмай, Райга етиб олгач, у билан бирлашдилар. Бу ерда сипоҳларига тартиб бериб, Ҳирот сари жўнадилар. Масофани босиб ўтишгач, Ҳирот жилғасига, Бароқхон сипоҳи тўхтаган мавзегга (етиб келдилар). Ашқивон яқинида Абақохон ва Бароқхон чериги бир-бири билан учрашдилар ҳамда ясов тузиб, ҳар икки тараф сафлар ораста қилиб, жанг кўркаларини уруш оҳангида ура бошладилар. Саваш найларининг нолалари «гирия қазок» навосининг сазовор садосини келтирардилар. Жангжўй диловарлар оташ ҳамла шамоли билан жанг оловини ёқдилар. Бароқхон лашкар аванҒориданки, маймана дерлар (жанг майдонига) кирди. Абақохон лашкарининг жаванҒоригаки, майсара дерлар, муқобилда ҳамла қилиб, батамом ва буткул тор мор келтирди ва қувиб борди.

Абақохон лашкарининг жавонҒори орқага ўтирилиб, Абақохон лашкари аванҒорига ишониб яқинроқ келдиларки, Абақохон лашкарининг барчаси енгилиб, чекинишга юз тутди. Шу вақтда Абақохон лашкари жавонҒоридан Субутой нўён уйғур ўз отидан тушиб, пиёда бўлиб олди (в. 1736) ва курсига ўлтириб, деди: «Кимки, бугун жангда собит турмаса мен уни нима қилишимни бир замин у осмон Тангриси билади ва ул соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам. Зеро, мен бу ерда жонни тикиш ниятидаман!» Субутой нўённинг бу сўзларини эшитиб, лашкар аҳли сукутда қолди ва қочиб кетганлари қайтиб келиб, ҳамла қилдилар. Шу жойда Абақохон ўз нафси билан майдон маъракасига тулпор сурди. Мардона, подишоҳона ҳамлалар қилди. Ҳар тарафдан диловарлар ва сардорлар ўз ишини жойига қўйиб адо этишди.

Бароқхоннинг номдор баҳодирларидан бўлган Мирғовул баҳодир ўлдирилди. Унинг мурдаси устида теваратрофдан одам йиғилиб, ҳаракат қилдиларки, даврнинг қонхўр Миррихи бераҳмлик қинидан қаттоллик қиличини намоён қилгайки, бу жаллодликка хос эди. Бароқхон бундай жанг бўлишини мушоҳада қилиб кўрмаган эди.

Айтишларича, ўша куни кечгача баҳодирлар жанг

килишдан тўхтамадилар. Тунда лашкарлар ўз оромгоҳларидан қарор топгач, Бароқхон ўз лашкари билан Моваруннаҳр сари йўлга чиқди. Бухорога яқинлашганда исломи ширини изҳор этмоққа муяссар бўлди. Бароқхон мусулмон бўлгач, унга Султон Ғиёсиддин деган лақаб бердилар. Орадан бир неча кун ўтиб, у фалаж касалига чалинди. Чунончи, каерга борса моҳаффада кўтариб юришди.

Туркларнинг кўй йилига мувофиқ 668 йил охирларида Қайдухон ибн Ғози ўғил ибн Ўктой қоон ибн соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам хузурига кетди. Қайдухоннинг макр кўлидан (Бароқхон) кўлтиллайтиб шарбат ичгач, жони узилди. Унинг подшоҳлик муддати олти йил бўлди. Назм (мазмуни): Ложувард гумбазнинг бу айланишида не-не олий бинолар гардга айланмади? Бу тескари фалак чархи даврида не-не паймонлар қонга тўлмади? Бу ноёб ва гўр дунё айёмида узокдан ҳаммага шароб ичирурлар. Қазо соқий, қадар унинг жомидир, ажал унинг қизил бодайи нобидир. Паймона ҳар гоҳ даврада тўлганда, давр жабр бўлмасдан, соқий кўлидан уни ичади. Қадардан уни Бароққа қазо берди. Қайдунинг уни қадрлашидан асар қолмади. Зиён-заҳматда қазо ўз ишини қиладики, халойиқ бегонадан муҳтожлик сезади.

Бароқхондан Дуво Чечан ибн Бароқхон ва Бўри ибн Бароқхон ва Хувло ибн Бароқхон (деган уч ўғил қолди).

Тўққизинчи (хон) Бекхон ибн Хувло Шеромундир.

БЕКХОН ХУВЛО ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Бекхон ибн Хувло Шеромунки, унинг баланд саропардаси атрофидан фалак одоб билан кезарди, осмондек салтанати сатҳидан офтоб ҳурмат билан ўтарди. Назм (мазмуни):

Ботир Бек ибн Хувло Шеромун салтанат гўйини майдондан олиб чиқди. У хушахлоқ подшоҳ эди. Фармонбардорликда жаҳонда тоқ эди. Жаҳонгашта унга ўхшаганни тушида ҳам кўрмаган. Мағрур, дарёдил ва саодатли эди. Давлат ноғорасини унда турганча чалди, шоҳлик майдонида отини сурди, даврон ўз нози билан адо қилди, уни яна бошқа майдонга отди.

Ўнинчи хон Тўқтемур ибн Қудағай ибн Туриндир.

ТЎҚТЕМУРХОН ИБН ҚУДАҒАЙ ЗИКРИ

Айтишларича, Тўқтемурхон одил ва инсофли подшоҳ бўлган; хонлик мансабига шойиста, мақтовли сифатларга муносиб. Назм (мазмуни): Фармон берувчилик тахти унга

насиб этгач, унинг раъйи тўғрилиқдан бўлаги бўлмади. Мамлакат унинг адолатидан оро топди. Ғаним умридек ситам кўли калта бўлди.

Ўн биринчи хон Дуво Чечан ибн Бароқхондир.

ДУВО ЧЕЧАН ИБН БАРОҚХОН ЗИКРИ

Дуво Чечанхон ибн Бароқхон саодатли ва баланд ҳимматли подшоҳ эди. Хонлик тахти, жаҳонбонлик тожи унга шойиста, муносиб, лойиқ ва сазовор эди.

Назм (мазмуни):

Баланд мартабали подишоҳ тожу тахт ярашган, кучли ирода ва ферузбахт подшоҳ эди. Унинг шоҳлик даврида ҳаммага адолат қилди; ўзининг адолати ва сиёсати билан юртни обод қилди.

Дува Чечанхон давлати айёмида амирлик ва мулк мадорийлик мансаби Амир Алангиз нўён ибн Ижил нўён ибн Амир Қорачор нўён ибн Сўғу Чечан ибн Эрумчи барлос ибн Қочувли баҳодир ибн Туминахонга ҳавола қилинди. Дува Чечанхон билан Амир Алангиз нўён ибн Амир Ижил нўён ибн Амир Ижил нўён ибн Амир Қорачор нўёр барлос, Қорачор нўён билан соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам, Қочувли баҳодир ва Қайлхон ўрталаридаги аҳднома дастури Туминахон ёзган Олтамғо бўйича тузилиб, бир-бирлари билан аҳду паймон қилиб, қасам ичишди. Оталар расму русуми ва йўриғини янгилашди. Ўттиз йил давомида фармон берувчилик ва комронлик шуъласида яшади. Алангиз нўённинг хусни тадбири туфайли Чигатойхон улуси ободонлик касб этди. Кимнинг қандай муроди бўлса унга етказди. Назм (мазмуни):

Дуво Чечан ибн Бароқ баҳодир, Чигатой улусида ягона эди. Фармон чиқаришда комрон шоҳ бўлиб, киши ундан яхшиликдан ўзга нарсани кўрмасди. У яхши номликдан ким мурод истаса, Хожатманднинг дами ичида кетмасди. Бир неча вақт даврон суриб, ночиз бўлди, фалак ханда уриб, у ҳам тугади.

Хуллас, унинг ҳаёт муддати ҳам тамом бўлди. Дуво Чечандан ўн икки ўғил қолдики, исмлари куйидагича: Саргад ўғил, Абукар, Элхожа, Гарбижак, Аюмкан ўғил, Бурон, Тармаширин...

Дуво Чечан ибн Бароқхоннинг учинчи ўғли ва Чигатойхон ибн Чингизхоннинг фаръ набираси Элчигадой ўн иккинчи ўғилдир. Хожа Элчигадойнинг ўн иккинчи ўғли Гарбижак. Айюмкан ўғил, Бўрон, Тармаширин, Эсанбуқа, Кебак.

Ўн иккинчи хон Кунжак ибн Дуво Чечан хондир.

КУНЖАК ИБН ДУВО ЧЕЧАН ХОН ЗИКРИ

Тарих арбобларининг тахрир этишларича, Кунжак хон иқбол ниҳоли хонлик мавсуми баҳорида, шодмонлик хурсандчилигида очилган шахриёрдир. Узоқ-яқин хосу авомга омон ва омонлик меваларини етказди. Назм (мазмуни):

Кунжак Чиғатой тахтига ўлтирди, Кубба эшигини халқ учун беркитди. Унинг даврида раиятлари тинч яшайди, лекин душманининг боши поймол, хирадманд ҳукмдор, кўнгли пок. Олам куёши тахтини ёритиб туради, пешонаси нуридан офтоб хижил, кафти ҳаёдан офтобдек нурга тўла. Жаҳондор, ақлли, фарханг, раъйи адлу сиёсатдаги хислати унга вобаста.

Кунжак хон Чиғатойхон мамлакати тахтида ўрнашиб олгач, кўрдик. Қайдухон ибн Ғози ўғил ибн Ўктой қоон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам фарзандлари салтанат уҳдаси ва мамлакат тутишдан ожизлик қилмоқдалар. Шунинг учун Чиғатой улуси устига ўз илтифоти соясини ташлади. Уларнинг вилоятларига лашкарининг юриши ғалаён солди. Улар мамлакатларининг аксарини ўз тахти тасарруфига олди. Чиғатой улусига босиб кирди. Назм (мазмуни):

Унинг иқбол лочини қанот ёзиб баҳру бар устига соя ташлади. Ўн учинчи хон Толиқу ибн Қудағай ибн Турин ибн Бойқон ибн Чиғатойдир.

ТОЛИҚУХОН ИБН ҚУДАҒАЙХОН ЗИКРИ

Толиқуҳон ибн Қудағай хон ибн Тур шундай подшоҳ эдики, салтанат юритишда зийраклиги пешонасидан ҳукмдорлик нури балқиб турарди. Шаҳриёрлиги куёши тамкин давлати раъйи уфқидан толеъ қиларди. Назм (мазмуни):

Султон Толиқу ибн Қудағай шоҳдирки, давлати гардунидан куч ёғилиб туради. Улуғлик фазоси ва Қуёшу оий тожу фармондорликка сазовордир. Қадри айвонидан фалак мўралайди, мартабаси даргоҳида фалак чоқардир.

Бир неча муддат хонлик тахтида жаҳонбонликнинг додини берди. Қудрату олийжаноблиги сипехридан ситам оёғи ва зулм кўлини бойлади ва ечди. Унинг адолати соясида халойиқ бедодлик ва айём бандидан озод яшадилар. Қўли, бели ва тилини дуою хизмату санога очдилар. Назм (мазмуни):

Жаҳон халқи мадҳингга оғиз очиб, хизматингга бел боғлади. Самога қарата қўл очиб, барча халойиқ дуо учун. Давлати замони тамом бўлгач, осмон мотам либосини кийди. Ўн тўртинчи хон (в. 1756.) Эсанбуко ибн Дуво Чечандир.

ЭСОНБУҚОХОН ИБН ДУВО ЧЕЧАН ЗИКРИ

Эсонбуқо ибн Дуво Чечанхон олий мартабали ҳукмдор эди. Адолат саропардаси бедодликнинг саратон олови урганлар учун паноҳ, давлати олий даргоҳининг пешгоҳи меҳнат ситамдийдаларига дўқон, замона зулмини йўқотувчи эди. Назм (мазмун):

У туфайли уйида фалак жой олди, давлати дарвозаси халойиқ паноҳидир, унинг даврида фитна кўли кесилди, тигидан ситам ўлди, тупроқ бўлди. Ўн бешинчи хон Кебак ибн Дуво Чечанхондир.

КЕБАКХОН ИБН ДУВО ЧЕЧАНХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Кебакхон ибн Дувохонки, султони одил, хушаҳлоқ, мақтовларга тўла хислатли эди. Унинг подшоҳлиги айёмида жаҳонбонлик юмушларининг қоидалари камол даражасида, мамлакат бошқариш қонуни амалиёти тантана ва олий авжга етган эди. Салтанат ишлари унинг зукколиги ва ҳашаматидан раванқликда бенуқсон, тамоман шу зайлда кечарди. Адлу эҳсони овозаси кулоқлар сирғасига айланди. Сохибқирони аъзам Чингизхони муаззам давридан буён харобага, камишзорга айланиб ётган Қуббатул-ислом Балх яна қайта тикланди. Назм (мазмун):

Дородил Кебакхон ибн Дуво Искандар шукуҳли, Сулаймон байроқли. Осмон қудратли комраво Жамшид, мамлакат очувчи, душманини бандга солувчи шоҳ. Кафтидан шарм қилиб булут йиғлайди, белидан шернинг дили бирёндир. Харобаликлар унинг қадамидан обод, ғамгин кўнгишлар дамидан шоддир.

Ул мақтовга сазовор хондан шундай нодир хабарларни нақл қиладиларки, бир куни бир тўда хос ходимлари билан отга миниб зиёратга чиқди. Саҳрода сайр қиларди. Қазилган бир чуқурда одам суякларига кўзи тушди-да, шу ерда туриб қолди. Бироз уларни кузатиб, мулозимларидан сўради: Тушунааяпсизми, бу суяклар менга нималар ҳақида сўзламоқда? Унинг хос одамлари жавобда лол қолдилар. Сўнг ўзи жавоб бериб, дедики: Мазлумлари кулаётирки, мenden адолат истайдилар ва шоҳона ҳиммат (в. 176а.). Бунинг маъносини чақмоқчи бўлиб, ҳазора амириники, бу сарзамин унга тааллуқдор эди, суяклар аҳволини таҳқиқ қилишини ва у ерда улар учун кўп хусусиятга эга эканлигини назарда тутиб, топширди. Сардор уларнинг юрти бўлган қишлоқчани суриштириб билдики, ўша санадан уч йил олдин Хуросандан

карвон келаётиб, ўша ерга етганда, (шу ерда яшовчи) жамоа уларни ўлдирган, молларини талаганлар. Ўша молларнинг баъзиси хануз улар қўлида сақланиб қолган. Бу воқеалар бўлиб ўтгач, қахрамон Адолатхон барча молларни ва хунийларни аниқлашга фармон бериб, хуросон волийсига одам жўнатди. Унга суриштириб, ўлдирилганларнинг во-рисларини топиб, уларни бўлган воқеадан хабардор қилишни топширди. Адолатли шоҳ даргоҳига келганларидан кейин молларни хунталабларга топширдилар. Назм (мазмуни):

Кўринг бу инсофу адолат тартибини, ки у ўлганлар устихони додига етди.

Унинг ҳаёт муддати тамом бўлгач, тахтидан олиб тобут тахтасига отдилар. Жасадини Қарши вилоятида тупроққа топширдилар. Унинг қабри тепасига олий кубба ўрнатдилар.

Ўн олтинчи хон Элчигадой ибн Дувохондир.

ЭЛЧИГАДОЙ ИБН ДУВО ЧЕЧАН ЗИКРИ

Элчигадойхон ибн Дуво Чечанхон шундай подшоҳ эдики, жаҳондорлик хилъати қоматига муносиб тушиб, ярашиб турган, иқтидори дин авлиёси шавкатини, давлату мамлакат (ишлари) адосини танувчи ва куйдирувчи қилиб қўйган. Назм (мазмуни):

Элчигадой Чиғатой авлодидан Жамшид байроқли Дуво Чечан унга якун ясади. Фалак мартабали офтоб тақдирли, жаҳон унинг бандаси, даврони ғулом унинг ғазабу меҳрида захру тарёқ бор эди. Дийдориди олам офтобидан бир парча бор. Тахту тожиги ой оройиш берди. Хонлик ниҳолининг меваси яхшиликдир. Иши мақсадига саранжом топгач, орқасида мазмунан номидан бўлак нарса қолмади. Ўн еттинчи хон Дураар Темур ибн Дуво Чечанхондир.

ДУРААР ТЕМУРХОН ИБН ДУВО ЧЕЧАН ЗИКРИ

Дураар Темурхон ибн Дуво Чечанхон шундай шоҳ эдики, (в. 176 б.) уруши азмига жасорат камарини боғлаб, қалъалар олганди. Ниёзда ва ҳожатмандлар қўл қовуштирганда эҳсон қўлини очарди. Назм (мазмуни):

Дураар Темур ибн Дувохон зоти, жаҳонни сахийлик, инсоф ва адолат билан бошқарди. Осмон қадарли олампаноҳ шоҳдир, Фаридун ҳашамли, Жамшид кулоҳли ҳукмдордир. Фалак тахтли, офтобдек мамлакатларни эгалловчи нурли раъйидан чехраси ёғду таратади, қаҳридан душманлар дилини ғам босади, лутфи умедида муҳиблари ҳалок бўлади.

Фалак қадарли тахтини безади, лекин замонага мадор бўла олмади. Унинг адо бўлиши ўтмишдошлари каби, осмон гардиши туфайли умри тугади.

Ўн саккизинчи хон Тармашир ибн Дуво Чечандир.

ТАРМАШИРХОН ИБН ДУВО ЧЕЧАНХОН ЗИКРИ

Тармаширхон ибн Дуво Чечанхон адолат шиор ва виқорли подшоҳ эди. Комил адолат, одил жаҳондорлик, саодатмандлик (хислатли) хонлик давлати чеҳрасини мусулмончиликнинг саодат гулгунаси даражасига кўтарди. Ширку қабоҳат пайини иймоннинг маърифат нурларида куйдирди. Унинг саодатли давлати айёмида Чигатой улуси ислом давлатига айланиш шарафига мушарраф бўлди. Дунёвий лаззатларнинг сароблиги, охираг орзулари жойиз бўлди. Дини Муҳаммадий қоидаларининг ҳозирланиши, Аҳмадий миллатнинг уюшувига катта саъйи ғайрат кўрсатди. Тангри таоло бандалари унинг давлати замонида айни фаровонликда ҳаёт кечирди. Назм (мазмун):

Тармашир шоҳлиги тожини бошига қўйди, қадами билан тахтни безади.

Дувохон наслдан қадри кўпайди, унинг тепасига ҳақ имон куёшини қўйди. Унинг дили нуридан дин шамъини ёндирди. Унда тубанлик томирини куйдирди. Улус барчаси динга майл кўргузди, шунга шояд унга офарин айтарман. Тангри фазилатидан гуноҳларинг кечирилсин, жаҳон боғида шоду масрур бўлгин.

Ул ҳони комил замонида бўлиб ўтган воқеалардан бири шулки, лашкар тортиб, Ҳиндистон мамлакатлари сари юриш бошлади ва Дехли дарвозасигача ҳеч тўхтамай босиб борди. Унинг атрофу ноҳияларидан нима топган бўлса талаб олди. Дехли шаҳри яқинини зафарли лашқарига лашкаргоҳ қилгани сабабли Дехли волийси бир тўда ақобиру аъёнларини пешкаш расми учун тухфа ва ҳадялар билан ташқари чиқарди. Эл ва таслим изҳорини қилди. У ердан ҳаракат қилиб (в. 177а.) то Гужарот, Сумнот ва Сураг худудигача босиб борди. Сўнг соғ-саломат ва ўлжалар билан ўз улусига қайтиб келди. Укасининг ўғли Пурон ибн Дувор Темурхон нафис ислом кийимда бўлмай, ҳануз ширк ва залолатда бўлган одамлар билан Ҳабдан лашкар тортиб, туркларнинг луй йилига мувофиқ санайи 718-йилда Кеши дилкаш ноҳиясидаги Қўзи Мундоқда Тармаширхонни шаҳодат даражасига етказди. Уни Самарқанд қаряларидан бирида дафн этдилар, унга Тангрининг раҳмати бўлсин.

Ўн тўққизинчи хон Доружғом ибн Ўлжойту султон ибн

Тулихон ибн Чингизхон наслидан эди. Пурон ибн Дуво Темурхон жуда кўп савашу талошлар қилди.

ТУРОНХОН ИБН ДУВО ТЕМУРХОН ЗИКРИ

Сиёсат юргизишда қанчалик (уринмасин) эътибор қозона олмади. Аммо подшоҳларсиз, Чигатой улусининг подшоҳзодаларисиз (бошқармоқ истади). Улуғ омирларини бу улуснинг, масалан Дуржизон ибн Элчигадой ва Отабегини, Амир Жоду ва бошқа кишиларни шафқатсиз қиличдан, қадри ва мартабасини фарқ қилмай, ўтказиб юборди. Йигирмаччи хон Жангиту ибн Июмкан ибн Дуво Чечанхондир.

ЖАНГИТУХОН ИБН ИЮМКАН ЗИКРИ

Жангитухон ибн Июмкан жаҳонқарвар бўлган. Мазлумлар додини золимлардан, маҳрумлар ва муҳтожларни лутф билан ҳимоя қилди, таъмин этди. Гоҳида сиёсат ва маҳобат пешонасининг чинларидан хуношом Баҳром андомига ларза тушарди. Назм (мазмуни):

Жангитухоннинг отаси Июмкандир, Чигатой ва Чингиз тожи унга мерос. Уруш билан заҳру тарёк орасига ўт ёқди, мулойимлик билан фалакда ойни ёқди. Тун намояндаси ёруғ кунда умид ҳузурига ганж келтиради. Замонада унинг айёми бошланди, оға-иниси-чи унинг учун душман. Йигирма биринчи хон Есу Темур ибн Июмкандир.

ЕСУ ТЕМУРХОН ИБН ИЮМКАН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Есу Темур ибн Июмканхон шундай комкор (шоҳ) бўлиб, давлат чехраси ва салтанат яловини салтанат деб ёққаниёққан эди. У шундай жаҳондор эдики, зулм хирмони, мазлумлар эҳтиёжини сиёсати ва адолати билан ёндиргани ёндирган эди. Назм (мазмуни):

Есу Темур ибн Июмкан подшоҳ, мамлакатнинг ботирлари учун насақбандидир. Тахту тож гардани у туфайли сарафроз, ундан шоҳлик ишлари ривожда. Давлат қўли билан мамлакатлар олди, халқ ундан ҳайратда қолди. Муқаррар замонаси тугади, ундан номидан бўлак нарса қолмади.

Тарих китобларида битилишича, Есу Темурхон ибн Июмкан ўз биродари Жангитухон ибн Июмкан устига хуруж қилиб уни қатлга етказди. Салтанат тахтига ўлтириб, шоҳлик тожини бошига қўйди. Ўзи чидаб тура олмайдиган йўлдан борди. Девонароқ подшоҳ эди: онасининг икки

эмчагини кесиб ташлаган. Онасига тухмат қилиб «менинг акам Чингитухонга ёғи бўлишимга (сен) сабаб, сенинг гапинг билан мен шу ишни лойиқ кўрганман», деган.

Йигирма иккинчи хон Ўктойхон қоон наслидан Али Султондир.

АЛИ СУЛТОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Али Султонки, Ўктой қоон наслидан эди, Есу Темурхон ибн Июмкан устига ғолибона хуруж қилиб, баноҳақ хонлик тахтига ўлтирди. Жаҳонбонлик кулоҳини ҳақсиз (равишда) бошига қўйди. Есу Темурга султонлардан (мерос) қолган хазиналарни талон-тарож қилди. Шу орада Қайлхон ва Қочувли баҳодир аҳднома тузиб, Туминахон Олтамғоси билан беагандилар. Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам ва Амир Қорачор нўён имзо қўйган олдинги аҳднома, Дуво Чечанхон Амир Алангир нўён ҳамроҳлигида або ва аждодлари бўйича тузган аҳдномасининг янги нусхасини нобудлик майдонига ташлади. Назм (мазмуни):

Ўктой қоон наслидан Али, у туфайли хон хати жали бўлди. Есу Темурни у мағлуб этди: Чиғатой мулкини талади. Хазина матоъларини талон-тарож қилди. Зулм эшигини одамлар юзига очди, илгариги аҳдномани нобуд этди. Уни Қайлхон билан Қочувли (тузиб), аҳд-паймон қилган эди. У Туманхон Олтамғоси дейиларди, уни Соҳибкамол кишилар битганди. Ўша янги хатни Қорачор (нўён) билан Чингизхон тузган эдилар. Учинчи аҳднома замонларда Алангиз билан Дуво Чечан ўртасида тузилганди. Ўша аҳдномаларнинг барчасини елга берди. Хазиналар сингари талон-тарожга кетди, қоровуллар унинг даврида авж олдилар. Ўз нафсларидан бошқа яна улар куёвдир, шундан ўзларини энг яхши одамлар дейишади. Кичик одамлар сингари меҳтарлик қилишади, бундай тартибсизлик лашкарга ҳам таъсир қилди. Бундан давлат қонунлари елга созурилди. Ситамгар қахрамон сипоҳга айлангач, давлат ишлари тамоман издан чиқади. Шу тарзда бир қанча муддат ўтди, бир замонлик жаҳон бир кунга ҳам чидамади. Замонадан унинг даври адоғига етди, бирор кишига ҳам унинг маъносига етиш насиб этмади. Йигирма учинчи хон Муҳаммад ибн Пўлод ўғилдир.

МУҲАММАДХОН ИБН ПЎЛОД ЎҒИЛ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Муҳаммадхон ибн Пўлод ўғил ибн Гаричакхон мулоҳазали хон эди. Замон султонларидан мумтоз подшоҳ эди. Зулму

адолатда унинг саодатли замони пайваста риоя ва юкори кўювчи эди. Назм (мазмуни):

Муҳаммад шоҳ Пўлод ўғилнинг ўғли, мўғул эли шахриёрларига бош. Тож, саропарда ва тахтга сазовор золимлар унинг даврида бурчак-бурчакда. У шундай одил жаҳондорки, унинг замонида анҳорга бошқача давлат суви кириб келди. Келажак тўсиқларни (енгишга) ҳозир эди, фитна туни унинг даврида тонгга айланди. У офтобдек уфқдан чиқиб келди. Адолати овозаси жаҳонни тутди; давр айёми охир бўлганда оламда ундан яхши номдан бошқа ҳеч нарса қолмади. Йигирма тўртинчи хон Қазон Султон ибн Ясагур ўғлондир.

ҚАЗОН СУЛТОН ИБН ЯСАВУЛ ИБН УРКТЕМУРХОН ИБН ТЎҚТЕМУРХОН ИБН ҚУДАҒАЙ ИБН КОМКОР ИБН ЧИҒАТОЙХОН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ (ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ)

Қазон Султонхон ибн Ясагур ўғлон туркларнинг кўй йилига мувофиқ 733-йилда Мовароуннаҳрда хонлик тахтига қадам кўйган бир дамда Эронзамин мамлакатлари тахтида салтанат юмушларининг мутасаддиси Султон Абусаъид Баҳодирхон ибн Ўлжойту Султон ибн Арғунхон ибн Абақа қоон ибн Ҳалокухон ибн Тулихон ибн Чингизхон эди.

Султон Абусаъид Баҳодирхон тупроқ тахтаси тахтига мингач, (яъни вафот этгач) яна уч йил (в. 178 б) Чингизнажод хонлар Эрон салтанати тахтида подшоҳлик қилдилар. Масалан, Арпахон ибн Суса, Мусохон ибн Али ибн Бойдухон, Муҳаммадхон ибн Тункутлуғ Ҳалоку наслидан, Тўғой Темурхон ибн Сури Қибод ибн Ясугой баҳодир сулоласидан, Соки бека бинти Ўлжайту султон, Жаҳон Темурхон ибн Олофаранг; Ҳалокухон наслидан, Сулаймонхон ибн Муҳаммад ибн Шакна мимут ибн Ҳалокухон, Нўширавонхонларнинг барчаси унинг замондошлари эдилар.

Амир Қозағаннинг Чиғатой улусини истило қилиши Қазон Султонхон давлати айёмида содир бўлди.

Буюк соҳибқирон Амир Темур кўрагоний сафдарнинг вужуд тўғросига маншур келтиргани ҳам Қазон Султонхон даврида бўлган эди.

Назм (мазмуни):

Деди: бахтга иқбол вужудга келди. Тангри ҳаққи, шудир тахтга муносиблигинг.

Дархақиқат, кимга тангри мададкор ва ёр бўлса, каттиқ темир каби ишлар мумдек (юмшоқ) бўлади. Вужуди салтанат туғросини муборакбод этиб, саодат билан безагач, давлат маншури салтанат оламининг нури бўлган ул саодат юлдузларининг тулуъидан умиду ўзлиги ҳосиласига мужда берди.

ЧИҒАТОЙ УЛУСИ ХОНЛАРИ АҲВОЛИ ШАРҲИ

Чунончи, тартиб билан санаб ўтилади: Чигатой ибн Чингизхон ва унинг авлоди ҳамда уруғлари салтанати аввалидан то Қазон Султонхон давригача бир юзу тўққиз йил бўлган.

АМИР ҚОЗАҒОННИНГ ЧИҒАТОЙ УЛУСИ УСТИГА ЮРИШИ

Қазон Султонхон ибн Ясовур ўғлон салтанат яловини баланд кўтаргач, ажаб ва димоғдорлик суворийлар този оти унинг думоғи чўққисига чиқиб олди. Хайратга туширадиган, такаббурлик қасри асосини қурадиган бўлди. Буюк амирларнинг кўпчилиги ва улуғ нўёнларнинг аксарини ҳаёт боғидан улоқтириб ташлади. Шу сабабдан Чигатой улусининг қолган ашрофу аъёнлари Қазон Султонхонга муҳолифлик билдириб, Амир Қозағон билан иттифоқ туздилар. Амир Қозағон Соли Сарой мавзеида сафшиқан сипоҳ тўпладилар ва ғанимлик изҳор этдилар. Қазон Султонхон бу ҳодисадан хабар топиб, ўша томонга (лашкар) тортди (в. 179 а). Амир Қозағонга бу ҳақда билдиришгач, унинг истикболига ошиқди. Туркларнинг бичин йилига мувофиқ 746-йилда Дарай Занги даштида ҳар икки лашкар тўқнашди. Ўша жангда бир ўқ Амир Қозағон кўзига келиб тегди ва унга кўз тегди. Қазон Султон Музаффар ва мансур бўлиб, Қаршига қараб кетди. Ўша қишда каттиқ совуқ бўлганидан Қазон Султонхон одамларининг ярим улоғи нобуд бўлди. Амир Қозағон душмани заифлигидан огоҳ бўлиб, иккинчи бор жасорат яловини баланд кўтарганча Қазон Султонхон устига қўшин тортди. Икки ўртада уруш бошлангач, Қазон Султонхон маърака майдонида қатл этилди. Амир Қозағон ўз сипоҳини босқину ғорат, босқину тарождан манъ этди. Ўлдирилган подшоҳнинг тирик қолган одамларига марҳамат ва ғамхўрлик кўрсатди.

Йигирма бешинчи хон Ўқтой қоон наслидан До-нишмандча хондир.

ДОНИШМАНДЧАХОН ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Донишмандча хон олти (пушт) дан сўнг Ўктой қоонга бориб тақалади. Қазон Султонхон ўлдирилгандан кейин Амир Қозағон уни хонликка сайлади. Насли Чигатой хондан бўлмагани учун икки йил орадан ўтгандан кейин сахо юзасидан қатлга етказилди. Назм (мазмуни):

Қазо ҳукми ва қадар амри билан, ботинда шундаю,
зоҳирда ўзга. Лекин дунёнинг гардеши туфайли диёр
фармон берувчилари фармони билан (ўлдирилди).

Йигирма олтинчи хон Баёнқули ибн Сарғад ўғулдир.

БАЁНҚУЛИХОН ИБН САРҲАД ЎҒЛИ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Амир Қозағон Донишмандчахонни ўлдирганларидан кейин Баёнқулихон ибн Сарғад ўғулни подшоҳ қилди. Шу заҳотиёқ шаҳарлар ва қишлоқлар аҳволини тартибга келтиришга ғайрат билан киришди. Адлу инсоф бисотини ёйди. Инъому эҳсон доналари билан сағиру кабиру ғанию фақирлар дили кушига ором бағишлади ва ром қилди.

Туркларнинг доқук йилига мувофик санайи 760 йилда (в. 179 б) Амир Қозағоннинг синглисини ўз никоҳига олган Қутлуғ Темур деган шахс ул жанобга нисбатан сийнасида саклаб келаётган кийна сабаб бўлиб, фурсатни ғанимат топиб, шикоргоҳда ул мамлакат мадори, давлат паноҳи бўлган амирга шаҳодат шаробини ичказди ва Қундуз тарафга қараб кетди. Амири шаҳиднинг бир тўда яқинлари уни қувишга тушди. Уни Қундузда топиб пора-пора қилиб чопиб ташладилар. Амир Қозағон шаҳид бўлгач, амирзода Абдулла ибн Амир Қозағон отаси ўрнига тайинланди. У Самарқанди фирдавсмонандни ўз дорилмулкига айлантирди. Баёнқулихон ибн Сарғад мўғул хотинига нисбатан тамаъи бўлганидан ул номурод мўғулни ўлдириб, хотинига уйланди.

Йигирма еттинчи хон Темуршоҳ ибн Есу Темурхондир.

ТЕМУРШОҲ ИБН ЕСУ ТЕМУРХОН ЗИКРИ

Баёнқулихон қатл этилгач, амирзода Абдулла ибн Амир Қозағон Темуршоҳ ибн Есу Темурхонни подшоҳликка сайлади.

Амир Баён Сулдуз итоат йўлидан четга чиқиб, Есу Мунко ибн Қорачор нўён авлодидан Амир Ҳожи барлос билан иттифокликда амирзода Абдулла ибн Амир Қозағон тарафга юриш бошладилар. Икки ўртада жанг содир бўлди. Амир

Баён Сулдуз зафар топди. Темуршоҳ хон ибн Есу Темурхон ва Амирзода Абдулла ибн Амир Қозағонни қатл этди. Мовароуннаҳр диёрида подшоҳлик яловини баланд кўтарди. Амир Баён Сулдуз солимнафас, камозор одам эди. Аммо, кўп вақтини шароб ичиш билан ўтказди. Шу сабабли Туронзамин мамлакати аҳволида тартибсизлик пайдо бўлади. Ҳар шаҳарда улус сардорларидан бири мустақиллик яловини баланд кўтарди. Ғурур қалами билан сурур ва улуғворлик рақамини кўнгли саҳифасига, хоотири лавҳига чекди (в. 180 а). Шу жумладан, Есу Мунко ибн Қорачор нўён наслидан бўлган Амир Ҳожи барлос Кеши дилкашда, Амир Боязид Жалойир Хўжандда, Амир Ўлжойту оғойи сулдуз Балхда, Амир Муҳаммад Ҳожа Аперди Шибирғонда ҳокимлик даъвосини қилиб чиқдилар, салтанат дағдағасини қилдилар.

Амир Ҳусайн ибн Амир Қайлон ибн Амир Қозағон сипоҳ жамлаб, ҳар лаҳза бир тарафга ҳужум қилди. Амир Ҳизр Ясовурий ўзига тобеъ одамлари билан бир манзилда туриб, бошқаларга (мағрур) бошини эгмади. Назм (мазмуни):

Агар шоҳ жиловини бўш кўйиб қўйса амирлар ўзларини хон тарошлайди. Ҳожадан ҳожат раво бўлмақчидек, Ғулом пай кетидан тамаъ қилади. Бирор бандадан ханжар, камарини тортиб олса, унинг эгасини ўлдирмоқ пайдидан бўлади. Кимнинг молу дунёси кўпайса, камдир, ҳоли яқсон бўлғуси. Ҳар хатонинг сардафтари дунёдир, гадода у шоҳни ҳосил қилса ҳам.

Йигирма саккизинчи хон Тўғлуқ Темур ибн Элхожа ибн Дуво Чечанхондир.

ТЎҒЛУҚ ТЕМУРХОН ИБН ЭЛХОЖА ИБН ДУВО ЧЕЧАНХОН ИБН СУЛТОН ҒИЁСИДДИН БАРОҚҲОН ИБН СЎҚАР ИБН КОМКОР ИБН ЧИҒАТОЙХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Амир Қозағон шаҳид бўлгач, Тўғлуқ Темур хон ибн Элхожа ибн Дуво Чечанхон Жата улусида ҳоким бўлди. Мовароуннаҳр халқининг паришонлигидан хабар топиб, туркларнинг ит йилига мувофиқ санайи 761-йилда ўша томонга қўшин тортди. Мазкур бўлган амирларнинг аксарини ўзига бўйсундирди ва яна ҳаракат жиловини Жата (улуси) тарафга бурди. Тўғлуқ Темурхон қайтиб кетгандан кейин Мовароуннаҳр амирлари ўртасида хусумат ва низо пайдо бўлди. Фитна оташи ва ғавғо тутуни осмонга ўрлади. Шу муносабат билан Тўғлуқ Темурхон туркларнинг сичқон

йилига мувофиқ санайи 763-йилда иккинчи бор ул диёрга лашкар тортди. Амир Боязид Жалойир ва Амир Баён сулдузни қатлга етказди. Ўз ўғли Илёсхожани Мовароуннахрда қолдирди. Ўзи яна азимат жиловини қадим ўрдаси тарафга бурди. У ерда ислом (динини) қабул қилиш шарафига мушарраф бўлди (в. 180 б) У исломий бўлгани сабабидан жуда кўп кишилар мусулмон бўлдилар. Чунончи, унинг баёни китобларда муфассал битилгандир. Олмалиғ мавзеида унинг амри билан қубба бино қилинган эди. Вафотидан кейин уни ўша ерга дафн этдилар. Ул қубба Олтин номи билан машҳурдир.

Йигирма тўққизинчи хон Илёс хожа ибн Тўғлуқ Темурхондир.

ИЛЁСХОЖА ХОН ИБН ТЎҒЛУҚ ТЕМУРХОН ИБН ЭЛХОЖА ИБН ДУВО ЧЕЧАНХОН ИБН СУЛТОН ФИЁСИДДИН БАРОҚХОН ИБН СЎҚАР ИБН КОМКОР ИБН ЧИҒАТОЙХОН ИБН ЧИНГИЗХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Илёсхожахон ибн Тўғлуқ Темурхон отаси қайтиб кетгандан кейин Мовароуннахрда подшоҳлик қилди. Шундан икки йил ўтгач, туркларнинг барс йилига мувофиқ санайи 765 йилда Амир Хусайн ибн Амир Қайлон ибн Амир Қозағон билан Қаён ибн Элхон наслидан бўлган Амир Темур Кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Беркли ибн Амир Алангиз нўён ибн Амир Эжил нўён ибн Амир Қорачор нўён ибн Амир Сўғу Чечан ибн Эрумчи Барлос ибн Қочувли баходир ибн Туминахон ибн Бойсунғурхон ибн Қойдухон ибн Дутминхон ибн Буқохон ибн Бузанжархон ибн Олонкува бинти Чуйманахон ибн Юлдузхон ибн Муғулхожахон ибн Темуртошхонга қарши Қабокин мавзеида жанг қилди. Енгилиб, қочди ва Жете тарафга кетди. Ўша ноҳияларда Қамариддин дўғлот кўлида ўлдирилди. Олмалиғда ўз отаси Тўғлуқ Темурхон ибн Элхожа ибн Дувو Чечанхон қабри ёнига дафн этилди. Ул диёр урфига кўра султонлар кўмилган жойни Олтин деб аташган.

Ўттизинчи хон Одил Султон ибн Муҳаммадхондир.

ОДИЛ СУЛТОНХОН ИБН МУҲАММАДХОН ЗИКРИ

Амир Хусайн ибн Амир Қайлон ибн Амир Қозағон Одил

Султонхон ибн Муҳаммадхонни хон кўтариб, жаҳонбонлик тахтига ўтқизган эди. Ўзи Балх ва Бадахшон мамлакатларини ўз тахти тасарруфида тутди. Орадан бир неча кун ўтгач, Одил Султонхон ибн Муҳаммадхоннинг айби билан оралари бузилиши туфайли уни Чашкон дарёсига ташлади.

Ўттиз биринчи хон Комилшоҳ ибн Довурчидир.

КОМИЛШОҲ ИБН ДОВУРЧИ ПОДШОҲЛИГИ ЗИКРИ

Амир Хусайн ибн Қайлон ибн Амир Қозагон урушиб қолиб, Одил Султонхон ибн Муҳаммадхонни дарёга гарқ қилгандан кейин Куббат ул-ислом уммул-билод баҳор хуррами Балх шаҳрида Комилшоҳхон ибн Довурчи ибн Элчигадойхонни хонлик тахти, жаҳонбонлик маснадига ўтқизди. Ўша вақтда Амир Темур кўрагон ибн Амир Тарағай ибн Амир Алангиз нўён ибн Амир Эжил нўён ибн Амир Қорачор нўён барлос Балх ташқарисини лашқаргоҳ қилган эди.

Ўттиз учинчи хон Суюрғатмиш ибн Донишмандхондир.

ЧИҒАТОЙ ҚООН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ НАСЛИДАН БЎЛГАН СУЮРҒАТМИШХОН ИБН ДОНИШМАНДХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Амир Темур Соҳибқирони акбар туғилаётганда ҳар тўрт мусалласа улуг юлдузларидан ҳар бир мусалласада ўн икки бор қайтиб қирон қилган эди. Шу сабабдан ҳақимлар уни Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар деб аташган.

Куббатул-ислом Балх яқинида ота-боболари расмига кўра, «Ал-валаду сиррибих» («Бола отасининг сирридури» мазмунига мувофиқ «Авфа ба аҳди бар аҳдо») ояти қарима мазмунига мувофиқки, аввалги марта Қочувли баҳодир билан Кобулхон ўртасида воқеъ бўлган эди ва Олтамғойи Туминахон билан безатилган эди. Иккинчи мартаба Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам билан олийшаън амир Қорачор нўён (в. 181 б) ўрталарида (аҳднома) тузилган эди. Учинчи мартаба Дуво Чечан билан Амир Алангиз нўён ўртасида бу аҳднома янгиланди. Ана шу уччала аҳдномаларга мувофиқ, Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар ва Амир Хусайн ибн Амир Қайлон ибн Амир Қозагон ўрталарида уруш содир бўлиб турганда Амир Хусайн Балх ичкарасида Комилшоҳхон ибн Довурчи ибн Элчигадойхонни подшоҳликка тайин қилган эди.

Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар ҳам Ўқтой коон ибн Соҳибқирони аъзам Чингизхони муаззам наслидан бўлган Суюрғатмишхон ибн Донишмандчахонни хонлик тахтига ўтқизган ва жаҳонбонлик унвонини берган эди. Сўнг Балх ташқарисини лашкаргоҳ қилди. Амир Хусайн Балх ичкарасида эди ва жангу жадал ялови, харбу қаттол байроғини кўтарди. Уша жангда амирзода Умаршайх Баҳодир мирзо ибн Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар оёғига бир ўқ келиб тегди. Мирзо Баҳодир ярадор бўлгандан кейин уч кунгача Амир Хусайн ибн Амир Кайлон ибн Амир Қозагон ҳаёти чехрасида ғамгинлик ва тушқунлик аломатлари ғубор ташлади. **У** Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар лашкарлари қўлига асир тушди. Амир Кайхусрав Хатлоний томонидан ўлдирилди.

Суюрғатмишхон умри муддати тугагач, бу дорилфанодан дорулбақога кўчди. Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар ҳануз ҳаёт эдилар.

Ўттиз учинчи хон Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмишхондир.

ЎҚТОЙ ҚООН ИБН СОҲИБҚИРОНИ АЪЗАМ ЧИНГИЗХОНИ МУАЗЗАМ НАСЛИДАН СУЛТОН МАҲМУДХОН ИБН СУЮРҒОТМИШ ИБН ДОНИШМАНДЧАХОН ПОДШОҲЛИГИНИНГ ЗИКРИ

Суюрғатмишхон вафот этгач, Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар Султон Маҳмуд ибн Суюрғатмишхонни хонликка танлаб, унинг номини маншурларга ёзиб қўйдилар. Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар умри давомида хонлик тахтида истиқлол топди (в. 182 а).

Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар Хитой сафари хангомида Ўтрор мавзеида бу ғаддор оламдан ўтди. Шу вақтгача хонликни Маҳмуд Султон ибн Суюрғатмишхон мустақил бошқариб келди.

Соҳибқирони акбар Амир Темур Кўрағони сафдар билан видолашув воқеаларини унинг алоҳида дафтарларида битилгандир. «Улуси арбаъа Чингизий»нинг ушбу нусхаси ва Туркхон ибн Ёфас ибн Нуҳ алайҳиссалом авлоди маликларининг исмлари сони, Туркистон замин ҳоқонларининг номлари шу рисолада дарж қилингандир. Султон ас-Саъид Улуғбек Мирзойи шахид, Наввараллаҳ мазжаъа тўрт улус хонлари зикрида таълиф қилган мажмуадан олинди.

Тахрир этилди ва тамом бўлди.

- АБУЛБАШАР** — Башарият отаси, Одамато лакаби.
- АБДУЛЛО ИБН АББОС** — Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси; «Қуръони мажидга шарҳ ёзганлардан бири (619—686).
- АБУЛМАЪШАР БАЛХИЙ** — Балхлик машхур мунажжим (астроном). Ғарбда Албумасер номи билан машхур (886 й. вафот топган).
- АБЖАД** — араб алифбосининг сирасини кўрсатувчи саккизта уйдирма сўзнинг (абжад, ҳавваз, ҳутти, каламан, саъфас, қарашат, саҳҳаз, зазағ) биринчиси. Бу сўзларда ҳар бир сўзнинг киймати бор, масалан, абжад — 10, ҳавваз — 18, ҳутти — 27, қосламан — 130, саъфас — 300, қарашат — 1000, саҳҳаз — 1800, зазағ — 270. Ўрта аср олимлари юз берган бирон ҳодиса, бино қурилиши, машхур кишиларнинг туғилиши ва вафоти тарихини ёзишда бу ҳисобдан фойдаланганлар.
- АБАҚАҲОННИНГ ВАФОТИ** — Эрон Озарбойжони устига ҳарбий юриш чоғида Тифлис ёнида 665/1267 йили содир бўлган.
- Абақахон**, **Тамғо ўғул**, **Башмут**, **Манғу**, **Темур**, **Тийбан ўғул**, **Некудор ўғул**, **Сакина**, **Тарағой**, **Битрин** — Ҳалокухоннинг ўғиллари. Рашидуддин буйича улар 14 нафар бўлганлар, **Абақахон**, **Жумукур**, **Юшумут**, **Такшин**, **Тарағой**, **Тубшин**, **Тақудар Аҳмад**, **Ажой**, **Кўнғуртой**, **Йисудор**, **Манғу Темур**, **Хуложу**, **Шибовчи**, **Тукай Темур**.
- АБЕСКУН** — каспий денгизидаги ороллардан бири.
- АВБОШ (ФОРС)** — бебош, дайди, безори. Тарихий манбаларда ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб кўчага чиққан меҳнатқаш халқ шу ном билан аталган.
- АБУ ТУРК** — Турклар отаси, масалан **Турк ибн Ёфас**.
- АБУ МУСЛИМ МИРВАЗИЙ** (**Абдурахмон ибн Муслим**) — Аббосийларнинг Хуросондаги ваъзгўйи ва уларнинг ҳокимиятни Умавия сулоласидан тортиб олишига амалий ёрдам кўрсатган шахс; кейинчалик — 748—775 йиллари Аббосийларнинг Хуросондаги ноиб. **Абу Муслим Марвазийнинг** асли **Исфажондан**.
- АВАНҒОР** — аслида **боронғор**, яъни кўшиннинг ўнг қаноти. қадимий турклар лашкарнинг ўнг қанотини **Алинжаҳон** замонида шундай атаган эканлар.
- АЁЛАТ ОНАСИ** — Хоразмшоҳ Султон **Муҳаммаднинг** онаси **Туркон хотун** назарда тутилади.
- АЖАМ ПОДШОЛАРИ** — араб бўлмаган мамлакатлар (**Эрон** ва **б. к.**)нинг подшолари.
- АЖАРЧИ** — тўғриси **ғажарчи**. Лашкарга йўл кўрсатиб борувчи.
- АСОБАЪ** — бармоқлар.
- АСОБАТ** — тўғри мўлжалга олиш; тўғрилиқ.
- АДЛУ ДОД** (араб.) — адолат, инсоф: адолат, инсоф билан иш кўриш.
- АЖАМ** — араблардан ташқари халқлар ва мамлакатлар, масалан **Эрон**.
- АЛИ** — Халифайи Рошидидан тўртинчи халифа **Али ибн Абу Толиб** (656—661).
- АЛИ ДАРҒОМИЙ** — Рашидуддиннинг китобида **Али Марғоний**. Бизнингча **Али Дарғамий** бўлгани тўғрироқ.
- АЛОНЛАР** — қадимдан **Шимолий Қоққозда** истикомат қилиб келган форсийзабон халқ; ҳозирги осетинларнинг аждоди.
- АЛОУЛМУЛК** **Термизий** (ҳақиқий исми **Саййид Исоиддин**) — машхур **Термиз саййидлари** хонадонидан; 1217 йили **Хоразмшоҳ Аловуддин Муҳаммад** (1200—1220) халифа ан-Носир (1180—1225) ни ўзича тахтдан тушган, деб эълон қилди ва ўрнига ўша **Алоулмулкни** халифа деб эълон қилди. Лекин, **хоразмшоҳнинг** режаси амалга ошмади. У ўша йили **Ҳамадондан** кузда халифага қарши кўшин юборди. Лекин кўшин **Курдистонга** етганда қор бўронига учраб, унинг бир қисми ҳалок бўлди,

катта қисмини қурдлар тоғда кириб ташладилар, фақат унинг жуда оз қисми Ҳамадонга етиб келди.

АМИР АРҒУН — уйроқ қавмидан чиққан машҳур амир. Ҳалоқухонга (к.) қадар Хуросон ҳоқими.

АМИР ТЕМУР КҮРАГОНИЙ — Темурийлар сулоласининг (1370—1858) асосчиси; йирик саркарда, давлат арбоби.

«**АМИР УЛ-МУЪМИНИН АЛИ, Каррама важҳу**» — («**Мўминлар амири Али (656—661)**» («**Тангри тооло**») унинг далилларини муқаррам қилсин».

АМРИ МАЪРУФ — диний панд-насихат қилиш, диний-ахлоқий маърифат тарқатиш.

АНДАРОБ — Ҳиндукуш тоғи эстагида, Балхдан ва Кундуздан Панжҳир водийсига, у орқали Қобулга олиб борадиган йўл устида жойлашган шаҳарча ва мустаҳкам қалъа.

АНКИТ ХОНИ — Маркит хони Тўктойбеги хусусида сўз боради.

АРЖУМАНД (ФОРС) — азиз, кадрли, иззатли, хурматли, мўътабар.

АРИҚ БУҒО — Тулихоннинг олтинчи ўғли. Бир умр оғаси Қурилояхон билан тожу тахт таллашиб ўтган.

АРКОНИ ДАВЛАТ (араб.) давлат устунлари. Амирлар, вазирлар, рухонийлар ва б. к.

АРСЛОНҲОН — қорлуқлар хони. У ҳам Идиқут сингари Чингизхоннинг хизматида кирган ва 6000 кишилик қўшини билан унинг Мовароуннаҳр ва Хуросон устига қилган юришларида иштирок этган.

АРДИШ — Иртиш дарёси ва унинг теварак-атрофдаги ерлар.

АРРОДА — ўрта асрларда ишлатилган тош отадиган махсус қурилма; манжаник.

АРРОН — Кура ва Аракс дарёлари оралиғида, ҳозирги Озарбайжон республикасининг шимолида жойлашган тарихий вилоят. Маркази Бердаа шаҳари.

АСТРОБОД — Журжон (Гўргон)нинг катталиги жиҳатдан иккинчи шаҳри; Каспий денгизининг шарқий-жанубий тарафида, Мозандарон чегарасида жойлашган.

АТИЛ (ИДИЛ) — Волганинг қадим замонлар ва ўрта асрдаги номларидан.

АХЛАТ (Хилат) — Жанубий Арманистонда, Ван қўлининг гʻарбий соҳилида жойлашган ўрта аср шаҳари. Ҳозир Туркияга қарайди.

АШНОС — Сирдарёнинг куйи оқимида, Сигнок билан Жанд ўртасида жойлашган ўрта аср шаҳари, Харобалари сақланмаган.

АЮҚ — Юлдуз номи.

АҚРОН (араб қарнлар) — асрлар, юз йилликлар, даврлар.

АҲВАЗ — Ҳузистоннинг X асрдаги маъмурий-сиёсий маркази: Корун дарёси бўйида жойлашган.

БААДБЕК (гелиопол) — Ливан шаҳарларидан.

БАДАХШОН — Амударёнинг юқори оқимида, унинг ҳар икки соҳилида жойлашган тоғлиқ мамлакат. Файзобод унинг пойтахти бўлган.

БАЙЛАҚОН — Андрон (Озарбойжон) вилоятининг мўғуллар давридаги йирик шаҳарларидан бири.

БАНДИ АМИР — АМИР УЛ-МУЪМИНИН АЛИГА ТЕГИШЛИ
БАНД — Балхдан тахминан тўрт фарсоҳ жанубда. Дарайи Гизда Балхобга қурилган тўғон. Банди Амир номи билан машҳур.

БАНИ ФОТИМА — Муҳаммад пайғамбарнинг қизлари Фотима (Али ва Фотима) авлоди.

«**БАРАКА ЎҒИЛ... 647 ҳижрий йилининг раби ул-аввал ойида... МАНГУ ҚООННИ салтанат тахтига ўтказди**» — лекин расман унинг тахтга ўтказилиши икки йил кейин — 649* (1241) йили содир бўлди.

БАРАКА ЎҒИЛ — Жўжixonнинг учинчи ўғли, 1257—1267 йиллари Олтин Ўрда хони. Бу ерда Ҳижрий 654 йили — милодий 1256 йили кўрсатилади. Расмий маълумотларга кўра БАРАКА (берка) хоннинг тахтга ўлтириши

бир йил кейин 655 (1257) йили содир бўлган. 653 (1255) — 654 (1256) йиллари Олтин Ўрда тахтида Улоғчи ўлтирган.

БАРЗАҲ (араб) — Икки нарсанинг, масалан жаннат билан дўзах оралиғи.

БАРГУСТВОН — урушда ўқ ва ярок (килич, найза) ўтмасин учун от устига ташланадиган махсус ёпик.

БАРОҚ ҲОЖИБ — ўша вақтларда (XIII асрнинг биринчи чорағида) Кирмон ҳокими.

БАРОҚҲОН ИБН СУҚАР ИБН КОМҲОР ИБН ЧИҒАТОЙҲОН — Чигатой улуси ҳукмдорларидан (1266-тахм. 1271).

БАРОҚ ҲОЖИБ — Мўғуллар (Угадай коон) даврида Кирмон вилоятининг ҳокими. Қутлуғхон номи билан машҳур.

БАРСУМОСҲОН, ТЎҒОЙҲОН, ИЛОЖҲОН — Рашидуддиннинг китобида Борисмасхон. Сарсихон, Улоғхон.

БАРЧИН — Барчинлиғкент, Сирдарё қуйи оқимида Жандга яқин жойлашган.

БАҲШИ — қотиб.

БАҲРОМ ҲАШАМАТЛИ — Баҳром Сосонийлардан Шопур I (239—272) нинг ўғли. Золимлиғи билан шуҳрат топган. «Баҳром ҳашаматли» унинг золимлиғидан киноя.

БЕГОР (хинд).— феодаллар тарафидан аҳолини мажбурий иш (йўл чиқариш, кўприк қуриш; канал қазииш; қалъани таъмирлаш ва х. к.) га сафарбар қилиш тартиби.

БЕКҲОН ИБН ҲУВЛО ШЕРОМУН ИБН ШОРОЕН ИБН ЧИҒАТОЙ — Чигатой улусининг тўққизинчи ҳукмдори. Лекин номлар бир қадар чалқаш ёзилган. Рашидуддиннинг китобида ёзилишига қараганда унинг ҳақиқий исми Никпой ибн Сарбон. У Бароқхоннинг амакиваччасси эди. У Чигатой улусини уч йил идора қилди.

БЕРДАА — қадимий Аррон (қ.) вилоятининг маъмурий — сиёсий маркази. XIII асрда мўғул қўшинлари тарафидан вайрон этилган.

БЕЮЧАҚ — Рашидуддиннинг китобидан Мулғар.

БЕШБАЛИҚ — уйғур хоқонлиғининг пойтахти. Дастлаб бутун ҳоқонлик (Тяньшань тоғларининг шимолий ва шарқий-жанубий томонида бўлган) шу ном билан аталган. Бу ўрамда Бешбалиқдан бошқа Қорахожа, Луқчақ ва бошқа шаҳарлар ҳам бўлган. Чингизхон ва унинг ворислари даврида Мўғулистондан Осиёнинг ғарбий ноҳиялари сари бўлган қарвон йўли Бешбалиқ орқали ўтган. Вайроналари ҳозирги Урумчи шаҳаридан 150 км. чамаси масофада жойлашган.

БИРЖИС (форс.) — Муштарий (Юпитер) сайёраси.

БОДИ БОЛИҒ — Рашидуддиннинг китобида Мао кўрган. Ўрнини аниқлаб бўлмади.

БОДОЙ — бундай қабила борлигини аниқлаб бўлмади. Рашидуддиннинг китобида қайд қилинган Будат бўлиши керак.

БОЙЛАҚОН — Аррон (қ.) вилоятига қаршли шаҳар; Аракс дарёси бўйида ундан тахминан 7—8 км. шимолда жойлашган. XIII асрда (1220 й) мўғуллар вайрон қилган.

БОЛАСОҒУН — Чу воҳасида, ҳозирги Тўқмоқ шаҳаридан 24 км. ғарби-жанубда жойлашган улкан ўрта аср шаҳари. X асрдан маълум ва Қорахонийлар, сўнг Қорахитойлар давлатининг пойтахти бўлган. Мўғуллар уни Го-балиқ (яхши шаҳар) деб атаганлар. XVI асрда қолмоқлар хуружи оқибатида вайрон бўлган.

БОЛИШ (Турк-мўғул) — мўғуллар империясида пул бирлиги; қумуш ёмби. Бир болиш Чигатойхон даврида 300 динорга баробар бўлган. Айрим ҳолларда болиш 500 мисқолга тенг бўлган.

БОЛИҒ (болук) — мўғулча шаҳар демакдир.

БОЛИҒУ ИБН ПОЙДОР — Чигатойлардан. Рошидуддиннинг китобида кўрсатилишича Олғу ибн Бойдор.

БОЛА НУЁН — Чингизхоннинг кўзга кўринган лашкарбошиларидан. Асли жалойрийлар қавмидан.

БОМИЁН — Афғонистоннинг шимолий қисмида Қобулдан 230 км. шимоли-ғарбда жойлашган қадимий шаҳар. X — XIII аср бошларида дастлаб ғазнавийлар, сўнг Ғурийлар ва Хоразмшоҳлар давлати таркибига кирган. XVI — XVIII асрнинг биринчи ярмида Бобурийлар тасарруфида бўлган. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бери Афғонистон таркибида.

БОНМАКОН (Монмакон) — Бомиёнда ҳалок бўлган Чингизхоннинг набираси (Чигатойхоннинг ўғли) Мутугэн,

БОРГОҲ — хон подишоҳ саройи; подшоҳ қабулхонаси.

БОРУ (форс.) — калъа девори; калъа деворининг ўқ отишга мўлжалланган махсус мустаҳкамланган жойи.

БОТИН — бирон нарсанинг ички томони; ичдаги фикр; кўнгил.

БУВАЙЛАР — Бувайлийлар бўлиши керак. Уларнинг бир тармоғи форс билан Хузистонда (932—1062) яна бир тармоғи Кирмонда (936—1048), бир табақаси Жибалда (932—977) бир тармоғи Ҳамадон билан Исфахонда (977-тахм. 1028), яна бирлари Райда (977—1029) ва энг катта табақаси Ирокда (945—1055) ҳукмронлик қилганлар.

БУЛКИ ИБН ЧИҒАТОЙХОН — Шахсини аниқлаб бўлмади. «Муъизз ул-ансоб» да Чигатойхоннинг саккиз ўғлидан фақат олтитасининг номи келтирилган: Мутугэн, Мужа Яйа, Билкаши, Сорбон, Есу Мунка, Пойдор. Сўнгги икки кенжа ўғлининг номи маълум эмас. Булки балким шулардан биридир.

БУЛУК (турк.) — Хуросонда пойтахт шаҳар (масалан, Ҳирот) теварагида жойлашган ва унга қарашли 10.000 аҳолиси бўлган, ёки шунча аскар бериши мумкин бўлган жой. Мовароуннаҳрда — тумон.

БУЛУНҒОР (турк-мўғ.) — Қоравул, кўшинининг илғор қисм (авангарди) олдид ва қанотларда борувчи махсус кузатувчи ҳарбий қисм.

БУЛЖУНҒОР (булчунғор) — атама биринчи марта учрамоқда. Шу сабабдан бу ҳарбий бўлима хусусида ҳозирча бир нима дейиш қийин.

БУЮРАК — Найман ҳукмдори; Нангхон (Тоёнхон)нинг иниси.

БУЛҒОР НАХРИ — Кама дарёси.

БУНҒСУК — Лур билан Форс вилояти орасидаги тоғ. Рашидуддиннинг китобида у Танг-теку (?) аталган.

БУРУНҒОР (турк-мўғ.) — муқаддимат ул-жайш (араб.), ировул (турк.) Кўшинининг муқаддима қисми орқасидан борувчи махсус ҳарбий бўлима.

БУРҒУ — сурнайга ўхшаган махсус мусика асбоби.

БУСУНҒУР — тўғриси Бойсунғур бўлиши керак. Аланқуваниннг иккинчи ўғли.

БУХТАРМА (турк.) . Пистирма, камингоҳ. Душман йўлига қўйилган тузоқ.

БУҒРОХОН — «буғро» икки ўрқачли туя. Қорахонийлар олий ҳукмдорининг фахрий лақаби.

БУҒЧИ — буғ — ҳайвон шохига ўхшаш музика асбоби: сурнайнинг бир тури. Буғчи — сурнайчи,

БУСТУНҒОР (мўғ.) — пистирма.

ВАЛИЁН — Балх Тохаристонида жойлашган машхур қишлоқлардан бири.

ВОСИҒИЯ (ал-Восит) — Месопатамиянинг ўрта асрлардаги машхур шаҳаридан бири.

ГАНЖА — Озарбойжоннинг машхур шаҳарларидан; Ганжагой дарёсининг иккала қирғоғида жойлашган. 1935 йилдан Кировобод деб аталади.

ГАНЖУР — Хитой подшоси Олтонхоннинг қизи. Тўғри исми Гунжу хотин.

ҒАРЧИСТОН — Мурғоб дарёсининг юқори оқимида жойлашган ва Ғур билан чегарадош тоғлик вилоят.

ГИЛОН — Каспий денгизининг жанубий соҳилида жойлашган вилоят. Шарқ тарафдан Мозандарон билан чегарадош бўлган.

ГОВДУМ — карнай.

ГОВСАР — икки тишли чўқмор.

ГУРГОН (КЎРАГОН) — Хон куёви, Чингизхон авлодига уйланган шахс. «**ГУЙУКХОННИ ХИЖРИЙ 641-ЙИЛНИНГ РАБИ УЛ-АВВАЛ ОЙИДА ХОНЛИК ТАХТИГА ЎТҚАЗДИЛАР**» — маълумот ҳақиқатга зид. Аслида унинг хонлик маснадига кўтарилиши хижрий 644 (милодий 1246) йили содир бўлган.

ГУРХОН — Қорахитой хонларининг фахрий лақаби.

ГУЙУ ЧАВГОН — ўрта асрларда от миниб ўйналган, ҳозирги хоккейга ўхшаш бир ўйин.

ГЎРГОН ДАРЁСИ — Гўрғон (Журжон) дарёси. Гўрғон шаҳари шу дарёнинг ҳар иккала соҳилида жойлашган.

ДАБУС (ДАБУСИЯ) — ҳозирги Пахтакор қишлоғи. Зиёуддин Темирийўл бекати (Ўзбекистон) ёнида жойлашган ўрта аср шаҳарчаси, мустаҳкам қалъа. Қалъайи Дабусшоҳ деб ҳам аталади.

ДАЙЁР — майхона аҳли, ўзликдан кетган ~~кети~~.

ДАМДАМА — маккорлик, алдаш.

ДАНГ (даник) — бирон нарсанинг олтидан бир қисми; динор ёки дирхамнинг олтидан бир қисмига тўғри келади: XIV — XIX асрларда бир Бухоро донги 0,8 кг. га тенг бўлган.

ДАРБАНД — истехком; бу ерда Сурхондарёнинг Бойсун тумони чегарасида бўлган қадимги дарвоза устида гап боради. У Дарбанди Оҳанин ёки Бузола номи билан ҳам машҳур бўлган.

ДАРБАНД (боб ал-абвоб) — дарвозалар дарвозаси; Ширвоннинг (қ.) шимолий тарафида жойлашган йирик шаҳар ва бандар (Каспий денгизининг бандарларидан). Ҳозир ҳам мавжуд ва Озрабайжон республикасининг Каспий бўйидаги йирик шаҳари.

ДАРБАНДИ ОҲАНИН — Темир дарвоза. Шундай жой Сурхондарё вилоятининг (Ўзбекистон жумҳурияти) Бойсум тумонида тоғли бир дара ичида. Бухоро — Самарқанд — Ҳисор водийси (Сурхон ва Кофирнихон дарёлари ораси) — Балх вилояти қарвон йўлида, тоғ тораён бир жойда (ҳозир Дарбанд қишлоғи) жойлашган ва ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлган манзилгоҳ. Шу номдаги жой Кавказда, ҳозирги Озарбойжон ўраимида (вилоят) ҳам мавжуд.

ДАРЁЙИ ХУНҲОР — қонхўр дарё. Бу ерда мудофаа мақсадида Бухоро қалъаси теварағига қазиб сув тўлатиб қўйилган мудофаа иншооти (хандак) хусусида бораётир. Бунақа иншоотлар кўпчилик ўрта аср қалъалари теварағига қазилган эди.

ДАРЁТУ — аниқлаб бўлмади. Рашидуддиннинг китобида қайд этилган дарлаком (соф мўғул қабилиси) бўлиши керак.

ДАРТУН ҚАЛЪАСИ — Исмоилияларнинг мустаҳкам қароргоҳларидан бири. Рашидуддиннинг китобида Дунайсир.

ДАШТИ ҚИПЧОҚ (Қипчоқ дашти) — Иртиш дарёсидан то Днепргача чўзилган кўп қисми даштлик бўлган мамлакат. Унга ҳозирги Қозоғистон, Волга бўйи ва Жанубий рус ерлари кирган. Тарихда XI асрдан маълум.

ДАҲА ВА САДА — ўнлик ва юзлик. Чингизхон ва Амир Темур замонида қўшиннинг тузилиш тартиби бўйича энг кичик бўлинма. Қўшин одатда тумон (10.000), ҳазора (1000) сада (100) ва даҳа (10) га бўлинган.

ДЕВОНИ МОЛ(ар). — Ўрта асрларда Ўрта Осиё хонликларида ўзига хос молия маҳкамаси.

ДИБО — пишиқ ва гуллик ипак мато.

ДИДУ (ДАЙДУ) — Пекин шаҳарининг қадимий номи. Хубилай асос солган бу шаҳарнинг асл номи Кайпин-фу бўлиб, Пекин (Дайду) дан 50 фарсақ (тахминан 550 км). шимолда жойлашган.

ДИЁРБАҚР — ал-Жазира шаҳарларидан бири. Илгари Омид аталган, ҳозирда Қора Омид аталади. Туркияда шу номдаги вилоят маркази.

ДИРАМ (ДИРҲАМ) — мисқолнинг (4,8 гр.) ўндан етти қисми: 3,36 гр. га тенг.

ДОМҒОН — Хуросоннинг ўрта асрлардаги эътиборга молик шаҳарларидан бири: Техроннинг шарқий тарафида жойлашган.

ДОР УЛ-ИСЛОМ — ислом уйи. Бағдодга берилган нисбат.

ДОРУССАЛОМ — Салом уйи. Халифалик пойтахти. Бағдодга берилган нисбат.

ДОРУҒА (мўғ. «даракту» — босмоқ, эзмоқ) — вилоят, туман, шаҳар ҳоқими. Унинг зиммасига солиқ тўлаши керак бўлган аҳолининг рўйхатини тузиш, солиқ йиғиш вазифаси юклатилган.

ДУЗМАНБАХШ НҲҲН — тўғриси Дурбой нўён.

ДҮРТМАК — Хитой шаҳарларидан бирининг номи. Бу катта шаҳарнинг асл номи Нам-гин. Шаҳар Рашидуддин келтирган маълумотларга кўра, Қорамурэн (Сарик дарё. Хуанхэ) бўйида жойлашган ва ўз вақтида жуда катта шаҳар бўлган.

ДУТУМИНХОН — асли Дутум Мэнэн. Есугай баҳодир ва Жучихон фарзандларининг исми «Муъизз ул-ансоб»да бошқача берилган. Масалан, сугай баҳодирнинг фарзандлари Темучин (Чингизхон), Жўчи Касаи (Хсад), Качиюн. Тэмүгэ Отчигин, Билгутуй нўён; Жўчихоннинг (Чингизхоннинг тўнғич ўғли) фарзандлари қуйидагича: Ўрда, Боту. Берка, Беркажор, Шайбон, Тангут. Бувал. Чиловхун, Шингкур, Чимпай (Чимтой), Мухаммад, Удур (Удуд), Тўқай Темур, Шингкум.

ЁБИСА (араб.) — қуруқ, ташландик ер.

ЁМ (мўғ.) — Ўрта асрларда тахминан бир кунлик йўлда элчилар ва чопарлар тўхтаб ўтсин учун қурилган бекат. Бу ерда кўноқларга озик-овқат, тунаш учун жой, от-уловига ем-хашак берилган. Жўнаб кетиши олдида отлари алмаштириб ҳам берилган. Бундай жойлар ёмхона деб аталган. Русча «ямши» сўзи шу «ём» дан олинган.

ЁСО ҲҲҲЛ — Ҳалоқухоннинг иниси. Эронга юриш вақтида 653 (1255) йили Самарқандда вафот этган. Рашидуддиннинг китобида унинг исми Сўнтой деб ёзилган.

ЖАБА — машхур Жэбэ нўён: Чингизхоннинг катта лашкарбошиларидан.

ЖАБРОИЛ — Исломда тўрт фариштанинг биттаси. У Аллоҳ билан пайғамбаримиз ўрталарида элчилик қилган.

ЖАВ — оғирлик ўлчови, арпа донаси: 0,045 гр. га тенг бўлган.

ЖАВОНҒОР (турк.-мўғ.) — Майсара. Қўшиннинг сўл қаноти.

ЖАДАЧИ — к. жада.

ЖАДА ТОШИ (яда тоши) — қадим замонларда ва ўрта асрларда турк қавми орасида қўлланилган жоду тош. Унинг ёрдамида қаттиқ довул, қор ва ёмғир чақирилган ва уни дафъ қилганлар. Бундай хунар соҳиби жадачи (ядачи) аталган.

ЖАДИ (ар). Тоғ эчкиси, кийик. Осмоннинг кийик шаклида кўринадиган 12 буржидан бири. Шамсия йил ҳисобида 22 декабрь 21 январга тўғри келади.

ЖАЗИРА (ар.) Орол, ота.

ЖАЙМУР — Жучихон Жандга элчи қилиб юборган бу шахснинг ҳақиқий исми Чин Темур. Асли қорахитойлардан.

ЖАЙХУН — Амударёнинг ўрта асрлардаги номи. Энг қадимий ном — Ҳузу (туркийча: катта дарё), греклар бузиб Оксус деб атаганлар.

ЖАМКИН — Темур қоон отасининг ҳақиқий исми Жимкин. Темур қоон хижрий 663 (милодий 1265) йили туғилган.

ЖАМШИД — Қадимги Эрон Пешдодийлар сулоласига мансуб бўлган учинчи подшоҳ. Ривоятларга қараганда унинг даври «олтин аср» деб аталган.

ЖАНГИТУХОН ИБН ЮМҒОН ИБН ДУВА ЧЕЧАНХОН — Чигатой улуси тепасида турган йиғирманчи хон — Аслида Чангши (1331—1332—35).

ЖАНД — Ҳозирги Қизил ўрдадан қуйида Сирдарёнинг сўл қирғоғида жойлашган ўрта аср шаҳари.

ЖАРГОҲ — жирға; доира шаклида жой олиб ўлтириш; олий кенгаш; ов вақтида ов қилинадиган ерни теварак-атрофдан ўраб олиб ўлтириш.

ЖАҲОНҚУШОЙ (форс). жаҳонни очувчи: жаҳонгир. Чингизхон ва Амир Темурга берилган фахрий лақаб.

«**ЖАҲОННУМО**» — фикримизча бу асар бизгача етиб келмаган. Шунинг учун ҳам муаллиф ва асар ҳақида бир нима деб бўлмайди.

«**ЖАҲОНОРО**» китоби — муаллифи ва асарни аниқлаб бўлмади. Шу номдаги асар (Хуршоҳ ибн Кубод ал-Хусайний қаламига мансуб) бор, лекин у Улуғбекдан кейин ёзилган.

ЖИНГИДОНГ — тўғриси Онгин Чин-сан (онгин — бош вазир).

«**ЖИРҒА ТАШЛАДИЛАР**» — ов майдонини қуршаб саф тортиш назарда тutilади.

ЖОНЖИРОТ — мўғул қавмларидан бири. Рашидуддиннинг китобида жожират. Нурят деб ҳам ёзилган.

ЖУББА НУЁН — Чингизхоннинг йирик саркорларидан. Тўғриси Жэбэ нўён.

ЖУД (форс.) — инъом, эҳсон: саҳийлик, қўли очкилик.

ЖУШЧИ КАСАР — Ясугай баҳодирнинг иккинчи ўғли. Жўчи — исм бўлиб, касар-лақабдор. Маъноси йиртқич хайвон.

ЗАЙТУН ДАРЁСИ — Тўғриси Зайтун бандари. Фуцзянь ўлкасидаги Цюань-чжоу шаҳри ёнидаги бандар, Хитойнинг ўрта асрлардаги энг йирик бандарларидан бири.

ЗАНГ (ар-форс). — чанг, ғубор, қора. Бу ерда ҳабашистонлик назарда тutilади.

ЗАНГИ ОТА (Занги бобо) — Ҳаким отанинг муқаддам саҳобаларидан: Тошкентда таваллуд топган ва ўша ерда (Занги ота деган қишлоқда) дафн этилган.

ЗАРБАҒТИ ЧИНЙ — Хитойда тўқилган ҳарир мато.

ЗАРНУҚ — XIII асрда Сирдарё бўйида, Суюткентдан (ҳозир харобалари Қорақўл қўли бўйида) қуйида жойлашган мустаҳкам қалъа.

ЗЕРУ ЗАБАР ҚИЛМОҚ — ер билан баробар қилмоқ, йўқ қилмоқ.

«**ЗИЧИ ЭЛХОНЙ**» — Носируддин Тусий (қ.) бош бўлган Мароғо (Табриз) расадхонаси астрономларининг кўп йиллик кузатуви орқасида тўпланган йирик астрономик асар.

ЗОЛ — Сийстонлик машҳур паҳлавон Золи Зорий. Фирдавсий «Шаҳнома» сининг қахрамонларидан.

ЗУҲАЛ — Сатурн сайёраси.

ИДИКУТ (уйғ. соҳиби давлат) — Уйғур хонининг лақаби. Чингизхонга қўшилган Идикутнинг ҳақиқий исми Рашидуддиннинг китобида Шуқом деб берилган. Воқеа. Яъни Идикут Шуқомнинг Чингизхон тобеълигини қабул қилиш воқеаси хижрий 605 йилнинг шаъбон ойида (милодий 1209 йилнинг февраль-март ойларида) содир бўлган.

ИКСИРЗОДА — Камолотга етишган йигит, фавқуллода таъсир кучига эга бўлган йигит.

ИЛИҒХОН — Қорахонийларнинг улус бошлиқлари, тобеъ таъсир кучига эга бўлган йигит.

ИЛИҒХОН — Қорахонийларнинг улус бошлиқлари, тобеъ этилган мамлакатлар тепасига қўйилган кичик хонлар.

ИЛМИ НУЖУМ — Юлдузлар илми; астрономия.

ИЛМИ РАМАЛ АЛО ХИНД УЛ-ҚИЁС. (Ҳиндчага қиёс қилинган рамал илми) — Рамл-қум; қум воситаси ила фол очиш; нуқта ва турли-туман чизиклар ёрдамида фол очиш; фолбинлик.

ИЛМИ СИНОАТ — Хунармандчилик, косиблик илми.

ИМОМ ШОФЕЪИЙ — Суннийликда шофеъия мазҳабининг асосчиси ва биринчи имоми машҳур факих Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Идрис аш-шофеъий (767—820)

ИМТИЁЗХОН, ШАЙХХОН, ДЕҲЛОХОН — Хоразмшоҳ Муҳаммаднинг яқинлари, Рашидуддиннинг китобида Алп Эрхон, Суюнчхон; Болохон.

ИНГУ МАЛИК — Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг Фанокатдаги ҳокими. Рашидуддиннинг китобида Илгету Малик.

ИНЖУ — Марварид. Мўғулистонда Ўрта асрларда бадавлат кишиларнинг шахсий мол-мулки; Эрон. Кавказ орти мамлакатлари ва Ўрта Осиёда хон хонадони аъзоларига ва уларнинг навкарларига тегишли мол-мулки.

ИНОЛЧУҚ — Хоразмшоҳ Султон Муҳаммаднинг ишончи амирларидан.

ИНФИОЛ (ар). Ҳижолат чекиш, уялиш, бирон нарсдан таъсирланиш, **ИРЖИЪИ** — қайт, эй наф! Куръони мажид 89 сурасининг 28-ояти, **ИСЛОМ МАЛИКИ ЖАМОЛИДДИН** — Бу ерда сўз Бойдухоннинг вазири Жамолиддин Дастжирдоний ҳақида бораётгир.

ИСМИ АЪЗАМ — Энг улуғ исм; Аллоҳ-таолоҳ номи.

ИСМОИЛИЯ ШАККОКЛАРИ ФИРҚАСИ — Исмоилия тариқати (VIII асрда шаклланган, X — XI асрларда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган, олтинчи имом Жаъфар ас-Содикнинг тўнғич ўғли Исмоил номи билан аталган) умматлари.

ИСПАХБЕД (форс) — қўшин бошлиғи, бош қўмондон. Табаристон ҳокимларининг (князларининг) лақаби.

ИСТИМОЛАТ (ар) — турли йўллар билан ўзига майлэтдириш, ўз тарафига ағдариб олиш. Истимолатнома — ўз тарафига тортиш мақсадида юборилган мактуб.

ИСФАНДИЁР — Қадимги Эроннинг Кайёнийлар сулоласидан бўлган подшоҳ Гиштосипнинг ўғли.

ИСФАОИН — Хуросоннинг ўрта асрлардаги йирик шаҳарларидан, Эроннинг шимолий-шарқий тарафида, вайрончалари Шаҳри Билқис деб аталади ва Нишопурнинг ғарбий-шимолий тарафида жойлашган; 1381 йили Амир Темур қўшинлари тарафидан вайрон этилган.

ИСФАҲОН — Ғарбий Эрон (Ироқи Ажам) нинг йирик шаҳарларидан; Сафавийлар давлати (1502—1732)нинг асосий пойтахти,

ИТОБГА ОЛИШ — қийноққа солиш.

ЙОСО (мўғ.) — қонун, қонун-қоида, қарор, хон буйруғи. Чингизхон жорий этган қонунлар мажмуаси.

ҚАБУДЖОМА — Мозандароннинг шарқий тарафида жойлашган орол. Гилон билан Мозондарондан келаётган кемалар тўхтаб ўтадиган бандар; Астрободдан уч фарсах нарида жойлашган.

КАЖ — Макрон (қ.) вилоятининг ўрта асрлардаги маъмурий-сиёсий маркази; Балужистон ўрамида жойлашган. Ҳозир Эрон Балужистони ва Макроннинг маркази Бампур шаҳари ҳисобланади.

КАЗВИН — Озарбойжондан Райга олиб борадиган катта йўл устида жойлашган катта шаҳар. XIII асрда мўғуллар тарафидан вайрон қилинган. Кейинча Элхонийлар тарафидан тикланган; ва XVI асрда бирмунча вақт Эроннинг пойтахти бўлиб хизмат қилган. Ҳозир ҳам шимолий-ғарбий Эроннинг йирик шаҳарларидан ҳисобланади.

КАЙВОН (форс). Зухал, яъни Сатурн сайёраси.

КАЙЮМАРС — («Авесто» да Гая Маретон) — айтишларича биринчи одам ва биринчи подшоҳ шу Кайюмарс бўлган эмиш.

КАЛИМАЙИ ШАҲОДАТ — «Аллоҳдан бошқа худо йўқдир, Муҳаммад эса унинг хизматкори ва пайғамбари деб эътиқод қиламан» деган дуо.

КАНГУРТ — Эски қарвон йўлида, Ҳисор билан Кўлоб оралиғида, Балжувоннинг (Тожикистон) Ғарбий тарафида ўринлашган қадимий

мовзеъ. Хозирда Тожикистон жумхуриятининг Кўлоб вилоятига қарайди.

КАНИЮТ (Қайнут) — қавми — кунгиат бўлса эҳтимол. Кунгиат ҳам нийрун қабиаларида ҳисобланади.

КАРГАР — Кооннинг битикчиси. Тўғриси Қуридай.

КАРЧ (КЎРЧ) — зарбофт шойи ёки жун тўн.

КАСБА — Хоразм шаҳарларидан. Рашидуддин Янгикент деб атайди. Сирдарёнинг қуйи оқимида жойлашган қадимий шаҳарча.

КАТТАК — Ҳиндистоннинг жанубий-шарқий тарафида, Ҳинд океани қирғоғида жойлашган йирик шаҳар; ҳоким турадиган жой.

КАХКАШОН (форс.) — Осмонда узун бўлиб кўринадиган оқ йўл; Сомон йўл;

КЕВКИК — хитой амири. Тўғриси Гю-Гин; унвони юань-шуай (олий бошқўмондон).

КЕЛУРОН — аниқ ўрни маълум эмас. XVI аср охирида ёзилган «Зинат улмажолис» китобида айтилишича у қирғизлар вилояти билан Селенга ўртасида жойлашган катта юрт.

КЕПАҚХОН ИБН ДУВАХОН — Чигатой улусининг машҳур хонларидан (1318—1326). У мамлакатда маъмурий ва пул ислохотлари ўтказган.

КИРМОН — Эроннинг жанубидаги катта вилоят.

КИШТАСИБ (Гиштосиб) — қадимги Эронда ўтган Қайёнийлар сулоласига мансуб бўлган тўртинчи ҳукмдор.

КОРУН ДАРЁСИ — Ҳузистондаги катта бир дарё.

КОТ — Хоразмнинг қадимий пойтахти; ўлканинг жанубида, ҳозирги Қорақалпоғистон жумхуриятининг Беруний шаҳари атрофида бўлган.

КОШҒАР — Шарқий Туркистоннинг катта ўлкаларидан. Маҳмуд ибн Вали («Баҳр ул-асрор» муаллифи)нинг ёзишича Кошғор шимолда Мўғулистон, Шарқда Хитой, жанубда Тибат, Биллуристон ва Бадахшон билан, Ғарбда Фарғона ўлкаси билан чегарадош бўлган.

КОҲИН — мажусийлар рухонийси; сеҳргар. Ғойбдан хабар бериш, жониворлар овозига қараб фол очишга даъвогар бўлган одам.

КУЧАН — Мўғуллар Хабушонни шу ном билан атаганлар. Роддоннинг ғарбий-шимолий тарафида жойлашган. Эски Кучан янги Кучандан 15 км. Ғарбда жойлашган.

(КУЙУКХОННИНГ) ПОДШОЛИК МУДДАТИ БИР ЙИЛ БЎЛДИ — бу маълумот ҳақиқатдан йироқ. Аслида Куйукхон уч йил (1246—1249 йиллари) хонлик маснадида ўлтирди. Воқеа Эронга юриш вақтида 1249 йили Самарқандда содир бўлди.

«КУЙУКХОН ОТАСИННИНГ ЎРДУСИГА ЕТИБ КЕЛГАЧ, КАТТА ҚУРУЛТОЙ ТАШКИЛ БЎЛИБ...» — Қурултой чақирилиши ва Куйукхоннинг хон кўтарилиши 1246 йили содир бўлди. Унгача мамлакатни онаси Туракина Хотун идора қилди.

КУКУЖУЙ — Шеромуннинг отаси. Ўқтойхоннинг ўғли, Тўғри исми Кучуй.

КУЛАНЖ КАСАЛИ — Ич қотиш касали, колит.

КУЛОҲ — Булор бўлса керак. Бошқирд билан чегарадош вилоят. Рашидуддин уни бориш қийин бир мамлакат деб атайди.

КУЛУГИНА ЙИЛИ — Сичқон йили.

КУРД СУВИ — Тўғриси Кура дарёси.

КУРЕН — Турк-мўғул халқларида, шунингдек Дон казакларида теварак-атрофи четан билан ўралган оила, айил.

КУРДИСТОН — Кичик Осиёнинг тоғлик вилоятида жойлашган тарихий вилоят, қисман Туркия, Эрон, Ироқ, Сурия таркибига киради. Аҳолиси 8 млн. атрофида (80 фойизини курдлар ташкил этади). Аҳолисининг асосий қисми кўчманчи бўлиб, чорвачилик билан шуғулланади. Оз қисми ўтроқ ва деҳқончилик билан шуғулланади. Шаҳарларида хунармандчилик ривожланган.

КУТВОЛ — Кут (ҳинд. қалъа) ва волий (ар. ҳоким) сўзларидан ташкил топиб, қалъа ҳокими демакдир.

- КУШТОСИП** (Гиштосип) — қадимги Эрон Кайёнийлар сулоласидан чиққан учинчи ҳукмдор,
- КУШЛУК** — Чингизхон билан кўп вақтлар урушган найман хойи, 1218 й. Кошгардан Бадахшонга ўтадиган йўлда Сарикўл деган ерда мўғуллар тарафидан ўлдирилган.
- «КУШЛУК ЎЗ АМАКИСИ ТОМОН ЙУНАЛДИ»** — Буюрукхон назарда тутилади.
- КУЧУЙ** — Ўқтойхоннинг учинчи ўғли. Шеромун ушбу Кучуйнинг учинчи фарзанди.
- ҚУНҒИР** — Чингизхоннинг амирларидан; асл номи Онгур бовурчи.
- ҚУРАГОН** (мўғ.) — Хон куёви. Чингизхон наслидан бўлган бирон хонга куёв бўлган аслзода.
- ҚУРКА** — Нағора.
- ҚУРИНИШ** (турк.) — подишоҳ ва хоннинг қабули. Қабул қилинадиган жой кўринишхона деб аталган.
- ҚУҲИ ҚОФ** — Ривоятларга келтирилган гўёки бутун ер юзини ўраб олган, деб фараз қилинган афсонавий бир тоғ номи.
- ЛУР** (Луристон) — Эроннинг Ғарбий вилояти; Араб Ироқи билан чегарадош. Икки қисмдан: кичик Лур ва Катта Лур (шарқий-жанубий Лур) дан иборат.
- МАВВАДАТНОМА** — Дўстона руҳда ёзилган мактуб.
- МАВСУЛ** — Шом (Сурия) нинг Мўсул шаҳари.
- МАВЛОНО ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ** — Ўрта Осиёлик буюк шоир, мунажжим, файласуф-олим (1207—1273)
- МАВЛО** (араб. кўпл. *маволи*) — Соҳиб, хожа, хомий, жаноб;
- МАДИНАТ УР-РИЖОЛ** (ар. «Эрлар шаҳри») — Термизнинг сифатларидан.
- МАДОР УЛ-МУЛК** — подшолик мадори, регент.
- «МАЗКУР ЙИЛНИНГ ЗУЛҲИЖЖА ОЙИНИНГ 19-КУНИ»** — Милодий 1337 йилнинг 19 июли куни.
- «МАЗКУР ОЙНИНГ 24-ДА»** — 712 — йил шаввол ойининг 24-да (1313 йил 23 февралда).
- «МАЗКУР САНАНИНГ (739 йил) РАЖАБ ОЙИДА»** — милодий 1339 йил 13 январь — 11 февраль ораси.
- «МАЗКУР САНА (744 й) РАЖАБ ОЙИНИНГ 27-КУНИ, — 1343 ЙИЛ 27 ДЕКАБРЬ КУНИ «МАЗКУР САНАНИНГ» (758 й) РАМАЗОН ОЙИ** — милодий 1357 йил 18 август — 16 сентябрь ораси.
- МАЙМУНДАЖ** (Маймундиз) — Исмоилияларнинг Кўхистон (Хуросон Кўхистони) даги йирик қароргоҳларидан бири.
- МАКРОН** (Гедросия) — Эроннинг жанубий-шарқидаги денгизбўйи вилояти. Кирмонга бўйсунган.
- МАКС ШАҲАРИ** — Тўғриси Минкас. Мўғуллар тарихининг билимдони Н. И. Березининг сўзларига қараганда Монич ёки Орнач.
- МАЛИК АШРАФ** — Чўпонийлар сулоласидан (Эрон) бўлган ҳукмдор (1344—1356); Озрабойжон, Арманистон ва Эроннинг шимолий — ғарбий қисми устидан ҳукмронлик қилган. Ўта золимлиги ва очкўзлиги билан шухрат қозонган. Олтин Ўрда хони Жонибекхон (1341—1357) тарафидан ўлдирилган.
- МАЛИКИ ВАҲҲОБ** — (Малик-подишоҳ, Ваҳҳоб — кўп бахшиш қилувчи) — саховатли Аллоҳ.
- МАЛИК ШАМСУДДИН ҚУРТ** — 1245—1389 йиллар Хирот ва унинг теварак-атрофидаги ноҳияларни ўз тасарруфига олган Куртлар давлатининг машҳур ҳукмдорларидан (1244 ёки 1245 йили ҳокимият тепасига келган). Куртлар давлати Ҳалоқуийлар (Элхонийлар) га тобеъ бўлган.
- МАЛИК ШИҲОБИДДИН ҒУРИЙ** — (Муъиззуддин Муҳаммад Ғурий) — Ғурийлар сулоласидан олтинчи ҳукмдор. Унинг даврида Ғурийлар давлати

кенгайди ва мустаҳкамланди. 1205—1206 йили ўлдирилган.

МАЛКУНИ — Ясугой баҳодирнинг бешинчи (бошқа хотинидан) ўғли Рашидуддин уни Билгутай деб атайди.

МАНЖАНИК — Ўрта асрларда қўлланилган уруш қуроли. Қамал жанглариди ишлатилган. У тош, тош йўқ ерда ғула отган.

МАНШУР (ар.) — ёйилган, тарқатилган мактуб, ёрлиғ.

МАНҚЛОЙ (**МАНҒУЛОЙ**) — қўшиннинг марказ қисми.

МАРВ — Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан: кўпроқ Марви шоҳи жаҳон. Харобалари Туркменистоннинг Байрам Али темир йўл бекати яқинида.

МАРВАРРУД — Мурғаб дарёси бўйида жойлашган Ўрта аср шаҳари. Ҳозирги Боломурғоб ўрнида бўлган.

МАРОҒА — Эрон Озарбайжониди, Табризнинг Жанубий тарафиди, Урмия қўлининг шарқиди жойлашган ўрта аср шаҳари Ҳалокухон (1246—1256) даврида Элхонийлар-давлатининг маъмурий-сиёсий маркази.

МАСЛУБА — Салиб шаклига келтирилган.

МАСЪУДБЕК — Машхур Маҳмуд Яловочнинг ўғли; Отаси Ҳитойга ноиб этиб тайинлангандан (1239 й. дан кейин) Чиғатой улусини бошқарган (1289 й. вафот этган).

МАЪБУД (ар.) — Ибодат қилинадиган жой, калисо, черков, ибодатхона.

МАҲМИЛ — Туя, умуман от-улов устига қўйилган ўриндик, кажава, ўша кажавадаги юк.

МЕЗОН (**МИЗОН**) — Тарозу, астрономияда осмондаги ўн икки буржнинг еттинчиси. Қуёш йили ҳисобига кўра сентябрь ойига тўғри келади.

МЕКОН МЕНҒЛИ — Чингизхоннинг тумон амирларидан. Ҳақиқий исми Минан, асли журжэ халқидан.

МЕҲТАР (форс.) — улуғ, катта; хон ва подшоҳга тегишли бирон кичик муассаса, корхона бошлиғи; мас. меҳтари кутубхона, меҳтари тўшакхона.

МИЁФАРИҚИН (Мартирополис) — Тўғриси Майфаркат; ал-Жазиранинг йирик шаҳарларидан; Тигр дарёсининг юқори оқимида, Омид (Диёрбақр)нинг шимолий-шарқий тарафиди, жойлашган ўрта аср шаҳари.

МИСКИН ШАҲАРИ — Тўғриси Монзи. Ўрта асрларда мўғуллар жанубий Ҳитойни шу ном билан атаганлар.

МИҲАФФА — подшоҳлар, хонлар, хусусан уларнинг хотинлари ва болалари тушиб юрадиган махсус кажава; тахтиравон.

МОЗАНДАРОН — Эроннинг Каспий денгизи бўйидаги вилояти.

МОЛИ ЖИҲОТ — хирож (даромад солиғи) нинг синоними. У пул билан ҳам, маҳсулот билан ҳам олинаверган.

МОНИЙЛАР **МАЗҲАБИ** (монийлик) — Эронда милоннинг III асрида Моний (216—277) тарафидан кашф қилинган дин. Бу дин ўз вақтида Фарба Италия ва Шарқда Ҳитойгача тарқалган. Монийлик — зардуштийлик билан насроний динининг синтезидир.

МОНМАКОН — Чиғатойхоннинг ўғли. Рашидуддиннинг китобида Маотугени. Тўғриси Мутугэн.

МОРДИН — Ал-Жазира вилоятига қарашли йирик ўрта аср шаҳари ва мустаҳкам қалъа; Омид (Диёрбақр) нинг шимолий-ғарбий тарафиди. Ҳозир Туркиянинг Сурия билан чегарадош шаҳари.

МОЧИН — Жанубий Ҳитой.

МУАНБАР — анбар (хушбўй мушк) суртилган, анбар ҳиди берилган; хушбўй.

МУЛЖАР (турк.) — қамал пайтида ҳарбир амирга белгилаб берилган ер, дарвоза.

МУЛТОН — Шимолий Ҳиндистоннинг йирик шаҳарларидан. Жилема дарёсининг қуйи оқимида жойлашган.

МУРАССАЪ (араб.) — қийматли тошлар билан безатилган қилич, тахт, либос.

МУРООТ (араб.) — кузатиш, рия қилиш, бировнинг кўнглини олиш.

МУРСАЛ (араб.) — элчи қилиб юборилган, элчи, пайғамбар.

МУРТАЗО АЛИ — хулафойи рошидин (тўғри йўлдан борган халифалар) дан тўртинчи халифа Али ибн Абу Толиб (656—661).

МУСТАВЛИЙ — Забт этувчи, истило этувчи.

МУТАМАККИН — муқим, барқарор, бир жойда муқим турувчи.

«**МУХТАСАРИ ТАЛХИС**» («Талхис» китобининг мухтасари) Саъдуддин Тафтазоний асари (1355 йили ёзилган).

МУЧА — бўлак, қисм, аъзо. Совға — саломнинг бир бўлаги.

МУШК — Қора тусли ва хуш исли нарса, сочнинг қоралиги ва хушбўйлиги.

МУШРИФ (араб.) — Юқоридан туриб кўрувчи, ўрта асрларда ўзига хос давлат назоратчиси, мушриф-и калон — бош давлат назоратчиси.

МУШТАРИЙ (араб.) — Юпитер (форсийча Биржис) сайёрасининг номи. Уни «Саъди акбар», «Фалак козиси» деб ҳам аталади.

МУЪТАМАД УЛ-ИСТЕЪДОД — Ўз истеъдодига ишонган одам. Бу ерда сўз Хўжанд мудофаасига бошчилик қилган Темур Малик хусусида бораётир.

МУЪТАСИМ БИЛЛОҲ — Сўнгги Аббосия халифаси ҳақиқатда 656 (1258) йили ўлдирилган. Ҳижрий 650 йил — милодий 1252 йил тўғри эмас.

НАЖАФ — ҳазрат Али ибн Абу Толиб дафн этилган шаҳар.

НАЙМАНХОН — Ўша вақтларда Марказий Осиёда катта нуфузга эга бўлган найман улусининг олий ҳукмдори Найманхон эмас, балки Тоёнхон деб аталган.

НАЙМАНХОН ИБН ИНОНЧХОН — Найман подшоси Тоёнхон ибн Инончхон (Инонч-билга Бўкахон).

НАЙМАН ДИЁРИ — Найманлар XII — XIII аср бошида йирик туркийнажод халқ эди. Улар асосан Олтой ва Мўғулистоннинг Ғарбий ҳудудларида истиқомат қилишган. XIII — XIV аср тарихчиси Рашидуддиннинг ёзишича найманлар олтой, Қоракўрум, Элий Сирас ва Кўк Иртиш (Иртиш) оролиғида кўчиб юрганлар ва қонғилар қамда қирғизлар билан қўшни бўлганлар.

НАЙСОН — Румийларнинг еттинчи оий; баҳор оий, ҳозирги апрель ойига тўғри келади. Абри найсон — баҳор булути.

НАМАКАНДЕШЛИК — Тузхотирлик. Бировнинг яхшилигини андеша қилиш.

НАНГХОН — Найман хони. Рашидуддиннинг китобида Тоёнхон.

НАСО (Нисо) — Хуросоннинг қадимий йирик шаҳарларидан бири. Харобалари Ашхободнинг ғарби-жанубий тарафида, ундан 18 км, масофада ётибди.

НАССОҲ — китоб ёки бирон ҳужжатдан нусха олувчи.

«**НАФОИС УЛ-ФУНУН**» — Улуғбек фойдаланган бу асарни ҳам аниқлаб бўлмади.

НАХШАБ — Ўрта Осиёнинг қадимий вилоятларидан, ҳозирги Қарши.

НАҚБ — тешик, лаҳим. Қалъа деворига талофатсиз етиб олиш мақсадида казиб бориладиган лаҳим.

НАҲИ МУНКИР — инкор этиш, тониш, рад этиш.

НАҲС — Миррих (Марс) сайёраси.

«**НИЗОМ УТ-ТАВОРИХ**» — Носируддин Абу Саъид Абдуллоҳ ибн Фахруддин Абулқосим Умар ибн Абулҳасан Али ал-Байзавий (1285—1316 йиллар ўртасида вафот этган) асари. Асар мусулмон мамлакатлари-

нинг Одам Атодан то мўғуллар хуружигача бўлган тарихини қисқа тарзда баён этади. Асар 1275 йилда ёзилган.

НИМРУЗ — вилоят. Бу ерда кунботарга ишора.

НИСИБИҲ (Нисибис) — ал-Жазиранинг муҳим шаҳарларидан, Хирқас дарёси бўйида жойлашган. XIV асрда вайрон этилган.

НИСОМИШ — Сийлаш, табриклаш.

НИШОПУР — Машхаддан Ғарбда, шимоли-шарқий Эроннинг йирик шаҳарларидан бири, IX — XIII асрнинг биринчи чорагида Хуросоннинг марказий шаҳари. Уч марта: 1153 йили кўчманчи ўғизлар, 1221 йили мўғуллар тарафида 1280 йили қаттиқ ер қимирлаши туфайли тамоман вайрон бўлган. Янги Нишопур эскисининг Ғарбий тарафида бино қилинган.

АН-НОСИР БИЛЛОҲ — Аббосий халифалардан (1180—1225)

НУРАКСОН — Ўқтой қооннинг хотини, Куйукхоннинг онаси. Ҳақиқий исми Туракена хотун. У давлатни 1241—1246 йиллар орасида бошқарган.

НУР — Ҳозирги Нур ота.

НУРИ ИБН ЧИҒАТОЙХОН — Чиғатойхоннинг бу исмлик ўғли йўқ. Балким набираси (Мутухоннинг ўғли) Бўри назарда тутилаётгандир. Эҳтимол номаълум қолган икки кенжатоидан бири Нури бўлгандир?

НУРИ МУҲАММАДИЙ — Муҳаммад пайғамбарнинг жони куюқ нур сочиб турган ёруғ нуқтага ўхшаб яшаши ҳақидаги таълимот. Бу ғоя Куръони мажиднинг 24 сура, 35 оятидан олинган. Бу ғоя шиа мазҳабини ўнг қанотига мансуб бўлган мусулмонлар орасида VIII асрда пайдо бўлган.

ОБГИР — Ҳовуз, сув оладиган жой, чўмич. Бу ерда жанг майдони-чўмичга ўхшатишган.

ОБВАРД — Хуросоннинг қадимий шаҳарларидан, харобалари ҳозирги Турканистоннинг Каахка темир йўл бекати атрофида,

ОДАМ — Одам Ато. Инсон зурриётининг боши.

ОДИНА КУНИ — Жумъа куни.

ОЙИД ИБН МУЛОЙ ИБН ҚУБАЛОЙ ҚООН ИБН ТУЛИХОН — Темур қоон ворисининг Рашидуддин китобида келтирилган исми: Онанд ибн Манғол ибн Курилой қоон ибн Тулихон.

ОЛАТЖОН — Султон МУҲАММАД Хоразмшоҳ сардори. Лекин унинг ҳақиқий исми Али Эрхон,

ОЛИ УСМОН — Халифайи Рошидиндан учинчи халифа Усмон ибн Аъфон (644—656) авлоди.

ОЛ ТАМҒА — Қизил муҳр. Олий ҳукмдор — хон ёки подшоҳ муҳри. Тўрт бурчакли бўлган.

ОЛМАЛИҚ — Еттисувда Чув воҳасида жойлашган йирик ўрта аср шаҳари. Ўз вақтида Чиғатой улусининг пойтахти бўлган XV аср охирида вайрон бўлган.

ОЛТИНХОН — Мўғуллар Цзинь Сулоласидан бўлган барча Хитой императорларини шу ном билан атаганлар.

ОЛТОНХОН ХИТОЙИ — Тўғриси Олтинхон хитойи,

ОМИЛ (араб.) — Амак қилувчи, мансабдор, маҳаллий ҳоким.

ОТА МАЛИК (Жувайний) — XIII асрда ўтган махур тарихчи («Тарих-и жаҳонкушоӣ» асарининг муаллифи) ва давлат арбоби (1226—1283).

ОТАБЕК ЎЗБЕК — 1137—1225 йиллари Озарбойжонни идора қилган Илдиғизийлар сулоласининг сўнгги намояндаси (1210—1225).

ОТАБЕК САЪД — Хоразмшоҳга тобеъ бўлган Форс ҳокими (Салғурийлар сулоласидан). Отабек Саъд (1203—1231).

ОШУРО КУНИ — Шиаларнинг учинчи имом Ҳусайннинг ҚАрбалода ўлдирилганлиги (680 й.) муносабати билан ҳар йили муҳаррам ойининг биринчи ўн кунлиги мобайнида ўтказадиган аза маросими.

ОШУФТА — Паришон, мафтун, ошиқ.

ОЯТИ САРИҲ — очик-равшан оятлар.

ПАЙКАР (форс.) — Ҳайкал, жусса, гавда: дев пайкар — зўр жуссали, баҳайбат, сухтаси совуқ одам, икки пайкар — осмондаги ўн икки буржнинг учинчиси, яъни жавзо. Куёш йили ҳисобида баҳорнинг учинчи ойи: 22 май — 2 июнга тўғри келади.

ПАВОНАЧИ (форс.-ўзб.) — хоннинг амр-фармонларини вилоятларга, маҳаллий ҳукмдорларга етказувчи мансабдор.

ПАСОҚУХ — Бадахшоннинг машҳур мавзеъларидан.

ПЕШКАШ — Хон ва подшоҳларга султонлар, шахзодалар ва амирлар тарафидан қилинадиган махсус инъом. Унда тўққиз-тўққиз тартибига амал қилинган.

ПОЙЗА (пайса) — мис тахтачага битилган, маълум имтиёз берилганлик ҳақидаги битик.

ПЎТК — оғир болға.

РАВОФИЗ (рофиз) — шиалар.

РАЙ (қадимги Рага) — Эроннинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган, қадимий шаҳар, мўғуллар тарафидан 1220 йили вайрон этилган, харобалари ҳозирги Техроннинг жанубий тарафида.

РАМАҚ — Энг охириги нафас, жон чиқар пайтдаги нафас.

РАЪС УЛ-АЙН — Фрот дарёсининг сўл irmoғи Хабур (Хўбўри) нинг юқори окимида жойлашган ўрта аср шаҳари.

РАҲЛ (араб) — асбоб, йўл юки, ссафарга чиқиш, кўчиш, китоб кўядиган махсус курсича.

РОНА — Доймо ҳаракатда, йўлда бўлган лашкар.

РУБЪИ МАСКУН — Дунёнинг инсон яшаб турган тўртдан бир қисми.

РУЙИН — Жез, бронза, қаттиқ руин тан — жез танлик, мис танлик одам; танасига ўқ ўтмас қаттиқ танлик одам. «Шахнома» қаҳрамонларидан Исфандиёр (Гиштосипнинг ўғли) руинтан аталган.

РУСМ — ҳозирги Туркиянинг ўрта асрлардаги номи.

РУҲУЛҚУДДУС — Муқаддас руҳ

САБТ (Араб). — Маҳкам туриш, ёзиш, қайд этиш.

САВОЙПУ БАҲОДИР — Тўғриси Субутой баҳодир.

САДДИ-ИСКАНДАР — Искандар девора. Ривоятларга қараганда Искандар Зулқарнайн тарафидан яъжуж ва маъжужларга (к.) қарши қурдирилган баланд ва мустаҳкам девор.

САЙИД ОТА — Занги отанинг (к.) иккинчи халифаси, асл номи Саид Аҳмад.

САЙФИДДИН ФАЛДУН — Мамлуқлар сулоласига мансуб Миср малики. Ҳақиқий исми ал-Мансур Сайфиддин қалавун (фалдун эмас) ал-Алфий (1200—1290)

САЙФУДДИН КАРДОР — Миср подшоҳи (1200—1218) Рошидуддин уни Бундуқдор деб атаган.

«САЙФУДДИН ЎҒРОҚ БИЛАН ҲАЗОРА ОМИРИ ЎРТАСИДА ТОРТИШУВ БЎЛИБ...» — Бу ерда гап Султон Жалолоддин хизматида бўлган туркман амирлари Хор Малик (Марв ҳокими) ва Сайфиддин Ўғроқ хусусида бораётир. Ҳар икки амир ўртасида чиққан низога арабий от сабаб бўлган.

«80 КЕМА» — Рашидуддиннинг китобида 12 кема.

САЛЖУҚИЙЛАР — 1038—1194 йиллари Эрон билан Ироқни идора қилган сулола. Сулола асосчиси Рукнуддун ва-д-дин Тўғрил I (1038—1063)

САЛМОН — Машҳур шоир Салмон Соважий (тахм. 1300—1375)нинг «Тарихи арбаъ улус»да (в. 151 а) тилга олинган ва вазири Хожа Ғиёсиддинга аталган «Шамсия шарҳи» ва «Тарих-и гузида» китоблари бизга маълум эмас.

САЛОҲИДДИН ЮСУФ ИБН АЙЮБ — Айюбийлар сулоласига мансуб сўнги ҳукмдор ал-малик ан-Носир II Салоҳиддин (648 (1250) — 658 (1260)).

САМУР — кундуз, кундуз териси.

САМУРИЙ ЖУББА — кундуз терисидан тикилган пўстин.

САНГУР — Чингизхоннинг амирларидан. Рашидуддиннинг китобида Сақу.

САРАНДИБ — Силон (Шейлон) оролининг ўрта асрлардаги номи.

САРАХС — Тажан дарёсининг ўрта оқимида, Эрон билан Трукманистон чегарасида жойлашган ўрта аср шаҳари.

САРИПУЛ — Самарқандга қарашли шаҳарча. Каттақўрғоннинг шарқий-шимолий тарафида шаҳардан тахминан олти фарсах масофада жойлашган.

САРОЙ ШАҲАРИ — Сарой Боту назарда тутилади. Бу шаҳар Ботухон тарафидан бино қилинган.

САРОЙЧИҚ — Олтин ўрда шаҳарларидан. Қуйи Волга билан Хоразм ўртасидаги савдо йўлида, ҳозирги Қозоғистоннинг Гурьев вилояти Махамбет ноҳиясида жойлашган шаҳар. 1395 йили Амир Темур қўшинлари тарафидан бузиб ташланган. Кейинча тикланган ва Нўғай ўрдасининг маркази ҳисобланган. 1580 йили рус казаклари тарафидан бузиб тушланган.

САФИЙ АЛЛОҲ — Аллоҳнинг соф табиатли, соф виждонли бандаси.

САЪД ИБН ЗАНГИЙ — Форс ҳокими — тўла исми Музаффариддин Саъд ибн Занги — форс отабеги. Туғилган ва вафот қилган йили маълум эмас. Рашидуддин унинг Байзо шаҳарида вафот топганини айтади.

СЕЙСТОН — Эроннинг Афғонистон билан чегарадош шарқий вилояти.

СИДРАТУЛМУНТАҲО — ривоятларга кўра Еттинчи осмонда ўсадиган бир улкан дарахт номи.

СИЖИЛЛИЙ (сижиллот) — қози тарафидан берилган васиқа, ҳукмнома, махсус дафтар.

СИМОК (Ромих) — Асад буржида жойлашган бир ёруғ юлдуз номи (Арқтур).

СИМУРҒ — бир мавҳум қуш номи. У анқо ва Хумо номлари билан ҳам машҳур. Айтишларича у Коф тоғида истиқомат қилармиш.

СИНЖОБИЙ ЖУББА — Қизил тулки терисидан тикилган пўстин.

СИНҚИРОН — Рашидуддиннинг китобида Сиржон. Сиржон Қирмоннинг катта шаҳарларидан бири, Форс билан чегарадош. Харобалари ҳозир ҳам (Саидободнинг шарқий тарафида) мавжуд.

СИҒНОҚ (Суноқ қўрғон) — Сирдарёнинг ўнг соҳилида жойлашган йирик ўрта аср шаҳари. XIV — XV асрларда Оқ ўрда ва кўчманчи ўзбеклар давлатининг пойтахти. Харобалари Туман ариқ темир йўл бекатининг шимолида, ундан 18 км, масофада жойлашган.

СОМ — Юқорида номи тилга олиган Систонлик паҳлавон Золи Зорийнинг ўғли. Онаси Рудоба Қобул подшосининг қизи бўлган. Сом Исфандиёр устидан ғалаба қилган; Фирдавсий «Шахнома»сининг асосий қахрамонларидан бири.

СОҲИБ ИХТИЁР (араб.) — Тўлиқ ихтиёрли, том ҳуқуқли. Маҳмуд Ялавоч ва унинг ўғли Масъудбекга берилган унвон. Улар ўз вақтида (XIII а.) Чиғатой улусига соҳиб ихтиёр эдилар.

СУВИДОЙ БАҲОДИР — Чингизхоннинг йирик саркардаларидан: сафдоши. Тўғриси Субздай баҳодир.

СУГОЙ БАҲОДИР — Шахсини аниқлаб бўлмади. Рашидиддиннинг китобида Темучиндан юз ўғириб, тойжнут қабилиси тарафига ўтиб кетган амирнинг исми Торғутой қирилтик.

СУЛТОН АҲМАД ИБН СУЛТОН УВАЙСИ ЖАЛОИР — Ирок Курдистон ва Озарбойжонда 1336—1432 йиллари ҳукмронлик қилган сулоладан чиққан тўртинчи ҳукмдор (1382).

СУЛТОН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ — Ануштегин Фарча авлодидан бўлган Хоразм подшоҳи Алоуддин Муҳаммад (1200—1220). Чингизхон тарафидан мағлуб этилган.

СУЛТОН САНЖАР — Салжукийлар сулоласидан машҳур султон 1097—1118 йилларда Хуросон ҳокими; 1118—1157 йилларда Салжук давлатининг олий ҳукмдори.

«(СУЛТОН) ҚАДИМДАН МАЛИКЛАР АВЛОДИДАН БЎЛГАН МАЛИК НОСИРИДДИН ҲАЗОРАСПИЙНИ ЭЛЧИ ҚИЛИБ ЮБОРДИ» — Аслида Лур ҳокими Малик Носириддин Хазараспий Хоразмшох тарафидан маслаҳат учун чакирилган. Хусусан Рашидуддиннинг китобидан шундай дейилган.

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН МЕНКБУРНИ-ХОРАЗМШОҲ — (1220—1231) кўрқоқ ва ташаббуссиз Алоуддин Муҳаммаднинг ўғли, мўғулларга қарши қаҳрамонона кураш олиб борган қаҳрамон саркарда.

СУЛТОН МАҲМУД ИБН САБУҚТЕГИН — Машҳур саркарда ва давлат арбоби Ямин уд-давла Султон Маҳмуд Ғазнавий (998—1030).

«СУЛТОН МУҲАММАД ЎЗБЕКХОННИНГ ИСЛОМДАН АВВАЛГИ ПОДШОЛИГИНИНГ МУДДАТИ САККИЗ ЙИЛ, ИСЛОМДАН КЕЙИНГИСИ ЭСА ЎТТИЗ ЙИЛ ЭДИ» — бу ерда ноаниқлик бор. Аслида Ўзбекхон ҳаммаси бўлиб ўттиз йил (1312—1342) подшолик қилган.

СУЛТОН УВАЙС — Ирок, Курдистон ва Озарбайжонни 1336—1432 йиллари идора қилган жалоирийлар сулоласидан чиққан иккинчи ҳукмдор (1356—1374)

СУЛТОН УСМОН — Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрдаги (Самарқанддаги) ҳукмдори (1204—1211).

СУЛТОНХОН МАЛИК — Рашидуддиннинг китобида Хон малик.

СУЛУК (араб.) — Подшоҳлар ва хонларга яхши йўл тутиши учун йўл-йўрик. Тасаввуфда дарвишлик, тарки дунё қилиб кун кечирish йўл-йўриги.

СУРАТ БАНДАРИ — Ҳиндистон я-о нинг ғарбий тарафида, Араб денгизидаги порт шаҳар.

СУРАЙЁ (араб.) — Хулқар юлдузи. Абу Райҳон Берунийнинг сўзларига қараганда, Сурайё Ойнинг учинчи манзили бўлиб, олти юлдузнинг жамъидан иборат. Мунажжимлар Сурайёни кишига бахт-саодат келтирувчи юлдуз деб таърифлайдилар. Беруний ҳам шу фикрни қўлайди.

СУРЕНИЙ ТИЛИ — Сурияликлар (шомликлар) тили; араб тилининг қадимий лаҳжаларидан.

СУРУВҚАД — Тўғриси Суркакдуку.

СУЮРҒОЛ (турк-мўғ.) — Инъом, мукофот. Шаҳзодалар, амирлар ва боёнларга тожу тахт олдига кўрсатган катта хизматлари учун хон ёки подшоҳ тарафидан қилинадиган катта инъом, ер-сув, мулк ва ҳ. к. Темурийлар замонида (XIV — XV а) Мовароуннаҳр ва Эронда кенг тарқалган.

СУЮРҒОМИШИ — Подшоҳ, хоннинг махсус сийлашларига мушарраф бўлиш.

СУҒЧОҚ — Халокухоннинг ишончли амирларидан. Рашидуддин уни Сунчоқ оға деб атайди.

ТАБАРЗИН — Ўрта асрларда урушда ишлатилган дастаси узун болтага ўхшаш бир ҳарбий қурол номи.

ТАВОЧИ (турк.) — Ўрта аср феодал хонликларида нуфузди манзабдорлардан бири. Унинг зиммасига вилоятларга бориб қўшин тўплаш, ҳарбий юриш вақтида қўшинларнинг тўхташ ўрнини белгилаш; қўшинни кўрикка

ҳозирлаш, хавф-хатар вақтида теварак-атроф халқини қалъа ичкарасига кўчиртириш, ҳукуматнинг махсус иншоотлари қурилиши устидан назорат қилиш, жазо чораларини назорат қилиш каби вазифалари юклатилган.

ТАВҲИД САҲБОСИ — Тавҳиднинг қизил майи. Сўфийларнинг ҳақиқатга етишиш, руҳининг илоҳий руҳ билан кўшилиб кетиши, яъни худога етишиш (сўфийликнинг бешинчи даври) чоғидаги кайфияти.

ТАКАС — Тўғриси Макас — Мўқша.

ТАНСИҚ (тансуқ: қўпличи: тансуқот) — камёб қимматли нарсалар (матолар, буюмлар, кийим-кечак ва х. к.). Подшоҳ ва хонларга маҳаллий ҳукмдорлар тарафидан қилинадиган тортиқ, инъом.

ТАНУРА — Темирчилар иш вақтида олдига тутадиган фартук.

ТАНҲУТ МАМЛАКАТЛАРИ — Хитой халқ республикасининг Ганьсу ва Шаньси вилоятининг ғарбий қисмида 982—1227 йиллар орасида ҳукм сурган давлат. Хитой манбаларида Си Ся деб аталган.

ТАРҲОН — Мўғуллар ва Темурийлар даврида тожу тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматлари учун алоҳида имтиёзга (хон ҳузурига бемалол кира олиш, солиқлардан озод этилган ва тўққиз мартагача жинояти кечирилган, ўлжа ҳам ўзига ҳечким даҳддор эмас, авлоди ҳам солиқлардан озод) эга бўлган амир.

«**ТАСЛУН ОРОЛЛАРИДАН БИРИ**» — Абескун оролларида бири.

ТАРОЗ (талос) — қадимий савдо марказларида ва мустақкам қалъа. Милоднинг VI асридан маълум Орхун-Енисей битикларида тилга олинади. Авлиё Ота Қозоғистоннинг ҳозирги Жамбул шаҳари) ўрнида бўлган.

ТАШТ — лаган, тоғора. Таштхона — подшоҳнинг кундалик турмуши ва қабул маросими учун зарур бўлган буюмлар омбори. Бошлиғи-меҳтари таштдор деб аталган.

ТАҚНОС — Тўғриси Нангяс.

ТАҲАМТАН (форс) — паҳлавон, баҳодир: Фирдавсий «Шаҳнома»сида куйланган қаҳрамон Рустамга берилган лақаб.

«**ТЕМУР (ТИЛАКХОН ИБН УРУСХОН)** — аниқ маълумотларга кўра, Тўқтоқия ибн Урусхондан кейин тахтга ўлтирган подшоҳнинг исми Темур Малик ибн Урусхон (1375—1376).

ТИББАТ — Тибет, Хитой Халқ республикасига қарашли автоном район. ХХРнинг жануби-ғарбий тарафида, Тибет тоғларида жойлашган: майдони 1,2 млн. кв. км. аҳолиси 1,25 млн. киши.

ТИМҚУР — Рашидуддиннинг китобида тақачак.

ТОБОНГҲОН — Найман подшоҳи. Рашидуддин Тоёнхон деб ёзган.

ТОБЧУ НҲҲН — Мангухон тарафидан Эронни идора қилиш учун жўнатилган ноиб. Рашидуддиннинг китобидан унинг исми Бойжу нўён (йисут қавмидан).

ТОМҒА (Турк) — Турк-мўғул халқлари орасида қабила, уруғ, кейинча давлат рамзи, муҳр.

ТУБИ ДАРАХТИ — Ривоятларга кўра осмоннинг энг юқори еттинчи қаватида ўсадиган афсонавий бир дарахт номи.

ТУЛИ (ТУЛУЙ) — Чингизхоннинг кенжа ўғли. Екэ нўён ва улуг нўён номи билан машҳур бўлган. Отасининг ҳарбий ишлар бўйича бош маслаҳатчи-си бўлиб, унинг ёнида туриб Мовароуннаҳр ва Хуросонни забт этишда қатнашган. Чингизхон вафотидан кейин, то Ўгадайхон тахтга ўтказилгунча давлат тепасида турган, Туғилган йили бизга маълум эмас, Эронни 1256—1353 йилларда идора қилган элхонлар (халқоқийлар) сулоласи мана шу Тулуйхоннинг авлоди ҳисобланади. Ҳижрий 627 йили — Милодий 1229—30 йили Тулуйхон Хитой юришидан қайтишда йўлда касал бўлиб вафот топди.

ТУМИНАХОН (тўғриси Тумбинахон) — Бойсунқурхоннинг ўғли, Чингизхоннинг тўртинчи аждоди.

ТУМО ҲҒИЛ ИБН ЖҮЧИХОН — Жўчиҳоннинг ўн тўрт ўғли орасида шу исмдагиси йўғ. Унинг еттинчи ўғли Бувол бўлса керак.

«**ТУРКЛАР САРҲАДИГА ҚАРАБ БОРДИ**» — бу ерда Сирдарёнинг қуйи оқимида истикомат қилувчи гузлар ҳақида гап боради.

ТУРКЛАР СИПОҲИ — Мўғуллар Хоразмшоҳ орақсидан юборган туман. Улар фақат Олтой туркларидан тузилган эди.

ТУРОНЗАМИН (Туркистон) — Турклар мамлақати.

ТУҚО ИБН ТУЛИХОН — Тўғриси Муқо; Тулиҳоннинг саккизинчи ўғли.

ТҮЛҒУҚ — Гилон амирларидан. Рашидуддин Саълуқ ёзган.

ТҮҚСОБО — Полковник ёки бригада генерали даражасида бўлган ҳарбий мансабдор.

ТҮҚТЕМИР ИБН ҚУДАҒАЙ ИБН ТУРИ — Чигатой улуси тепасида турган ўнинчи хон. Рашидуддин унинг номини бироқ бошқача ёзади: Буқа Темур ибн Қадак Чигатойхоннинг еттинчи ўғли.

ТҮҚТОБОЙХОН ИБН УРУСХОН — Тўғриси Тўқтоқия ибн Урусхон. 1375 йили Оқ Ҷрда тахтида ўлтирган.

ТҮҚҚИЗ САНОҒИ — Турк-мўғул халқлари орасида амалда бўлган одат, яъни ҳада қилинаётган ҳарбир нарсадан тўққизтадан қўйиш (тўққиз нафар от, тўққиз чопон, тўққиз парча баҳмал ва ҳ. к.) одати. Бу одат Ҷрта Осиёнинг айрим жойларида (масалан, конфетдан тўққиз ликобчада, мағиздан — 9, тўққиз хил таом ва ҳ. к.) ҳозир сақланиб қолган. Тарихчи Абулғозихоннинг айтишича бу одат 9 турк ҳокони; Қорахон, Ҷғизхон, Ойхон, Қунхон, Тенгиз ва бошқалар шарафига таъсис этилган.

У СУРУВҚАД ҚАВМИНИНГ БОБОСИДИР — Тўғриси у ва отаси Чарақа Ленгум тойжўит қабиласининг боболаридрлар.

«**У (ЯЪНИ МАНГУ ҚООН) ҚУЙУҚХОНДАН УЧ ЙИЛ КЕЙИН ҲУҚМДОРЛИК ТАХТИГА ҲЛТИРДИ**» — Бу давр ичида, яъни 1249—1251 йиллари унинг онаси Ҷғул Қаймиш ҳукмронлик қилди.

УБАҲ — Хиротга қарашли Чишт (Зириуд) ноҳиясининг маркази.

УЙҒУР — Чингизхон омирларидан бири. Тўғриси Ҳарқай касар.

УЙҒУР ХАТИ — Шарқда энг қадимий ёзувлардан бири.

«**УЛИҚКИ ДИН АРБОБИ**» — Самарқанд қозиси ва шайхулисломии ҳақида гап боради.

УЛЖОМИШИ (турк-мўғ). — хон ҳузурига кирганда бажариладиган расм, қоида.

УЛУН ЯНГА — Ясугой баҳодирнинг катта хотини; Чингизхоннинг онаси, ҳақиқий исми Улун-ака ёки Улун фужин; олқунут қавмидан.

УРОН (эски ўзб.) — жанг пайтида аскарлар тарафида бир-бирларини, йўқотиб ёки адашиб ўлдириб қўймаслик учун қилган махсус чакирик, хайқирик, нидо, шиор, хай-ху.

УФО МАВЗЁИ — Аниқ, ўрнини аниқлаб бўлмади. Асарда баён этилган воқеаларга қараганда (1225 й. юришдан қайтишда Сирдарёнинг ўнг соҳилида ўтказилган ов ва йигинлар) бу мавзё Сайрам яйловларида, ёки унинг атрофида жойлашган бўлиши мумкин.

ФАНОКАС — Тўғриси Фанокат. Сирдарёнинг ўрта оқимида жойлашган ўрта асрларда Хўжанд дарёси, Фанокат дарёси номи билан маълум бўлган.

«**ФАНОКАТ ОҲИДАН ФАНО ЧИҚАРДИ**» — Мўғуллар тарафидан Фанокатда қилинган ёвузликка ишора.

ФАҲРҲУЛМУЛҚ НИЗОМИДДИН АБУЛМАОЛИ ҚОТИБИ ЖОМИЙ, ЗИЁ ВА СИЁУЛМУЛҚ КОФИЙИ УМАР РОЖИЙ — Хоразмшоҳ мўғуллар билан музоқара олиб бориш учун Нишопурда қолдирган элчилари.

ФИРУЗКУҲ — Рай шаҳарининг (Техрон ёнида) шарқий-шимолий тарафида, Дамованд тоғларида, Қумис билан Мозандарон чегарасида жойлашган қалъа-шаҳар.

ХАБТ (араб.) — ақлга футур етиши; янглиши, адашиш, енгилтаклик билан қилинган ҳаракат. Хабти димоғ — ақлдан озич, Хабт ўлмоқ-хато қилмоқ, янглишмоқ.

ХАЛИФАЙИ РОШИДИН — Тўғри йўлдан борган тўрт халифа: Абубакр Сиддик (632—634), Умар ибн ал-Хаттоб (634—644), Усмон ибн Аффон (644—656) ва Али ибн Абу Толиб (656—661).

ХАЛИФА МУЪТАСИМ БИЛЛОҲ — Аббония сулоласига мансуб Халифа (1242—1258).

ХАЛИФА НОСИР — Аббосийлар сулоласининг сўнги намоёндаларидан бири ан-Носир (1180—1225).

ҲАНЖУ — тўғриси Хань-Чжоу. Хитойнинг Чжэцзян вилоятига қарашли шаҳар. Жанубий Сунь подишоҳларининг пойтахти. Кинсай деб ҳам аталган.

ХОЖА БАҲОУДДИН МУҲАММАД — Исфаҳонда золимлик қилган Хожа Шамсуддин Муҳаммад соҳиб девоннинг (1284 йили Элхон Арғунхоннинг амри билан қатл этилган)нинг иниси.

ХОЖА НОСИРУДДИН ТУСИЙ — Эроннинг XIII асрда ўтган йирик комусий олими; Машхур Мароға расадхонасининг муассиси (1201—1274).

ХОЖА РАШИДУДДИН ТАБИБ (1247—1318) — йирик тарихчи олим ва йирик давлат арбоби. Элхонлардан Ҳозонхон (1295—1304), Ўлжайтухон (1304—1317) ва Абу Саъидхон (1317—1335) ларнинг вазири. Ўлжайтухонни заҳарлаб ўлдирилганликда айбланиб, 1318 йили Абу Саъидхоннинг амри билан қатл этилган.

ХОЖА САДРИДДИН ЗИНЖОНИЙ — Сўз Абақохон (1265—1282) нинг вазири Садриддин Занжоний (Садри жаҳон) ҳақида бораётир.

ХОЖА ШАМСУДДИН МУҲАММАД ЖУВАЙНИЙ — Машхур тарихчи Алоуддин Муҳаммад (1226—1283)нинг акаси; 1262—1283 йиллари Элхонлар, Ҳалоқухон (1256—1265) ва Абақохон (1265—1282) лар саройида соҳиб девон лавозимида хизмат қилган.

ХОЖА ҒИЁСИДДИН МУҲАММАД — Рашидуддин табибининг тўнғич ўғли. 1327—1335 йиллари Элхон Абу Саъид (1317—1335)нинг вазири бўлган.

ХОЛИДАТ ОРОЛЛАРИ (Жазоир ал-холидат) — Африканинг ғарбий тарафида, Атлантика океанида жойлашган олти орол. Унда одам истиқомат қилган, шунинг учун ўрта аср ҳуғрофия олимлари бу оролларни «абдий ороллар», «хузур-халоватда истиқомат қилувчилар ороллари», «бахтиёр одамлар ороли» деб ҳам атаганлар.

ХОНБАЛИҚ (мўғ.) — хон-балиқ-шаҳар; хон шаҳари. Хитойнинг мўғуллар ҳукмронлиги, яъни Юань сулоласи (1260—1368) давридаги пойтахти.

ХОРАЗМШОҲ — бу ерда ноаниқлик рўй берган. Исмоилийлар ҳукмдорининг ҳақиқий исми Хуршоҳ (Рукниддин ибн Алоуддин).

ҲУБИЛОЙ — Тулихоннинг тўртчи ўғли: шимолий Хитойни 1260—1294 йиллари идора қилган, ҳукмдор.

ХУЖАСТА — қутлуг, муборак, бахтли.

ХУЛАФОЙИ САЛОСИЯ (араб.) — уч халифалик: халифайи Рошидин (632—661) Умавия Халифалари (661—750), Аббосийлар (750—1258).

ХУМ — катта ноғора.

ХУМИС-ШАҲАРИ — Аббособод (Хуросоннинг Ғарбий ҳудудида жойлашган мавзеъ) билан Лосжирд (Рай вилоятида) оролидаги юрт Бир вақтлар Қумис Бувайхийлар қўлида бўлган, маълум вақт Сомонийларга хирожнинг бир қисмини бериб турган.

ХУР — тўғриси Маликфур (Маликнур) — Панжоб вилоятига тобё шаҳар.

ХУРБАХТ ВИЛОЯТИ — тўғриси Ханжин. Шимолий Хитойни мўғуллар ўрта асрларда шу ном билан атаганлар.

ХУРЧА ВА ТЕКЭС — аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Чингизхоннинг расмий тарихларида, хусусан Рашидуддиннинг китобида, келтирилган маълумотларга қараганда улуғ жаҳонгирнинг бу сўнги юриши Нангач (Нянгач) мамлакати устига 623 (1226) йили қилинган. Бу мамлакат Журже билан Тангут ораллигида жойлашган. Чамаси Тангутнинг сарҳад вилоятлари ҳақида гап бораётган бўлиши керак.

ХУТБА (ар.) — 1. Подшоҳнинг тахтга ўлтириши муносабати билан жумъа кунлари масжидда хатиб (хутба ўқувчи) тарафидан ўқиладиган диний ва ҳаётий мавзудан панд насиҳат; 2) жумъа ва ҳайит намозларида хатиб тарафидан шу мазмунда ўқилган панд-насиҳат; 3) китоб бошидаги ҳамду сано.

ХУШҲОР ДАРЁСИ — Қашқадарёнинг қадимий номларидан бири.

ХҲК ЙИЛИ — Тўнғиз йили.

ЧАКАНДУ — Дули шанг (Дяо-юй-шань) — Хитойнинг Сичуань ўлкасига қарашли, фок цзян ва Цзя-лин-цзян дарёларининг қўшилиш жойида ўрнашган шаҳар. Ҳозир Хэ-Чуань деб аталади.

ЧАНХУ — Қорамурэн (Хуанхэ) дарёсининг қадимги номларидан бири.

ЧАРХ — Гилдирак, айланувчи осмон, тақдир, толеъ. Бу ерда — қалъа девори устига ўрнатилган махсус қурилма.

ЧАҚЧАРОН — Аниқ ўрнини белгилаб бўлмади. Маҳмуд ибн Вали («Баҳр ул-асрор» китобининг муаллифи) уни Хирот вилоятида қарашли Жорош, Зобулистон билан бирга тилга олади. Шунга қараб, Чакчаронни Хирот вилоятининг жанубий-шарқий, ҳудуда, Забулистон чегарасида жойлашган, деб таҳмин қилиш мумкин.

ЧАК ҚОЯКИ — Қояли бўлса керак. Ила дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳар, Қозоғистонга қарашли Толдиқурғон шаҳарининг жануби-ғарбий тарафида, ундан 18 км. масофада жойлашган.

ЧЕКАНДУ — Жунду (Хонбалик).

ЧИГИЛ — Ўрта асрларда Уйғуристонга қарам бўлган шаҳар. Маҳмуд ибн Вали («Баҳр ул-асрор» муаллифи) унинг олтинчи иқлимга кирган турк шаҳарларидан бўлиб, ҳалқи зийрак ва меҳнатқашлиги, у ерда мушкнинг бир хил тоза наъби борлигини айтади.

ЧИН ВА МОЧИН — Жанубий ва Шимолий Хитой.

ЧИНГДОВУЛ (чингдовул) — қўшиннинг дум қисми, аръергард,

ЧИНГИЗХОННИНГ ШИМОЛИЙ АФҒОНИСТОНДАН АСЛ ЮРТИГА ҚАЙТИШИ. Ҳижрий 621 (милодий 1224) йил бўлган. Чингизхон ҳижрий 624 й. тўнғиз йили (22 декабрь 1226—11 ноябрь 1227 й.) Нангясга бораётиб йўлда вафот этган.

«(ЧИНГИЗХОН) ўзининг тахтгоҳи бўлган Хонболиқ ўрдусига етиб келди)» — бу ерда қандайдир англашилмовчилик бор. Хонбалиқ Хитойда, ҳозирги Пекин атрофида жойлашган шаҳар. Чингизхоннинг тахтгоҳи Қорамурэн дарёси бўйида бўлган. Пойтахти эса Келурон ва Қоракўрумда бўлган.

ЧИНДУ ШАҲАРИ — Тўғриси Жунду. Ҳозирги Пекин ўрнида бўлган қадимий шаҳар, Хитойнинг ўша вақтдаги пойтахти.

ЧИЮТ — тўғриси жиян. Макрит қабиласига тегишли уруғлардан бирининг номи,

ЧИЮҒЛАР — Котибнинг хатоси ёки бошқа англашилмовчилик юз берган. Чигиллар бўлса эҳтимол.

ЧИШТ — қ. Убаҳ.

ЧИҒАТОЙ — Чингизхоннинг иккинчи ўғли. Чиғатой улусининг биринчи ҳукмдори (1227—1241) «Унинг (Чиғатойхоннинг) 11 ўғли бўлган. Аммо вафоти пайтидан ўн нафари ҳаёт бўлган. Ўлган ўғлининг номи Бойкон бўлган. Қолганларининг исми; Ясу Мунко, Манукон, Бойдор, Сорбон, Тўлкон, Бўзи, Бўлкон, Нури, Камкор, Тўқизорхон». Рашидуддиннинг

маълумотига қараганда Чигатойхоннинг ҳаммаси бўлиб саккиз ўғли бўлган: Мутугэн, Мужи Яйа, Белкеши, Сарабон, Есу Мунка, Пойдор. Еттинчи ва саккизинчи ўғилларининг номи аниқланмаган (Жомеъ ўт-таворих, 2-жилд, М. Л. 1960, 88—89-бетлар).

ЧОВ — қоғоз пул.

ШАБИХУН — Ҳарбий юриш вақтида тунда йўл устидаги, ёки қамалда турган шаҳар атрофидаги қишлоқлар устига, шунингдек душман турган манзилга тунда тўсатдан қилинган ҳужум.

ШАЙХ МАЖДИДДИН БАҒДОДИЙ — XII аср охири ва XIII аср бошларида ўтган сўфий шоир ва табиб, асли Хоразмнинг Бағдод қишлоғидан, машҳур шайх Нажмиддин Кубро (1145—1221)нинг шогирдлари жумласидан; 1216 йили хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг амри билан қатл қилинган.

ШАЙХ НАЖМИДДИН КУБРО — Хоразмлик машҳур шайх (1145—1221) Кубравия тарикатининг асосчиси; 1221 йили мўғуллар Урганчи қамал қилган вақтда ҳалок бўлган.

ШАЙҚУНОҚ ТЕГИН — Тўғриси Сукноқ тегин. Масалан, Рашидуддиннинг китобида шундай ёзилган.

ШАМАҲА — Ширвон (қ.) вилоятининг маъмурий-сиёсий маркази.

ШАНБИ ҲОЗОНИЙ — Табризнинг машҳур гузарларидан. Уни Элхон Ҳозонхон (1295—1304) қурдирган.

ШАРАКИ — Мангу қоон, Бу ўғлининг ҳақиқий исми Широки (Шириги).

ШАСТ — Қоман ўқини тортишда бош бармоққа тақиладиган ҳалқа.
«ШАҲАНШОҲ КЎНҒУРДАН СЎРАДИ» — аслида Кутуку нўёндан сўраган. Ўнғур бовурчи билан Ҳаркай касар Олтонхон ҳазиначининг порасини олишган. Бу хусусда Рашидуддиннинг китобида айнан шундай дейилган.

ШАҲЗОДА БАШМУТ ИБН ҲАЛОКУХОН — Рашидуддиннинг китобида у Юшумут деб аталган.

ШАҲЗОДА БУҚО — Олтин Ўрданинг кўзга кўринган саркардаларидан бири. Унинг асл исми Рашидуддиннинг китобида жуда тўғри айтилганидек, Нуқай (Нўғай).

ШАҲРИСТОН (форс) — ўрта асрларда шаҳарнинг мустақкамланган ичкари қисми; шаҳар кўрғони.

ШЕРОЗ — Самарқанднинг шимолий тарафида, ундан 4 форсах нарида жойлашган, катта қишлоқ; Амир Темур тарафидан Бузмажон қишлоғи ўрнида бино қилинган.

ШЕҚИНОҚ — Тўғриси Сиғноқ, Сиғноқ ота.

ШИБИРҲОН (Шапурхон) — Қадим Афғонистонда Жузжон вилоятининг марказий шаҳари X асрдан катта шаҳар бўлган, XVI—XVIII асрнинг I ярмида асрларда Балх хонлигига қараган ва шу номли вилоятнинг маъмурий-сиёсий маркази бўлган.

ШИЙДАРҚУН — Тангут (пойтахти Қолдин) ҳукмдори. Рашидуддиннинг китобида Шидирку, мўғулларнинг «Махфий дoston» да Шидурху деб ёзилган,

ШИНГУН — Кероитлар подшоси Ўнхоннинг ўғли. Рашидуддин Сангун ёзган.

ШИРВОН — Кура дарёсининг шимолий тарафида, Каспий денгизи соҳилида жойлашган катта вилоят, ўрта асрларда мустақил хонлик (Ширвоншоҳлар хонлиги).

ШИРК — бир неча худога эътиқод қилиш, политеизм.

ШИРОЗ — Ўрта асрларда Жанубий Эрон, яъни Форс вилоятининг маъмурий-сиёсий маркази. Ўз вақтида Солғурийлар (1148—1287), инжу сулоласи ва Музаффарийлар (1313—1393) нинг пойтахти бўлган.

ШИҚНОҚ ИБН ЖЎЧИХОН — Жўчихоннинг 14 нафар ўғли орасида шу исмлисини учратмадик. Фикримча бу ерда унинг тўққизинчи ўғли Шинқур назарда тутилаётган бўлса керак.

ШОМУҚА — Чингизхоннинг туман амирларидан. Асл исми САмуқа баҳодир; солжуют қабиласидан.

ШОФАЛОН — Ҳиротга тобеъ бўлган ва унинг шарқи-жанубий тарафида жойлашган вилоят.

ШОҲ ШУЖАЪ — Жанубий Эронда ҳукмронлик қилган Музаффарийлар сулоласидан чиққан бешинчи ҳукмдор (1364—1384).

ШУҚУРЧИ (Турк) — Хон, вазир, амир ва бошқа олий даражадаги шахсларнинг ёнида соябон кўтариб юрвчи хос хизматкор.

«Шундай қилиб унинг (Мангу Қооннинг) тахтга ўтириши тўрт йил орқага сурилди» — аслида уч йил (1249—1251 й.).

ШУНҚОР ҚИЛГАНЛАРИДАН СЎНГ — Ўлдирганларидан сўнг.

ШУШТАР (ШУСТЕР) — Қорун дарёсининг бош қисмида Хузистон вилоятида жойлашган катта шаҳар ва қалъа.

ЭЛ-АРСЛОН ИБН АШПАР — Ануштегинийлар сулоласидан чиққан Хоразм подшоиси (1156—1172). Лекин отасининг исми Ашпар эмас, Отсиз (Алоуддин Отсиз).

ЭЛ ТАНГУТ — Тангут эли, яъни Си Ся мамлакати, халқи, Тангут (Си Ся) мамлакати.

ЭЛХОНИЙ ЛАШКАРИ — Эрон элхонийлари (мўғуллар) лашкари:

ЭЛХОНИ СОНИЙ — Абакахон (1265—1282) га берилган нисбат.

ЭМИЛ (Имил) — Ила дарёси ноҳиясида, ҳозирги Чуғучақга яқин бўлган ўрта аср шаҳари. Қорахитойлар замонида қурилган. Изи сақланмаган.

ЮЗГАНД — Рашидуддиннинг китобида Ўзганд. Фарғонанинг қадимий шаҳарларидан бири. Қорахонийларнинг Ўрта Осиёдаги пойтахти.

ЮРГИН — Тўғриси Жиркин. Кераит хони Ўнхонга тобеъ бўлган туркий — забон қабилалардан бири.

ЯМИНУ ЯСОР (араб.) — Ўнгу сўл.

ЯРҒУ (ЕРҒУ) — ҳукм чиқариш, жазолаш.

ЯСО — Чингизхон замонида жорий этилган қонун-қоида. Ясовул фуқаро Ясога қандай амал қилаётганини назорат қилиб турувчи кичик мансабдор. Ясовулбоши — ясовуллар бошлиғи.

ЯСОВ (ЯСОЛ) — кўшинни кўриш учун сафга тизилиши.

ЯСОҚ (ЁСОҚ) — қарор, тартиб, қонун. Ясоққа еткурмоқ — жазога тортмоқ, жазоламоқ.

ЯСОВУЛ (ЁСОВУЛ) — Турк-мўғул хонлари саройида кичик лавозим эгаси, хоннинг ёсо ва Юсун асосида қилган амр-фармонларини ижро этувчи.

ЯСОВУР ЎҒЛОН — Чингизхон кўшинининг сўл қаноти ҳазора (минг) амирларидан.

ЯСУНТОЙ ИБН ЧИҒАТОЙХОН — тўғриси Иису-Мункэ ибн Чигатойхон.

ЯЪЖУЖ ВА МАЪЖУЖ — ривоятларда айтилишича хунук башара, баҳайбат, учраган ҳамма нарсани нобуд қилувчи одамхўр бир махлук.

ЯҒЛИ ҚУЁНГ — Чингизхоннинг олий даражадаги мансабдорларидан. Асл номи Муқали Гойон.

ЯҲЁ САРБАДОР — Амир Яҳё Курробий, Сарбадорлар (1336—1381) нинг тўртинчи ҳукмдори (1358 йили фитначилар тарафидан ўлдирилган).

ЯҲУДИЙ САЪДУДДАВЛА — Элхон Аргунхон (1284—1291) нинг вазири.

УГАДАЙ ҚООН — «ТАРИХ-и АРБАЪ УЛУС» бўйича барс йили, яъни 639 йили — милодий 1241—42 йили вафот этган «Тарих-и жаҳонкушой» муаллифи Алоуддин Отамалик Жувайнинг маълумотларига қараганда, бу воқеа хижрий 639 йил жумоди ал-аввал ойининг 5-куни (милодий 1241 йил 11 ноябрь) да содир бўлган.

УЗБЕКХОН — Олтин Ўрда хони (1312—1342).

УКЧИ — Ясугай баҳодирнинг тўртинчи ўғли. Тўғри исми — Тоमुка отчигин. Тоमुка — исми, отчигин — лақаби. Маъноси юрт ва ўчоқ соҳиби.

ЎЛЖОМИШ ВА ТОВАУ (турк.) — Хон хузурига кирганда тиз чўкиб таъзим бажо келтириш расми.

ЎЛЖАМИШИ ҚИЛМОҚ — Олинган ўлжаларни хонга кўрсатмоқ, топширмоқ.

УЛЖОЙТУХОН — Ҳақиқий исми Муҳаммад Худобанда, Элхон (1304—1317).

«ЎН БЕШИНЧИ ХОН МУСОХОН ИБН АЛИДИР» — Хато, тўғриси ўнбиринчи хон (1336).

ЎРДУ — ўрта асрларда турк-мўғул халқлари орасида хон қароргоҳи.

ЎТОРУД (АТОРУД) — Меркурий сайёраси. Ривоятларга қараганда у ёзувчиларга хомийлик қилган.

ЎТРОР — йирик ўрта аср шаҳари. Қадимий номи **Фороб**, Сирдарёнинг ўнг соҳилида унга Арис сойи келиб қўшиладиган ерда жойлашган. Ҳозирги Темурлановка темир йўл бекати ўрнида бўлган. Ўтрор Хоразмшоҳлар давлатининг шимолий сарҳади ҳисобланган.

ҚАБО — Жубба (совут) остидан кийиладиган узун уст кийими. Шохлик қабоси подшоҳларнинг шундай кийими.

ҚАБОЛИҚ — Қоялиқ бўлса керак.

ҚАБАҚЛИЛАР — ўғуз (туркман) қабилаларидан ёки умуман туркманлар назарда тутиладиган бўлиши керак.

ҚАЙҚУР НҲЁН — Рашидуддиннинг китобида (Шиқи) Қутуку нўён.

ҚАЛБ (араб.) — Юрак, дил. Бу ерда армиянинг марказ қисми.

ҚАЛОЧИН — Керойит улусидаги бир мавзё. Рашидуддиннинг китобида қалаолчин элат.

ҚАМУРҒА — Жирға; шоҳ ва шаҳзодалар ов қилиши учун лашкар ёки мулозимлар томонидан шовқин-сурон билан муайян кенгликка ўраб олиш.

КИНУҚО НҲЁН — Рашидуддиннинг китобида — Қитбуко нўён.

ҚИРОН (араб.) — Яқинлашиш, бирлашиш; икки юлдуз (сайёра) нинг бир буржда учрашиши. Соҳибқирон — икки юлдуз (сайёра) нинг бир буржда учрашган вақтда туғилган бола. Бундай бола бахтлиқ-тахтлиқ бўлади, дейилган эътиқод бор, бахтиёр, бахту тахтга эришган: жаҳонгир. Чингизхон, Амир Темур ва Шайбоний Абдуллахонга берилган лақаб.

«ҚИШ ФАСЛИ КЕЛГАЧ...» 621 (1224) йил декабрь.

ҚИШЛИҚ — бу қабила ҳаммаълум эмас.

ҚОДИРУЛ-ИТТИЛОҚ — озодлик бахт этувчи қудратли тангри, Аллоҳ.

ҚОПҚАН — Тўғриси катақин. Туркларнинг афсонавий онаси Аланқувадан тарқалган ўн олти уруғ (қабила)дан бири.

ҚОРА МУҲАММАД ТУРКМАН — Озарбойжон ва Ироқда 1380—1468 йиллари ҳукмронлик қилган қора қуюнлу сулоласининг асосчиси ва биринчи подшоси (1380—1389). Тўла исми «Қора Муҳаммад Турмуш».

ҚОРА ҲАЛОКУ ИБН БОЙҚОН — Чиғатой улусининг иккинчи ҳукмдори (1241—1247) Рашидуддиннинг китоби бўйича Қора Ҳалоку ибн Мутугэн. Менимча Бойқон Мутугэннинг лақаби бўлиши керак.

ҚОРАБОҒ — Аррон мамлакатига қарашли вилоят.

ҚОРА ХИТОЙ — Марказий ва Ўрта Осиёнинг катта қисми устидан ҳукмронлик қилган сулола (1140—1213)

ҚОРАҚУРУМ — Ўрхун дарёси (Мўғулистон) бўйида жойлашган ўрта аср шаҳари 1230—1260 йиллари мўғул қонлар ва улус ҳокимлари турган жой. XV асрдан ўз мавқеини йўқотган.

ҚОРАҲОЖА — Уйғуристоннинг ўрта асрлардаги катта шаҳарларидан бири. Кейинча КУЧА аталган. Идиқут шаҳри ёнида бўлган.

ҚОРОЧОР НҲЁН — 618 йил рамазон ойининг жумъа куни (1221 йил 22 октябрь куни) Нишопур қамали вақтида ҳалок бўлди.

ҚОРУРА — Ёнувчи модда солинган идиш.

ҚОҶҒУН — Ясугай баҳодирнинг учинчи ўғли. Рашидуддинда Қочиюн.

КОЯЛИФ — Или дарёси ҳавзасида жойлашган йирик ўрта аср шаҳари.

КОЯЛИФ — Или воҳасида жойлашган ўрта аср шаҳари. XII — XIII аср бошида найманларга қарашли бўлган.

КОҚИМ (турк.) — Жубба, яъни ҳашаматли, кенг, узун энгли чопон.

ҚУБИЛОЙ — Улуғ хон (қоон) — Уью (1294)

ҚУЛЗУМ ДАРЁСИ — Каспий денгизининг ўрта асрлардаги номи.

ҚУЛОВУЗ (Каловуз) — етакчи, жосус. Бу ерда йўл бошловчи.

ҚУЛОҚ НУЁН — шахсини аниқлаб бўлмади. Рашидуддин тилга олган журбат қабиласига мансуб Қалиудар бўлса керак.

ҚУМО — Қаңизак.

ҚУПЧУР (турк.) — кўчманчи халқлардан ва қабилалардан ундириладиган солиқ, юз бош ҳайвондан бирини, баъзан қирқдан бирини ташкил этган.

ҚУР (Қурган: *Чигагойча*) — қabila, ҳарбий бўлинма; қабилалар йиғилиши; гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўлтириш.

ҚУРО СУБОНСУ — Рашидуддин Қора Субэгу деб ёзган.

ҚЎЗИ — Тоёнхон бу амирининг исми Қорн Субэчу.

ҚЎНҒОН — Тўғри қўнқутон; Арганақундан чиққан қabila.

ҚЎНҒУРГИН — Аниқлаб бўлмади. Кунқулоғот (Арганақундан чиққан соф мўғул уруғларидан) бўлса эхтимол.

ҚЎРҒОМИШИ — Муҳофаза, чегаралаш, маъмурий бирликларни аниқлаш.

ҒАЗНИН (Ғазна) — Афғонистоннинг қадимий шаҳарларидан, бир вақтлар (977—1186) Ғазнавийлар империясининг пойтахти. Бухоро ва Балх билан Ҳиндистон ўртасидаги қарвон йўлларида бири устида жойлашган. Икки марта: 1148 й. Ғурийлар, 1221 й. Чингизхон қўшинлари тарафидан вайрон қилинган. Ҳаробалари янги Ғазниннинг шимол тарафида.

ҒАЙИРХОН (Йинолчук) — Султон Муҳаммад Хоразмшоҳнинг Ўтрордаги ноиб. Хоразмшоҳнинг онаси Туркан хотунга қариндош бўлган.

ҒУЛ (қул) — Қўшиннинг марказ қисми,

ҒУР — Хирот билан Ғазни оралиғида жойлашган тоғлиқ вилоят. XVII асрда маркази Охангарон қалъаси бўлган,

ҲАЗОРАЛАР — Марказий Афғонистоннинг Ҳазоражот аталмиш тоғлиқ ноҳияларида XIII асрдан бошлаб истикомат қилиб келаётган турк-мўғул халқи. Машҳур афғоншунос олим Д. Е. Снесаревнинг маълумотларига кўра, Ҳазоражот шарқ тарафдан Унаний доवони, Ғарб тарафдан Мурғоб билан Маймана оралиғидаги ноҳиялар билан, шимолда Банди Туркистон тоғлари, жануб тарафда эса Ғазна билан чегарадош бўлган.

ҲАСАН ҲОЖИ — Жўчихоннинг Сиғноққа юборган бу элчиси Рашидуддиннинг китобида Ҳусайн ҳожи деб аталган. Мўғулларнинг Чингизхонга бағишланган бир дostonида — Асан.

ҲАМИД ИБН ПУР (ТОЯНҚУ) — қорахитойларнинг лашкарбошиларидан, кейинча Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг хизматига кирган.

«ҲАРБИР ТИРИК ЖОН УЛИМ МАЗАСИНИ ТОТИБ КЎРУВЧИДИР» — Қуръон, 28-сура, 88-оят.

ҲАФТОН — ўқ ўтказмайдиган ҳарбий кийим.

ҲАЛОКУХОН — Чингизхоннинг набираси, Эрон ва Озарбойжонда Элхонийлар давлатининг асосчиси (1256—1265).

(ҲАЛОКУХОН) «ДИЁРБАҚР ВА ДИЁРИ РОБИЪАНИ ЎША НУЁНГА ТОПШИРДИ» — Бу нўённинг исми Тудоун.

ҲИЖОЗ — Арабистон ярим оролининг ғарбий-шимолий қисми: Макка ва Мадина шаҳарлари жойлашган вилоят.

ҲИЖРИЙ 617 ЙИЛИ — Милодий 1220 йил. Рашидуддиннинг маълумотларига қараганда, Самарқанд фатҳа илон йилида содир бўлган! Илон йили (617 йил) зулжижжа ойига (1221 йил 17 январь — 24 феврал ойлари орасига) тўғри келади.

ҲИЖРИЙ 651 ЙИЛ РАБИ УЛ-АВВАЛ ОЙИ — 1253 йили май ойи.

Рашидуддиннинг сўзига қараганда, Ҳалоқухоннинг Қоон билан хайрлашиб, ўз юртига қайтиши 650 йилнинг Зулжижжа ойида милодий 1253 йил февраль ойида содир бўлган.

ҲИЖРИЙ 708 ЙИЛИ — Милодий 1308—1309 йил. Бу ерда қандайдир англашилмовчилик мавжуд. Бундан олдин баён этилган воқеалар 699 йилга тегишли; тўғриси 700 (1300—1301) йил бўлиши керак. Бундан сал кейинроқда (Ғозонхон лашқарининг МИСр аскарларидан енгилиши) 703 йил ёзилган. Ғозонхон шу воқеадан кейин вафот этган (703 йил шаввол ойининг 10-сида — 1304 йил 16 май куни).

ҲИРОТНИНГ ГАРМСИРИ — Хилманд дарёсининг ўрта оқимида жойлашган ноҳия... **ВА ҲОВЛИСИГА КИРДИЛАР** — бу ерда Султон Синжарнинг Бухородаги машҳур қасри назарда тутилади.

ҲОЖИ ТАРХОН (Ҳаштархон) — Астрахань шаҳари.

ҲОМУН (форс.) — Теп-текис дала, қил, сахро.

Китоб «Камалак» нашриёти билан ҳамкорликда чоп этилди

Литературно-художественное издание

На узбекском языке

МИРЗО УЛУҒБЕК

ИСТОРИЯ ЧЕТЫРЕХ ГОСУДАРСТВ.

Проза

Рассом Солихов У.

Бадиий муҳаррир Муинов О.

Тех. муҳаррир Толочко Е.

ИБ № 0439

Босмаҳонага берилди. 20.08.93. Босишга рухсат этилди. 24.01.94. 84×108¹/32. Форматда
Босмаҳона қоғози. Адабий гарнитур. Босмаҳона усулида. Шартли босма л. 18,48. Шартли
кр.-оттиска 18,75. Нашр л. 21,33. 100000 нусхада. № 4156 буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Чўлпон нашриёти, 700429, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат кўмитаси, ижарадаги Тошкент полиграфкомбинатид
босилди. Тошкент Навоий кўчаси, 30.

Ўз1

У45

Улуғбек, Мирзо.

Тўрт улус тарихи. (Б. Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳла-
ри ва таҳририда; Форс тилидан Б. Аҳмедов ва бошқ. тарж./
— Т.: Чўлпон, 1993—352б.

Улуғбек, Мирзо. История четырех государств.

Ўз1